

# Жаҳон АДАБИЁТИ

*Адабий-бадиий, илмий-публицистик журнал*

1997 йил июндан чиқа бошлаган

№ 11(138)

2008 йил, ноябр

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ  
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА  
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ  
КЕНГАШИ

## МУНДАРИЖА

Эркин ВОҲИДОВ. **Кудратли таянч**.....3

### НАСР

Чингиз АЙТМАТОВ. **Кулаётган тоғлар**. Роман.....6

Ўрхон ПАМУҚ. **Истанбул**. Хотиралар ва шаҳар .....72

Барбара КАРТЛЕНД. **Ройиш рафиқа**. Роман.....131

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Геннадий АЙГИ. **Сукунатнинг нақшин рафтори**.....64

### БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Мақсуд ШАЙХЗОДА. **Шоирлар сайрга чиқади менсиз**.....119

Наим КАРИМОВ. **Шайхзода ва жаҳон адабиёти**.....126

### ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ

Владимир СОЛОВЬЁВ. **Достоевский хотираси**.....195

### АДАБИЙ ЖАРАЁН

Муҳаббат ШАРАФИДДИНОВА. **«Минг бир қиёфа» талқини**.....202

### МОЗИЙДАН САДОЛАР

Наргиза СОБИРОВА. **Маърифат қалдирғочларидан бири**..... 205

ТОШКЕНТ  
НОЯБР

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**

Мирпўлат МИРЗО

**Таҳрир ҳайъати:**

Файзи ШОҲИСМОИЛ  
(масъул котиб)  
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ  
Амир ФАЙЗУЛЛА  
Азиз САИД  
Гулчеҳра МУҲАММАДЖОН

**Жамоатчилик кенгаши:**

Бобур АЛИМОВ  
Эркин ВОҲИДОВ  
Одил ЁҚУБОВ  
Туробжон ЖЎРАЕВ  
Минҳожиддин МИРЗО  
Абдурахим МАННОНОВ  
Абдулла ОРИПОВ  
Азимжон ПАРПИЕВ  
Файрат ШОУМАРОВ  
Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ  
Рустам ҚОСИМОВ  
Рустам ҚУРБОНОВ

Навбатчи муҳаррир А.САИДОВ  
~~Ёлчи А.АЮБОВ~~  
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА  
Мусаҳҳиҳ Д.АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи З.МАННОПОВА

**Жаҳон адабиёти, 11. 2008.**

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

«Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

Таҳририят манзили:  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 244-41-60; 244-41-61; 244-41-62.

Босишга рухсат этилди 20.11. 2008 й. Бичими 70x108 1/16. Газета қоғози. Офсет босма.  
Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.  
Жами 1200 нусха. рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерерида терилиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Гафур Гулом номидаги НМИУда чоп этилди.  
100128, Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

© **Жаҳон адабиёти, 2008 й.**

## Қудратли таянч

Мутолаа ва мушоҳада

**М**устақилликнинг дастлабки йиллари эди. Ҳозирги Оқсарой ўрнида жойлашган мўъжазгина қабуллар уйида Президент Ислам Каримовнинг бир гуруҳ ижодкорлар билан суҳбати бўлиб ўтди.

Уша кунлар мамлакатда вазият анча мураккаб, инқирозга юз тутган иқтисодни тиклаш, аҳолини нон ва энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, ошкора таҳдид солиб турган минг бир хатарнинг олдини олиш керак эди. Очиғи, ижодий суҳбат кўнгилга сигадиغان пайт эмасди.

Мана энди йиллар ўтиб, ғалвир сувдан кўтарилганда у хотирали мулоқотнинг қадри, маънавият ва мафкура мавзусидаги баҳснинг аҳамияти яққол аён бўлади.

Уша суҳбат иштирокчилари Юртбошимиз сўзларини ҳали-ҳамон эслаб юрадилар:

– *Ҳукмрон мафкура энди йўқ. Лекин мафкурасиз жамият бўлмайди, мафкурада эса бўшлиқ бўлмайди. Маърифат эгалламаган онгни жаҳолат эгаллайди.*

– *Иморат қанча баланд қуриладиган бўлса, пойдеворни шунча чуқур олиш керак бўлади. Биз бугун янги, замонавий, демократик жамият асосларини қурмоқдамиз. Илғор давлатлар тажрибаси бизга асқотади. Лекин биз қуражак иморатнинг пойдевори ўзимизнинг азалий қадриятларга қурилса, дейман. Ота-боболаримиз минг йиллар давомида яратган, халқ қалбидан чуқур жой олган маънавий фазилатлар асос бўлса, дейман...*

– *Иқтисодни тиклаш, шаҳар-қишлоқларни обод қилиш ақл ва тадбир билан, ғайрат ва ҳамжиҳатлик билан амалга оширадиган ишлар. Лекин одамлар онгини ўзгартириш янгича дунёқарашни сингдириш мушкул ва мураккаб, узоқ йилларни талаб қиладиган иш. Ана шу ишда сизларнинг ёрдамингиз керак бўлади.*

Бу сўзларнинг айтилганига ўн беш йилдан ошди. Мамлакатимиз бу вақт орасида улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди. Юрт бошқа, тафаккур бошқа, маънавий қадриятларга муносабат бошқа бўлди. Биз кўрмасак қелажак авлодларимиз кўрар дея қилган хаёлларимиз рўёбга чиқди. Ўзбекистон дунёга танилди, ўзбек халқи эгилган қаддини баланд кўтарди.

Агар ўн беш йил илгари биров биздан, орадан кўп ўтмай Москванинг марказида, Токионинг энг сўлим гўшасида бобомиз Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилади, уларнинг очилишида иштирок этасан, деса ишонармидик. Белгияда Ибн Сино, Мисрда Ал-Фарғоний, Латвияда Мирзо Улуғбек сиймоларини кўриш хаёлимизга сизгармиди? Юртнинг бугунги кўрки, бўй-басти, обрў-эътиборини тўлиғича тасаввур этганмидик?

Буларнинг ҳаммаси тинч тараққиётимизни, бунёдкорлик ишларимизни таъминлаб берган оқил сиёсат, биринчи қадамларда

тўғри танланган йўл, эришилган мувозанат натижасидир. Бу эса осонлик билан бўлмаган.

Ўша долғали кунларда, халойиқ турли-туман гуруҳлар қутқуси билан кўчаларга чиққанда, зўравон мафкура қулаб, унинг ўрни хувиллаб қолганда ёлғиз аскар кучига таяниб сиёсат юритиш мумкин эмас эди. Миллатни бирлаштирувчи ғоя, янги мафкура керак эди. Ана шундай мушкул ва мураккаб муаммо қаршида раҳбар ягона ва энг тўғри йўлни тутди. У миллатнинг асл қадриятларига суянди. Халқ табиатида азалан мавжуд бўлган, етмиш йиллик тазйиқ барбод қилолмаган имон-этиқод, диёнат каби маънавий асосларни янги жамиятнинг буюк таянчига айлантирди.

Бу эзгу ва пок қадриятлар ўзининг миллий ва умуминсоний хусусиятлари билан, ҳеч бир дин, ҳеч бир мафкура инкор этиши мумкин бўлмаган чуқур ҳаётий асоси билан кўп миллатли, турлича этиқодли жамиятни бирлаштирган халоскор қудрат бўлди.

“Юксак маънавият – энгилмас куч”. Муҳтарам Президентимизнинг шу ном билан аталган китобини мутолаа қиларканман, мустақил Ўзбекистоннинг яқин тарихи бир-бир кўз олдимдан ўтди. Негаки, китобда тасвир этилган ҳодисаларнинг кўпига ўзим шохид бўлганман, баён қилинган фикрларнинг кўпини муаллифнинг ўз тилидан эшитганман. Улар кеча ё бугун пайдо бўлган фикрлар эмас, балки йиллар давомида йиғилган, жаҳоншумул воқеа ва ҳодисаларга муносабат сифатида, замона кўндаланг қўйган оғриқли саволларга жавоб сифатида туғилган мулоҳазалардир.

1989 йил 19 октябрининг шукуҳли онлари ёдимдан чиқмайди. Ўшанда ватан мустақиллиги йўлидаги илк дадил қадам қўйилган, “Давлат тили тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган эди. Қонунни тайёрлаш жараёнида иштирок этиб, ашаддий курашларга гувоҳ бўлганман. Ҳали эски тузум таъсиридан қутулмаган бир гуруҳ арбоблар ўзбек тилининг давлат тили бўлишига очиқдан-очиқ қарши турдилар. Яна бир гуруҳ давлат тили деб рус ва ўзбек тиллари эълон қилинсин, деган талабни олға сурдилар. Бу мазмундаги қонун лойиҳасини матбуотда муҳокама учун чоп этдилар.

Шундай мураккаб вазиятда Республикамиз раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзбек тилининг давлат мақомини дадил ҳимоя қилган ва юртимизнинг кўп миллатли эканини ҳам ҳисобга олиб, бағрикенглик асосида мукамал ва мувозанатли қонун тайёрлаш ишига бош бўлган эди.

Жасорат ва донишмандликнинг уйғунлиги бўлган бу қонун моҳиятини ўша кезлари англамаганлар кейинроқ тушуниб етдилар. Ўзбекчани билмаганга Ўзбекистонда жой йўқ, дея ҳайқириб юрганлар ҳам ҳовуридан тушдилар.

Миллат қаддини кўтарган ва юртни кўплаб можаролардан, нодир мутахассисларнинг кетиб қолишидан сақлаган ўша тарихий ҳужжат Юртбошимиз раҳбарлигида яратилган миллий қонунчилик мактабининг дастлабки намунаси эди.

1994 йил 22 сентябри. Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлис минбаридан айтган дардли сўзлари ҳали ҳамон ёддан кўтарилмаган:

*“– Ўзингиз ўйлаб кўринглар, азиз дўстлар, мустабид тузум, мустамлакачилик даврида биз ким эдик?”*

*– Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди?*

*– Кабба деб қаерга сиғинар эдик? Ҳар тонг “Ассалом!..” деган мадҳия оҳанглари остида кимларга қуллуқ қилиб уйғонардик?..”*

Айни ўша кунларда собиқ империяни қайта тирилтириш ҳаракати бошланиб кетган, айрим давлат ва жамоат арбоблари турли шакл ва

турли номда шўро давлатини тиклаш таклифини олға сурмоқда эдилар.

Юртбошимизнинг ёрқин ва таъсирли сўзлари, қатъияти ҳаммамизда танлаган йўлимиздан ортга қайтиш йўқ, деган ишончни мустаҳкамлаган эди.

Мустақиллик бизга ҳуррият, ўз тақдиримизга эгалик ҳуқуқи баробарида маънавий аслиятимизни қайтариб берди. “Халқ учун афъундир” дея ҳукм ўқилган динимиз яна маънавий қадриятга айланди, номларини айтиш қатағон бўлган Имом Бухорий, Соҳибқирон Амир Темур, ижоди “реакцион” саналган улуғ шоиру алломаларимиз, руҳлари қувғин бўлган аждодларимиз ватанга қайтдилар.

*“Бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат — бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз”.* Бу ҳаққоний сўзларни мамлакатимиз раҳбарининг ўз фаолиятига, жамиятни янгилаш йўлида амалга ошираётган ишларига тўла-тўқис тадбиқ этиш мумкин.

Ҳинд халқининг улуғ фарзанди, Ҳиндистоннинг биринчи давлат раҳбари, мамлакат мустақиллигини эълон қилган Жаваҳарлаъл Нерунинг “Жаҳон тарихига бир назар” деб аталган китоби бор. Уттизинчи йиллар бошида ёзилган. Гарчи у қизи Индирага мактублар шаклида ёзилган бўлса ҳам аслида барча ҳинд ёшларига, балки бутун жаҳон халқларига муурожаат эди. Дунё тарихини бил, ўзлигингни тани, мустамлакачилик моҳиятини англа, сен — озод инсонсан, деган хитоб эди.

Ҳар бир халқ тарихининг масъулиятли бурилиш нуқталарида огоҳликка чорловчи шундай китобларга эҳтиёж пайдо бўларкан. Бундан ўн йил аввал жаҳон юзини кўрган “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” ана шундай асар эди. Қўлимиздаги китоб асрнинг яна бир машъум хатари, балки қурол, оташ балоларидан ҳам даҳшатлироқ бўлган жаҳоншумул маънавий ҳуруждан огоҳ қилувчи нидодир.

Қарангки, Нерунинг мактублари ёзилганида Индира Ганди ўн етти ёшда экан. Бугун Истиқлол йилида туғилганлар ўн еттига тўлиб ота ўғитлари битилган китобни қабул қилиб олдилар.

Яхши китобни ўқиб тугатган киши, одатда, яйрадим, маза қилдим, роҳат топдим, дейди.

Лекин шундай китоблар борки, уларни мутолаа қилсанг, аксинча оромингни йўқотасан. Улар сени ўйлашга, фикр юритишга мажбур қилади. Кўнгилга юрт ғамини, миллат қайғусини солади.

Англаган кишига бундай қайғу минг китоб роҳатидан афзалдир.

“Юксак маънавият — енгилмас куч” ана шундай нодир китоблар сирасига қиради. Уни тағзаминига етиб ўқиган ҳар бир инсон ўзига саволлар беради. Шу заҳматкаш халқим учун, қурашларда қўлга киритилган Истиқлол учун, келажагини қураётган юртим учун мен нима қилдим, дея ўзидан сўрайди. Бурч туйғуси, қарздорлик ҳисси унга тинчлик бермайди.

Ҳуррият — ор-номус, нафсониятдир,  
Қадрин билган элга мангу ниятдир.  
Ҳурриятнинг ўзи тайёр бахт эмас,  
Бахт учун энг буюк имкониятдир.

Ҳурриятга ишонч, саботинг керак,  
Журъатинг, парвозинг, қанотинг керак.  
Ватан ҳуррияти учун ҳамиша  
Фидоликка тайёр ҳаётинг керак.

*Адиб таваллудининг 80 йиллигига*

Чингиз АЙТМАТОВ

# Қулаётган тоғлар

(Мангу қайлик)

*Роман*

## I

**Х**аммага ва ҳар қачон тегишли ўзгармас бир ҳақиқат мавжуд. — Ҳеч кимнинг қисмат нималигини, пешонасига нима битганини олдиндан билишга ихтиёри йўқ, — кимга нима ёзилганини фақат ҳаётнинг ўзи кўрсатади, йўқ эса қисматнинг қисматлиги қоларми... Дунё дунё бўлиб келибдики, жаннатдан қувилмиш Одам алайҳиссалому Ҳавво Кибриёуллоҳ замонларидан буён ҳамиша шундай бўлган, — ахир булар ҳам тақдир-да, ўшандан бери асрма аср, кунма кун, ҳар соат ва ҳар сонияда ҳамма учун ва ҳар бир кимса учун қисматнинг сири мангу жумбоққа айланмиш...

Мана у яна шундай эврилди. Шундай. Бу сафар ҳам яна ўшандай: ким олдиндан билибди дейсиз, ҳеч инсон ақли бовар қилмайдиган, қолаверса, балким, худованди каримнинг ҳам кори-боридан ташқари бир воқеа содир бўлмоғини.

Ақлдан хориждаги нарсанинг тагига етаман деб уриниб, фақат бир нарсани тахмин этиш мумкиндирки, — у ҳам бўлса, қиссамиз қаҳрамонлари бўлмиш икки хилқатнинг бир-бирлари билан аллақандай самовий боғланганликлари, самовий туташганликлари, қайсидир маънода, яна ўша қазову қадарнинг амри-иродаси билан битта буржнинг юлдузлари остида ёруғ дунёга келганликларидир. Нима дейсиз, шундай бўлса ҳам ажабмас...

Яна ажабмаски, улар ер юзида бир-бирларининг борликларидан хабардор ҳам эмасдилар.

Зеро, уларнинг бирови одамлар минди-минди бўлиб кетган, аҳолисининг зичлигидан тарс ёрилай деб турган, кўчалари бозорга айланган, кабобларнинг ҳидлари кўкка ўрлаган, қовоқхоналари

*Русчадан  
Иброҳим ҒАФУРОВ  
таржимаси*

Буюк қирғиз адиби, давлат ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов 2008 йилнинг декабрида 80 ёшга тўлган бўларди. Унинг «Юзма-юз», «Жамила», «Сарвқомат дилбарим», «Бўтакўз», «Биринчи муаллим», «Момо ер», «Сомон йўли», «Алвидо, Гулсари», «Оқ кема», «Денгиз ёқалаб чопаётган олапар», «Асрга татигулик кун», «Қиёмат», «Чингизхоннинг оқ булути», «Кассандра тамғаси», «Чўққида қолган овчининг оху зори» сингари асарлари жаҳонга машҳур. Улар дунёнинг 154 дан ортиқ тилларига таржима қилинган ва умумжаҳон адабиётлари тараққиётига, бадиий-фалсафий фикрларнинг бойишига катта таъсир кўрсатган. Чингиз Айтматовнинг

тинимсиз шинавандаларни чорлаган сериздиҳом азим шаҳарда турар; иккинчиси эса, чўққиларини кўз илғамас юксак тоғларда, ваҳший қоялари ўғрайган дараларда, қуюқ қоронғу арчазорлар, олти ой музқори эримайдиган терскайларда истиқомат қиларди. Шунинг учун уни қорли тоғлар илвирси деб аташарди. Илмда эса — баланд зирвали тоғлар ҳақида шундай бир илм ҳам бор — уни йўлбарслар туркумига, мушуксимонлар оиласига мансуб, қорли Тиёншон йўлбарси деб аталади. У яшайдиган жойлардаги аҳоли бу ҳайвонни «жаабарс» (ёй ўқидай барс) деб атайди, бу унинг табиатига ҳам жуда мос — баногоҳ сакраган чоғда ростдан ҳам худди ёй ўқидай учиб боради. Яна уни «Қор кечган илвирс» ҳам дейишади. У доим кўкси билан қорларга ботиб юради... Бу ҳам бор гап... Ўзга махлуқлар қор уюримлари остида қолиб кетишдан қўрқиб, бошқа йўл қидирганда, у эса азамат Зўрабор — олға ташланади...

Илвирс ови кўпинча кун ўртасига тўғри келарди. Бу маҳалда ўтловчи ҳайвонларнинг сув ичадиган вақти бўлади — ёввойи эчкилар-кийиклар, архарлар ташналикларини қондириш учун ҳар ёқдан оқар сувлар, жилғалар, сойларга тушиб келишади, то келаси кунгача тўйиб сув ичишади. Сувлоққа улар тўда-тўда бўлиб келишади. Кичкина тўдаларга бўлиниб, сўқмоқлардан изма-из туёқлари ерга тегмай сакраб-сакраб, теварак-атрофга сергак қараб, қулоқларини динг қилганча, баногоҳ хавф-хатар туғилса, шу заҳоти ҳавога сакраб, ўқдай отилиб, қочишга шай туришади.

Бироқ Жаабарс ўз ваҳший ишларини яхши билади. У панада биқиниб ўлжасини пойлайди, кейин юқоридан қоятошлар ортидан (энг қулайи шу) ёки ён томондан қуюқ буталар орасидан кутилмаганда жониворга ташланади, уни пот билан уриб йиқитади, дарҳол томоғига ёпишиб кекирдагини узиб ташлайди, қайноқ қон пориллаб отилади, кейин маълум, ҳаммаси тугайди...

Гала тўйиб сув ичгандан сўнг қувган яхши, ўлжа тезроқ қўлга тушади. Бунинг учун пистирмани яқинроқдан танлаб, сабр-тоқат билан нафас чиқармай — қимир этмай! — ётилади — гарчи жонивор сал нарида унга бир сакраб етиш мумкин. Эчкилар ингичка бўйинларини, чиройли бошчаларини силкитиб, қулоқларини дингир-дингир ўйнатиб, ҳуркак, сезгир кўзларини йилтиратиб, олдинги оёқларини тўпиққача сувга ботириб, товуш чиқармай сув шимираётганларида, кўз узмай ҳушёр қараб туриш, бутун кучни жам қилиб чидаш, кутиш керак. Эчкилар шарқираб оққан сувдан қанча кўп тўйиб-тўйиб ичишса, Илвирсининг ови шунча бароридан келади. Агар тўғридан тикка қувиладиган бўлса, унда кўпда уринмаган ҳам маъқул — бу учқур эчкилару архарларга етиш қийин. Улар товушдан ҳам тез учишади — жонлари туёқларининг кучида — барашмайди, чийиллашмайди, айрим махлуқлар каби, мисолига бу сийдам

деярли барча асарлари ўзбек тилига ўгирилган бўлиб, Ўзбекистонда уни ўз адиблари деб биладилар ва севадилар.

Чингиз Айтматов ҳаётининг охириги йилларида «Қулаётган тоғлар» (Мангу қайлик) деб аталган романини ёзди. Унда бозор иқтисодига ўтаётган, шиддат билан глобаллашув жараёнига кириб бораётган ҳозирги дунёнинг маънавий-иқтисодий муаммоларини Қирғизистон, Марказий Осиё воқелиги, одамлар тақдири, турмуши, онгида рўй бераётган кескин, оғриқли ўзгаришларга чамбарчас ҳолда ёритди. Табиат, жамият, инсон тақдирида юз бераётган ранг-баранг ҳодисаларни бутун фожиалари билан бирга яхлит тасвирлади. Асар буюк адиб ва донишманднинг авлодларга сўнги васиятидай ўқилади. Зуллisonайн адиб бу романини рус тилида ёзди. У 2007 йилда Петербургда нашр этилди. Ўзбек тилига шу нашрдан таржима қилинди.

ўрмонлиқ ерларга қурғоқчил пайтларда дайдиб келиб қолувчи ёввойи қабонлардай бўлиб тирақайлаб қочиб бораётганда ўтакаси ёрилиб тиррақилаб юборишмайди асло. Манов эчкилару архарлар эса қониб-қаппайиб сув ичганларидан сўнг, улар яшиндай тез югуролмай қоладилар, ана шунда бир зум ҳам пайсалга солинмайди, улар сувлоқдан бош кўтариб ортга қайта бошлаганлари заҳоти...

Бу гал ҳам қиём чоғлари Жаабарсининг сув бўйларида ов қилгиси келди. У азалий шалдироқ қўшиғини қуйлаб чопаетган сой бўйлаб, тўқайзорлар оралаб, атрофга аланг-жаланг қараганча, шошилмай келарди — орқада илвирсларнинг қондош биродарлари қорли тоғ йўлбарсларидан битта-яримтаси пайдо бўлиб қолса ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Шунақаси ҳам бўлиб туради, айниқса, овга бутун оила гала бўлиб чиққан бўлса, худо сақласин, бундан нари турган яхши. Ортиқча галва-ғишоваю қўрқинчли ириллашларга не ҳожат! Ёлғиз ов қилган маъқул. У из олиб кетиб борарди...

Ёзнинг охириги кунлари эди, юксак Тиёншон тоғларида энг фараҳбахш чоғлар — қор бўронлари ҳали олисда, довлонларда ҳали йўллар очиқ, жониворлар тўкин ёз бўйи яйраб, тан-жонлари семириб, эт қўйган; тўқайлар, чангалзорлар узра қуш бозорлари авжида, хоҳлаганча чағир-чугур чувирлаб сайрашиб, шўхликка бериладилар — палапонлар ҳам темир қанот бўлиб, ҳавасга учиб-қўнишади. Қиш келишига бу ерда қуш қолмайди, то келаси ёзгача иссиқ ўлкаларга учиб кетишади. Бу ерларнинг қишига чидаша олмайди...

Тизилиб сувотга бораётган кийиклар кўриниб қолмасмикин деб, кўз солиб қадамлаётган Жаабарс йўл-йўлакай атроф жойнинг оройишини олар, бутазорлар ва қоятошлар оралаб холдор жуссаси кўзга ташланиб қолмаслигининг тадорикини қиларди. Унинг баланд, беқиёс ҳаракатчан қадди-қомати, думалоқ қудратли ўмрови, йирик салмоқдор калласи, мушукники сингари қулоқлари ва қоронғуда лазер нурлари мисоли ярақловчи чақиндай кўзлари билан бирга Жаабарсининг жуссаси ҳам қайишқоқ, узун ва қудратли эди, терисининг жунлари тиниқ холдор, қуюқ шоҳидай товланар, қўшиқларда айтилгандай, бундай пўстинни фақат шаманлару хонларгина кияр эдилар. Ер юзида ҳеч нарсани писанд қилмай вазмин қадам босаётган барс Африкадаги биродарлари илвирсларга жуда ҳам ўхшаб кетиши, ҳатто думлари-да бир хилда узун ва ҳайбатли эканлигини билармикин. Рост, Африка илвирслари ўлжаларига шиддат билан ташланиш учун қандайдир мушуклар сингари дарахтларга тирмашиб чиқиб, йўғон шоҳларда узала тушиб пайт пойлайдилар, қорли тоғларнинг барслари эса фақат улуг қоялару ўр-жарларда пусиб-биқиниб салмоқланиб юрадилар ва боз устига бу ерларда тўрт-беш минг қулочлик баландликда улкан бўй чўзган дарахтлар ҳам йўқ; бунда ўрмонлиқлар пастда, водийда ёйилиб ётади, нафсламрга у ерларда сиртлонларгина шохма-шоҳ судралиб кезади... Баъзан илвирслар ўша ўрмонлиқларга ҳам хоҳ-нохоҳ бориб қоладиларки, шунда сиртлонлар уларга қараб ириллаб дағдаға соладилар, ўз узоқ қардошларини танимаганга оладилар. Қорли тоғлар илвирсларининг макони эса юксак зирвали тоғлар, бунда кўк музли чўққилар осмон билан ўпишади, қувиб етиб бўлмас эчкилару архарларни овлаш, жон талвасалари, олишувлар бошқача нашъали, улугвор бўлади...

Жаабарс кўп ўтмай бир қарорга келди, жой танлади, кичикроқ сой бўйидаги харсанг тошлар ва қалин бутазор орасига қўр ташлади. Биқиниб, улкан тошларга чангалини қайради. Бу ерга сув ичгани эчки-кийиклар келади, улар еттитагача бўлиб, мағрур бошларини



хуркак ҳавл ичида кўтариб тоғ ёнбағридан тизилишиб тушмоқда эдилар. Жаабарс боя уларни узоқдан қоялар орасидаги ёриқдан кўз қири билан кўрган эди. Мана энди қимир этмай пойлоқда.

Куёш нақ тиккага келган, сахий нур сочар, яккам-дуккам оқ паға булутлар Тиёншон тизмаларининг кўк муз чўққиларига йўл-йўлакай тегиб ўтар эдилар. Кўпни кўрган ҳайвон бари жойида бўлаётганини сезарди. Овнинг энг қизиқ жойи яқинлашмоқда эди. Улкан харсанглар орасида биқиниб ётаркан, Жаабарсни сергаклантирган ва безовта қилган бирдан-бир нарса у ҳам бўлса ўзининг юраги қандай ураётганини аниқ-тиниқ эшитаётгани эди — худди ҳеч нафасини ўнглаб ололмаётганга ўхшарди. Бундай ҳоллар, албатта, шиддат билан югурганда ва бирдан кескин шахдам сакраганда ёки моча учун омонсиз олишган чоғларда бўлиб туради, унда таланасан, жуссангдан юлинган этлар, жунлар ҳар ёққа отилади, унда атрофда дуч келган ҳамма нарсани бўғизлаб ташлагинг келади, жон ҳалпида ириллайсан, ўкирасан, хириллайсан, бўғилган нафасингдан ваҳшат ёғади. Лекин пистирмани батамом ўзингники қилиб, ҳар бир дикқратингни тукингни жамлаб қимирламай кутиб ётганингда, бутун диққатингни қўйиб атрофни кузатаётганингда, юрагинг бундай ҳарсиллаб урмаслиги керак. Нафсиламрга, у ҳозир юрагининг ҳар уриши, олаётган ҳар нафасини росмана эшитарди. Биринчи бор бундай бўлиши. Илгари ҳеч юрагининг урганини сезмасди — ҳатто қўлоғи ҳам ғувилламоқда чип битиб. Умуман, охириги пайтларда Жаабарсининг ҳаётида анча-мунча нарсалар ўзгарди. Ахир ўтган қишдан бери у тўдасидан ажралиб, ёлғиз ўзи танҳо, аламзада яшашга мажбур бўлди. Қарилик аста-секин билинтирмай етиб келганда, шундай ҳолга тушасан экан. Анчадан буён иш шунга қараб бораётган эди. Унинг мочасига ёш бақувват барс тиркалиб олгандан сўнг, ҳеч кимнинг у билан иши-ҳуши бўлмай қўйди, бунга эҳтиёж қолмади. Олишув қаттиқ ва кўрқинчли бўлди, аммо у рақибини енголмади. Кейин қўймай яна жанг қилишди, ўлардай бир-бирларини пийпалашди, аммо яна ганимни ҳайдаб юборолмади. Лекин чиноққулоқ адув (унинг бир қўлоғи, чамаси, олдинги жангларда юлиб олинган эди) камдан-кам топиладиган қаҳрли, чарчамас, қайсар-қайтмас махлуқ чиқди, барсойимга ёпишди-қўйди, ҳеч ёнидан жилмайди, суркалади, ишқаланади, дик-дик ўйнайди, тинмай ириллайди, тавба. Яна ҳаммасини Жаабарсининг кўз ўнгида қилади. Жаабарс тоғлардаги зилзила пайтида биринчи мочаси ҳалок бўлгандан сўнг мана шу иккинчи барсойимга қовушган, узоқ вақт бирга яшаган, икки маротаба бола кўрганди, мана охири келиб ёш чиноқ барс билан қўшилиб кетди. Кетганда ҳам орқа-олдига қарамай, кўз-кўзга тушади демай кетди, дам думини ўннга-сўлга ликиллатади, дам буриб-буриб юқори кўтаради, дам айлантириб тагига қисади, дам-бадам янги жуфтига суркалади, ўйнашади, тегажўглик қилади. Шу тариқа кетди, ҳатто қиё ҳам боқмади...

Жаабарс ўшанда уларнинг кетидан қувмоқчи бўлди, қувиб етди, қувиш қийин эмасди — улар ўрликдан йўртиб кетиб боришарди, — лекин бундан ҳеч наф чиқмади, боягидай бойхўжанинг таёғи бўлди. Яна ваҳший жанг бошланди. Бироқ бу сафар барсойимнинг ўзи ҳам Жаабарсга ташланди, уни пийпалади, тишлади, бу Жаабарсининг тўдадаги ўз ўрнини сақлаш йўлидаги, барслар қавми ичида ўзининг асл насл қолдирувчи нарлик табиати ҳамда мавқеини давом эттириш, чўзиш йўлидаги уринишларига сўнгги зарба бўлиб тушди ва Жаабарсининг узил-кесил мағлубияти билан тугади. Аммо ўшанда ҳам Жаабарс бироз ўзига келиб, қони қизигида бошқа тўдага бош уриб,

янги етилган навраستا мочалардан бирини биқинига тортмоқчи бўлди. Бунда ҳам жанг аёвсиз кечди — бирдан биракайига учта нар гажишдилар — бу ерда ҳам аммо ҳеч иш чиқмади. Моча ва ёш талабгорлардан иборат тўда ўз муносабатларини аниқлаш, тугунларини ечиш учун яқин орадаги дара ичига кириб кетдилар, у эса ўзининг асосий вазифасидан ажралган, ҳамма юз ўгирган ҳолда ёлғиз қолди — насл қолдириш учун курашда табиат ҳамиша янги келган кучларнинг тарафини олади.

Жаабарс бир йўла бош олиб кетишдан илгари шу атрофларни бироз кезиб, дайдиб юрди — у юриб туриб дам таққа тўхтаб қолар, дам галдираб чопар, дам чўзилиб ётар, дам ўрнидан туриб тоғларни ларзага солганча умидсиз ўкирарди. Агар табиат унга қудрат ато этсайди, шу тобда у бўридай увиллаган бўларди. Лолу карахт, ўзини йўқотган кўйи у жисму жонини қайга қўйишни билмас, ҳатто ов қилгиси келмас, иштиёқни сўнган — эчкилару архарлар тўдаси қаҳрли қаттол Жаабарснинг кучи энди уларга етмайдигандай аста ўт чимдиб яқинидан хотиржам ўтиб боришарди, ҳолбуки ҳали у қадарли қари ҳам эмас, ҳали-ҳамон ютқизиқ нималигини билмайдиган абжир овчи эди...

Аслида ҳам ўзи шундай эди. У вақтнинг нималигини билмай қолган, уни тушунмай қўйган бир пайтда кутилмаганда у ўзини ўта қийнаган, энг оғир азобига айланган нарсани кўрди. Қоялар қалашган юксак ўрқачда тураркан, чириган арчанинг устида ётиб, атроф тумонатга нохуш назар ташлаб, баногоҳ ҳов пастдаги ўрликда бир жуфт барс қовушмоқ ўйинларини диконглаганча адо этмоқчи бўлаётганларини кўрди — эндигина бир-бировларини топган ёш нар ва моча вужудларидан хориқулудда куч ва эҳтирос ёғилиб, дам чопишар, дам ўйинга берилишар, дам қонларини қизитиш ва жўштириш учун бир-бирларини ҳазилга тишлашар, одмиликни тарк этиб шавқнинг самовий парвозига ҳозирлик кўришарди чамаси... Узоқ бўлишига қарамай шу ердан ҳам уларнинг кўзларидан чорлов забти билан ўтлар чақнаётгани сезилиб турарди.

Шунда Жаабарс ногаҳон ётган жойидан қулади, қорни билан судралди, худди ўзини батамом унутишни истагандай ингради, аммо қўлидан нима келади? Бир маҳаллар шавқнинг шундай лаззатини у ҳам тотиб кўрган, ўша пайтлар худди оёқ тагида қолган илондай буралиб чирмалган ва лаззат зўридан инграган ипақдек юмшоқ барсойим билан шундай ўйинларни ўйнаган. У бошқа тўдадан ўзига ўнгариб олган анов ёш, навраستا моча билан ҳам шундай тўйиб-тўйиб ўйнаганлар. Ўша чоғлар улар худди итдай чақишганларини қавмдош барсларга кўрсатмаслик учун уларнинг кўзларидан ўзларини олиб қочиб, узоқларга бирга-бирга тиркашиб, суркашиб кетишган, зеро табиат бу сеҳру жодуни фақат жуфайларнинг ўзига ато этмиш — нарга-да, мочага-да ҳуфия гизланмакни буюрмиш... Худди мана шундай улар қовушмоқ иштиёқининг оташ-алангасида яшин янглиг учишар, вужуд висол шавқида ёнар, уларнинг бошлари узра осмон ҳам ўртаниб аланга олар, нигоҳларнинг чақин-чақноқларида олдинда тоғ зирвалари чайқаларди. О, бутун атроф дунё жаранглари ва шуьлалари сочар, улар эса, янги жуфайлар худди мана шундай биқинни биқинга тираб, биров-бирова ўтли сўйкалиб, бир-бирларини ёндириб-куйдириб, шавқ устига шавқ ошириб, мастона чопар эдилар, баҳарҳол, худди мана шундай ёзнинг охирлари эди, зероки келаси баҳор тоғларда янги насл бунёд бўлажак, қорли тоғлар барсларининг ҳаёти янги наслларда давом этажак...

Улар шундай бир-бирларига маҳкам ёпишиб, худди шитоб билан сузиб бораётган улкан балиқлар каби чопганда жуссалари узайиб, шамолда думларини қиличдай тикка қилиб учишарди. Моча пича олдинда, калласи ҳам таомилга кўра андак илгарироқда — мочанинг ҳадди-имтиёзи ўзи шундай. Нар эса кўп эмас, оз эмас, ярим калла орқароқда — моча вужудидан таралган исдан масту мустағрақ, унинг ўтли нафасини ҳаприқиб ичига ютиб, моча юрагининг гулдурос солиб уришини ўз жисми жонига тўла сингдириб елади. Илгари ҳеч туймаган алланима бутун жону жаҳонини ағдар-тўнтар қилиб юбормоқда эди. Ўша дамларда у қандайдир ўзгача — чўзиқ улиган, шамолда акс садо бериб таралган гувиллаган ва шувиллаган товушларни эшитмиш эди. Улар кундузнинг шуълаларида боши узра аллақайларда ҳосил бўлар, ҳавонинг муқтадир ҳаракатида шитоб ила ботиб бораётган офтоб ёруғида, атрофдаги тоғлар ва ўрмонлар чайқалишида ўрлар, кучаярди. О, магарамким, қорли тоғлар барси билсайди, англасайди, бу ҳаётнинг самовий мусиқаси эди, бу уларга етган висол айёмининг қудратли куйи янграмоқдайди... Лекин бу аксар бўлганидек, фақат лаззатли сароб эдики, кейинчалик у шафқатсиз ҳаётга дўнди. Кунлар дарёдай оқиб ўтар, йил фасллари бири кетар, бошқаси келар, шу тариқа сароб ҳам тарқади...

Қисмат ўйинларини билиб бўлмади — шундай бўлган, абадул-абад шундай бўлади, унинг устидан қозининг давоси ожиз, нест...

Жаабарс ёлғизликка мубтало бўлган ўша кун, жуфайи барсойим ҳамманинг кўз ўнгида музаффар чиноқ барс билан нарротлар жангининг нашидасини суриш учун ҳайё-ҳайт қочганда, атроф жойларда санғиб юрди. Ҳеч қандай мақсадсиз боши оққанча тентиди, ҳеч қайга сиғдириб бўлмайдиган ғашлик аламини босишга уринди, ҳатто ов эсидан чиқди.

Ана ўшанда, — ҳаётнинг найрангларига қарангким, — тоғлар орасидаги овлоқ бир ўрда у кутилмаганда барсойим билан голиб чиноқ барсга дуч келиб қолди, у жуфайининг айни чақишган пайтида устидан чиқди. Аҳвол доли гулига келганди. Жаабарс яна бир одим отса, ҳар икковидан ҳам ўчини тўла ола биларди. Лекин охири сонияда у бирдан тапатақ тўхтади, қон қуюлган даҳшатли кўзларини бир-бирига қаттиқ қапишган жуфайдан узмай, тек қотди-қолди, — аллақандай куч, аллақандай товуш, аллақандай ирода уни тўхтатди. Баайни кимдир ичкаридан туриб, насл қолдириш учун қовушганларга тегма, зиён еткизма дегандай бўлди. У орқасига қайрилиб, оёқлари тошларга сирғалиб, қоқила-қоқила нари кетди, кетаркан, ич-ичидан инграган, ҳўнграб ўкирган овозлар чиқарди...

Жаабарс барслар қавмининг тўдаларидан тобора узоқлашиб бораркан, у тамом ёлғизланиб қолди, арзир-арзимас сабаб билан қон чиққунча уришаверадиган раҳмсиз, қаҳрли, қувғинди махлуққа айланди. У горларда яшар, жонини қутқариш учун тирақайлаб қочган жониворлар орқасидан қувиб, энг баланд қорли тоғларга довур чиқиб борарди, кўпинча жониворларни керагидан ортиқ бўғизлар, гўёки ҳамма ёқдан текинхўр ғаламуслар — чиябўрилар, тулкилар, бўрсиқлар ёпирилиб келиб таласин, ўлаксахўр калхатлар чийиллашиб, чинқиришиб, ҳирқирашиб, қанот қоқиб, жанжал-сурон кўтариб талон-тарож қилсин, чангаллари қонга ботсин, дегандай бўларди. Мана шу барча талончи жондорларга Жаабарс бир чеккада нафратомуз қараб турар, баъзан худди улар нимагадир гуноҳкордай наъра тортиб устиларига ташланар, бўкирар, ўкирар, ҳайдашга уринарди. Шундай қилиб аламидан чиқмоқчи, иситма оғриғини даф қилмоқчи, армонларига дармон қўймоқчи бўларди...

Кунлар бир-бир ўтар, порлоқ зирвалари қор ва кўк муз билан қопланган тоғлар ҳар қачонгидай ўз ўрнида қимирламай турар, ҳаво ўзгарар, қишлар кетиб, ёзлар чиқар, юксак чўққиларнинг шер янглиг холдор ҳукмдори Жаабарс эса ўша-ўша танҳоликда умр кечирар, ташқаридан қараганда, ҳеч нарса сира ўзгармаган эди. Аммо аста-секин билинар-билинемас кунлар келди, Жаабарс ҳарсиллаб қоладиган бўлди... Бу гоҳи-гоҳида такрорланар, айниқса кескин, шиддат билан ҳаракат қилишга тўғри келганда юзага чиқар, лекин тинч-осуда турганда ҳам нафаси сиқиб, кўкраги сирқираб оғришига энди дуч келмоқда эди.

Кийикларни сувотда биқиниб ётиб пойларкан, Жаабарс биринчи бора ҳали ов бошланмасдан бурун нафаси тиқилаётганини сезиб қолди.

Ҳаракатни ҳар қачонгидай қилиш керак; эчкилару архарлар қониб сув ичганларидан сўнг фурсатни бой бермай пистирмадан чиқиб уларни босиш керак. Лекин бу ҳали ниятдан ўзга нарса эмас. Ҳаммаси жойида бўлгани яхши, йўқса, эчкилару архарлар пистирма борлигини қандайдир сезиб, кўз очиб юмгунча йўллариини ўзгартириб, тумтарақай ғойиб бўлган чоғларни ҳам эслайди. Ундан кейин яна қайтадан изга тушиш, таъқиб қилиш, қувишга тўғри келади, у ёғи нима билан тугайди, бир худога маълум...

Бу сафар Жаабарс тақдирдан нолимаса ҳам бўларди. Булар баайни архарларнинг нақ ўзи эди, бу ёввойи шохдор қўй-қўчқорлар жуда чопағон бўлишади, баланд қоялар устида юришади, зирвали тоғларнинг бошқаларга насиб этмаган ноёб ўт-ўланлари билан тирикчилик қилишади — мана шулар сойнинг буралиб оққан ерига адашмай келишар, Жаабарс шу яқин орада пистирмада биқиниб уларни пойларди. Архарлар уни узоқдан пайқашмади, яқинлаб келганда сезишмади, сой қирғоғи бўйлаб қатор тизилишиб, бамайлихотир сув ича бошлашди.

Жаабарс паналаб уларни қимирламай кузатарди. Бари ўз маромида давом этарди — жониворлар сувотда роҳатланишар, тўйиб-тўйиб сув ичишар, тин олишарди, қулай пайтни кутиш керак эди, холос. Фақат одатдан ташқари бўлаётган бир нарса — Жаабарснинг нафаси сиқмоқда эди. Кўкси бўғиқ хириллар, гарчи бу ҳозир халал бермаётган бўлса ҳам, ҳар ҳолда нафас олишнинг оғирлашгани безовта қиларди.

Бироқ пайти келди, энди барс икки бора бамисоли яшиндек ҳатлаб чеккада турган тўданинг йўлбошчиси йирик шохдор архарнинг белини зарб билан уриб синдириши керак эди — аммо нафаси бўғилиб, иш расво бўлди. У зўр сакраб отилгандаёқ тўда шу заҳоти кескин сесканиб кетгани ва бошларини елдек кўтарганларини кўрди, энди у панжасини зарб билан урса бас, ўлжа унинг темир чангалига дош беролмайди, қулайди, мана у мўлжалига етди ҳисоб, аммо у ўлжага етмай йиқилди, архар ўзини четга отди. Ҳаво етмади барсга. Жаабарс қаҳр-ғазаб билан яна архар устига ташланди. Аммо у чап берди, унинг ортидан поданинг бари тумтарақай қочди, қўрқинчли ваҳший орқада қолди.

Ҳали архарларни қувиб етса бўларди, ҳали биринчи ўнг келганини уриб қулатиш мумкин эди, шунинг учун Жаабарс бутун кучини сарфлаб уларнинг изидан қува тушди, лекин яна омади келмади — қувиб етолмади, йиқолмади, ғолибона ўкиролмади, пода эса тобора узоқлашиб борарди... У нафасини қаттиқ сиқиб, батамом бўғилганча ўзини яна ҳаракат қилишга зўрлади, лекин энди кеч эди... Бундай омадсизликни Жаабарс биринчи марта кўриши. Аммо энг алам қиладиган ва хўрлигингни келтирадиган жойи қочиб кетаётган

поданинг йўлбошчиси йирик шохлари қайрилган ваҳший қулатмоқчи бўлган нар архар югуриб кета туриб бирдан орқасига бурилди, дўқ ургандек яниб шохларини силкитди-да, кучли туёқлари билан ерга тарс-тарс уриб, сўнг кўздан ғойиб бўлди. Бу эса Жаабарсдан омад кетганини билдирарди, эндиликда у аянчли ночор кун кўришга, ўзгалар овининг сарқитларини ғажишга маҳкум эди.

Рост, албатта, илгарилар ҳам овда унча-мунча иш юришмаган ҳоллар бўлиб турар эди, аммо мана бундай омадсизликка Жаабарснинг биринчи дуч келиши эди...

У ҳадеганда ўзига келолмас, сиқилган нафасини ўнглашга уринар, атрофга аланг-жаланг боқар, боши оққан томонга кетиб борарди...

Олам бўм-бўш ҳувиллаб қолди. Шунда Жаабарс охирги марта бир маҳаллар қовушмоқ ўйинларида бошидан кечирганидек, оламтобни чорлаб ўкириб сурон солмоқни, тоғлар, шаршаралар ва ўрмонларнинг фусункор сасларини, ўшандаги самовий мусиқа оҳанглари тингламоқни истади, аммо олам сув қуйгандек жим-жит эди...

Юксак тоғларнинг кечаги ҳукмдори тоғларда боши оққан томонга ёлғиз ҳарсиллаб кетиб борарди. Ҳаёт муқаррар тарзда охир-оқибат сўнади, кунларни орқага қайтариб бўлмайди. Жаабарс ҳаётининг сўнги дамларини ёлғизлик ва кимсасизликда ўтказиш учун бошпана гор топай деб, тизмадан тизмага лўкилларди. Ваҳший махлуқ ҳали кейинроқ унинг аччиқ қисматига бир инсон ҳам шерик бўлажagini табиийки ҳаёлига ҳам келтирмасди. Эҳтимол шундай хилқат борлиги унинг қулоғига андак чалингандир, таниқроғи, у тоғларда ўқтин-ўқтин милтиқ овозларини эшитган, ўшанда вужуди кўрқувдан ларзага тушган, бир зум турган жойида тек қотиб қолган, сўнг янада узоқларга бош олиб кетган, аммо шундай бўлса ҳам, одам боласини яқиндан сира кўрмаган — бунақа воқеа унинг ҳаётида ҳеч бўлмаган.

Бироқ шундай учрашув унинг манглайига битилган эди. Яна ўша-ўша — тақдир...

## II

Тушунтириб бериш қийин-ку, лекин гоҳида воқеалар бир-бирига тўғри келиб қолади, воқеа рўй берган жой ҳам, вақт ҳам ва энг муҳими, кимсаларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам тўқнашиб, — буларнинг бари бамисоли тақдирни ҳеч қутилмаган бурилишларга буриб юборади. Бу сафар ҳам шунга яқинроқ бир нарса рўй берди. Ҳолбуки, охир-оқибат ҳақ барибир қарор топади деб ўйланган, ишонилган эди. Ахир ҳақнинг барҳам топиши мумкин эмас. Ва демакки, яшашдан тўхтама ва ҳақиқатни исбот этишдан чарчама — шуни деб яшаймиз, Худонинг амру иродаси ҳам шу. Фақат айтинг-чи, ҳақиқатнинг ўзи нима?..

Ҳар қачонгидай жумадан шанбага қараб тунги ҳаёт бошқа бегим кунларга қараганда анча-мунча барвақтроқ бошланарди. Оқшом тушган чоғда Арсен Саманчин ўз ўрнини эгаллаган эди. Ўзига керак нарсаларни буюриб столи ёнида ўтирар, сигарет тутатишдан ўзини тиярди. Ташлайман деб, тиришарди. Кутиб ўтиришнинг интизорлиги ҳаддан ортиб юрак безовта уганда, одатда чекишнинг хумори тутарди. Кўп ўтмай хуфтон тушди, дераза ташқарисидаги кўча чироқлари ёнди, катта кўчадан ўтаётган автомашиналарнинг тунги чироқлари лип-лип шуъла сочди.

Рестораннинг ярми ҳозирча бўш, лекин яна бироз вақтдан сўнг бу ерда олма тушгудай жой топилмайди. Ажабланарли жойи йўқ: ўз вақтини чоғ ўтказишга қурби етадиган одамлар айна мана шу ерга

ёгилиб келишар, шаҳар чеккасидаги бу ерни Эманзор боғ деб аташар, ҳозирги тилда элита деб юритиладиган, энг обрўли ва демакки, энг қиммат ресторан шунда собиқ зобитлар уйида жойлашган бўлиб, Европача усулда ҳашамдор таъмирланган ва жуғрофий-сиёсий маънодор қилиб «Евросиё» деган баландпарвоз замонасоз ном берилган эди.

Мана шу «Евросиё»да у ўзига тайинланган вақтни кутарди. Ташқаридан биров нега унинг бу ерга яна ёлғиз ўзи кунда-шунда бўлиб қолганлигидан ажабланиши ҳам мумкин эди. Бор буд-шудини биратўла қиморга бой бериб, шир яланғоч бўлиб қолган бизнесмен бўлганида тушунарли эди: ҳа алаmidан ичяпти-да дердингиз. Аммо у ишбилармонлардан эмасди, унинг «Евросиё»да бир шиша май устида худди дўст-биродарларини кутаётгандай бўлиб ўтиришининг сабаблари бундоқ қараганда, унинг ўзига ҳам унчалик равшан эмасди.

У майни майдалаб тортиб, ўзини вақтини бекор кеткизмайдиган одамдай кўрсатаркан, доим ёнида олиб юрадиган кейсидан қандайдир қоғозларни чиқариб кўриб ўтирар, уларни диққат билан ўқиб, магзини чақар, ич-ичидан ўртаниб, аслида фирт таваккал қилаётганини англар, лекин бошқа иложи йўқлигини ҳам кўриб турарди. Аҳвол, шарт-шароитни ҳисобга олганда, ўзининг умид-орзулари, илинжларининг ҳадди битганлиги, афтидан бу гал сўнгги бора уриниб кўраётганлигини ҳис қиларди.

Шундай, ётиб қолгунча отиб қол, қизнинг ёнига етиб бориб, гап очишга улгуриш керак. Қиз ўзини қандай тутаркин? Аллакимлар уни энди примадонна деб ҳам аташмоқда, лекин у ҳам, қизнинг ўзи ҳам биладики... Муҳими, қулай пайтни қўлдан бермаслик. Ҳақиқатни қутқариш йўлидаги яна бир уриниш. Ҳали яна ҳақиқатингни пеш қиялпсанми, ахир қачонгача! Лекин айлангириб келганда оқибат нима бўлади, у қандай жавоб қилади, айтиш қийин. Унинг сувсиз саҳрода қолиб оч ўлса ҳам, воз кечмайдиган олижаноб орзу-аъмоллари бор, кечинмалари, туйгулари бор ва қиз ушбу туйгулару орзу-аъмолларни қандай қабул қилади, қандай тушунади, билиш амри маҳол эди. Бу эврилишларни кўринг энди. Юксак хаёллар, орзулар, борини ҳаёт рад этди! У эса токи жони борича уларни тутиб қолмоқчи, улардан асло айрилмоқчи эмас, улар билан бир тузоққа тушди, аммо воз кечгиси йўқ. Бамисоли ҳамма замонанинг катта шоҳ йўлидан учиб боряпти, у галдир эса қўл кўтариб йўл четида тўхтатмоқчи, лекин ҳеч кимнинг у билан иши йўқ, ҳеч ким тўхтамайди. Мана, яна бир таваккал. Шунинг учун ҳам барвақтроқ келди, эстрада саҳнаси очиқ кўриниб турадиган, ҳеч ким тўсолмайдиган жойни танлади. Унга шундай бир жой ниҳоятда зарур эди...

Бу орада саҳнада оркестр қатнашчилари пайдо бўлиб, ўз ўринларига бориб ўтира бошладилар. Булар ҳалигиндай «тўғри эфирга» чиқишарди, мана бундай даъво-достон ресторанларда хорижий ҳамда маҳаллий юлдузларнинг «тирик чиқиши», тирик рок-музикани ёқтиришади кўпроқ.

Илгари опера театрининг оркестрида ўйнаган машшоқларнинг баъзи бирларини у аввалдан танир, баъзи бировлари билан эса салом-алиги ҳам бор эди. Тўғри, анча вақтлардан бери гаплашган эмас. Қанча сувлар оқиб ўтди орада. Уларга аввалгидек унинг кераги бормикин? Ахир гап фақат шундами? Мана, музика чалинади-ю, кўзга кўринмас парда сурилиб ҳар бир кимса учун ўзга дилбар олам очилади ва бу оламга инсон фақат музика орқали кириши мумкин, шунда барча ўткинчи, бекорчи нарсалар чекинади-ю, ёлғиз куйлаётган руҳ қолади.

Музыкага келганда, у туғма ошиқ эди, туйғуларини ҳеч қасерга сиғдириб ҳам бўлмас, англаб ҳам бўлмас эди. Бу ҳавасгина эмас, ундан ҳам кучлироқ, каттароқ, тушунтириб бўлмас бир нарса эди. Бу борада бир воқеа ҳам рўй берган, эсига тушиб қолса, кулгиси қистайди, ўзини масхара қилиб жинни мусиқапараст дейди. Илк қайта қуриш йилларида ўзининг журналистлик юмушлари билан Лондонга бориб қолиб, анжуман ўтаётган ҳашаматли меҳмонхоналарнинг бирида ҳамма қулайликлар муҳайё ҳожатхонада шипданми аллақайлардан мусиқа садолари ёғилиб турганига дуч келди. Одамлар ҳожат учун кириб чиқишар, чиннидай хоналарда заруратларини бажаришар, табиийки, артинишар, суртинишар, томоқларини қаттиқ қоқишар, чаноқларнинг сувларини шалдиратиб, гулдурос билан туширишар, буларнинг ҳаммаси узра улар шарафига Шопен ёки бошқа бирор мусиқа даҳосининг гўзал асари янграб турарди. О, ноён юксакликлардан оқаваларга қандай оҳанглар ёғиларди-я! Унинг ақли шаҳар маданиятининг бу каби қулайлигини сира тушунишни хоҳламасди. Ахир мусиқа бу Худога етмоқ, руҳнинг коиноти-ку. Ўйлаб топган қилиқларини кўринг! Шунда эҳ, олдинги ўтмиш пайтларни кўмсади – қанийди меҳмонхонада «Таклиф ва шикоятлар» дафтари бўлсайди – беш юлдузли маъмурларга кўрсатиб қўярди нима дейиш, нима қилишни! У юқорига чиқиб, шу борада оғиз очмоқчи бўлган эди – шу заҳоти илло-биллога келтирмай оғзига уришди – оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолди. У Москвада таҳсил олиб юрган кезларида ўрганган, бемалол тушунса бўладиган инглиз тилида ҳожатхонада мусиқа чалиш раво эмас, деб тушунтирмоқчи бўлди-ю, шу заҳоти – сизга бу ҳожатхона ёқмаса, бошқасига боринг, деб жавоб беришди...

Мусиқанинг жинниси бўлган бу одам баъзан ҳазил тариқасида албатта, агар болалигимда тоғда овул отларини ҳайдаб юрмай мусиқа мактабига кириб ўқиганимда қулинг ўргилсин композитор бўлиб чиқардим, зеро мен ўзим хоҳласам-хоҳламасам, кўкрагимда мусиқа тўқийман, лекин афсуски, уни ўзимдан бошқа ҳеч кимса эшитмайди, дерди.

Шундай бўлгандан кейин унинг матбуотда мусиқа ишқибози ва театр танқидчиси сифатида ёзиб туришдан ўзга чораси йўқ эди – бу ишни у яхши кўрарди. Бироқ бу ерда ҳам, кези келса, бурнидан қармоққа илиниб турарди...

Балки бироз ичиб ўтиргани учунми («Евросиё»да асл француз майлари бўлар, шунинг учун унинг бугун ресторанда ўтириши одатдагидай анча-мунчага чиқимдор қилиши тайин) Саманчиннинг вужуди қизиди, яна ўзига май қуяман деб турган эди, шу пайт ресторан хизматчиларидан кимдир столи олдига келди. Бу официант эмас – кўринишдан ғоят басавлат, йўғон бўйнига кулранг капалак нусха бўйинбоғ таққан, европача усулдаги хизмат кўрсатиш шуни тақозо қилса керак, боз устига катта кўзойнак кўндирган бир кимса. Директорнинг ўзи экан.

– Кечирасиз, сиз – Арсен Саманчинмисиз? – У Саманчиннинг олдига «Евросиё» тамғаси туширилган ташрифномасини қўйди.

– Ҳа! – одати бўйича ўктам жавоб берди Арсен. – Тўғри айтяпсиз, мен Арсен Саманчинман. Сиз демак «Евразия»нинг бошлиғи директор экансиз-да? – У ўрнидан кўзғалиб, кўришиш учун қўл узатди, лутф билан қўшимча қилди: – Бундан чиқди, бутун Евросиё қитъасининг шефи?

– Ўшандай! – деб жавоб берди директор бироз қийшанглаб қирғизчасига ва гўё сўзини шу билан қатъий тасдиқлади. Арсен

Саманчин шу ернинг ўзидан унга «Жаноб Ошондой!» — деган лақаб берди.

Кўл олиб кўришганларидан сўнг жаноб Ошондой курсини ўзига тортиб ўтирди, чамаси, жиддий бир нарса хусусида гаплашмоқчи эди, шунинг учун зирҳи оғир кўзойнагини зўр бериб арта бошлади.

Шеф-директорнинг қутилмаган ташрифидан бироз ҳайрон бўлган Арсен Саманчин парво қилмай гапини илтифот билан давом эттирди:

— Ҳурматли шеф-директор, ижозат беринг, кейсни олиб кўяй, сизга халақит бермасин. «Евросиё»ни жуда боплагансиз, қойил, томоша қилиб тўймайсан, мен баъзан бу ерга келиб тураман, кам, лекин...

— Биламан, биламан, — деди директор, лекин гапни илиб кетолмади.

— Қойил қолмай илож йўқ, — атрофга завқ билан назар ташлаб такрорлади Саманчин. — Ҳўрандалар кўплигини қаранг, қанча чиройли хотинлар! — Ҳарҳолда андак ичган эмасми, тили бироз тутилаётгани сезиларди. — Ўзингиз биласиз, хотинларсиз ресторан гестоған эмас, — французларга ўхшаб тилини такиллаб талаффуз қилди Саманчин, лекин суҳбатдоши бу киноянинг фаҳмига етмади. — Ҳа, ресторан — ресторан эмас, театр — театр эмас, бозор-бозормас. Ана яна келишяпти. Булар ҳам гоётда чиройли! Юқорида ўтиришни хоҳлайдиганларга балконда ҳали бўш жойлар бор. Ана оркестр ҳам тайёрланяпти! Бормисан-ей, мусиқа, мусиқа бўлсин! Кутиб ўтирибман, шунинг учун келдим. Қандилларни айтинг! Италиядан олиб келинган дейишади, а?

Ошондай бошини қимирлатди.

— Ҳа, ўшандай, Италияники, — деди-да, бироз шошмай туринг, менинг ҳам айтадиган гапим бор дегандай огоҳлантириб шаҳд бармоғини кўтарди. — Мен олдингизга бекорга келганим йўқ, шу десангиз... — У гапини чала қолдириб ичига ютди.

— Э, нимасини айтасиз, жуда соз бўлибди! — дея жағи очилди Арсен Саманчиннинг бизни ҳам кўча-кўйда танишади, ҳали унутишгани йўқ, ҳатто мана бунақа катта менежерлар ҳам салом беришади деган хаёлда ўзидан ўзи руҳланиб. — Келинг, унда бирга ичайлик, — таклиф қилди у суҳбатдошининг гўштдор башарасига дўстона илтифот билан қараб. — Бу май жуда ҳам яхши, жуда ҳам ўткир. Қойил! Келинг мен сизга қуяй, яна олиб келишади, айтаман.

— Йўқ, йўқ! — Ошондай унинг шиша тутган қўлини тўхтатди. — Мен бунга эмас. Хизматчилик. Ҳа, сизни кўпчилик билади, сиз маълум-машҳур одамсиз, лекин буни бошқа бир пайт гаплашармиз. Мен сизга бошқа нарсани айтмоқчийдим. Шароит шундай бўлиб қолди, биласизми... Бугун катта тadbирларимиз бор, хорижлик ҳомийлар учун зиёфат, Оқсу олтини бўйича Канада Кўшма корхонаси, халқаро ишлар, олтин бўйича ўзимизнинг одамларимиз — улар таклиф этишган. Катта одамлар, ўз кўриқчилари, қоровуллари, яна рафиқалари билан келишади. Концерт бўлади... Бироқ гап бунда эмас. Сизга гапнинг пўсткаласини айтиб қўя қолай, ҳозиргина қўнғироқ қилиб айтишди, бугун Арсен Саманчин залда ўтирмасин деган кўрсатма беришди. «Шундай қилиш керак!» — дейишди.

— Тўхтанг! Тўхтанг! Ким у менга буйруқ берадиган? — қизишиб кетди Арсен Саманчин. — Кимга «керак» экан бу? Нима ҳақи бор...

— Менга шундай буюришди! — деди башараси қизарган Ошондой ади-бади айтишиб ўтирмай унинг сўзини шартта бўлиб: — Нега шундайлиги билан менинг ишим йўқ. Тепадан айтишди! — ярақлаб



нур сочган қандиллар томон бошини кўтарди у. — Мен айтилган гапни қиламан. Шунинг учун яхшиликча ресторандан чиқинг, ортиқча гап-сўзларга ҳожат йўқ. Қанча тез чиқсангиз, шунча яхши. Ҳозироқ ўрнингиздан тура қолинг. Гапни чўзиб ўтирмайлик, шундай бўлсин.

— Нега энди шундай бўларкан? Бу нима деганингиз? — дедию Саманчиннинг гапи оғзида қолди, қони қочган лабларини қаттиқ қисди. Албатта, у каллахум Ошондойнинг капалагини учириб, қаттиқ жанжал-тўполон кўтарса бўларди, столни ағдар-тўнтар қилиши, афт-башарасига тушириши, ғалва чиқариши, ўз номус-ори пасткашларча таҳқирланганига норозилик билдириши, ўз ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинаётганига яна бошқа муносиб жавоб бериши, қаршилиқ кўрсатиши мумкин эди, лекин ҳозир бу кўнглига сиғмасди. Миясига яшин янглиғ бир фикр урди-да, у бостириб келган ҳис-ҳаяжонларини босди, лекин бу ўзини ирода билан қўлга олгани туфайли эмасди, гап шундаки, у бир уриб сулайтириб ташлангандек сезди ўзини, гўё болта урилган дарахт қарсиллаб кўз ўнгида қулагандай ва гўё еру замин оёқлари остида гулдираб ларзага тушгандай, зеро кўнглида туйган, онгининг тубларида оққан янгроқ мусиқий хаёл сурурлари, уни ҳеч қачон тарк этмаган, ардоқли орзулари — ҳаммаси бирдан бирваракай ўша дарахт каби зум ичида йиқилди, бордан йўқ бўлди, кераги бўлмаган нарсага айланди. Фақат ёлғиз бир фикр унинг бутун борлигини аёвсиз ағдар-тўнтар қилиб юборди: «Наҳот бу ўша қиз? Наҳот у шуни раво кўрди?» Хаёлига келган бу фикрга ишонмасдан, у саҳнага қаради — қиз ҳали супага чиқмаган эди, аммо оркестр унинг чиқишини кутиб, капалакдек енгил куйларни аралашига ўйнаб турарди. Саманчин чўнтагидан қўл телефонини шартта чиқарди-да, қизнинг рақамини тера бошлади. Бармоқлари қалтирарди. Овозим ҳам титраб чиқса керак, деб кўрқди. Ошондой буни кўришини истамасди, аммо илож не. Қизнинг телефони ёпиб қўйилмаган эса-да, бир неча дудулаб сас бергач, қизнинг ўзининг ширасиз овози эшитилди: «Мен Ойдона Самароваман. Телефон вақтинча ишламайди, алоқага чиқмайди». Яна ўша етим ду-ду-ду...

— Олмаяптими? — қошини кинояли чимириб сўради Ошондой.

Саманчин индамади, Ошондой нимани назарда тутди? Ким жавоб бермаяпти? Тахмин қиляптими? Сезяптими? Ё аниқ биладими? Суриштириб ўтирмади. Ўзини пастга уришни истамасди. Умуман гап бошқа ёқда: бу ёғи энди нима бўлади, ҳал қилиш керак. Ҳаммасига нуқта қўйиб ўрнидан туриб кетаверсинми ё тушунтириб беришни талаб қилсинми: буйруқ кимдан чиқди, нима учун рестораннынг шеф-директори бундоқ пешдаҳан қиляпти, сал бўлмаса бўйнига уриб зўрлаб чиқариб юборишдан ҳам тоймайди баччағар?

— Қани нима қилдик? — ўсмоқчилаб сўради Ошондой. — Турамизми? Эшиккача кузатиб кўяман...

— Йўқ-йўқ, керакмас, — деди Арсен Саманчин. — Йўлни ўзим биладман. — У кейсни жаҳл билан ёпди.

— Бўпти унда! Яхши қиласиз. Айтмоқчи овқатга пул тўламасангиз ҳам бўлади. Буни ўз устимизга оламыз, — деб қўшимча қилиб қўйди отбашара Ошондой.

Бундан Арсен Саманчиннинг фиғони кўкка чиқди, худди шуни кутиб тургандай бутун аламини тўкиб солди.

— Нима деяпсан ўзи?! — норози қичқирди у Ошондойнинг бетига тик қараганча сенсираб. — Сен мени ким деб ўйлаяпсан? Бу ерга кўчадан садақа сўраб кирдимми? Э, жўна туққаннинг олдиға!

Тупурдим сенга ҳам, ресторанинга ҳам. Қани, тез бўл, официантни чақир, тийин-тийинигача тўлаб, кейин бу ердан чиқиб кетаман. Қани, туёгингни шиқиллат! Бас!

– Бўпти, ўзинг биласан! Айтдим-қўйдим. Официант ҳозир келади. У ёгини келишдик, ўшандай! – огоҳлантирди Ошондой ва секин ўрнидан қўзғалиб, ҳўкиздай гардани қизарганча орқасига қарамай кетди...

Шунда Арсен Саманчин ортиқча хатога йўл қўйиб, майдалашди, жанжал маддалади.

– Ҳей, менга қара! – деб чақирди у Ошондойни ва у орқасига ўгирилиб қарагач, қаҳр билан башарасига қичқирди: – Ҳей, бўйнига уриб ҳайдадим, боладим деб ўйлама тагин! Мен буни шундай қўймайман! Қаерга боришни ўзим биламан. Мен журналистман, мустақил журналист! Билиб қўй!

Бундан Ошондойнинг тили қичиди:

– Билганда нима? Вой, сени қара-ю. Тупурдим сенга, ким бўлсанг ҳам! Хотинлар сендан юз ўгиради, бошқа ёққа қарайди.

– Сенинг нима ишинг бор?

– Сен ўзинг ахлатхонангни бил. Ҳозир журналистнинг охурдаги чўққадан фарқи йўқ. Қорнини тўйғизиб қўйсанг, бўлди, газетадами, телевизордами, ҳўриллайверади. Гапини қаранг буни! Беш минут вақтинг бор, тез қорангни ўчирмасанг, ўзингдан кўр, ифлос... Сендақаларга кучимиз етади. Тамом! Фиқ этиб энди оғзингни оча кўрма!

Шуларни айтиб, Ошондой газабдан қийшайган башарасидан кўзойнагини шартта олиб, «мустақил журналист»нинг бақир-чақирига эътибор бермай нари кетди.

Арсен Саманчин бу воқеанинг давоми нима бўлишини билсайди! Официант келди:

– Кечирасиз, мана ҳисобингиз!

Лекин ҳамон газабидан тушмаган Арсен Саманчин ҳисоб варағи қўйилган идишни нари сурди:

– Олдин менга водка келтир!

– Водка?

– Ҳа, водка! Агар русчани тушунмасанг – ароқ!

– Ҳозир олиб келаман. Қанча?

– Қўтарганча олиб кел! Тез!

– Ҳозир!

Официант зинғиллаб буфетга кетди. Фигони ошган Арсен Саманчин атрофига аланглади. Ҳеч кимнинг у билан ҳеч қандай иши йўқ. Ресторан ўзининг оқшомги ишлари билан банд: одамлар лиқ тўлган, балконлар ҳам эгалланган эди. Ғала-ғовур, кулги, қадахлар жаранглайди, хўрандалар хурсандчилик қилади. Мусиқа ҳам деворларда ўйнаган шуълаларнинг рақсларига жўр бўлиб, одамларнинг димоғини чоғлар, кўнгилларни кўтарарди. Шу издиҳомда фақат у ҳайдалмоқда. Унинг боши айланар, юраги кўксида гурсиллаб урар, бугунга мўлжаллаган ишлари энди битмаслигини ўйлаб сиқиларди. Бу бало кимдан чиқаётганлигини билишнинг иложи бўлсайди: қизнинг, Ойдонанинг ўзидан бўляптими ёки унинг янги ҳомийлари қилиқ чиқаришяптими? Агар қизнинг ўзидан бўлаётган эса, бундай сотқинликка қандай журъат этди, нега уни рақиб чангалига ташляпти, шахсий ишларига тумшукларини тиқишга йўл қўйяпти, шунчаликка борган экан, энди уни ким деб аташ мумкин? Одам ҳам шунақа бўладими? Нима учун? Уни зўрлаб ҳайдаб юборишининг сабаби борми?

Ҳа, нимадир бўлиб, орадан ола шарпа ўтганга ўхшаган эди. Бу яқингинада, ўрталаридаги муносабатлар бироз узоқлашиб қолганда, қиз негадир ундан ўзини олиб қоча бошлаганда рўй берганди. Ўшанда ҳам у мана шу ерга келиб, қўлидан кейсини қўймай эстрада ёнида қаққайиб тик оёқда тураверди, то томоша тугагунча бир зум ҳам қиздан кўзини узмади. У қизга қараб, ҳой, ялтир-юлтирга ботган илоҳа, ҳушингни йиғиштир, наҳотки сен мангу қайлиқни ҳали у саҳнада сенинг қиёфанда туғилмасдан бурун ўлдирган бўлсанг? Наҳот сен уни издиҳом ичидаги ўйин-томошага сотдинг? Ё ақлу ҳуш сени тарк этдими?

Яна хаёлида аччиқ истехзога тўла бир нарсалар айланар, аммо у миқ этиб оғиз очмади... Шундай қотиб, карахт тураверди, кейс ичида эса унинг гунглигига гаров улуг бир асар, у бунга амин эди — қўлёзма ўз вақти-соатини кутиб ётарди. Лекин у соат қачон келади? Ва бу билан кимнинг нима иши бор? Фақат қизгагина... Бу орада эстрада узра мусиқа гумбурлар, тарак-тарак авжга чиқиб дўмбирлар, қўшиқчи қиз куй куйлаб, одамларнинг завку шавқларини бениҳоя жунбушга келтириб чирмовуқдай буралар, баданидаги барча аъзоларини жўш урдириб ўйнатар, издиҳом эса бошдан-оёқ важду жазавага тушиб, қўшиқчи қизни сира қўйиб юбормас, кўзлари билан уни нақ еб қўйгудай, қарс урар, қийқирар, Арсен эса саҳна ёнида туриб, қизнинг шўх овоз таратиб, арзон, енгил мусиқа мақомларига жонини аямай йўрғалаётганидан, шу мусиқанинг банди-асирасига айланаётганидан нигоҳини узмасди. Мана шу телбаворий завқ-шавқнинг офатларида уларнинг нигоҳлари бир неча бора чақмоқдай тўқнашди. Қиз ахир тушунарди-ку буларнинг нималигини.

Мана яна айланиб ўшанга келди. Яна ўша издиҳом, фақат бу сафар уни яна ўша кейсу, ўша кейс ичида ётган улуг асар билан бирга кўшиб, залдан қувиб чиқармоқда эдилар...

У эса бўйсунушга мажбур эди.

Патнисда бир шиша ароқ кўтариб официант келди.

— Марҳамат. Куйиб берайми? Қадаҳами, стакангами?

— Стаканга.

— Қанча?

— Тўлатиб.

У олов гуриллаётган бўғзига ароқ тўла стаканни бир отишда бўшатди. Ҳансираб, кўзлари ола-кула бўлди. У худди ўзини ёқиб юбормоқчидай эди.

— Қанча бўлади? — сўради у ҳисоб қоғозига қараб, сўнг официантни ҳайрон қолдириб, тийин тийинини тўғрилаб тўлади-да, худди ўзини тўла бир стакан ароқ ичмаган кишидай кўрсатиб, қурч елкаларини тўғри тутиб, мушакдор бўйнини баланд чўзиб, адл юриб чиқиб кетди.

Кийимхонада шляпасини олиб, ўшандай жиддий қиёфада бошига илди. У қишин-ёзин шляпада юришни ёқтирарди. Ойдона уни Тумоқли деб чақиритиши бежиз эмасди. Ташқарига чиқа туриб у эстрададан келаётган Ойдона Самарованинг овозини эшитди. Бутун ресторан гуруллаб қарсак чалди — интизор кутилган воқеа рўй берди: ҳузурларига юлдуз қиз чиқди! Илк шод-хуррам қийқариқлар янгради: «Ой-до-на! Ой-до-на!» Аммо Арсен Саманчин орқасига қарамади, фақат қадамлари секинлаб, бостириб келаётган мастлик гирдобини енгиллаб уриниб, хаёлидан ўтказишга улгурди: кўриб қўй, қойилмисан энди — реклама билан моданинг кучи мана шунақа бўлади. Бутун инфраструктура шуни деб ишлайди, яшаб қолиш пойгаси давом этмоқда. Шон-шуҳрат, донг таратиш — булар ҳаммаси охир-оқибатда

пулнинг хазондай ёғилишига хизмат қилади. У ҳатто кулгиси қистаб минғирлаб хиргойи ҳам қилди: «Расво экан, дўстларим, ақчасиз бўлса ҳаёт, дўст-ёр-ей!» У оёқлари билан гурсиллатиб ер тепингиси, қаҳ-қаҳ отиб кулгиси, сакраб-сакраб ўйин тушгиси келди... Аммо ўзини тутди. Шу заҳоти ҳўнграб йиғлагиси қистади. Додлагиси, фарёд қилиб осмонларни тўлдиришни истади, лекин осмон эшитармиди, бўғилармиди. Нимадир қилиш керак эди, бирон даҳшатли кор-қол юз бермай бурун қайгадир бош олиб кетиш зарур эди. Кеч бўлмай туриб, дарҳол жўнаб қолиш, кўздан ғойиб бўлиш керак.

«Севиш ва ўлдириш! Наҳот шундай қилиш мумкин? Сен маст бўлиб қолибсан! Йўқ, маст эмасман, — деб жавоб берди ўзига ўзи хаёлига келган фикрдан музлаб... — Севиш ва ўлдириш...»

У кетиб борар, бошида эса гўримда ҳам унутмайман, кечирмайман! — деган фикр чарх урарди.

### III

Дунёда кимнинг толеига нима битилган. Худди шундай — кимнинг толеига нима. Ҳамма вақт шундай. Ҳеч ким бундан қочиб қутулолмайди... Толеини қутиб тирикликнинг кунлари келади-кетеди. Охирги кунгача кутасан, охирги соатгача... Ҳамма вақт шундай бўлади.

Мана яна қайлардандир қосид шамол учди — бу ўз вақтини пойлаб ўнгирида ётган толе ўша соатда бирдан сергак тортиб, борлиқ оламда, одамларнинг қалбларидами, ўй-хаёлларидами, хатти-ҳаракатларидами, қайда нимани кўриши керак бўлса, ҳаммасини кўргали шошилиб йўлга тушди. Ва яна толе ўз кечиктириб бўлмас зарур иш-юмушларини адо этишга киришди, ва доимо бўлганидай, жуда узоқларни кўзлаб, зимдан ҳодисотларнинг кутилмаган тўқнашувларини ҳозирлади, булар эса ўз навбатида ҳеч қаерга сиғдириб бўлмас ўшал тақдир ҳукм-ҳиккаларини бошидан кечириши амр этилганларнинг кутилмаган қисмати ва саргашталикларини олдиндан белгилаб ва келажак кунларини ҳам елкаларига ортмоқлаб, ҳамон-ҳамон яна ўша-ўша саволларини такрорлаб кўкка мурожаат қилар эдилар: Не бўлмай? Нимага? Энди қандай қилиш керак?..

Аммо осмон на шивирни эшитар ва на фарёдни...

Ҳатто тоғлардаги ваҳший махлуқ ҳам — нола қилар, ўкириб, фарёд-раёс чекиб, осмонга нидо солар, ойни сўроқлар, ва ой ҳам ундан қочиб дам булутлар ва дам қорли чўққилар ортига яширинар, зеро ушбу махлуқ-да ҳар ерда ҳозир у нозир тақдир ҳукмидан четда қолмаган, унга, тоғ илвирсига ҳам ўз кўргулигини тайёрлаб қўйганди...

Нарлар олишувда енгилган, насл қолдирмоқлик ҳақ-ҳуқуқидан мосуво бўлган қувғинди Жаабарс ўша пайтлар аянчли кун кечирар, устига устак, у ҳали бу аҳволга сира тан бермаган, ҳамон савқи табиий билан қаршилиқ кўрсатар, илгариги куч-қувватининг қайтишини истар, бахтга қарши қизиққонлик, тажанглик қиларди. Илгариги вақтлардек бирон-бир барсойимни биқинига торткиси келар, бироқ уларнинг бари эгалик «уйли-жойли» бўлиб кетишган, унинг истак-хоҳишлари ҳеч кимда раҳм-шафқат уйғотмасди. Шундай пайтлар бўлардики, у бирдан рақибига ташланар, уни бўғиб-ғажиб ташлаш, жила қурса кучини кўрсатиб қўйишни истар, аммо олишув кўпинча натижасиз тугарди. Барча илинжлар абас эди: нафсиламрга, қавм энди унга эътибор бермай қўйганди, гўёки эндиликда у ёруғ дунёда йўқдай.

Шунинг учун ҳам, йирик ўлжа ағдарилганда, илвирслар ҳар ёқдан йиғилиб келадиган сўқмоқлардан нарироқ, чеккароқда юришга тўғри келарди. Ҳолбуки, ўзини босиб туриш, сабр-тоқат қилиш осон эмасди, бошқалар ўлжани ғажиб бўлишларини кутиб туриш, сарқитга эришиш учун ақл бовар қилмас матонат керак эди. Энди унинг аламли қисмати шундай эди, ҳолбуки, у ташқаридан қараганда, ҳамон ҳайбатли кўринар — калласи йирик, қудратли, мудроқ ҳорғин кўзлари ҳамон қовоқлари остидан учқунлар сочар, бўйни ва яғрини азаматларча керилар, думи осуда, юмшоқ буралиб турар, бу Жаабарснинг лозим бўлганда ўзини қандай тутиб тура олишидан дарак берарди.

Фақат қавмнинг булар билан ҳеч бир иши-ҳуши йўқ эди.

Фақат болачуқларини эргаштирган йитқичларнинг мавсумий жуфайларигина унга қаҳр билан нигоҳ солишар, гўё у нимагадир айбдордай, ўзларини четга тортишарди, унинг илгариги жуфти барсойим эса умуман, танимаган-билмаганга олар, қонни қайнатиб юборадиган бетамизлик билан думини хода қилганча бети ғоятда қаттиқ янги маъшуқи билан ёнма-ён, унга суркалиб Жаабарс олдидан ўтиб кетар, ўлдингми-қолдингми, демасди.

Тиёншон мангу қорликларида, тоғларнинг ўнгирлари ва мағораларида яшовчи қавмдошларига яқин-яқинларгача йўлбошчилик қилган Жаабарсдай қудратли азамат йиртқичнинг бу хўрликларга чидашдан ўзга чораси йўқ эди. У тўданинг ҳаётидан мосуво қилингандан сўнг у бўрсиқ, юмронқозик, дуч келиб қолса, қуёнга ўхшаш майда жониворларни овлаб амал-тақал кун кечириб юрди. Илгари кун-кун ора кийик, эчки, архар каби жуфттуёқли ҳайвонларни ағдариб, бўғизлаб тўйгунча мазали гўшт еб юрган Жаабарс эндиликда гарчи аввалгидай қорни қаппаймаса ҳам, лекин оч қолаётгани ҳам йўқ эди. Аммо омади ундан юз ўнгиргани ҳар қадамда билинарди. У тўдага ёт-ўғай бўлиб қолганига қарамасдан, тиз букиб кун кечирадиган қувғинди ҳолига тушганидан ҳеч кўниколмас, буни бўйнига олишни истамас, қаршилиқ кўрсатишга иродаси бутунлай сўнмаган эди. Унинг кўксига юз берган вазиятга қарши табиий галаён жўш урар, ваҳший вужудида ич-ичидан тинимсиз исён ўти ловулар, ҳаммасига зидма-зид аллақандай ички енгиб бўлмас куч бош кўтарар, уни ёрлақамай қўйган бу тоғлару дараларни тезроқ ташлаб бадар кетгиси, бутунлай ғойиб бўлгиси келарди, бошқа бир дунёга қайтиб келмас бўлиб кетишни истарди, бу бошқа жой йўл-йўлакай кириб ўтадиган шу яқин орада эмас, балки осмонга кўз илғамас бўй чўзган мангу муз чўққининг ортида, буюк довоннинг нариёғида эди. У жонли махлуқлар яшамайдиган, етиб бориш қийин, фақат ёзда санокли кунлардагина ўтиш мумкин бўлган мангу ёввойи маконларга жўнаши керак эди; ўша холи юксак макон Узангилаш тизма чўққилари орасида бўлиб, у ерга ҳатто қудратли парвози баланд қушлар ҳам учиб етолмасди. Жаабарсни ич-ичидан отилиб келаётган ноаён бир куч, дунёга сиғмай қолган чексиз алам-ҳасрати мана шу маконларга тинмай тортмоқда эди. Бир пайтлар ёз чоғи у ўша ёқларга чиқиб борганди, лекин эндиликда унинг аламангиз фожиаси шунда эдики, илгари қурби етарди, энди етармикин...

Довонга чиқиладиган тик ва қоялар билан қуршалган йўл кўз илғамас юксакдаги ҳеч қачон эримайдиган қорлардан ўтар, шамоллар чўққилардан чўққиларга подадай ҳайдаб юрувчи, улар ортида ғойиб бўлувчи, баланд ёнбағирларга эниб борувчи, довон оша судралиб югургучи қора булутлару оппоқ сутдек амомалар ичра кўринмай кетарди... буларнинг бари бу ердан узоқ эмас... унинг ёнгинасида эди...

Жаабарс яна қанча уюрмаларидан ўтаркинман деб, тўхтаб, атрофидаги қорларни оёқлари билан топтаб, нафасини ростлашга уриниб, буларнинг барини кўздан кечирарди. У қалин қорларни босар, бўғзигача қор уюмларига ботар, тўртала оёгининг панжаларига зўр бериб, яна тирмашиб юқорига чиқар, тошлар-қояларнинг муз қотган бағрига бағрини бериб чўзилиб судралар, олдинга силжирди.

Лекин худди мана шу аснода худди у ўлжасини қутуриб қувиб бораётгандай нафаси оғзига тиқилар, юрагининг гурсиллаб уришидан қулоқлари чиппа битар ва — энг кўрқинчлиси — нафас етмай оғир бўғилар, оёқларида мажол қолмай таппа йиқилар, орқасига сирғалиб қулар, кўзи жимирлаб назарида дунё остин-устин бўларди. Уёғига яна юқори кўтарилишга кучи етмасди — томоғи хир-хир қилар, бўғилиб ириллар, бироқ бир одим ҳам олдинга босолмасди... Аввалгидай қудратли бўлгандами, Узангилаш довонини бир-икки соатдаёқ ошиб ўтган ва охир-оқибат ўша ўзгача дунёга аллақачон етиб оларди. Самоларнинг жаннатига яшарди кейин... Лекин мабодо қўлидан келсайди, бу сафар энди у ҳеч қачон қайтмайдиган бўлиб, мангуга, то охирги нафасигача шунда қоларди, то ҳаётининг сўнг дамигача...

Чиқиб бўлмас тоғ чўққиларининг тизмалари билан ўралган юксадаги маконга етар-етмас Жаабарс жонидан тўйиб, ҳадеса калласини бор кучи билан силкитар, музлаган қояларнинг тош бағирларини тирмалар, абгор бўлиб, қани эди табиатдан йиғлаш ато этилган эса, тоғлар тумонатини ларзага солиб ўкириб-ўкириб йиғлашга ҳам тайёр эди. Жаабарс бир эмас, бир неча марта довонни ошиб ўтишга тиришар, бироқ эпини қилолмасди... Бир пайт нафаси бўғзига тиқилиб қийналиб ётганида, шундоққина ёнгинасидан ўнтача шохдор тоғ архарлари сакраб-сакраб ўтишди — худди икки қадам нарида ваҳший тоғ илвирси ётмагандай. Ҳолбуки, улар уни пайқашган эди, у эса табиат ўзига ўлжа этиб берган тоғ архарларини кўрмаганга солди... О, тоғлар, айтинг, дунёда шундайи ҳам ҳеч бўларми?! Аммо тоғлар миқ этмасди. О, осмон, айт, дунёда шундайи ҳам бўларми?! Олий осмон ҳам жавоб бермасди. Жаабарс ҳасратдан мунграниб ётарди...

Ахир барча ишларни қойилмақом адо этган пайтлари бўлган, юксақлардан отилиб тушаётган шаршаралардан бир нафасда сакраб ўтган — ҳолбуки, салгина тойиб кетса ёки ҳаялласа, ҳар қандай махлуқни тубсиз қаърларига улоқтириб ташлаган, тош-қояларга уриб мажақлаган бир зум ичида. Бироқ Жаабарс у пайтлар шунчалар кучли ва чаққон эдики, тўсиқ нималигини билмасди, на тубсиз қаърлар, на тик қоялар, на жар-даралардан кўрқарди, бўрон, қор қуюнлари уни худди ўз фарзандидай кучарди, тоғлар илоҳаси эса унга илтижо этарди: «Ёнимга кел, Жаабарс, ёнимга кел!» У илтижо янграётган ёққа қуюндай ташланар, илоҳа эса шу заҳот ғойиб бўлар, энди унинг саси нариги ёқдан эшитиларди: «Ёнимга кел, Жаабарс, ёнимга кел!» У яна олдинга камон ўқидай шувиллаб отиларди... Уша чоғлар дунё унинг чангалида эди, етиб бориб, қувиб ўтиб, ташланиб, доим енгиб чиқиш унга ҳеч бир қийин эмасди ўша чоғлар! У дунёнинг соҳиб чангали эди.

Мана энди у ҳар ёнга бош уриб, тиришиб-тирмашиб, ўтиб бўлмас довон узра бор кучи-ҳушидан айрилиб, абгор бўлиб ўша ўтмиш кунларни ҳасрат, алам, оғриқ билан эслайди.

Туш чоғи эди. Ҳар куни кун ўртага етади, кун ўртадан тушади, лекин ўша пешин пайтини асло унутиб бўлмас...

Ўша ёзни ҳам унутиб бўлмайди...

Бундай ўша юксакликларда ҳаво тиниқ, булутсиз бўлса, кун пастликларда бўлганидек, соя-салқинда дам олиб ётишга чорламайди, куйдирмайди, ёндирмайди, мутлақ нурафшон, мўъжизий шуълалар сочади, тоғлар оламини мунаввар нурларига чулғайди, тирик бир куч-қудрат манбайига айланиб, заминда неки нафас олиб яшаса, барини файзиёб қилади, – оддийгина кўк майсадан тортиб, ёз чоғи бу жойларни қора тортиб келган, учурумлар ва тизмалар узра оҳиста чарх урган тўдаланган қушларгача ўзидан баҳраманд этади. Бундай дамларда борлиқ олам мавжудотлари офтоб зиёси қучоғида яшамоқ лаззатини туяди...

Ўша кун ўрта чоғи ҳам шундай бўлди. Ўшанда улар жуфай бўлиб, барсойим икков Узангилаш юксак маконларида эркин югуриб учиб боришар, офтоб ва улугвор тоғлар уларнинг майлларини жўштирар, ёнма-ён чопиб боришар экан, улар бир жону бир тан бўлиб кетишган, югуриш ҳам баданларини қиздирарди, бир-бирларига сира тўймасдилар...

Бу маконга улар куни кеча етиб келишганди. Довондан кун бўйи тўхтамай ўтишди, тунда ора йўлда қолиб кетмаслик, қуюн забтида ҳалок бўлмаслик учун бир зум ҳам қадамларини секинлатганлари йўқ. Ниҳоят, Жаабарс билан маъшуқаси барсойим кўзлаган манзилларига ҳали кун ботмай етиб келишди. Бекорга уринишмаган экан! Табиатнинг ўзи уларни бу маконга чорлаб олиб келди ва ҳар дамда, ҳар нарсада уларга омад ёр бўлди. Йиртқичлар нафасларини бироз ростлаб, ўзларига тунги манзил излаётганларида, унча узоқ бўлмаган масофада тоғ оҳулари тўдасини кўрдилар, улар ўн чоғлик бўлиб, яқинда доvon ошиб юксакдаги ўтлоқларга чиқишган, осмон билан ўпишган чўққилардан эриб тушаётган сувларни ичишарди. Лекин мушкул доvonдан ошиб ўтгач, фалокат оёқ остиларидан чиқди. Йиртқичларга ем бўлиш хавфи туғилди. Икки ваҳший ҳайвон шу заҳоти ҳужум қилди. Ўлжани қўлга киритиш унча қийин кечмади. Довон кийикчаларни анча ҳолдан тойдириб қўйганди. Илвирслар оҳуларнинг бирини кўз очиб юмгунча чангалга олдилар, бошқалари қочиб кетишди. Тун олдидан лаззатли этга ҳўб тўйдилар, оҳу гўштининг таъми оғизларида қолди, фароғат қилиб ҳўб роҳатландилар. Кўк юлдузлари худди буни билгандай ярақлардилар – улар бошидан осуда шуълаларини фаровон сочар, тоғларни аллалардилар.

Тонг билан тиниқ уфқлар чизигида улкан қуёш кўринди, шунда мангу тоғлар янада улугвор тортиб, жонланиб, ҳаёт нашидасини сурдилар, ўз ҳайбатли ўткир қирраларини янада кучлироқ, итикроқ намоён айладилар.

Жаабарс маъшуқаси билан уйқудан эрта уйғонди, ов овлаш баҳонасидагина эмас, маъшуқаси билан гашт қилиш учун махлуқ қадами етмаган ажиб чимганликларда, майин ҳид таратган зумрад ўтлоқларда, юксак тоғларнинг сарин ҳавосидан баҳрадор бўлиб сайрга чиқдилар. Кун қиёмга етганда илвирслар аввал катта-катта сакраб, ўмбалоқ ошиб, кейин узоқ-узоқ югурдилар. Қуёшнинг ўзи тоғ қоплонларини гўё шунга ундаётгандай, баданларини қиздирар, уларга ақл бовар қилмас гўзаллик ва қудрат бағишларди, бу билан гўё бу жуфтлик, бу висол онларининг қадри ва сир-синоатини вужудларингизда туйингиз, дегандай бўларди. Бу жуфай ҳайвон зоти қовушмоғининг тенгсиз нашидаси эди.

Улар томирлари жўш уриб, ёнма-ён эркин югуриб боришар, шу тобда улар учун тоғлару қуёшдан ўзга ҳеч нарса кўзларига кўринмасди. Мабодо тўғри олдиларидан чиқиб қолганда ҳам, уларга ҳозир ҳеч

қандай ўлжанинг ҳожати йўқ эди. Улар қуёш нурини шимираб, югурганда қуёш нуридан куч олар, унинг ҳароратини эмар, кучларига куч қўшилар, ҳорғинлик нималигини билмай, ҳаёт лаззат-фароғатининг чўққисига кўтарилар эдилар. Шундай бўлган эди-да...

Ва еру замин коинотнинг аргимчоғида чайқалар ва ер юзасида мавжуд жамики мавжудот мангуликнинг кўзга кўринмас айланасида учар, улар ичида Жаабарс билан маъшуқаси барсойим ҳам офтоб нури ёритган тоғ тизмалари ҳамда воҳаларида қанотланиб учишар, қуёш эса тиккада хатти аълода туриб уларни эркалар, ўзига чорлар, кўкларда учган қушлардек бўлинглар деб, далда берар, зеро худди ўша онларда икки йиртқичнинг жуфайи ҳайвонлар зоти-қавмининг чоғиб бораётган мисоли икки фариштасига менгзарди... Гоҳи-гоҳида ҳайвонлар ҳам фаришта бўла билади... Шундай бўлган эди-да...

Ҳашпаш дегунча фароғатли ёз кунлари ўтди-кетди, тоғларнинг юксак маконларида қўноқлик муддати охирламоқда эди — бу маконларда ҳаво тез орада кескин ўзгарди, бирдан тик тоғлар бағридан кўз очиб юмгунча қуюнли қор бўронлари кўтарилиб, нафас олишга қўймай қутургандан қутурди, осмон фалакни зим-зиё қоронгу босди. Ана ўшанда илвирслар апил-тапил орқага қайтишди — базўр оёқ узиб, жонларини сақлаб қолишди. Улгуролмаган баъзи жонзотлар ўша маконнинг ўзида, қор кўчкилари тагида қолиб кетишди, осмонда учиб бораётган қушлар ҳам ҳеч нарсани кўролмаб кўздан айрилишиб ерга тап-тап муз кесаклари бўлиб қулашди. Шундай бўлган эди-да...

Ана шу юксак тоғ маконига довон ошиб ўтишга Жаабарс жон-ҳолига қарамай уринар, унда мўъжизадай қуёш билан эндиликда ёлғиз бир ўзи рўбарў бўлишни истар, у ерларда ҳаётининг охирги кунларини ўтказиб, сўнг абадул-абадга ғойиб бўлгиси келарди. Бу ёлғиз сўққабош ҳайвон ўз умр йўлини бошқача бир тарзда эмас, айнан худди мана шундай тугаллашни хоҳлар, шунга интиларди...

Довондан эса ўтиб бўлмасди. Йўли тўсиқлар билан банд, уларни ошиб ўтишга ожиз эди. Жаабарс қаттиқ хириллаб, увиллаб, ариллаб, юқорига кўтарилмоқчи бўлар, хип бўғилар, тик баландликни ололмаб пастга қулаб тушар ва яна қалтираган панжаларини тошга босарди...

Лекин ахир нима учун тақдир ушбу тоғ илвирсига андак раҳм-шафқат қилмади? Ахир унинг истаги фақат тоғ ошиб ўтиб, сўнг ўша ёқларда абадул-абад қолишгина эди-ку... Наҳот тақдирнинг бунга ўз алоҳида сабаби бор бўлса? Наҳотки бу махлуқ унга баайни мана шу Узангилаш тоғликларида алланимагадир керак бўлса? Тақдирнинг дафтарига нима ёзилган эди, ахир?

#### IV

Икки кун илгари у: «Дил нима ўзи? Ҳамма нарсани унга бемалол тўнкариш мумкин. Ирода ва онг — мана булар инсон учун энг муҳим нарсалар!» — деб озгидан чиққанини шарттакилик қилиб ёзган бир газетхон билан баҳсга киришиб мақола тайёрлаганди. «Албатта бу гапда жон борку-я, лекин биз дилимизда рўй бераётган ҳодисаларни ҳам назардан қочирмаслигимиз, уларнинг маънодор томонларини эсдан чиқармаслигимиз лозим, биз эса кўпинча бу нарсаларга эътибор бермаймиз. Дил мулкида рўй бераётган майллар аксаран ҳатто тарихий воқеа-ҳодисаларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Яхшилик ва ёмонликнинг асл ибтидоси кўнгил булоғидир. Дил онгости ҳодисаларини кучайтиради ва рағбатлантиради!» У пайтини тоғиб шундай фалсафий муҳокамалар юритишни яхши кўрарди.



Бироқ ҳозир фалсафий ўй-хаёлларга ботиб ўтиришнинг пайти эмасди. Шу кеча Арсен Саманчин компьютернинг ҳатто яқинига йўламади. Ўша чуқур мулоҳазалар юритилган қизиқ мақолани ёзиб тугатадимиз, йўқми, буни ҳам билмасди. Одатда кечки пайтлар мусиқа эшитиб ўтиришни ёқтирар, бугун уни ҳам қўймади. Энди бўш вақтларида мусиқа қўйиб эшитадимиз, йўқми, буни ҳам билмасди. Лаънати «Евросиё» шоу-ресторанида рўй берган воқеадан кейин юраги худди ўт тушган ўрмондек гуриллаб ёнарди. Унинг руҳий дунёси остин-устун бўлиб кетган, ўзини қандай қўлга олишни билмас, тубсиз чоҳ ичига тушиб кетгандай бўлар, ўзига бўрондай ёпирилган дарғазаб кечинмалар гирдобидан яна отилиб чиқиб қутулгандай сезарди. У ўз бўйдоқ ҳужрасининг бирдан-бир дарчасига тўхтовсиз бориб-келар ва шу ерда ҳеч нарсани тушунмай-билмай ҳаросон туриб қоларди. Қизиқ, у ўзи ҳақида худди бошқа бегона одамдай ўйлар — ўзини ўзи танимай қолганга ўхшарди.

У ресторандан қайтиб келиб ҳатто бўйинбоғини ҳам ечмади, дераза олдида қаққайганча турар, дам-бадам оғир-оғир хўрсинар, бошини сарак-сарак чайқар, бўйинбоғини қўли билан тутамлаб қоронғу ҳовлига тикилар — қаршидаги худди мана шундай кулранг йирик панелли кўп қаватли одамлар яшайдиган баланд иморатнинг барча чироқлари аллақачон ўчганди. Агар улар ёниб турганда ҳам чикора? Учинчи корпуснинг еттинчи қаватида истиқомат қилувчи ва ҳозир ойна рўпарасида туриб аламли ноумид ўй-изтироблар ичида ўртанаётган аллақандай кимса билан қўни-қўшниларининг нима иши ҳам бўлиши мумкин?

Қанча инграма, ўртанма, ҳеч қандай фойдаси йўқ. У кимга таъна қилсин, кимдан ўпкаласин, кимни кўрқитиб қўйсин? Ҳамма нуқталар аллақачон жой-жойига қўйилган. Такси уни етти қаватли туссиз уйларнинг кўримсиз ҳовлисига келтириб қўйди, шу ерда уларни орқадан қолмай таъқиб этиб келган хорижий йилтироқ машина кескин қувиб ўтди, ўткир чироқлари билан кўзларни қамаштириб кўр қилаёзди. Арсен Саманчин ёруғдан кўзи ҳеч нарсани кўрмай машина эшигини очиб тушаркан, хорижий машинадан баланд бўйли баҳайбат икки киши чиқиб унинг олдини тўсишди. Ҳар икковининг рафтори ва хатти-ҳаракатига қараганда, уни кўрқитиш, хўрлаш, ҳатто калтаклаш учун жўнатилган эдилар. Аммо олдин такси ҳайдовчини «Қани, тез жўна бу ердан!» — деб қувиб юбордилар.

Арсен Саманчинни эса деворга тирадилар:

— Хўш, ҳазрати олийлари, кулбангизга етиб келдингизми эсон-омон? Сассиқ ахлатхонада яшайдилару яна шляпа кийганларига бало борми! — Арсен Саманчин оғзини очиб улгурмай уларнинг бири унинг шляпасини шартта пастга тортиб кўзига бостириб қўйди. — Ҳей, кўзингга қара, бола! Бировларнинг ишига тумшугингни тикма! Ақлинг кетиб, кетма-кет ёзиб чиқяпсан, ҳали адабингни ейсан. Сенга ўхшаган кимсага битта кўрғошин ўқ доим топилади! Билдингми, аблах! Қани, яна бир нима деб ёзиб кўр-чи — чиққан жойингга кириб кетасан! Башарангни қара, ифлос, итдай ичибсан. Тур кет, йўқол! Эсингдан чиқмасин, думингни қисиб юр, ҳа.

Уни шу ерда қолдириб, улар катта тезликда кўздан ғойиб бўлдилар. Кетидан тош гириллатсанг буларни... Лекин қайда! Кўнгли беҳузур бўлди. Фира-шира қоронғуда уйи сари кетди. Қурби фақат бошидаги шляпасини тўғрилаб қўйишгагина етди.

Энди эса ҳеч нарса кўрмаган содда ўсмирдай каловланарди: нима қилсин, буёғига қандай яшасин, бошини олиб қаерга кетсин? Унга нима бўляпти ўзи? Ахир, нималарни кўрмади бу сўққа боши?..

Уйланди. Тўйлари бўлди. Ҳаммаси унутилиб кетди. Қавм-қариндошлари эса қулоғини қоқиб қўлига беришади: биринчиси ўхшамаган бўлса, иккинчисини чўзишнинг нима кераги бор? Ҳаракатингни қил! Ҳа, олдинги никоҳи кўз очиб юмгунча жон берди. Афсус, бошқача одам бўлолмади. Алоҳа ажрашдилар, икки ёққа бош олиб кетишди, бир-бирларидан қутулишди. Одамлар бекорга айтишмас экан: севги бир бора шуъла сочади, мангуга эмас. Аммо одам буни тан олгиси келмайди, севги ўчмас, мангу шуълалар сочишини хоҳлайди. Майлига. Худо хайрини берсин. Шуъладир шуъламасдир, тақдир қилмади, худди бир-бирларини танимаган-билмагандай айрилдилар. Ўшандан буён мана уч йил ўтди, шу кўримсиз ғариб микрорайонда яшаяпти. Албатта, рисоладаги хотинга ундай одам билан чиқишиб яшаш осон эмас. Тўққани ҳам йўқ. Улгурмади. Қариндошлар ўпка қилишади. Ким бунга айбдор? Хотинининг турган-битган ташвиши — банкнинг иши эди. Пул-пул! Барибир унинг каби дарвеш билан тил топишиб, бир ёстиққа бош қўйиб орзу-ҳавас қилиб бўлмайди. Агар айтиш мумкин бўлса, у — гоёбардор инсон. Гоё унинг учун дунёда ҳамма нарсадан ортиқ. Шўринг қурғур хаёлпараст. Бунинг устига «минбар кишиси». Марказий Осиё тўғрисида таҳлилий мақола ёзиш учун келган инглиз журналист аёли уни шундай деб атаган эди. У ёқ-бу ёқлардан анча суҳбатлашдилар. Ана ўшанда лондонлик газетачи аёл шундай деди:

— Жаноб Саманчин, сиз нимангиз биландир бизнинг минбаргўйларимизга ўхшаб кетасиз, улар ўз гоёларининг фавқулудда қимматига қаттиқ ишонишади. Қаранг, сиз ҳам ўз гоёнгизни хушёр қўриқлайсиз, уни қўлингиздан қўймай, чангалингизда маҳкам тутасиз.

— Раҳмат, яширмайман, бундай гапларни эшитиш кишига ёқади. Лекин мен тоғлардан чиққанман. Тоғларда ўсганман. Тоғлар доим ўзингизни қўлга олиб хушёр юришингизни талаб қилади, учирма лабида қоқилиб тубсиз жарга қуламаслик учун ҳар қадамда ҳеч нарсани кўздан қочирмасликка тўғри келади.

— Бундан чиқди сизнинг минбарингиз бу — тоғлар. Дарвоқе, — табассум қилди инглиз хоним, — бу ерда ҳаммаёқ тоғлар. Кўринг, қанчалар юксак тизмалар!

— Рост, бу тоғлар мамлакати. Фақат мен туғилиб ўсган тоғлар бу ердан жуда узоқда ва кўз илғамас баландликда, шунинг учун у тоғларни Узангилаш тизмалари — кўкнинг узангилари деб аташади...

— Жуда чиройли. Менга бу тимсол айниқса ёқади, инглизчасига — stirrup бўлади. Шундан сизнинг тоғларингизни — Стиррап тоғлари деб айтиш мумкин.

— Қойил. Қирғизчасига бу Стиррап-тоо дегани! Узангилаш тоғлари! Менинг элдошларим бундан фахрланишади. Мен эса тоғлик бўлишим билан бирга минбаргўй бўлишдан ҳам қочмайман. Ахир университетларнинг кафедралари ўз минбарларидан универсал, бутун ер юзига тўғри келадиган гоёларни ёйиш билан шуғулланишади.

— Кўрдингизми, мен янглишмабман. Ташаккур. Сени дарров тушунадиган касбдошинг билан суҳбатлашиш қанчалар яхши.

Ҳозир дераза олдида туриб, қоронғу ҳовлига маъносиз бақрайиб, Арсен Саманчин ўша суҳбатни эслади ва: «Ана сизга ҳурматли минбаргўй тоғлик», деб қўйди. Сен бугун ҳаётнинг яна бир «ширин» сабоғини олдинг. Тотдинг! Асал қўшилган! Қойил! Бўлар экан-ку! Бозор издиҳоми қудрати олдида ҳеч қандай минбар, ҳеч қандай кафедра дош беролмайди. Ана, бозорнинг гаврони билан бўйнингга уриб ҳайдаб чиқаришди, яна каллангга соламиз, деб дўқ ҳам уришди.

Хатто севгини ҳам, сотиладиган товардай бозор растасига чиқаришди. Сен эсанг буни мана эндигина тушуняпсан. Бундан келиб чиқадики, сен бу бизнеснинг даврига тўғри келмас экансан. Ана ўша соцреализм деб аталмиш нарса учун яна бир муқаррар жазо. Ана сенга «стирраплик азамат»! Овулдошларинг айниқса, қайта қуриш деган пайтларда сендан ҳўб фахрланишарди, қаранг-а! Энди ҳушёр тортишади. Ҳўб, қани, энди нима қилдик, қаерга бош уриб борамиз? Ўша «Мангу қайлиқ»ни унут, буткул унут! Кимга керак у?

Э, ҳали ниятнинг ўзиёқ попса<sup>1</sup> билан тенглашолмайди. Попса тантанаси. Бизда попсанинг даври келди. Сен бўйнингни индамай қисда, буни тан ол, ёки хайр-маъзурни нася қилиб жуфтакни ростлаб қол. Лекин барибир нима қилсин? Москвага кетсанг, у ерда ишончли, суянас бўладиган ўз одамларинг бор, лекин у ерда ҳам попса авж паллада! Хуллас, кета кетгунча қоронғу ер ости йўли, охири кўринмайди... Ҳали икки йил бурун ҳаммаси шундай ер билан яксон бўлиб кетади деб сира хаёлига келганмиди? Унга ва акамга хайр-маъзур қилиб хат ёзаман...

Дераза олдида туриб, у яна узоқ вақт шундай нохуш ўй-хаёлларга толди. Кейин ўзи ҳам билмаган кўйи ухлаб қолди, оламни оғир сукунат босди. Қизиқ, ўша кеча на қўлидаги ва на уйдаги шаҳар телефонида бирон марта ҳам кўнғироқ бўлмади. Бошқа вақтлар ярим кечагача телефон қилавериб қулоғини қоқиб қўлига беришади. Мустақил, ўз номига яраша, эгамен журналист бўлгач, Арсен Саманчинга шундай муомала-муносабатлар табиий, сўз эркинлиги ҳам шуни тақозо қилади. Қўшга кирдингми, бас, вой бўйнимнинг яғири дема. Шикоятлар ёғилиб кетган! Нималарнидир матбуот орқали ҳал қилинар, бошқалари ечилмай тугун бўлиб ётар, ахир у адвокат эмас-ку, бор-йўғи матбуот деҳқони. Ҳолбуки турли-туман корчалонлар матбуот орқали ўз манфаатларини қондириш, бутун аҳолининг кўз ўнгида даҳанаки жанглар қилиш, голиб чиқиш, бутун эл-юртга донг таратиш учун не-не найрангу маккорликларни ишга солишмас, ундан ўзларининг итдай рақобат жангларига қўшилишни талаб этардилар... Бугун эса тик этган товуш йўқ. Фаройиб. Балки унинг қандай таҳқирланганидан хабар топишгандир.

Балки аллақандай савқи табиий билан энди унга мурожаат қилишимиздан фойда йўқ, омад ундан бутунлай юзини ўгирди, деб ўйлашаётгандир, недирки, «вокал кўшиқчимиз», бир пайтлар опера саҳнамининг илоҳаси, ҳозирда қаерга қараманг, ширин табассум қилган сурати турган эстрадамининг юлдузига яқин-яқинларгача биргаликда пишитиб, биргаликда муҳокама қилишиб юришган ниятлари — ҳамкорликда опера яратиш фикрини бор-йўғи эслатиб қўймоқчи эди, холос. Мана энди маълум бўлмоқдаки, бу опера эмас, хомхаёл экан. Ахир Ойдана бирдан барча алоқаларни бирваракай узди — тавба, бамисоли аллаким уни сеҳр-жоду қилгандай-а, кўриқчилари яқинига йўлатишмайди. Майли, ихтиёри, Худо хайрини берсин, лекин композиторга нима дейди? Тўхтатинг, деб айтадимми? Лекин Ойдана учун мумтоз опера мусиқаси яратаман деб аҳд қилган бундай устоз-маэстролар ҳозир битта-иккита, холос. Мусиқа оламида гоётада машҳур ва ҳурматли зот бўлмиш, «Мангу қайлиқ» гоёсига бениҳоя қизиқиб қолган, ва опера яратишдай нодир ишни қўллаб-қувватлашга базўр кўнган, аллақачон ҳомий билан бу ҳақда шартнома ҳам тузиб қўйган композитор Аблаевга буни нима деб тушунтириш мумкин, уларга

<sup>1</sup> П о п с а — авангард санъат усулларидан.

ресторанда рўй берган илгари кўз кўриб қулоқ эшитмаган воқеани қандай айтади? Қандай шармандалик! Барзангилар уни орқа кўчага олиб чиқиб, дўқ-пўписа қилиб, мушт дўлайиб зўрлаб таксига тиқиб юборишди. Такси ҳайдовчига иддао қилишди: «Ҳей, қариндош, манов нусха итдай ичган, уйига олиб бориб ташла. Ҳеч ерда тўхтаб ўтирма. Тўғри Ўртасой микрорайонига олиб бор!» – дейишди. Ҳайдовчининг қўлига пул ҳам тутқизишди.

Арсен Саманчинни мана шундай «ихрож қилишди». Энг ёмони, фойедан чиқишаётганда, у бирдан ярақлаган катта тошойнада ўзини бор бўй-басти билан кўриб, ҳайратидан қичқириб юборишига сал қолди. Қанчалар ҳақир, бечора ва афтодаҳол кўринар эди у. Яна манов олифта пўрим шляпани айтмайсизми. Кўз очиб юмгунча у қувғинди, ғариб бир кимсага айланди-қолди, уни энди жамоат жойидан ҳе йўқ-бе йўқ бемалол ҳайдаб чиқараверса бўлаверар экан-да, а. У эса ўз номус-орини ҳимоя қилиш ўрнига бўйини қисиб жўнамоқда, яна буюртмага ясалган ҳашаматли ойнада ўзини шу аянч ҳолида томоша ҳам қилмоқда. Унинг доимги савлати, назокати, зиёли виқори қайда қолди? Ахир уни бежиз эгамен, мустақил деб аташмаган-ку, у тўғриси ҳам, бахтигами, бахтга қаршими, Осие матбуотида ноёб – оёқда маҳкам турадиган мустақил журналистлардан бири эди. Унинг Ойданаси, эркалаб, суйиб Ойя деб атайдиган севгилисиди ҳам «Менинг ўзимнинг эгаменим! Мен-да эгамен бўлгим келади, сиз билан бирга битта эгамен жуфт бўламыз!» – деб пичирларди. Қайда! Ҳаммаси тескари бўлиб чиқди. Бизнес ҳукмронлари ундан юз ўтирдилар, четга сурдилар, Ойдана эса яланғоч елкаларини қоқиб, бизнеснинг жаннатига учиб кетди. Ким жаннатни хоҳламайди? Ҳаммага у ерда жой топилиши қийин, лекин қизнинг омади чопган экан. Арсеннинг жаннат дарвозасини очадиган калити бўлганда, албатта унга очиб берар, лекин бундай калит йўқ унда...

Хўб, энди «Мангу қайлиқ»ни кўйишдек тинмағур нияти нима бўлади, бошидан бу нарса Ойданага мўлжаллаб, унинг одамни батамом ром қилиб қўювчи меццо-сопрано овозига умид боғлаб, ўйланган эди-ку. Кўз ўнгимизда тобора путурдан кетиб, тушкунликка тушиб бораётган опера театри муаммосини қайси жарга улоқтириб ташлаш керак, ундан қочиб кетаётган санъаткорларни қандай қилиб тўхтатиб, сақлаб қолса бўлади? Анъанавий репертуар театри ё яшаб қолади, ё кун биттади. Бу ҳам миллий, ҳам дунёвий масала. Ҳа, оммавий маданиятнинг чайқовчилари Арсен Саманчинга ўхшаш ҳаваскор театр ишқибозининг гарданига бошлаб туширишди, уни ўз кўз ўнгида синдирдилар, хўрладилар, олий нарсалар устида бош қотириб юрмайдиган қилиб қўйдилар. Ҳали бу ҳам етмайди, улар ҳали эгамен ҳаёлпараст устидан кулиб масхаралашни қўймайдилар, уни маънан-руҳан бутунлай синдиришга уринадилар, токи жонига тегиб ўзи йўлдан кетсин, оёқлари тагида бошқа ҳеч қачон ўралашмасин. Буни уятсизларча, бетамизларча адо этгайлар ўша шоу-бизнеснинг фаррошлари, ўша поп-модернизмдан чиққан поп-ясовчи чистаю-чаққонлар. Бунақа нарсаларни улар қойил қилишади. Бунинг учун ҳамма воситалар – Интернетдан то космосгача қўлларида мавжуд. Кунда-шунда ёрдамчилар ҳам улар ихтиёрида – эстрада дейсизми, газеталар... Оҳ, шўрлик, шўрлик матбуот! Яккаҳоқимлик даврида сўздаги қулчиликка қарши курашиб-курашиб – кейин ўзи бозорнинг қулига айланди. Ҳаво тўлқинлари ҳам шунга хизмат қилади – ахир ҳар бир автомашинада радио бор... Ҳаттоки самодаги йўлдошлар ҳам бутун ер юзининг чархпалагида шоу-бизнеснинг қибланамоси бўлиб хизмат

қилади энди. Буларнинг ҳаммаси мумтоз қадриятларни четга суриш, футбол стадионларидаги тобора кучайиб борувчи тўфон каби ҳайратангиз фойда олиш учун қилинади. Ҳаммаси уларнинг қўлида.

Эҳ, сен ҳаваскор хаёлпараст, тўғрироғи, хаёлпараст, шўринг қургур яккамохов, ҳаммасини кўра-била туриб нега уларнинг оёқлари остида ўралашасан? Наҳот бўйни ва тили қисик қурбонлиққа ўхшасанг, наҳот қалтироқ қўлларинг билан ўзингни шоуменлар ўрдусига ўлжа келтирсанг? Ҳатто севгингни ҳам катта лаганга солиб узатсанг, олинлар, ҳой, енлар, фақат йўлимизни тўсманлар, десанг. Ва мана шу сен ҳаётнинг мазмуни ва гўзаллиги, Худонинг ўзи ато этган мангу тухфа деб атайдиган эзгуликлардан мажбурий тарзда воз кечишнинг ўзи эмасми, зотан муҳаббат бизга самовотнинг тухфаси, абаду азал қурб-қувватидан ато куч. Худди мана шунинг учун ҳам васлға етиш ҳаяжонларини мангулик билан ўткинчи ҳаёт ўртасидаги ҳаракатнинг энг чўққиси деб тушунтириш мумкин, бинобарин шунинг учун ҳам ишқий ҳиссиётлар ва эҳтиросларнинг жўшмоғида фожиалар ҳамда драмалар яшириб ётади ва улар осмону замин муносабатлари қанчалар мушкулписанд эканлигидан дарак беради. Ҳар қандай муҳаббат ўлим билан якунланади, аммо Худодан муҳаббатга ато этилмиш мангуликнинг заҳира қурби келажак наслларга ўтади, ва улар ҳам ўзларини муҳаббатга бағишлаб, муҳаббат воситаси-ла азал оқимига кириб борадилар. Бироқ бузғунчи кучлар ҳар сафар муҳаббат оламига маккорона ҳужум қиладилар, зеро инсон аслиятининг қоронғу мағораларида улар кўплаб яшириниб ётадилар ва дам сайин маккорроқ, устомонроқ бўла борадилар, бинобарин, одамларда ички мубораза ҳеч қачон камаймайди.

Мана, бахтингни бой бердинг, гапнинг пўсткаласини айтганда, ишларни пачавасини чиқардинг, енгилдинг, таҳқирландинг, муҳаббатингни чоҳи балога ташляпсан, ҳолбуки, муҳаббат сендек эр етилган йигитга ҳамда маъшуқанга кўк осмондан ато этилган эди. Шармандаи шармисор бўлдинг, шоумен Корчалон олдида ўзингни ерга урдинг, бу корчалоннинг ҳатто номини ҳам тилга олгулик эмас, шунчалар нафратланади киши ундан. Аммо ул кишимнинг бу билан сира иши йўқ. У ғолиб чиқди, ўлжани тақимига босди. У ҳамманинг кўз ўнгида жондан севган маъшуқангни тортиб олди, ўз домига илинтирди, очигини айтганда, уни бошдан-оёқ сотиб олди, энди бошлаб сотади, кифтини келтириб бозорга солади. Сен яна бошқа бир нарсангдан ҳам айрилдинг, юрагингда худди кўринмас уммон каби жўш уриб турган, муҳаббатингга ҳамоҳанг бўлган кўнгилинг мусиқаси бирваракай барҳам топди, сени тарк этди. Ахир ҳаваскорона эса-да, гоҳ-гоҳ жунбушга келиб ўзини билдириб турса-да, бошқалар уни кўрмаса ва эшитмаса-да, барибир, ҳар қалай у қалбингнинг табиий мулки эди, ва сен ҳеч қачон ундан айрилишни истамасдинг, уни ташлаб кетолмасдинг. Мана энди онгинг тубларидаги кўзга кўринмас симфония оҳиста сени тарк этипти, зеро у яшайдиган макон қолмади.

Арсен Саманчин яна шу заҳоти ўзини босиш, эс-ҳушини йиғишга ҳаракат қилди: буларнинг бари ҳиссиётлар, холос, диққатингни бошқа нарсаларга қарат, фикрингни соғлом йўлга сол. Агарда «Мангу қайлик» воқеаси асосида опера ёзилган, партитураси ҳам тайёр бўлса, унда бош ролни ўйновчи муносиб ижрочини бошқа шахарлар ва ҳатто бошқа мамлакатлардан ахтариб топиш амри маҳол эмасди. Қимматроққа тушарди-ю, лекин ташкилий томонларини ечиш мумкин эди. Мантиқан олганда, шундай...

Бироқ ҳеч нарсага қарамасдан, юраги кўпириб-тошган нафрат ва ўч олиш иштиёқи гирдобида ўртанарди. Ҳозир олигарх деб юритилувчи бир корчалон сени оёқлари остига олиб топтаётганига чидаш қийин эди. Хўп, мабодо, иштаҳанг очилган бўлса, итингни тувагигача олтин қил, лекин нима учун ҳамма уларнинг олдида қуллик қилиши, малайга айланиши, одам ёллаб ўлдиришдан тортиб, виждонини сотишгача бориши, қабихликларига шерик бўлиши керак? У уларнинг зарбасига кўзларидан ўт чиқариб юборадиган зарба билан жавоб қайтаришни истарди!

Шунда Арсен Саманчиннинг бошига ёмон хаёллар бостириб келарди, лаънатини ўлдириб ва шу заҳоти ўзини ҳам маҳв этгиси келарди! Бирга — бир! Сен ҳам йўқ — мен ҳам йўқ! Тамом! Кейин матбуот ва бошқа ерларда бу ҳақда нималар деб валдирашмайди, ёлғон-яшиқ тўқишмайди — сариқ чақага арзимайди ҳаммаси.

Илгари у теле ва кинодефективларидаги ўлдир-ўлдирларга истеҳзо билан қарар, улар устидан нафратланиб кулиб юарди, мана энди ўзи ҳам худди ўша кинолардаги ўхшаб одам ўлдирмоқчи: бу қотилликни қилт этмай, совуққонлик билан адо этмоқчи: уч маротаба нақ бешарасига, сўнг яна бир карра бошига қараб отмоқчи, отишдан бурун ғанимнинг башарасига охирги ҳукмини айтади, унинг бутун афт-ангори электр токи ургандай буришиб-тиришиб кетишини ўз кўзи билан кўради. Ана ундан кейин тўппончани ўз чаккасига тираб, тепкини босади. Бас, етиб келдик остонамизга! Насиб бўлса, энди у дунёда кўришармиз... Гаплашармиз...

Арсен Саманчин у ёққа фақат биргина умид, биргина ишонч билан кетишни хоҳларди, у ҳам бўлса, илоҳий кучлар Ойани ҳам шояд муқаррар виждон азобига солар, муҳаббатга қилган вафосизлиги, «Мангу қайлиқ»ни хўрлагани юрагини тинимсиз ўртар, қийноқ ўтида куйдирар, деган илинж эди.

Икковларидан ўзга ҳеч кимсага маълум бўлмаган Хайделбергдаги ишқий висол дамлари хотираси ҳаётининг сўнгги онларигача унга тинчлик бермаслигини истарди. У дунёда қизнинг пушаймон бўлиб ўкириб йиғлаганини ўз қулоғи билан эшитгиси келарди. Ахир «Мангу қайлиқ»нинг нияти икковларида Хайделбергдаги тоғ қасрида туғилмаганмиди, ойдин кечалар уларни аллаламаганмиди ўша ўрта асрларда бунёд бўлган немис шаҳарчаси узра қад ростлаган хаёлий соялар ўйнаган ўрмон-боғда; ўшанда улар бирга сафарда бўлишган, Ойдана Хайделберг мусиқа жамиятининг таклифига жавобан концертлар берган, Арсен эса унга журналист сифатида ҳамроҳлик қилган эди.

У ўзини босишга ҳар қанча уринмасин — ҳой, тўхта, сен ўйлаётган нарса жуда жўн, арзимас, паст, қолаверса, фирт жиноят, деб ўзини ўзи янмасин, ҳеч кор қилмас, ўч олиш ташналиги пасаймас, ёмонликка қарши ёмонлик билан жавоб қайтариш табиий иштиёқи сира сўнмас, аксинча, қонини қайнатиб баттарроқ жўштирарди. Қулоғига болагигида кирган бир нақл эсига тушди. Қирғизлар уни ночор аҳволга тушиб қолган пайтларида айтадилар: «Эҳ, не бўлса бўлди, бошингни хоҳ тошга ур, хоҳ ўзингни аямай қамчила, душман сенга ташланса, унга асло бўш келма, ғанимни қўлдан чиқарма, қаншарига ур, эгардан қулат, найзангни санч кўксига. Бу қўлингдан келмаса, ўзингни ўлдир, йўлинг йўқлиги шулдир...»

Бу сўзларни қачон, ким, нима учун не алам билан айтган, ким билсин...

Лекин мана, унинг ўзи ҳам йўл ўртасида аросатда қолди: ё ғанимни ва ё ўзингни ўлдир! Бошқа йўл йўққа ўхшайди. Яна шу заҳоти у ўзига ўзи дашном берарди — қандай ваҳшийлик!

Бечора шундай эзиларди аламли ўйлар оғушида, хаёлига бирдан-бир фикр урилди, ўзини дарҳол деразадан орқага олиб, томоғи хириллаб пичирлади: «Ўл, така! Боядан бери нима деяпсан? Отаман дейсан, нимада отасан? Қўлингни пахса қилиб отмасанг керак, ахир? – У деворга ўрнатилган ойна олдига бориб, ўз башарасига қараб тупуришдан базўр сақланиб қолди. – Сенинг лоақал ўйинчоқ тўппончанг ҳам йўқ-ку! Хомкалла!»

У одам ўлдирувчи киллерлар, қотилликларнинг усуллари ва йўл-йўриқлари ҳақида кўп ўқиган эди, – телевизор, кинолар тўхтамай шуни кўрсатади, аммо ҳаётда бу осон иш эмас. Албатта, эҳтимол топиш ҳам мумкин, сотиб олса ҳам бўлар иш шундай бўлгандан кейин. Аммо ҳали отишни қойиллатиш ҳам керак... Ана, холос...

«Мангу қайлик»нинг алам-оғриғи эса ниҳоясиз эди...

Эрталабга яқин у туш кўрди, кўлида мобил телефон эмиш, лекин ундан кўнғироқ қилиш ўрнига, қаёққадир ўқталиб мўлжал олармиш, ўқ овози эшитилмасмиш... шунда кўнғироқ жиринглади.

Арсен Саманчин телефонга келди-ю, лекин гўшакни кўтармади. Гижиниб қўлини силкиди – ҳозир гаплашадиган пайтми. Телефон яна бир қарра жиринглади – яна жавоб бўлмади.

Ҳа, қуроли топиш керак эди – тўппонча ва ўқ. Тоза ташвиш экан-ку бу, сира ўйламаган эканман... Кимдан сўраса экан?

Кўн ёришиб келарди, ташқаридан товушлар эшитилди. У эса ҳамон боши қотган, нима қилишни билмасди. Дам ётар, дам дик этиб турарди. Ана муаммо! Ҳозирда худди тиш чўткасидай машҳур бўлиб кетган, лекин аслида топиш гоят мушқул бўлган бу савил қолгурни қаердан қидирсин? Бозорни айланиб кўрсанг, топса бўлади, дейишади. Қанча қиммат бўлмасин сотиб олиш даркор, зеро кейин унга пулнинг кераги бўлмайди. Ҳаёт тугаяпти – бошқа ҳеч бир ташвиш йўқ...

Агар тўппонча топса, уни доим чўнтакда олиб юришга тўғри келади, бунинг учун ён чўнтак қулайроқ – қолган барча қилиниши керак бўлган ишлар Арсен Саманчинни иккилантирмасди. Қўли қалтирамайди, ҳаммасини аниқ-тиниқ бажаради, ўқлар кетма-кет отилади, охиргисини – ўз пешонасига қўяди. У шундай вазият туғилишига ишончи комил эди, зотан у ўзи қасд қилган кимса билан ҳар доим учрашиш имкониятига эга – зеро, улар бир давранинг одамлари, бир-бирларини кўпдан танир эдилар. Тўғри, кейинги пайтларда камроқ кўришганлар. Энди ахир – анов ҳар ерда ҳозир у нозир, эстрада продюсери, обрўли сара муассасаларнинг эгаси, бу ҳам етмагандай, отинг ким – олигарх, хўжайин, шеф – яна нималар деб аташмайди уни, ҳолбуки аввалроқ ҳеч ким танимайдиган майда санъаткор эди, холос. Кўрдингизми, қаердан бош кўтариб чиққанини – бозор тайгасидан бош кўтарди. Ундан кейин ол кетди, кетаверди, бутун шоу-томоша-ўйин бизнесини қўлига олди! Биз ҳаммамиз ялписига бозорда у ёқдан-бу ёққа югуриб юрибмиз. Омади келганлар – бармоқ билан санарли. Ҳамма бало шундаки, у бойлигининг зўридан ўзини булдозер деб билади. Агарда бир гоёни ўлдирмоқчи, бировнинг ҳаётини топтамоқчи, аёлни ўзига бўйсундирмоқчи бўлса, албатта, бунга эришади. Бас, ётар! Қуроли қўлга кирса, қолгани ҳеч гапмас, ирода ва матонат бўлса бас.

У ўзини шундай ишонтирар ва ўзи ҳам ҳайрон қолган ҳолда, тобора мен ҳақман, деб биларди. Баъзан, рост, хаёлидан бошқа бир фикр ҳам лип этиб ўтарди: ўч олиш иштиёқи одамни не кўйларга солиши мумкин? Нима, яхшилик йўлидаги ёмонликми бу? Шундай ҳам бўлиши ҳеч мумкинми? Лекин шу заҳоти бу фикрни ўзидан қуварди: яна бошни

қотиряпсан, эндигина ўйлаб тургандинг — дарров пушмон бўляпсан... Юрагинг пўкиллаяптими? Яхшиси, унинг ёнига қандай боришингни ўйла — кел, бир гаплашиб олайлик. Ундан кейин...

Дарвоқе, улар яқинда кўришган эдилар, гап бор эди... Рост, Эртош бунга унча қизиқмади, матбуот учрашувидан сўнг қаёққадир шошилиб турар, дам-бадам соатига қарарди. Ичида балки бу гоёнинг ишқибозини кўринг, деб тоза кулгандир, — мунча ҳавойи бўлмаса бу аҳмоқ одам, дегандир! Тўғри, қайта қуриш деган йилларда улар анча ёш эдилар, Арсен Саманчиннинг ўзи ўша вақтлар турли-туман мақолалар ёзиб-чизиб юрар, театр мавзуларида чиқишлар қиларди. Аммо ўша чоғлар Эртош Курчалов одмироқ артист бўлиб, ҳеч кимнинг назарига тушмаганди. Энди-чи, уни кўринг!.. У сувлар оқиб кетди! Қайта қуриш пайтлари театр жуда машҳур эди. Дунёга янги фикр келди. Давр театр саҳналарида намоён бўларди. У пайт театр одамлар кўз ўнгида юксалди, кўнгиллар жунбушга келди, инсон тоталитаризм шишанларидан халос бўла борарди. Шаҳар драмтеатрининг оддий артисти Эртош Курчаловгина фақат ҳеч нимаси билан ажралиб турмас, ҳеч кимнинг у билан иши-хуши ҳам йўқ эди. Ўша пайтлар мана шу ўртамеёнагина артистда (рост, унинг бўй-басти бошқаларга қараганда хийла баланд. овози ҳам кучлироқ, қолган томонлардан эса, кўпроқ оммавий саҳналардагина кўринарди) томоша-шоу-бизнесининг буюк бир куч-қудрати яшириниб ётганлигини ким билибди дейсиз, у барча эстрадалар ва ҳатто стадионларнинг ҳукмрони бўлади деб ким ўйлабди дейсиз?

Бироқ ўша даврнинг оби ҳавосида «Эртош Курчал» деган ном пайдо бўлди, кейин бу ном ҳамманинг тилига тушди, айниқса, ёшлар ўртасида машҳур бўлиб кетди, ўзининг барча ялтир-юлтирлари, рекламалари шов-шувлари билан бирга ҳамма оммавий эстрада томошаларининг ҳақиқий ўз тамғаси, белгисига айланди — шоу-саноат бунақа нарсаларга катта пул ташлаб, яна тезда уларни ортиғи билан ундириб олади. Эртош Курчалнинг алламбало ярқираган клип-концертлари жуда кўп жойлар, Хитой, Масковларга сафарларда бўлди. Эртош Курчал шунчалар корчалон ва уста тadbиркор чиқди, эстрада маконларини эгаллашда унга етадигани кам эди. Ойдана Самаровани мана шу Эртош Курчалнинг уммони қудратли куч билан ўз домига тортиб кетди.

Ойя, Ойдана Самаровага нима бўлганлигини ўйлаб ўтиришнинг вақти ўтганди, қандай қилиб, қай тарзда опера театрининг етакчи солисти Эртош бизнесининг маҳкумасига айланди, барча телеканалларда қайта-қайта чиқадиган бўлди, одамларнинг кўз ўнгида тобора ёрқин чарақлаган эстрада юлдузи номини олди, ёпирилиб келган попса санъати шуҳрати шуълаларида овозини ҳам, қиёфасини ҳам ўзгартирди, «Голливудчасига» саҳнага чиқишларни ўрганди, сўзнинг қисқаси, бутун тақдирини қайтадан қурди. «Поезд кетиб бўлди» деган кўп қўлланадиган гап бу ўринда росмана ўз ифодасини топди. Шундай бўлиб қолдики, улар Ойдана билан бирга Хайделбергдан битта поездда келишди, тақдир уларни Хайделберг қасрида бир хонада туришга муяссар этди, шу ерда қалбларига муҳаббат ёлқини тушди, ва яна худди мана шу ерда бирга-бирга «Мангу қайлиқ»ни яратишга аҳд-паймон қилдилар, энди қаранг, ҳаммаси шундай бўла туриб, қандай қилиб Ойдана кейинги бекатда тушиб қолиб, бутунлай бошқа томонга кетаётган поездга ўтира солиб, жўнаб қолди. Арсен эса гўё кўздан йўқолиб бораётган вагонлар ортидан шпаллардан шпалларга сакраб кимсасиз даштда ёлғиз югуриб бораётир,



телбаларча дод солаётир, фарёд ураётир: «Ой-а-а-а! Ой-а-а! «Мангу қайлиқ» нима бўлади? Қайт, Қайт! Ой-а-а! Ой-а-а!» Аммо гўёки у қайрилиб ҳам боқмади... Ким уни йўлдан урди, ким катта пуллар сочиб ром этди – буниси энди маълум. Бу локомотивни ҳайдаб бораётган кимса, илгари ҳеч ким танимайдиган, эндиликда эса довруғи дoston Эртоғш Курчалов.

Хўш, шу Арсенга ўхшаган дарвеш болага кўзга кўринмас ўша поезднинг орқасидан қичқириб югуришнинг нима кераги бор денг, бунинг устига барча ёлворишларига жавобан кўкдан қаҳқаҳа отган товушларгина келади: «Жинни! Анди! Тентак!» Ундан кўра барига биратўла қўл силтаб, бор-е, деб кетган яхшимасми?..

Арсен Саманчин замонавий шоу-томоша бизнеснинг қайсар, хужумкор манфаатпарастлигини қанчалар теран тушунмасин, барибир ўзининг беихтиёр ёғилиб келувчи хаёлотларидан асти қутулолмасди. У ўз фикри-хаёлига боғланиб банди-асир бўлган, ҳаёти шу ғояга гўё гаровга қўйилгандай, боши берк кўчага кириб қолган эди. Барча олдинги қизиқишлари аста-секин сўнди, қайларгадир борлиқнинг нариги орқа томонига сурилди, фақат Ойдана ва «Мангу қайлиқ» хаёли қолди.

Бу аснода у доим табиий тарзда эҳтиёткорона қарайдиган оммавий маданият жаҳон бўйлаб ғолибона қадам ташлар, унинг устига савдосотиқнинг океанларча тўлқинларини дам-бадам бостирад ва ҳар сафар куч-қудрати ортаётгани сезиларди.

Шунда у ер юзидаги умум масс-медианинг тилидан тушмайдиган оммавий маданиятни ифодалаш учун янги бир сўз топди – уни улгуржи товар, улгуржи молга мос равишда улгуржи маданият деб атади. (Э, бали, марҳамат! Оммавий маданият бундан чивин чаққанчалик озор чекмайди!)

Яқинда шаҳарнинг 250 йиллиги нишонланди, шунга бағишланиб шаҳар байрамида ўтган улкан шоу-томоша концертда у атамасининг нақадар аниқлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилди.

Оқшом тушган, мингларча томошабинлар тўлдирган стадион уммондек чайқалар, чироқлар чарогон порлар, ранг-баранг афишалар ёнар, мислсиз электрон рекламалар ярақларди. Байрамга келган издиҳомнинг кўпчилиги ёшлар эди, улар шод-хуррам ўтиришар, тоғлардан шаббода билан бирга тушиб келган кечки салқинда роҳатланиб, кўтаринки кайфиятлар билдирардилар.

Ҳамманинг ўйнагиси-кулгиси келар, томошалар тўхтовсиз давом этишини истарди.

Аслида ҳам шундай эди. Қулоқни танг қилган мусиқа стадион узра ғоятда қичиқ садолар таратарди, улкан сахнада барча хореография усулларидаги рақслар ўйналарди – балет десангиз ҳам шунда, оёқ ўйин десангиз ҳам шунда, уларга мос равишда либослару безак тасвирлар ҳам тез-тез ўзгарарди, лекин ушбу мувозий, улуг сахнавий томошанинг марказида унинг кўрки, жозибаси, асосий илоҳаси бўлиб Ойдана Самарова кулф уриб яшнарди! Бу даранг-дурунлар, хайлу ҳашамларнинг бари унинг учун, Ойдана Самарова учун эди! О, юлдуз! Чиндан ҳам унинг очиқ стадионда кўкларга ўрлаётган ғоят мусаффо, теран овози, сарвдай келишган, хипча, баланд қадди-қомати, ўзига ярашган, унча яланғоч бўлмаган либослару безаклари, унинг теграсида мусиқа садоларига мос рақс тушаётган ёш йигит-қизларнинг – гўзаллар ва физолаларнинг мислсиз завқ-шавқ ичида эшилиб-буралишлари – буларнинг бари томошага келганларда мафтункор, жўшқин байрамона ҳиссиётлар уйғотарди. Ҳамма сахнада Ойдананинг ёнида, у билан бирга бўлишни истарди. Бутун стадион

бир уммонга айланиб, қўлларини баланд кўтариб чайқаб, чайқаларди. Фақат Арсенгина: «Опера илоҳаси ҳавойи қироличага айланди!» — деб ўйларди. Лекин унинг фикрлари билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Аксинча, Ойдана саҳнада шериги билан кўринишдан жуда одми «Лимузин» деган қўшиқни ижро эта бошлаганларида, издиҳомнинг ҳаяжонлари ҳавога вулқондек отилиб, ўз чўққисига чиқди. Бу қўшни ўзбекларнинг енгил қўшиқларидан бўлиб, у ўз асл тилида айтилмоқда эди, лекин ўзбек тили бу ерда ҳаммага тушунарли. Янги шарқона мусиқа издиҳомга таниш ва яқин оҳанрабо оҳанглари билан аллалар, электрон товушларнинг шовваларига мос равишда стадион устида лўнда-ихчам сўзлар янграрди: «Сен мени севарсанми? Сен мени севарсанми? Лимузин берарсанми? Лимузин берарсанми?» Бунга қўшиқчининг шериги жўр бўлиб, қарсса-қарсса рақс тушиб: «Мен сени севарман, мен сени севарман, лимузин берарман, лимузин берарман», — деб шўх жавоб айтарди.

Ана энди ғавғони кўринг! Минглаган одамлар ягона бир ҳисга тобе бўлиб, эмранар, тўлқинланар, нақаротга жўр тушиб, қўлларини ҳавода ёзиб бир овоздан ҳайқирарди: «Ли-му-зин! Ли-му-зин! Ли-му-зин!»

Айни шу вақтнинг ўзида стадионнинг тўрт томонига ўрнатилган улкан панорама экранларида тасвир намоён бўлади: усти очиқ ҳашаматли узун лимузинда ошиқ-маъшуқ Ойдана ва унинг чиройли шериги учиб боради. Машина рулига дам униси, дам буниси ўтиришиб, гўзал манзаралар ёнидан ўтиб боришади: дам қорли тоғ тизмалари, дам ложувард кўл соҳиллари, дам чиройли кўприklar, дам кимсасиз чўллар лип-лип ўтади, тўда-тўда қушлар лимузин ортидан кўплаб парвоз этади. Мана, ниҳоят шаҳар чеккасидаги улкан боғга етиб лимузин тўхтади, бахтиёр йигит-қиз машинадан тушишида кучоқлашганча жозиб рекламаси чорлаган ресторанга қараб юришди, кейин яна лимузинда учиб кетишди.

Мусиқа айўханнос кўтарар, стадион бир бўғиздан жар соларди: «Ли-му-зин! Ли-му-зин! Ой-да-на! Ой-да-на!»

Арсен Саманчин уятдан ўзини қўйгани жой тополмасди. Лекин жўш урган издиҳом олдида у ким бўпти? У ҳам издиҳомга қўшилиб беихтиёр қичқирди: «Ли-му-зин! Ли-му-зин! Ой-да-на! Ой-да-на!» ҳамма қатори...

Охири ҳеч кутилмаган тоза байрамона томоша бошланди — кеча осмонга отилган мушаклар фавворасидан ёришди, то олис уфқларга довур ранго-ранг учқунлар сочилиб, юлдузлар хира тортди. (Оҳ, бу кўламни қаранг! Яшасин азамат шаҳар ҳокими! Фақат у шундай ҳашамга қодир! Унинг қаватида ким турибди? Яна ўша-ўша — Эртош-да!) Яна қизиғи шундаки, байрам мушакбозликлари одатдагидай тантана бўлаётган шу яқин орада эмас, узоқ, шаҳар чеккасида бўлмоқда эди. Шаҳарга туташ тоғлик устидан кучли ракеталар осмонга учиб чиқар, улар юқорилаган сайин мушаклар ҳар томонга пориллаб сочиларди. Уларнинг ҳар отилиши ҳаддан ташқари чиройли ва ҳайратомуз эди. Мана шундай улуғвор кўркли томошани ким уюштирди? — деган савол келди унинг хаёлига. Ким бўларди, албатта, Эртош Курчалнинг ўзи-да. Гарчи буларнинг ҳаммаси шаҳар байрами шарафига ўтказилаётган эса-да, аслида саҳна юлдузи Ойдана улуғланаётгандай эди! Зотан, мусиқа садолари ҳамон гулдурос солар, гўзал лимузин икки бахтиёр ошиқ-маъшуқ билан телеэкран панорамаларида қанот қоқиб учиб борар, ўша замон ранго-ранг мушаклар ҳам тунги осмонга ғаройиб шуълалар сочиб, кўк тоқи сари

тобора баланд ўрларди. Гўё бугун ер юзига юлдузлар ёғилар ва ёғдулар-ла нурафшон бўларди...

Ўша соатларда яна шундай воқеа ҳам рўй бердики, буни ҳеч кимса билмади, ундан беҳабар қолди...

Учқунлар сачратган ўтнинг ёлқинлари шунчалар баланд кўтарилар ва ер юзасини то узоқ-узоқларгача тоғ тизмаларигачайин шунчалар ёрқин ёритардики, ҳуркиб уйғонган қушлар чағир-чуғур қилишар, довон этакларига тонгриқиган Жаабарс ҳам сесканиб кўзини очди. У оёққа босиб, худди тоғлар бағридан отилиб чиқаётгандай узоқ олов ёқтиларига қаради. Йўқ, осмонда учадиган юлдузлар эмас, балки илгари кўрилмаган бошқача бир нарса эди. Ваҳший ҳайвон яширинмоқчи бўлиб уринди, лекин ҳаракати зое кетди. Худди бу ерга келишдан муроди зое кетгандай, довонни ошиб ўтаман деб уринишлари бекор кетгандай, юксак кимсасиз тоғлар бағрида гойиб бўлишдек нияти барбод бўлгандай эди. Тақдир негадир уни қўлламамас, ғаддорлик билан шу пучмоқда тутиб турарди. Ахир тақдир ҳар нарсага қодир, йўқ эса, не учун ғариб Жаабарс унга бу ерда керак бўлиб қолди. Ким билсин? Тақдир доим гунг... Лекин ўша кеча байрам мушакларининг ёлқинлари Жаабарс назарига етиб келгани, балки, кўк осмоннинг бир башоратидир...

Стадион эса ҳамон қайнаб-тошар, рок-концерт зарбларида бир овоздан ҳайқирарди: «Ли-му-зин! Ли-му-зин! Ой-да-на! Ой-да-на!»

«Ана у, улгуржи маданият лимузинига тушиб кетворди!» — алам билан хаёлдан кечирди Арсен Саманчин. Кейин яна ўша савол туғилди: «Мангу қайлиқ» энди нима бўлади?» Кейин икки маҳалла нарида машина тўхташ жойида қолдириб келинган, ранг-баранг хорижий машиналар орасида турган ўзининг «Нива»сига бораркан, бу ҳаёт бари қанчадан-қанча зиддиятлар, нуру соя ўйинларидан иборат, улгуржи маданиятнинг кетидан қувиш шундай бўлармикин, деб ўй-ўйлаб, ўйларининг охирига етолмасди. Мамлакат қанчалар қашшоқ, қанча ишсизлар! Ёш йигитлар кўчалар бўйида чўзилиб ўтириб, «Бизга иш беринг!» — деб ёзилган плакатларни кўтарадилар, уларнинг кўплари кимсасиз ҳувиллаб қолган қишлоқлардан келишган. Бу инсон ҳамжамиятларига таъна-чақириқ, демакки, у янги авлодларнинг эҳтиёжларини қондиришдан ожиз, ноқобил, замон гўё уларга шундай деб мурожаат этмоқда: жамиятга сенинг керагинг йўқ, қоч нари! Биз, иши ўнгидан келганлар эса лимузинларга тушиб олға борамиз.

У шундай хаёл суриб ўзининг совет давридан қолган «Нива»сида тунги кўчалардан кетиб борар, бундан ортиқ машинани кўнгли ҳам хоҳламас — шунга ўрганиб қолган, бошқасига чўнтаги ҳам торлик қиларди! Ҳамма лимузинда юролмайдими-ку. Ойа «лимузинлашган» бўлса, худо хайрини берсин. Энди у зўр юлдуз, етиб бўлмайдими, ҳаммаёғида қўриқчи, қўнғироқ қилсанг, жавоб бермайдими... Илгариги эри билан ярашмаса керак, айтишларига қараганда у кўп йиллардан бери ичкиликка муккасидан тушган эмиш...

Айблашнинг ҳожати йўқ. Ҳаётда нималар бўлмайдими. Ҳар бошда бир савдо... Лекин кўнглини кенг қилиб ўйлаб қараганда, аҳволни холис чўтлаб кўрганда, аъло овозга эга бўлган опера артисти Ойдана Самаровани кескин эврилиш қилганининг тағ сабабини тушуниб етиш, англашга уриниб кўрилса, — ахир унинг асл ўрни Милан саҳнасида, — унинг бундай поп-маданият кўкларига чарх уриб, донг қозониш, шуҳрат кетидан ҳайратомуз шитоб билан қувиб кетаётганлигини маъқуллаш қийин, албатта! Булар орқасидан яна пулнинг дўлдай ёғилишини айтмайсизми!

Тўхта! Бу унинг иши, унинг ҳақи! Сен эса отдан куладинг, шунинг учун ёниб қуясан, қаҳринг келади, ёмонлайсан... Ҳалол бўйнингга ол, деб ўзига таъна-дашном берарди Арсен Саманчин, рақибларинг сендан кучлироқ экан! Сен ким, журналистсан, хўп, мустақилсан, сен таниқли одамсан. Унинг ҳам кимлиги маълум. Бошқа-бошқа дунё. Биринг – массмедиа осмонида, иккинчинг – яна ўша массмедиа қумурсқаси. Ундан ташқари муҳаббат ҳамиша имтиҳон қилинади, акс ҳолда на азоб-уқубатлар, на қувонч-шодликлар, на ғам-аламлар, фалокатлар бўларди... На илож, тоғлардан қор кўчкилари тушади, ҳеч ким тўхтатолмайди. Ҳар бир муҳаббатнинг ўз дафтари бор, азоб-уқубатларнинг ўз баҳоси мавжуд. Сен эса ўз дарди ҳасратингни оммавий маданияту глобализациядан кўрмоқчи бўласан.

Сен баъзи бир саволларга жавоб бериш ва бошқаларни ҳам ишонтиришга уриниб кўр. Оммавий маданият «Мангу қайлиқ»қа қандай усуллар билан қарши туради, уни инкор этади? «Мангу қайлиқ» бу ерда қандай пайдо бўлиб қолди, қаердан келди? – шунини айтиб бер; Ойа икковингиз бир-бирингиз билан овора эдингиз, сиз муҳаббат тўлқинларига чўмдингиз, гўё икковлон бутун аввалги ҳаётингизда фақат ва фақат мана шу он келишини кутгандай эдингиз. Ниҳоят, муҳаббат нималигини билиш имкониятига эга бўлдингиз, у сизга тақдир ато этмиш башорат янглиғ етиб келди. Бир ёқаси кулгили бўлиб туюлади: ахир иккингиз навниҳол ўсмир эмас. бошингиздан турмуш тажрибасини ўтказгансиз, аммо тақдир сизни ўтмиш асоратидан озод этган экан. Тоғлик ён-бағри кета-кетгунча кўҳна боғот, унда кўҳна қаср қад кўтарган, кўкда паға булутлар оралаб тўлин ой ҳаёлот ичра сизни кузатади. Иккингиз бу ҳолни ҳазил-мутойиба қилиб муҳаббатимизнинг илк саҳнаси деб атадингиз, тақдир иккингизга ўша кун ва ўша соатни раво кўрган экан, бўлмаса, сен қирқни қоралаб қолган, Ойа эса ўттиздан ошинқираган эди. Лекин гап бунда эмас, сизнинг ҳавойи ҳаяжонларингиз ўтади-кетади, гап шундаки, ўша кунини икки севишган қошида Мангу қайлиқнинг ўзи намоеън бўлди, тиз букиб уни қутқаришни илтижо қилди, ёруғ дунёдаги ҳамма одамлар соғиниб эшитадиган гўзал овоз ато этинглар, деб ёлворди, мен ҳам қўшиқ айтиб юрагимни очай, мени Мангу қайлиққа айлантирган айрилиқдан ҳикоя қилай, мен ҳам ўз севгилимни топай, деди. У намоеън бўлдию ошиқ-маъшукларда ижодий ҳаёл – опера яратиш фикри уйғонди, ниятлари мустаҳкамланди. Сен энди Мангу қайлиқ билан учрашув шундоққина кўз ўнгларида рўй берганлигини одамларга айтиб бер, уларни ишонтиришга ҳаракат қил, иккингиз уни қутқариш, саҳна орқали операда дунёга кўрсатишга аҳд-паймон қилганингиздан хабардор эт, Ойа Мангу қайлиқнинг кўшиқларини айтади, Ойдананинг ўзи пичирлаб сўз берди, то тирикман, сўнгги нафасимгача «Мангу қайлиқ»ни куйлайман, деди.

Шошма, шошма, гапни кўп олиб қочма! Ким бундай ақл бовар қилмас ажойиб-ғаройиб мўъжиза рўй берганига ишонади? Ақл-хуши жойида ҳар қандай одам ҳам айтади: бунинг ҳаммаси бемаъни тўқима, эртақ, афсона, халқ орасида юрган чўпчакдан фарқи йўқ, кўкнори ҳаёл. Албатта, шундай гап-сўз бўлиши тайин. Шунга қарамасдан, Мангу қайлиқнинг самовий бир тарзда намоеън бўлиши уни Арсен Саманчиннинг юрагида мажозий сиймога айлантирди (дарвоқе, ўша дамларда Ойдана ҳам уни шундай тасаввур қилар, бунда икковларининг кечинмалари бир-бирига уйқаш келарди, афсус-надоматлар бўлсинки, ундан кейин Ойдананинг фикри чалғиди ва

орқага чекинди – «лимузинга тушиб ўйнагани кетди», тўғрироғи, уни йўлдан уришди, бизнесга асир қилиб олишди, лекин ҳозир гап бу ҳақда эмас). Унинг мунглиг юрагига қайлиқ сиймоси қаттиқ ўрнашди, уни Худонинг мўъжизаси деб қабул қилди, ўлмас ишонч-эътиқоди, туганмас дарду азобига айланди. Ахир ҳеч ким Худони кўрмаган, лекин одамлар унга ишонишади, Худо бор, деб билишади. Имон-эътиқод худди мана шундай пайдо бўлса ажабмас – суюкли сиймони руҳоний тасаввур қилиш орқали унга муҳаббат туғилади.

Худди шунга ўхшаш воқеани ўшанда улар Хайделбергда бошдан кечирдилар. Ойдана Самарова ёлғиз ўзи биттагина концерт бериши керак эди. Концерт катта муваффақият қозонди. Албатта, Ойдана Самарова ўзининг Хайделбергга таклиф этилишида Арсен Саманчиннинг ҳам хизмати борлигини биларди. Бунга Арсеннинг яқин ёр-биродарлари – журналистлар, мусиқа усталари бош қўшишган эди.

Хорижий мусиқа ихлосмандлари учун мумтоз қўшиқлар ижрочиси Ойдана кутилмаган гаройиб воқеа эди. Европада бундай алоҳида концертларни ўтказганда, ҳаммаёққа афишалар ёпиштирилади, қўшиқчи ҳақида янгиликларда хабар қилинади, телевизорда унинг қўшиқлари берилади, газеталарда тақризлар, мақолалар чиқади. Ойдана Самарованинг концерти қадимий Хайделберг кирхаси<sup>1</sup>да ўтди.

Ибодатхонанинг санъат маросимлари учун ажратилиши немис диндорлари наздида алоҳида ҳурмат нишонаси ҳисобланади. Кирханинг юксак равоқлари остида тирик овоз улуғвор тиниқ акс садо беради, у асрлар бўйи самовий оҳанглари тинглашга мослашган. Ойдана арғанун ва фортепьяно жўрлигида италянча, русча ва немисча қўшиқлар куйлади.

Куйчи бир қанча қўшиқларни она қирғиз тилида ижро этди. Узоқ қарсақлар янгради, ибодатхона ичини тўлдирган тингловчи шинавандаларнинг кўзлари руҳий завқ-шавқ билан порларди.

Ютуқнинг ҳаяжонлари ва илҳомлари уларнинг муҳаббат туйғуларини янада ўткирлаштирди, улар янада яқинроқ бўлиб қолдилар, ҳеч бир-бирларидан ажралгилари келмасди.

Ўша ҳаяжонлар тўлқинларида уларга Мангу қайлиқ намоён бўлди. Концертдан кейин улар шарафига кирха ёнидаги ресторанда чоғроқ бўлса ҳам, қабул маросими ва зиёфат ўтди, кейин икковлон қадим Хайделберг қасри атрофидаги тепалик боғда сайр этиб юрдилар; уларни эъзозли қўноқ ҳисоблаб шу кунлар ичи Хайделберг қасрига жойлаштирган, холи бир шароит яратиб берган эдилар. Қасрнинг пастки қаватидаги қаҳвахонада бироз ўтириб, андак-андак виски ичгач, яна гўзал хиёбонларда айлангани чиқишди, тепаликдан туриб ярим кечада эртақлардай чароғон қадимий шаҳарчани томоша қилишди. Қулай ўриндикда ўтириб, мусиқа ҳақида гаплашишди. Кутилмаганда, Ойдана ундан сўради:

– Арсен, сенга қандай қўшиқ айтиб беришимни хоҳлайсан?

– Ҳозирми?

– Йўғ-е. Бирон симфония оркестри концертида. Сен залда ўтирасан, мен сахнада туриб айнан сенга бағишлаб қўшиқ айтаман. Нимани айтишимни истардинг? Италянча қўшиқ ёқадими?

– Сенинг кўп қўшиқларинг менга жуда ёқади, Ойа. Италянча, испанча – яхши. Лекин энг ёқимлиси нима, биласанми? Мен-чи, телба боламан, Ойа, анчадан бери орзу қиламан, худди аёл ҳақида

<sup>1</sup> К и р х а – Германиядаги черков.

яширин орзу-хаёллар сурган зоҳидга ўхшайман. Сенинг тилингдан Мангу қайлиқнинг қўшиқларини эшитгим келади.

– Мангу қайлиқ қўшиқлари? – ҳайрон бўлди у. – Биласанми, ўша афсона қулоғимга чалинган, аммо опера учун мусиқа, либретто, яна талайгина алланималар керак... Сен, ҳақиқатан ҳам, аёлни орзу қилган гуноҳкор роҳибга ўхшар экансан!

– Орзуларнинг қўрқадиган жойи йўқ, лекин йўл орзуга қараб бурилганда...

Бу «Мангу қайлиқ»ни қўйиш йўлида (майли, гарчи ҳозирча мубоҳасаларда бўлсин) дастлабки қадам эканини улар ўша дамларда англари мидилар, йўқми, буниси номаълум. Арсен Саманчин ўзининг узоқ орзулаган ниятини Ойданага илк бора айтмоқчи бўлиб худди мана шу дамларни кутгандай эди. Тақдир уларни ўша он, ўша ерда шунинг учун учраштирамагандими?

\* \* \*

Сўз тақдир устида кетса... ўша тақдирсоз соатда Арсен Саманчин қайдан билсинки, кўп ўтмай ушбу воқеанинг ён-атрофларида одам қўрққулик ёвуз бир ният бош кўтариб чиқади: ахир илгари у одам ўлдираман деб ҳеч хаёлига келтиргандими. У тубсиз чоҳ тепасида лапанглаб тураману лекин сира чекинмайман деб ўйлаганмиди асти. Уни ҳозир эҳтимол бошқа бировлар учун осон, лекин унинг учун ғоятда чигал фақат битта ташвиш кечаю кундуз миясини пармалайди: ўйлаган ишини адо этишга қуролни қаердан олсин?..

\* \* \*

Тақдир экан-да. Жаабарс ўша пайт ҳамон Узангилаш довоғида эди, ҳамон тақдирдан инъом-эҳсон кутар — довоғдан ўтиш учун мадад келар ва ниҳоят тарки дунё қилиб кетарман, дерди.

Ҳеч ким — на инсон ва на махлуқ олдинда нима кутаётганлигини билмайди. Бир қараганда, уларнинг тақдирлари ўртасида ҳеч қандай бир-бирини боғловчи, ҳеч қандай ўхшаш нарсалар йўқ эди, лекин бир-бирини танимайдиган, билмайдиган икки ҳилқат — инсон ва махлуқ — маълум бир шарт-шароитлар, ҳол-аҳволнинг тазйиқи туфайли бир турли қисматнинг забти остида қолганликлари тасодиф бўлмай, уларнинг ҳаёт салиқаларида аллақачон етилган эди. Дунёда нималар бўлмайди ўзи. Ўша кеча Хайделберг боғидаги хилват гўша ва севишганлар бир-бирларига тобора оҳанрабодай тортилиб, меҳрлари бир-бирларига дарёдай тошиб, висол оғушида ширин суҳбат қураётган чоғларида, айтилик, афсонавий Мангу қайлиқнинг қайта тирилиши, ошиқлар кўз ўнгида намоён бўлиши мумкинмиди? Муҳаббат изҳорлари жўш уриб турган чоғда афсонавий хилқатнинг эврилиши мумкинмиди? Ахир унинг учун муҳаббат фожиаси борлиқ турмушнинг охири фасонасига айланмадими? Арсен Саманчин, дарвоқе, шундай эврилиш юз бериши мумкинлигини инкор этмасди. Ахир дунёдаги кўп нарсалар охир-оқибатда севишганларнинг ўз бахт-иқболларини теварак оламга тортиқ қилишга тайёрликларига боғлиқ.

Мана шу нарса Арсени ўз Ойасига Мангу қайлиқ афсонасини ҳикоя қилиб беришга илҳомлантирди.

– Мен болалигимдан бери бизнинг Узангилаш тоғ тизмаларимизда ҳозиргача Мангу қайлиқ саргардон кезиб юради, деб эшитганман, мен бунга ишонаман, билдингми?

– Биладан, биладан! – деб жон-дилдан тасдиқлади Ойдана майин табассум билан унинг бўйинини силаб. – Сенинг гапларингни жон қулоғим билан эшитаман, худди мени эркалагандай сўзлайсан. Қара, Арсен, атроф қандай гўзал. Тун, ой ёқти, чироқлар худди эртақлардагидай ёруғ. Иккимиздан бошқа ҳеч ким йўқ. Ҳатто боғдаги қушлар ҳам жимиб қолишди. Айтавер, айтавер.

– Майли. Қушлар жим бўлса, бўлсин, лекин мен Мангу қайлиқни сўйлаб чарчамайман. Буни афсона ё асотир дейиш ҳам мумкин, яна ким билади, истаганча талқин қилиш мумкин дир балки, лекин мен учун бу сира афсона эмас, Ойа! Узоқ тоғлар ичида унинг лип этиб учиб ўтганини кўриб қолиш мумкин, кейин дарҳол кўздан ғойиб бўлади. Унинг ривоятини бизнинг томонларда узоқ вақтлардан бери ҳикоя қилиб юришади, ҳамма унинг тоғларда кезиб юришига ишонади, йўқолган куёвини қидиради, дейишади. Унинг орқасидан ғанимлар қувлар эмиш. Унинг севгилиси навқирон омадёр овчи исиз йўқолган. Ғанимлар уни горга яширганларми ё тилини суғуриб олганларми – ким билсин? Одамларнинг бир-бирларини кўролмасликлари, маккорлик, эл-юрт талашиш – ҳаммасидан бор бу ерда. Қайси вақтни олиб қарама, барида шундай.

Биласанми, бизнинг тоғларимизда шундай одат бор, ҳар ёз келганда, ой тўлган кеча Мангу қайлиқни соғинганлар баланд тоғ тепасида гулхан ёқишади, қайлиқ машғалани олислардан кўрсин дейишади. Шомонлар эса дўмбираларини чалиб, рақсга тушишади, қайлиқ ва куёвнинг номини айтиб чақиривади, олов атрофига йиғилишга чорлашади. Аёллар олов теграсида тўпланиб, йиғи-сиғи қилиб, овоз солишади. Айтишадикки, қайлиқ қоронғу соя бир ерга келармиш, одамларга таъзим қилармиш, сўнг дарров ғойиб бўлармиш. Истасанг, юр, қаҳвахонага борайлик. Озгина виски ичсакмикин, қалай?

– Боя бордик-ку у ерга. Сен озроқ олдинг. Зарурми шу, Арсен? Мен Мангу қайлиққа жуда ачинаман, назаримда биз уни деб, бу ерга келгандаймиз.

– Эҳтимол шундай дир. Шунинг учун мен сенга бу воқеани айтиб бермоқчиман. Мангу қайлиқ учун гулханларни Хитой тарафида ҳам ёқишади. Чегара ҳам Узангилаш тоғининг орқасидан ўтган, у томонда узоқ замонлардан бизга оғайни қирғиз қавмлари тирикчилик қилади, лекин биз улар билан кўп кўришолмаймиз, довондан ошиб ўтиш қийин, онда-сонда ёз ойларидагина ўтса бўлар. Бир йил бурун мен у ерларда ўз журналистлик ишларим билан бўлганман. Урганч орқали учоқда, кейин машинада. Кўп қизиқ одамларни учратдим, газетага қизиқарли мақола тайёрладим, лекин ҳозир гап бунда эмас, ўша ёқда, Хитой томонида, тоғлар ичида маҳаллий қирғизлар Мангу қайлиқ ривоятини билишаркан, ёз кирганда, ой тўлганда баланд тоғда машғала ёқишиб, Мангу қайлиққа мадад бўлсин деб, арвоҳларни чорлашаркан, буларни ўз кўзим билан кўриб тоза ҳайрон бўлиб қолдим. Аммо Хитой қирғизларининг битта қизиқ фарқи ҳам бор экан. Одат бўйича, машғал олдида икки чиройли қиз эгарланган отни тайёр тутиб туришаркан – балки Мангу қайлиқ зарур бўлса, миниб кетар деб!

Ойдана бунга ҳазил қилди:

– Хайделберг тепасида ҳам Мангу қайлиқ учун гулхан ёқсак-чи? Нима дейсан, Арсен?

– Нега ёқмайлик? – кулди Арсен Саманчин. – Аввалроқ ўйласак бўларкан. Ўтин-чўп керак. Шомонни қаердан топамиз? Хоҳлайсанми. ўзим шомон бўламан?

— Бу олифта кийимларга шомон қандай бўларкин? — шўх кулди Ойдана. — Қойил-қойил. Сендан зўр шомон чиқарди. Фақат бошқа сафар, бўпtimi? Йўқса, шаҳар тепасида гулхан ёқиб, ҳаммани ташвишга қўйишимиз мумкин, тагин халқаро жанжал чиқиб ўтирмасин.

— Бу гапинг ҳам тўғри! Бутун Европага донғимиз кетмасин яна, — бошини чайқаб кулгисини тўхтатолмасди Арсен Саманчин жувоннинг елкасидан қучганча. — Қандай яхши экан бу боғ! Сени чарчатиб қўймадимми, Ойа?

— Қўйсанг-чи, мен ҳордиқ чиқаряпман, мен бахтли эканман, Мангу қайлиқ ҳам биз билан бирга!

— Раҳмат. Хўп, эшит. Бизнинг тоғларимизда зўр куч ва ғайратга эга бўлган навқирон овчи яшарди. Қувласа охуни, етиб оларди. Илвирлар ва бўриларни тутарди. Улжалари билан қавмидаги кўп оилаларни боқарди. Одамлар уни ҳурмат қилишар, элга йўлбошчи, бий бўлади, деб умид боғлашарди. Бир куни қавм-қариндошлари билан нариги водийга зиёфатга боришиб, у ерда ойдай сулув бир қизни учратиб қолибди. Бир-бирларига меҳрлари тушиб, у кунда-кунора отда тоғлар ошиб қизни кўргани борадиган бўлибди. Бир куни башоратчи хотин қизга ром очибди, осмонда хос юлдузингиз бор, дебди. Бу муҳаббат юлдузи, у тўйларингиз куни кўкда ярқираб ёниб туради, тоғлар узра ҳамма юлдузлардан ёрқинроқ порлайди, тонг отгунча ўрнидан қимирламайди, фақат булут боссагина кўринмай қолади, дебди. Сулув буни овчи йигитга айтиб берган экан, у менга ҳам бошқа бир башоратчи фол кўрди ва сир очди, деб жавоб берибди: «Мен сенга уйланиш учун туғилган эканман». Шунда сулув овчи йигит билан аҳд-паймон қилиб, то ўлгунча сен билан бирга бўламан, дебди.

Ой-кунлар ўтиб, бир саодатли соатда овчи йигит бутун қавм-қариндошларини олиб сулувнинг ошёнига совчиликка борибдилар. Катта томоша-байрам бўлибди. Меҳмонлар тоғ сойи бўйидаги ўтлоққа тикилган юзлаб чодирларга жойлашибдилар. Қайлиқнинг ота-она, яқин қавм-қариндошлари, совчиларга олиб келинган совға-саломларни айтмайсизми! Йилқи уюрларию пода-пода қўй-эчкилар, олтин ёмбилару куёв бўлмиш овчи йигитнинг хунари ҳаволасидан — ранг-баранг ҳайвонлар кундуз-сувсарларнинг қимматбаҳо мўйналари. Ҳаммаси ҳам куёв ҳар кифти-елкасига ташлаб келтирган ял-ял илвирс териларидан ўтаверсин. Бунақасини қўлга киритишга фақат буюк овчиларгина муяссар бўлур. Бу ҳадяларини у таъзим-тавозелар билан қайлиғининг ота-онасига пешкаш қилибди. Ҳаммалари шоду хуррам бўлишиб, куёв билан қайлиғини дарё бўйига бошлаб боришибди ва шу ерда уларни унаштириб қўйишибди. Шу ондан эътиборан дарё уларнинг муроса ва муҳаббатларига гувоҳ экан. Тўй роса етти кундан сўнг тоғларнинг нари ёғида куёвнинг кўналғасида ўтадиган бўлибди.

Унаштириш қувонч-шодликлари, зиёфатлар то тонггача давом этибди. Лекин шу ерда ҳам орадан кўролмаслар, ғаламислар чиқиб қолибди. Куёвнинг омадли, эл-юрт ичида донг таратган овчи эканлиги уларнинг гашларини келтирибди. Лекин ҳаммасидан ҳам, кўркам, мард, оқил-фозил, иродаси мустаҳкам, серғайрат бу йигит тез орада албатта, қуда-анда, қардош-қариндош туташган икки элга бош бўлади — у ўлкага бий бўлса ҳўб ярашади, деганга ўхшаш халқ ичида юрган гаплар уларнинг қаҳр-ғазабини келтирар, адоват ўтини аланга олдираар экан. Ҳасадгўйлар унинг бий бўлишига тоқат қилолмасдилар. Шунинг учун шум фитна уюштирдилар.



Ўлимни бўйнига олиб яккама-якка, очиқчасига жангга чиқса ҳам майли эди, ер талашиб эмас, давлат талашиб эмас, ҳокимлик талашиб эмас, фақат жон талашиб майдонга тушсайди. Бироқ инсон маккорлигининг чек-чегараси борми асло?

Фитна хуфия етилади, шунинг учун фитна деб юритилади.

Дарё бўйида базму зиёфат авжи қизиб турганда, севишган икки ёшнинг бахти камолидан рашку ҳасад оташида ўртаниб, қаҳр-газабининг зўридан кўм-кўк кўкариб, ҳамманинг орқасидан биқиниб-пусиб бошқа бир ёвуз қисмат тайёргарлик кўрганини ким билсин, ахир. Енг ичида битган асл фитна мана шу. Кейинчалик оқинлар буни йирга солиб айтишди: «Хабар топсайди қуёш бу фитнадан ёрилиб кетарди кўкда уятдан. Билсайди булутлар жала бўлиб ёғарди, ювиб кетарди фитна йўллари, очиқ қирларда ўтарди тўйлар, базмлар».

— Оҳ, Арсен, бу қандай чиройли!

— Кейинчалик оқинлар яна шундай йирлашди. «Билсайди агарда фитнани дарё — орқасига қараб оқарди зеро. Ахир дарёга келтириб таъзимни бажо, ошиқлар айлашди аҳд ила вафо». Биласанми, ҳар Нарсага холис тургувчи табиат ҳам гаддор ғаламисларнинг режасига қарши бош кўтарган бўларди. Лекин мудҳиш ёвузликни ким хаёлига келтирибди дейсиз?

Ахир олам шундай осуда, тинч, мувосо эди, тоғлар узра неъматбахш қуёш нур сочарди, тез келар тоғлар жаласи бу ерларни четлаб ўтди, узоқлардан унинг сарин салқини келди, мафтункор ўтлоқлар оёқлар тагида кўрпадай майин ёйиларди, ўт ёқилган ўчоқлардан лазиз таомларнинг ҳидлари тараларди, бошлар узра қушларнинг бахтиёр галалари чарх урарди... Буларнинг барини оқинлар йирлаб айтдилар! Совчиларга атов базм дарё бўйида авжга минди, ҳаёт тўй нашидасининг овозлари, сурур-масарратига лимолим тўлди. Ёш-ялангни-ку, асти қўяверасиз, от ўйинларига берилиб жавлон уришди, шомонлар дўмбираларини гум-гум уриб, жазб-жазавага миниб рақсга тушишди, тум-тумонатдан арвоқларни ийдириб, шодлантириб, давраларга чорлашди, йир-қўшиқлар куйлашди; лекин тўй олдидан томошанинг сараси севишганларга олиб қўйиларди, одатга кўра улар отга миниб «қайлиқ қувиш» пойгасига чиқишарди.

Куёв билан қайлиқ энг чопағон отларга миниб олишган, улар пойгага шай туришарди. Куёв бироз олдинроқда чопиб бораётган қайлиқни қувиб етиб, ундан муччи олиши керак эди. Агар бунинг уддасидан чиқса, ана, бахт-иқбол узангида, ана, омадинг чопгани...

Қайлиқнинг от устида ўтиришининг ўзи бир ажойиб томоша эди, у худди эгарда ўтириш учун туғилгандай эди, ана, қадду қомат, ана, тўлин ойни хижолатга қўядиган юз, ана хипча бел, яна қуйиб қўйган каби ярашган келинлик либослари. Куёв ҳам унга гоят муносиб. Пойга доманасидаги уларнинг ҳаяжонли нигоҳлари, ўт чақнаган кўзлари, уялгандай бўлиб чиройли жилмайиб туришлари пойга томошасига йиғилиб, уни сабрсизлик билан кутаётганларни ҳам бахтиёрлик нашидаларига шерик қиларди. Дугоналари қайлиққа қараб «Отни жонинг борича чоптир, қувиб ўтишига йўл қўйма! Эркаклар бизни бир кўриб қўйишсин!» — деб далда-пишанг беришарди. Куёв навкарлар ҳам асло қолишмасди: «Ҳой, кўзингга қара! Қувиб етмасанг, кулги бўласан!» Шомонлар жазавага тушарди, дўмбираларни қарсиллатиб уриб, жўшиб ўйин тушар, одамлару отларни ҳўб қизитар эдилар...

Ана, оқсоқоллар занг уришди. Пойга бошланди. Қайлиқ олдинда учиб борар, куёв орқада унга етиб олмоқчи бўларди. Улар ўзлари унаштирилган дарё томонга от қўйган эдилар. Фақат кечувга етгунча қувиш мумкин эди. Агар куёв қайлиғини қувиб етишга улгурмаса, тумонатнинг қаҳ-қаҳ уриб кулган садолари остида қайлиқнинг ўзи отнинг бошини куёв томонга буриб келар ва голиб қиз бўлиб уни муччиларди.

Аммо одатда куёвлар доим қайлиқларига етиб олишади...

Қайлиқ бу фусункор пойгани кейин умрининг охиригача унутмайди, қўша қариб яшайдиганидан қочганини доим эслаб юради. Куёв қий-чув, қийқириқ, савти-суронлар остида қайлиғини қувиб етганини ҳамиша ёдида сақлайди...

Бу сафар ҳам айни шундай бўлди: қайлиқ учар қушдай қочди, куёв – ортидан қувиб кетди. Қаршидан эсган шамол шувиллаб уларни қучди, ўпди, тинимсиз шипшиди: ҳаётда ҳеч қачон шу пойгадан ортиқроқ бахт бўлмагай.

Оҳ, қанчалар бепоён қувонч, куч ва шодлик! Олдинда дарё соҳили кўринди, улар ҳам учиб борар, отлар кўпириб тошарди. Қайлиқ кутарди, жуда кутарди, куёв унга етиб олишини, у ҳаётининг мангу ардоғи, мангуликка айрилмас қўшгани! У беихтиёр отини тизгинлади, беихтиёр жиловни тортди, беихтиёр оёғини узангига тиради. Тезроқ, тезроқ қувиб етсин, олдинда дарё яқин... Ана, қувиб келаётган отнинг тасирлаши, гўрқиллаши эшитилди, яқин, яқин... Ана, ниҳоят отлар ёнма-ён биқин бериб чопмоқда, узангига тегиб ширқиллади, кўз ўнгларида илгари ҳеч кўрмаган ёруғлик очилди. Нега мангу давом этмайди бундай онлар. Ана йигит чопиб бора туриб қизнинг белидан қучди, қиз унга оғушта бўлди. Ана у қайлиғини маҳкам қисиб ўпди, кейин муччи, яна муччи. Отлар елдек учади, пойгачилар билишар энди улар мангу бирга, бир тан-бир жон. «Мен сени севаман! Сен меникисан!» – қичқирди йигит. «Мен доим сен билан биргаман!» – жавоб берди қиз.

Халойиқ шоду хуррам эди. Ҳамма бир овоздан йигитни алқарди: «Барака топсин! Ҳақиқий эр йигит! Йўл беринглар! Йўл беринглар! Четга ўт! Келишяпти! Энди у ўзимиздан, ўзимизники, доим биргамиз!» Унашув тўйи шундай алқовлар билан поёнига етди.

Лекин фитнанинг забти пасайган эмас. Фаламислар тишларини қаттиқ қисирлатишади. Фаддорлик ҳамиша ўзига йўл топади...

Орада совчилар хайрлашиб, ўз юртларига қайтдилар, тўй ҳозирликлари бошланди. Ҳар бир иш ўз навбати билан борарди. Расм-русумларга биноан ҳамма нарсалар ҳисобга олинарди. Ёш келин-куёвнинг висол кечаси ўтадиган кўркам чодир кўздан сал нарироқда, баҳаво, баланд жойда ўрнатилади, кейин меҳмонлар, қавм-қариндошлар, совчилар қатор-қатор ўтовларга жойлаштирилади, турли-туман совға-саломлар, ранг-баранг таом, пиширқ, ширинликлар тайёрланади. Оқинлар алоҳида кўр тўкиб, дostonлар ўқийдилар, ёш-яланг ўйин-кулгисини қилади. Тўй учун шуларнинг бари шай эди. Ўша замонларда тўйларни бутун қавм бош-қош бўлиб ўтказарди.

Тўй бошланадиган, ҳар ёқдан меҳмонлар ёғилиб келадиган кун етди. Овчи йигит тонг саҳардан икки оғайнисини олиб овга отланди, меҳмонларни янги овланган парранда-даррандалар билан сийлаш, ҳадя-тортиқлар учун қимматбаҳо мўйналар пешкаш қилиш расми одат бўлиб қолган эди. Ов бароридан келди. Лекин кун қиёмга яқинлаганда бирдан олисдан бақирган-чақирган товушлар чиқди, яқин қариндош-биродарлари овчи йигитни қидиришаётган эди. Бир

талай одамлар қора терга ботиб, от чоптириб келган, ҳаммалари қаттиқ ҳаяжонда эдилар. «Худо урди! Худо урди! Тўхта! Орқанга қайт!» – деб қичқиришарди улар бари кўкракларига тинимсиз муштлаб. Улар қўрқинчли, хунук хабар олиб келган эдилар. Кеча кечаси унинг қайлиғи ўзининг аввалги ошиғи билан қочиб кетибди. Одамлар улар катта бозор шаҳарга қочган дейишади.

Оҳ, энди нима бўлганини кўринг! Осмонни шу он қоронғу босди, қаттиқ бўрон турди, ёз бўлса ҳам, худди қиш киргандай, қор қуюнлаб урди. «Шармандалик! – деб қичқириб, ўзларини ерга таппа-таппа отишарди йигитнинг яқинлари кўкка сурон солиб. – Шарманда бўлдик! Энди қандоқ бош кўтариб юрамиз?! Қанжиқни топамиз, ўлдирамиз! Жонини суғуриб оламиз! Бир кун яшатмаймиз! Уят! Уят!» Улар дарҳол қидиришга отландилар. Лекин йигит чурқ этиб оғиз очмасди. Ранг кум ўчиб тик турганча тошдай қотди-қолди.

– Оҳ, даҳшат! даҳшат! – дея пичирларди Ойдана юрагига яқин олиб.

– Мен ҳам шуни айтаман-да! – деб илиб кетди гапни Арсен Саманчин. – Буни опера саҳнасида бир тасаввур қилиб кўр? Муסיқани айт, бу ҳаяжонлар, эҳтиросларни айт, ранг-баранг овозлар, турли кичик саҳналар! Кейин нима бўлганини эшит, Ойа, энг қизиги ҳали бу ёқда.

Қариндошлар қочган қизнинг орқасидан қувиб бориш учун овчи йигитни қисташга тушдилар, отга мин, тезроқ бўл, дедилар. Шунда овчи йигит ниҳоят тилга кирди: «Тўхтанглар, жим бўлинглар! Мен ҳеч қаёққа бормайман! Бу менинг бошимга ёғилган лаънат бўлса, ўша пасткаш қизнинг ўзига ҳам лаънат бўлсин! Қуриб кетсин бу одамзод! Одам бўлгандан кўра махлуқ бўлган яхшироқ! Энди жўнанглар бу ердан! Энди одам деганнинг башарасига қарасам, тил тортмай ўлай! Бугундан бошлаб мени одам боласи ҳеч қачон кўрмайди. Эшитдингизми? Йўқолинг кўзимдан! Мени қидирманг!» У шу сўзларни айтиб, отдан сакраб тушди-да, тоғлар ичида гойиб бўлди. Воқеанинг бундай бурилиб кетганидан лолу ҳайронликда қолган қавм-қариндошлар аввал нима қилишни билмай қотиб тураверишди, кейин ҳушлари ўзига келиб, йигитнинг орқасидан югуришди, уни ҳеч қаердан излаб топишолмади. Шундан сўнг ҳеч кимса уни кўрмади.

Театр қилиб қўйилса, янада қизиқ жойи энди келади.

Овчи йигитнинг қариндошлари бошларини қуйи эгиб орқага қайтишар экан, бирдан қайдандир пайдо бўлган қайлиқ қизнинг додлаган овозини эшитиб қолишади. У ўзини тўрт ёққа уриб овчи йигитни изларди. Аслида қиз қочмаган экан, бу маккорлар тарқатган қора туҳмат экан, лекин буни ҳали ҳеч ким билмасди. Аслида эса қизни ўша куни тунда яширин ўғирлаб, оёқ-қўлини боғлаб, отга босиб олиб қочганлар. Қиз ва овчи йигит унаштирилган дарё бўйида, унинг қўл-оёғини ечиб, икки ёқдан қўлидан тутиб дарёни кечиб ўтмоқчи бўлишади. Қизни шу кутқариб қолади. У босқинчилар қўлидан юлқиниб чиқиб, ўзини дарёга отади. Босқинчилар уни тутмоқчи бўладилар. Лекин қиз кўз очиб-юмгунча асов дарё оқимида гойиб бўлади. Саркаш дарё қизни қутқарди, босқинчиларни серғулув тўлқинларида оқизиб кетди, тошларга омонсиз уриб барини ҳалок қилди. Мўъжиза рўй бериб омон қолган қайлиқ қиз худди қушлар каби учадиган бўлди ва кўп ўтмай овчи йигит бадар кетган ерларда сарсар кезиб юрди. Одамлар уни тўхтатиб гап сўрамоқчи бўлишар, лекин қиз сира тутқич бермасди. Кейин у ҳам кўринмай кетди. Ўшандан бери Мангу қайлиқ сир бўлиб қолди. Одамлар гоҳо тоғларда унинг ҳўнғир-ҳўнғир йиғлаганини эшитишади, йиғи овози узоқ-

узоқларга таралади. Мен сенга унинг мунгли қўшиғини билганимча айтиб берай, Ойа. Қайлиқ қиз ноласи:

Қайдасан, қайдасан, сени излайман!  
 Олиб қочдилар мени, кутулиб қолдим.  
 Маъсум, бокира қизман, вафо сақладим.  
 Қайдасан, қайдасан, жоним йигитим?  
 Ҳамон бокира қизман, тинглагил мени,  
 Дарё қутқариб қолди, севги гувоҳи.  
 Қайдасан, қайдасан, эшитгил мени?  
 Ортимдан қувишар тутиш пайида...  
 Сен тоғларда йўқолдинг, овчи йигитим.  
 Бўлган эди унашув дарё бўйида.  
 Қайдасан, қайдасан, қайси тоғдасан?  
 Қайдасан, қайдасан, сени излайман.  
 Қайлиғинг бўлган қизман, изларинг қайда?  
 Кўришмоқ йўқми энди абадул-абад?  
 Бир дарёдан сув ичдик бир-бирга ташна.  
 Аҳд-паймон боғладик содиқ бўлмоққа.  
 Кўришмоқ йўқми энди абадул-абад?  
 Дарё оқиб боради, қайдасан, қайда?  
 Эслаб мени овоз бер, овчи йигитим,  
 Ойга, қалбга онт ичдик севгимиз учун...  
 Қайдан сени топайин, жоним сайёдим?  
 Тоғлар асло ёрилмасми?  
 Булут кўкда қорилмасми?  
 Кун дарани ёритмасми?  
 Оҳу йўлим кўрсатмасми?  
 Қайдасан, қайдасан, қайси тоғдасан?  
 Қайдасан, қайдасан, излайман сени...  
 Пойга чопмадикми, миниб отларга?  
 Муччи олмадикми, тўйиб бетлардан?  
 Кучиб қўймадикми, қизиб ўтлардай?  
 Кўкда Худо кўрди бизни  
 Ерда одам кўрди бизни...  
 Қайдасан, қайдасан, қай бир тоғдасан?  
 Қайдасан, қайдасан, излайман сени...  
 Ой сўнар осмонда яшасам сенсиз,  
 Ҳаёт тугайди менга, яшасам сенсиз.  
 Осмон бахтли бўларми бизсиз оламда?  
 Ким бизни қарғади, нега қарғайди?  
 Тоғлар бахтли бўларми бизсиз дунёда?  
 Ким қарғади бизни, нега қарғади?  
 Қурбонлиқ қилмадингми, тоғлар овидан?  
 Барсларнинг терисидан тортиқлар бердинг,  
 Не гуноҳ қилибсан, тақдир қошида?  
 Омадёр сайёдим, саховатпешам?  
 Гурлаган оловда рақслар тушмадик  
 Қайдасан, оҳ, қайда, қайси тоғдасан?  
 Қайдасан, оҳ, қайда, излайман сени?..  
 Ортимдан қувишар тутиш пайида  
 Кўрмасин дейдилар бизни ҳеч қайда.  
 Қайдасан, қайдасан, сени излайман...

— Оҳ, нафасим тиқилиб қолди! — хансираб деди Арсен Саманчин. — Сал ўзимга келай. Югуриб бораётган қизнинг бу нақаротини узоқ давом эттириш, қайта-қайта айтиш мумкин. Армон тобора кучайиб боради — сезяпсанми? — қизнинг бу нола-фарёди, унинг юрак ўртанишлари барча замонлар ва барча маконларга мурожаатдай эшитилади. Унда севишганларнинг азалий фожиаси — айрилиқ аламлари ифодаланади, то улар бир-бирларига етишмагунларича бу фожа давом этаверади, унинг охири йўқ. Ўзинг бир тасаввур қилиб кўр, бунга ҳеч ким бифарқ қаролмайди, бу дард ҳаммага юқади ва ҳамдардлик уйғотади,

одамларнинг қалблари мана шундай яратилган. Театрда буни қандай зўр кўрсатиш мумкин! Операда ҳатто дарё ҳам сахна ёқалаб оқиб ўтиб, ўз кўшиғини айтади. Опера санъатида бунақаси ҳеч қачон бўлмаган. Ўз соҳилида унаштирилган қайлиқ қизни ўлимдан қутқарган дарё шундай куйлайди:

– Чўққилардан оқиб тушган дарёман,  
 Қутқараман сени олиб бағримга.  
 Ғаддор ганим қувиб етолмас сени,  
 Илоҳамсан, халос топгайсан менда.  
 Отгил тезроқ ўзинг шовваларимга,  
 Тўлқинларим омон сақлагай албат...

Хор сахна ортида дарёнинг шалдирашига монанд шу кўшиқни куйлайди, гўёки борлиқ табиатнинг ўзи адолатга чанқоқ эканлигини ифодалайди. Қудратли оркестр муסיқаси тинмай янграб туради, вокал жаранглайди, дилрабо овоз парвоз қилади, бу сенинг, фақат сенинг овозинг бўлади – осмон ҳам худди Мангу қайлиққа қулоқ тутгандай, ой ҳам унга жўр бўлишга шайлангандай... Тасаввур қиласанми бунинг нималигини?!

– Ҳа, жуда зўр экан, оламини қамраб олган бундай нола-йиғини биринчи маротаба эшитишим, – жавоб берди Ойдана. – Дарё ҳам куйляпти! Мўъжиза! Куйчи дарё! Сен буларнинг ҳаммасини ёдингда сақлаганмисан, Арсен? Битта ҳам сўзни қолдирмай-а?

– Мен болалигимдан Мангу қайлиқ шарафига ёқилган гулханларни кўрганман ва буларнинг ҳаммасини оқинларнинг оғзидан эшитганман. О-о, шундай кечаларда улар булбул каби сайрашади, куйга солиб дoston ўқишади! Ҳар оқин ўзича Мангу қайлиқ дардини чекади, тоғларга юрак армонларини сочади – Мангу қайлиқни чорлайди! Сен сахнада ўзингни қандай сезсанг, улар ҳам шундай. Уларни бежиз тўкма-оқин деб айтишмайди. Бир куни мендан «тўкма-оқин» рус тилига қандай таржима қилинади, деб сўраб қолишди. Дардини дарёдай тўкадиган оқин дедим. Оқинлар илҳомни сел бўлиб эшитадиган тингловчилардан олишади. Тингловчига қараб оқин дам фикр уммонларига киради, дам шамол бўлиб дашту далаларни саросар кезади...

– Тушундим, тушундим, – кўшилишди Ойдана. – Лекин овчи йигитнинг тақдири нима бўлган? Одамлар нима дейишади? Тирикми, ўликми, ҳеч ким билмайдими?

– Бу саволга ҳеч жавоб топиб бўлмади. Ҳеч ким билмайди унга нима бўлганини. Лекин ҳамма ниманидир кутади. Одам қадами етмаган ерларда яшириниб юради, деган гаплар бор. Дунёнинг ишларидан, тақдир найрангларидан ёзғириб, ўзидан ҳам воз кечган бўлса керак. Яна бировлар у тарки дунё қилиб, дарвеш бўлиб кетган, Тибетдами, аллақарларда роҳибларнинг мағораларида яшайди. Эртаю кеч тоат-ибодатда дуо ўқийди, деб айтишади. Булар ҳаммаси эл орасидаги гаплар, лекин асли қаерда, номаълум. У одамларнинг тубанликларига шундай исён кўтарди, одамларга ўхшаб ёмонлик билан муроса қилиб ўтирмади. Бу туганмас умидсизлик. Агар тарихга қарасанг, ҳатто салтанатидан айрилган императорлар ҳам бунчалик тушқунликка тушмаганлар, ҳаётдан буткул юз ўгирмаганлар, аммо овчи йигит учун севги ҳаётнинг энг олий маъноси бўлиб кўринган эди. Узун гапнинг қисқаси, афсонанинг асл маъноси шунда, фусункор ҳикмати шунда. Лекин бу дostonнинг бош қаҳрамони, албатта ўша Мангу келин, овчи йигитнинг уни мудом қидириши,

ҳақиқатга етишга тинмай уриниши... Наҳот муҳаббатнинг оқибати доим шундай тугаса? Ахир, овчи йигит у туфайли дунёдан батамом юз ўгирди, қабоҳат ва гуноҳ ишларга қарши бош кўтариб, ҳаёт неъматидан воз кечди, қайлиқ қиз эса, одамлардан бешиб тавба-тазарруга берилди, муҳаббатининг қудрати, дард-ҳасратининг чексизлиги шунда. Бундан ҳам ошириброқ айтсам, бу умумжаҳон дард-уқубатининг туганмас нолалари. Нима учун муҳаббатнинг яшнаган бахт-иқболидан кўра ҳаётни кул қилиб кўкка совурадиган фожиалар кўп?

Мангу қайлиқнинг учқур сиймосига эътибор бер, бу ривоят дostonларда одамзод борлигида доим яшаб келган зўравонликларнинг уқубати ва айрилиқларнинг азал азоби мужассам. Яхшилик муқаррар суратда ёмонликнинг уқубатини чекади. Мангу қайлиқ нафрат ва ҳасаддан аланга олмиш. Қабоҳат билан ҳеч қачон келишолмайди, у овчи йигитни — ўз қонуний қаллиғини тарки дунёдан ҳаётга қайтаришни, уни халос қилишни истади, мана шу халоскор интилиш, мана шу ҳақни қарор топтириш иштиёқида на замон ва на маконда инсон руҳига чеку чегара йўқ. Одамзод авлодларида шундай бўлиб келган ва бу давом этаверади. Шунинг учун ҳам, дарё ўлимдан халос этган Мангу қайлиқ барча замонлар учун рамзий сиймо бўлиб қолаверади. Ҳозир, худди мана шу онда ҳам, у биз билан бирга, шу боғда бизга ҳамроҳ, у ҳақда гаплашаётганимиз, уни ўйлаётганимизни билади. Шу фаройиб дostonнинг ичига кирганимизнинг ўзида севгининг жаҳоний бир соғинч-армони бор, сен буни сезасанми?

— Бўлмасам-чи! Ахир сенинг жаҳоний маърузангни бекорга тинглаганим йўқ, — деб қўйди Ойдана қойил қолганини билдириб ва шу билан бирга кинояга ўрин қолдирмасдан. — Фикрларинг қуюлиб келганига ҳайрон қоламан! — хитоб қилди у яланғоч елкалари ушигандай қунишиб. — Бир журналист аёл сени «Жаҳоний жаҳонсоз» дегани эсингдами? Одамнинг кулгиси қистайди: жаҳонсоз, ва яна бунинг устига жаҳоний!

— Майли, балки мен бир телба-санғи одамдирман, лекин сенинг устингдаги вазифа тамом бошқа. Сен опера сахнасида Мангу қайлиққа айланишинг керак, одамларни ром қилувчи сеҳрли овозинг билан самоларга парвоз қилишинг керак.

— Вой, бўлди! Шу ўтирган еримиздан тўғри самога учамизми? Унда мен само қўшиқчиси эканман-да! Самовий хонанда дейишар экан-да мени! Вой, одамни кулдириб ўлдирасан!

— Бўпти, кечир мени! Лекин мен жиддий айтяпман. Ахир сен Мангу қайлиқ биз билан бирга эканлигини сезмаяпсанми, ҳов, ана, катта дарахт орқасида фонар олдида турганини кўрмаяпсанми! Унинг нималар деётганини биласанми?

— Нимаикан?

— Қулоғингни бер! Сиз ошиқ-маъшуқларга таъзим бажо қилиш учун бу кунларни кўзим тўрт бўлиб қанча кутдим. Сиз мени эслаяпсиз. Йиллар ўтди, асрлар. Мен ҳамон ўша-ўша унаштирилган қайлиқ қизман. Халқ мени Мангу қайлиқ дейди. Одамлар юксак тоғларда мени ёдлаб гулханлар ёқишади, ғам-қайғуда саргардон кезган қиз аланга олдига келсин, шомонлар арвоҳларни чақирсин, улардан сўрасин. Мангу қайлиқ яна қанча сарсон харосон дайдийди, яна қачонгача овчи йигитини ёнига чорлаб чақиради ва яна тоқай қув-қув, қоч-қочдан зорланиб, ёниб-куйиб нола чекади? Арвоҳлар эса доим битта жавоб айтади, эшит-эшит, Ойа, бу сен билан бизга тааллуқли, — дунё Мангу қайлиқнинг жозибали қўшиқларини тинглаб, уни танийди, ўша қўшиқлардан кўп одамлар унинг бошига

тушган қайғули воқеалардан хабар топадилар, ер юзидаги барча қайлиқ, келинларга мурожаат қилиб, менинг қўшиқларимни ўз қаллиқларингизга садоқатли муҳаббат ва вафодорликнинг ҳадяси каби айтиб беринглар, дейди. Мана шу соатда руҳлар сен билан мени ҳам эшитсинлар илоҳим, Ойа! Улар Мангу қайлиқнинг сен ижро этган ўланларини кўпчилик бўлиб эшитишни хоҳлайдилар. Руҳлар айтадиларки, сенинг пешонанга кўкдан Мангу қайлиқ бўлиш ёзилган, яна ҳам тўғрироғи, сен унинг элчиси бўлгайсан! Мангу кўкда илоҳ ва улайҳлар сендан рози бўлишар, одамлар ҳам сени эъзозлаб, ўланларингни юракларига жо қилурлар, сенинг овозинг самолардан ёғилгай...

— Вой, вой, вой! Топган гапларингни қара! — Кулгиси қистаб унинг сўзини бўлди Ойдана. — Само қаватларида кезганимиз етар, сал пастга тушайлик, ҳушимизни йиғиштирайлик.

— Сен ҳали кўп шошилма, — деб сўзидан қолмасди Арсен Саманчин. — Ҳушингни йиғиштириб олаверасан. Ана, ўзинг кўр. Менга ишонмасанг, ҳов анови ерга қара, дарахт орқасида фонар олдида. Кўрйасанми, Мангу қайлиқнинг шарпасини? У миннатдор бўлиб, умидланиб қуллиқ қилипти. Мангу ёш ва қандай чиройли — ҳарир кўйлак кийган, узун ёқалари худди қуш қанотидай ҳилпирайди.

Ойдана маъқуллагандай бўлиб, бошини қимирлатди-да, кейин деди:

— Арсен, ҳақиқатан ҳам, тенги йўқ хаёлпараст экансан. Лекин хаёлнинг ҳаётий асоси бўлгани яхши. Мангу қайлиқни саҳнага олиб чиқиш учун мусиқа, нота ва партитура керак, оркестр, сценография, либослар, юзлаб овозга эга хор керак... Сен ана дарё ҳам қўшиқ айтади дейсан, аммо буни саҳнага қандай олиб чиқасан? Ундан кейин композитор қани, саҳналаштирувчи режиссёр қани? Ва ниҳоят, ҳаммасидан кўра энг муҳими, — буларнинг ҳаммасига маблағ қаердан олинади? Опера театри фақат бизда эмас, ҳамма ерда ҳам адоий тамом бўлган. Давлатнинг операга қарайдиган имкони йўқ.

Арсен Саманчин бу гапга қўшилгандай бўлди-ю, лекин ўз айтганидан қолмади:

— Ҳа, биламан, ҳозирда опера театри — кимсасиз ибодатгоҳга ўхшайди. Опера саҳналарида эстрада даранг-дурунглари, масҳарабозлик ва бошқа кўнгилочар томошалар қўйилипти. Энг яхши қўшиқчилар бозор издиҳомларида овоз чиқариш учун тўрт ёққа тарқаб кетишганлигини ҳам биламан. Бор гап шу. Ҳозирги пайтнинг композиторлари ҳам операга мусиқа ёзиш иштиёқида ёнаётгани йўқ. Шунга қарамай, ушбу олий санъат йўқолиб кетмаслиги зарур. Қандай қилиб бунга бамайлихотир қараб ўтириш мумкин?

— Ҳўп, унда нима қилмоқчисан?

— Ойа, агар сен Мангу қайлиқни олиб чиқишга рози бўлсанг, мен булдозерга ўхшаб бунга йўл очаман, кўлимдан келади. Композитор Аблаев билан гаплашиб қўйганман. У кутяпти. Либреттосини ўзим ёзаман. Аблаев ҳаммамиз йиғилиб бир учрашайлик деяпти. Қайтиб боришимиз ҳамон унга кўнгироқ қиламан...

— Майли, яхши. Кўрайлик-чи... Ҳаммадан олдин либреттони ёз, азизим либретточи!

Кўҳна Хайделберг боғида тун ярмидан оғди. Хиёбонлар фонарларидан тушган соя шарпалар энди тонгга қадар донг қотди. Арсен Саманчин Ойдана Самаровани қўлтиқлаб олганча қасрга йўл олдилар ва ҳамон ўша мавзу устида сўзлашдилар. Тўшакда ҳам шуни шивирлашиб ётишди. Эртасига эрталаб тайёрада Москвага учадиган ва у ердан юртга кетадиган эдилар.

Улар бошқа бундай учрашмадилар. Аммо уларнинг учрашувларига эъжоз бағишлагандай, худди кўкдан тушгандай бўлиб уларнинг ҳаётига кириб келган «Мангу қайлиқ» гоёси шунчалар ўзига боғлаб, мафтун қилиб қўйдик, одми жўн борлиқдан юксалиш, баландроқ туриш учун унинг мўъжизасига тамом ғарқ бўлдилар, дунёнинг бир бурчига, немис романтизмнинг нақ марказига бориб қолишгани ҳам шу боис бежиз эмасдек кўринарди. Шунинг учун ҳам ўша хаёлий-кўтаринки жозиб бир шароитда кундалик бари одми ташвишлар бутунлай ва батамом унут бўлди, улоқтириб ташланди — бутун қийинчиликлари, зиддиятлари, уриш-жанжаллари, суд-қозихона тортишувлари, адоват, қабоҳатлари билан олдинги турмуш орқага чекилди... Булар бари ҳар икковларининг бошларидан кечган эди — ахир Ойдана ҳам бир бор эр қилиб, турмуш қурган, лекин санъат кишилари ҳаётида тез-тез учраб турганидек, кўп ўтмай ажрашган эди. Қисқа бир вақтга бари унутилди. Тақдир қўлларидан тутиб етаклаб келган Хайделбергнинг юз йиллик кўҳна боғида улар бағоят мусаффо хилқатга — пари ва паризодга айланган ҳамда шу ерда улар кўз ўнгида ўз битмас-туганмас қайғуси билан Мангу қайлиқ намоён бўлганди...

Кейин бари телба-тескари бўлиб кетди...

Тақдир қилмаган экан-да. Дастлаб гоҳи-гоҳида кўришиб, учрашиб туришди, хаёлийроқ туюлса-да, бари бир «Мангу қайлиқ»ни эсдан чиқаришмайди, ора-сира телефонда гаплашишди, кейин бирдан ҳаммаси барҳам топди — Ойдана бутун мамлакатнинг кўз ўнгида «Лимузин»га тушиб жўнаб қолди, телевизор бунинг тўғридан-тўғри бошдан-оёқ кўрсатиб турди. «Лимузин»нинг орқа юкхонасида қанча пул тахланиб ётганини бир Худо билади! Лекин бунинг учун ундан ўпка қилиб бўлармиди? Кўпроқ нарсага эга бўлиш, кўпроқ пул топиш, боз устига шон-шухрат қозонишни ким истамайди?

Бундай шоу-омад, томоша-омад ҳар куни ҳар кимга келавермайди-ку! Ахир энди у Эртош Курчал билан битим имзолаган бўлиши керак. Ҳар қалай шу асрга боп битим! Тузса, ҳақи бор. Ҳа, ҳақи бор. Э-ҳа, хўп сен-чи, сен нима дейсан, олигархлар билан олишиб юрасанми? Шўринг қурсин! Ёзув-чизувларингдан бошқа ниманг бор, сен шўрликнинг? Ундай десанг, энди бутун матбуот ҳам ўша олигархларнинг қўлида-ку!

Арсен Саманчин мана шундай пасткашликка бораётгани — ҳасад қилаётгани, гаш кўраётгани учун ўзини ўзи ёмон кўриб кетар, сўкар, ёввойи махлуқ, деб атарди... Боши бориб деворга урилганди. Ҳаммасига биратўла нуқта қўяр вақт етганди. Кимдир айтган экан: зўр зўрнинг олдида думини қисади, зўрдан зўр чиқади. Оммавий маданият унинг каби хаёлпараст кимсани мажақлаб ташлади, туришга ҳол йўқ энди... Эртош Курчалга эса ҳамма тан берди, қуллуққа ўтди. Қанчадан-қанча ресторанилари, эстрадалари, стадионлари, реклама агентликлари, телеканаллари бор унинг! Буларнинг бари одамларнинг кўз ўнгида, ҳаммасига қонуний эгаллик қилади, у эмасми ахир оммавий маданиятнинг уммон-уммон тўлқинларини ҳаракатга келтирган ва Арсен Саманчинни ҳам, унинг «Мангу қайлиқ»ини ҳам бир чеккага улоқтириб ташлаб, юзага чиқмайдиган қилиб қўйган...

Сал кейинроқ яна бир оғирчилик елкасига тушиб, бўйни-гарданини тўхтовсиз эзиб, азоб бера бошлади: у ўша лаънати Эртош Курчални ўлдиришни қасд қилди. Энди бу тийиқ билмас ўч олиш туйғуси жунбушга келиб, унинг ҳоли-жонига қўймас, юрагининг тубида оловланаётган бу чўғ тинчлик бермас — яккаш ўлдир, дерди. Бутун ўй-хаёли шунда эди. Ички бир ожизликдан ниш урмаяптимикин



бундай ўймаловчи қаҳр-ғазаб? Уни бу ғашлик гиппа бўғиб олган, нафас олдирмайди, қисқаси, у ўзини худди қопқонга тушиб қолгандай сезади. Тақдирмикин? Ким билибдики, муҳаббат ҳис-ҳаяжонлари ичида юз кўрган мана шу кўтаринки-хаёлий фикрнинг натижаси кўрқинчли тарзда яқун топиб – бировни ўлдиришдай қайсар, саркаш бир хоҳиш билан тугайди деб? Лекин устма-уст бостириб келаётган наҳс кунлар орасида ҳам бирдан кўнгли ёришиб кетар, анойилик билан ахир Ойдана Самаровани ишонтирса, фикридан қайтарса бўлади-ку, деб ўйларди. Уни Мангу қайлиқ олдида биргаликда тавба-тазарру қилишга, тоғларга чиқиб, машъала ёқишга, Хайделберг орзулари сароб бўлиб чиққани учун узр-маъзур сўрашга, кўз ёшлар тўкиб кўнгилларни бўшатишга кўндириш мумкин-ку, дерди.

Лекин у билан ҳатто кўнғироқ қилиб ҳам гаплашолмади. Балки бир ёқаси шу ҳам дуруст бўлгандир – унинг бу фикр устидан қандай қаҳ-қаҳ отиб кулишини тасаввур қилиш мумкин. Бу йигит миясини тамом еб қўйибди, деб айтиши ҳам ҳеч гапмас! Лекин барибир хаёли қочарди: агарда тоғларга бориб биргаликда Мангу қайлиқ руҳи олдида тавба қилиб тиз чўкиш имконияти туғилса эди, осмонни гувоҳликка чақириб айтардим – мангулик тортиғидан воз кечиш учун муҳаббатнинг ҳеч қандай сабаби йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас (яна гапни қуруқ олиб қоча бошлади) – Зеро, муҳаббат бу севишганларнинг мангулик сари элтадиган ягона йўли ва муҳаббат тўйғулари маконларини қасддан бузиш, харобага айлантириш – мангуликни таҳдидга солиш, уни хавф остига қўйиш билан баробар. Ахир, муҳаббат ўлмаслик сари интилиш, ҳар ким худонинг ўзи томонидан пешонага ёзилган бу сўқмоқдан ўтиб боради ҳам... (Фақат ким қандай одим отиб ўтади – масала шунда).

Лекин яна бошига қанчадан-қанча киноя ёғилмасди! Кимга керак буларнинг ҳаммаси! Ахир «холливудчасига» яшашни истайдиган (анов Эртош Курчал Ойдана ҳақида фильм чиқаришни мўлжаллаб юрибди экан) юлдуз хонанда тўла-тўкис шоу-томоша-бизнесга тегишли бўлган вақтини тоғлардаги аллақайларда арвоқларни кутиш, Мангу қайлиқни кутишга бекордан-бекор исроф қилса, шу ярашадими? Кулгили!

Хуллас, олдинда зиғирча ёруғлик кўринмасди.

Тақдир «Евросиё» ресторанида унга аниқ ишора қилди, иккиланиб ўтиришга ўрин қолмади ҳисоб. Буни якуний ўмбалоқ ошиш деса ҳам бўлади... Қурол топишдан бошқа ҳеч чора қолмаганга ўхшарди... Лекин қаердан ва қандай топсин? Аҳмоқона гап! Нега ҳаёт ҳеч ўйлаб-нетиб ўтирмай кишини шундай боши-кети йўқ берк кўчаларга киритиб қўяверади? Агар шундай бўлса, нима учун туриш-турмушни аёвсиз ағдар-тўнтар қилиб ташлаш, ўнг-сўлга боқмай ҳамма нарсанинг пачавасини чиқариш, ҳўл-қуруқни баравар ёндириш керак? Фойдаси борми? Жонинг ҳалқумингга келиб, охирги сўзингни айтишинг қолди, холос!

Арсен Саманчин бу кечани шундай – ўзи билан ўзи натижасиз олишиб, ўй-фикр талашиб ўтказди. Бешқаватли уйлар ялписига уйқуга чўмган, унинг ҳовлига қараган ёлғиз деразасининг чироғигина ёнар, бир ўзи дарча олдида туриб, юраги сиқилгандан сиқилар, адоқсиз гамгин ўйларга ботар, ўзини аллаким бировга ва охир-оқибат ўзига ҳам суиқасд қилмасликка кўндирмоқчи бўлиб қаттиқ тергар, ер юзидаги энг разил жиноят – одам ўлдиришга йўл қўймасликнинг чорасини қидирарди. Лекин ўзида жунбуш қилаётган ўч олиш васвасаларини сира енголмасди. Тинимсиз ўртанарди...

Жаабарс ҳам ўша кеча юксак тоғларда довон этагида ўртаниб-куярди. Ёлғиз жониворнинг кўзига уйқу келмасди. Дунё ундан батамом юз ўгирган, дарди-дунёси қоронғу, ғам-аламга ботганди. Юлдузларга қараб қаҳрли увларди. Юлдузлар кўп, бари чарақлаб нур сочарди. Шу юлдузларга бош олиб кетсанг, улар бир-бирларини кунламайдилар, қишин-ёзин ҳамжиҳат, ҳамиша бирга...

Ўша дам Арсен Саманчин ҳам ўша юлдузларга тикилиб қолганди. Унинг ҳам юлдузларга учиб кетгиси, бош-кети йўқ ўйлардан қутулгиси келганди...

Бироқ ўй ўйламасликнинг сира иложи йўқ — кўнглининг тубида бир фикр йилт этиб ўтди: акам Ардак Саманчинга айтсамми? Савдо аҳли орасида Ардак Саманчиннинг таниш-билишлари кўп. Собиқ терапевт-врач эндиликда итбоқарлик қилар, Ўрта Осиё овчаркаларини етиштириб, уларни Европага, кўпроқ Германияга сотарди. Бу овчаркага ишқибоз харидорлар кўп эди. Кети кўринмасди. Итларни хорижга чиқариб сотиш бўйича ҳужжатларни Ардак ўз вақтида қонуний томонларини ўрнига қўйиб тайёрларди. Хуллас, мана шундай машғулот билан тирикчилик ўтказар, учта мактабга қатнайдиган боласи — бир қиз ва икки ўғилчаси бор эди. Хотини Гулнора — собиқ ҳамшира. Улар бозорга мослашиб олишди. Гоҳ ҳазил-мутойиба, гоҳ жиддий йўсинда Ардак: «Итларга мослашяпман!» — деб қўярди.

Шаҳар чеккасида ҳовлилари бўлиб, ер-сув, итхоналар... оиланинг корига ярайдиган «Жигули».

Ардакнинг ўзи тўғри, тартиб-қоидали, ишдан қочмайдиган, ўқимишли одам. Фақат туғилган юрти Тууюқ-Жардаги туғишганлари ундан хафа, ит-бизнесни сира ёқтиришмайди. Одам уялади, дейишади. Номуслари келади. Ўқиб, ўқиб, дипломли врач бўлди, энди эса ит урчитиб, ит сотиб юрибди Жаҳон бозорида, шу яхшими? Катта опаси Кадича овулда туради, Ардакнинг ишбилармонлиги ҳақида гап кетса, унинг иззат-нафсига тегади. Итбилармон деган гапдан Кадичанинг юзи шувут, огринади. Овулларда итни бозорга чиқариб сотишни ҳеч минаярига сиғдиrolмайдилар: қишлоқнинг қаерига қарама, ит, ҳовли ҳам, кўча ҳам, томорқа ерда ҳам ит, сенга керакми, хоҳлаганингча ол, бозорга чиқариб сотишга бало борми? Бунақа кетаверса, ҳали мушуклар ҳам бозорга чиқади, ўла қолгур каламушлар ҳам. Аммо Ардак бу гапларга парво қилмайди, ўз билганидан қолмайди, тўғри, овулга ҳам бормайди, ортиқча гап-сўзга тоқати йўқ.

Лекин кўришиб қолганларида катта ака бўлиб Арсенга панд-насихат айтишни канда қилмайди: Қачонгача сўққабош дайдиб юрасан, бола? Чўзиб нима қиласан? Муносиб хотин-қизлар шаҳарда ҳам, овулларда ҳам бисёр, худога шукур. Бўлар иш бўлган, гишт қолипидан кўчган, бир сафар омадинг келмапти, ҳечқиси йўқ, бир умр бева-бечора бўлиб юролмайсан-ку. Фикри-зикринг ҳам бошқача, хорижий тилларни биласан, таниқли журналистсан, ўз-ўзинга эгаменсан — ҳозир бу нарса модага айланиб қолди. Қаерга қарама, сени конференцияларга таклиф қилиб чақиривади... Ўз-ўзингни эплаб юрасан, ишқилиб. Лекин бўйдоқлик, сўққабошлик ёмон, ахир сен роҳиб ё дарвеш эмассан-ку.

Йўқ, қурол масаласида Ардакка оғиз очмаган маъқул — негалигини суриштиравериб жонингни ҳалқумингга келтиради. Ўлардай серҳафсала одам — врачларнинг ҳаммаси ҳам шундай серҳафсала бўлишади. Тўғри, Ардак андак отиб ҳам туради... Йўқ, бунақа нозик ишга акангни аралаштирмаганинг тузук. Ният нималигини билиб қолса, ўламан саттор, дейди-ю, бу ишга асло йўл қўймайди...

Ўша кеча ярим тунда ёлғиз деразадан юлдузларга боқиб, у мана шуларни ўйларди. Ёз чоғлари осмон серюлдуз кўринади. Қани энди шундай яшасанг: «Шуълангни сочгилу – мих-пихингни қўй»...

## V

Эрталаб уни телефон қўнғироғи уйғотиб юборди. Ўрнидан хушламай қўзгалди, хушламай телефонга юриб борди, боргунимча балки жимиб қолар деди, уйқудан кўзини очар-очмас телефонда гаплашгиси йўқ эди. Лекин кимдир тўхтовсиз қўнғироқ қиларди. Бир ёқаси шуниси ҳам тузук бўлди, хаёлларнинг паришон парвозлари ва алоқ-чалоқ тушлардан сўнг кундалик одми борлиққа шўнғиш ҳам керак эди, мана, бошламасига тинимсиз қўнғироқлар. Қўнғироқ қилаётган амакиси Бектур оға бўлиб чиқди. Яқин қариндош эмасми, у тез-тез қўнғироқ қилиб хабар олиб турарди, энг муҳими, у чинакам кордон (қанийди кўпроқ бўлса шундайлар) одам эди, бекорга Туюқ-Жардаги колхозга то у тарқаб кетмагунча кўп йиллар раис бўлмаган. Кейин ҳам эс-хушини йўқотиб қўймади. Овчиликни йўлга қўйса, катта даромад олиш мумкинлигини тушунди. Узангилаш тоғларида таниқли овчи ишбилармонга айланди, «Мерган» деган фирма очди. Ишлар анча юришиб кетди, кейинги пайтлар хорижий мижозлар кўпайиб, «Мерган» фирмаси йўли билан чет эллик овчилар кунда-шунда бўлиб қолди, хорижлик овчиларни таклиф этиш ва бошқа турли ҳужжатларни расмийлаштиришда амакисига Арсен Саманчин ҳам кўмаклашиб турарди.

Агар эрталабдан шу телефон қўнғироғи жирингламаган бўлсайди, ирода ва ақл-идрокнинг бу адоқсиз, енгиб бўлмас изтироблари, ўз-ўзини эран-қаран қийнашлар ким билсин, унинг учун қандай тугарди. Шундай бир ночор аҳволда Арсен ҳеч ким билан гаплашишни истамасди, гўшакдан Бектурган Саманчиннинг қадрдон овози келганда, у кўришганларида гап нима ҳақида боришини билиб, аввал уни кейинроққа, пешинга қараб чўзмоқчи ҳам бўлди. Олдин бироз ўзига келсин, эс-хушини йиғиштириб олсин, юрагида рўй бераётган ларзалар андак пасайсин. Лекин ҳали асосий гапга ўтмасдан шунчаки саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашганларидаёқ Арсеннинг хаёлига ярқ этиб бир фикр келди, ахир қуролни ҳеч жон койитмай оппа-осон қўлга киритса бўлади-ку, бу лаънати муаммо шу билан ечилади-ку ниҳоят. У бирдан ўзини қушдай енгил сизди. Амакиси билан узоққа чўзмай учрашишга рози бўлди, ўзим аввалроқ қўнғироқ қилмаганим учун узр сўрайман, деб сипориш қилди.

Табиийки, ўрталаридаги гап Арсен юрагига тугиб қўйган ўч олиш ниятига тааллуқли эмасди. Улар эски қадрдонлардай доимги омади гаплардан. Бектурган Саманчиннинг овчилик билан боғлиқ ишларидан сўйлашиб ўтирдилар.

– Э, бормисан, жиян. Сени кечадан бери излаб тополмайман, – деди Бектур оға ўпкаланиб, оқсоқол Бектурган Саманчинни одамлар ҳурмат қилиб шундай деб чақирдишарди. – Қай гўрларда юрибсан ўзи, укажон? Кўлингдаги телефонинг ҳам ишламайди.

– Бектур оға, ҳозир шаҳардамисиз?

– Шаҳарда бўлмай қаерда бўлай, жияним. Сен билан отамлашгани келдим. Нима, араб қўноқлар бизга барс овига келишини унутдингми? Ҳамма ишларни ўзинг тўғриловдинг. Уларга сенга ўхшаган олим таржимон керак, ишончли, уста. Сен бўлсанг, ишни чўзганинг-чўзган, нима халал беряпти? Энг мустақил, энг эркин эгамен ўзинг эмасмисан, ахир? Амалда-чи? Эсингдан кўтарилибди-да.

– Ундаймас, Бектур оға! Эсимда турибди.

– Унда нега чўзьяпсан? Менинг ишонганим сенсан. Вақт ҳам оз қолди. Етти кундан кейин араб кўноқлар келишади, сен эса миқ этмайсан...

– Ташвишланманг, Бектур оға. Мен телевидениега катта кўрсатув тайёрлаётган эдим. Чет эл журналистлари келишган эди. Хавотир олманг, араб кўноқларга ўзим таржимонлик қиламан, ҳозирги тил билан айтганда, ўзим менежер бўламан. Доим ёнларида бирга юраман.

– Ундоқ бўлса, Худога шукур! Амакингни хурмат қилсанг, отангни хурмат қилгандай бўласан. Баракалла! Бошқа овчилар келади-кетди. Лекин бунақа араб кўноқлари тоғларимизга энди келишяпти. Ўзинг биласан, булар Худонинг ердаги соялари мисоли. Бор-йўғи етти кун қолди. Тоғлар, дараларда анча нарсаларни тайёрлашимиз керак! Энг муҳими, ов мавсуми келяпти, илвирслар довон ортидаги ёзги жойларидан бизнинг Узангилашга қайтишяпти, ҳаракатингни қилиб қол!

– Тушундим, Бектур оға. Мен хизматингизга тайёрман.

– Ундоқ бўлса, учрашиб, ҳаммасини бир бошдан гаплашиб олайлик. Яна бир иш ҳам чиқиб турибди. Биз сенинг қайгунгни ҳам қилмасак бўлмас...

– Кўришайлик, Бектур оға. Ҳозир соат тўққиз. Ўн бирда учрашайлик. Қар кулай бўлади?

– Сенинг уйинг қалай бўларкин?

– Бўпти, унганча чой қайнатиб қўяман...

– Майли, Арсен. Чойга овора бўлиб юрма. Нима, мен аллақандай меҳмонмидим? Бўйдоқ бир йигит бўлсанг. Қариндошлар сени деб кўп ташвиш чекишяпти. Сен бўлсанг... Бўпти, майли. Ўн бирга етиб бораман.

– Келинг, Бектур оға, кутаман.

Гўшакни жойига қўйиб, Арсен Саманчин енгил тин олди. Атрофига аланглаб қаради. Бир нарса эсига тушиб, Бектур Саманчиннинг шофёрининг кўлидаги телефонни терди. Ўзи яхши йигит, жипнинг зўрида амакини олиб юради. Номи ҳам ўзига ярашган. Итибой. Гоҳо Арсен унга ҳазиллашиб қўяди: «Итибой дегани – бой ити бор одам». Ити бой бўлгач, эгаси ҳам қуруқ қолмайди, ул-бул тегиб туради! Оҳ, бой бўлиш орзуси ҳеч қачон ўтмайди, одамлар нималар деб таърифлашмайди буни... Йўлга чиқаётганингизда, менга билдириб қўйинг, деб Итибой билан келишди.

Шу билан Арсен Саманчиннинг кўнгли бироз жойига тушиб, яна қўймағур ўйларга толди. Ҳа, яқин қариндоши Бектур Саманчин айтган ишга рози бўлиш, олий насаб овчи кўноқларни кутиб олиш учун унга кўмаклашиш керак. Араб нефт магнатлари – Ҳасан ва Мисир. Улар бир-бирларига амакивачча экан. Қуш тутиш, пойга чопиш, йиртқич ҳайвонларни овлашга ишқибоз экан. Қор қоплонларини овлаш учун отланаётган бой-бадавлат овчи кўноқлар, албатта, ёлғиз овга бормади, уларнинг атрофида кўп одамлар – хизматчилар, кўриқчилар, йўлбошловчилар бўлади. (Шуниси ҳам борки, қор қоплонидай зўр ҳайвонлар дунёда бошқа ҳеч ерда қолмаган. Яқин Шарқни-ку айтиб ўтирмаса ҳам бўлади, улар бу ерларнинг жазирама иссиғида яшолмайди, уларнинг ватани юксак осмонўпар тоғлар, бу ерларда ёз доим сарин-салқин, қиши эса қаҳратон совуқ, шунинг учун ҳам қор қоплонлари – илвирсларнинг мўйнаси беқийс чиройли, ҳар бир туки олтин баҳосига тенг...). Уларнинг ҳаммаси ўз ов қуроллари билан келади. Бундан чиқди, уларнинг доимий таржимони ва ҳамроҳи Арсен Саманчин ҳам қуролланган бўлади, унга ҳам аҳтимол, милтиқ ёки тўппонча беришса керак. Тўппончани кейин ўзига олиб қолади –

бир баҳонасини топади. Овлари бароридан келса, қўноқлар унга тўппонча тортиқ қилсалар ҳам ажабмас. Ов тугаши ҳаманоқ у тоғлардан катта шаҳарга тушиб келади-ю, ўйлаб қўйган ниятини амалга оширади.

Амакисининг қўнғироқ қилгани айни муддао бўлди, унинг ҳушини жойига келтирди, тунги музтар ўй-хаёллар юракни ларзага солувчи ваҳимали тушлардан сўнг тўғри одатий ҳаётга қайтарди. Арсен Саманчин эс-ҳушини йиғиштириб, ўзини маҳкам қўлга олиб, шу билан гўё безовта хавотирли ўйларга чек қўйди, ўз мудҳиш режасини орқага суриб, ўзи билан ўзи мураса қилишга келишгандай бўлди. Ишга шўнғиш керак эди. «Бас қил, бас қил, Арс, ҳушингни йиғиштир! — деб янди ўзини ўзи у. — Ҳозир буни ўйлайдиган вақт эмас. Эсингни еб қўймагандирсан ахир, Арс!» Ойдана ҳаяжони жўш урган пайтлар эркалариб уни шундай деб атарди — Арс дерди, ўзи эса уни «Ойа» — деб суярди. Ўша бахтиёр дамларни эслаб у оғир аламли хўрсинди. Шунда Арсен ўзини шамоллар қуюқ барглари учуриб кетиб, яланғоч бўлиб қолган дарахтдай сездди. Урэн юрак билан қандай яшайди...

Шундоқ, дарҳол ишга киришмаса бўлмайди, қачонгача ўртаниб-қуйиш мумкин, қачонгача ўзини тириклай гўрга тикиш керак? Иш деган тикилиб, қалашиб ётибди. Таҳририятларнинг топшириқлари билан бошлаб қўйилган, лекин шошилишда охирига етказилмаган қанчадан-қанча ишлар компьютернинг хотирасида турибди. Бу тикилишга ўзи айбдор: ҳар турли мавзуларни ёритишга уринаверади, навбатдаги оммабоп мақолалардан тортиб, сув-энергетика муаммоларигача қаламга олаверади, яна бошқа қатор мавзуларни ҳам кўз остига олиб қўяди. Натижа-чи? Унинг иш столида ҳеч қачон чала ёзилган мақолалар уюлиб ётмасди. Бу ҳар ҳолда эгамен журналистман деб, керилиб юришнинг оқибати бўлса керак. У эркин! Ҳеч кимга ҳисоб бермайди, ҳеч кимса уни тергаб, назорат қилмайди. Яшайди қўнгли тусаганча... Шу ҳам иш бўлдими?

Ўлган ишқ, ўлган ғоя ўртаган юрагини азоблар алангасида ёқиб юбормаслик учун, Арсен Саманчин ўзини-ўзи танбеҳ қамчиси билан шундай савалар, ўз кайфияти-руҳиятини ростларди. Қуриб кеткур капитализм кучини кўрсатяпти! Ҳеч нарса унинг йўлига тўсиқ бўлолмайди — бели ингичкалик қилади. Умуман олганда бу ерда капитализм нима қилиб юрибди? Гап шундаки, ғояни худди товар каби сотиб олиш ва худди товар каби ғояни сотиш мумкин экан, ғоянинг йўлини бутунлай тўсиб қўйса ҳам бўларкан — пул билан ҳамма нарсани қилса бўлади. Сен эса, бу шароитга бегонасан — сотилмайсан, сотиб олмайсан, сен эркин-ихтиёрий кўчманчиликдан санғиб-қанғиб келиб қолгансан, ана энди қопчиғингни тўлдириб олавер-чи. Кўчқорлардай манглайингни қарсиллатиб ур — ҳаммага бир ўзинг қарши бор. Бошинг кетмаса, мен кафил, бошқалар эса пул билан ҳаммасидан қутулиб кетишади. Э, барибир, жангми, жанг, қочиб қутулиб бўлмайди. Лекин ҳозир эмас. Ҳамма нарсанинг каттами, кичикми ўз йўл-йўриги, ўз расамади бор. Лекин вақтинча буларнинг барини унутмоқ даркор! — У шундай деб ўз-ўзини ишонтиришга уринар, ҳозир Бектур оға етиб келадию ҳаммаси яна бошқача бўлиб кетади, деб умид қиларди. Унда кун тартибига тамомила ўзга бир масала чиқажак, олдинга ҳаётнинг бошқа бир моҳият-фасонаси ўтажак. Ўртага жиддий гаплар тушажак, улар эса оз эмас.

Арсен Саманчин ўз-ўзига шу йўсин таскин-тасалли бераркан, гўёки Мангу қайлиқ олдида узр-маъзур қўллагандай, уни овутгандай

бўларди. Унга мурожаат қиларкан, ўзи эмас гўё ўзининг авазини — иккинчи бир нусхасини хаёлан сўзлаётган, шивирлаётгандай, гўё қайлиқ қиз кўримсиз етти қаватли уйнинг оҳанжама қилиб қисирлаган, тарақлаган сийқа лифтидан чиқиб, худди эшик орқасида тургандай, унинг шипшиганига кулоқ солаётгандай эди. Қиз қайлиққа у эшитилар-эшитилмас пичирлар, кечирим сўрарди: шошма, яна бироз кутгил. Худо хоҳласа, албатта, бир чора-тадбирини кўргаймиз. Ўшанда мен сени, Ойданани, мумтоз нодалар билан йўғрилган улўф мусиқани бошингизни қовуштиргайман! Ойдана саҳнага чиққай, сен унинг яқинида, парда ортида тургайсан, ҳаммасини ўзинг эшитгайсан ва кўргайсан. Фақат андак сабр қил. Ундан кейин, ўзинг ўйлаб кўр, айб Ойданадами? Ўз ихтиёри билан бизни ташлаб кетмаганини тушун, бир пайтлар сени ўғирлашгандай уни ҳам ўғирлашди, лекин энди бу бошқачароқ ўғирлаш, ҳозир мана шундай ўғирлашади — йўлдан уришади, алдашади, бузишади, сотиб олишади. Илгариги замонларда чиройли аёлни отга ўнгариб олиб қочишса, эндиликда уни доллар тўлдирилган қоп устига итқитишади, кейин аёлнинг ўзи йўртиб кетаверади. Тезликни ошириб, доллар уюрларига ўзини уради, уюрларни миллионер-миллиардерлар бошқаришади, ҳар бири ўз алоҳида уюрини боқади, кўпайтиради, бошни бошга қўшади. Тирикчилигимиз шундай. Бошқа йўл йўқ, ҳаммамиз бозорда ўралашамиз. Бунда ҳеч кимнинг айби йўқ, барини йўлга солаётган бозор иқтисоди. Лекин бундоқ ўйлаб қарасангиз, айбимиз ҳам йўқ эмас. Бизни ялписига қандай мажбур қилаётган бўлсалар, шундай бўйсуниб кун кечираётганимиз учун айбдормиз. Оҳ, мен яна сиёсат билан социология тўқайларига кириб кетдим. Фақат сен буларни юрагингга яқин олма, бу ташвишлар сенга ортиқча. Хонаси келиб қолгани учун бир кўнглимни ёздим-да. Мени кечир ва менга ишон, кут, худо хоҳласа, ҳали яна кўришгаймиз. Йўқ, шошма, бир зум тўхта. Яна бир нарса доим ич-этимни кемириб ётади. Зимдан разм солиб қарасам, Ойдана ўша томонларда ўзини қандай сезаётган экан, барча рекламаларда тасвирлангандай, нурафшон саҳналарда кўрингандай, ҳақиқатан, бахтлимикин? Ёки юрагининг бир чеккасида чоҳ бормикин, баъзан нима қилиш, бошини қаерга уришни билмасдан шу чоҳга беркинармикин, тавба қилармикин, юм-юм йиғлаб ётармикин афтода? Афсус, мендан ҳатто қочиб юрганига қарамасдан, унга барибир осон бўлмаса керак, дунё кўзимизга бошқача бўлиб товланиб кўринган ўша Хайделберг боғидаги учрашувларимизни ҳеч қачон унутолмас керак. Сен ўзинг уни кўрдинг-ку, эй, Мангу қайлиқ, висол чоғи устимиздан чиқдинг-ку, мана, икки ёққа айрилиб ҳам кетдик...

У шундай сас чиқармай сассиз маконларга пичирлар, ва яна ақл-хушингни йиғиштир деб, ўзига дашном берарди: «Эсингни йиғ, эсингни йиғ, тинчимаган бошинг сени яна қайларга бошлаб кетяпти? Нега бурнингни тикяпсан? Ким билан беллашмоқчи бўляпсан? Яланг ўзингни ўтга-чўққа урасан, нималардир ёзасан, сафсаталар сотасан, олигархларни эзмоқчи бўласан, замонамизнинг долларбойлари эса дунё бозорида айланиб-ўргилишади, аканг Ардак айтмоқчи, «айланиб-ўргилиб пул ўмаришади», сен бу қизиқ гапни бир мақолангга ишлатиб ҳам юбординг, аммо ҳеч ким эътибор бермади. Улар сени сариқ чақага ҳам олишмайди, бозорда ўрни бўлмаган одам улар учун бир тийин, дайди итчалик қадри йўқ. Баъзан одамга шундай бўлиб туюладики, худойимнинг ўзи шу долларбойларга хизматда, кўзини улардан узмайди, авайлайди, ардоқлайди. Нима, тўғри эмасми? Бундан чиқди, энди Худо — бутун дунёнинг банкири. Тўхта, тўхта, нима деб

валдираяпсан асти. Худоё Худовандо, мен гуноҳкорни ўзинг кечир!»

... У уй ичини йиғиштиришга тушди. Бектур оға — кордон одам, ишга жиддий қарайди, бирон нарса ёқмаса, тўғри бетинга айтади. Шунинг учун хўжалигида доим тартиб-интизом бўлган. Ялқов-такасалтанларни ҳоли-жонига қўймаган, майда-чуйда нарсаларгача эътибордан соқит қилмаган: ҳой, нега ўғитни йўлнинг четига тўкяпсан? Тез йиғиштириб ол! Нега ғараминг бир ёнига қийшайиб ётибди, ўзингга ўхшаб маст бўлиб қолганми, дарров тўғрила! Ҳой, нега томорқандаги ариқни чўчқахонадан баттар саситиб юбординг, тозалаб қўйишга қўлинг етмайдами, нокас! Ҳамқишлоқларини ҳаммавақт тартиб-низомига чақириб юрган, тўғри ҳам қилган.

Шуларни эслаб, Арсен Саманчин уй ичини шоша-пиша чангютгичда тозалашга тушди. Уқилган-ўқилмаган турли газеталар, ялтироқ журналлар ҳаммаёқда сочилиб ётарди, уларни йиғиштириб бир четга тахлади. Кўзгунинг чанг-губорини артди, айниқса, оч жигарранг пианинони ярақлатиб тозалади. Пианино жуда чиройли нарса, унинг уйидаги энг қимматбаҳо буюм ўзи шу, боз устига бу ажойиб мусиқа асбобиغا Ойдананинг қўли теккан, яхши кунларда унда оҳанрабо куйлар чалган. Бир эмас. Икки марта. Бутун оқшом ичи, то тун ярмидан оғунча гўзал машқлар ўйнаган.

Арсеннинг ўзи ҳаваскор, эсида қолганча чалади, Ойдана эса моҳир ижрочи. Одам у чалган куйларни эшитиб тўймайди — ундан доим узоқ Европанинг акс садоси келади. Арсени Ойдананинг нозик қўллари ҳайратга солар, улардан ўз-ўзидан беихтиёр сеҳрли мусиқа ёғилаётганга, кўзлари эса соҳир шуълалар сочаётганга ўхшарди. Арсен Саманчин бостириб келган хотираларга дош беролмади, соғинч ҳаддидан ошди, пианино олдига ўтириб, Ойдананинг ўша пайтлар чалган куйларини эшлашга, чиқаришга уринди. Яна ҳасратга ботди. Энди у ҳеч қачон бу ерга келмайди, пианино ёнига ўтирмайди... Унинг кичкинагина уйида эса пианинодан тўшаккача бор-йўғи уч қадам, ва у ернинг мусиқаси тамомила бошқача... Арсеннинг қалби Ойданани сотқин деб аташга журъат этмасди, лекин амалда эса худди шундай бўлиб чиқди, шуларга қарамасдан, у Ойдана Самаровани ҳеч кимга тобе бўлмаган қисматнинг қурбони деб ўйлашни истарди.

Телефон кўнгирағи жиринглади. Бектур амакининг ҳайдовчиси Итибой экан. У биз йўлга чиқдик деб хабар қилди...

Кутиб олиш керак эди. Арсен Саманчин бир неча дақиқадан сўнг, кийиниб, бўйинбоғини тақиб, ҳурматли оқсоқолни қаршилагани ҳовлига чиқди. Аввалги замонларда уйга шундай баланд мартабали меҳмон келса, уни иззат-ҳурмат билан кутиб олишар, отининг жиловидан тутиб, қарияни қўлтиғидан ушлаб эгардан туширишар, айил-қайишларини бўшатиб, отига дам бериб, арпа солишарди.

Ҳозир меҳмон автомобилда келса, бензинидан хабар олиб қўйишади...

Хўш, от арпасини еб турсин, орадан беш дақиқача чамаси вақт ўтди, ҳурматли Бектур амаки ялт-юлт қилган Япониянинг қудратли қора жипида етиб келди, двигатели қарийиб олти юз от кучига эга, чироқлари ярқираган замонавий машина ҳовлини кесиб ўтиб, йўлак олдида тўхтади. Ҳов-ҳов, мана шундай ҳар қандай тўсиқдан бемалол ўтиб кетаверадиган кучли жиплар тоғларимизда кўпроқ бўлсин. Лекин ҳозирча Араб Амирликларидан сотиб олинган Бектур оғанинг бу машинаси бутун Тууюқ-Жар вилоятида ягона эди, умуман одатдаги одми «Жигули» ҳамда «Москвич»лар ҳам овулларда бармоқ билан санарли бўлиб, бу табиий бир ҳол эди, зеро халқнинг ҳоли ночор,

ҳатто колхоз вақтидаги оз-моз тўкинчиликдан ҳам мосуво бўлган эди. У замонлар халқ оғир тизгинланган, лекин ҳар ҳолда... Ҳозирги пайтда эса ҳар ким қўлидан келганча уриниб-суриниб ётибди. Кимнинг боши қора меҳнатдан чиқмайди, ким қаердан нимани ўмаради — ишқилиб, олдинда йилт этган ёруғлик йўқ. Ишбилармонлик, тадбиркорлик қил, дейишади, э қани ўша, тадбиркорлик, — картошка кавла, пичан ўр, яна нима бор? Эркинлик бор эмиш. Лекин маъмурчилик бўлмаса, эркинлик осон эканми, унинг ўзи нимага ярайди, бўлмағур қуруқ гап. Ҳозирча қишлоқнинг барча қулфатларини ўтиш даври деб суваб, баҳона қилиб келишди: ана, бозорга ўтиб олсак, у ёғи мой суртилгандай гириллаб кетади! Оласан! Бир тентакнинг топган гапини қаранг: бозорбоп болаларни туғдирсак, кейин яхши бўлармиш! Бир қилмаган ишимиз шу қолган эди! Қишлоқда яшовчиларнинг машинаси йўқлигини гапирмай қўя қолайлик, бобомнинг замонларига ўхшаб ёшакда юк ташиб юришибди. Рост, кичкина автобусларнинг чиққани ҳўб иш бўлди. Ёшлар эса гуруллашиб, қайдасан шаҳар, деб жўнади, у ерларда ит ётиш-мирза туриш қилиб исқирт дайдишяпти...

Аммо тадбиркорлик замонининг саховатидан баҳра олаётганлар ҳам топилиб туради. Ҳатто тоғ дараларидан ёввойи асални йиғиб, бозорга чиқараётганлар ҳам йўқ эмас, илгари ҳеч бунақаси бўлмаган эди. Асални одатан совға-тортиқ қилиб беришарди, савдо-сотикқа ҳеч қачон олиб чиқишмасди, ахир асал катта-кичикнинг таъбига яраша ейиладиган ширинлик...

Аммо бу ҳам омади бир гап-да, ҳеч қиси йўқ, айбситиб ўтиргулик эмас-ов...

Бу орада Бектур амакимизнинг ўзи жипда келиб қолди. Мана уни савлат, мана уни ҳақиқий катта одам деса арзийди, Бектур Саманчин ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган ишни қилди — овчилик бизнесини йўлга қўйди, қарийиб йил бўйи ишлар қизгин. Мавсумига қараб турли ёввойи ҳайвонлар овланади — булар ичида негадир ҳозир «Марко Поло» деб аталадиган тоғ архарлари ҳам, оҳулар ҳам, айиқлару анвойи қушлар ҳам бор, мана энди алоҳида ов рўйхатига қор қоплонлари — илвирс ови ҳам кирди, энг даромади зўр ов... Қандини урсин Бектур оға, қойил, йўлини топганини қаранг, ақлли одам-да...

Машина тўхтади, Арсен шоша-пиша жипнинг салмоқли эшигини очди, Бектур оға жилмайганча пастга тушди, бардам қўл чўзди, қадрдонларча қучоқлашиб кўришдилар. Ҳа, кўзга кўринган, басавлат киши — башараси, қадди-басти, айниқса тўрвадай соқоли ўзига жуда ярашган. Уларнинг уруғида барча эркаклар мана шундай серсавлат, азамат одамлар бўлишган, шу жумладан Арсен ҳам, фақат Арсен бошқа Саманчинлардан фарқ қилиб, соқол-мўйлаб қўймади.

Улар узоқ қўшқўллаб кўришиб туришди, бир-бирларига елка бериб лабларидан кулги аримай таъзим қилишди. Ниҳоят Бектур оға суякдор қўлини кўксига босиб, тилга кирди:

— Худога шукур, соғ-саломат дийдор кўришдик! Қанча бўлди кўришмаганимизга, Арсен, икки ойча бўлди шекилли ёки ундан ҳам ошдимиз?

— Ҳа, бой ака, чамамда уч ойча бўлиб қолди.

— Ана, кўрдингми! — деди қуюқ қошларини чимириб Бектур оға. — Мен вақт-бевақт шаҳарга тушиб турибман, лекин сени тутиш жуда қийин, иним. Майлига, энди биз билан кўпроқ бирга бўласан. Ўзинг тушунасан бу ёғини.

— Ҳа, бой ака, тушунаман барини. Кўришолмаганимизнинг сабаби, турли ишлар билан банд бўлиб қолдим, улардан қочиб қутулиб бўлмади.



Кези келса, айтиб бераман. Мана, учрашганимиз яхши бўлди...

Албатта, у Ойдана билан ораларида бўлиб ўтган воқеаларни, у туфайли ким билан қаттиқ тўқнашишга тўғри келганлиги, уни бутунлай бир чеккага суриб ташлаб, маъшуқасини тортиб олиб ва умуман жамият ҳаётидан четлатишга уринганлигини айтиб ўтирмақчи эмасди, шу билан бирга, кўнглига туғиб юрган мақсадини ҳам ошкор қилиш нияти йўқ эди. Албатта, бу сира тўғри келмайди, зотан бунда гап бутунлай бошқа нарса устида боради, қилинажак ишларни келишиб оладилар. Бектур оға Туюқ-Жар тоғларидан шу ишни деб тушиб келган шаҳарга. Кўни-қўшнилари уларнинг апоқ-чапоқ кўришиб турганларига қараб хушхол табассум қилиб ўтишарди. Йиртиқ калта шим, майка кийиб ҳовлида ўйнаб юрган икки тирмизак болакай, бириси ит етаклаган ҳолда оғизларини катта очиб, Бектур оғанинг жипини томоша қила бошлашди. Гарчи ҳовлида анча-мунча ҳар турли машиналар турганига қарамай, бу жипга ҳавас билан тикилиб қолишди. Улар бир-бирларининг биқинларига туртишиб, нималарнидир чуғурлашарди: кичкинтойлар мана шунақа зўр машинага тушиб, шаҳар кўчаларидан ўтиш, ҳамманинг ҳавасини келтиришни хошлашарди.

Буларнинг барини Арсен бехос жипга қараб, кўрди ва бундан негадир кўнгли ёришди, енгил тортиди.

Атроф-теварагингда гоҳо самимият ва хайрихоҳликка дуч келсанг, дилингни шундай ёқимли дилбар ҳиссиётлар чулғаб олади. Шунда сизга яхши бизнинг ҳаммамизга ҳам яхши, деб айтгинг келади. Ўша ёз тонгида ҳаво ҳам қандайдир хуррам ва тиниқ эди, ҳали юқорига кўтарилмаган қуёш атроф-тумонатни ўз майин шуълаларига чулғаб, еру заминда яшовчи барча махлуқлар ҳаётини шу онда сурур билан тўлдирган ва шу билан гўё инсон қувончларига шерик бўлаётгандай эди.

Қани энди ёруғ дунёда ҳаммиша шундай муросаю мадора, уйғунликда яшасанг. Лекин дейдиларки, қайдандир булутлар орасидан бизга доим аллақандай хўмрайган кўз тикилиб турармиш. Борсин, тикилса, тикилаверсин...

Улар ишларни бутун икир-чикирларигача муҳокама қилишга киришиб кетганларида ҳам мана шу хушчақчақлик ва ўзига ишонч туйғуси бир зум ҳам Арсен Саманчинни тарк этмади. Бектур оға ўзига ишонч билан сўйлар, оқилона мулоҳазалар билдирар, унинг табиати, феъл-атворида хўжалик ишларини яхши билиши аниқ, жуда аниқ кўзга ташланиб турарди — унинг келтирган далиллари, билдираётган фикрларига қўшилмай илож йўқ эди.

У барини ўйлаб, чамалаб, асослаб, режалаштириб қўйган, ов қилишга рухсат берувчи расмий ҳужжатлар лицензияланган, унда қор қоплонлари — илвирсларни овлаш алоҳида таъкидлаб кўрсатилган, қанча отиш мумкинлиги белгилаб қўйилган, ҳатто даромадидан олинадиган солиқ миқдори ҳам унутилмаган эди. Араб қўноқларга ҳам ушбу шартлар маълум қилинган эди. Арсен Саманчиннинг ўзи ўтган баҳорда улар билан инглиз тилида тузилган шартномани расмийлаштиришга ёрдам берган эди. Сал бўлмаса, бу ёдидан ҳам кўтарилай деган экан, аммо мана энди амалда иш бошлашга тўғри келади. Бу ерларда инглиз тили ўрганилмаган, бу ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган, Бектур Саманчин бу тилдан бутунлай беҳабар бўлгани боис араб қўноқлар билан инглиз тилида гаплашиш, таржима қилиш тўла-тўқис Арсен Саманчиннинг зиммасига юкланарди...

Одоб юзасидан ҳам, Бектур Саманчиннинг ўз ҳаёт тажрибасидан келиб чиқадиган хулосаси ҳам шу эдики, араб қўноқлар билан ўзи

ўртасида воситачилик қилишдай осон бўлмаган нозик ишга, шубҳасиз, бошқа бирон аллаким эмас, фақат Арсен ярарди. Зеро, бундай олий мақомдаги меҳмонларга оддий таржимон эмас, жиддий билимдон, мароқли суҳбатдош керак бўларди.

– Шунинг учун, иним Арсен, сенга бу ишда ота-боболарнинг руҳи мададкор бўлсин, сен марҳум акамнинг ўғлисан – уни худо раҳмат қилсин – обрў-эътиборли тилмочсан, бизга ёрдам беришинг керак, бунинг қанчалар зарурлигини ўзинг ҳам тушуниб турибсан, иним, – деб уқдирарди Бектур оға. – Икки ҳафта биз билан бирга бўласан, нима қилибди? Сен ҳеч кимга ҳисоб бермайдиган мустақил журналистсан – бошинг оққан томонга учиб кетаверасан, шундай эмасми? Эътиборингда турсин, араб кўноқларнинг илк индовчилари беш кундан кейин келади, булар тайёрлов гуруҳи, бизча айтганда – даярдошлар, улар уч киши. Кўноқларнинг ўзи эса шахсий самолётда Авлиёота аэропортига кўнади.

– Аиропорт эмас, бой ака, аэропорт, – деб тўғрилади уни Арсен. Лекин у парвойига келтирмади:

– Мен эса аиропорт дейман, бизда шундай дейишади. Бизга энг яқини Авлиё ота аиропорти. Бундан ўзинг хабардорсан, шартлашганимизда ёрдам бергандинг. Мана вақти келди – ишлашимиз керак. Араб кўноқларни аиропортда бирга кутиб оламиз ва бирга тоққа олиб кетамиз. У ерда ҳамма нарса тахт, бундан ташвишланма.

Мен собиқ колхознинг идорасини сотиб олдим, меҳмон кутадиган иккита хона қилиб қўйдим, шаҳардагидай бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда туришга ярайди... Овга Узангилаш довонига олиб борамиз, керак бўлса, довондан ҳам ошиб ўтамиз, ўша Хитой томонга. Барча сўқмоқларни биламиз. Албатта, у томонларга фақат алпинистлар бориши мумкин, бироқ майли, бу ҳаваскор ёш хонзодалар ҳам кўриб қўйишсин, илвирс овлашсин – ақчасини тўлашсин. Биласан-ку, барс овига яхши ҳақ тўлашади, Худо берсин. Ҳамма ўз улушини олади.

Яна турли майда-чуйда тафсилотларни гаплашиб олишди. Бектур Саманчин ҳақиқатан ҳам, ҳаммасини ипидан-игнасигача кўзда тутиб ишлаб чиққан эди – кўчма чодирлару юк ташийдиган отлардан тортиб, отбоқарларнинг исми шарифларигача аниқ қайд этилганди. Мартабали меҳмонларнинг отларига қараб туришни фақат ўзи яхши билган, таниган, синовдан ўтган одамларга тайинлаганди. Курол-аслаҳа, ёритиш асбоб-ускуналари ва узоқни кўрсатувчи дурбин-телескопларга келганда, ҳаммаси протокол бўйича ҳозирланган эди. Арсен Саманчин ичида амакисига қойил қолар, унга ҳаваси келиб гурурланар ва яна бир нарсага қаттиқ ишонч ҳосил қиларди: бизнес ташкил этувчи улуг кучга эга, мақсадга қарата ақл-идрок билан иш кўришга ўргатади. Бизнес ҳаммадан кўра қаттиқроқ гайрат ва тиришқоқликни талаб қилади.

Туюқ-Жар ов бизнес-лойиҳаси мана шундай режалаштирилганди. Буни қор босган тоғлардаги қор қоплонлари агар билсайди... Улар ичида энг афтода, ғариб бўлиб қолган ва ҳамон, ҳамон Узангилаш довони этагида худди сеҳрлангандай ўзини у ёқдан-бу ёққа ураётган шўрлик Жаабарс билсайди буни...

Арсен Саманчинга келганда, бу ов йўриғи қандай тайёрланганлигини у миридан-сиригача билар, айниқса, Бектур оға билан кўришгандан кейин унга ҳаммаси ойнадай аён бўлган, лекин шунга қарамасдан, ўзини бу йўлда нималар кутаётганини у ҳам билмасди. Эндиликда орқадан туриб қараганда, шу нарса кароматдай кўриниши мумкинки, у ҳам бўлса, рўй беражак воқеалардан сал олдин у кундалигига нима учундир бир нарсаларни ёзиб қўйган ва

унга «Кўринмас эшиклар ёки гирифторлик балоси» деб сарлавҳа берганди. Унда қуйидаги сўзларни авлиёдай қайд этганди: «Қисматнинг ҳар бир рўй беражак воқеасини ўз кўринмас эшиги мавжуд, у олдиндан тайёрлаб қўйилмиш, олдиндан очиб қўйилмиш, мана шу эшик остонасидан ўтиш кимнинг пешанасига ёзилган бўлса, буни эшикнинг нариги томонига ўтиб, гаровга қолганидан кейингина билади? Туғилган гўдак ҳеч қачон она қурсоғига қайтолмагандек, қисмат қадамини ташлаган одамга ортга йўл йўқ. Тақдир ўз ҳукмини шундай адо этгай. Қисматнинг гирифторлик балоси ҳам баайни мана шундай. Кириш бор-у, асло чиқиш йўқ».

Агар ҳаммаси бошқача бўлгандайди... Фақат ана шундагина бу битикнинг давоми бўлиши, Арсен Саманчиннинг қалами остида у фожиали бир бадиага айланиши мумкин эди...

Бу орада қуёш анча кўтарилди, эрталабки салқин ўрнини қиём иссиғи эгаллади. Уй ичида бу айниқса сезилди. Арсен гапни бўлиб, ўрнидан туриб, кечаси ярим очиб қўйилган деразани ёпди ва жовон тепасига ўрнатилган чоғроқ совутгични ишга туширди. Кўп қаватли уйларда иссиққа чидаш анча қийин, шунинг учун жонга кондиционер ора киради. Бироқ Бектур оға деразани очиқ қолдиришни сўради. Тоғнинг табиий ҳавосига ўрганиб қолган. Меҳмон тилаги — амри Худо... Ойнанинг очиб қўйилгани ҳам оқибатсиз қолмади. Лекин буни ким билибди дейсиз...

Оз эмас, икки соатга чўзилган суҳбатни икки қариндош яна давом этиришди.

Бу орада оққўнгил, содда, чаққон шофёр йигит Итибой, чой ичиб олди, жипига мой қуйдирди, ювдирди, бозорга ҳам улгуриб бориб мева-чева харид қилиб келди. Кунда-шунда бизнес ярлақаб бир-бирларига боғланиб қолган қариндошлар эса ҳануз ов лойиҳасини ҳижжалар эдилар. Айтмоқчи, бизнеснинг ўзи ҳақида. Бутун дунёда урчуқдай айланиб, изғиб юрадиган урчуқ олибсотарлар ва урчуқойимлар ҳикоя қилиб юрадиган гапларга тоғликлар унчалик ҳам ишонавермайдилар, мисол учун улар гулни сотиш ва сотиб олиш мумкинлигига жуда ажабланиб қарайдилар! Кимнинг хаёлига келибди дейсиз гул сотиш! Ахир гуллар атрофимизда, табиат қучоғида очилиб ётади, отда ўтиб кета туриб маҳлиё бўлиб томоша қилиш, болалар хурсанд бўлсин деб, совғага бериш мумкиндир, лекин гулни сотиш — жуда кулгили иш. Икки жигаргўша саманчинларнинг гаплари тоғларда алоҳида бўлиб яшовчи — қор қоплонларига тааллуқли бўлиб, бундан чиқди бизнеснинг қўли уларга ҳам етиб борган эди.

Овни ташкил этиш режасини қоғозга чизиб ўтирган катта амакисини тингларкан, Арсен Саманчин буларнинг ҳаммаси худди театрдек ўйланганига ҳайрон қолар, фақат бунда саҳналаштирувчи режиссёр собиқ колхоз раиси бўлиб, у ҳақиқатан ҳам каллали одам эди. У таклиф этаётган ов усуллари ва йўл-йўриқлари ростдан ҳам драматургия воқеаларини эслатарди. Мисол учун Бектур Саманчин ҳайвонларни тузоққа ҳайдаб келтиришнинг устомонларча бир йўлини ўйлаб топган, шундай қилганда хорижий овчилар энг сара илвирсларни танлаб отиш имкониятига эга бўлардилар. Ажойиб-гаройиб тоғ овининг режасига қулоқ солар ва ўзини зўрлаб бўлса-да уни миясига жойларкан, ахир тез орада буларни араб қўноқларга бирма-бир батафсил тушунтириб бериши керак эди, — Арсен Саманчин бехос илвирсларга ачиниб, уларга раҳми келар, ҳозир келгуси фожиалардан беҳабар ўз Тиёншон тоғларида бемалол юришгандир, дерди. Унга шундай туюлардики, агар бу ҳайвонлар

аллақайларда, одамлар тиқилинч яшайдиган улкан шаҳарда, Хрушчев замонларида қурилган кўримсиз бадрафтор етти қаватли уйнинг тангу тор хонасида ўтириб, икки нусха худди Худодек олдиндан уларнинг ҳаёт-мамотини соат-соати, дақиқама-дақиқасигача ҳал қилишаётганини билсалар эди – вақт борида аллақачон Ҳимолой тоғларига қараб қочиб қолган бўлишарди.

Фикр – эркин қуш, дам уяга, дам самога учади. Мана, яна калласига аллақасдан довдир, лекин моҳиятан олижаноб бир фикр бостириб кириб келди: уларни, тоғ барсларини бу хавфдан қандай огоҳ қилса бўларкин? Лекин бу нарса ҳаёлига келгани билан бундай бемаъниликка асло-асло йўл қўйиб бўлмасди. Унақада бизнес нима бўлади? Ҳатто ҳаёлда бўлсин ваҳший махлуқларни сақлайман деб уриниб бизнеснинг бошига етиш керакми? Агар ростдан ҳам шундай ҳодиса юз бера қўйганда, дунё аллақачон ағдар-тўнтар бўлиб кетмасмиди? Ҳамма нарса жаҳаннам чоҳига қулаган бўлар ва одамзод ўз-ўзини еб битирарди. Шунинг учун асло бундай қилиб бўлмайди, имтиёз ва оқ йўл фақат ва фақат бизнесга, қолган барчаси кейин ва яна «ундан кейин». Шунга ўхшаш бир гап оғзингдан чиқиб кўрсин-чи – оёгинг осмондан келиб ўлганинг яхши. У шундай деб ўйламаган бўлса-да, лекин бу фикр миясининг қоронғу пучмоқларида туғилди, ким билсин, балки унга шундай бир жазо юборилдими, у борган сайин насиҳатомуз бўлиб бораётган Бектур оғанинг сўзларини тинглаб, «Мерган» тадбиркор овчилик фирмаси раҳбарининг кўрсатмаларини инлизча қилиб дафтарига ёзиб олар, булар мўътабар меҳмонлар билан ишлаганда, унга дастур бўлиб хизмат қиларди.

Бектур Саманчин эса ўша дамда Арсен юрагининг қаърларида нималар рўй бераётганлигини ҳаёлига ҳам келтирмас, унинг калласида қандай ўй-фикрлар ғужғон ўйнаётганлигини билмасди.

Киши умумий иш-юмушга дахлдор нарсаларни соғлом ақл билан муҳокамадан ўтказа туриб, айна чоқда ақл бовар қилмас хомхаёлларга берилиб ўтириши мумкинлигини ким ҳам калласига келтира оларди, дейсиз, буни ҳатто тушунтириб беришнинг ўзи мушкул эди. Агар тоғнинг нариги ёғида шамол эсаётган бўлса, бериги ёқдаги дарахтларнинг шохлари ҳар доим ҳам қимирлайвермайди.

Бектур Саманчин ўзининг таклифларини диққатини бир жойга жамлаб, ишонч билан асл қариндошлардай яқин олиб баён қилиб берарди. У қоғоз бетиде режаларини чизиб кўрсатар, тоғлару дараларда ваҳший ҳайвонларга қўйиладиган пистирмаларнинг энг қулай жойларини белгиларди. Ёввойи ҳайвонларни тузоққа тушириш учун ов ўтадиган жойни бир неча ёқдан, яхшиси, уч-тўрт ёқдан бирваракай ўраб олиш керак бўлар, ваҳший махлуқларни керак томонга ҳайдаш учун бир пайтнинг ўзида ҳужум қилиб, ҳар турли кўрқинчли товушлар чиқариб сурон солишга тўғри келарди. Албатта, ишлар чаппа айланиб кетиши ҳам мумкин. Лекин ҳар қандай бўлганда ҳам камида бешта-олтита ҳайдовчи чопқир отларда ҳайвонларни энг қулай бир вақтда белгиланган ўровга қувиб бориб, қуршовга олишлари керак. Хориждан келган овчиларнинг омади чопса – бу мезбонларнинг ҳам ишлари юришгани: тушадиган пул ўртада бўлиб олинади. Шунинг учун ов бароридан келсин деб, ҳамма, албатта, баравар жон куйдиради...

Бектур Саманчин шундай масъулиятли иш ишониб топширилган, ўзи бошқариб турадиган ҳамқишлоқларнинг исмларини айтди. Унинг айтишича, ушбу отлиқ ҳайдовчилар ҳозир тайёргарлик кўришаётган, отларни чиниқтириб, қуроллар билан довул-шақилдоқларни

танлашаётган экан...

Улар анчагача чой ичиб ўтиришди, дам овдан, дам тирикчиликнинг бошқа муаммоларидан гаплашишди — туғилган юртда турли ишташвишлар ўзига етарли эди. Бунинг устига икковлари суҳбатлашиб ўтиришаркан, одамнинг ақлини лол қилиб қўядиган қизиқ бир воқеа бўлиб ўтди.

Ёз ойлари келганда, уйлар атрофида, ҳовлиларда кабутарлар ва қалдирғочлар кўпаяди, улар кўп қаватли уйларнинг болохоналари ва бўғотлар тагида яшайдилар. Ҳеч кимнинг улар билан иши бўлмайди, гоҳо кабутарлар битта-яримтанинг эътиборини тортмаса, қалдирғочларга ҳеч зот қизиқмайди, ўз ҳолларича учиб-қўниб юраверишади. Гоҳ гала-гала бўлиб, гоҳ якка-якка учишади, темир қанот бўлган болаларини инларидан олиб чиқиб, қий-чув қилиб учишга ўргатишади. Майли, жон кошки, яйраб-яйраб учаверишсин, қалдирғочлар қушлар орасида энг олижаноб, жуда нафис, одамга ташвиш келтирмайдиган қуш саналади, бу сизга очкўз олақанот эмас... Буни қарангки, худди шу қалдирғочлар билан галати бир ҳодиса содир бўлди, балки галати дейиш камлик ҳам қилади...

Амаки ва жиян ўзлари билан ўзлари овора бўлиб хотиржам суҳбатлашиб ўтиришаркан, очиқ деразадан уй ичига иккита қалдирғоч ногоҳ учиб кирди. Агар тасодифан учиб кирганда, улар яна шу заҳоти очиқ деразадан чиқиб кетган бўлардилар. Аммо улар чиқиб кетишни хаёлларига ҳам келтирмас, аксинча, қанотларини кенг ёзиб, шип тагида тинмай чарх уришар, чуғурлашар, қичқаришардилар.

— Ий-е, қалдирғочларми бу? — ҳайрон бўлиб, ҳатто ўрнидан ҳам туриб кетди Бектур оға. — Доим уйга шунақа учиб киришадими?

— Йўғ-ей, биринчи марта. Илгари ҳеч учиб киришмаган. Ташқарида улар кўп, у ёқ-бу ёққа учиб юришади. Томнинг тагида инлари бўлса керак, — деб тушунтирди Арсен Саманчин.

— Бирон нарсадан қўрқибдими? Деразани кенгроқ очиб қўй, чиқиб кетишади.

Арсен деразани кенг очди, аммо қалдирғочлар кичкина қора кўзларини йилтиратиб, уларнинг бошлари тепасида тинмай учар, тинмай чуғурлар, чиқиб кетишни хаёлларига ҳам келтиришмасди. Нимадандир хавотир олишаётганга ўхшарди. Алланималардир уларни одамларга яқинлашишга ундаётгандай, бу уйга нималарнидир айтиш учун учиб киргандай, кимнидир огоҳлантирмоқчи бўлгандай... Арсенга шундай туюлди ва бундан кулгиси қистади. Саманчин амаки эса курси суянчигида осилиб турган сочиқни олиб қушларни очиқ дераза томонга ҳайдай бошлади. Қалдирғочлар апил-тапил деразадан ташқарига чиқиб кетдилар...

— Буниси қизиқ бўлди-ку, — бошини чайқади Бектур оға. — Бизда нима ишлари бор экан? Майли, учаверсинлар, яна бироз ишлайлик, вақт жуда оз қолди. Сен қачон боришингни, ҳамқишлоқ овчилар билан қачон учрашишимизни келишиб олсак? Ундан кейин сен билан шартнома ҳам тузишимиз керак-ку, ахир!

— Бизга шартноманинг нима ҳожати бор? Шарт эмас.

— Йўқ-йўқ, ҳозирги вақтда шундай қилинади. Тадбиркорлик шартномасиз бўлмайди.

Арсен Саманчин буни рад этмоқчи бўлиб, шуни нима кераги бор, бой ака, сиз отам ўрнига отамдайсиз, сизга ишонмай кимга ишонай, деб турган эди, қалдирғочлар яна хонага учиб киришиб, уй ичида чарх уриб айлана бошлашди.

— Ҳаҳ, — деб ҳайрон қолди Бектур оға, — яна келишди-ю! Бу нимаси?

Ҳа, улар ниманидир уқтирмоқчи ёки охиригача эшитмоқчи,

ўзларини қизиқтирган алланени билмоқчи бўлгандай, яна уйга қайтиб киришган эди, ўша дамда Арсен Саманчинга шундай туюлди ва у ниманингдир ташвишини галати бир тарзда чекаётган қушларни тўйиб томоша қилгиси, чуғурлашларини қайта-қайта эшитгиси келди, аммо Бектур ога уларни ҳайдаб чиқариб деразани ёпиб қўйишни сўради. Сочик билан қушларни ҳайдаб, дераза тавақаларини зичлаб ёпишга тўғри келди. Арсен хона совутгичини ҳам тўла ишга туширди. Бектур ога иссиқда қийналиб қолмасин деди.

Лекин бир дақиқа ўтмай қалдирғочлар яна дераза ортида пайдо бўлишди, ойналарга тақалиб пир-пир учишиб, тўхтамасдан чуғурлашди, улар одамларга нималарнидир маълум қилишни иштаётгандай, ажабтовур ҳаракатлари билан огоҳлантirmoқчи бўлаётгандай, ўзларига эътибор қилишликни сўраётгандай эдилар.

Бектур ога елкасини қисиб, ўсмоқчилади:

– Нима бўлди экан? Яхшиликками ё ёмонликками? Майли, чалғимайлик. Пардаларни тортиб қўй-чи, балки тинчишар.

Дераза дарпардаларини ёпишга тўғри келди.

Амаки-жиян у-бу ишларни яна анчагача муҳокама қилишди, лекин Арсенни сирли қалдирғочларнинг ҳаракатларидан ажабланиш ва ўкинч тарк этмади. Илгари ҳеч қачон қушларнинг бундай қилиқларини эшитмаганди...

Бектур Саманчин амаки-жиян бафуржа бемалол гаплашиб олишганидан ғоят мамнун бўлди, қариндошининг сўққабoш ҳаёт кечираётганидан ташвишда эканлигини ҳам четлаб ўтмади, Арсен эса ҳамон қалдирғочларни ўйларди.

– Дуруст, дуруст, ишларинг чакки эмас, Арсен, – деди амаки жиянининг кўзига тик боқиб, – баракалла. Фақат чойинг бўйдоқча. А, хафа бўлма. Гап чойда ҳам эмас. Лекин қачонгача бундай юрасан? Отни қамчила, жиян. Эпини қилганлар беш-олти мартадан уйланыпти. Яна телевизорга чиқиб мақтаниб ҳам қўйишади, сен бўлсанг, бир марта қоқилиб, ҳалиям мункиганингча юрибсан. Эр йигитнинг иши бундай бўлмайди, Арсен. Сен ҳали ёш йигитсан, ақлу-хушинг ўзинга етарли, ҳеч кимдан кам жойинг йўқ, отанг раҳматли сен билан фахрланган бўларди, тўғри, ошиб-тошиб ётганинг йўқ, лекин бўйнингни қисадиган жойинг ҳам йўқ. Бутун қариндош-уруғ тўйингни кутяпти. Мана, мен тайёрман, бир уюр йилқим бор, совчиларга қалин қилиб бераман, хоҳласанг, шаҳарга ҳайдаб тушишади. Кулма. Яхши хотин-қизлар шаҳарда ҳам, овулда ҳам кўп. Биттасини танла. Вақт ўтиб кетмасин... Ўзинг ҳам бу нарсаларни яхши тушунасан, жиян.

Арсен жилмайганча, мамнун бош ирғар, гапнинг нишабини бошқа томонга буришга уринарди. Бирдан амакининг хаёлига бир фикр келиб қолди:

– Менга қара, Арсен, балки анов қалдирғочлар бекор бу ерда учмаётгандир, а? Балки улар ҳам уйингда келин бўлишини хоҳлашаётгандир? Беванинг уйи зимистон! – У ўз ҳазилидан завқланиб, хахолаб кулди. Аммо Арсен жиддий тортиб жавоб берди:

– Келинлик уйга нима етсин.

Кузатиб қўяётиб, яна хаёлан қайтарди: «Келинлик уйга нима етсин!» Бектур Саманчин эса бу пайт амалий бир фикрни ўйларди. Артиб-тозалангач, бутун чиройини кўз-кўз қилиб ярақлаб турган ўзининг жип машинаси ёнида Арсеннинг чанг-ғубор босган «Нива»сини кўриб, у деди:

– Қулоқ сол, Арсен, агар ҳаммаси режамиздай яхши ўтса, ахир сен ҳам шундай жип сотиб олишинг мумкин. «Нива»да шунча юрдинг,

етар, армонинг қолмади. Совет замонларининг машинаси, асли бу ҳам чакки эмас. Лекин ҳамма нарса замонасига қараб, энди сен манавундай жипларда юрсанг, ярашади, жиян.

Арсен Бектур амакига раҳмат айтди:

– Раҳмат, бой ака, раҳмат, қани кўраверайлик-чи, жип тоғларда яхши юради, лекин, қани кўраверайлик. – Ўзи эса ичида «келинлик уйга нима етсин», деб такрорлади-да, гапни бошқа ёққа бурди: – Хўш, Итибой, яхши ҳордиқ чиқардингми? Қойил, дард кўрма ҳеч қачон. Тоғ йўллари одамни уринтириб қўяди, ҳар ким эплайвермайди.

– Э-ҳа, биз Итибой билан не-не йўлларни босиб ўтмадик, ҳисобласа, қанча бўлади, биласанми? Уч юз минг чақирим!

– Уч юз минг қирқ бўлди! – деди Итибой ғурурланиб.

Кейин улар кучоқлашиб хайрлашишди, Арсен жипнинг орқасидан кўлини силкиб қолди, хаёлида ҳамон ўша сўз айланарди: «Келинлик уйга нима етсин!»

Арсен Саманчин сирли қалдирғочларни эслаб ҳамон юраги орзиқар, бунинг ўзгача бир маънос сабаби ҳам бор эди. Буни у ҳеч кимсага айтмоқчи эмасди, кулгили туюлиши мумкин эди, фақат Ойданагина бу воқеани тўғри тушуниб, сурурли бир тарзда талқин эта оларди. Ойдана эҳтимол бу воқеани бадиий асарга айлантиришни, либретто ёки кўшиқ ёзишни маслаҳат берган бўларди. Ўрталаридаги дилтортар суҳбатларда у шундай кутилмаган мавзуларни ёқтирарди. Бу севишган кўнгилларни бир-бирига янада яқинлаштиради. Бундай гаплар ораларидан оз ўтганми! Энди эса телефондан ҳам унинг овозини эшитолмайсан. Силлиққина, узунгина «Лимузин»да кетди-борди... Афсус, аксинча унга сирли элчи қалдирғочларни айтиб берган бўларди. Қизиқ, қандай хабар айтмоқчи эди улар?

Рост, бир неча кундан сўнг буларнинг барчаси унутилиб кетди, Туёқ-Жар тоғларидаги овга тайёргарлик кўп вақтни олар, юмушлар етиб-ортарди, лекин сал кейинроқ, туғилган овулига келгандан сўнг беш кун ўтиб, у ўзининг кундалик дафтарига «Кўринмас эшиклар ёхуд гирифторлик балоси» деб номланган аламли бадиасини ёзиб қўйди.

Наҳотки, маъсум қалдирғочлар худди мана шундан огоҳ қилмоқчи бўлдилар? Аммо улар буни қайдан билсин? Кулгили. Аҳмоқона. Найранг. Шундай туюларди. Ҳозирча шундоқ эди. Ҳозирча... Лекин шу ёзувнинг Арсен Саманчиннинг кундалик дафтарида пайдо бўлиши келажакдан башорат эди. Ҳозирча осмон ва уфқлар мусаффо, ҳеч қандай галва, югур-югур йўқ, зеро ҳаммаси тадбиркорлик режасида кўрсатилгандек, ўз йўли билан борарди.

У эса, толенинг ўзига атаб қўйган ёзмишларидан беҳабар ҳасрат-надоматга ботиб юрар, Ойданани кўролмаслиги, унга ғалати қалдирғочлар ҳақида ҳикоя қилиб беролмаслигидан маънос тортарди. Нима, айтиб берганда, у дарров югуриб келармиди, – қани-қани ўша ажойиб-ғаройиб қалдирғочлар, деб сўрармиди ҳеч қачон?! Бу ғарибгина шўрлик эс-ҳушидан айрилиб қолмаганми ишқилиб?

Бу орада бошқа ғариб бош, ваҳший Жаабарс Узангилаш довони этагида худди афсунлаб қўйилгандай абгор эзилиб ётарди. Нимани кутарди у? Уни нима кутарди?

*Давоми бор*

Геннадий АЙГИ

## Сукунатнинг нақшин рафтори

СЕВГИЛИМ ҚОШИДА

**Б**у нозик рафтор оғушидаги  
тушларда нени унутибди Тангри?

Илк бор бунда ҳайратланди У  
ва бу маъво шу боис шаффоф.

Тўлқинлар оҳиста елади бунда,  
бундадир энг олис қирғоқлар.

Мен-чи, қаердаман?  
Очилар киприклар, ахир, мен томон,  
турибман уларнинг рўпарасида —

мен мавжудман мавжудсизликда.

Саслардан чўчийман,  
нурдан чўчийман  
бу рафтор ҳаққи,  
бирок ўтмоқдадир умр,  
барчасига тоқат қиламиз тагин.

---

*Русчадан  
Мирғулат МИРЗО  
таржималари*

Геннадий Николаевич АЙГИ 1934 йили Чувашистоннинг Шаймурзино қишлоғида таваллуд топган. Айги тахаллуси чувашча “хайхи” сўзидан олинган бўлиб “ана у” деган маънони англатади.

Айгининг дастлабки чуваш тилида ёзган шеърлари 1949 йилдан бошлаб эълон қилина бошлади.

1953 йили А.М.Горький номидаги Адабиёт институтига ўқишга киради. 1958 йили унинг чуваш тилида илк китоби чоп этилади ва ўша йили “социалистик реализм методи негизига путур етказувчи ижоди” туфайли институтдан ҳайдалади.

Б.Пастернак билан учрашув ёш шоир ижодида катта бурилиш ясайди, у Айгига рус тилида ижод қилишни маслаҳат беради. Айгининг рус тилида битган шеърлари узоқ йиллар давоми-



\* \* \*

дарё — энди ўзга — ўраб олар  
 йўгиради бизни ҳам  
 ўзининг янги тўлқинларига  
 бирам совуқ

тиниқ ва яхлит  
 “биз у ердамиз” демоқликка кеч  
 Ёлғиз, ёлғиз, ёлғиз

Холи — Софликдан

### БОҒДАГИ ҚОР

тоза содда  
 теран тиғиз  
 ҳам сокин ҳам сассиз  
 оппоқ ададсиз

уйқу босар  
 у — ёғди

ялтираб нигоҳга илашар

у ёғар

моҳияти шу

### ЭРМАН МЕҲРИ

дала: нақ касалхона!  
 гўё бир бурчакда —  
 эрман шохчаси:

гўё қиш кунда  
 бармоқлари  
 алоҳида —

унга ботирилган

да фақат чет элларда эълон қилинади. Унинг шеърий тўплamlари немис, чех, француз, инглиз тилларига ўгирилиб қатор хорижий мамлакатларда чоп этилади.

Унинг Россияда илк китоби 1991 йили эълон қилинган.

Айги шеърларидаги мазмунни илғаб олиш дафъатан қийин. Бу шеърларга калитни сокинлик бағридан топишингиз мумкин. Зеро, бу ажиб поэзия қалбингизга сукунат фазоларидан бокиралик инган дамларда мусаффо хаёлларингиз ва нур янглиғ туйғуларингиз жилвасини ўзида мужассам қилади.

Айги ўзининг бетакрор шеърляти билан кўплаб мамлакатларнинг нуфузли мукофотларига сазовор бўлган. Айги ижоди бугунги кунда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. 1997 йили Чебоксарида бутун дунё “айгичи”ларининг ўзига хос анжумани ўтказилди.

Шоир 2005 йили Москвада вафот этди ва у ўз туғилган қишлоғи Шаймурзинога дафн этилган.

*Таржимон*

**ТУН. МОСКВА ТАБОРГА ЎХШАЙДИ**

ухларлар — худди тахталар сингари  
чанг босган, нукрали, ҳашамдор

ташлаб қўйилган эшкаклар каби

ухларлар: бир-бирларига урилиб

тўкилиб: ухларлар

**ЖУДОЛИКЛАРДАН БИРИНИ ХОТИРЛАШ**

арғимчоқда ўтирибсан, юрагингда  
адоқсиз ғусса!

тебратасан ўзингни ўзинг,  
ўзингга она излайсан ўйларингда... —  
энди Коинот она сенга...

\* \* \*

ким — муносиб суқунат  
ҳақида гапиради — парвардигор  
олдидаги — бу қизғиш  
сўнаётган дақиқалар —  
наъматакларни ҳам ўйларга  
мойил қилар: биз ҳам  
йўғрилишимиз мумкин  
суқунатга: лекин  
бу суқунат ўзгача:  
биз йўқлик чоҳига чўкамиз:  
фикрлар жавоб тополмайдиган  
чоҳга  
ва яна қайтамыз  
ўз суқунатимизга  
асл Сўзга қайтган сингари

**ЧОШГОҲ**

Атиргуллар  
яллиғланар —  
кўз ёшингни узоқ  
артганинг каби.

**БАҲОРДА — ДАЛА**

Мўъжизалар кўмиб ташлар унда ақлни

**ҚИЗИМ БИЛАН САЙР: ШАҲАР**

сен-ла кезсам — бамисоли тўйиб ухлайман!  
ёнимда  
баргларни ўйнайсан — оқ нур таралар:  
ким у — нима у? Қизил четан  
бамисоли қоним — сассиз: меҳрга лим-лим:

табиат бирам мунис —  
коинот тўла нур:  
сайр давомида яшнагайсан сен!  
мен бу онлар бамисоли тўйиб ухлайман  
ширин тушлар кўраман  
энг бокира ҳисларга тўламан:  
бахтни ҳис этаман  
бутун вужудим-ла

### ГУЛ ВА ГЎДАК

нақ  
гўдакнинг ўзи  
*(ташқарида — боғ эшик ортида  
кўл эркинидан  
тебранаётган гул)*

нақ  
ғунчанинг ўзи  
*(қўшни хонада  
энди атак-чечак  
қилаётган гўдак)*

### ЭРМАК

Рангпар чеҳра —  
сукунатнинг нақшин рафтори!..  
қайлардадир тушлар  
қўзғалар,  
енгил қанот қоқар —

бу рафтор ботинида

худо ўз-ўзи-ла банд  
унда ўзга  
ҳеч нарса йўқ.

Инсон ибтидоси қадар —  
бу ўйиндан  
менга соғинч туйғуси  
қолади холос.

### СОКИЊЛИК

ойнаванд айвонларга  
қора қушлар яширинган бу ерда  
юлдуздек ялтирайди қорнинг парчаси!

зулматнинг тумшуғидан  
бу ердаги жимжит ҳовлига  
уйларнинг нурли соялари тушар  
шоҳларнинг бужурлиги  
ёқар дарахтларга  
шуълалар ярашар тун либосига

ойнадан

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

67

бўғотдаги қор ёғдуси тушиб турган  
китоб саҳифасига  
нурлар тори  
ёрқинроқ тизилсами эди

### ҚОР ТУШГАН КУН

у яна  
шу ерда  
қайтди шохчаларнинг  
маъюс-маҳзун  
саслари қанотида

узоқ вақтдан сўнг

(кун кунга ўхшамас  
қишлоқлар шаҳарлар  
бир хил  
сукунатда)

у яқинлаб келар  
(тобора)  
кўринар деворларда қоғозларда  
печнинг оқлигида —  
бамисоли болаликда унутилган  
тортиб олинган ва  
қоронғи далалар қўйнидан  
қайтариб келтирилган

турар оппоқ ҳадикли чеҳраси билан

### ШАҲАРДАГИ АТИРГУЛЛАР

о бу ранг уларнинг дарди: бирам шуълаланар!

унда — уларнинг изтироблари...  
шаҳарда ҳам — далалардагидек  
эмин-эркин  
қалблари очиқ ҳаммага

улар кўзга тушарлар осон  
изтироб — юзда акс этганидек  
нигоҳлар — гўзалликка қадалганидек

шунда иккита қалбда  
дард уйғунлашар:  
чинакам хайрихоҳлик бу... —

бизнинг дардимиздан ташқаридаги дард  
намоёнимиздир бизнинг!.. —

бамисоли қайғули замин тушидаги  
қизғиш шафақдек  
(шарпалар серҳадик!..

сиз ва биз ҳақимизда  
сўйлашар улар! —

ўзимиз ўзимиз билан  
сўйлашсак бўлмасмиди)

### ЎЙИНҚАРОҚ ЛЮДА

Ўтлоқ.

(Эсингизда турсин. Эсингизда турсин.)

Қизча-капалак.

Ибодатхона.

Қизча-капалак.

Ўтлоқ.

### ЯРИМ ТУНДА УЙФОНГАНДА

идрокда — ёрқинлик (бамисоли  
тиғ тигга урилгандек  
ўртадаги ялтиллаган кўлмакдек):

ҳар ким ўз жойида! — ялангликдагидек  
қиш чилласин кечасидаги

ёлғизсан: аниқ (эслаб қолдим лавҳани)  
ўз қабримга кирар маҳалим —  
ер остига кўникдим —

шундоқ қилиб: тигдек ёлғизман мен  
(гўё иккитаки — алоҳида-алоҳида ерда).  
тириклар билан биргаман! —

кечаги кун — мени кўмишган

### АТИРГУЛ — БОЛАКАЙ

*Ўғлим Алёшага*

кўз олдимда — изтироб-ла ўйлайман — ўйларим  
сўнгида ҳам  
кўз олдимда —  
яна изтироб-ла ўйлайман — ва яна кўз олдимда...

изтиробли меҳр —  
бутун умрингга етгайдир! —

бу — кўрганларинг ва фикрлаганларинг доираси... —

бу — изтиробдан ёнган қуёш:

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

69

оташ ўрнига чексиз-туганмас  
дард тўлгайдир —

менинг ҳаётимнинг меҳвари ушбу:

сукунатда ҳаммаси мавжуд:  
жой топилар Эрка ҳам, Зафарга ҳам;  
Муҳаббатга ҳам! —

сукунат ва ўғлимнинг гулгун чеҳраси... —

сўнги атиргул:

фарзандим... —

(ҳаммаси кўз олдимда: юрак қадар маъсум  
тишчалари ҳам!.. —  
кўзларининг ёниши — бамисоли қўшиқ  
бокира юз узра яшнаган чексиз)

## ОЗРОҚ

бахтдан — “Озроқ”  
эзгуликдан — “Озроқ”:  
шивирлаш: қуёшдан эсган шабада:

ризқдан — озроқ... кундуз шуъласидан ҳам... —

озроқ одамлар шовқинидан —  
ўлимга шай одам таоми янглиғ... —

токи биз уни осойишта қаршилайлик  
ҳар қандай остонада —

биродарона хайрихоҳлик ила... —

о бизнинг эркимиз! — қалбимиз шуъласидир:

жўн, сода:

“Озроқ”

## ШАҲАР ТАШҚАРИСИДАГИ УЙ

*Ўғлим Константинга*

шабнамлар-ла муҳрланган  
Ҳаёт аталмиш  
Ватандан —

ойна  
чорқирраси ичра  
қалб нуқраланар:

самбит  
гулламоқда

гўдак  
чулдирар!—

сирли мулоқот (гул ва илк калом)

доғ тушмаган — ўша Ватанда

## БАЙРАМ ТИМСОЛИ

*К. С. Малевич таваллудининг юз йиллигига*

олисда  
оқликни англаган одам  
оппоқ қор устида  
борар  
кўринмас байроғи билан

\* \* \*

Ёддан ўчар баҳслар,  
ҳижронлар, хатлар.

Биз кетамиз  
қолар фақат соғинч —  
одамларнинг тушлари,  
овозлари,  
чарчоғининг сассиз, мубҳам  
тўлқини изидан.

Қолар  
қачонлардир биз деб аталганларнинг  
изидан соғинч.

Шундоқ экан,  
нечун ранжимоқ керак  
ҳаётдан, одамлардан, ўзингдан, мендан...

Ахир,  
бир тўлқин бўлиб кетгаймиз-ку  
бу издиҳомдан;  
ахир,  
қабрларимиз аро чўккан кенгликни  
қорлар эмас, темир излар эмас,  
ўлчар-ку мусиқа.



## Ўрхон ПАМУҚ

# Истанбул

*Хотиралар ва шаҳар*

6

### БЎҒОЗНИ КАШФ ЭТГАНЛАРИМ

**Ю**з берган ажрашув воқеасидан кейин онам ва акам билан Бўғозда қайиқда айланишга бошқа чиқмадик. Ҳолбуки, олдинги қиш иккимиз ҳам кўкйўтал бўлганимиз учун бир асно ҳар куни акам билан Бўғозда қайиқда айланишга чиқардик. Касаллик олдинроқ акамда бошланган, ўн кун кейин менга ҳам юққанди. Касалликнинг мени қувонтирган бир томони ҳам бор эди: онам менга кўпроқ парвона бўлар, мени жуда эритиб юборадиган ширин-ширин сўзларни айттар, истаганим кичик ўйинчоқларни олиб берарди. Чеккан аламимнинг сабаби касалликдан кейин, ҳаммамиз биргаликда бизнинг қаватда ёинки юқорида ёзилган дастурхон — тушлик ва кечки емаклардан четлашилишимиз, таом устида бўладиган гап-сўзларни, санчқи, пичоқ, коса овозларини, кулишларни узоқдан мароқ билан эшитолмаслик эди.

Портфелидан тортиб мўйловигача бизни даҳшатга соладиган болалар дўхтери Албер иситмали дастлабки кечалар ўтгандан кейин акам билан мени яхши соғайиб кетишимиз учун ҳар куни маълум бир вақтларда Бўғозга ҳаво олиб келиш учун боришимиз кераклигини айтганди. “Бўғоз” калимасининг туркчадаги асл маъноси билан “ҳаво олиш” ҳодисаси эканлиги миямда шу тариқа бир-бирига аралашиб кетди. Тарабйа ҳозиргидай сайёҳлар учун мўлжалланган ресторанлари ва меҳмонхонаси билан донг таратган бир айланишбоп ер эканлиги эмас, юз йил олдин ўтган машҳур шоир Кавафис нинг болаликда яшагани сокин бир рум балиқчилар қишлоғи бўлган чоғида ҳам, у ерга даволаниш учун одамлар келганлигини ўрганганимда балки ортиқча адашмаган бўлармидим. Бироқ миямдаги даволаниш фикри билан аралашиб кетгани учунми, Бўғозни кўриш менга ёқиб қолди.

Шаҳарни ич-ичидан чиритган мағлубият, йиқит-йиқит, тушкунлик, ҳузун ва йўқсилликка нисбатан Бўғоз ҳаётига боғлиқлик, яшаш завқи ва бахтиёрлик туйғулари билан теран бир тарзда миямда бир-

<sup>1</sup> К а в а ф и с — Грециялик танқидчи Димитрис Спатиснинг ёзишича, Кавафис бир савдогарнинг ўғли бўлган. Болалиги Англияда ўтган, ўша ерда ўқиган, сўнг Истанбулга келган. Дастлабки шеър тўпламлари 1904-10 йилларда нашр этилган. Кейин унинг шеърлари алоҳида қоғозларда 100 нусхада терилиб тарқатилган. Унинг фалсафий лирикаси символизм шеърлятига яқин, аммо кўпгина тимсоллари қадимги Византия ва Грециядаги Эллин даври шеърларидан олинган.

Давоми. Боши ўтган сонда.



лашиб кетгандир. Истанбулнинг руҳи ва кучи Бўғоздан келади. Ҳолбуки, шаҳар олдинлари Бўғозни ортиқ менсимаган, бу ерни бир йўлусти макон, чиройли манзарали ер ва ниҳоят икки юз йил давомида ёзлик бир сарой ёки дам олиш соҳили кўрганди.

Бир қатор рум балиқчи қишлоғининг халқидан бошқа ҳеч ким яшамаган Бўғозга ўн саккизинчи асрдан эътиборан Усмонли арбобларининг кайфу сафо жойи ўлароқ жойлаша бошлаганда ҳам, аynиқса Кўксув, Кичиксув, Бабақ, Қандилли, Румэлиҳисори, Қонлижа атрофларида Истанбулга ва Усмонли тараққиётига оид ташқари учун ёпиқ бир маданият шаклланди...

Тақсим – Эмиргон автобус йўли 1950 йилларда Нишонтошидан ҳам ўтарди. Бўғозга бориш учун автобусга онам билан бирга уйнинг олдидаги Қўналғада чиқардик. Трамвайда кетсак, сўнгги қўналға бўлган Бабақда, қирғоқда узоқ-узоқ юргандан сўнг, ҳар кун аynи бир ерда бизни кутадиган қайиқчининг қайиғига чиқардик. Бабақ кўйида қайиқлар, елканлар, шаҳар ёқалаб қатнайдиган кемалар, четлари миди чиганоқлари билан безатилган соллар ва маёқ орасида қайиқ билан кезишдан, сузиб, Бўғоз оқимининг кучини ҳис этишдан, ўтган кемаларнинг тўлқинлари билан қайиғимизнинг чайқалишидан катта завқ олар, бу сайрларнинг битишини истамасдим ҳеч.

Бўғозда кезишнинг завқи – буюк, тарихий ва ҳеч кимга қарам бўлмаган шаҳарнинг ичида ҳаракат қиларкан, теран, қудратли ва ҳаракатли денгизнинг ҳурлиги ва маҳобатини ичингизда ҳис қилмоқ демакдир. Бўғознинг оқин сувларида суръат билан олға сузган йўловчи, тиқилинч шаҳар кирининг, тутунининг ва шовқинларининг ўртасида денгиз кучининг ўзига ўтганини, бутун бу тиқилинчларнинг, тарихнинг, иморатларнинг ичида ҳали ҳам ўзича, эркин қолишнинг мумкинлигини сезади. Шаҳар ичида кезинган бу сув парчаси Амстердамнинг, Венециянинг каналлари билан ёки Париж ва ё Румони иккига айирган денгизлар билан тенглашолмайди, албатта: оқин, шамолли, долғали, теран ва қоронғиликдир бу ер. Оқиннинг олдига ўтиб олганингизда ёки у билан бирга шаҳарбўйи кемалари билан ёнма-ён олға суза бошлаганингизда, манзар<sup>1</sup>ларида чой ичиб сизни кузатаётган холалар, апартаментлардан, соҳиллардан, яқиндаги бандаргоҳ ҳамда шийпонли қаҳвахонадан, соҳилдаги ерости йўлларининг мўрилари тутунга тўлдирган жойдан ич кийимларда денгизга тушган, сўнг исиниш учун асфалтда ётган болалардан ва соҳилда ўтирган балиқчилардан ва елканларининг ичида пинакка кетганлардан, қўлларида папкалари мактабдан чиқиб қирғоқда айланиб юрган ўқувчилардан ва йўл ҳаракатини баттар оғирлаштирганча автобуснинг деразаларидан бош чиқариб денгизга қараётган йўлчилардан, денгиз бўйида балиқчиларни кутаётган мушуклардан, нақадар юксак эканлигини эндигина кашф этганингиз чинор дарахтларидан ва соҳил йўлидан асло кўринмагани учун борлигини фақат денгиздан боқсангиз илғай оладиганингиз боғлар ичидаги қўноқлардан, ёнбағирлардан, ёнбағирлар ортидаги тепалардан, узоқдаги юксак апартаментлардан бошланган Истанбул, барча гала-говурлари, жомелари, узоқ маҳаллалари, кўприклари, миноралари, қуббалари, боғлари, ҳар кун бир янғиси қурилган юксак иморатлари билан кўз ўнгингиздан ўтади. Бўғозда кема билан, моторли қайиқ ё мен болалигимда қилганимдай оддий қайиқ билан сайр қилиш, инсонга, Истанбулни ҳам яқиндан

<sup>1</sup> М а н з а р – балкон.

уй-уй, маҳалла-маҳалла кўздан кечириш, ҳамда узоқдан тинимсиз ўзгараётган соялар ва хаёл сифатида кўриш завқини беради.

Бола кезимда ҳар доим акам билан сайрга чиқадиган пайтларимизда ҳис қилганим асил Бўғоз завқларидан бири, бу ерда бир замонлар Усмонли тамаддуни ва маданиятининг ғарб таъсирига киргани, аммо ўз асллигини ва қудратини йўқотмаган жуда бой бир даврининг қолдиқлари борлигини кўрмак эди. Бир катта ёнғиннинг бўёғи тўкилган муҳташам темир дарвозасидан, бир бошқасининг йўсин босиб кетган қалин ва юксак деворларининг пишиқлигидан, ҳали ҳам ёнғинларга дош бериб келаётган бир бошқасининг темир қопқаларидан ва ёғочозларнинг ишларидан ёки баъзи дала-ҳовлиларнинг орқасидаги юксак тепанинг охирига қадар чўзилиб кетган ва арғувонлар, Бўғоз қарағайлари ва неча-неча юз ёшли чинорлар билан қопланган қоронғиликлар ичидаги боғларидан, қулаган ва орқада қолган кўрмак тараққиётнинг изларини сезар, бир замонлар бироз бизга ўхшаган баъзи инсонларнинг бу ерларда бутунлай бошқача ҳаёт кечирганларини, аммо энди у замонларнинг ўтиб кетганини ва бизларнинг ҳам у инсонлардан бироз бошқачароқ — улардан йўқсил, улардан маъюс, эзилганроқ ва қишлоқироқ — эканлигимизни ҳис этардим.

Истанбулнинг эски маркази, тарихий яриморол, ўн тўққизинчи юзйилнинг ўрталаридан эътиборан яққол билинарли даражада йўқсилликнинг, чиришнинг, мағлубиятнинг, кутилмаганда аҳоли ортиб кетишининг, бирма-бир йўқотилган курашлар ва ғарблашиш таъсиридаги модерн Усмонли мансабдорларининг катта бинолари туфайли зарарланар, эзиларкан, айти шу мансабдорлар, бойлар ва пошолар, ёз кунларида шаҳардан узоқроққа қочган Бўғоз соҳилларида қурдирганлари дала-ҳовлилари атрофида, ташқи дунёга берк маданият яратдилар. Илк бошланғич пайтларда доимий транспорт йўлларининг йўқлиги, ўн тўққизинчи юзйилликнинг ўрталаридан эса кема қатновлари ва бандаргоҳлар вужудга келганига қарамай, Истанбулнинг ҳали ҳам тўла тарзда бир парчаси бўлмаганлари учун чет элликлар бемалол сайр қилолмаганлари бу ерлар ва четга берк маданиятлари ҳақида, ўз вақтида у ерда яшаган Усмонлилар ҳам бир нарса ёзмагани учун, маълумотимиз кўпинча иккинчи, учинчи авлоднинг соғинч билан қаламга олган хотираларига асосланади.

Бу хотиранавислар ичида энг порлоғи, севиб ўқигани Прустнинг ҳиссиётчанлигини ва узун жумла қуриш иқтидорини давом эттирган ва ўзи “Бўғозичи маданияти” деб атаган муҳитга мансуб бўлмиш ёзувчи Абдулҳақ Шиноси Ҳисор (1887-1963) эди. Бола чоғларини Румэлиҳисорида бир денгиз бўйи дала-ҳовлисида ўтказган, ёшлигининг бир қисмида Парижда, шоир дўсти Яҳё Камол (1884-1958) билан бирга сиёсат илмини ўрганган ва француз ёзувчиларидан таъм олишни эплай олган Ҳисор, “Бўғозичи маҳтоблари” ва “Бўғозичи” ядилари” (дала-ҳовлилари) номли китобларида йўқолиб кетган бу ўзига хос маданиятни ва оламни “бир муддат яна яшата олмоқ учун қўлидан келган бутун диққат ва эътибор ила, бир эски замон наққоши каби ўймакорлик қилмоқ ва ишлов бермоқ” эҳтиёжини ҳис қилган эди.

Бўғозичидаги ойдin кечаларда бир неча қайиқларда бир ерга тўпланиб, узоқ бир сандал<sup>1</sup>дан эшитилаётган мусиқани тингламоқ ва ой

<sup>1</sup> С а н д а л — эшакли қайиқнинг бир тури.

нурини ва сувлардаги кумуш шуълаларни томоша қилмоқ учун эрталабдан қилинган ҳозиргарликлардан бошлаб, бутун бир кунни ва узун кечани, сукунатларни, севгиларни, улфатчиликларни ва ёзувчининг эринмасдан бутун тафсилотлари билан тасвирлаган “Бўғозичи маҳтоблари” номли китобнинг “сукут фасли” қисмини орада бир янгитдан очиб ўқимоқдан, ичига киролмаганим бу ғойиб бўлган дунё учун қайғурмоқдан ва кечмишни қаттиқ соғинган ёзувчининг бу ғойиб бўлган дунёсига кириб, нафрат, инсоний заифлик, куч ва иқтидор ила қилинган, шайтоний ва ёқимсиз бўлган манзараларни илгарироқ кўрмаганимдан юзага келган чекланганликдан роҳатланаман: ойдин кечаларда, тургун денгизда қайиқларда тўпланиб эшитилган муסיқий фаслни, тинчиб қолган кечанинг сассизлиги бошланган пайтларда, “Қилт этган шамол эмас ва сувлар баъзан бамисоли ўз ичларидан келган хафиф бир сесканиш билан мавжланарди”, деб ёзади А.Ш.Ҳисор.

Онам иккимиз сандалда сайр қилган чоғларимизда ҳам Бўғоз тепаларининг ичидан таралувчи ранглар ташқаридан таралган нурларнинг аксланиши эмасмикин деган хаёл келарди менга. Гўё томларнинг, чинор ва арғувон дарахтларининг, туйқусдан кўз ўнгимиздан суръат билан учиб ўтган чағалай қанотларининг, ярим йиқик қайиқхона деворларининг ичидан хафиф сўлгин бир нур тўкилаётир деб ўйлардим. Йўқсил болалар соҳил йўлларида денгизга сакрашадиган энг иссиқ ёз кунда ҳам, Бўғозичи-да қуёш муҳитга ва манзарага бутунлай ҳоким эмас. Ёз кунботарларида ҳам кўкнинг қизиллиги билан Бўғознинг ўз сирли қоронғилигини бирлаштирган у ўхшаши йўқ шуълаларни томоша қилишни, уни англашга ҳаракат қилишни яхши кўрардим. Кўпик-кўпик мажнунланиб оққан, олдидан чиққан сандалларни телбаларча суриб ташлайдиган сувнинг, энди мен ҳайратланиб томоша қилганим икки одим наридаги бир бошқа гўшада, француз рассоми Монетнинг нилуфарли ҳовузи каби оғир-оғир чайқалганча ранг ўзгартиришларини кўришни ҳам севардим.

1960 йилларнинг ўртасида Роберт коллежида лицейда ўқиркан, эрталаб тонгдан Бешиктошдан Сариерга кетган автобусларда, тиқилинч одамлар ичра оёқда тураркан, қарши қирғоқдан Осиё тепаларининг ортидан қуёшнинг чиқишини ва қоронғилик, сирли бир денгиз каби мавжланган Бўғоз сувларининг ранг ўзгартириб ёришишларини томоша қилишни севардим. Шаҳарда бир япроқ қилт этмайдиган башанг баҳор кечаларида ёки ой чиқмаган, шамолсиз ва сассиз ёз кечаларининг силжиб бораётган бир соатида, Бўғоз бўйида ёп-ёлғиз ўз оёқ сасларини эшитганча тоқ боши билан узун-узун юрган ҳуззли бир одам, бирдан-бир бурунга, Оқинтибурнига ёки Ошиён Қабристонининг олдидаги фонарга етиб келганида, жимжитликда бирдан бутун гўшқинлиги билан гуриллаган оқимнинг хуркитувчи сасини эшитганда ва сувнинг қаердан олганини билмагани бир шуълада ялтираётган оппоқ кўпикларини кўрқиб фарқ этганда, А.Ш. Ҳисор каби Бўғознинг ўзига хос бир руҳи борлигини (бир замонлар менда ҳам шундай ҳол юз берганиди) ҳайрат билан тақдим этади.

Сарв дарахтларининг, даралардаги қоронғи ўрмончаларнинг, тарк этилган, бўшатишган қаровсиз дала-ҳовлиларнинг, ким билди, ўз вақтида нималарни ташиган синиқ, тарашланмаган, қурумли кемаларнинг рангидан, Бўғоз кемаларининг ва дала-ҳовлиларини фақат шу қирғоқларда умрини битказганларнинг англаши мумкин бўлган шеърдан, бир вақтлар буюк, кучли,

бениҳоя ўзига хос бир услубга эришган бир тамаддуннинг вайроналари орасида ҳаётнинг тотини кашф этишдан ва тарихга ва юксалишларга мутлақо парвосиз бир боланинг бахтли бўлиш, томоша қилиш, бу дунёни чин юракдан англашга чанқоқлиги билан, эллик ёшидаги ёзувчининг қарорсизликларидан, оғриқларидан, яшаш деб аталган завқларидан ва тадқиқларидан сўз юритяпман. Бўғознинг, Истанбулнинг, қоронғи кўчаларнинг гўзаллигидан ёки шеъриятидан қачон сўз юрита бошласам, ичимдан бир овоз, мендан олдинги авлодларнинг ёзувчилари каби яшаганим ҳаётнинг қусурларини ўзимдан яширмақ учун, яшаганим шаҳарнинг гўзалликларини унча-мунча оширишим кераклигини менга айтади. Шаҳар бизга гўзал ва улғайган кўринса, ҳаётимиз ҳам шундай бўлиши керак. Истанбул ҳақида гап очган мендан олдинги авлодларнинг жуда кўп ёзувчилари ҳар гал шаҳарнинг гўзаллигидан бошлари айланиб кетишини айтганларида, бир жиҳатдан ҳикояларини ва тилларини сеҳрли қилиш истаги билан менга таъсир этишаркан, иккинчи жиҳатдан, ўзлари айтган шаҳарда бошқа яшамаганларини, уларнинг ортиқ Фарблашган Истанбулнинг модерн тинч-хотиржамлигини устун кўришларини менга эслатиб қўйдилар. Истанбулни мислсиз ва лирик жўшқинлик билан мадҳ эта олишнинг эвазига ортиқ у ерда яшамаслик ёки “гўзал” бўлган нарсага ташқаридан қараш эканлигини улардан ўргандим. Бунинг айбдорлик туйғуларини ўз руҳида ҳис этган ҳар ёзувчи, шаҳарнинг харобалари ва қайғу-ҳасратларидан дам урганида буларнинг ўз ҳаётига туширгани сирли нурдан гапириши керак, шаҳарнинг ва Бўғознинг гўзалликларига ўзини ҳам қўшганда, ўз ҳаётининг қашшоқликларини ва шаҳарнинг ўтмишда қолган музаффар ва бахтиёр ҳавосига ўзининг ҳеч ярашмаслигини ҳам эслаши керак.

Онам билан чиққан сандал сайрлари, бир-икки марта тез оқар оқинга тушиб қолишлар, ўтиб кетган бир кеманинг долғаларидан чайқалиб кетишлар сингари бир қанча “таҳликадан” сўнг, хатар ўтганда, қайиқчи бизни оқиннинг қирғоққа яқинлашгани Румэлиҳисори бурнидан олдин Ошиёнда қолдирар, онам билан Румэлиҳисорига, Бўғознинг бу энг тор нуқтасига қадар юрарди, биз, икки ака-ука Румэлиҳисорининг ташқи ҳовлисига бу ерда турса чиройли кўринадидея жойлаштирилган, Фотиҳ давридан қолган тўплар билан безалган, сарҳушларнинг, уйсизларнинг ичида мудраганча тунаганлари бу йирик цилиндрларнинг ичидаги шиша синиқлари, нопок нарсалар, ту누ка парчалари, сигара қолдиқларидан Истанбулнинг ва Бўғознинг буюк тарихий меросининг энди у ерда яшаётганларнинг кўпчилиги учун қоронғи, сирли ва англашилмас бир нарса эканлигини сезардик.

Румэлиҳисори бандаргоҳига келганимизда онам бандаргоҳнинг дарҳол нариги томонидаги, ярми паркетли, ярми тош йўл бўлган, бир кичик қаҳвахона эгаллаган жойга имо қилиб, “Бу ерда илгарилар бир дала-ҳовли бор эди” дея хотирлатарди бизга. “Мен кичкина қизлигимда бобонгиз ёзлари бизни шу ерга олиб келарди.” Ҳар сафар одамни қўрқитадиган, эски, хароб бир бино, бузиш-бузмаслик ҳаққини кутган вайрона сифатида хаёл қилганим ёзлик уй ҳақида ҳеч ақлимдан кетмаган илк ҳикоя, пошо қизи бўлган ва қуйи қаватда яшаган ўй соҳибаси бўлган хотиннинг у 30-йилларнинг ўртасида сирли бир тарзда ўғрилардай ўлдирилган эканлиги эди. Бу ҳикоянинг қоронғи жиҳатларига жуда қизиқаётганимни

кўрганда, йўқ бўлган дала-ҳовлининг қайиқхонасидаги изларни бизга кўрсатаркан, онам бошқа бир ҳикояга ўтар, бувим (онамнинг онаси)нинг пиширган бамйал<sup>1</sup>и кўк сомсасини сира ёқтирмаган бобомизнинг аччиқланиб лаган-пагани билан деразадан ташқарига, пастга, Бўғознинг чуқур ва сероқин сувларига қандай улоқтирганини кулимсираб ва алам билан айтиб берарди.

Отам билан можаро бошланган даврларда, онам Истинйада, узоқ бир қариндошларининг уйида қолганларини, у ерда денгиз аслаҳахонасига қараган бир дала-ҳовлиси борлигини айтарди. У жой ҳам кейинчалик хароба ҳолига келганини эс-эс эслайман. Менинг болалигимда, замоннинг янги бойлари аста-аста семира бошлаган истанбуллик буржуа (сармойдор)лар учун Бўғоз дала-ҳовлиларининг қизиғи йўқ эди ҳеч. Эски Бўғоз дала-ҳовлилари, изғириқларга ва қиш совуғига қарши чора кўриш қобилиятига эга эмасдилар ва иситилиш ишлари ҳам қийин ва кўп маблағ талаб қиларди. Жумҳурият даврининг янги бойлари Усмонли пошоларидай кучли бўлмаганлари ва Тақсим атрофидаги даҳаларда, узоқдан Бўғозга қараган апартаментларнинг уст қаватларида туришса, ўзларини етарлича Ҳарблашган деб ҳис этганлари учун эски Бўғоз дала-ҳовлиларини иқтидордан тушган Усмонли оилаларидан, фақирлашган пошо болаларидан, А.Ш.Ҳисор кабиларнинг ақраболаридан сотиб олмадилар. Шундай қилиб, шаҳар суръат билан катталашган 1970 йилларгача, Бўғознинг муҳташам ёғоч кўноқларининг ва дала-ҳовлиларининг кўпи, ичларидаги телба саройлилар, бир-бирлари билан мол-мулк талашиб, даъволашиб юрган пошо неваралари билан бирга, бир вақти келиб, қават-қават, ҳатто хона-хона бўлиниб ижарага берилиб, мустақилликлари қолмай, бўёқлари тўкилиб, ёғочлари совуқдан ва намдан қорайиб ва ўринларига бир апартамент қуриш умиди билан яширинча ёқиб юборилиб, мен бола пайтимда йўқ бўлиб кетдилар.

1950 йилларнинг охирларида, отамнинг ё амакимнинг 1952 модел “Додга” марка машинасида ҳаво олиш учун бир Бўғоз сайрига чиқиш бозор куни тонларининг воз кечилмайдиган анъанаси эди. Бизлар йўқолиб кетган бу Усмонли маданияти учун бироз қайгурсак ҳам, Жумҳуриятнинг янги бойларидан бўлганимиз учун “Бўғозичи маданияти” бизга йўқотиш туйғуси ва ҳузндан кўра кўпроқ катта бир маданиятнинг узайтирувчиси бўлишнинг ғурурини ва тасалли туйғусини берарди. Бўғозга ҳар борганимизда, мутлақо Эмиргонга бир бош уриб чиқилар, “Чинорости” қаҳвахонасида қоғоз ҳолва (ясси, курсилдоқ бир ҳолва тури) ейиларди, бир ерда, Бабақда, Эмиргонда қирғоқ ёқалаб юрилар, Бўғоздан ўтган кемалар томоша қилинар, йўлда онам машинани тўхтатиб, гултувак ё икки йирик луфар (бир тур балиқ) сотиб оларди.

Ёшим улғайган сари она-ота икки болали бу ниҳол оила сайрларидан сиқилаб, эзила бошлаганимни хотирлайман. Кичик оила можаролари, акам билан катталашиб бораётган доимий рақобат ва ёмон машмашага айланган ўйинлар, бир машинада тўлишиб апартамент ҳаётининг ташқарисида янги бир нафас излаётган “ниҳол оиланинг” бахтсизликлари Бўғознинг даъватларини заҳарларди, аммо бу кичик бозор куни сайрларига ҳар сафар бораверардим. Янада кейинги йилларда, Бўғоз йўлларида бошқа машиналарнинг ичида, яна бизникилар каби бозор сайрларига чиққан ва бахтсиз, машмашали, шов-

<sup>1</sup> Б а м й а – ингичка узун пирамида шаклидаги меваси пишириб ейиладиган, гулхайрилар оиласига мансуб бир ўсимлик.

қин-суронли бошқа оилавий сайрларни кўрдим, аммо бу ёлғиз менинг ҳаётимнинг шундай жуда ўзига хос бўлмаганини менга хотирлатмас, Бўғоз Истанбулли оилалар учун балки фақат бахтлилик манбаи бўлганлигини ҳам сездирадди.

Бола чоғимнинг Бўғозини бошқача бир жой қилган жуда кўп нарса оҳиста-оҳиста, худди бир-бир ёнган дала-ҳовлилар каби йўқ бўлганда Бўғозга бормоқ менга айнаи замонда бир хотира завқи ҳам бера бошлади. Эски далён<sup>1</sup>ларнинг йўқ бўлишидан, далённинг тўрлар билан балиқларга қурилган бир турли қопқон бўлганлигини отамнинг қай тарзда тушунтиришларидан, сандалда бир-бир дала-ҳовлилар этагида сайр этиб шаҳарга мева олиб келиб сотадиган сотувчиларнинг қайиқларидан, онам билан борган Бўғоз қум соҳилларидан, Бўғозда сузишнинг завқларидан, биттама-битта бекилган, тарк этилган, кейинроқ эса люкс бир ресторанга айлан-тирилган Бўғоз синч ёғочларидан, бу ёғочларнинг ёнида сандалларини сурдирган балиқчилардан, уларнинг сандалида озгина бўлса ҳам сайр қилишнинг имконсизлигидан ортиқ мен ҳам сўз очишдан хушланардим. Аммо Бўғозни мен учун Бўғоз қилган нарса, яна ўша-ўша болалигимдагининг айнан ўзи: инсонга соғлик берадиган, соғломлаштирадиган, шаҳарни ва ҳаётни оёқда тутадиган битмас-туганмас бир яхшилик ва некбинлик манбаидир менинг учун Бўғоз.

“Ҳаёт бунчалик барбод бўлиши мумкин эмас” дея ўйлайман баъзан. “Ҳар неки бўлмасин, охир-оқибатда инсон Бўғозда юришга чиқа олади.”

## 7

### МЕЛЛИНГНИНГ БЎҒОЗ МАНЗАРАЛАРИ

Бўғоз манзараларини ўзига мавзу қилиб олган барча Ҳарбли расомлар ичида кўриш ва томоша қилишнинг завқларини менга энг кўпроқ ҳис қилдиргани ва инонтиролгани Меллингдир. Рассомнинг 1819 йилда босилган ва номи ҳам менга шоирона кўрингани “Истанбулда ва Бўғоз соҳилларида чиройли бир саёҳат” номли китобининг ярим бўй босмасининг бир стереотипини ношир-шоир поччам Шавкат Радо 1969 йилда нашр этган, ичимда расм оташи лов-лов ёнган кунларда бизга ҳадя этганди.

Ҳар бир қисми, ҳар бир бурчагига соатларча диққат билан қарая-жагим бу расмлар, кечмишдаги қусурсиз Усмонли-Истанбулнинг, мана, қандай бўлганлигини кўрсатарди менга. Меллингнинг бир меъмор ва математик талабчанлиги билан нозикдан-нозик ишланган тафсилотлари билан бирикиб кетган сувли бўёқ-гуаш расмларидан кўра кўпроқ бу расмлардаги ўз мушоҳадасида қилинган гравюраларнинг оқ-қора чизгиларига боқаркан, ичимда шундай бир ширин тасаввур пайдо бўларди; ҳеч бўлмаса кечмишнинг шоҳона бўлганига ўзимни инонтиришни истаган чоғларимдаги Ҳарб адабиёти ва санъатининг кучига кўпроқ очиқ бўлмоқ инсонни баъзан шундай бир Истанбул миллиятчилигига элта олади – Меллинг гравюраларига боқмоқ тасаллидир. Бу тасаллига, бу гўзаллик ва биноларнинг кўпининг йўқ бўлиб кетгани туйғуси ҳузун билан сендан айрилмайди. Бошқа тарафдан Меллингнинг расмларини гўзал қилган нарсанинг бу йўқотилганлик туйғуси эканлигини ҳам мантиғим менга

<sup>1</sup> Д а л ё н – балиқ тутиш учун тўр ташлаб қўйиладиган жойлар.

ўта ҳаяжонланган онларимда хотирлатади. Балки бироз бўлса-да, ҳазинланиш учун боқарман у расмларга.

1763 йилда туғилган Антонио-Игнасио Меллинг (Antoine-Ignace Melling) тўла бир овруполик, зотида италийан ва француз қони бўлган бир олмондир. Karlsruheда Grandьк Karl Friedrichнинг саройида ҳайкалтарош бўлган отасининг ёнида ҳайкалчиликни ўргангандан кейин Страсбургда амакисининг ёнида расм, меъморчилик ва математикани ўқиганди. Ўн тўққизга кирган чоғлари ўша пайтларда аста-аста юксала бошлаган Шарқ романтизми яхши натижалар бераётган даврда бошлаган бир йўлчилиги уни Истанбулга келтирган бўлса керак. У шаҳарга келган куни бу ерда яна ўн саккиз йил қолажагини тахмин ҳам этмаганди ҳар ҳолда. Меллинг Истанбулда борган сари катталашган бир аҳолига бошпана берган, бугунги Бейўглининг илк данакларини ташиган Паро боғларида, космополит бир имтиёзли табақа ҳаётини бошлаб берган элчиликлар атрофида дарслар бера бошлади олдинига. Даниянинг эски Истанбулдаги ишончли вакили Baron de Нйосхнинг Буюкдарада қурдирган дала-ҳовли боғчасида айланган Учинчи Салимнинг сингиси Хадича Султон, ўзи ҳам шундай бир боғча қурдириш истагини билдирганда унга ёш Меллинг тавсия этилди. Меллинг подшоҳ сингари Ҳарб янгиликларига кўнгли очиқ сингисига олдин гуллар, акасийалар, лайлоқлар<sup>1</sup> билан лабиринт бичимида Ҳарб тарзи бир боғча тартиблади. Кейинроқ Хадича Султоннинг Дафтардор бурнидаги (ҳозирги Ўртақўй билан Қуручашма ораси) саройга қўшимча кичик бир қўшқ қилди. Романчи Аҳмат Ҳамди Тонгпинар (1901-1962) бугун йўқ бўлган ва Меллингнинг расмларидан таниганимиз устунли, неоклассик Оврупо тарзи иморатнинг Бўғознинг номига ярашадиган ҳатто “аралаш завқ” дейилган нарсанинг яратилишида фаоллик кўрсатганини айтади. Меллинг Учинчи Салимнинг ёзлик жойи бўлмиш Бешиктош Саройига ҳам айнан шу шаклда неоклассик, аммо Бўғознинг тарзига тамоман издош қўшимча қурилишлар, ички тартиботлар қилди. Бир жиҳатдан Хадича Султон учун бугунги маънода бир санъат маслаҳатчиси эди ёки “ич декоратор” ўлароқ ишлар қиларди. Унинг учун ичида гуллар етиштири-ладиган хумлар олар, нақшли сочиқларга инжу ишланишини кузатар, элчи хотинларини бозор кунлари соҳилда айлантирар, шу ердаги дала-ҳовлиларни кўрсатиб, ҳатто уларга докадан чивинлик (пашшахона)лар қилиб берарди.

Буларнинг ҳаммасини икковларининг бир-бирларига ёзган ва бугун бир махсус коллекционда сақланиб келаётган мактубларидан биламиз. Меллинг билан Хадича Султон кичик бир интеллектуаллик кўрсатиб, бир-бирларига ёзган хатларида Отатуркнинг 1928 йилдаги “Алифбе Ислоҳоти”дан юз ўттиз йил олдин туркчани лотин алифбесига ёзишни бошлагандилар. Бу мактублар соясида у кунларда хотира ва роман ёзиш анъанаси бўлмаган Истанбулда бир подшоҳ сингисининг озми-кўпми қандай гаплашганини ҳам ўрганамиз:

“Меллинг Калфа<sup>2</sup> чивинлик қай кун келажак? Мумкин бўлса эртага истардим... Дарҳол иш бошлайсан, кўраман сени... Кўп ажойиб бир пичоқ расми.... Истанбул расми юбор, буниси хира... Тўқима курсингни истамайман, ёқтирмадим. Заррин курсилар истайман... Ипак оз бўлсин, зарлари кўп бўлсин. Кумуш қутича учун расм кўрдим, локин зинҳор шошилма, аввалги расм турсин, асло бузакўрма... Инжу ва пул-мулини мартеди (сешанба) куни бераман...” .

<sup>1</sup> Л а й л о қ л а р – настаринлар.

<sup>2</sup> “Калфа” – биздаги “халфа”, яъни Ўринбосар, Уста, Ёрдамчи маъносида ишлатилган.

Лотин ҳарфларидан ташқари бироз италяанча ҳам ўргангани билиниб турган Хадича Султон Меллингга бу мактубларни ёзаркан, ҳали ўттизга ҳам бормаган эди. Арзирум волийси бўлган эри Саййид Аҳмад пошо кўп пайт Истанбулда эмасди. Наполеоннинг Миср сафари хабарининг Истанбулга келгани, сарой атрофида французларга қарши бир газаб юзага келган кунларда, Меллинг женевалик бир қизга уйланди ва айни кунларда Хадича Султонга ёзган қайгули мактубларидан ҳам англашилганидай бир сабаб кўрсатилмаган ҳолда назардан тушди:

“Афандим, камина қўллари шанба куни боламни юбордим ойликни олишга... айтишларича энди ойлик йўқ эмиш... Афандимиздан бунча яхшилик кўрганим учун инонмаганим бу танбиҳни Афандимизнинг эътиборига... Таҳминимча бу гап-сўзлар рашкка алоқадор гап-сўзлардир, кўрсаларки Афандимиз қўлларини севади... Энди қиш келади, Бейўғлига бораман, ва лекин қандай бораман? Пул йўқ. Уй эгаси ижара ҳақини сўрайди, кўмир-ўтин, ошхона нарсалари лозим ва устига устак қизимга чечак чиққанди, ҳақим 50 қуруш истапти, нима қиламан? Қанча ёлбордим, қанча йўл ва қайиқ ҳаржларини бердим, хайрли жавоб чиқмади... Бир ақча қўлимда йўқ, ёлвораман... Афандим, мени бундай қолдирманг, қаттиқ ёлвораман...”

Қанча ёлворсин, Хадича Султондан бирор жавоб келмагач, Меллинг бир ёндан Оврупога қайтишга ҳозиргарлик бошларкан, бир ёндан ўзига пул ундириш ишларига киришди. Подшоҳга яқинлиги сабабли тайёрлашни анча олдин бошлагани муфассал катта расмларини гравюралари бир китоб ҳолига келтириш фикрини ўша пайтда поёнига етказди ва Франциянинг Истанбулдаги резиденти, машҳур шарқшунос Пьер Руфиннинг ҳам ёрдами билан Париж ила ёзишма бошлади. Меллингнинг 1802 йилда Парижга боришидан кейин нашр этилиши ўн етти йил орқага сурилди (Меллинг эллик олти ёшидайкан) ва Парижда даврнинг энг донгдор гравюрачилари ишламоқчи бўлган китобнинг илк тайёргарлик босқичларида, рассомнинг муфассал тўплами бутун бўй-басти билан, мукамал акс этиришда жуда уста бўлгани фикри таъкидланганди.

Бугун бу катта китобнинг қирқ саккиз катта гравюрасига боқаркан, бизга чуқур таъсир қиладиган нарса ҳақиқий муфассалликка садоқат ва қатъиятдир. Йўқ бўлган дунёнинг манзараларига боқаркан, Бўғознинг ва Истанбулнинг гўзалликларини завқланиб томоша қила билмоқ учун ақлнинг катта хоҳиш билан излагани ҳақиқат туйғусини Меллинг, мёморий тафсилотларга алоҳида бир диққат билан ва истиқбол жилвалари билан, маҳорат билан кунгиралари билан беради. Бу қирқ саккиз табло орасида энг ёрқини бўлган подшоҳ ҳарамининг ичини кўрсатадиган табло ҳам, мёморий бир мақтаси (мақта — бир жисм текис кесилганда майдонга келган текис юзнинг шакли, профил) бўлиши, истиқболнинг “готик” имконларининг қўлланилиши ва ҳарам хотинларининг Ҳарбнинг ҳарам ва жинсий фантазияларидан яхшигина узоқ бир виқор ва зарофат ила ишланганлиги сабабли, Истанбулли томошабинда ҳам кучли бир чинлик ва жиддий туйғусини уйғотади. Расмларининг академик ва жиддий ҳавосини Меллинг атрофларга, гўшаларга жойлаштирганлиги барча тафсилотларни инсоний жиҳатдан тавзин қилади (мувозанат ҳолига келтиради). Ҳарамнинг кириш қаватида, четда оёқда тураркан бир-бирларига ишқ билан интилган, дудоқ дудоққа яқинлашган икки ҳарам хотинини кўрамиз, аммо даврнинг бу тур тафсилотларга қизиқувчи бошқа Ҳарб рассомларига қарама-қарши ўлароқ, Меллинг бу жуфтни на ортиқча кўрсатади, на-да яқинликларини драмалаштириб расмнинг марказига қўяди.



Меллингнинг Бўғоз манзараларига боқмоқ, болалигимда кимсасиз кўрганим ва устлари қирқ йилда хунук апартаман блоклари билан қопланганча, ортиқ кимсасиз кўрганимни ҳам унутганим Бўғоз тепаларини, ёнбағирларни, дараларни уларни биринчи кўрганимдаги ҳолларида кўриб ёлғизгина болалигимнинг манзараларига айланиш сеҳрини бермайди менга. Бўғознинг замон ичра орқага кетганча саҳифа-саҳифа очилган гўзалликларининг орқасида жаннат бир тарих бўлганлигини, менинг ҳаётимнинг ҳам, ўтмишдаги бу жаннатдан баъзи хотиралар, баъзи манзаралар ва маконлар билан уйғотган тушунчасини ҳам ҳазинлик ва бахтиёрлик билан яшатади. Ҳазинлик ва бахтлилик топишган бу нуқтада фақат Бўғозни яқиндан билганларгина била оладиган айрим тафсилотларнинг узунлигини фарқлаш менга бу расмларнинг замондан ташқари бир жаннатдан чиқиб, менинг ҳозирги ҳаётимга қоришгандай таассуротни беради. Ҳа, дейман ўз-ўзинга. Тарабдан чиқар-чиқмас сокин денгиз туйқусдан Қораденгиздан келган совуқ шамол билан долғаланади ва шошқалоқ, асабий долғаларнинг сиртида худди Меллингнинг расм қилгани каби бу газабли, кичик ва сабрсиз кўпиклар намоён этади. Ҳа, шом пайтлари Бабақ сиртларида кичик ўрмонлар, фақат мен каби, Меллинг каби у ерларда ўн йиллари ўтган кимсагина ҳис қила оладиган хилидан ўз ичларидан чиққан бу турли бир қоронғилик билан теранлашади. Ҳа, Истанбул манзарасига Бўғоз қарағайлари ва сарвлари, барча бу зарифликлар қийинлик билан жойлашади.

Анъанавий ислом боғчасининг ва ислом расмида жаннатнинг инкор этиб бўлмас қаҳрамонлари бўлган сарвлар Меллингнинг Бўғоз расмларига, худди Эрон миниатюраларида бўлгани каби, манзарага шеърӣ бир оҳанг берган зарифлик ва салобат бирор қоронғилик доғи сифатида жойлашади. Меллинг жингала-жингала Бўғоз қарағайларини расм қилганда ҳам, бошқа баъзи Ҳарблик Бўғоз ва Истанбул расмларига қарама-қарши ўлароқ, боқишини дарахтнинг шоҳлари орасига суқиб драматик бир ҳаяжон ёки ромка таъсири кетидан қувмайди. Бу жиҳатдан миниатюрочи рассомларга ўхшайди: худди дарахтлар каби, инсонларни ҳам энг ҳиссиётли онларида ҳам узоқдан кўради. Инсон гавдасининг ҳаракатларини тамом усталик билан чизолмаслиги, эҳтимолки, шу боис имолар, ўзини тутишларни эътиборсиз қолдириши ёки сандалларни, кемаларни Бўғоз сувлари устига (айниқса бизга тик келаётган бўлса) баъзан уқувсиз жойлаштириши ва иморатлар билан инсонларни, бирмунча диққат қилганига қарамай, баъзи пайтларда болалардай номутаносиб чизиши Меллингнинг расмларига бир қадар шеърӣлик бериб, Истанбулликнинг ўзини осонроқ топтира оладиган бир рассом этади. Хадича Султоннинг саройидаги ёки ҳарамдаги турли-турли хотин қоматларининг ҳам ҳаммасини опа-сингилдай бир юз билан чизилишида томошабинни (расмини кўраётган кишини) кулимсатган бир софлик бор.

Меллингни тез таъсир этувчи қилган нарса, ислом миниатюраларининг энг яхшиларидан ва Истанбулнинг олтин чоғининг болалигидан чиққан каби кўзга ташланувчи бу софлиги, бошқа ҳеч бир гарблик рассом кўрсатолмаган меъмори, топографик ва кундалик ҳаёт тафсилотлари билан назокат ила бирлаштирилганлигидир. У пайтда Қизқуббаси билан Ускударнинг Перадан кўриниши ёки кўриш нуқтаси харитасида ишоратлаб қўйганидай, бу сатрларни ёзган Жаҳонгирдаги ижодхонамдан қирқ одим четдаги бир нуқтадан, Тўпхона сиртларидан расм қилгани бир қаҳвахонанинг деразаларидан Тўпқопи саройи ёки Айюб сиртларидан Истанбулнинг кўриниши, биз ҳар

доим кўрган-билган оддий манзара бўлади-ю, аммо бир жаннат манзараси бўлиб кўринади. Бу жаннат, Усмонли Саройининг Бўғозни бир балиқчи кўйлари қатори эмас, обод қилинажак бир макон сифатида кўргани ва айни замонда Усмонли меъморчилигининг Фарбнинг жозибасини билган ҳолда ўз софлигидан воз кечган даврга қадар бир-бирига тенг келади. Меллинг туфайли Учинчи Салимдан олдинги Усмонли чоғлари менга жуда узоқдай кўринади.

Marguerite Yourcenarнинг, Piranesiнинг Меллингдан ўттиз йил олдин ишлай бошлагани Румо ва Венеция мавзуларидаги гравюралари бир замонлар тадқиқ қилинганда нималарга амал қилинган бўлса, мен ҳам ўша услубда кўлимга катта кўрсатувчи ойнак олиб” Меллингнинг чизгани Истанбул манзараларида ҳаракатдаги истанбулликларни томоша қилишдан кўп завқ оламан: Масалан Меллингнинг сантиметр-сантим тафсилотини тўғри чиза билмак учун кўп машғул бўлгани Тўпхона Чашмаси ва майдонини кўрсатади расмда, сўл чеккадаги тарвузчини (олдидаги ёғоч курсиси ва харидорга тарвузни узатиши бугун ҳам айнан ўшандайдир) ёки бу сафар, пастроқдаги ўрталиқда бошқа тарвузчининг курсида ўтиришига қарашдан хушланаман. Меллингнинг Истанбул обидалари орасида назокати туфайли расм солишга бу қадар аҳамият бергани ва ўз даврида катта юксакликка чиққанини кўрсатувчи расмда кўрганингиз чашма, бугун атрофидаги йўлларнинг тўшалган тошлари, асфалт устига асфалт ётқизиладериб баландлаб кетгани оқибатида чуқурда қолгандир. Рассомимизнинг шаҳарнинг бир гўшасида, ҳар боғчасида кўришдан хушлангани онасининг қўлидан тутган болаларни Теофия Готье элик йил кейин ҳам кузатгани каби (бола билан айланиб юрган хотин, ҳамма вақт ёлғиз айланиб юрган ҳаётидан кўра ҳурматга лойиқ бўлажаги ва безовта қилинмаслиги сабабли) Истанбулнинг ҳар гўшасида бугун ҳам бўлгани каби турли-турли қиёфалар, кўлларида, молбертлару егуликлар ва юзларида безгин бир ифода ила кўринаётган сайёр сотувчиларни Бешиктошда дала-ҳовли ёғочидан қармоқ дастасини сокин денгизда силгалаётган навқирон йигитни (Меллингни шу қадар севаманки, Бешиктош соҳилида денгиз ҳеч бир замон бу қадар сокин бўлмаслигини айтишга тилим бормади) у навқироннинг ўн беш одим узоқда ёнма-ён ўрнатилган (ва “Оқ Қалъа”нинг бир туркча нашрининг муқовасига қўйганим) икки сирли одамни, Қандилли тепасида айиқ ўйнатаётган одам билан ноғора чалаётган ёрдамчисини ёки Султон Аҳмад Майдонида (Меллингга кўра, Ҳиподром) марказдаги бутун тиқилинч ғала-ғовурдан ва обидалардан ҳақиқий бир Истанбуллидай беҳабар бир ҳаво билан, юкли отнинг ёнида оғир-оғир одимлаб келаётган одамни, оломонга сиртини ўгириб айни расмининг бир гўшасида — худди менинг болалигимдаги каби — уч оёқли “молберт”ида тешиккулча сотаётган сотувчини бироздан сўнг унутганим жуда кичик тафсилотни кашф этишдан кўп хушланаман. Пиранези<sup>1</sup> нинг расмларидагининг аксича, Истанбуллилар қайси обидавий бинонинг, қайси кўзга ташланувчи манзаранинг теграсида турмасинлар, меъморий тасвир ва табиат манзараси томонидан аҳамиятсиз ҳолда қолмайдилар. Пиранези каби, перспективани беришни яхши кўришига қарамай, Меллингнинг расмлари драматик эмасдир. (Тўпхона қирғоғида “қайиқчилар ғовғаси”ни бошлаган сандалчилар ҳам! ) Пиранезининг инсонни аҳамиятсиз қилган, бир турли бадбашара тиланчи, оқсоқ, ғалати инсон тимсолига айлантирган бузғун-

<sup>1</sup> П и р а н е з и — 1720-1778 йилларда яшаб ўтган итальян гравёри.

чи ва драматик меъморчилик ишлари тик ва профилдан ишланган-дирдир. Меллингда эса ҳеч бир нарсага тегилмасдан, эркин инсон назарининг кўриш майдонининг бутун кенгликлари билан, ҳайратлантирувчи ва бахтли дунёда кезиб юрган ётиқ (горизонтал) ҳаракатни кўрамыз. Бу Меллингнинг расм маҳорати ёки зарофатидан кўра кўпроқ меъморчиликнинг унга инъом этган имкони эди. Буни ҳис эта олиши учун Истанбулда ўн саккиз йил яшамоғи керак эди.

Меллинг шаҳардан айрилганда ҳаётининг ярмини Истанбулда ўтказиб бўлганди. У, бу ерга таълим олгани келмаганди, ҳаёт ҳақида асл фикрларини комиллаштириб, нон топиш учун курашиб, ишлаб Нодир асарлар яратишга келганда, бунинг учун у ўн саккиз йиллик умрини бағишлади. Шу сабабли унинг назари у ерда яшаётганларнинг Истанбулда кўргани ҳақиқий тафсилот ва материалларни илиб-илғар эди. “Минг бир кеча эртаклари”дан ва у йилларда, айниқса Францияда катта бир юксалиш намоён этган Шарқ роман-тизмидан чиқиш ва қисқа муҳлат ичида сийқаланиш манзаралари ҳам уни ҳеч ҳаяжонлантирмагани учун, расмларида ҳаёлий муҳитга уйғун соя ва нур ўйинлари билан, тутун ва булут билан таъсирлантиришга ва шаҳарни ва инсонларини асл ҳолларидан ҳам тўлароқ, жингаласоч ва дўмбоқ, жимжимали ёки эзилган ҳолда чизишга киришмади ҳеч.

Меллингнинг қараши шаҳарнинг ичидан чиқади. Аммо у замонлар Истанбул халқи ўзини ва шаҳарни расм қилишни билмагани, бу иш билан ҳеч машғул бўлмагани учун Ҳарбдан келган рассомлик ҳунарини (бу хатосиз расмларни) бир бегоналик шуъласидай қабул қилди. (Бегоналик шуъласи деганда насроний расмларда азиз-авлиёларнинг бошлари атрофига туширилган нури халқа назарда тутилмоқда.— Тарж.) Шаҳарни бир истанбулли каби кўриб, олдиндан салбий фикр билан келмаган ғарбликдай расм қилгани учун Меллингнинг Истанбули ҳам хотиралар, жўгрофия ва жомеълар каби таниқли бир ердир, ҳамда ўхшаши йўқ, ягона ва шунинг учун ажойиб бир дунёдир.

Бу расмларга ҳар боқишимда бу дунёнинг йўқ бўлиб кетганлиги туйғули ичимни оdatий бир ҳазинлик қоплайди. Аммо ўтмишда қолган бу дунёнинг ҳар қалай бир “тўғри” кўриб танишнинг намунасини кўрсатгани каби, менинг Истанбулимнинг экзотик, “сеҳрли” ё кулгили бўлмаганини, аслида болалигимнинг Бўғозичидан кўп нарса олганини ва ёлғизгина ғайриоддий бўлганини Меллингни ҳар очишимда кўриш менга бир тасалли беради.

## 8

## ОНАМ, ОТАМ ВА ҒОЙИБ БЎЛИШЛАРИ

Баъзан отам узоқ ерларга кетарди. Уни анча вақтларгача кўролмасдик. Бу йўқолишнинг бошланиши бизга ғалати ҳол деб ҳис этирилмасди. Ғойиб бўлгани ёки ўғирлангани анча кейинроқ англашилган бир велосипед ёинки ортиқ мактабга келмай қўйган синфдош каби йўқлигини яхшигина ва алам билан фарқлай бошлаганимизда бу йўқликка кўпдан ўрганиб қолганимизни ҳам ҳис этардик. Отамизнинг нима учун йўқ бўлгани мавзусида суҳбат қилинмас, бу қачонгача давом этиши ҳақида бизга маълумот берилмасди. Акам ва мен, бу саволларни сўрамаслигимиз кераклигини ҳис этар, уйнинг ичидаги жамоат ҳавосига осонгина мослаша борардик. Катта бир апартаманда амаким, аммам, бувим, ошпазлар, хизматчилар, бутун жамоат биргаликда яшаганларимиз бу етишмовчиликни унутмасдан,

аммо сабабини сўрамасдан кун ўтказишимиз яшашимизни осонлаштирарди. Баъзан унутган нарсамизнинг аламини, хизматчи Асмо Хонимнинг ўта меҳрибонлик билан кучоқлашидан, бувимнинг ошпази Бакирнинг бир гапимизни икки қилмаслигидан ёки бозор куни эрталаб Ойдин амакимнинг бизни “Догда-52” машинасида Бўғозга олиб боришига жуда интизорликдан тушуниб қолардик.

Баъзан эса, аҳволимизнинг ёмонлашганини онамнинг эрталаблари телефон тепасида ўтириб холаларим билан, ёр-биродарлари билан, ўз онаси билан узун-узун ҳасратлашишларидан ҳис этардим. Онамнинг эгнида узун оч-сарик рангли, қизил қалампирли тонглик кўйлаги бўлар, ўтирган курсисида оёқларини чалиштириб олгани учун турли-турли ғижимлари билан хаёлимни бўлиб пастга тушган тонглигининг оралигидан тани ва ич кийими ва чиройли бўйни кўзга ташланар, у телефонда гаплашаркан кучоғига суқилиб унга суйкалар, сочлари, бўйни ва кўкраклари атрофидаги гўзал қисмларига яқинлашмоқ истардим. Йиллар кейин, отам билан дастурхон устида бошлаганлари шиддатли даҳанаки «жанг»ларидан сўнг, ўзининг ҳам менинг юзимга газаб билан уришишлари каби, онам билан отамнинг ғовғаларининг уйга, бизларнинг бошимизга ёғдирган фалокат муҳитидан завқланардим.

Онамнинг менга парвона бўлажаги онни кутарканман, усти пардоз-андоз шишалари, упаликлар, дудоқсурма, тирноқ локлари, атирлар ва бодом ёғлари билан тўлаб масосига ўтирар, тортмаларини ҳавас билан титкилар, турли-турли пинцет-тўғнағичлар, қайчичалар, тирноққескичлар, қош қаламлари, қалам бичимидаги чўткачалар, тароқлар, учлари найза олатлар билан ўралашар, менинг ва акамнинг масо юзаси билан устидаги ойнак орасига тикиб кўйган чақалоқлик фотосувратларимизга боқар (устида ўша тонглик эгни билан онам, кичкина курсичасига ўтқазиб кўйилган менга бир қошиқ “мамма” бераркан, иккимиз ҳам фақат сийна рекламаларида учратадиган нашъа билан кулимсирар эдик), у фотосувратларда менинг бу пайт қандай бахтли тарзда чинқириб юборганларим акс этмаганини ўйлардим.

Оғир-оғир гужанак бўлаётган жон талвасалари ва қайғулардан қутулмоқ учун йиллар кейин романларимда бунинг бир тимсолини яратажагимни хаёлимнинг бир четига ҳам келтирмай бирор ўйинга киришиб кетардим сўнгра. Онамнинг пардоз масосининг ойнасининг икки ёнидаги шишаларни, соч титкичларини ва ҳеч қачон очилмаган гул нақшли (гравюралли), қулф-калитли кумуш қутини масонинг нақ ўртасига солиб қўяр, калламини ойнанинг марказига яқинлаштирар ва ойнанинг икки қанотини орада ўзим қолар тарзда бирдан очганда ойналарнинг ўз ораларида кўпайтириб кўрсатган тераң, совуқ ва кўзгу рангли сўнгсизликда қимирлаётган мингларча Ўрхон кўрардим. Энг яқиндаги ва энг катта аксимга боққанда калламнинг ҳеч таниб бўлмас орқа қисмлари, орқаси тухумсимон чўзинчоқроқлиги, худди отам каби шалпанг-қулоқлигимнинг хунуклиги мени ҳайратга соларди. Қизиқарли томони шундаки, ҳар сафар ўз гавдам деб бошқа бировникини йиллар бўйи ўзим билан бирга олиб юрганимни ҳамон мени сесканиш билан ўйлантирадиган энсамни кўриш эди. Уч ойна орасига тушган фақатгина ён томондан кўринишим эмасди, ҳар бири кичик бир аламдан ўзгарган ва бора-бора кичиклашган ўнларча, юзларча, аммо ҳар бири бошқасидан фарқли Ўрхонларнинг, қўлимнинг бир ҳаракатини айтишда онда қулларча тақлид қилишлари ҳам мени гурур-ла вақтимни чоғ қиларди. Қусурсиз бирор қул бўлган-

ларига ишонтиргани учун уларга турли-турли ҳаракатлар қилди-  
рардим. Баъзан ойнанинг кўкишроқ сўнгсизлигида энг узоқдаги  
Ўрхонни топишга ҳаракат қилардим. Баъзан тақлидчи аксларим-  
нинг, қўлимнинг ёки бошимнинг бир ҳаракатини айна онда эмас,  
мендан сал бўлса-да кейинроқ тақлид қилишларини кўра олдим  
деб ўйлардим. Энг сескантирадигани, ёноқларимни шишириб,  
қошларимни чимириб, тилимни чиқариб юзим билан ўйнашар-  
канман ёки ойналар ичидаги юзларча Ўрхондан бир бурчакдаги  
саккизтасига, ўнтасига диққат қилатуриб, борлигини унутганим  
ўз қўлларим-нинг, бармоқларимнинг ўзларича қилаётгани оддий  
ҳаракатни, ойналар денгизининг кўкимтир теранликларида бир  
ердаги ўн-ўн беш кичик Ўрхоннинг айна онда тақлид қилиши,  
аммо қўлимнинг ўшандай ҳаракат қилганини билмаганим учун,  
бир он узоқдаги кичик Ўрхонлардан бир қанчаси ўзаро битишиб  
ортиқ ўз-ўзларича ҳаракат этишади, деб ўйлашим эди. Олдин сес-  
канар, бунинг ҳам бир аксларни эканлигини ақлим ҳазилни ҳам  
билмайди тарзида қабул этганидан сўнг, айна қўрқувга янгитдан  
тушмоқ учун ўйинни давом эттирардим. Кейинроқ, ойналарни  
фақатгина бирор бармоқ турган жойларида ўйнатиб, сўнг нуқта-  
ларини ўзгартирсам, бу сафар мени бутунлай бошқа бир Ўрхонлар  
қатори билан юзма-юз қолдирарди. Худди бир он фокус нуқтаси-  
ни йўқотган бир фотограф апаратининг кўз тешигидан боққани  
каби, бу янги сўнгсиз Ўрхонлар орасида илк ва энг яқин акси-  
нинг ерини ва ўз асл еримни (гўё уни ҳам йўқотиб қўйгандай)  
бир он чорасизлик билан излашдан хушланардим.

Баъзан онам ва акам билан ўйнаганимиз ва мени ҳар кун анчага-  
ча, қачон қайтиши мумкинлигига вақтимни чоғ қилган бутун бу  
“йўқ бўлиш” ўйини асносида, ақлимдан чиқариб ташлаёлмаганим  
билимни моҳирона тозалайдиган бир жиҳати ҳам бениҳоя сараловчи  
бир суратда, онамнинг телефон суҳбатларига, отамнинг қаердали-  
гига ёки бир кун онамнинг ҳам йўқолиб-йўқолмаслигига бориб та-  
қаларди.

Чунки баъзан онам ҳам йўқ бўларди. Аммо у йўқ бўлган пайтлар-  
да бир тушунтириш берилар, масалан, “Онангиз хаста, Наримон  
холаникида дам оляпти” дейиларди. Худди ойна қаршисидаги акс-  
ларнинг бир қисмига ўтувчи бўлса ҳам яхши ният билан ишонч  
ҳосил қилишни эплаганим каби, бу тушунтиришларни маъқул топ-  
ганимни хотирлайман. Бувим (отамнинг онаси)нинг ошпази ёки эшик  
қоровули Исмоил Афанди ёнимизга қўйилар, кемаларда, автобус-  
ларда Истанбулнинг бир бошқа учидаги, масалан, Аранкўйдаги бир  
ақрабонинг ёинки Истинийадаги бир бошқасининг уйига онамизни  
зиёрат қилишга борардик. Барча бу сайрлардан ақлимда ҳазинликдан  
кўра кўпроқ бир можаро завқи орқада қоларди. Акамнинг ёнимда  
бўлиши, таҳликалар билан мендан олдин учрашажаги каби бутунлай  
номаълум бир инонч асрарди мени. Уйларига, дала-ҳовлиларига бо-  
риб турган онамиз томонидан узоқ-яқин баъзи қариндош-ақрабо-  
лар, кекса, севимли, меҳрибон холалар ва менга қўрқинч кўринган  
серсоқол амакилар бизни севиб силаб-сийпаганидан, уйда кўпчи-  
ликнинг эътиборини тортаётган ғалати бир нарсани, кир-чир сайра-  
ётган бир саъвани, Истанбулнинг Ҳарблашган барча уйларини зиё-  
рат қилади деб билганим бир олмон Барометри (Бавйера қишлоғи-  
дан чиққан ғалати қиёфали бир чол билан бир кампир, ҳавонинг  
аҳволига кўра бир уйга кириб чиқардилар) ёки ҳар ярим соатда унга  
бир жавоб етказиш учун қафасда типирчилаётган саъванинг собит-

лиги ва дақиқлиги билан эсанкиратиб қўядиган каккули бир соатни кўрсатгандан кейин, биз онамизнинг хонасига таклиф қилинардиқ.

Кенлигига, оромбахшлигига, очик деразадан кўринган денгизнинг ва шуъланинг гўзаллигига (эҳтимолки, шу боисдан Матисснинг деразадан кўринган шимол манзараларини доим севган бўлсам керак) ҳайратлангандан кейин онамнинг бундай гўзал ва бегона бир жойда бўлишини ҳасрат билан тан олмас, учоёқли курсилар устидаги бир қатор мен билган пардозлик ашёлари, айни пинцет-тўғнағичлар ва пардозандоз шишалари, сиртининг локи тўкилиб кечган соч титкилагич каби унинг бир қанча ашёси билан хонани тўлдирган беқиёс она ҳиди менга бир ишонч берарди. Онамнинг мени ва акамни такрор-такрор кучоғига олиб севиб-сийпалашларини бутун тафсилотлари билан хотирлайман. Акамга қилинадиган ишлар, айтиладиган гаплар, амал қилиши лозим бўлган йўллар ва хатти-ҳаракатлар — масалан янаги келишимизда қайси жавондан олиниб келтириладиган қайси ашёлар борасида жуда кўп ўгит берар (ўгит беришни ҳар вақт яхши кўрарди) буларнинг барини ҳеч тўхтамай деразадан таш-қарига қараган мен билан эса — навбатим келганда — ҳазиллашиб вақтини хушларди.

Онамнинг бир бошқа йўқлигида, бир кун отам уйга бир тортиқ келтирди. Ўта оппоқ танли, паст бўйли, гўзалликдан йироқ, дўндиқ ва нуқул кулимсирайдиган, эгаллагани билан гурурланган бир ҳокимоналик билан бизга ҳам нуқул ундай ё бундай қилишимизни, унинг каби жилмайиб сўзлашимизни тайинлаб ўгит берган, баъзи биз билган оилаларда бўлганининг тескарисидан таълим берган, турк бўлгани учун бизда хаёл синиқлигини яратган бу хотинга акам иккимиз ҳеч илий олмадик. Кўпи олмон зотли, протестант руҳли таниган энагаларга кўра бизда ҳеч “обрў” қозонолмаган ва уйнинг ичида талашиб-тортишиб бўғишмаларимиздан ҳузурсиз бўлганда “лутфан, секин-секин, чиройли-чиройли” дейишини отамни ҳам кулгисини қистатиб тақлид қилганларимиз бу хотин ҳам қисқа вақт ичида йўқ бўлди. Бундан ҳам кейинги йилларда отамнинг “йўқ бўлиш” воқеаларидан ва акам билан ҳаёт-мамот бўғишмаларимиздан кўрқиб кетган пайти ҳаммасига қўл силкиган онам, умидсизлик билан “Бошимни олиб кетаман” ёки “Ўзимни деразадан ташлайман” (у бир гал гўзал оёқларидан бирини деразанинг қопқоғидан ташқарига ташлаганди), “ўшанда отангиз у хотинга уйланади” деган, ўшанда кўз ўнгимга янги она номзоди сифатида онамнинг ғазаб билан отини оғзидан гуллаб қўйгани ва кўпинча ҳеч гийбат қилмагани хотинлардан бирининг хаёли эмас, ўша оппоқ баданли, дўмбоқ, яхши ниятли ва энгилганидан фарёд кўтараётган аёл келганди.

Ҳали битта апартаманда, бир хоналарда, кўчаларда яшаётганимизга қарамай ва чинакам бир оилада бўлганига кейинчалик инонажамим каби, бир қанча ўзгартишлардан ташқари нуқул шунга ўхшаган гаплар такрор-такрор гаплашилгани ва энгилган ҳаёт тарзида кун кўраётганимизга қарамай (такрор — бахтиёрлик манбаи, кафолати ва ўлимидир!) қачон қаердан келажаги номаълум бу “йўқ бўлишлар”, мени изтиробга солишдан кўра кўпроқ кундалик оддий ҳаётнинг, юракни сиқувчи онларнинг ва кунларнинг ичидан чиқариб, (худди онамнинг пардоз ойналари каби) бирдан мени бошқа бир оламга жалб этган томошабоп, ҳайратлантирувчи ва заҳарли гуллар каби эдилар. Руҳимни қоронғи бурчакларига овоз берган, мени четга чиқарган, ўз борлигим ва унутишни истаганим ёлғизлигимни кўпроқ ҳис эттирган бу “йўқ бўлиш” онлари, оила фалокатлари, машмашалар туфайли озми-кўпми кўзёш тўқдим.

Кўпинча бу ғовғалар дастурхон устида бошланарди. Ундан кейинги йилларда отам олган машина (1959, модел Опел Рекорд) ғовғалар янгидан бошланиши учун баҳона бўлди, чунки тезроқ юрадиган машинадан тушмоқ, дастурхондан туришга қарама-қарши ўлароқ, ғовғачиларни осон тинчлантирадиган нарса эмас. Баъзан кунларча режалаштирилган машинада кезишларнинг ёки Бўғозга борганимиз оддий бозор сайрларининг илк дақиқаларида яна ғовға портлаб қолганда акам билан баҳсга кирардик: ажабо, отам дастлабки кўприкдан кейинми, йўқса дастлабки бензинколонкадан кейинми устма-уст тормоз билан машинани U шаклида ҳаракат қилдириб (яъни 180 градус айланиб, янада тўғрироғи шартга орқасига қайилтириб), олиб келган юкини бардаргоҳга ғазаб билан нари-бери ирғитган капитандай, бизни уйга элтиб қўйиб, ўзи машинаси билан бошқа ёққа кетадиган бўлди.

Кундан кунга чуқурлашиб бораётган ва янада шеърий ва асосли жиҳати бўлган у дастлабки йилларнинг жанжалларидан бирида Ҳайбали оролида бир оқшом онам билан отам яна дастурхондан турдилар (Бундай вақтларда ҳар бола сингари овқатимни онам истаганидай эмас, ўз истаганимдай еяжгим учун мамнун бўлардим). Тепа қаватда овозлари борича бир-бирларига бақаришарди, чурқ этмай олдимизга қараб акам билан столда бир оз ўтиргандан сўнг бир савқи табиийлик билан биз ҳам юқорига, уларнинг ёнига чиқдик (Шундай сезги билан, шу ерда мавзудан ташқари чиқиш фикри ўтганда аслида бу ҳикояларни мутлақо хотирлашни истамаганимни англадим). Бир сен-менлар ичига кирганимизни кўрган онам бизни, бир ҳамла билан бир хонага киргазди, устимиздан қулфлаб қўйди. Хона қоп-қоронғи эди, аммо икки катта гулдор ойнали эшик билан ажратилган нариги хонадан ичкарига кучли бир шуъла текис бир шаклда ёйиларди. Акам билан мен Art Nouveau нақшли гулдор ойналардан сузилиб ўтган шуълада, онам билан отамнинг бир-бирига яқинлашган, узоқлашган, бир-бирига тегинганча ҳаракатланган, сўнгра такрор қовушган сояларини бақаришлар, ҳайқаришлар орасида қимир этмай кузата бошладик. Қандайдир жуда таъсирчан бу соялар ўйинининг шиддатидан, худди Қоракўз<sup>1</sup> да бўлгани каби орада бир парда (нақшин ойнали эшик) ўйналаётган эди ва ҳар нарса қора-оқ эди.

## 9

### БИР БОШҚА УЙ: ЖАҲОНГИР

Баъзан эса онам билан отам биргаликда ғойиб бўлишарди. Шундай йўқолишларнинг бирида, 1957 йилнинг қишида акам озгина вақтга деб икки қават юқоридаги аммам билан поччамнинг хонадонига жўнатилди. Мени эса бир кунботар чоғи Нишонтошига келган холам Жаҳонгирдаги уйига олиб кетди. Кўнгли чўкмасин деб менга жуда яхши муомала қилганини, илк дақиқадан бошлаб ҳали машинадалигимда (Шевролет) “Сен учун Метинга кечқурун йўғурт олдираман” деганини, йўғуртга қизиқмай, бир шофёрлари билан алахсиганимни хотирлайман. Бобом қурдирган ва бир неча йилдан кейин бир муддат уйларида яшаганим катта апартаментнинг лифтсизлиги, иситиш тизими йўқлиги ва хонадонларнинг кичиклиги менда бир кўнгилсизлик вужудга келтирганди. Тагин янги уйимда эртаси кун ҳаётга кўни-

<sup>1</sup> Қ о р а к ў з — халқ кўғирчоқ ўйинларининг бир қаҳрамони.

кишга ҳаракат қиларканман, пижамалар кийдирилиб, “қўл чақалоқ, гул чақалоқ” аллалари билан ётқизилган тушлик уйқусидан уйғонганимдан сўнг, Памуқ Апартаментларида ўрганганимдай, уйдаги хизматчига “Эмина Хонийим, кел мени тургаз, кийинтир” дея буюрганганимда кутилмаган бир тарзда кўпол муомала кўрганим мени ларзага солди.

Балки шунинг учундир, у ерда ўтқазганим кунларда ўзимни катта олдим, бироз ҳаволи тутдим. Холам, журналист, шоир, ношир (Меллингнинг бир стереотип нашини чиқарган) эри Шавкат Радо ва мендан етти ёш катта, ўн икки ёшдаги бўлам Меҳметга, бир кечлик овқат устида, девордаги оқ чорчавали (рамкали) китч-расмдан боши шапкали ва севимли бир ўхшашим менга боқаркан, Бош вазир Аднон Мендерес менинг амаким бўлганини бу муҳим нарса эмасдай парвосиз гапиришим кутганимдай ҳурматли бир шаклда қаршиланишига, кулимсирашларга ва ҳазил аралаш саволларга йўл очгани учун ҳақсизликка учраганимни ҳис этдим. Чунки ўзим амакимнинг Бош вазир бўлганлигига чин юракдан инонардим.

Аммо бу ишонч ақлимнинг бир чеккасида эди фақатгина. Амаким Ўзхон билан Бош вазир Адноннинг беш ҳарфли исмлари қофиядошлиги, яъни кейинги икки ҳарфи уюшиқлиги, ўша пайтда Бош вазир Аднон ҳам, амаким Ўзхон ҳам бир неча йил олдин яшаш учун Америкага кетганлиги, иккисининг ҳам фотосувратларини ҳар куни неча марталаб кўришим (бирини газеталарда, бошқасини бувимнинг салонининг ҳар ерида) ва баъзи фотосуратларда бир-бирларига жуда ўхшашликлари менда бу самимий хаёлни яратганди. Кейинроқ ҳаётда жуда кўп ишонч, қаноат, фикр, ҳукм, олдиндан ишонил, маълумот ва эстетик қарашларимни мен ўзим ўз ақл иқтидорим билан яратганимни фарқ этишим мени бу кўникмалардан кутқариши осон бўлмади. Бир хил, ҳатто бир-бирига ўхшаш отни ташиган икки кишининг шахсиятлари ҳам бир-бирига ўхшашига, ўзим билмаган маҳаллий ёки бегона калималар, ҳарфлари бир-бирига яқин бўлса маъноси ҳам яқин бўлишига, ноз-карашмали хотиннинг руҳида ундан олдин таниганим ноз-карашмали хотиннинг руҳидан бир нималар бўлишига, семизлар ҳам бир-бирига ўхшашига, йўқсиллар орасида билмаганим бир ўртоқлик-эшлик бўлишига, Бразилия билан базалия (нўхат) орасида бирор алоқа бўлишига (Бразилия байроғида катта базалия – нўхат бор), баъзи америкаликларнинг Туркия ила ҳинду орасида бир алоқа борлигига ишонганлари каби “дурустгина” ишонаман. Яна тагин, худди Бош вазир ила амакимни хаёлимда кесиштирган нуқталар шундай бир бўлиб қолаверади деб ҳисоблаганим каби, бир карра, масалан, бир ресторанда исмалоқли тухум еркан кўрганим бир узоқ қариндошнинг (болалигим Истанбулининг гўзаллиги – кўчаларда, дўконларда ҳар доим таниш қариндош-уруғлардан биронтаси билан учрашиб қолиш эди) эллик йил кейин ҳамон (энди кўпдан хаёлдан ўчган) ўша ресторанда исмалоқли тухум ейишда давом этишига ҳам ақлимнинг бир чети билан ишонаман.

Ҳаётни шеърийлаштириб осонлаштирган бу хаёлим туфайли жиддий қабул қилмаганим, ўзимники деб ҳис этилмаганим бу янги уй, кўп жасур тадқиқларга киришимизга йўл очди. Ҳар тонг, бўлам Олмон лицейига кетганидан кейин унинг йирик, қалин ва кўзга яқин китобини олдимга қўйиб очар, масога ўтириб кўрганим сатрларни қўлимдан келганча нусха қилардим. Олмончани ва ўқиш-ёзишни билмаганим учун ҳеч нарса тушунмасдан қилганим бу иш ёзишдан кўра кўпроқ расм солишга ўхшатилиши мумкин. Саҳифаларнинг,



жумлаларнинг ўхшата-ўхшата расмини олардим. Қай бир мени кўп қийнаган готик ҳарфлар (g ва k) билан тизилган калималардан бирини битирганимда бир катта чинор дарахтининг мингларча япроғини битта-битта чизган бир Сафавий наққошидай назаримни қоғоздан узиб деразадан ташқарига, кўчама-кўча денгизга тушган тепалардаги бўш майдонлар ва апартаментлар орасидан кўринган Бўғозга, кемаларга боқиб кўзларимни дам олдираддим.

Истанбулда бир маҳалла ҳаёти борлигини, шаҳар биров бировни танимайдиган жой, деворлар билан ҳаётлари айрилган, аза очганлар билан тўй қилаётганлар бир-биридан хабарсиз яшайдиган бир апартамент хонадонларининг анархияси эмас, ҳар бир кишининг узоқ-яқин бир-бирини билган бир қанча маҳалла ороллари борлигини, кейинча биз ҳам (бизлар кун сайин йўқсиллашаркан) кўчиб ўтганимиз Жаҳонгирда билдим илк бор. Деразадан кузатганимда ёлғизгина апартаментлар орасидан кўринган денгизни ва аста-аста таниганим шаҳар ҳадлари кемаларини эмас, апартаментлар, уйлар орасидаги боғчаларни, ҳали йиқилмаган эски кўноқларни, эски деворларни, улар орасида ўйнаган болаларни ҳам кўраддим. Бўғозга қарата қурилган жуда кўп Истанбул уйларида бўлгани каби бинонинг олдидан бурала-бурала тўғри денгизга қараб тушган тўшама тошли бир ёнбағир бор эди. Қорли кечаларда мен узоқдан келган бўлсам-да, холамнинг ўғли билан болаларнинг ораларига қўшилардим, улар бу тик ёнбағирдан қуйига чаналар, оёқ ғилдираклари, тахта парчалари устида бутун маҳалла қатнашган бир суронлар ва вақтичоғликлар билан сирғанишарди.

У пайтлар йилига етти юзга яқин филм ишлаб чиқариб, Ҳиндистондан кейин дунёда иккинчи ўриндалиги билан гурурланган “Турк-филм” саноати маркази Бейўғлида, Яшилчам кўчасида, ўн дақиқалик бир узоқликда бўлгани ва жуда кўп артистлар Жаҳонгирда яшагани учун, кўчалар бу филмларда бир хил ролларда бир хил иккинчи даражали кишилар эканликларини жонлантирган амакилар, сўлгин ва упа-эликлар билан бўянган холалар билан тўла бўларди. Болалар бу ҳорғин артистлар ижро этган кулгили ва ҳаётда камситилган ролларни (масалан, доим ёш хизматчиларнинг ортидан югурган бақалоқ ва катта ёшли, қари хотинбозларни жонлантирган Ваҳий Ўзни) эслаб, уларнинг орқаларидан югуришарди. Ёмғирли кунларда ётқизилган тошлар устида ғилдираклари сирғаниб кетаётган автомобилларнинг, юк машиналарининг чиқишда қийналишлари тик ёнбағирнинг тепасида, қуёшли кунларда, бирданига бир минибус пайдо бўлиб қолар, ичидан чиққан артистлар, чироқ усталари ва “филм жамоалари” ўн дақиқа ичида бир севги саҳнасини шақ-шуқ суратга олиб, зумда ғойиб бўлишарди. Йиллар ўтиб бир кўрганим қора-оқ филмлардан ва саҳналардан бирини телеэкрандан томоша қилганимда асл мавзу севги ёки жанжал бўлса-да, орқадан кўринган жойлар Бўғозичи эканлигини англадим.

Маҳалла ҳаётидаги бутун гийбатларни тўплаб, тафсирлаб, баҳолаб, янгитдан тарқатадиган бир марказ (кўпинча бир дўкон) бўлиши кераклигини ҳам Жаҳонгирда апартаментлар орасидан Бўғозни кузатганимда ўргандим. Жаҳонгирда шундай бир марказ бизнинг апартамент остидаги бир баққоллик дўкони эди. Апартамент қўшниларининг кўпчилиги каби рум (юнон) бўлган баққол Лигордан бир нарсаси олмоқчи бўлсанг, сўраганингни тепа қаватдан ип билан пастга бир саватда туширар, мен болалар нима олишни хоҳлашаётганини бақира-бақира айтиб турардим. Бундан кейинги йилларда биз ҳам айнан шу апартаментга кўчиб келганимизда онам баққолга тухум-нон

дея бор овози билан бақришни ўзига эп кўрмагани учун, нариги кўшниларникидан янада кетворган савати ичига ёзувли бир қоғоз кўярди. Холамнинг ярамас ўгли эса деразани, ёнбагирнинг тепасида бор кучларини ишга солиб қийналаётган машиналари устига бир нарсалар (тупук, мих ва сим билан моҳирона ўралган тиқин-пробка пақпақ) отиш учун очарди. Бугун ҳам, анча юқоридан кўчага қараган деразани кўрганимда, ажабо, пастдан ўтганларга қандай қилиб тупуриш мумкин дея ўйлардим бир табиий савқ билан.

Холамнинг эри Шавкат Радо, омадсиз шоирлик билан ўтган ёшлик йилларидан кейин, журналистлик ва ноширлик қилар, у даврларда Туркиянинг энг кўп ўқилган ҳафталик газетаси “Ҳаёт”ни чиқарарди, мен беш ёшда бўлганим учун булар билан ва поччамнинг менинг қалбимга Истанбул фикрини жойлаштираётгани билан ишим йўқ эди, аммо халққа Истанбулни танитиш учун катта ишлар қилган ижодкорлар — Яҳё Камол билан Тонгпинардан тортиб, шаҳарнинг журилиш лойиҳаси ва йўқсиллигини акс эттирган Диккенс тарзи мелодраматик бола ҳикоялари ёзган Камолиддин Туғжуга қадар — жуда кўп шоир ва ёзувчиларни таниши, дўсти, ишдоши эканлигига ҳавасим келарди. Мени поччам нашр этган ва ўқиш-ёзиш ўрганганимдан кейин холам бизга ҳадя этган ва ўқий-ўқий ёдлаб олган юзларча бола китоблари (“Минг бир кеча эртаклари”дан сайланмалар, “Дўган Қардош ” жилдлари, “Андерсендан ҳикоялар”, “Кашфлар ва ижодлар энциклопедияси”) ҳаяжонлантирарди ёлғизгина.

Ҳафтада бир карра холам мени, Нишонтошидаги уйга, акамни кўриб келишга оборади. Акам Памуқ Апартманида ўзининг нақадар бахтли эканини айтар, эрталабки нонуштада онжуваз<sup>1</sup> еганларини, оқшомлари қулишиб ўйнаганларини, жамоат жам бўлган оила ичида соғинганим барча нарсаларни қилганларини, поччам билан футбол ўйнаганини, амакимнинг машинасида бозор куни ҳаммалари бирга Бўғозга борганларини, кечки пайтлар радиода спорт соатини ва пьесаларни ҳеч ўтказиб юбормасдан тинглаганларини кўпиртириб айтиб берарди. Сўнгра менга “Сен кетма, доим шу ерда қол!” дерди.

Жаҳонгирга қайтиш вақти келганда акамдан ва ортиқ эшиги қулфлоглиқ бўлгани учун мени қайғуртирган бизнинг уй-жойимиздан узоқлашмоқ менга оғир келарди. Бир марта айрилиш чоғида хўнгир-хўнгир йиғлаб эшик ёнидан ўтган (уй иситиш қувурига) қўлим билан қаттиқ ёпишганимни, ҳаммалари бошимга тўпланиб, ширин сўзлар билан мени тинчлантиришга уриниб ва бироз куч ишлатиб қўлимни қувурдан ажратишганини, қилган ишимдан кўп уялганимга қарамай, учуримга тушиб кетмаслик учун сўнгги онда шохни маҳкам ушлаб олган расмий роман қаҳрамонидай, қувурни анчагача қўйиб юбормаганимни хотирлайман.

Бир уйга боғланганлик эдими бу? Балки. Чунки орадан элик йил кейин ҳам ҳамон ўша апартманда яшайман. Уй, мен учун хоналари, ашёларининг гўзаллиги туфайли эмас, миямдаги дунёнинг бир маркази бўлгани учун аҳамиятлидир. Аммо ҳўзимнинг орқасида, она-ота можаролари, отам билан амакимнинг тинимсиз банкрот бўлаверишлари сабабли юзага келаётган камбағаллашишни ва оила ичидаги катта мол-мулк жанжалларини тартибсиз ва болаларча бир тарзда англаш ҳам бор эди. Дардимнинг бутунлай ва тўлатўкис фарқига бориш, у билан юзма-юз тура олиш, бўлган воқеа

<sup>1</sup> О н ж у в а з — ҳамса деган майда денгиз балигидан қилинган консерва.

ҳақида тўғри гапириш, камида аламини юзага чиқариш ўрнига, ақлимнинг ғалати бир тарзда кўриш нуқтасини ўзгартиришлари, алдаш ва унутиш ўйинлари билан уни сирли бир туйғу ҳолига келтиргандим.

Бу туйғу миямнинг ичидаги иккинчи дунё билан ва айбдорлик туйғулари билан бирлашарди. Бу аралаш-қуралаш чигал ҳолни ҳузун деяйлик. Тўкис бир шаффофлик хотира бўла олмагани ва шунинг учун ҳам ҳақиқатни пардалаган, у билан яхшироқ яшашимизга яраган бир нарса бўлгани учун, совуқ бир қиш куни таги гуриллаб ёнаётган чойдонликнинг қайнашларидан дераза ойналаридан юзага келган бугга ўхшатаман бу ҳузунни. Бугли деразалар менда ҳузун уйғонтиргани учун ҳам шу тимсолни танладим. У ойналарга қарашни, сўнгра ўрнимдан туриб бармоғим билан унга бир нарсалар ёзиб-чизишни ҳозиргача жуда яхши кўраман. Ҳузундан сўз очишнинг ҳам шундай бир жиҳати бор чунки. Бармоғим билан бугли ойнанинг устига ёзиб-чизиб, ичимдаги ҳузунни тарқатиб, вақтимни чоғ қиламан, айни чоғда барча бу чизиш, ёзишлар охирида ойнани тозалаб ташқаридаги манзарани кўра оламан.. Аммо манзара ҳам инсонга ҳузунли кўринади охир-оқибатда. Бутун шаҳарнинг қайғуси каби кўринган бу туйғуни бироз бўлса ҳам тушунишимиз лозим.

## 10

### ҲУЗУН – МЕЛАНХОЛИЯ – ТРИСТЕССА

Арабча ўзакли “ҳузун” калимаси Қуръонда бугун туркчада қўлланилишига яқин бир маънода икки оятда, ундан ташқари “ҳазан” шаклида уч оятда ҳам келади. Ҳазрати Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг завжаси Хадича ила Абу Толиб ўлган йилни “сана-ул-ҳузун” (“ҳузун йили”) дегани, калиманинг руҳий тарафи оғир босган бир йўқотишдан манбаланган бир туйғуни билдиришини далиллайди. Мен ўқиган бу калималарнинг маъноси, яъни бир йўқотиш билан, бундан туғилган руҳий алам ва қайғу билан алоқадор маъноси кейинги юзйилларда ислом тарихида кичик бир фикрий синиқликка йўл очганини сездиради, илгари бу қарашим икки асосга эга бўлган бўлса, ҳозир ўн асосга эга.

Ҳузун деганим туйғунинг дунёга, моддий фойда ва завқларга ортиқча муккасидан кетишнинг бир якуни эканлигига ишора қилган биринчи қараш, “агар бу ўткинчи дунёга бошингни қўймасайдинг, яъни ҳақ йўлда юрсанг, яхши бир мусулмон бўлсайдинг, зотиға кўра бу дунёдан манбаланган йўқотишларга кўп ҳам мубтало бўлмасдинг” дейди бизга. Тасаввуф манбаларига асосланган иккинчи қараш эса калиманинг маъноси ва бу йўқотиш ва алам туйғусининг ҳаётдаги ўрни мавзусида янада тасдиқ этувчи ва тушунарли. Тасаввуфий қарашга кўра, ҳузун Оллоҳга етарлича яқин бўлмасликдан, бу дунёда Оллоҳ учун етарлича бир иш қилмасликдан юзага келувчи бир нуқсон туйғусидан манбалади. Ҳақиқий тасаввуф йўлига кирган одам мол-мулк, ҳатто ўлим каби дунёвий дардлар бошини оғритмаслиги кераклигига кўра, унга алам берган йўқлик, йўқотиш ва етишмовчилик туйғусининг Оллоҳга яқинлашолмаслик, руҳий ҳаётида теранлашолмаслик каби бир томони бўлиши керак. Ҳатто бу сабаблардан, ҳузуннинг борлиги эмас, йўқлиги бир нуқсондир. Ҳазин бўлолмасликни бир ҳузун сабаби деб ҳисоблаб, етарлича қайғуролмагани учун

қайғириб ўз мантиғини охиригача етказган бу тушунча, ислом маданиятида ҳузунга ўлмас бир эътибор берди. Калиманинг икки асрда Истанбул маданиятида, кундалик ҳаётда, шеърда кенг қўлланилиши, мусиқада бу туйғунинг ҳоким бўлиши албатта шу жиҳат билан боғлиқдир. Аммо кейинги асрда Истанбулнинг ва ичида яшовчиларнинг бир-бирларига ўзаро юқтирганлари энг кучли ва ўлмас туйғу ҳузун эканлигини, ёлғизгина калиманинг тасаввуфий эътибори ила изоҳламоқ етарли бўлмайди. Сўнгги юзйиллик Истанбул мусиқасида ҳузуннинг бир руҳ ҳоли ўлароқ тош босувчи ўрнини ёки модерн турк шеърида ҳузуннинг ҳам шакл калимаси сифатида (девон шеъридаги мазмун каби), ҳам бир туйғу сифатида, ҳамда ҳаётдаги омадсизлик, истаксизлик ва ички дунёга чўмишни англаувчи бир атама сифатида марказий аҳамиятини ҳам ёлғизгина калиманинг тарихи ва эътибори ила англаш имконсиздир. Болагим Истанбулнинг менда уйғотган жуда катта ҳузун туйғусининг манбаларини ҳис қилмоқ учун, бир томондан тарихга, Усмонли давлати йиқилишининг оқибатларига, иккинчи томондан бу тарихнинг шаҳарнинг “гўзал” манзараларида ва инсонларида аксланиши бичимига қараш керак. Ҳузун Истанбулда ҳам муҳим бир маҳаллий мусиқа туйғуси, шеър учун асос калима, ҳам ҳаётга қараш нуқтаси, бир руҳ ҳоли ва шаҳарни шаҳар қилган малзама (материал)нинг имо қилгани нарса. Барча бу хусусиятларни бир вақтнинг ўзида олиб юргани учун ҳам ҳузун шаҳарнинг гурур-ла ўзлаштиргани ё ўзлаштиргандай қилган бир руҳ ҳоли. Бу жиҳатдан ҳам имконсиз бўлгани қадар имконли бўлган бир туйғу.

Калима ишора қилгани ўзгарган нарсага кириш учун ҳузунни эътиборли ва шеърий бир калима ва туйғу сифатида эмас, бир хасталик сифатида кўрганларнинг сўзларига диққат қилайлик. Ал Киндийга кўра, туйғу биргина севгилимизнинг ўлими ёки бир йўқотиш билан алоқадор эмас, газаб, ишқ, кин (гина), ваҳм каби хасталикли жуда кўп руҳ ҳоли билан ҳам алоқадордир. Файласуф ва тиббиёт олими Ибн Сино ҳам мавзуга шундай кенг бир нуқтаи назардан қараганлигидан, чорасиз бир ишқ савдосига мубтало бўлган бир ёшнинг хасталигининг ташхиси учун томир уришини санаш чоғида, ишқи тушган қизнинг оти айтилиши каби ҳузун ташхиси усуларини таклиф қилади. Беихтиёр мумтоз ислом мутафаккирларининг мавзуга бу ёндошувини, ўн еттинчи асрнинг бошида “Меланхолия анатомияси” дея минг беш юз саҳифалик ажойиб, аммо қўнғил очувчи китоб ёзган Оксфорд профессори Роберт Буртоннинг фикрлари билан қиёслаб кўриш келади ҳаёлга. (Ҳолбуки, Ибн Синонинг “Фиъл ҳузн” номли асари кичик бир рисоладир.) Бу мавҳум аламнинг сабаб сифатида ўлим қурқуви, ишқ, мағлубият, бузғунчилик олами, егулик-ичгулик каби кўп ва ўзгарган нарсани қомусий бир ёндошув билан санаб ташлаганлари ва даво учун айни кенг ёндошув билан, тибб ила фалсафани бирлаштиришга уринган мантиқ, иш, мусибатларга ўрганиб қолиш, ахлоқ, интизом, фан, парҳез каби ўзгарувчан чоралар тавсия қилиниши жиҳатдан кўпгина фарқли маданий дунёларнинг маҳсули бўлганлари деб ҳисобланадиган бу матнларнинг бир яқинлиги борлиги англашилади.

Ҳузуннинг асосий манбаи шиддатли ва умидсиз муҳаббат деб саналиши ва меланхолия калимаси (“мелония хола” — “қора сафро”)нинг Арасту замонидан бери фақатгина туйғунинг ранг-баранглиги деб билиниши эмас, ҳузун ва меланхолия калималари, худди бугунги “депрессия” атамаси каби, қадим-қадим замонлардан бери жуда кенг

соҳаларни қамраган қора оғриқларга ишора қилиши кўринади. Бу уч калиманинг қўлланишидаги асосий фарқ, ўзи ҳам меланхолик эканлигини гурурланиб айтган Буртоннинг меланхолияни бахтли ёлғизликка йўл очгани, хаёл кучига куч қўшгани учун замон-замон завқланиб тасдиқлаши ва қора туйғунинг (умидсиз муҳаббатнинг) хоҳ сабаби, хоҳи якуни бўлсин ёлғизликни шу нуқтаи назардан қалбига жойлаштириши билан намоён бўлади. Ҳолбуки ҳузун – тасаввуфда ҳам (“бош мақсад бўлган Оллоҳдан узоқ қолганимиз учун”), уни хасталик деб кўрган Ал Киндийда ҳам, мумтоз ислом тафаккурида ҳам жамоатнинг қадриятлари билан ўлчанувчи, жамоатга қайтишимизга яраяжаги тасдиқланган ва яқун сифатида жамоат билан, умумий мақсад билан чатишган бир нарсадир.

Чиқиш нуқтам, буғли деразаларга боқаркан бир боланинг ҳис қилган туйғулари эди. Энди ҳузунни меланхолиядан айирувчи нарсасига келамиз. Ёлғиз бир кишининг ҳис қилган нарсаси меланхолия эмас, миллионларча кишининг баробар ҳис этгани у қора туйғуга, ҳузунга яқинлашамиз. Бутун бир шаҳарнинг, Истанбулнинг ҳузундан сўз юритишга киришаман.

Шаҳар ва унинг ичида яшаганларни бирлаштирган у беқиёс туйғуни тушунишга ҳаракат қилишдан олдин, манзара расмининг асл мавзусининг манзаранинг ўзи қадар уйғонтиргани туйғу бўлганини хотирлайлик. Ўн тўққизинчи асрнинг ўртасида, хусусан романтиклар орасида кўп такрорланган бир тушунча эди бу. Baudelaire, Eugene Delacroixнинг расмларининг энг диққатни тортувчи хусусияти уларнинг меланхолияси бўлганини айтаркан, романтикларнинг ва кейинроқ декадентларнинг қилгани каби калимани бутунлай ижобий бир маънодаги мадҳия сифатида қўлланарди. Baudelaire, Delacroix ҳақидаги фикрларини 1846 йилда ёзганидан олти ой кейин Истанбулга келган ёзувчи ва адабиётшунос дўсти Теофиль Готье, кейинги йилларда Яҳё Камол ва Тонгпинар каби Истанбул ёзувчиларига қаттиқ таъсир қилган “Константинопол” номли китобида, шаҳарнинг баъзи манзараларини ўта меланхолик тарзда кашф этаркан калимани ижобий маънода қўлланади.

Аммо энди Истанбулнинг меланхолиясидан эмас, бу туйғуга ўхшаган ва гурур-ла “ишчига айлантирилган” ва бир жамоат сифатида ҳамма бирга улушини оладиган ҳузундан сўз юритишга ҳаракат қиламан. Бу, туйғунинг ўзи билан уни шаҳарга ҳис қилдирган муҳитнинг бир-бирига аралашгани ерларни ва онларни кўра олиш демакдир. Эрта тушган шомлардан, орқа маҳаллаларнинг кўча чироқлари остида қўлларидан бир тўрва уйларига қайтаётган оталардан сўз юритаман. Ҳадеб юз бераётган иқтисодий буҳрон ва етишмовчиликлардан сўнг дўконида совуқдан дир-дир титраб кун бўйи харидор кутган катта ёшли китобчилардан, буҳрондан кейин шўрлик халқнинг янада оз соч-соқол олдиришидан шикоят қилаётган сартарошлардан, бўм-бўш бандаргоҳларга боғлаб қўйилган эски Бўғоз кемаларини парчаларкан, қўлида челақ, бир кўзи билан узоқдаги кичик қора-оқ телевизорни томоша қилаётган ва бир оздан сўнг кемада уйқуга чўмган кемачилардан, тош қопланган тор йўлларда, машиналар орасида футбол ўйнаётган болалардан, олис автобус қўналғаларида ҳеч гаплашмасдан ҳеч келмаётган бир автобусни кутаётган боши рўмол билан ўралган, қўлида елим халтали хотинлардан, эски дала-ҳовлиларнинг бўш қайиқхоналаридан, бўғзигача ишсизлар билан тўла чойхоналардан, ёз оқшомлари шаҳарнинг энг катта майдонида маст бир сайёҳни изляяпман дея тошйўлларда гоҳ пастга, гоҳ юқорига

одим-одим зириллаб юрган сабрли аблаҳлардан, қиш оқшомлари чопа-чопа кемага аранг етиб борган тиқилинч одамлардан, оқшомлари уйга негадир қайтиб келмаган эрларини кутиб пардаларни дам-бадам очиб кўчага қараб кўяётган хотинлардан, жоме ҳовлиларида кичик диний рисоалар, тасбиҳлар, ҳаж атирлари сотаётган тўр дўппили чоллардан, ўминларча апартаман биносининг ҳаммасининг бир-бирига ўхшаш эшикларидан, сарой фарзанди (мулки маъносида – Тарж.) бўлган бир кўноқнинг ҳар тахтаси ҳар одимда ғажир-ғужир инграётган, бир баладия<sup>1</sup> биносига айлантирилган ёғоч иморатлардан, бўш боғлар-паркларнинг синиқ арғимчоқларидан, тутун ёғдирувчи кема дудукларидан, Византия замонидан қолган вайрона ҳолидаги шаҳар деворларидан, кечқурунлари бўшаб қолган бозор майдонларидан, харобага айланган эски така биноларидан, сиртлари кир, занг, ис ва тўздан ранги йўқ бўлиб кетган ўн мингларча апартаманлардан, чига-ноқлар ва йўсинлар қоплаган зангли кўприклар устида, ёмғир оснида қимир этмай турган чағалайлардан, йилнинг энг совуқ кунинда биттагина мўрисидан, аранг кўриш мумкин бўлган ингичка бир тутун чиқараётган юзийлик кўҳна кўноқлардан, Галата кўпригида тиқилинч бўлиб балиқ тутаётган эркаклардан, совуқ кутубхона залларидан, кўча фотосуратчиларидан, бир замонлар юртга донғи кетган шиплари зарҳалли кинотеатр бўлган, эркакларнинг эшигидан уялиб киргани порнофилм салонига қайта қурилган жойларнинг нафас ҳидларидан, қуёш ботгандан кейин битта ҳам хотин киши кўринмайдиган шоҳкўчалардан, жанубдан эсган ярим иссиқ, ярим илиқ шамолли кунларда баладия<sup>1</sup> назоратидаги корхоналарнинг эшикларидан йиғилган тиқилинч одамлардан, нархи туширилган гўшт сотиш жойининг эшигида навбатда турган жувонлардан, байрам кунлари миноралар орасига осилган нурли шакл ёки ёзувларни аранг хира чироқларидан (Рамазонда ва ҳайит кунлари Туркияда миноралар орасига шундай безакли нарсалар осилади. – Тарж.), у ер-бу ери йиртиқ, қорайиб кетган девор афишаларидан, бир Ҳарб шаҳрида бўлса музейга қўйиладиган, шаҳарнинг ифлос кўчаларида, тик ёнбағирларида усти юк билан тўлдирилган, уфлаб-пуфлаб аранг юргизилладиган, 1950 йиллардан қолган, аллақачон чарчаган Американ машиналаридан, автобусларни тиқин-тиқин тўлдирган оломондан, ёмғирда тарновлари тинимсиз тарақлаётган жомелардан, шаҳар ичида иккинчи олам каби яшаётган қабристонлардан ва сарв дарахтларидан, Қозикўй-Қорақўй орасида қатновчи кемаларнинг ичида оқшомлари ёнган сўник лампалардан, кўчаларда олдидан ўтганларнинг ҳар бирини бир пакет қоғоз салфетка олишга ундаётган митти болалардан, ҳеч кимса қиё ҳам боқмайдиган соат минораларидан, болаларнинг тарих китобларида ўқиганлари Усмонли зафарлари-ю оқшом уйда еганлари таёқлардан, аҳолининг рўйхатга олиниши ва ҳозир аҳоли қанчалигидан, террорист излаш баҳоналари билан кун ора бир эълон қилинган кўчага чиқиш тақиқланган пайтларда “вазифадорларни кўрқиб кутишлардан”, газеталарнинг бир кичик бурчагига тиқиб жойлаштирилган “маҳалламиздаги уч юз етмиш йиллик фалончи жоменинг қуббаси чўкаётир, давлат қаерда?” хилидан кимса ўқимайдиган газетхон мактубларидан, шаҳарнинг энг тиқилинч ерларидаги ер ости кечикларининг, ер усти кечикларининг зинапоялари босмоқларининг ҳар бирининг бир чети ғалати синиқлигидан, қирқ йилки худ-

<sup>1</sup> Б а л а д и я – Бир шаҳар марказида турли хизматларни амалга ошириш учун ташкил этилган идора, муниципалитет.

ди шу ерда Истанбул откриткалари сотган одамдан, дунёда мисли йўқ бир бурчакда қаршингизга чиқадиган тиланчилардан, сер-қатнов шоҳқўчаларда, кемаларда, пассажларда, кечикларда бирдан нақ бурнингизга келган халожой ҳидларидан, “Хуррият” газетасининг Гузин Абла (бу ном Сайланган Опа маъносини билдиради. – *Тарж.*) устунларини ўқиётган ёш қизлардан, Ускудардаги деразаларни қизғиш лимон рангига айлантирган ғарб шамолларидан, денгизга чиққан балиқчилардан бошқа ҳар қандай одамни жунжуктирадиган тонгинг у энг эрта соатларидан, текшириб кўрилмаган бир жой – Гулхона Паркидан жой олган ҳайвонот боғи қафасларининг ичидаги икки эчки билан зерикиб ётган уч мушукдан, павильонларда Американ кўшиқлари билан Туркия поп юлдузларига тақлид қилаётган учинчи тоифа кўшиқчиларидан ва биринчи тоифа кўшиқчиларидан, ҳеч кимса олти йилда ҳам “yes” ё “no” дейишдан бошқа бир нарса ўрганолмай битмас-туганмас инглиз тили дарсларида зерикиб ўтирган ўқувчилардан, Галата бандаргоҳида амалдорларни кутаётган кўчманлардан (чет элга кўчиб кетаётганлардан – *Тарж.*), қиш оқшомлари гоҳ очик, гоҳ ёпиқ бўладиган бозор ерларида орқага қолган сабзавот-кўklar, мева, йиғилган чўп-ўтин, қоғоз, елим халта, қоп, қути, сандиқ сотаётганлар, бозор ичида уялиб-қимтиниб бозор қилаётган, бошига рўмол ўраган гўзал хотинлардан, уч боласи билан йўлда чарчаб юрган ёш оналардан, Галата кўпригидан Айюб томонга қаралганда Холлижнинг кўринишларидан, пристанда муштарий кутаркан манзарага маҳлиё бўлганча тешкулча нон сотувчилардан, ҳар йили бир дақиқа бутун шаҳар Отатуркни хотирлаш учун ишонч билан жим бўлиб оёққа тураркан, узоқдан улар билан бирга янграган кема дудукларидан, ётқизилган тошлар устига асфалт тўкила-тўкила бир пайтлар зина билан чиқилган бир ер эндиликда йўл остида қолган, сув крани ўғирланган бир мрамар уюмига айланган юзларча йиллик маҳалла чашмаларидан, болалигимда ўрта синф оилаларнинг, дўхтирларнинг, адвокатларнинг, ўқитувчиларнинг хотинлари ва болалари билан оқшом радио тинглаган ён кўчалардаги апартаман хонадонларида энди тикиб-тикиб сиқиштирилган тепадан кузатиш асбоблари ва тугма машиналарида бир топшириқни адо этиш учун тонггача шаҳарнинг энг паст маоши учун сидқидилдан ишлашаётган ёш-ёш қизлардан, ҳар нарсанинг синган-тўкилган, эскирганлигидан, куз яқинлашаркан Болқонлардан, Шарқий ва Шимолий Овруподан келиб, Жанубга кетаётган, Бўғознинг, оролларнинг устидан ўтган лайлақлар бутун шаҳарни айланиб томоша қилишларидан ва болалигимда ҳар бири оғир бир енгилиш билан яқунланган миллий футбол ўйинлардан кейин сигарет чека-чека уйларига қайтган эркак тўдаларидан сўз юритаман.

Бу туйғуни ва уни шаҳарга ҳам тааллуқли қилган манзараларни, гўшаларни, инсонларни яхши ҳис этганимизда, у орқали ўзимиз ҳам тарбияланганимизда, бир нуқтадан кейин, шаҳарга қайси нуқтадан қарасангиз қаранг, худди совуқ қиш тонглирида, бирдан куёш кўриниши билан Бўғоз сувларининг устида инжа-инжа титрай бошлаган у ойнадаги буғ каби ҳузун туйғуси манзарада ва инсонларда кўринадиган бир очикликка эришади.

Бу нуқтада ҳузун биргина кишининг руҳ ҳолини англаувчи меланхолия туйғусидан яхшигина узоқлашади ва Claude Levi-Strauss“нинг “Tristes Tropiques” (“Ҳузунли тропиклар”) да қўлланиганига ўхшаш бир мазмунга яқинлашади. Қирқ биринчи параллелда ўрнашган Истанбул иқлим, жўғрофия ва кескин йўқсиллик шароит-

лари жиҳатидан тропик шаҳарларга ҳеч ўхшатиб бўлмаса-да, ҳаётларнинг синиқлиги, Ҳарбнинг марказларидан узоқлиги ва инсон муносабатларида бир ғарбликнинг аввалбошда тушунишда қийналажаги “сирли бир ҳаво”, ҳузун туйғуси ила Levi-Straus нинг қўллангани маънода tristesse дейилган нарсанинг ассоциацияларини яқинлаштиради. Бир кишининг хасталик сифатида кўра оладиган нуқтасидан эмас, миллионларнинг ичида яшагани бир маданиятдан, бир шароитдан ва бир туйғудан баҳс этмак учун ҳузун ҳам худди tristessa каби жуда уйғун бир калима.

Икки калима ва туйғу орасидаги асил фарқ, Истанбулнинг Delhi (Деҳли) дан ёки Sao Paulодан жуда бойроқ бўлгани эмас (орқа маҳаллаларга борган сари йўқсиллик турлари ва шаҳарлар бир-бирларига ўхшайди), Истанбулда ўтган зафарлар ва тараққиётлар тарихининг ва обидаларининг жуда яқинда бўлганидир. Қанчалик қаровсиз, яхши муносабатдан маҳрум ва бетон уюмлари орасига кўмилган бўлмасинлар, шаҳарнинг ёлғиз катта ёдгорлик жомелари ва тарихий бинолари эмас, теваракдаги, гўшадаги кичик арклари, чашмалари, масжидлари ҳам улар орасида яшаган миллионларча кишиларга бир буюк салтанатда ортда қолган эканликларини алам билан ҳис қилдиради.

Йиқилган буюк сатанатлардан қолган катта-катта Ҳарб шаҳарларида бўлгани каби тарихий обидалар бир музейдаги каби кўриниб гурур-ла мадҳ этилган ва кўргазма қилиб қўйилган нарсалар эмас Истанбулда. Улар орасида ёлғизликда қолгандай кўринади улар. Айрим ғарблик саёҳатнома ёзувчиларининг, сайёҳларнинг жуда ёқадиган бир нарсадир бу. Аммо шаҳарнинг антенналари ҳассос фуқаролари учун кечмиш кучининг ва бойлигининг у маданият билан биргаликда тортилиб кетганини, бугунимиз ўтмиш билан қийслаб бўлмайдиган даражада қашшоқ ва ақли гангиб қолгандай кўринади. Кир, тўз, лойга ботиб, қаровсизликларига “монанд” бинолар, худди болалигимда ҳар бири такрор-такрор ёнган кўноқлардай улар билан гурурланиш завқи ҳам қолиб кетди орқада.

Бу туйғу, 1867 йилда Швейцариядалигида Достоевскийнинг женеваликларнинг шаҳарларини қаттиқ севишларини ҳеч тушунолмаслигига ўхшатилиши мумкин. “Энг оддий нарсаларга, ҳатто кўчадаги симёғочларга ҳам кўп гўзал ва шоҳона нарсалардай қарайдилар” дея гашланади Ғарбга ичи қора миллатчи Достоевский ёзган бир мактубида. Женеваликлар оддий бир адрес тафсилотини ёзганда ҳам “У шоҳона ва гоят зариф бронза чашмадан ўтгандан кейин” дея ўзлари яшаётган тарихий муҳит билан гурурландилар. Ҳолбуки, шундай бир жой ҳақида истанбулликлар “Уша кўр чашмадан қайт, ёнғин жойни ёқалаган кўчадан юр” деган бўларди, бундан ташқари бир чет эллик бу қашшоқ кўчаларда кўрган нарсаларидан ҳам ҳузурсиз бўлади.

Кези келганда бир намуна келтирай: ҳали китоб давомида сўз юри-тажагим энг буюк Истанбул ёзувчиларидан бири Аҳмад Расимнинг “Бадиа ва гўзал Елена” номли ҳикоясида айтади: “Иброҳим пошо ҳаммомидан ўтинг. Яна бироз олдинга юринг. Сўл тарафингизда кўча бошидаги харобага (ҳаммом) қараган кўҳна бир уй кўрасиз.”

Бошқа бир некбин истанбуллик, балки ҳамма қатори масканини Истанбулнинг энг буюк бойлиги бўлган баққолиялар ва қаҳвахоналар билан таърифлаган бўларди. Чунки қудратли императорликдан кейин орқада қолишнинг ҳузнидан қутулишнинг энг кесиб чиқадиган йўли, тарихий бинолар билан ҳеч иши бўлмаслик ва биноларнинг отларига ва уларни бир-бирларидан айирган меъморий хусусиятларига ҳам ҳеч диққат этмасликдир.



Йўқсиллик ва билимсизликнинг ҳам ёрдами билан истанбулликлар шундай қилишади. Масалан, “тарих” фикрига бутунлай парво қилмай, бу биноларга бугун қурилган дегандай муомалада бўлиб, шаҳар деворларидан тош суғуриб олиб ўз иморатларига ишлатадилар ёки уларни бетон билан бошқача шаклга киритишга уринадилар. Бузиб ёқиб ўрнига “Ғарбча, модерн” бир апартамент қуриш ҳам унутишнинг бир йўлидир. Бутун бу лоқайдлик ва йиқит-йиқитлар ҳам алалоқибат ҳузун туйғусини, унга беҳудалик ва фақирлик тони-тембрини ҳам қўшиб ортттиради. Буз-буз, йўқотиш ва қашшоқлик алами юзага келтирган ҳузун туйғуси, истанбулликларни янги-янги мағлубиятларга ва бошқа йўқсиллик бичимларига ҳозирлайди.

Бу нуқтада ҳузунни “tristessa”дан айирган нарса гоётда кескин. Claude Levi-Strauss нинг у беқиёс китобида таърифлаган tristessa, тропиклардаги барча қашшоқ ва катта кентларнинг, ноилжликнинг, инсон жамоаларининг бир ғарбликка бошидан ўтказгани туйғудир. У шаҳарларнинг ва у ерларда яшовчиларнинг руҳ ҳолини эмас, у ерларга бора олган бир ғарбликнинг айбдорлик туйғуларини, олдиндан чиқарган ҳукмлардан ва қолиплардан қутқариш нияти ва қалбида уйғонган ачиниш билан аралашган бениҳоя бир инсоний қайғуни билдиради. Ҳузун эса, ташқаридан қараган бир инсоннинг эмас, истанбулликнинг ўз аҳволидан келиб чиқиб етилган бир муносабатидир. Усмонли мумтоз мусиқаси, Турк поп мусиқаси ва 1980 йилларда пайдо бўлган ва жимжима деб ном олган мусиқа ўзига ачиниш ва қайғуга ботиш орасида турли нафис даражалари билан бир ариб, бир яна пайдо бўлиб турган бу туйғуни ўртага қўяди. Шаҳарга ташқаридан келган ғарблик, кўпинча на бу ҳузунни на-да меланхолияни ҳис этади. Охир-оқибат ўзини муваффақият билан ўлдирадиган кучда меланхолияси бўлган Gerard de Nerval ҳам Истанбулда шаҳарнинг ранглари, ҳаёти, шиддати ва маросимлари билан вақти чоғ бўлган ва ҳаяжонланган, қабристонларда ҳам хотин қаҳқаҳаларини эшитган. Балки бу ҳам, унинг Истанбулга келгани йилларда буз-буз ва йўқотиш туйғусининг етарлича ҳис этилмаганлиги, Усмонли давлатининг ҳали куч билан оёқда турганидан эмас, Nerval нинг зотан “Voyage en Orient” номли қалин китобини ғарблиларнинг босмақолип (стереотип) Шарқ тушларининг ранглари ила алоқага кириб ўз меланхолиясини унутмоқ учун ёзганлигидандир.

Истанбулдаги ҳузун манбаи йўқсиллик, мағлубият ва бир йўқотиш туйғуси эканлигини айтдим, унга кўра ҳузун калимасининг Қуръондаги маъносига қайтаман. Аммо Истанбул, ҳузунни “ўткинчи бир хасталик” ёки “бошимизга келган, қутулиш керак бўлган оғриқ” каби эмас, ўзи танлаган нарса каби олиб юради. Ҳузуннинг бу ўзгача маъноси, “Бошқа ҳамма нарсалар бекор. Ҳеч бири меланхолия каби тотли эмас” дея ёзган Robert Burtonнинг меланхолиясига яқинлашса ҳам, Burtonдаги ўз-ўзи билан ҳазил ва ҳажв, Истанбулнинг ҳузни ҳаётда ўрнини гурурга, ҳатто мағрурона гердаишга қолдиради. Жумҳуриятдан кейинги модерн турк шеърияти ҳам ҳузунни, айни тушунча ила муқаррар бир тақдир каби ва инсон руҳини қутқариб унга теранлик берувчи туйғу каби қўлга олди. Бу туйғу айни вақтда шоир ила ҳаёт орасида бир турли буғли ойна қабидир. Ҳаётнинг ҳузунли бир сояси (проекцияси), шоир учун, ҳаётнинг ўзидан жозибдир.

Ўз йўқсилликлари ва эзилганликлари учун Истанбулликлар ҳам шоирларга ўхшаб ўз қобилларига ўраладилар. Ҳаёт қаршисида онгли бир чекиниш маъносида келган бу туйғу бир жиҳатдан ҳузуннинг

тасаввуф адабиётида қозонган эътибордан фойдаланаркан, бошқа жиҳатдан шаҳарда яшаганларнинг укувсизлик, беқарорлик, мағлубият ва йўқсилликларининг онгли равишда ва гурур билан танлаган бир сабаби бўлиб кўринади. Бу маънода ҳузун, ҳаётдаги етишмовчиликнинг, катта йўқотишларнинг фақатгина якуни каби эмас, янада муҳимроғи асил сабаби каби ҳам тақдим этилади. Болалигимнинг ва ёшлигимнинг турк филмлари қаҳрамонлари, худди шу йилларда гувоҳ бўлганим, эшитганим жуда кўп ҳақиқий ҳикоянинг қаҳрамони каби, бамисоли туғилгандан буён ичларида ҳис этганлари бу ҳузун туйғуси туфайли севгиллиларига, пулга, муваффақиятга нисбатан истак билан ҳаракат қилмасдилар: ҳузун истанбулдини ҳам тутқун қилар, ҳамда тутқунлигига бир маъзур бўларди.

Балзакнинг Растиньяк каби қаҳрамонлар воситасида тасдиқ этгани ва модерн шаҳарнинг қалбига жойлаштиргани голиблик ҳирси, жамиятнинг қаршисида шахс бўлиш шуури ҳузундан узоқдир. Истанбулликларнинг ҳузни, жамоатнинг қадриятларига ва андозаларига қарши ҳар турли яратувчиликни сўндиради ва меҳнат нафақасига чиқишнинг, ҳар кимга ўхшамасликнинг ва камтар бўлишнинг ахлоқига асос бўлади. Йўқлик, йўқсиллик замонларида яшаб қола билмоқ учун керакли бирдамлик туйғусин шарафлантирган ҳузун. Ҳаётни ва шаҳарни тескари йўлга бошлайди. Мағлубият ва йўқсилликни бир якун эмас, ҳаётни олға етакловчи, ундан ҳам олдин шарафли бир илғорлик сифатида кўрсатгани учун, ҳам эътиборли, ҳамда адаштирувчи бир тутимдир, дастурдир. Истанбул ҳаётига ўнганмас бир хасталик каби сингиган, бир турли йўқотиб бўлмайдиган ва бир тақдир каби яшаган йўқсиллик, ақлнинг нотўғри йўлдалиги ва қора ва оқ ҳокимлиги бундай бир муваффақиятсизлик ва укувсизлик сифатида эмас, бир шараф сифатида яшаб келди.

Бу тутим<sup>1</sup> то 1580 йилларда, ўзи ҳам меланхолик бўлишига қарамай *tristessa* атамасидан сўз юритаркан, бу туйғудан бениҳоя узоқ бўлганини даъво қилган Монтень - *Montaigne* нинг (ва бир неча йил кейин Флобернинг) ўзига ишонган ақлчилиги ва фардчилиги (рационалиزمи ва индивидуалистлиги) нинг тамоман тескарисидир. “Тажрибалар” (“*Tristessa*”)ни айрим кишилар катта ҳарф билан ёзиллаган Ҳикмат, Фазилат ва Виждон қаторида ҳеч ўринли бўла олмаслигига ишора қилган Монтень, италянларнинг “*tristezza*” калимасига зарарли ва телбаларча бир турли нохайрихоҳлик маъноси берганларини эрмак қилади.

Монтень (*Montaigne*) учун қайғу, худди ўлим қаршисидаги эл одатида бўлгани каби, китоблари билангина яшаган бир зиёлининг ёлғиз ўз ақли билан энгишга уринса бўладиган бир нарса эди. Истанбул эса ҳузунни бутун шаҳар билан бирга тасдиқлаб яшайди. Истанбул билан боғлиқ модерн турк адабиётининг, шеърятининг ва муסיқасининг бу туйғуни муҳим ҳисоблаб, унга гурур билан эга чиқиб ва бир зафар ҳолига келтириб қилган иши, ҳузунни бир жамоат бўлиб шаҳарни таърифлаган, бирлаштирган бир марказ сифатида қуришдир. Истанбул ҳақида ёзилган романларнинг энг каттаси бўлган “Ҳузур”да қаҳрамонлар шаҳар тарихининг, йиқ-йиқлар ва йўқотиш туйғусининг ўзларига бергани ҳузун туфайли синиқ иродали ва мағлубиятга маҳқумдирлар. Муҳаббат севги туфайли, ҳузур билан якунланмайди. Қора-оқ Истанбул филмларида, энг таъсир

<sup>1</sup> Т у т и м — қўлланма, дастур.

қиладиган ва ҳақиқий деб қабул қилинган муҳаббат ҳикояси, асосий ўғилнинг олдиндан оқ маълумотли, туғилгандан бошлаб “ҳазинлиги” туфайли, мелодраматик тарзда яқунланади.

Бу қора-оқ филмларнинг кўпчилигида ҳам, Тонгпинарнинг “Хузур” романида бўлгани каби, ўз ички оламларига кўмилганликлари, етарлича қарорли ва ғайрат билан ҳаракат қилмаганлари, тарих ва муҳит уларнинг олдига қўйган шароитларга бўйин эгганлари учун бахтли бўлолмаган ҳазин қаҳрамонлар билан ўзимизни тенглаштирган онимизда, Истанбулнинг манзаралари ҳам, нақадар “гўзал”, тенги йўқ, чиройли ёки таниш тасвирлар бўлса-да, айти ҳазинлик билан титрай бошлайдилар. Баъзан телетомошаларда канал ўзгартираркан, ўртасидан қизиқроқ бир жойидан томоша қила бошлаганим бу филмлардаги қора-оқ кўча саҳналарини кўрганимда ақлимда бир фикр тўхтаб қолади. Чекка маҳалладаги ёғоч уйнинг ёруғ деразаларига қараб бошқасига тегиб кетаётган севгили қизни тушда кўрган қаҳрамоннинг юргани тўшамга тошли кўчаларни кўрганимда ёки бой ва кучли фабриконт қаршисида камтарлик ва қаноаткорликни бир гурур ва ирода намунасига айлантирган қаҳрамоннинг сайр этаётгани қора-оқ Бўғоз манзараларига боқаркан, аслида ҳазинлик қаҳрамоннинг синиқ ва аччиқ ҳикоясидан ёки севгилисини сақлаб қололмаганлигидан эмас, манзаранинг, кўчаларнинг, Истанбул гўзалликлари ичидан чиққанини ва қаҳрамоннинг иродасини синдирганини ўйлайман. Шундай пайтларда, фақатгина манзарага, орқа кўчанинг кўринишига қараганча, қаҳрамонларнинг ҳикоясини англаб ҳазинлигини ҳис эта олишимни ҳам ўтказаман хаёлимдан. Бу оммавий филмларга кўра бениҳоя “юксак санъат асари бўлган Тонгпинарнинг “Хузур” романининг қаҳрамонлари ҳам, айти худди ўшаларга ўхшаб муносабатлари қай пайтда диққинафасликка қараб кетса ё бир Бўғоз сайрига чиқади, ёки Истанбулнинг орқа кўчаларига бориб харобаларни кузатганча ҳузунланадилар.

Бу йиқитиш ва йўқотиш туйғусини, ҳузунни бир томондан шаҳар билан бирга баҳам кўраркан, бошқа томондан “Хузур” муаллифи Тонгпинар каби Ўзини ўқиш завқи билан алахситади, Фарб маданияти ҳаяжони ва модерн бўлиш хоҳишини ҳам ҳис қилган Истанбул ёзувчиларининг, шоирларининг муаммоси янада оғир ва қайғулдир: зеро, улар ҳузуннинг таъмини берган халқ туйғуси билан, Фарбдан келган китоблар имо қилган Монтень каби ҳиссий бир ёлғизлик дардида бўладилар. Бу ёзувчилардан баъзиларининг, ечим сифатида топиб кенгайтирганлари бир Истанбул хаёлининг кашфи ҳам менинг ҳикоямнинг ва Истанбулнинг бир парчасидир. Бу китобни, бу хаёлни туш кўрганда сакраб туриб, учрашувлар, қироатлар ва кезишлар билан кашф этган, уни кенгайтирган тўрт ҳузунли Истанбул ёзувчисининг асарлари билан гаплаша-гаплаша, тортиша-тортиша ёздим.

## 11

### ЎЗЛАРИНИ ЁЛҒИЗ ҲИС ҚИЛГАН ТЎРТ ҲАЗИН ЁЗУВЧИ

Болалигимда уларни сал-палгина танирдим. Бирининг, катта семиз шоир Яҳё Камолнинг бутун эл танийдиган шеърларини бироз ўқигандим. Бошқа бирининг, таниқли тарихчи Рашот Акрам Кўчунинг газеталарнинг тарих саҳифасида чиққан мақолаларига доимий шерик дея чиздирган Усмонли тазйиқ йўналишларини кўрсатувчи

расмлари диққатимни тортганди илк бора. Ўн яшарлигимдаёқ ҳам-маларининг отларини билардим, чунки китоблари отамнинг кутуб-хонасида бор эди. Аммо у пайтларда Истанбул ҳақидаги ҳамон шакл-ланишда давом этаётган фикрим ҳам улардан таъсирланмаганди. Мен туғилганимда тўртовлари ҳам ҳали соғ-саломат эди ва мен яшаётган ерлардан ярим соат юрса етадиган узоқликда яшардилар. Ўн ёшга тўлганимда эса биттасидан бўлак ҳаммаси вафот этганди ва ҳеч бирини тириклигида кўрмагандим.

Янада кейинги йилларда болалигимнинг Истанбулини тикларканман, миямдаги қора-оқ расмлар билан уларнинг Истанбул ҳақидаги мақолалари бир-бирига аралашиб кетди ва Истанбулни, менинг Истанбулимни уларсиз тушунолмай қолдим. Бир ора, ўттиз беш ёшларимда “Улисс” (“Ulysses”) тарзидаги бир катта Истанбул романи ёзишни хаёл қиларканман, болалигимда ўзим кезган Истанбул кўчаларида шу тўрт ҳазин ёзувчининг ҳам кезишларини хаёл қилиш завқларига чўмдим: масалан, семиз шоир доим бориб юрган Бейўғлидаги Абдуллоҳ Афанди ресторанига бувим (онамнинг онаси) ҳам бир пайтлар ҳафтада бир марта борар, овқатланар, кейин эса еган овқатларидан аччиқланиб шикоят қиларди. Атоқли шоир у ерда тушлик қилиб қайтаркан, Истанбул Энциклопедияси учун материал излаб топадиган тарихчи Кўчу витринасининг олдидан ўтажагини ақлимдан ўтка-зардим. Сўнгра ёш ва гўзал йигитни севган журналист-тарихчининг Бейўғлининг бир орқа кўчасидаги гўзал журналист боладан, ичида романчи Тонгпинарнинг бир мақоласи бўлган бир газета олишини хаёл қилардим. Уйидан камдан-кам чиқадиган анчагина паст бўйли, покизалик ошиғи оқ қўлқопли хотиранавис Абдулҳақ Шиноси Ҳисор шу асно мушугига олган жигарларни тоза бир қоғозга эмас, газетага ўрагани учун, қассоб билан говға қилаётган бўларди. Бу тўрт қаҳрамонимнинг баъзан айни дақиқаларда, баъзан айни шунчаки ёмғир остида, баъзан битта гўшада, баъзан битта тепаликка қараб юрганларини ёинки йўлларининг кесишажагини хаёл қилардим. Кўз ўнгимга таниқли хорват сугурта картографи Первитичнинг Бейўғли – Тақсим – Жаҳонгир – Галата хариталарини очар, қаҳрамонларимнинг юрадиган жойларида кўча-кўча, бино-бино белгилар, хотираларини йўқлама қилиб, қайси гулчи, қаҳвахона, майхона ёки дўконга дуч келажакларини бутун тафсилоти билан тасаввур қилардим. Барча бу дўконлардаги егуликларининг ҳиди, қаҳвахоналарда ўқиладиган титилиб кетган газеталарнинг сатрлари, мен учун бир шаҳарни шаҳар қилган девор афишалари, кўча сотувчилари, автобусларнинг сиртларидидаги рекламалар, ўхшаши жуда кўп нарсадай, масалан бир замонлар Тақсим Майдонининг теварағидаги бир катта апартаментнинг (ҳозир йиқитилган) тепасида жойлаштирилган лампалар билан қилинган чопиб кетаётган ёниб-ўчувчи ҳарфлардан ўқилувчи хабарлар, менинг бу тўрт ҳазин қаҳрамонимнинг диққатлари кесишадиган нуқталар бўлиши керак эди. Бу шаҳарни ўзига хос қилган нарсанинг ёлғиз топографияси, бинолари ва одамларининг кўпи замона зайли билан шаклланган ўзига хос кўринишлари эмас, у ерда менингдай эллик йилдир, айнан ўша кўчаларда яшаганларни бирлаштирганлари хотиралар билан, ҳарфларнинг, рангларнинг, сигналларнинг ўз ораларида туттиражаклари яширин-очиқ дуч келишлари ҳам бўлганини ўйлаб кетаман. У даврда бу тўрт ҳазин ёзувчи билан болалигимда балки учрашган бўлишим мумкинлигини ҳам хаёл қиламан.

Бу ёзувчилар орасида ўзимни унга энг яқин деб ҳис қилганим романчи Тонгпинар билан онам мени Бейўғлига илк олиб борган

чоғларида учрашган бўлсам керак. Биз ҳам у сингари туннелдаги Ҳашет Китоб Уйига кириб турардик. “Бечора” лақабли романчи зотан бу китобчининг шундоқ рўпарасидаги “Нормонли юрти”нинг кичик бир хонасида яшарди. Ҳали Памук Апартмани қурилиш ҳолида бўлгани учун мен туғилишим билан келтирилганим Аёзпошодаги Онган Апартмани, Тонгпинарнинг устози ва ўқитувчиси шоир Яҳё Камол ҳаётининг сўнгги йилларида қолдирган “Парк отел”ининг шундоқ қаршисида эди. Романчи Тонгпинар у йилларда оқшомлари шоир Яҳё Камолни кўришга “Парк отел”га келмасмиди? Кейинроқ Нишонтошига кўчганимизда онамнинг тез-тез ширин егуликлар олиш учун бизни обориб турадиган отелининг қандолатхонасида ҳам уларни кўрган бўлишим керак. Хотиранавис деб тилга олганим Абдулҳақ Шиноси Ҳисор ҳам, худди эл аро таниқли тарихчи Кўчу каби тез-тез ул-бул сотиб олишга, овқатланишга чиқиб турган ва мен улар билан ҳам кўришган бўлсам керак, албатта.

Худди кўпчиликни тонг қолдирган машҳур кино юлдузларининг суратга олинган филмларидаги ва шахсий ҳаётларидаги эътибордан четда қолган тафсилотлар билан ўз ҳаётлари орасидаги тасодифлар ва ўхшашликларни топган ҳақиқий мухлислар каби ҳолларга тушганимни эс-эс эслайман. Аммо менинг бу китобда ора-сира гап очиб баҳс юритадиганим бу тўрт қаҳрамоннинг шеърлари, романлари, ҳикоялари ва энциклопедиялари мени яшаганим шаҳар руҳига тайёрладилар. Ўтмиш билан ҳозирги кунимиз ёинки ғарбликларнинг тили билан айтганда Шарқ ва Ғарб орасидаги аралаш-қуралаш ва бунёдкорлик тарзлари билан бу тўрт ҳузунли ёзувчи, менга севиқли китоблар ва модерн санъат завқи билан яшаганим шаҳарнинг ҳаёти ва маданияти орасида қандай бир алоқа қура олишим мумкинлигини ҳам ҳис қилдирдилар.

Бу ёзувчининг тўртови ҳам, ҳаётларининг бир даврида кўзлари ғарб адабиёти, кўпроқ француз адабиёти ва санъатининг порлоқлигидан қамашганди. Шоир Яҳё Камол ёшлигида тўққиз йил Парижда яшаган, Верлейн (Verlaine)нинг, Малларменинг шеърларидан, кейинроқ эса бунинг эвазига “миллиятчи” номини топажаги “соф шоир” тушунчасини ўрганганди. Яҳё Камолни қандайдир бир маънода ўзига ота деб билган Тонгпинар ҳам худди шундай шоирлардан яна бири Валерига мухлис эди. Хотиранавис А.Ш.Ҳисор билан биргаликда уч-чови ҳам инкор этолмайдиган ва ишқибозлиги кўриниб турган француз ёзувчиларининг илк қаторида Андре Жид ҳам бор эди. Яҳё Камол мухлиси бўлган Теофиль Готьедан Тонгпинар манзарани калималар билан англиштишни ўрганганди.

Француз адабиётига ва ғарб маданиятига ёшликларида, эҳтимолки, болалигида яқинлашиб катта бир ҳайрат ҳис қилганлари бу ёзувчиларга асарларида модерн ёки ғарблик бўлишлари кераклигини ортага қайтиб бўлмайдиган бир тарзда ўргатди. Французлар каби ёзишни хоҳлардилар, бунга шак-шубҳалари йўқ эди. Аммо ақлларининг бир бурчагида агар ғарбчасига ёзсалар улардай оригинал бўлолмасликларини билардилар. У ҳолда француз маданияти уларга модерн адабиёт фикри билан бирга ҳаққонийлик, ўзига хослик, софлик фикрини ҳам воз кечиб бўлмайдиган бир тарзга ўргатганди. Ғарблик бўлиш билан “ҳаққоний” бўлишлари кераклиги фикри орасида ҳис қилганлари қарама-қарши хусусият билан, ўз овозлари билан илк асарларини бера бошлаган йилларида бу ижодкорларни эзди.

Ўзига хослик ва ҳаққонийлик фикри билан муроса қилиш истаклари бошқа бир нарса — Готье ёки Малларме каби ёзувчилардан

ўргангандари “санъат санъат учун” ёки “соф шеър” каби тушунчалар эди. Ўз муҳитларидан бошқа баъзи ёзувчилар ва шоирлар, айнан шу кўзлари қамашиб ўқиган бошқа баъзи француз ёзувчиларидан таъсирланганлар, аммо ўрганган нарсалари, улардаги ҳаққоний бўлиш истагидан кўпроқ “фойдали бўлиш” ва ўргатиш сақфи табиийига жавоб бўлгани учун эзилмагандилар. Бир учи таълим-маърифат адабиётига, бир учи эса кундалик сиёсатнинг талабига қараб йўналган йўлдаги ёзувчилар Гюго ёки Золя каби намуналар билан юзма-юз келаркан, Яҳё Камол, Тонгпинар, Абдулҳақ Шиноси Ҳисор — Верлейн, Малларме ва Пруст билан нима қилишлари тўғрисида ўйланишарди. Уларни эзаётган бошқа бир нарса, олдин Усмонли салтанати йиқилишининг, ғарб мустамлакаси бўлиб қолиш таҳликасининг, сўнгра Туркия Жумҳуриятининг ўртага қўяётган турк миллиятчилиги эди.

Улар тарбиячи ва сиёсатчи бўлишдан эстетик бир инстинкт билан узоқда туриш истагида миллиятчиликнинг талаблари орасида сиқилган эдилар. Францияда ўзлаштирган эстетик дунёқараш, фақатгина модерн ўлароқ Туркияда асло Малларме ёки Пруст каби кучли ва ҳаққоний бир овоз чиқара олмасликларини ҳам уларга аниқ ҳис қилдирган эди. Излаганлари жуда ҳаққоний ва шеърый бўлган бир нарсада, буюк тамаддуннинг парчаси ўлароқ туғилиб улғайганлари Усмонли салтанатининг йиқилишида деб билдилар. Усмонли цивилизациясининг ҳеч ўнглаб бўлмайдиган томонлари кўплигини, йиқилганини теран бир шаклда англаганлари бу ёзувчиларга юзаки бир соғинчнинг, тарих билан мақтанишнинг ёки жуда кўп замондошларининг қурбони бўлгани зўраки миллиятчилик ва жамоатчиликнинг таҳликаларига тушмасдан ўтмишдан сўз айта олишлари шеърый бир дунёқараш азобини берарди. Буюк бир йўқотиш изларининг йиқилган ҳолида яшаётган Истанбул — уларнинг она шаҳри эди. Ўзларини йиқилишнинг ва йиқитишнинг ҳуззли шеърларига бағишласалар фақат ўзларига хос бир овоз топажакларини англадилар.

Американинг романтик шоири Эдгар Аллан По “Ижод фалсафаси” номли машҳур мақоласида “Кузғун” номли шеърини яратаркан илк ташвишларидан бирининг оҳанги “меланхолик” (“маҳзун”) бўлган бир шеър ёзиш эканлигини айтади. По, инглиз шоири Колридждан совуққонли мантиқ билан ёзишни ўрганган эди, энди эса, энг меланхолик мавзу ўлим эканлигига ишонч ҳосил қилди. Кейинроқ меланхолик ўлим мавзусининг қай вақтда шеърый бўла олишини ўзи ўзидан сўрайди. “Гўзаллик билан энг яқиндан боғланган вақтда!” дея бу саволга муҳандисий мантиқ билан жавоб берган По бу жиҳатдан шеърининг қалбига ғоят гўзал бир марҳума жойлаштирилганини баён этади.

Болалигимда улар билан учрашган бўлишим мумкинлигининг ҳаёлларини яратган бу тўрт ёзувчи ҳам, ҳеч бир шубҳасиз, шуур билан Понинг шеър яратиш мантиқини юритмагандилар, аммо ўша маданиятнинг ўлганини, энди ҳеч қайтиб келмаяжagini, гойиб бўлганини билишнинг ҳузни билан Истанбулнинг ўтмишига қайтсалар, фақат шундагина оригинал бир овоз топажакларини ҳис этгандилар. Кечмишнинг гўзаллигига, эски Истанбул ҳаётига боқарканлар, бу гўзал нозаниннинг бир гўшада ётган ўлигига ёки шаҳарнинг вайроналарига ҳам кўзларининг орада бир тушиб қолиши, кечмишга бир виқор ва шеърыйлик берарди. “Вайроналарнинг ҳузни” дея олганим бу шеърый ва бошқача дунёқараш ўша ёзувчиларни ҳам ёзувчи давлат истаганидай миллиятчи қилди, ҳамда тарихга қизиқувчи бошқа

замондошлари қилаётганидай доим зўравонликка борувчи авторитар, буйруқчиликдан ҳимоя қилди. Набоковнинг хотираларидан, унинг аристократ оиласининг қусурсизлигидан ва бойлигидан сиқилмасдан завқ олишимизни таъминлаган нарса бошқа бир қитъадан ва бошқа бир тил билан бизга овоз берган ёзувчининг, китобнинг муқаддимасида, бу оиланинг кўпдан йўқолиб бўлганлигини, тугаганини, ҳамда энди ҳеч қачон қайтмас бўлиб тугаганлигини жуда аччиқ бир тарзда маълум қилишидир. Даврнинг бергсончи муҳитига уйғун бўлган (ва тўрт ҳазин ёзувчи ҳам мурожаат этгани ҳофиза ўйинлари, худди Истанбулнинг ичида яшаган харобалар каби, ўтмишнинг ҳозир ҳамон яшаётган ўткинчи аксланишларни эстетик бир завқ ўлароқ яшатади холос.

Бу аксланишлар менинг тўрт ҳазин ёзувчимда ҳам бир саҳна асари ва томошадан кейин келган бир ҳасрат, ўлим ва гўзаллик билан тирилиш бўлиши фикри билан бирга жонлилик касб этади. Аммо ўтган тамаддун гўзаллиги битган деган фикр ҳар нарсадан аввал бир муқаддима нуқтасидир.

Абдулҳақ Шиноси Ҳисор, “Бўғозичи маданияти” (Босфор тамаддуни) деб айтган нарсани соғинч билан, аччиқ қайғу орасида қолган бир туйғу билан баён этаркан, бирдан сўзини тўхтатади ва ақлига эндигина келиб қолган фикрдай шундай дейди: “Барча тамаддунлар ҳам, мозорлардаги инсонлар каби фонийдир. Ва биз ўлган азизларимиз қайтмагани каби, даври битган тамаддунларнинг ҳам ҳеч қачон орқага қайтмаслигини биламиз.”

Бу тўрт ёзувчини бирлаштирган нуқта, шу маълумот қадар, шу йўқотиш туйғуси берган ҳазинликни шеърийлаштириши керак. Бу ҳазинликни ҳис этиш учун дунёқарашларини ёлғиз Истанбулнинг ўтмишига эмас, бугунига ўгиришлари кифоя эди. Бундай қилган пайтларида зотан ўзлари яшаган кунларининг Истанбулида вайроналар ичида яшаган бир ўтмишни кўрардилар.

Биринчи жаҳон урушидан кейин ҳам ҳуззли, ҳамда “Турк-Усмонли” бир Истанбул рамзини камол топтирмақ учун шоир Яҳё Камол ила романчи Тонгпинар ғарбли саёҳатчиларнинг китобларини ўқиб, шаҳарнинг чет маҳалаларида вайроналар орасида айланишга чиққан чоғларида Истанбулнинг нуфус<sup>1</sup> и ярим миллион кишидан сал ошиқ эди. Менинг болалигимда, 1950 йилларнинг охирларида шаҳарнинг нуфуси бир миллион атрофида эди. 2000 йилнинг бошида эса шаҳар аҳолиси ўн миллионга етди. Бўғозни, Перани ва эски шаҳарни ҳисобга олмасак, бугуннинг Истанбулига, бу ёзувчиларнинг кўрганидан ўн баравар кўп аҳоли кўшиди.

Аммо шаҳарнинг бу ерда яшовчилари томонидан тан олинган энг оммавий белгиси, яна шу ёзувчилар ривожлантирган бир нарса. Бу камчиликнинг бир сабаби, сўнгги эллик йилда шаҳарга кўшилган аҳолининг Бўғоз, тарихни бу ярим оролда ва шаҳарнинг эски марказлари ташқарисида янги Истанбул нишонасини жуда оз ривожлантирганларидир. “У ерларда ўн ёшида ҳам ҳали Бўғозни кўрмаган болалар бор”, дея аёвсиз холис сўзлар айтилган бу узоқ маҳаллаларда яшаганлар ўзларини – анкеталар кўрсатганидай – истанбуллик дея ҳис этмасликлари ҳам таъсир кўрсатган. Анъана бўлиб қолган маданият билан ғарб маданияти орасида яшайдиган ўта бой озчилик билан бирга миллионларча йўқсиллар яшайдиган четки маҳаллалар

<sup>1</sup> Н у ф у с – аҳоли.

орасида, сурункали кўчиб келишларга бемалол йўл қўйилганлиги натижасида, шундоғам илгари бўлинган Истанбулда сўнгги юз эллик йилда энди ҳеч ким ўзини уйда бутунлай уйда деб ҳис этмасликларига йўл очди.

Бу китобда яна тилга олажагим бу тўрт ҳазин ёзувчи ҳам Жумхуриятнинг дастлабки қирқ йилида ўз асарларини ёзиб қолдираркан, кўзларини ғарблашиш ҳаёл ва утопияларига эмас, ўтмишнинг вайроналарига ёки Усмонли ҳаёт тарзига кўпроқ тикканлари учун баъзан-баъзан “реакцион ёзувчилар” сифатида танқид қилиндилар.

Шундай бўлгач, улар шаҳарда яшарканлар икки буюк маданиятдан, журналистлар кўпол равишда “Шарқ” ва “Ғарб” деб таърифлайдиган икки муҳим манбадан таъсир олишда давом этмакни истардилар фақат. Шаҳарда ҳукм сурган оммавий ҳатти-ҳаракатлардан самимий равишда эзилишларини бир-бирлари билан баҳам кўрардилар, аммо бу туйғунинг манзарага ва мақолага берадиган гўзаллигини, шаҳарга бегона бир ғарблик каби боқиб тадқиқ қилардилар. Давлатнинг, жамоат ташкилотларининг, турли-туман оммавий уюшмаларнинг мажбурлаётган ғояларининг тескарисига ҳаракат қилиш, “Шарқлик” бўлишлари талаб қилинганда “Ғарблик”, “Ғарблик” бўлишлари талаб қилинганда “Шарқлик” бўлишга уринишлар — бу Истанбулли ёзувчиларнинг зарурий ёлғизликка интилишлари самимий бир ҳимояланиш йўлидир.

Хотиранавис Абдулҳақ Шиноси Ҳисор ва у ҳақда бир китоб ёзган дўсти шоир Яҳё Камол, унинг ўқувчиси ва сўнгра яқин дўсти романчи Аҳмад Ҳамди Тонгпинар ва журналист-тарихчи Рашот Акрам Кўчу, бу тўрт ҳузунли ёзувчи, бутун ҳаётлари давомида ёлғиз яшадилар, ҳеч уйланмадилар ва ёлғиз ўлдилар. Яҳё Камолдан бошқалари ўлаётганда асарларини истаганларидай битказолмаганларини, китоблари парчалар ҳолида ярим йўлда қолиб кетганини ёки ўзлари истаган ўқувчини тополмаганларини ҳам аччиқ алам билан ҳис қилардилар. Истанбулнинг энг катта ва энг таъсирчан шоири Яҳё Камол эса, умри давомида китоб чоп эттириш зарурлигини зотан рад этганди.

## 12

### БУВИМ (ОТАМНИНГ ОНАСИ)

Отатуркнинг ғарблашиш ҳаракатига қандай қарагансиз, деб сўралса, бувим, бу яхши натижа беришига ишонардим, деб айтарди, аммо аслида Истанбулда яшаган ҳар бир киши сингари, Ғарб ҳам, Шарқ ҳам бувимнинг шахсий ҳаётига кирмаганди. Зотан, уйдан жуда камдан-кам чиқарди. Шаҳарнинг бир жойини уй деб билган муқим инсонларнинг кўпчилиги сингари, Истанбулнинг на обидалари билан, на тарихи билан, на-да “гўзалликлари” билан иши бор эди унинг. Ҳолбуки, Уқитувчилар мактабида тарих мутахассислигига ўқиганди. Бувам билан унашилиб тўй бўлмасидан олдин 1910 йиллар Истанбулида катта жасорат деб ҳисобланган бир “иш”га қадам босган, яъни бувам билан бир ресторанга борган эди. Юзма-юз бир столга ўтирганлари ва ичкилик ичганларини айтардилар, шунга кўра мен Пера деган жойда бир ресторан-казино бўлганлигини ҳаёлимга келтираман. Ўша ерда бувам ундан нима ичишини (чойми, лимонадми маъносида) сўраганда, бувим уни ичкилик таклиф қилди, деб ўйлаб, 1917 йил учун жуда қаттиқ жавоб берганди унга:



– Мускат ичадиган одатим йўқ, афандим!

Қирқ йил кейин оилавий бирга ўтказиладиган байрам ва янги йилга тузалган дастурхонлар устида ҳамма қатори бир бордоқ бўза ичиб, кайф қилиб қолса, кўп айтилган бу ҳикояни янгитдан айтиб бергандан кейин узун-узун қаҳ-қаҳлаб куларди. Баъзан меҳмонхонада доимий оромкурсисидан ўтирган бувимнинг ҳикоядан кейинги қаҳ-қаҳаси мен бор-йўғи бир неча фотосувратини кўрганим “бошқача инсон” бувамнинг бевақт ўлими учун тўкилган кўзёшларига айланарди. У йиғларкан, мен бувимнинг ҳам бир замонлар кўчаларда кайф билан айланганларини ҳаёлимда жонлантиришга ҳаракат қилардим. Аммо бу мен учун бирда Ренуар расмида дўндиқ ва хушчақчақ аёлни, бирда Модильяни таблосида нозик, узун ва асабий хотинни туш кўришдай қийин кечарди.

Тузуқкина бойлик орттиргандан кейин бувамнинг тўсатдан оққон касалидан вафот этгани бувимни катта хонадон бошлиғи ҳолига келтирганди. Ҳаётда бир тур ўртоққа айланиб қолган ошпази Бакир, бувимнинг битмас-туганмас амрлари ва танқидларидан чарчаган чоғларида енгил ҳазилкашлик билан, хўп бўлади, патрон, дея жавоб берарди. Аммо бувимнинг хўжайинлик ҳукми, қўлида бир даста калит билан айланиб юрадиган уйининг ичидагина ўтарди. Отам ва амаким ҳали ёш бўлганлари учун бувамдан қолган фабрикани идора қилолмадилар, катта иншоот ишларига билар-билмас сармоялар сарфлаб банкрот бўлиб, бувамдан қолган молларни, биноларни, расталарни илтимос билан оналарига соттира-соттира ҳеч нимасиз қолдилар, ҳеч кўчага чиқмайдиган бувим фақатгина бир оз кўзёши тўкиб, янаги сафар сал диққатлироқ бўлинглар, деб ўгит берарди.

Тонгги чоғларини, катта қалин кўрпасининг остида, орқама-орқа тизиб қўйилган йирик парёстикларига ясланганча, ётоғида ўтказарди. Бакир ошпаз ҳар кун эрталаб, тухумли, зайтунли, оқпишлоқли, қизартирилган нонли “тухумсолди” қилиб, катта патнисни бувимнинг кўрпасининг устига қўйилган ёстиққа яхшилаб жойлаштирар (гулдор жидли ёстиқ билан қумуш патнис орасига қистирилган эски газета манзарани бузарди), бувим эса жуда узоқ давом этган нонуштасини ётоғида газета ўқиганча ва эрлалабки зиёратчиларни қабул қилиш билан ўтказарди. (Оғзимга бир бўлак қаттиқ оқпишлоқни тутганча ширин чой ичишнинг завқини ундан ўргандим.) Онасини ўпиб силаб-сийпаламагунча ишга кетмайдиган амаким ҳар тонг эрта билан келарди. Аммам эрини ишга йўллагандан кейин қўлида сумкаси, бир учраб кетарди. Акам мактабга бормасидан олдин бувимдан ўқиш-ёзишни ўрганган, кейин мактабга борганди, мен ҳам қисқа бир фурсат шундай қилдим: ўқиш-ёзишни бувимдан ўргандим. Ҳар сабоҳ кўлимда дафтарим, бувимнинг кўрпасининг бир четига илашиб ҳарфларнинг сир-асрорини эгаллашга киришдим. (Кейинроқ мактабга борганимда шу нарсани кашф этдимки, ҳам бошқалардан билган нарсаларимни қайта ўрганиш мени зериктирарди, ҳамда бўш бир саҳифа кўрганимда, ичимда унга ёзув ёзгим келмас, бир нарсалар чизиб қоралаб ўтиргим келарди.)

Бу кичик ўқиш-ёзиш дарсларининг қоқ ўртасида ошпаз Бакир хонага кирар ва ҳар кун айна калималар билан айна саволни берарди:

– Бугун нима берамиз буларга?

Бир катта касалхонанинг ёинки ҳарбий казарманинг ошхонасида бу кун нима пиширилишига қарор олингандай, бениҳоя жиддийлик билан сўралар эди бу. Бувим билан ошпаз тушлик ва кечлик дастурхонига бугун бу катта хонадоннинг қайси-қайси доиралари

келишидан ва нималар пиширилишидан сўз юритишар ва Соатли Маориф Тақвимининг турли-турли аломат маълумотлар билан тўла шу кунги саҳифасининг энг пастидаги “Бугуннинг менюси”дан ҳам илҳом олишга ҳаракат қилишаркан, мен орқа боғдаги сарв дарахтининг шохлари атрофида учаётган қарғани томоша қилардим.

Иши оғирлигига қарамай, ҳазилкашлик туйғусини ҳеч йўқотмаган Бакир ошпаз уйни бошига кўтариб юргани-юрган биз бувимнинг невараларидан ҳар бирига бир лақаб илиб қўйганди. Менинг лақабим Қарға эди. Неча йиллар ўтгандан кейин мен ундан, нега менга бундай лақаб қўйганининг сабабини сўраганимда, мен доим жуфтлашаётган дамдаги қарғаларни диққат билан кузатишларим ва жисмонан жуда заифлигим билан изоҳлаганди. Ўзини боқиб катта қилган эгасидан айрилмайдиган айиқдай, катталардан айрилмайдиган акамнинг лақабни Энага, кўзлари анчагина қисик бўлган аммаваччамники Япон, ўта ўжар яна бириники Эчки, эрта тугилиб қолган бошқасиники Олти Ойлик эди. Бутун хонадон аҳли бир-биримизни йиллар бўйи шу лақаблар билан чақирардик, чунки бу лақабларнинг ҳар бирида меҳр аломати ҳам бор эдики, мен буни аниқ ҳис қилар эдим.

Худди онамининг хонасида бўлгани каби, бувимнинг хонасида ҳам, қанотларини очиб, орасига кирсам аксимнинг йўқ бўлиб қолиши жалб этадиган бир пардоз столи ҳам бор эди, аммо унга тегишим тақиқланган эди. Чунки куннинг биринчи ярмини ётоғида ўтказадиган бувим пардоз қилиш учун ҳеч фойдаланмайдиган пардоз столини шундай бир ерга жойлаштиргандики, ётган ўрнидан қараганда узун даҳлизнинг ҳаммасини, дастурхонларнинг олиниши ва ёзилишидан тортиб таомларнинг келтирилиш тарзигача, ҳовлидаги шийпондан тортиб то кўчани кўриб туриш учун деворга қурилган деразаларгача, меҳмонхонанинг бошқа бир чеккасини ҳам ойнадан кўра олар, шу тариқа бутун уй ичидаги ҳаракатларни, кирганларни ва чиққанларни, бир чеккада суҳбатлашаётганларни ва дўппослашаётган невараларини ётоғидан назорат қила оларди.. Доим соя бўладиган уйнинг нариги бурчагидаги бирон ҳаракат пардоз столи ойнасида янада кичик ҳолда акс этгани учун, баъзан бувим меҳмонхонанинг бир чеккасида, масалан, садаф нақшли катта стол ёнидаги ҳаракатнинг натижаси нима бўлаётганини англамагунча ётоғидан бор кучи билан бақирар, Бакир ҳам ўша заҳоти етиб келиб, у ерда ким нима қилаётганини унга билдирарди.

Газета ўқиши ва баъзан ёстиқ жилдларига гул кашта тикишини ҳисобга олмаганда, бувим тушлиқдан кейинги вақтларининг кўп қисмини тенгдошлари – Нишонтошли хонимлар билан сигара чекиб қарта ташлашиб ўтказарди. Баъзан қартада қимор ўйнаганларини ҳам сал-пал эслайман. Юмшоққина ва қип-қизил қон рангидаги духоба сумкачадан чиққан ҳақиқий ўйин пулларининг орасидаги чўккан Усмонли давлатидан қолган тешикли, четлари жимжимали, устлари тугроли турди-турли пулларни бир чеккага ўтириб саралашни севардим.

Ўйин столи ёнида ўтирган хонимлардан бири, Усмонли давлати чўккандан кейин, Усмонли оиласи – хонадони дейишга тилим бормайди – Истанбулни тарк этишга мажбур бўлгани учун ёпиб ташланган ҳарамдан чиққан ва бувамнинг бир ишдош ошнасига теккан эди. Ўта кибор сўзларини акам билан тақлид этганимиз бу хоним билан бувим ўртоқ бўлганларига қарамай бир-бирларига, афандим, хонимафанди, дея мурожаат қилишар, бир ёндан эса ошпаз тандирдан чиқариб келтирган ёғлиқ патирларни, устларида эриган қўй пишлоғи бўлган нон тилимларини маза қилиб пок-покиза

туширишарди. Икковлари ҳам хўппа-семиз, барваста аёллар эди, аммо буни муаммо ҳисобламайдиган замонда ва камчилик деб билмайдиган маданият оламида яшаганлари учун хотиржам эдилар. Менинг семиз бувижоним қирқ йилда бир кўчага чиқар, бирор чорлар ё даъватга кетмоқчи бўлса, кун бўйи давом этган тайёргарликдан сўнг, мартабасига қараб, эшик қоровулининг хотини Қамар Хоним, бувимнинг сийнабандининг тизимларини бор кучи билан таранг қилиб тортсин дея пастдан чақиртирилди. Бувимнинг парда тутилган хос бўлмаси ортида талашиб-тортишувлар, қўтарилаётган шовқин-суронлар, “секинроқ, қизим!”лар билан узоқ давом этган бир сийнабанд боғлаш саҳнасини ижирғаниб кузатардим. Бундан олдинги кунларда чақирилган ва бувим билан соатлаб вақтини ўтказган машшота хоним ҳам, атрофга ёйгани тошлар, совунли сувлар, фирчалар (чўтқачалар) ва бошқа бир талай иш қуроли билан мени сеҳрларди, аммо калламда кўп бошқа ўрни бўлган бувимнинг дўмбоқ оёқларининг тирноқлари бошқа қўллар билан ўт ўчирувчилардай қирмизи ранга бўянаркан, оёқ бармоқларининг орасига жойлаштирилган тўп-тўп пахталарни кўриш менда ҳам қизиқиш, ҳамда нафрат туйғуларини уйғотарди.

Орадан йигирма йил ўтгандан кейин биз Истанбулда бошқа уйларда, бошқа ерларда яшарканмиз, бувимнинг Памуқ Апартаментидаги ўзига тегишли хонадон доирасида уни ҳар гал зиёрат этганимда, тонг чоғлари яна ўша ётоқда сумкалар, газеталар, ёстиқлар ва ўша-ўша соя уйда ётган ҳолда топардим. Хонадан келадиган совун, колонья (нозик ҳид таратадиган пардоз спирти), тўз ва хас-чўплар аралашмасининг антиқа ҳиди ҳам ҳамон ўша-ўша бўларди. Бувимнинг ёнидан ҳеч кетмайдиган нарсалардан яна биттаси ҳар кун ичига бир нималар ёзиладиган қаттиқ жилдли қалин дафтар эди. Ҳисоблар, хотиралар, ёйилган таомлар, харажатлар, режалар ва об-ҳаво ҳолатлари ёзиладиган бу дафтарнинг яна ажойиб бир “протокол дафтари” хусусияти ҳам бор эди. Эҳтимол, тарихчиликка ўқигани учундир, бувимнинг айрим пайтларда ҳажвчи бир “ташрифот” (қабулнома) тилини ишлатишига йўл очган бу протокол ва Усмонли даврининг иш юритиш тарзларини ҳам соғинганидан ўз невараларининг ҳар бирига Усмонли давлатининг зафарли тикланиш йилларидаги подшоҳлардан бирининг оти қўйилиши эди. Уни ҳар кўргани боришимда қўлини ўпган заҳотим менга ҳар сафарида берадиган бир қоғоз пулни ҳеч бир хижолат бўлмасдан, севинч билан чўнтагимга тиқиб қўйганимдан кейин, отам-онамининг, акамнинг қандайлигини, нима иш билан бандлигини айтиб берар, бувим дафтарига ёзиб қўяр, кейин нималар ёзганини менга ўқиб берарди баъзан.

“Неварам Ўрхон мени зиёрат қилди. Жуда ақли, жуда ширин. Университетда меъморликка ўқийди. Келганида унга ўн лира пул бердим. Худо хоҳласа, бир кун жуда кўп муваффақиятларга эришажак ва Памуқлар оиласининг номини, худди буваси каби, шараф ила танитажак.”

Ўқигандан кейин катаракта<sup>1</sup>ли кўзларини янада гарибона кўрсатадиган кўзойнаклари устидан сирли ва мазах аралаш бир жилмайиш билан менга бир қараб қўяр, мен ҳам бунга жавобан ўзига қайтарилган бир мазахми ёинки ҳаётнинг шу қадар ўткинчилигини кашф этганлигимми, — фарқини биллолмай унга худди ўшандоқ тарзда кулимсирашга ҳаракат қилардим.

<sup>1</sup> К а т а р а к т а — кўз гавҳарининг хиралашуви.

**МАКТАБ АЛАМЛАРИ ВА ЗАВҚЛАРИ**

Мактабда илк ўзлаштирган нарсам баъзиларнинг аҳмоқлиги, иккинчи ўзлаштирган нарсам эса баъзиларининг янада аҳмоқроқлиги бўлди. Худди дин, ирқ, жинс, синф, бойлик (ва шу қаторда энг охирида кўшимча қилинган) маданият фарқлари каби, ҳаётдаги бу асосий ва аниқ кўрсатувчи фарқни фарқламагандай ишлашни комиллик, назокат ва яхши тарбия кўрганлик аломати эканлигини у ёшда ақлан қамрай олмаганим учун ўқитувчининг синфга ҳар гал савол ташлашида, тўғри жавобни билишимни кўрсатиш учун сабрсизлик билан бармоғимни кўтарардим.

Яна кейинги ойларда, йилларда бу бир одат бўлди. Яхши, ақлли ўқувчи эканлигимни синф ҳам, ўқитувчи ҳам бир оз англаганиди, аммо мен яна ҳар сўроққа жавобим борлигини исботламоқ учун бармоғимни кўтаравардим. Ўқитувчи менга камдан-кам сўз берар, кўпинча кўтарилган бошқа бармоқларни, улар ҳам гапирсин дея ишорат қиларди. Бир мунча кейин жавобни билсам-билмасам, ҳар саволга бармоғим ўз-ўзидан кўтариладиган бўлди. Бунда, ҳамма қатори оддий кийим кийса ҳам, қимматбаҳо бир совға ёки бўйинбоғ тақиб бойлигини билдирмоқчи бўлган кимсанинг жонсарақлигига ўхшаш ўзини кўрсатиш истаги билан, ўқитувчига нисбатан ҳис қилинган бир турли қойил қолиш ва ҳамкорлик қилиш истаги ҳам бор эди.

Чунки мактабда фахрланиб ўзлаштирганим яна бир нарса “обрўли шахс” сифатидаги ўқитувчимнинг иқтидори эди. Памуқ Апартаментдаги оилавий кўпчилик тарқоқ ва бўлинган ҳолда эди. Ҳамма бир дастурхонда ўтириб овқатланаркан, ҳар калладан бир овоз чиқарди. Оила бир-бирига меҳр ва елкадошлик, йиғилиш ва суҳбат эҳтиёжи, ейиш-ичиш ва радио соатлари каби бирон кимса тортишмайдиган одат ва қоидаларга гўё ўз-ўзидан боғланиб қолгандай эди. Уйда отам сира обрў ва иқтидор маркази бўлмаганда, ўртада оз кўринар, гоҳо-гоҳо талай вақтгача йўқ бўлиб кетарди. Аммо энг муҳими акам билан мени ҳеч қачон озорламас, унга ёқмайдиган бир иш қилсак, ҳатто қошларини ҳам чимирмасди. Кейинги йилларда бизни дўстларига таништираркан, “булар ҳам менинг икки кичик укам” деб қўйишни қанда қилмас ва чиндан бу сўзининг устидан чиқарди. Бу жиҳатдан уйда “обрўли шахс” сифатида фақат онамни танигандим. Аммо унинг менга ўтадиган кучи менинг ташқаримда, бегона бир “иқтидор маркази” бўлганликдан кўра, менинг тарафимдан келган севилиш, силаниш ва эркаланиш истагидан манба оларди. Шу жиҳатдан ўқитувчининг йигирма беш кишилик синфни сўзига кирдира олиши мени қойил қолдирарди.

Балки у билан онамни тенглаштирганимда, ичимда ўқитувчимга муносиб бўлиш учун битмас-туганмас истак борлиги юз кўрсатар. Фақат ҳар саволига жавоб бергим келмас, вазифаларини яхши бажармас, ўқитувчи томонидан севилишни, фарқли ва ақлли кўринишни истар эдим. “Кўлларингизни мана бундай қовуштириб гаплашмасдан ўтиринг”, дерди ўқитувчи ва кўлларимни кўксим узра қовуштирар, бутун дарс сабр-ла ўтирардим. Аммо аста-аста ҳар саволга жавоб беришнинг, бир арифметик масалани ҳаммадан олдин ечишнинг ёки энг яхши сабоқларни олишнинг завқлари сўниб, дарсларда вақт ҳеч адо бўлмайдиганга ўхшаб, дақиқалар баъзан ўта секинлик билан оқаётгандай кўрина бошлади.

Кўзларимни доскага бир нималар ёзишга уринаётган ярим ақли бақалоқ бир ўқувчидан, ўқитувчи ё бошқа ўқувчидан, фаррошдан, бутун дунёга доим ёруғ ишонч ва яхши ният билан, жилмайиб ва соғлом назар билан қарайдиган қиздан узар, деразадан ташқарига, баланд-баланд иморатлар орасида юксалиб кўриниб турган акас дарахтининг уст шохларига қадар эдим. Шохга бир қарга кўнарди. Диққат-ла кузатардим. Танасини пастдан кўрганим қарга билан шохнинг орқасида бир тутам булут ҳам, манзара ҳам нуқул жойларини алмаштирарди. Деразадан кўрганим булутни бир тулкининг бурнига, калласига, сўнгра бир итга ўхшатардим. Энди ит кўринишини ўзгартирмаслигини, булут ит ҳолида йўлини давом эттиришини истардим, аммо бир оздан сўнг бувимнинг пардоз жавонининг ҳеч очилмайдиган витринасидаги оёқли кумуш қанддонлардан бирига айланарди. Шунда мен уйга кетиб қолгим келарди. Уйнинг ним қоронғи жимжитлиги, бехатарлиги хаёлимдан ўтаркан, бирдан ўша қоронғилик ичидан, худди тушда кўрингандай, отам кўринар, бозор куни ҳаммамиз бирга машинага ўтириб Босфор бўғозини айланишга борардик. Шу асно қаршидаги бинонинг деразаси очилар, бир хизматчи қўлидаги хокандоздан хас-тўзларни пастга қарата силкитар, сўнгра у ҳам мендай ўтирганим жойдан кўролмаётганим кўчани паришонлик билан кузатарди. Ажабо, кўчада нима бор экан? Пастдан тош йўлда кетиб бораётган от араванинг овози келар, бўғиқ овоз билан бақираётган “эскичиини”ни эшитардим. Кўчага қараб ўтирган хизматчи, боқишлари билан эскичини кузатиб бўлгандан кейин, орқасига қайтар, у беркитган деразанинг ёнида бояги булутнинг суратида, аммо терс томонга кетган бошқа булут кўрардим. Ён деразадан ҳам акс этаётган булут йўлида давом этаркан, ажаб, бу, бояги тулки-ит-қанддон булут бўлмасин-да ишқилиб, дердим ўзимга ўзим. Худди шу орада синфда бир ҳаракат бўлар, мен кўтарилган бармоқларни кўрганимда ўқитувчининг саволини эшитмаган бўлсам-да, шошиб улар билан бирга бармоғимни кўтарар ва тўғри жавобни билганимдан сўнг ўзимга ишонган тарз билан кутиб турардим. Бошқа ўқувчиларнинг жавобларидан ўқитувчининг саволи нима бўлганлигини ҳали ҳам аниқ билмаганим ўша илк онларда ҳам, хаёллар ичидаги ақлимда жавобни жуда яхши билишимга оид қуруқ бир ишонч кўриниб турарди.

Йиллар бўйи қаторларида иккита-иккита бўлиб ўтирганимиз синфларни эрмак ерига айлантирганимиз дарсларда ўрганганларим билан, ўқитувчидан олганим маъқуллашлардан ҳам кўра, синфдош дўстларимни бир-бир таниш завқи, уларнинг мендан қанчалик ўзгарганларини биров ҳайрат, биров ҳайронлик, биров ачиниш билан кўрганим бўлди. Турк тили дарсида бир нималарни ўқиркан, сатр битганда, бир қатор пастдаги сатрдан эмас, икки қатор пастдаги сатрдан ўқишда давом этган ва бутун диққатига қарамай синфни кулдирган янглишини бир турли тузатолмаган бир гамгин бола бор эди масалан. Бошланғич синфда бир ора ёнимда ўтирган, узун қизил сочлари от думига ўхшаган бир қиз бор эди. Портфелининг ичи тишланган олмалар, бурда нонлар, нондан тўкилган кунжутлар, қаламлар, соч тасмалари билан аралаш-қуралаш бўларди, ўзи эса пала-партиш кийинарди, аммо ундан ва портфелидан келаётган хушбўй атир ҳиди мени унга боғлар, ҳар нарсани ўз оти билан айтиб, жасорат билан баён эта олишига ҳайрон қолар, ҳафта охирида уни кўрмасам соғинардим. Бир боланинг калласи бувим айтган тоифадан, яъни тамоман хумкалла эди; яна бир бошқа кичкина бошли жажжи

қизнинг заифлиги ва нозиклиги мени сеҳрлар, учинчисининг уйида бўлиб ўтган ҳар нарсани, ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ оқизмай-томизмай айтиб беришларига ҳайратланар, ўз-ўзимга қандай қилиб бундай бўларкин деб савол берардим. Нечук бу қиз “Отатурк ” шеърини ўқиркан, ҳақиқатан ҳам йиғлайди? Бошқалар англаяжани билатуриб, ёлгон сўйлай олади, манави учинчининг портфели, дафтари, фартуги, сочлари, сўзлари — ҳамма нарсаси шу қадар тартибга келтирилган?

Худди кўчалардаги турли-туман машиналарнинг чироқлари, амартизатор, олд капоти ва ойналаридан ташкил топган бошқа қисмларини ақлим ўз-ўзидан бир нарсага ўхшатгани каби, синфдаги бир қанча болани ҳам бир нарсага ўхшатардим. Масалан, манов қирра бурунлини тулкига, бесўнақайларни ҳамма одамлар айтганидай айиққа, сочлари типпа-тик болани типратиконга... Мари исми бир яҳудий қизнинг узундан-узоқ хамирсиз байрамидан қилган ҳикояларини, баъзи кунларда бувиси уйдаги электр тугмаларига ҳам тегмаслигини айтиб беришларини сал-пал эслайман. Бошқа бир қиз эса бир оқшом хонасида ўтирганида шартта орқасига бурилиб қараса, бир фариштанинг соясини кўрганини айтган, бу, ақлимда кўрқув билан ўрнашиб қолган эди. Уп-узун оёқларига уп-узун пайпоқлар кийган ва ҳар доим ҳозир йиғлаб юборадиганга ўхшаб кўрунувчи бир қизнинг вазир бўлган отаси Бошвазир Аднан Мендереснинг қўлини силкита-силкита чиққан учоқ ҳалокатида ўлганда, қизнинг отаси ўлмасдан ҳам бўлажак фалокатни билиб йиғлаганини тахмин қилдим. Кўп болаларнинг, мен каби, тиш оғриғи бор эди. Баъзилари тиш қолипи тақарди. Лицей ётоқхоналари ва спорт заллари жойлашган ён томондаги бинонинг уст қаватларида бир ерда, тиб лабораторияси ёнида бир тиш дўхтири борлигини айтишарди, ўқитувчимиз бирон воқеадан аччиқланганда ярамаслик қилган болани ўшанинг олдига юбораман деб таҳдид қиларди. Ундан кичикроқ жазо доска осилган девор билан эшик орасидаги бурчакда, синфга орқасини ўгириб оёқда тургазиш эди. Бу баъзан “бир оёқ” жазосига айланар, аммо бутун синф дарсни эмас, жазоланган боланинг бир оёқда қанча тура олишини кузатишдан иборат бўлгани учун, дарсни ўтиб бўлмас эди. Бир оёқда бўлмаса ҳам, бурчакка тургазилган баъзи тўполончилар ахлат идишга тупурар, ўқитувчига сездирмасдан синфга кўз-қош имолари қилар ва уларнинг бу қилиқлари менда ҳайронликдан кўпроқ рашк ва нафрат уйғотарди.

Танбалларнинг, тўполончиларнинг, аҳмоқларнинг ва уятсизларнинг ўқитувчи томонидан озорланиши, жазоланиши, ёқасидан олиниши, калтакланиши кейинроқ самимий ишонганим жамоат ва ҳамдамлик руҳига қарамай, баъзан мени хурсанд қиларди. Ҳар ким билан ҳаддан ташқари “сен-мен”ли, киришимли бир қиз бор эди, масалан, мактабга шофёрли бир машинада келар, ўқитувчи ундан доскага чиқишни сўраганда, ғоят мамнун бўлиб чиқар, нозлана-нозлана “Jingle bells, jingle bells, jingle bells all the bells” дея инглизча бир қўшиқни айта бошларди. Уқитувчи билан ораси шунчалик яқин бўлишига қарамай вазифаларини диққат билан бажармагани учун гап эшитишларига, туртиб ташланишларига гувоҳ бўлганимдан сиқилмасдим. Ҳар вазифа текширувида, бир қатор болалар вазифани бажаролмаган ҳолда, ўзини бажаргандай тутиши, энди дафтарнинг саҳифалари орасида қилган иши, ёзган ёзувларини тополмаётгандай кўрсатиши, ўқитувчи эса бунга ҳеч ишонмаса ҳам, қани у, деб мурожаат қилишлари сабабини ҳеч тушуна олмасдим.

Бир онлик саросима ва кўрқишлар, “Энди тополмаяпман, устоз!” дейишлар жазони фақатгина бир неча сония орқага сурар, аммо тарсаки ё қулоқ чўзманинг шиддатини бир неча баробар орттирарди. Усманийлар салтанати мактабларида муаллим томонидан ўқувчига отилган таёқлар, ёки домланинг ўтирган жойидан узун хипчин билан бола бошига туширишлари Аҳмад Расим (1865-1932) нинг “Фалақа”, “Кечаларим” номли асарлари орқали ҳикоя қилинарди. Болаликдаги ва мактаб чоғидаги жазолашлар, шунингдек, кейинги йилларнинг дарслик китобларида учрар ва буларнинг ҳаммаси Жумҳурият ва Отатуркдан кейин қолган ёмонликлар каби тақдим қилинарди бизга. Аммо бой Нишонтоши маҳалласидаги пуллик махсус Маърифат лицейида модернлашиш деган янгиликларнинг бир қисми тазйиқ йўли билан камбағал ва ожизларни қўллашга қаратилган янгиланиш дегани эди; энди фалақа ёки таёқ ишлатилмас, бунинг ўрнига Усманийлардан қолган қари ва баджаҳл ўқитувчилар, четларига ингичка ва қаттиқ бир мика (япроқсимон тиниқ оппоқ тош) парчаси ўтказилган бир француз буюмини жадваллар ўрнида қўлданар ва ўша билан болаларнинг бошига урардилар.

Ўжарлик билан вазифани бажармаган, ярамасликлари билан ўқитувчининг сабрини тугатган ўқувчи, ёмонлик намунаси этиб кўрсатилиши учун, ҳар каснинг олдига чиқариларди, одамнинг ичини ачитувчи уришлар ва камситилиш дақиқалари бошланганида юрагим эзилиб, каллам шишиб кетарди. Ёшимиз каттайганда гимнастика муаллими, дин муаллими, мусиқа ўқитувчиси каби ҳаётдан безган, сержаҳл, кекса эркак ўқитувчиларнинг қўлига тушганда кўпаядиган бу жазолаш маросимларини кўриб, аввалги зерикарли дарснинг ўртасида бир неча дақиқа давом этадиган томоша қилиб ўтиришларни, мулойим ва онадай муаллималарни мамнуният билан соғиниб ўтирардим. Бирон ўқувчи, худди сут тўкиб юборгандай, олдига қараб, айбини тан олиб, ишонтирувчи бир қанча узрлар айтса жазоси сал ювош тортарди. Аммо узри кўрсатган ҳунаридан катта бўлганлар, ёлғон бўлса ҳам айбини юмшатадиган бир баҳона тополмаганлар, тополмайдиганлар, ёлғон гап айтгунча калтакланишни афзал билганлар, ўқитувчининг обрўйини туширадиганлар, жазоланаётган чоғларида бир ора қош-кўз имоси қилиб синфни кулдирадиганлар, бир тарафдан ношудона ёлғонларни қалаштириб, бошқа тарафдан “бошқа ёлғон гапирмайман, устоз” дея самимий қасам ичувчилар, таёқ ва камситилишдан қон-терга ботган, янглишиб қопқонга тушган ҳайвондай, билмасдан яна хатоликка йўл қўйиб азиятларини янада орттирган бир бошқа синфдошлар менга инсонлик ва ҳаёт ҳақида барча Ҳаёт билими китобларидан ва Синф билими журналларидан ҳам теранроқ нарсаларни ўргатардилар.

Баъзан тартибли, ёқимтой ёки синиқ ҳолини кўриб, уни ичимда севиб юрганим бир қизнинг шундай камситилганига ва узр онларида юзи қип-қизил бўлиб кетганига, кўзида ёшлар ҳалқаланганига қараганимда унинг тезроқ қутулишини истардим. Танаффусларда менга ҳам азият қиладиган анов сариқ сочи, семиз боланинг додирашини, додираркан калтак еганини кўрганимда воқеани шафқатсизлик билан завқланиб томоша қилардим. Тузалишига умид қолдирмаган аҳмоқ ва бетаъсир эканлигига ишонч ҳосил қилганим ўта қуруқ, овози паст ва гурурли бир боланинг ўқитувчини издан чиқариб гердайишининг сабабини билолмаганимда, боланинг кўзларидан ёшлар оқаркан, ўқитувчи билан ўқувчи айна чоғда қай бири ҳақлигини билолмай чарчаблар кетардим. Баъзи ўқитувчилар ўзи доскага чиқарган ўқувчининг билимини синашдан ҳам кўра кўпроқ

ўз жаҳолатларини намойиш қилиб, камситишларидан қанчалик маза қилсалар, баъзи ўқувчилар ҳам аҳволни яхшилашдан кўра ўзларини камситилишдан ўшандоқ маза қиладигандай тутардилар. Баъзи ўқитувчилар бир дафтарнинг бошқача рангли бир қоғоз билан ўралганини кўрганларида кутириб кетар, баъзилари бошқа пайтлар ҳеч эътибор бермайдиган оддий бир пичир-пичирга ҳам бир шапалоқ билан жазо берардилар, баъзи ўқувчилар жавобини биладиган оддий бир саволга кўзлари машина чирогидан кўрқиб кетган куёндай қотиб қолар, баъзилари эса – энг кўп шунақаларни кўллардим – жавобни билмасалар ҳам, биладиган нарсаларини яхши ният билан сайрайверардилар.

Баъзи бир пайтларда, озор билан ёки дафтарларнинг, китобларнинг иргитилиши билан бошланган кўрқитувчи онларда, бутун синфда тик этган овоз ҳам чиқмаётган бир паллада бошига шундай камситишлар келмаган толелилардан бўлганим учун шукр қилардим. Синфнинг учдан бири шундай бўлакча “имтиёз”ликлардан эди. Йўқсиллар билан бойлар бир синфда ўқийдиган баъзи давлат мактабларига қарама-қарши ўлароқ бу махсус мактабда сурункали камситишлар билан ҳеч хафа қилинмайдиган толелиларни ажратиб турувчи яширин чизиқнинг ўқувчининг бойлиги ё камбағаллиги билан алоқаси йўқ эди. Мактабга келиб болаларча бир оғайнилик билан танаффусларда қувлашмачоқ ўйнаб хурсандлик билан унутганим ва руҳим рад этган бу яширин чизиқ, ўқитувчи ўз курсидаги жойига бир иқтидор тахтига ўтиргандай ўтириши билан бирдан юзага чиқаверарди ва мен ҳам бу таёқ ва камситишлар палласида оддий, аммо кучли бир қизиқиш билан баъзиларининг нима учун бундай танбалроқ, виқорсиз, иродасиз, бетаъсир, ақлсиз ёинки мана “шундай” бўлишаркин деб ўзимдан сўрардим. Аммо ҳаётим зулматига ва синфдош ўртоқларимнинг руҳларига йўналган бу саволга на у даврда ўқий бошлаганим ва ҳамма ёмонларнинг оғизлари бурамли қилиб чизилган сувратли романлар, на-да болалик туйғуларим жавоб берар, мен ҳам саволни унутардим. Буларнинг барчаси, мактаб деган даргоҳ аслида энг муҳим ва асосий ҳисобланган саволларга жавоб бермаган, фақат уларни ҳаёт ҳақиқати сифатида тан олишимизга ёрдам берган жой деган хулосага келдим. Шу боисдан то лицейга киргунимча бармоғимни кўтариб ўзимни чизиқнинг тинчгина тарафида тутишга интилдим.

Мактабда яна бир ўрганганим асл нарса – ҳаётнинг сўралмайдиган “ҳақиқатларини” қабул қилиш эмас, уларга мафтун бўлиш эканлигини сезардим. Биринчи йилларда бўлар-бўлмас баҳоналар билан, иккида бир ўқитувчи дарсинг ўртасида бизга бир ашула айттиришни бошларди. Инглизча, французча сўзларини тушунолмаганим, яхши кўрмаганим бу қўшиқларни худди айтаётгандай ҳаракат қиларканман синфдошларимни кузатишдан завқланардим. (Туркчага “Соқчи ота, соқчи ота, байрам келди, сурнай чал!” каби ўгирилган ашулалар айтиларди.) Ярим соат олдин дафтарини яна уйда унутгани учун кўзёши тўккан паст бўйли семиз бола энди оғзини катта-катта очиб бахтиёрлик билан ашула айтаётган бўларди. Узун сочларини ҳадеб қулоқларининг орқасига отаётган қиз, қўшиқнинг ўртасида яна шу ҳаракатини такрорларди. Танаффусда коридорларда мени қувлаган семиз тўполончилардан бири ва унинг камгапроқ, заки ва жуда камтарлигига қарамай яширин чизгининг мен тарафимда қоладигандай эҳтиёткор оқил устози энди фариштасимон бир ифода билан музиканинг булутлари орасида йўқ



бўлиб кетгандилар. Тартибли қиз ашуланинг ўртасида қаламдонларининг, дафтарларининг ўрнини яра бир бор тахларди, мактабнинг дарахтзор ҳовлисидан ўтиб синфга келаётганда, икков бирга бўлишимиз учун “Менга шерик бўласанми?”— дея сўраганимда индамай фақатгина қўлимни ушлаган тиришқоқ, заки қиз ашулани яхшироқ айтиш учун ўзини жуда жиддий тутарди, имтиҳонларда кимса қарамасин дея қоғозини эмизикли чақалоғини бекитаётган хотинлардай бутун гавдаси билан тўсиб олган қизганчиқ ва бақалоқ бола ҳеч кимсага очмаган гавдасини очадигандай ҳаракатлар қиларди. Ҳар кун таёқ ейдиган келажаги умидсиз эссизлардан бирининг эса ашулага зўр хоҳиш билан қўшилганини ва олдидаги қизнинг бир тола сочини ўғринча тортганини, диққат билан ашула айтаётган қизнинг иккида бир “вой-вой”лаши, бу онда у бола деразадан ташқарига қараб турганини кўрганимизда, биз ҳам қизил от думига ўхшаган сочли қиз иккимиз шу онда бир-биримизнинг кўзларимиз ичига тикилиб кулимсирар эдик. Ҳеч тушунмай айтаётган ашуламнинг лай ла лай ла, лай лай лай қисмига келганда мен ҳам нашъа билан ҳар кас юксалтирган овозга қўшилар, сўнгра деразадан ташқарига қараркан, бир оз сўнгра, бир оз сўнгра кўнғироқ чалинишини, бутун синф бир онда гувуллаб палтоларига, портфелларига ёпишишини ва бир қўлим портфелда бир қўлим мен ила акамни уч дақиқалик наридаги уйга етаклаб кетадиган эшикбон амакининг қўлидайкан, синфдаги барча бу инсонлардан чарчаганимни, аммо ҳозир онамни кўраман дея одимларимни тезлатажагимни хаёл қилардим.

## 14

## ЗИГНАМРУПУТ АГРАЛРЕ

Ўқиш-ёзишни ўргангандан кейин дарҳол калламнинг ичидаги хаёл дунёсига яна юлдуз уюмлари каби ҳарф уюмлари қўшилди. Бу янги олам маъноли хаёллардан, бир ҳикояни англатувчи расмлардан эмас, ҳарфлар билан улар чиқарган товушлардан ташкил топарди фақат. Кўзларимга илинган барча ҳарфларни, кулдонларнинг устидаги ширкат номларини, деворларга ёпиштирилган афишаларни, газеталардаги хабарларни, рекламаларни, дўконларнинг, ресторанларнинг, юк машиналарининг, қоғозларнинг (ўраб боғланган картон қоғозларнинг), йўл ҳаракати лавҳаларининг ҳамда дастурхонлардаги долчин пакетининг, ўчоқбошидаги ёғ қутисининг, совунларнинг бувимнинг сигарета ва дори пакетчаларининг устида ўз-ўзидан пайдо бўлган ҳар қанақа ёзувларни ўқирдим. Баъзан баланд овоз билан такрорлаганим бу калималарнинг маъноларини билишим ҳам шарт эмасди. Гуё миямнинг ичидаги бир ерга, кўриш ва англаш маркази орасига барча ҳарфларни бўғимларга ва товушга айлантирувчи бир мурват жойлаштирилганди. Худди гала-гувурли бир қаҳвахонада ҳеч ким кулоқ солмайдиган радио каби, баъзи чоғларда менинг ҳам диққатимни тортмайдиган бу восита тиним билмай ёзиб тарқатиларди.

Мактабдан уйга қайтаркан, қаттиқ чарчаган бўлишимга қарамай, кўзларим ўз-ўзидан ҳарфларни топар ва ПУЛИНГИЗНИНГ, ИСТИҚБОЛИНГИЗНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН дерди калламдаги мурват. ИЕТТ. ИХТИЁРИЙ ҚЎНАЛФА. АПИКУҒЛИ ТУРК СУЖУҚ<sup>1</sup>ЛАРИ. ПАМУҚ АПТ.

Уйда кўзим бувимнинг газеталаридаги бош мақолаларга тушарди:

<sup>1</sup> С у ж у қ — колбаса.

ҚИБРИСДА Ё ТАҚСИМ Ё ЎЛИМ, ИЛК ТУРК БОЛА МАКТАБИ, КЎЧАДА ТУРК ҚИЗИ БИЛАН ЎПИШГАН АМЕРИКАЛИ ЖАЗОЛАНИШДАН АРАНГ ҚУТУЛИБ ҚОЛДИ, ШАҲРИМИЗ КЎЧАЛАРИДА ҲУЛАҲЎП ЎГИРИШ ТАҚИҚЛАНДИ.

Баъзан эса ҳарфлар, галати қоидалари билан алифбени биринчи бўғинлаганим кунларни менга сеҳр-ла хотирлатарди. Нишонтошида, бизнинг уйдан уч дақиқалик йўл узоқлигидаги Валиқўноғининг теварагидаги тошйўлларга ётқизилган баъзи кафеллар устига жойлаштирилган бир буйруқ шундайлардан бири эди. Онам ва акам билан Нишонтошидан Тақсим-Бейўғли йўли билан тўғрига қараб кетсак, ораларига битта бўлса ҳам бўш кафел жойлаштирилган бу ҳарфларни, худди ҳўл бўлмаган қуруқ жойларни танлаб сакра-сакра ўйнагандай, бўш қолган жойлар устида сакраб, сакра- сакра ўйнар ёки ёзилган ҳарфларни тескарисига ўқирдик.

### ЗИГНАМРУПУТ АГРАЛРЕ

Бу сеҳрли буйруқ аввал менда дарҳол ерга тупуриш истагини уйғотар, аммо дарҳол икки қадам наридаги Валиқўноғини қўриқлаётган полисларнинг қўллагани ёзилган амри ва ёзувни ваҳимага тушиб ўйлардим. Бу сафар очиқ оғзимдан, билмай қолиб бир туплаб юборсам, тупугим тошйўлга тушмасайди, деб қўрқардим. Зотан бу ерга тупуриш ишини, синфда ҳар доим бир ўқитувчидан калтак еган, ақлсиз, иродасиз орсизлар тоифасидан бўлганлар катта бўлганда шундай қилишини сезардим. Ҳа, кўчаларда юраркан, баъзида ерга тупурадиган, ҳатто рўмолчаси ҳам бўлмагани учун аксирган кишиларни кўрган пайтларимиз бўларди, аммо Истанбулда бундай бир буйруқнинг ерларга ёзилишини ҳақли деб топар даражада, доим юз берадиган бир гуноҳ эмасди бу. Чинликларнинг машҳур тупук идишлари, жуда кўп ерларга шундай идиш қўйишлари, тупуришни айб билган турли-турли қавмлари ҳақида сўнги йилларда маълумотлар олганман, аммо Истанбулда унчалик кўп эҳтиёж сезилмаган бу буйруқнинг ҳофизамда нега ўчмаслик даражасини қозондийкин, деб ўзимдан сўрадим. (Ҳозирга қадар, Борис Виан деганда ақлимга бу француз ёзувчисининг энг яхши романлари эмас, “*Мозорларингизга тупураман*” деган ёмон китоби келади.)

Ўз-ўзим учун ишлаган ўқиш мурвати калламга жойлашган ойлар, онамнинг уй ташқарисидаги ҳаётда, яъни бегоналар орасида нималар қилиб нималар қилмаслик кераклигини ҳар тарафлама ўрганган, шундай қилишни хоҳлаган вақтга тўғри келгани Нишонтоши тошларига ёзилган буйруқнинг ҳофизамда ўчмас бўлиб қолганининг асл сабабидир балки. Айни кунларда онам акам билан мени олдига солиб сокин кўчаларда ифлос сотувчилардан бирон нарса олиб емаслигимиз, ошхоналарга борганда асло котлет олмаслигимиз кераклиги, чунки котлетлик қийма энг ёмон, энг ёғли, энг эски гўштдан қилиниши каби кўп ўғитлар бера бошлаганди. Бу ўғитлар у аснода калламдаги мурватнинг ўз-ўзимга ўқиб қайд этган бошқа бир билдирув билан аралашарди: **ГЎШТЛАРИМИЗ МУЗЛАТКИЧДАДИР**. Онам бошқа сафар кўчаларда нотаниш одамлардан узоқроқда бўлинглар, дея танбеҳ берарди. **18 ЁШДАН КИЧИК БОЛАЛАР КИРИТИЛМАЙДИ** дерди миямдаги мурват. Трамвайларнинг орқасида ёзилган **ОСИЛИШ МАН ЭТИЛАДИ, ИНСОН ҲАЁТИ УЧУН ХАВФЛИДИР** жумласи эса, онам ҳам айтадиган бу фикрни давлат буйруғи сифатида маълум қиларди, айни чоғда трамвайларнинг орқасига осилиб яхшиси текинга яёв кетишдай бизларга жуда ёт бир қоидани билдиргани учун калламга қуйилмасди ҳеч. Шаҳар чизиғи

кемаларининг орқасига ёзилган ПАРРАКЛАРГА ЯҚИНЛАШИШ ТАҚИҚЛАНГАН, ИНСОН ҲАЁТИ УЧУН ХАВФЛИДИР ёзуви ҳам шундай. Ерга ахлат ташлаб кетишни тақиқловчи давлатнинг сўзи билан онамнинг “АХЛАТ ТАШЛАБ КЕТИЛМАЙДИ” сўзи бир-бирига уйғунлашаркан, бошқа бир деворнинг норасмий ёзувининг қинғир-қийшиқ ҳарфлар билан ёзилган “АХЛАТ ТАШЛАБ КЕТГАННИНГ ОНАСИНИ...” ифодаси миямга қўйилиб қоларди. Онам, нариги уйдаги бувингиздан ва бу уйдаги бувингиздан бошқа ҳаётда асло бошқа кимсанинг қўлини ўпманг дер экан, ҳаёлимга тузлама ҳамси балиғи устидаги ёзув келарди: “ҚЎЛ ТЕККИЗМАСДАН ТАЙЁРЛАНГАНДИР”, “ГУЛЛАРНИ УЗМАНГ” ёки “ҚЎЛИНГИЗНИ ТЕККИЗМАНГ” каби ёзуви буйруқлар билан у кўнларда онамнинг кўчада кетаётганда кўп гапириши, бармоқ билан кўрсатилмайди тақиқи орасида ҳам бир боғлиқлик бор эди балки. Аммо ҳеч қачон сув бўлмаган ҳовузнинг қирғоғида “ҲОВУЗДАН СУВ ИЧИЛМАЙДИ” ёзувининг ёки ичида биронта ўт қолмаган лой паркларга ўрнатилган “ГУЛЗОРНИ ПАЙҲОН ҚИЛМАНГ” лавҳасини қандай тушунишим мумкин эди?

Шаҳарни бир танбихлар, таҳдидлар ва озорлар ўрмонига айлантирган бу лавҳаларнинг “маданийлаштирувчи” мантиғини яхшироқ англамоқ учун Истанбул газеталарининг майда-чуйда “қизиқ нарса” ёзувчи қаламкашларининг ва уларнинг муҳтарам ҳисобланган “Шаҳар мактубчиси” номли кишиларининг ёзган нарсаларини бир кўриб чиқайлик.

## 15

### АҲМАД РАСИМ ВА БОШҚА ШАҲАР МАКТУБЧИЛАРИ

Абдулҳамиднинг Истибдод деб ном олган ўттиз уч йиллик тазйиқ даврининг бошларида, 1880-йилларнинг охирларида бир кун, Бобии Олийдаги кичик бир “Саодат” газетасида эрталабдан ўтириб ишлаган йигирма беш ёшларидаги ёш журналист хонасининг эшиги “бирдан” очилди ва ичкарига қўллари қизил қалин газмолдан “бир нави аскар жакети кийган”, қизил фас ли, узунгина бўйли бир киши кириб ёш журналистга сўз қотди.

– Бу ёққа юр!

Ёш журналист кўрқа-писа оёққа турди.

– “Фасингни кий! Юр!”

Ёш журналист билан аскар жакетли одам эшик олдида кутиб турган бир от аравага миниб йўлга чиқишди. Ҳеч гаплашмай кўприкдан ўтишди. Йўлнинг ярмида, қисқа бўйли, юзлари ёқимли ёш журналист қаерга кетаётганларини сўрашга фақат энди журъат эта олди.

– Бошмобайнчи<sup>2</sup> Бей ҳузурига! Олиб кел, дедилар.

Саройда бир оз кутдирилгандан сўнг ёш журналист, бир столда ўтирган қип-қизариб кетган, газабли, соқоли оқарган бир одамни кўрди. “Кир буёққа!” дея бақирди ҳалиги одам. Столнинг устида турган “Саодат” газетасининг очиқ саҳифасини зарда билан кўрсатиб сўради:

“Бу нима дегани?”

Ёш журналист кўрсатилган нарсанинг нималигини англаб улгурмасидан бақира бошлади:

<sup>1</sup> Ф а с – туркларнинг цилиндрсимон бош кийими.

<sup>2</sup> Б о ш м о б а й н ч и – султон саройининг бир вазири.

– Сизларнинг каллангизни ҳовончада эзиш керак, хоинлар, нонкўрлар!..

Ёш журналист кўрқув босиб индамаётганига қарамай, вазирни газаблантирган нарса бир шоирнинг “Баҳор келмасми, баҳор келмасми? нақоратли бир шеъри эканлигини кўрганда:

– Ҳа, уми, афандим – дея тушунтишга киришди.

– Тагин гапиради-я! Чиқ ташқари! – дея озорлади уни бошмобайнчи.

Ташқарида ўн беш дақиқа дир-дир титраб кутган ёш журналист ичкарига олинди. Аммо оғзини ҳар очишида, шеър ўзиники эмаслигини айтиб улгурмасдан бурун ҳаракатларга, таҳдидларга дучор бўларди.

– Адабсизлар, валад-и-зинолар, уятсизлар, пасткашлар, итлар, маъунлар, дорга осиладиганлар!

Ёш журналист оғиз очиб бўлмаслигини англаганда, бутун жасоратини йиғиб нимчасининг чўнтагидан муҳрини чиқариб столга қўйди. Бошмобайнчи муҳрдаги исмни ўқиганда бир англашилмовчилик бўлганини англади дарҳол.

– Исмнинг нима?

– Аҳмад Расим.

Қирқ йил кейин “Муҳаррир, Шоир, Адиб” номли ёзувчилик хотираларини тўплаган китобида воқеани изоҳлаган Аҳмад Расим, келтирилган киши янглиш бўлганини сезиб қолган Абдулҳамиднинг бошмобайини унга “Қани, ўтир-чи, сен менинг авлодимсан-ку,” деганини, столнинг тортмасини тортиб, қўли билан бери кел ишорасини қилиб, беш лира берганини, “Ҳаққингни ҳалол эт. Ҳеч кимга айтма!” – дея огоҳлантириб қайтариб юборганини нозик мазах билан ва ўзини фавқуллодда қийинчилик билан ҳаётга боғлаган баъзи тафсилотларни табиий бир севинч билан баён этади.

Бу ҳаётгий севинч, мазах туйғуси ва ижод завқи Аҳмад Расимни Истанбул ёзувчиларининг энг буюкларидан бирига айлантди. Романчи Тонгпинар, шоир Яҳё Камол ёки хотиранавис Абдулҳақ Шиносий Ҳисорнинг “Ур-йиқит”лар туфайли ҳазинликка чўмишларини, Аҳмад Расим битмас-туганмас фаоллиги, ҳаётсеварлиги ва нашъаси билан мувозанатга келтиришни, ҳузунни бир четга мезон билан қўйишни билди. Барча Истанбулсевар ёзувчилар каби, тарих билан машғул бўлганига, тарих китоблари ҳам ёзганига қарамай, ҳузун ва йўқотиш туйғусини мувозанатда тутишни билгани учун, ўтмишда “йўқотилган олтин замон”ни изламади. Унинг учун Истанбулнинг кечмиши – Фарб андозали буюк асарлар эзиш учун керакли кучни ва ҳақиқий бир овоз манбаини излайдиган қутлуғ бир ҳазина эмас, кунма-кун ҳар ҳолини кузатиб боришдан завқ берадиган шаҳарнинг ўзи ҳамда аҳолиси каби, йўнгилочар ва омадли ўлка эди бир қадар.

Шарқ-Фарб ёки “тараққиёт – ўзгартириш” мавзуси уни, худди кундалик ҳаёт дарди билан машғул истанбулликлар каби шундай ҳаддан ортиқ машғул этмас эди. Фарблашиш, ўта сунъий мосламалари, латифа қилса арзийдиган олифталари туфайли қизиқиш уйғотувчи бир мавзу эди унинг учун. Ёшлигида романлар, шеърлар яратиш даъвосида бўлган, аммо муваффақиятга эриша олмагач, энди унда сунъий ва даъволи ҳар нарсага нисбатан бир шубҳачилик, нозик бир мазах қолган эди. Француз парнасчи шоирларига ёки декадентларига тақлид этувчи Истанбуллик сунъий шоирларнинг турли-турли шеър ўқиш усуллари билан, йўлдан ўтганни тўхтатиб шеър ўқишлари билан, мавзунини дарҳол ўз мартабаси ёки шеърларига бура оладиган ҳунарлари билан завқланиб ҳазил қилувчи Аҳмад Расимнинг кўпи

аввалбошда ўзи каби Боб-и-Олий амалдорлари бўлган гарбчи зиёлиларнинг маданияти билан ўзи орасида қандай бир узоқ масофа кўйганини дарҳол ҳис эттиради.

Аммо Аҳмад Расимнинг овозини ва услубини кўрсатувчи асл нарса, ёзиш билан кун кўрган бир журналист, газета сўнги устунига нарса ёзадиган мухбири, у давр Франциясидаги номи билан айтганда, бир фельетончи бўлганлигидир. Ўткинчи газаблар ва алоқалар ташқарисида ўзини кўп-да ҳаяжонлантирмаган сиёсат, зотан давлат тазйиқи ва цензураси туфайли (у ери-бу ери кесилиб отилгандан кейин устунларининг баъзида қандай бўш қолганини завқ билан ҳикоя қилади) таҳликали ва имконсиз бир мавзу бўлгани учун у ҳам бутун кучини яшагани шаҳарни завқ билан, иштаҳа билан кузатиб боришга берди. (“Сиёсатнинг тақиқлари ва танглиги туфайли мавзу тополмасанг, баладия сўровларини ва шаҳар ҳаётини мавзу этинг, чунки бу ҳар доим ўқилади!” Бу, юз ўттиз йиллик бир истанбулик бурчак ёзарнинг ўгитидир.)

Шу тариқа Аҳмад Расим сархушларнинг хилма-хилларидан чекка маҳаллалардаги кўча сотувчиларига, баққолларидан ҳўққабозларига, муסיқа чолғувчиларидан тиланчиларига, Бўғознинг ён-атрофлари гўзаллигидан майхоналарига, кунлик хабарларидан бозор майдонларига, кўнгилочар ерлари, анҳорлари ва истироҳат боғларидан чорраҳа бозорларига, мавсумларининг ўзгача кўркларидан оломонларига, тугмачагул ва қўларава эрмакларидан матбуот тарихига, мишмишлардан ошхоналарнинг таомномаларига қадар, Истанбулнинг ҳар нарсаси ҳақида ярим аср давомида ёзди. Рўйхатларни, тоифаларни шарҳлашдан роҳатланарди ва феъл-атворлар, таржимаи ҳоллар, хусусиятлар орасидаги фарқларни топишга мойил бир ақли бор эди. Бир ботаникнинг бир ўрмонда, ўсимликларнинг хилма-хиллиги ва маҳсулдорлигига нисбатан ҳис қиладиган ҳаяжони у гарблашиш, кўч-кўчлар ва тарихнинг жилвалари билан ҳар кун бир янгилик, ғалатилик, фалокат ёки телбалик туғдираётган шаҳарнинг турланишларидан деб ҳис қиларди. Ёш ёзувчиларга доимий ўгити, шаҳарда кезиб юраркан ёнларида “доимо бир қайд дафтари” бўлиши шартлиги эди.

Ўзининг бундай қайдларини ва 1895-1903 йиллар орасида газеталарга тезлик билан ёзиб берган мақолаларининг энг гўзалларини, Аҳмад Расим “*Шаҳар мактублари*” номи билан бир китобга айлантирди. Ҳар замонги ҳазил-ҳузуллари билан ўзига муносиб билган “шаҳар мактубчиси” ва таъқибчиси бўлган шаҳар ҳокимлиги шикоятларини, кундалик ҳаётини кузатишларини ёзмоқ, кўчаларнинг томир уришини ушлаб кўрмоқ, аслида француз адабиёти ва газеталаридан ўртак олиниб, то 1860 йилларгача қўлланилган бир русум эди. Виктор Гюгонинг фақат пьеса ва шеърларидан эмас, романтик ва курашчан хулқидан ҳам таъсирланган Номик Камол (1840-1888), 1867 йилда “*Тасвир-и афкор*” газетасига Рамазон мактублари ёзган ва Усмонли газетхонига мактубнинг фақат давлат одамлари ва уларнинг севгиллари ўзаро сир сақлаш ва таҳдид этиш учун ишлатадиган бир бичим бўла олишини, эълон қилинган “мактублар” йўли бутун бир шаҳарга ҳам бир севимли аёлга, бир яқин кишисига ёзаётгандай қилиб ёзиш мумкинлигини кўрсатганди. Номик Камолнинг Рамазон кунларида Истанбул ҳаётига оид турли тафсилотларни ўз ичига олган бу мактублари, кейинроқ бориб жуда кўп ёзувчилар ёзажаги шаҳар мактубларининг дастлабки намунаси бўлибгина қолмай, ундан ташқари мактуб каби анъанавий ўлароқ сирдошлик, маҳрамлик ва ўртоқлик уюшмалари билан юкланган

бир садо бичимини қўлланиб истанбулликларга газета воситачилиги билан худди мактубга айланган севгилилар, қариндош-ақраболар, яқинлар каби одамови истабулликлар жамоати ташкил этишини ҳам ҳис эттиради. Аҳмад Расимдан бошқа, чиқарган газетининг номи “*Басират*” бўлгани учун Басиратчи Али Афанди деб танилган (сарой ёрдами билан чиқарилган газетаси бир эътиборсизлик билан саройга ёқмайдиغان бир нарсани эълон қилиб юборгани учун ёпиб қўйилганда Басиратсиз Али Афанди номини орттирган) Али Афанди ҳам ҳеч қандай юмор туйғуси бўлмаса-да, шаҳарнинг кундалик ҳаётига кирароқ ўғитлар бериб тадқиқотлар қилишни ўзига иш ва ёпишқоқ гоё билган Истанбул мактубчиларининг энг хассосидир. Мусиқа завқи ва басталари ҳам бўлган Аҳмад Расимнинг кундалик эсселарида инсон Истанбулнинг барча овозларини эшитса, Басиратли Али Афандининг мактубларини ўқиганлар, 1870-йилларнинг Истанбул кўчаларида бўлиб ўтган қора-оқ бир овозсиз филмини томоша қилгандай бир туйғуга чўмадилар.

Аҳмад Ҳошимдан Бурҳон Фалаккача жуда кўп газет бурчаги мухбирларининг гоҳо бутун йигирманчи аср давомида “шаҳар мактублари” сарлавҳа-сини қўлланмай қилган тадқиқлари ва шаҳарлиларга ва шаҳарга оид бу мақолалари Истанбул ранглари, ҳидларини, овозларини, ёзувчининг ҳажвияси ва сажияси билан акс эттирарди, бундан ташқари, яна иккинчи бир ишлаш қобилияти ҳам кўринарди: истанбулликларга кўчаларда, истироҳат боғлари ва боғчаларда, дўкон ва кўнгилочар майдонларида, кемаларда, кўприкларда, бошқа майдонларда, трамвайларда ўзини қайдай тутиш борасида адаб ва тарбия беришни истардилар. Подшоҳни, давлатни, ҳукуматни, полисни, дин арбобларини, ҳатто баъзан шаҳар ҳокимиятини ҳам танқид қилиш жуда қийин бўлгани учун ўқувчи-ёзувчи зиёлилар ичларидаги танқид ва ғазаб оловини тўқа оладиган ягона нишон ўлароқ кўринмайдиган ва кимлиги номаълум инсонларни, шаҳар кўчаларида юрган, кезган, ишларини кўраётган битта-битта истанбулликларни топа олардилар. Газетхонлар ва газета бурчаги мухбирларичалик таълимли бўлмаган истанбулликларнинг сўнгги юз ўттиз йилда кўчаларда нималар қилганларини, қаерларни бузиб, нималар тўғрисида гаплашиб, қандай сурон кўтарганларини бутун ҳам билаётганимиз учун, бу оломонни баъзан ғазаб, баъзан шафқат, кўпинча эса менсимаслик билан озорлаган шаҳар амалдорларини таниётганимиз учун бу ёзувчилардан миннатдор бўлишимиз керак.

Баъзан ғарблашиш, баъзан анъанавий қадриятларга боғлиқлик йўлида ҳаракат қилган бу озор ва ўғитларга, ўқиш-ёзишни ўргангандан кейинги қирқ беш йилда мен қачон бир газета бурчаги ёзувчисига дуч келсам, **БАРМОҚ БИЛАН КЎРСАТМАНГИЗ** деган онамининг овозини бахтиёрлик билан хотирлайман.

*Давоми бор*

*Туркчадан  
Миразиз АЪЗАМ  
таржимаси*

Мақсуд Шайхзода таваллудининг 100 йиллигига

## Шоирлар сайрга чиқади менсиз

Жаҳон шеъриятидан таржималар

УИЛЯМ ШЕКСПИР

СОНЕТЛАР

**М**абодо рўй берса ҳаёт ғуссаси,  
Барча айбларимдан бўлсанг хабардор,  
Мабодо сабрнинг тўлса косаси  
Ва менга ҳукмингни билдирсанг ночор,

Оломон ичида мени кўрганда  
Гўё бегонадек кўзга илмасанг,  
Ҳамон аввалгидек сўлим чеҳрангда  
Совуқлик турса-ю, асти кулмасанг —

У дамда менда бор битта тасалли:  
Ҳа, дейман, эмасман сенга мустаҳақ,  
Бунга онт ичаман ва дейман: “Балли!”  
Сени ҳақли дейман, ўзимни ноҳақ,

Ҳақинг бор, ёргинам, мени қўй, воз кеч!  
Бахтиёрлик ҳаққин қозонмабман ҳеч!..

\* \* \*

Тезроқ ўссак ҳамки, сўламиз тезда,  
Аммо битаётган умримиз ҳамон  
Давом этиб турар ўғилда, қизда...  
Ёшларнинг қуввати бизга ҳам дармон.

Шундайдир башарнинг хусни, идроки,  
Йўқса девоналик, қарилик демай,  
Дунёга абадий бўларди ҳоқим  
Ва олам тугарди олтмиш йил ўтмай.

Ҳаётга, дунёга ёқмаган инсон,  
Дағаллар, бевурдлар йўқолсин, майли.  
Сен эса муяссар бўлган армуғон  
Ортади сендаги шукуҳ туфайли.

Сен-ку, ўйилибсан муҳрдан яхши, —  
Юз йиллар ўчмайди муҳрингнинг нақши.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

119

\* \* \*

Сенинг шавкатингни мумкинмас сира,  
Шунчаки бировга таъриф айламоқ.  
Тангри шоҳиддирки, бу ожиз мисра  
Нақл қила олмас мақбардан кўпроқ.

Сенинг суратингни айласам тасвир,  
Дилрабо нигоҳинг куйласам агар,  
Авлодлар айтарки, алдабди шоир,  
Кўшиб одамзодга самовий ранглар.

Саргайган варақни итариб дарҳол,  
Мени маҳмадана, алжиган деяр.  
Балки жеркиб дерлар: “Гапдон экан чол,  
Лекин сўзида йўқ ростликдан асар”.

Аmmo ўғлинг бўлса у чоғда тирик,  
Яшарсан ўғлинг ва байтимда тетик.

\* \* \*

Чеҳранг ўхшармикан ёзнинг кунига,  
Йўқ, сенинг майинлик ва ҳуснинг ошиқ:  
Бўрон ёз гулларин совурар нега?  
Ёзимиз муҳлати шунчалик қисик.

Гоҳо қамаштирар кўзини осмон,  
Гоҳ кўёш бекиниб, булутлар йиғлар.  
Табиат ноз айлаб, қийнайди ёмон,  
Гоҳ бизни у силар ва гоҳо йиғлар.

Камаймас сендаги кундуз пояси,  
Ёзларнинг доимо ўз авж пайтида.  
Сени қоплаёлмас ўлим сояси,  
Сен мангу яшайсан шоир байтида.

Токи одамзодда нафас бор, кўз бор,  
Тириклар қатори умринг барқарор.

\* \* \*

Дунёдан, фалакдан бўлсам дарғазаб,  
Бошимга келганда фалокат қатор,  
Мен гаранг ва лоқайд самога қараб,  
Ялинаман, аммо бу ҳеч қилмас кор.

Шўрлик қисматимдан нукул нолийман,  
Санъатда, ижодда совринлар олган,  
Элнинг арзандаси — умидга тўлган  
Бахтлилар ўрнида бўлсайдим, дейман.

Шу дамда бехосдан келасан ёдга,  
Ўзим сустлигимни қарғайман паққос;  
Бўйсунмай фалакка ва самовотга,  
Роҳим тўрғай каби қилади парвоз.



Сенинг севгинг билан, хотиранг билан  
Дунё шоҳларининг баридан зўрман.

\* \* \*

Мени қари дейди кўзгулар, ёлгон,  
Сенинг ёшлигингни улашаман-ку!  
Лекин буруш қўйса чехрангга замон,  
У чоғ тан бераман фалакка мангу.

Юзингни ойна деб чехрангга боқсам,  
Ўзим кўринаман ўзимга ёшроқ.  
Менга ёш қалбингни сен бағишлайсан,  
Мен ҳам сенга дилим тутаман шу чоқ.

Асрагил ўзингни, ўзинг деб эмас,  
Ахир ёр қалби ҳам сақланган санда.  
Мен мушфиқ онадек сени ҳар нафас  
Авайлай бошингга бало тушганда.

Бизнинг юракларнинг қисмати битта:  
Мен битсам, битасан сен ҳам албатта.

## МИХАИЛ ЛЕРМОНТОВ

### МАКТУЪ

Шамчирог ёнади... Титроқ қўл билан  
Ёзиб тугатардим сўнгги жумлани,  
Кулфатлар ва дардлар ҳолим қилиб танг,  
Кўксимни қоплади ташвиш тумани.  
Менга туюлдики, сен гўё қувноқ —  
Шу кун соғлиқ жомин келтирдинг бекор;  
Ёнаркан лабда ишқ бўсаси, бироқ —  
Келиб ёнбошимда сен турдинг бекор...  
Умрбод алвидо! — Аммо, жонгинам,  
Келгин бир ёнимга, келгин сўнгги бор,  
Жон чиқар нафасда бир оз бўл малҳам,  
Кўзларимнинг ўти сўнсин беозор.  
Совуқ қўлларимни келиб тут бир зум...  
Нетайки, йироқсан, етмас овозим!  
Азоблар ютарман сенинг йўғингда!  
Дунёдан ўтарман сенинг йўғингда!  
Балки сен, у ғамгин кўзларинг тўниб,  
Очиб мактубимни ўқиган чоқда  
Тобутим устида қўшиқ куйланиб,  
Топарман маконим мангу тупроқда!..  
Лекин сен йиғлама, биргамиз мангу,  
Раҳим учиб борар қўмсаб сен томон  
Ва ёки хушвақтлик пайтинг топиб у  
Юзингдан ўпишга тайёр ҳар замон...  
Кеч тунда қайтаркан зиёфатингдан,  
Хилват ётоғингга кираркан ёлғиз,  
Чаккангда ўтли бир нафас сезарсан,  
Ойнадан топмасдан, тунинг уйқусиз —

Ўтар. Пок рухсоринг ловиллар бирдан,  
 Кўксингга ёпишар аллақандай жон,  
 Бир шарпа тепангда милтирар шу дам,  
 Бир нидо эшитиб, бўларсан ҳайрон.  
 Шунда бил: бу – менман, чиқиб тобутдан –  
 Аламли висолга келибман бирпас: –  
 Барча сояларга шу бўғиқ маскан  
 Манзил бўлмоқлиги, ахир, шарт эмас!..  
 Қачонки дабдаба ва сайр чоғи  
 Қўш отли чанада юрганингда шод,  
 Кетингда севгидан куйиб бор-йўғи –  
 Бир гусар тураркан хомуш ҳамда мот,  
 Шунда икковларинг кўксидан ногоҳ  
 Совуқлик ўтсаю юрак ўйнаса,  
 Гусар гангираса, сен тортсанг бир оҳ,  
 У қора мўйловин кек-ла бураса,  
 Шунда жаранглайди сипоҳий металл,  
 Пайқайсан бир соя – беқут пешона:  
 Йўлингиз кузатар ўлик кўз беҳол,  
 У менинг арвоҳим: телба – девона!..  
 Оҳ! Сенга кўп эди айтар сўзларим,  
 Бироқ сусаймоқда руҳим дам-бадам,  
 Ажал яқинлашар, сезар баданим,  
 Дармонсиз қўлимдан тушмоқда қалам...  
 Алвидо! Шухрат деб беҳуда чопдим,  
 Оташин севдиму аммо баҳрасиз.  
 Ҳар ёқда хиёнат ва заҳар топдим,  
 Вафони тополдим созимдан ёлғиз.

1829

## ТУН

(1830 йил 28 август кечаси)

Ёлғиз ўтираман, жимжит, сокин тун,  
 Чирсиллаб ёнади тугаёзган шам,  
 Кўйин дафтаримга чизади бетин  
 Бир дилбар суратин қадрдон қалам:  
 Ўтган хотиралар аста жонланар  
 Қонли пардаларда соя сингари,  
 Бармоқ-ла ишора қилмоққа шошар  
 Менга эзгу бўлган дамларнинг бари.

Сўзларки, у ўтмиш йилларда ҳарчанд  
 Дилимда кўзғарди ҳаяжон, қайғу,  
 Йироқ-йироқларда ловиллар, гарчанд  
 Унутган бўлсам ҳам уларни мангу.  
 У ерда ўтмишнинг скелетлари  
 Бир тўда бўлишиб турар саргардон,  
 Аммо скелетлар ичидан бири –  
 Бир маҳал қалбимга эди ҳукмрон.

Уни мумкинмиди ҳеч севмаслигим?  
 Аёл нафратининг золим ханжари –  
 Менга санчилдию, қуйган юрагим  
 Банд бўлди ишқига ўшандан бери. –

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

122

Унинг қарашлари аёвсиз, ёмон,  
Худди бир шарпадай пайимда кезар.  
Маҳкумман, ўлгунча у бермас омон,  
Ёзгани севмаклик бўлмас муяссар.

Оҳ, мен бошқаларга қиламан ҳасад!  
Улар оилада, тинч ва хотиржам  
Бемалол кулишар, бўлишар хурсанд,  
Севиниб ўйнашар осуда, беғам.  
Кулгим қўрғошиндай туюлар оғир:  
Чунки бўм-бўш қалбнинг самараси у...  
Ё раббий! Англадим, менга сен ахир —  
Кўп ажиб совғалар тайёрлабсан-ку!

Ахир, бу қандай гап? Илк муҳаббатга  
Шунчалар даҳшатли заҳарни қуймоқ?  
Авалло жўшдириб қоним макр ила,  
Сўнгра совутай деб калака қилмоқ?  
Оҳ, истар эдимки, бўлак нарсага  
Бағишласам экан туйғум-тилагим,  
Аммо илк кўз ёши!.. Бу ҳодисага  
Айтинг, ким бепарво чидай олур, ким?

1830

\* \* \*

У дилбар, жанубнинг қизгин боласи —  
Сурган хаёл каби гўзал-ди ғоят,  
Ким изоҳ қилипти: хусн нимаси —  
Келишган кўкракми, хушбичим қомат,  
Ё шаҳло кўзларми? Лекин гоҳо биз  
Бунинг ҳеч бирини гўзал демаймиз.  
Сўз билмас лабларни мумкинмас севмак;  
Оташсиз нигоҳлар — бўйсиз бир чечак! —  
Ё раб! Онт ичаман, у эди сўлим!..  
Манглайдан тўзғиган зулфларнинг баъзан  
Олтин ипагига текканда қўлим —  
Ўртаниб, танимни қопларди ларза,  
Унинг оёғига йиқилмоққа шай,  
Дер эдим жонимни, жаннатни берай,  
Тоинки, менга бир нигоҳ солса у,  
Шундай бир нигоҳки, лаззати — оғу.

1832

### ХАНЖАР

Ишқибозман сенга, пўлат ханжарим,  
Ёрқин, совуқ ўртоғимсан ҳар нафас.  
Грузин ўчга тоблаб қўйган сени жим,  
Ёвуз жангга чархлагандир бир черкас.

Эсдалик деб ғамли ҳижрон айёми  
Сени менга нилуфар қўл тутганди,

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

123

Қон эмас-у, бу гал тиниқ кўз ёши —  
Дард инжуси тиғинг намлаб ўтганди.

Қора кўзлар менга қараб телмилиб,  
Сирли алам қайғусига тўлганди,  
Пўлатингдай гоҳ оловда барқ уриб,  
Гоҳо яна хиралашиб сўлганди.

Сен севгимга тилсиз гаров, ҳамроҳим,  
Мусофирга сен ўрнаксан, кўп кўркам.  
Айнимасман, менинг темир ўртоғим,  
Сендай, сендай мен бўлурман мустаҳкам!

1838

## ВАТАН

Менинг ватан ишқим ажиб муҳаббат,  
Бу ишқни енголмас идроким, зеҳним;  
На қонлар тўкилиб топилган шуҳрат,  
На мағрур хотиржам орому тиним,  
На узоқ ўтмишдан азиз қиссалар  
Менда шод хаёллар туғдира олар.

Севаману аммо — билмайман нечун? —  
Жимжит ҳамда мудроқ далаларини,  
Мавж уриб турувчи кенг ўрмонларин  
Ва шўх дарёларин, бари-барини...

Қишлоқлар йўлида юрмоқлик маза!  
Чопсам аравада дейман, тун чоғи:  
Ҳасрат-ла қўнимгоҳ излаган лаҳза —  
Дуч келса кулбалар хира чироғи.

Севаман ёқилган анғизлар дудин,  
Чўлда йўлга чиққан карвонни — тунни,  
Севаман адирда етилган экин —  
Ичида оқарган қўша қайинни.

Кўплар сезмас, мен-чи: хурсандман —  
Хирмонларни бўлиқ кўрганда,  
Похолли томларга дилбандман,  
Менга ёқар ўйма дарпарда.

Байрам чоғи, шудрингли кеча  
Боқсам дейман ярим тунгача —  
Ҳуштак билан рақс нағмасига,  
Маст деҳқонлар ҳангомасига.

1841

\* \* \*

1

Оташин севганим, у – сен эмассан,  
Менга ёт хуснингда товланган ҳашам:  
Мен сенда севганим – ўз ўтмиш ғуссам  
Ва жувонмарг бўлган ёшлигим, билсанг.

2

Мен сенинг чеҳранга термулган нафас,  
Тушганда кўзингга менинг кўзларим:  
Сирли бир суҳбатга банду сўзларим,  
Аммо дил сен билан суҳбатдош эмас.

3

Мен ёшлик ёрим-ла суҳбат қураман;  
Юзингда излайман ўзга бир жамол.  
Лабингда бир лабки, кўпдан бери лол,  
Кўзингда сўнган кўз ўтин кўраман.

1841

СУЛАЙМОН РУСТАМ

МЕНСИЗ

Бир кун бу дунёдан ўтаман мен ҳам,  
Юлдузлар, ой, қуёш чиқади менсиз,  
Айрилиқ шарбатин тотаман мен ҳам,  
Одамлар чаманга боқади менсиз.

Ҳаёт ёзилади чўзиқ йўлларда,  
Айланар дунёни қиш ҳам, баҳор ҳам,  
Ёмғир ҳам, дўллар ҳам, пағалаб қор ҳам –  
Кўкдан ер юзига ёғади менсиз.

Еллардан қимирлар адл тераклар,  
Тупроқдан қалқади гуллар, чечаклар,  
Лоладек кулади дардсиз юраклар,  
Дарёлар, булоқлар оқади менсиз.

Фарқланмай қолади қишлоқ ва шаҳар,  
Хушвақт умр кўрар авлоди-башар,  
Улуғ айёмларда бахтли йигитлар  
У айём қўлини сиқади менсиз.

Бахтини бахтимда топади олам,  
Ўчириб қўйилар луғатдан “алам”,  
Ватаннинг ерида, қўлида қалам,  
Шоирлар сайрга чиқади менсиз.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

125

Армонли тугамас дунёда йўлим,  
Менинг нури-дийдам ягона ўғлим,  
Юртнинг дилбарига бағишлаб кўнглин,  
Кўлига узукни тақади менсиз.

Шод даврон суради бу тугма эллар,  
Севиб севилади озод кўнгиллар,  
Йигитлар қалбида танноз гўзаллар  
Яна ишқ ўтини ёқади менсиз.

1956

## ИЛК МУҲАББАТ

Севиб севилганлар кўп яхши билар,  
Бўлмас-кан вафоси илк муҳаббатнинг.  
Пойлайди ошиқни то қабргача  
Ширин можароси илк муҳаббатнинг.

Менинг айтганларим шикоят эмас,  
Юракни ёқувчи ҳикоят эмас,  
Ҳақиқий ошиққа кифоят эмас —  
Туганмас жафоси илк муҳаббатнинг.

Севгисиз гул, чечак битмас, эй кўнгул,  
Инсон муродига етмас, эй кўнгул,  
Негадир, билмайман, кетмас, эй кўнгул —  
Бошимдан савдоси илк муҳаббатнинг?

Бу дардга не қилгай Луқмоннинг қўли?  
Кўлимга тегмасдан жононнинг қўли —  
Қоқди қопқамизни ҳижроннинг қўли —  
Шумикан маъноси илк муҳаббатнинг?

Мен уни севгандим бир илк баҳорда,  
У мени ташлади бўронда, қорда,  
Ҳар яра соғайиб унутилар-да,  
Соғаймас яраси илк муҳаббатнинг!

1944

## ШАЙХЗОДА ВА ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Бу йил туғилган кунига 100 йил тўлган Мақсуд Шайхзода ўзбек адабиётини жаҳон халқлари адабиётлари билан ўзаро боғлаган “олтин кўприк”ларимиздан биридир. У қарийб қирқ йиллик ижодий фаолияти мобайнида миллий адабиётимизнинг шеърят, драматургия, публи-

цистика сингари соҳаларида самарали ижод қилибгина қолмай, адабиётшунослик ва бадий таржима масалалари билан ҳам фаол шуғулланди. Абдулла Қаҳҳор ифодаси билан айтсак, унинг биргина адабий танқид ва адабиётшунослик соҳасида яратган мақолалари тарозининг бир палласини бе-

малол босади. Агар Шайхзода мақолалари рўйхатига назар ташласак, унинг ўзбек халқини А.Н.Радишчев, А.С.Грибоедов, А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, В.Г.Белинский, Н.Г.Чернышевский, Н.А.Некрасов, А.Н.Островский, А.П.Чехов, А.М.Горький, В.В.Маяковский сингари рус, Ш.Руставели, Низомий, Фузулий, Тарас Шевченко, Самад Вургун, Нозим Ҳикмат сингари яқин хорижий, Шекспир, Гёте, Байрон, Беранже сингари жаҳон мумтоз адибларининг ҳаёти ва ижоди билан таништирганини кўриб, ҳайратга тушамиз. У мазкур ёзувчиларнинг айримлари тўғрисида бир эмас, турли муносабат билан беш-олтиталаб мақолалар ёзган.

Грузин адабиётининг буюк асосчиси Шота Руставели асарининг 800 йиллиги нишонланган 30-йиллар адогига қадар нафақат ўзбеклар, бошқа аксар халқлар ҳам “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” достони ва унинг муаллифи ҳақида жиддий тасаввурга эга бўлмаганлар. Шайхзода шундай тарихий-маданий бир даврда мазкур асарни ҳамкасб дўсти Миртемир билан таржима қилибгина қолмай, у ҳақда катта тадқиқот ҳам яратди. Бу мазмундор мақолада Шайхзода дostonда тасвирланган даврни ҳам Шота Руставели ижодини ҳам нуқул ёритиб беради. Жумладан, у шундай ёзади: “Грузиянинг сиёсий ва жугрофий мавқеи, унинг Шарқ ва Ғарб ўртасида кўприк ролини ўйнаши бу мамлакатнинг маданий ва адабий ҳаётида ҳам икки маданиятнинг омукта бўлиб кетишига, Европа ва Осиё халқлари маданий алоқаларининг бу юрда алоҳида бир ҳусн билан жилваланишига имкон очди. Ўша даврда Тбилисида эронлик, араб, туркистонлик олим ё шоирлар билан бир қаторда юнонлик ёки мағриб диёрларидан келган файласуфларни ва санъаткорларни учратиш мумкин эди”.

Кўрамизки, Грузия XII асрда секин-аста давлат қиёфасини олгунига қадар турли халқлар ва маданиятлар туташган маконлардан бири бўлган. Бошқа халқлар ва мамлакатлар учун ҳам муштарак ҳисобланадиган бу ҳол кишилиқ маданиятининг қадимдан ўзаро алоқа жараёнида пайдо бўлиб ва ривожланиб келганидан далолат бера-

ди. Агар Руставелига қадар малика Тамара даврида яшаган шоирлардан бири Чахрухадзенинг Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Туркистон, Россия, Арабистон ва Миср каби ҳудудларда бўлганини эътиборга олсак, “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” достони муаллифи эмаслиги ҳам тахминан шу мамлакатларга сафар қилгани ва шу ҳудудларда содир бўлган воқеалар грузин жамияти учун ҳам ёт эмаслиги бир қадар равшанлашади.

Шайхзода асар яратилган даврдаги Грузия давлатининг шаклланиш жараёни, Шота Руставели ҳаёти, “Йўлбарс терисини ёпинган” достонининг гоёвий мазмуни ва бадиий хусусиятлари тўғрисида мукамал маълумот беради. Адиб шу билангина кифояланмай, мазкур асар воситасида Шарқ шоирлари, хусусан, Навоий ижоди ўртасидаги муштарак нуқталарни топади ва уларга кенг эътиборни қаратади.

“Йўлбарс терисини ёпиниш, — деб ёзади Шайхзода, — Шарқ адабиётларида Руставелидан илгари ҳам, ундан кейин ҳам қўлланиб келган усуллардан биридир. Масалан, улуғ форстожик шоири Абулқосим Фирдавсий (X аср) нинг “Шоҳнома”сидаги бир қанча қаҳрамонлар (Сом, Рустам, Асфандиёр, Суҳроб ва бошқалар) йўлбарс терисини ёпиниб юрадилар ва жангга кирганда ҳам уни ечмайдилар. Фирдавсий қаҳрамонлари наздида, бу — мардлик, қаҳрамонлик, йўлбарсдек беомонлик ва чаққонлик аломати саналар эди.

Шуниси қизиқки, буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ижодига бу сурат (йўлбарс ёхуд қоплон териси ёпинган киши) бегона бўлмай, у ҳам ўзининг бир қитъасида бу “либос”ни ишлатади. Унинг қитъаларидан бирида Ҳайдар деган киши ҳақида гап боради. Бу Ҳайдарнинг қандай киши эканини мазкур қитъанинг сарлавҳасидан англаймиз: “Ҳайдар қаландарнинг бозорни даврон ургоники, фалак давронида мундоқ савдо кишига даст бермади”. Сарлавҳадан маълум бўлишича, Ҳайдар исмли киши Навоийнинг замондоши, ўзи девонасифат бир қаландар бўлиб, шаҳар ва бозорда юрар экан. Энди қитъанинг ўз мазмунини кўрайлик:

Эрур даврин урарда Мирҳайдар  
 Жаҳон саргашгаси гардун мисоли,  
 Ёпинган эгнига қоплон терисин,  
 Тутубдур илгига кушти ҳилоли.

Навоийнинг бу чизиб берган портретига биз жаҳонгашта ва саргардон бўлиб юрган Мирҳайдарнинг орқасига қоплон териси ёпиниб, қўлига ойболта ушлаб юрган ғалати бир киши эканини кўраимиз...”

Шайхзода, тадқиқотни давом эттириб, Мирҳайдарнинг ким бўлганлиги ҳақидаги маълумотни ахтариб кетади ва бундай маълумотни Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асаридан топади. Аён бўлишича, Мирҳайдар Мажзуб истейдодли ва ҳақгўй одам бўлиб, адолатсизликларга чидолмай, ақлига шикат етказган. Бироқ ўзига келган пайтларда бирор олим у билан баҳслаша олмаган: у шу қадар билимдон бўлган. Унинг девоналар қаторида мажзуб (жазавага берилган киши) бўлиб юриши жазо ва таъқиблардан холи бўлишига имкон берган.

“Хулоса қилиб шуни айтсам бўладики, — деб ёзади Шайхзода, — йўлбарс терисини ёпиниш Фирдавсий қаҳрамонлари учун мардлик ва жанговарлик рамзидек талқин этилган бўлса, Тариэлда бу “либос” муҳаббатда садоқат белгиси бўлиб хизмат қилади. Навоийнинг замондоши Мирҳайдарда эса, қоплон терисини ёпиниш фалсафий-сиёсий бир аломат бўлиб, жамият қонунлари билан келишмаслик жасоратли байроқдек англашилади”.

Юқоридаги узундан-узоқ тафсилот бир халқнинг адабий меросидаги унсур ёки унсурлар бошқа халқлар жумладан, ўзбек халқининг ҳам адабий мероси учун ёт эмаслигини, аксинча, турли миллий адабий мерослар ўртасида муштарак ҳоллар оз бўлмаганлигини, бинобарин, халқлар қадимда ягона маданий-маиший маконда яшганларини яна бир бор тасдиқлайди.

Шайхзода бошқа Фарб ва Шарқ ёзувчилари ижодини тадқиқ этишга бағишланган мақолаларида ҳам кишилик маданиятининг ўзаро алоқа ва таъсир жараёнида ривожланиб келганини меҳр билан кузатади. Афсуски, шу қонуний ва ҳаётбахш жараён сўнгги асрларда турли ижтимоий сабаблар

натijasида тўхтаб қолган эди. Шунинг учун ҳам Шайхзода ўтган асрнинг 30-йилларидан қайта тиклана бошлаган адабий алоқалар равнақига ўз ҳиссасини қўшишга астойдил киришди. У жаҳон мумтоз ва замонавий адабиёти намояндалари тўғрисида мақолалар ёзиш билан бирга уларнинг энг яхши асарларини ўзбек халқининг бадиий мулкига айлантириш учун бадиий таржимага алоҳида эътибор билан қаради.

Шоир-таржимон юқорида тилга олинган Шота Руставелининг “Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон” достонидан ташқари, юнон адабиётидан Эзоп ва Эсхил асарларини, Европа адабиётидан Шекспир, Гёте, Байрон, Мицкевич, рус адабиётидан Пушкин, Лермонтов, Маяковский, украин ва белорус адабиётидан Шевченко, Янка Купала ва Петрусь Бровка, озарбайжон адабиётидан Низомий, Фузулий, Мирза Фатали Охундов, Самад Вурғун, Усмон Саривали, Сулаймон Рустам, Расул Риза, турк адабиётидан — Нозим Ҳикмат, арман адабиётидан Египше Чаренц, Аветик Исаакян, тожик адабиётидан Боқӣ Раҳимзода ва бошқа шоирларнинг асарларини маҳорат билан ўзбек тилида жаранглата олди. У биргина Пушкиннинг лирик шеърлари билан бирга “Мис чавандоз” достони ҳамда “Моцарт ва Сальери” драматини, Лермонтовнинг лирик шеърлари билан бирга “Кавказ асири” достонини, Шекспирнинг сонетларидан ташқари, “Ҳамлет” ҳамда “Ромео ва Жульетта” трагедияларини Навоий ва Абдулла Қодирий тилида жаранглашига муносиб ҳисса қўшди.

Қарийб бутун ҳаёти давомида ҳозирги Тошкент Давлат педагогика университетиде хизмат қилган, республиканинг адабий-маданий ҳаётида фаол иштирок этган санъаткорнинг ўз ижодидан ортиб, яна шунча асарини таржима қилиши том маънодаги ижодий жасоратдир.

Кези келганда шуни айтиш керакки, Шайхзоданинг билим доираси бениҳоя кенг эди. У билан Хоразм сафарида бирга бўлган Жуманиёз Жабборовнинг нақл қилишига кўра, атоқли шоир Хоразм тарихинигина эмас, Урганч ва Хивадаги ҳар бир қадимий кўча ва меъморий ёдгорлик тўғрисида



ҳам мукамал билимга эга бўлиб, улар ҳақида соатлаб сўзлаган. Ҳиндистон сафаридида Шайхзодага ҳамроҳлик қилган ватандошларимизнинг хотирлашларича, у Маҳатма Ганди ва Жавоҳарлаъл Неру ватанида бир неча марта бўлган кишидек, шу ердаги обидаларнинг қачон ва қайси подшо замонида барпо этилганлиги ҳамда Абу Райҳон Беруний, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат сингари ўртаосиёлик олим ва шоирларнинг ҳинд юртидаги ҳаёти тўғрисида жўшиб сўзлаб берган. Шайхзода нафақат ўз ватани, балки жаҳон халқлари тарихи ва маданияти бўйича пухта билимга эга бўлган улкан сиймо эди. Унинг шундай бой ва ҳар томонлама кенг билими турли соҳаларга оид илмий ва бадиий адабиёт орқали шаклланган эди.

Шундай чуқур билим соҳиби бўлиш шоирнинг жаҳон адабиёти намуналарини таржима қилишга катта эътибор ва аҳамият бериши тасодифий эмас, балки табиий жараён дир.

Шайхзода-таржимон учун шу нарса муҳимки, таржима қилинажак ҳар бир асар муаллифи ўз асарига юрак кўрени бағишлабгина қолмай, уни муайян бадиий мақсад билан амалга оширган, унда ўзининг муайян воқеликдан олган таассуротларини, ундаги ҳаётий жараёнларни тасвирлаш орқали шу таассурот ва жараёнлар тасвиридан келиб чиқувчи фикр-ғояларни ёниқ сўз ёрдамида ифодалаган. Шунинг учун ҳам у шу муаллифнинг руҳий ва бадиий оламига киришни, унинг таржима қилинажак асардаги бадиий ниятни, фикр-ғояни аниқ ифодалашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шу мақсадга эришишнинг бирдан-бир йўли, унинг назарида, таржима этилаётган миллий тилининг ички имкониятлари ва бойлигидан маҳорат билан фойдаланиш эди.

Ўзбек саҳнасида намойиш этилган таржима асарлари орасида Шекспирнинг “Ҳамлет” идек халқ муҳаббатини қозонган бошқа асар оз бўлса керак. Сўнгги йилларда турли театрларда энг истеъдодли режиссёрлар томонидан саҳналаштирилганига қарамай, томошабин ҳатто “Отелло” трагедиясига ҳам шунчалик меҳр билан муносабатда бўлмаган. Аммо 1937 йилда

“Ҳамлет” таржимони Чўлпоннинг манглайига “халқ душмани” тамғаси ёпиштирилиши билан бу асарнинг саҳна тақдирига ҳам чек қўйилган эди. Шунда ҳозирги Ўзбекистон Миллий драма театри “Ҳамлет”ни қайта таржима қилиш ишига Шайхзодани ҳам жалб этди. Гарчанд артистлар “Ҳамлет”ни Чўлпон таржимасида ижро этишда давом этган бўлсалар ҳам, Шайхзоданинг “Ҳамлет”и ҳамон китоб тарзида мустақил яшаб келмоқда.

Шубҳасиз, Чўлпоннинг дохиёна таржимасидан кейин Шайхзоданинг бу буюк асар таржимасига қўл уриши осон эмас эди. Аммо шоир ғайрат камарини маҳкам боғлаб, мазкур асарни катта масъулият туйғуси билан таржима қилди. Чўлпон ўз вақтида Шекспир асарини феодал аристократияси тилида таржима қилганликда айблангани боис у асар тилини бир қадар халққа яқинлаштиришга уринди. Яна шуни ёдда тутиш лозимки, асар таржима қилинган 40-йилларнинг охирларида ўзбек тилига форс ва араб тилларидан кириб келган сўзларга қарши шафқатсиз кураш кетаётган, Ойбек сингари тарихий мавзуларда асар ёзган адиблар эса форс ва араб тилларига сажда қилишда айбланаётган эдилар.

Чўлпон Ҳамлетнинг машҳур монологини насрий йўлда таржима қилгани маълум. Шайхзода устоз таржимондан фарқли ўлароқ, шу монологни ўзбек тилида шеърий йўлда таржима қилишга уринган:

#### Ҳ а м л е т

Ўлайми ё қолайми? Ана масала.  
Недур афзал: диловар чархи фалакнинг  
Даккисига, зарбаларига бардошлар  
бермоқ?  
Ёки бало денгизини мардона кутиб,  
Тўлқинларни бир карра узиб битирмоқ?  
Ўлиш... Унутулиш. Масала тамом.  
Бу шундай бир уйқуки, дил гамларига,  
Танимизга хос бўлган минглаб дардларга  
Илалабад чекади сўнгги хотима.  
Бу эмасми кўнгилнинг, зотан, армони?  
Ўлиш... Унутулиш... Сўнгра ухламоқ.  
Ва яна тушлар кўрмоқ? Жавоб бу, холос.  
Модомики, бу фоний дунёнинг жумла —  
Сезгилари у ёқда қолар белибос —

Нелар кўрар эканмиз ўлим тушида?  
Мана бизнинг ҳаётда мусибатларнинг  
Муҳлатини кўп йиллар чўзаётган сир.

Ҳамлет шу сўзлардан кейин юрагини тўлдириб турган оташин ҳис ва туйғулари жиловини кўйиб юборади. Унинг сўзлари вулқон лавалари янглиғ отилиб, ҳамма ёқни, “ёндириб” юборади. Шайхзода Ҳамлет монологидаги ана шу янги тўлқиннинг лавасимон шиддатли оқимини бундай ифодалайди:

Йўқса, замонларнинг ҳақоратига,  
Қувгиндилик доғига, тентак сўзига,  
Рад этувчи севгига, ҳақнинг сабрига,  
Соҳиби фармонларнинг такаббурига,  
Улуғвор ҳимматларни андозалашда  
Бачканалар ҳакамлик қилишларига —  
Бутун бу разолатга — ким чидарди, ким?..

Агар Ҳамлет монологидаги “Tu bi, a not tu bi?” (Ё ҳаёт, ё ўлим) сўзлари Чўлпоннинг сўнгги таржимасида (у актёрларнинг талаффуз имкониятларини ҳисобга олиб, шу сўзларнинг бир неча шакллари уларга тавсия қилган) “Ё ўлиш, ё қолиш” тарзида таржима қилинган бўлса, Шайхзода бу иборани, бизнингча, ҳаддан зиёд ўзбекчалаштириб юборган. Таржимон, умуман, асар тилини соддалаштириш йўлидан борган. Гарчанд бу ҳол театрининг хоҳиш-истаги ва мафкуравий даврнинг талаби билан юзага келган бўлса-да, таржима тилининг соддалаштирилиши Чўлпон билан “рақобатлашаётган” таржимон фойдасига хизмат қилмаган. Шунга қарамай, Шайхзоданинг асар гоёси ва руҳини таржи-

мада тўла сақлаб қолганлиги ва асарни асосан катта маҳорат билан таржима қилганлиги таҳсинга сазовордир. Бу буюк асарнинг Чўлпон қаламига мансуб доҳиёна таржимаси билан бир қаторда Шайхзода таржимаси ўзбек таржима санъатининг дурдоналаридан бири сифатида бир умрга қолади деб бемалол айта оламиз.

Шайхзода жаҳон адабиёти дурдоналарини таржима қилиш ва ўз халқини шу дурдоналарнинг муаллифлари билан ҳам таништиришдек хайрли ва муқаддас ишга беқиёс даражада катта ҳисса қўшди. Унинг ижодий меҳнати туфайли нафақат оддий халқ, балки шоир ва ёзувчилар ҳам жаҳон адабиётининг бой хазинасидан баҳраманд бўлдилар. Шайхзоданинг жаҳон адабиёти намуналарини, айниқса, Шекспирнинг ўлмас трагедияларини таржима қилиши ва улардан ижодий сабоқ олиши унинг, “Мирзо Улуғбек” асари майдонга келишида маҳорат мактаби вазифасини ўтади. Шунинг учун ҳам биз “Мирзо Улуғбек” трагедиясини томоша қилар ё ўқир эканмиз, бу асардаги шекспирона кўлам ва психологик теранлик, бу драма билан Шекспир трагедиялари ўртасидаги муштарак нуқталар нодир ижод мевалари янглиғ ял-ял товляниб туради.

Мақсуд Шайхзода яратган оташин шеърлар, дostonлар, драмалар, илмий ва адабий-публицистик асарлар ўзбек адабиёти чаманида барҳаёт яшайди.

Улардан ҳали кўп наслларнинг дилига завқ, ҳаяжон бағишлайди ва улкан маҳорат мактаби сифатида авлодларга сабоқ беришда давом этаверади.

*Наим КАРИМОВ,  
филология фанлари  
доктори, профессор*

# Барбара КАРТЛЕНД

## Ройиш рафиқа

Роман

### БЕШИНЧИ БОБ

**Т**ўйимли нонуштадан сўнг, граф қўлига “Таймс” газетасини олиб эндигина варақлай бошлаган ҳам эдики, туйқусдан эшик очилиб, майингина овоз келди:

– Зоти олийлари билан гаплашсам майлими?

У газетадан бошини кўтариб, эшик олдида турган хотинига кўзи тушиди. Хотинининг эгнидаги сўнгги мода бўйича тикилган оч-сариқ рангли хушбичим қимматбаҳо кўйлак унинг эътиборини тортди. Шунингдек, унинг кўзларидаги нотинчликни ва юзларининг рангсизлигини фаҳмлади.

– Албатта, Карина. Нонуштангни тугатган бўлсанг, балки кутубхонага чиқармиз?

– Майли, хошам... юринг... кутубхонага... чиқа қолайлик, – жавоб қилди Карина. Графга у қалтираётгандек туюлди.

Улар кутубхонага йўл олишди. Хизматкор қизил тахтадан ишланган катта эшикни очди ва улар ичкарига киришди.

Граф форс гилами узра юриб, мрамардан ясалган камин олдида тўхтади. Карина унга тикилиб, рўпарасида жим турарди. Граф гап бошлади:

– Негадир хомуш кўринасан, ўтир.

– Ташаккур... хошам... – деб шивирлади Карина ва духоба билан қопланган катта ўриндикнинг бир чеккасига ўтирди.

– Менга нима айтмоқчи эдинг? – сўради граф.

– Сизни... ранжитиб...қўяманми... деб қўрқаман, – дудуқланди Карина.

– Давом этавер, – деб қошларини чимирди граф.

– Бошланишига жуда ҳаяжонланган эдим! – деди Карина овози озгина жонланиб. – Умрим бино бўлиб бунақа кўп пулни кўрмаган эдим! Менимча, катта пуллик ўйин бўлаётган эди! Сэр Гай менга тушунтириб беришга ҳаракат қилди ва менинг... банкирим бўлишини айтди! – Бу сўзларни айтиб, Карина ўтган воқеани эслади:

– Худди шундай, – жавоб қилди у. – Фақатгина, ютқизишни ўйламанг! Анъанага кўра, лобар аёллар биринчи бор доим ютишади.

Дарҳақиқат, кўп ўтмай Каринанинг олди гинейларга тўлиб кетди. Сэр Гай унга нечта қарта олиш, қайси бирини ташлаб юборишни ўргатиб турарди. Бироз вақт ўтиб Карина ўзи ҳам ўйинни тушуниб қолгандек туюларди.

Кейин, омад ундан юз ўгириб, олдидаги гинейлар аста-секин камая бошлади.

– Ўйинни тўхтата қолай, – қўрқув билан шивирлади у сэр Гайга.

---

Охири. Боши ўтган сонда.

- Бўлмаса бошқа столга ўта қолайлик, – таклиф этди Гай.
- Шу тариқа, улар столдан столга ўтавериш, охири Карина ютяпти-ми ёки ютқизяптими ўзи ҳам билмай чалкашиб кетди.
- Сизни барибир ютолмас эканман, – деди у сэр Гайга қараб.
- Нима, ютқизавериш жонингизга тегдими? – қизиқиб сўради Гай.
- Гап бунда эмас. Ўзингдан кучли ўйинчига дуч келсанг, ўзингни ниҳоятда ночор ҳис қилар экансан, – жавоб қилди Карина.
- Сизга ақлни оладиган даражада чиройли бўлишнинг ўзи кифоя, бошқа санъатни билишингизнинг ҳожати йўқ, – мулозамат қилди сэр Гай.
- Карина унга кулгичларини намойиш қилиб кулиб қўйди:
- Мулозаматингиз ютқазилган пулларнинг ўрнини босолмайди! Менга неча пул қарз бўлиб қолганимни айтишингиз лозим, сэр Гай.
- Бу сўзларни у Дроксфорд-Хаусдаги ҳамёнида тегилмай ётган, эрталаб Роберт Уэйд берган ўн гинейга ишониб айтган эди.
- Ростдан ҳам билмоқчимисиз? – сўради сэр Гай. – Рухсатингиз билан ютқазган пулларингизни, унинг қанча эканлигидан қатъи назар, сизга тўёна сифатида тақдим этсам. Бу тўёнани нафақат бир ўзингизга, сеvimли эрингизга ҳам совға қилмоқчиман.
- Унинг охириги сўзлари шу даражада жиддий жарангладики, Карина унинг граф билан душманлиги ёдига тушиб, эътироз билдирди:
- Йўқ, йўқ, бу ҳақда асло гапирманг! Қимордаги қарз ҳамма нарсадан устунлигини яхши биламан.
- Қиморнинг қонун-қоидаларини яхши биладиганга ўхшайсиз, – маккорона кулди Гай.
- Менинг отам қиморбоз бўлган ва мен бундан катта жабр кўрганман, – тушунтирди Карина. – Аммо, қарзни қайтариш инсоннинг виждони билан тенг нарсадир.
- Шунинг учун қарзни сиз ўзингиз қайтармоқчимисиз?
- Албатта. Неча пуллигини айтсангиз, мен эртага жўнатаман, ёнига бугунги кечада менга кўрсатган ҳимматингиз учун ташаккурнома ҳам ёзиб юбораман.
- Ташаккурномангизни сабрсизлик билан кутаман, – жавоб қилди Гай. – Фақат ўзимга ўзим савол қўймоқдаман – бугунги кечадан сўнг мен ҳақимда нима деб ўйлайсиз?
- Бир вақтнинг ўзида ҳам ҳимматли ҳам дўстона ҳиссиётли одам деб ўйлайман.
- Сизнингча, мен сиз ҳақингизда қандай фикрда бўлишим мумкин?
- Бу гаплар билан Гайнинг нигоҳида нимадир Каринани ерга тикилишга мажбур қилди.
- Билмайман... – уялиб жавоб қилди Карина. – Менга қарзим қанчалигини айтинг.
- Сэр Гай яшил мато билан қопланган стол устида ётган ҳисоб варағига қараб:
- Икки минг фунт атрофида экан, хоним, – деди.
- Аввалига Карина уни нотўғри эшитдим деб ўйлади, кейин эса кўз ўнгида хона чирпирак бўлиб айлана бошлади. Сўнг ўзини зўрға ўнглаб олди-да, ўрнидан туриб, қатъият билан гапиришга ҳаракат қилди:
- Эртага... пулингизни... юбораман, сэр Гай. Ҳозир эса мен Кортни хонимни топишим керак, – деди ва кўз ўнги қоронгилашиб, ўзини четга олди.
- Кечаси билан ухлай олмадим, – шикоят қилди Карина графга. – Қандай қилиб шунча пулни ютқазиб қўйишим мумкин? Бошим қотиб қолди.

– Оддий ставка<sup>1</sup> билан ўйнашни таклиф қилгандир-да, – деди граф. Мен рози бўлдим, чунки... ўйинни яхши билмаслигимни... кўрсатгим келмаганди... – Унинг дами ичига тушиб кетди-да, кейин зўрға ўзини ўнглаб олиб:

– Мен айбдорман, шунчалик айбдорманки... сўз билан айтиб бўлмайди. Мени кечиринг, илтимос... Олдингизда... айбимни қандай ювишни ҳам билмайман... Бундан буён ҳеч қандай кийим-кечак ҳам сотиб олмайман, қиморнинг эса яқинига йўламайман...

Граф жавоб қилмади ва ўрнидан туриб қўнғироқни тортди.

Шу заҳотиёқ эшик очилди.

– Ўйин столи ва бир неча даста қарта келтиринг, – буюрди хизматкорга.

Карина унга кўзларини катта очиб ҳайрат билан қараб турарди.

То столни ўрнатиб, устига қарталарни ва ҳисоб варагини қўймагунча граф миқ этмай турди.

– Карина, кел, бу ерга ўтир. Сенга ўйиннинг асосий тамойилларини ўргатмоқчиман, кейинчалик ўйнаганларингда керак бўлади, – таклиф этди у.

Граф яхши устоз бўлиб чиқди. Оз фурсат ичида Карина фараон, бассет ва мушка ўйинларини ўрганиб олди. Чамаси икки соатлар ўтиб, қарталарни қўйди-да, сўради:

– Энди тушуниб олдингми?

Карина бошини қимирлатди ва чеҳраси яшнаб кетди.

– Тушуниб олдим – бунинг учун мен ўйлагандан анча кўпроқ маҳоратга эга бўлиш керак экан! Сиз жуда кучли ўйинчига ўхшайсиз, милорд.

– Ҳа, мен унчалик кўп ютқазмайман, – гердаийб деди граф.

– Умид қиламанки, шогирдингиз сифатида сизни ҳеч қачон уялтирмасликка ҳаракат қиламан...

– Менга баъзи ваъдаларни беришинг керак, – шарт қўйди граф.

Карина кутиб турди ва тахминан нима ҳақда гап боришини сезаётгандек эди.

– Биринчидан: бундан буён Гай Меррик билан ҳеч қачон қимор ўйнамайсан, иккинчидан: ҳар сафар юз фунт ютқазошинг билан ўйиндан четга чиқасан. Менга шулар ҳақида сўз берасанми, Карина? – жиддийлик билан сўради граф.

– Ҳа, албатта, – жавоб қилди у, – умид қиламанки, юз фунт ютқазиб қўядиган аҳмоқ ҳам бўлмайман.

– Мен сенга ишонаман, – деди граф.

– Сэр Гайга... қарз нима бўлади..., – пичирлади Карина.

– Бу билан ўзим шуғулланаман. Меррик бир неча соатдан кейин чекимни олади, – жавоб қилди граф.

– Мен айбдорман... жуда, жуда айбдорман... – қайтара бошлаган эди Карина, граф унинг гапини бўлди.

– Бўлган воқеани унут. Бугун кечқурун герцог Ричмонд бизни балга чақиряпти. Герцогиня бизнинг никоҳимиздан беҳабар, бўлмаса сенга расмий таклифнома юборган бўларди. Борамизми?

– Биргаликдами? – аниқлаб олди Карина. – Чунки мен шуни жудаям хоҳлайман!

– Гап шундаки, мен шу ерда тушлик қилишга бир неча дўстларимни чақириб қўйганман, – деди граф. – Бу, демак, сенда оиламиз

<sup>1</sup> С т а в к а – қиморда пул тикиб ўйнаш.

учун мерос қолган зеби-гардонлардан бирини тақиб олишинга имкон бўлади дегани. Хойнаҳой, Роберт уларни сенга кўрсатиб бўлган?

— Ҳа, албатта! Мен илгари бундай қимматбаҳо тақинчоқларни сира кўрмаганман.

— Демак, бугун сен кўзни қамаштирадиган даражада чиройли бўлиб кетасан, — кулиб қўйди граф.

Карина графнинг газабга тушмаганидан ўзини жуда енгил ҳис қилди, ваҳоланки, ютқазиб қўйганини эсласа, ҳамон юраги орқага тортиб кетарди. Бундан ташқари, у сэр Гай Меррик ҳақида қандай фикрга боришни ақлига сиғдиролмасди. Нима учун у Каринани бундай ўйин ботқоғига ботириб қўйди? Нима учун унинг бу сохта дўстлиги аянчли хотима топди?

Тушликка Карина бир кун олдин Ивет хонимдан сотиб олган очпушти ранг кўйлакни кийиб олди. Катта ёқут кўзли марварид ва катта зангори ёқут тиллақош унинг кийимига атайин яратилгандек жуда мос тушган эди.

У меҳмонхонага тушганида, граф худди ўзи билан гаплашаётгандек, паст овоз билан айтди:

— Сенга буларнинг ярашишини билардим!

Уларнинг кўзлари тўқнашди. Шу тоб Карина бирам шодон эдики, граф унинг ташқи кўринишини мақташини жуда-жуда хоҳлар эди. Айни дамда Ньюмен биринчи меҳмонлар ташриф буюрганини эълон қилди.

Ричмонд-Хаусда жонланиш авжида эди. Гўё герцогиня бутун олий табақа аҳлини ўз уйига йиққандек!

— Сиз рақсга тушасизми? — сўради Карина графдан.

— Йўқ, мен рақсга тушмайман. Агар кеча давомида керак бўлиб қолсам, мени ўйинхонадан топасан, — жавоб қилди граф.

Карина эндигина графдан уни ташлаб кетмасликни, бу ерда ҳеч кимни танимаслигини айтишга шайланиб турган эди, улар томонга таниш қиёфали хоним келаётганига кўзи тушиб қолди.

У Сибли хоним эди! Карина қанчалик истамасин, лекин қизил кўйлакка лаъл ва олмослар билан бежалган тож тақиб олган бу хонимнинг шу қадар жозибадор эканини тан олишга мажбур эди. Бир зум қарахт бўлиб қолган Карина граф бизни бир-биримизга таништирамикан деб хаёл қилиб турган эди, шу пайт кимдир:

— Дроксфорд хоним, сизни рақсга таклиф этишга рухсат беринг, — деб сўраб қолди.

— Ташаккур, — деб рақс тушишга розилик билдирди Карина.

Рақс тушиб бўлингач, икки соатлардан кейин Карина зинапоя бўйлаб пастга қимор ўйналадиган хонани қидириб тушиб кетди. У графни ўйин вақтида безовта қилишдан ўзини ноқулай ҳис қиларди, аммо рақс залида бир чеккада ёлғиз, сўлиб қолган гулдек эътибордан четда туришни ҳам истамас эди.

Карина ўйин хонасини биринчи қаватда бўлса керак деб тахмин қилган эди, шундай бўлиб чиқди. Эшикдан мўралар экан, ҳамма столлар эгалланган, лекин граф у ерда кўринмасди.

У қаердан чиқишини билмай, йўлакдан юришни давом этаверди. Кичик бир меҳмонхонага мўралаган эди, у ерда эрини Сибли хоним билан кўриб қолди. Хонанинг ичкарасида улар диванда ёнма-ён ўтиришар эди.

Карина уларга халақит бериш мумкин эмаслигини тушуниб, бирданига ўгирилиб олди ва йўлак бўйича орқа томонга қараб юра бошлади. Боққа чиқадиган эшикка кўзи тушиб қолиб, югуриб чиқди. Ҳаво-си оғир, дим рақс залидан кейин боғдаги тоза ҳаво унга ёқиб тушди.

Боғ хитой фонарлари билан ёритилган эди. Дарахтлар ва буталар оралаб бир ўзи сайр қилишни эндигина бошлаган эди, туйқусдан кимнингдир овози эшитилди:

— Мана, яна қўришдик, Дроксфорд хоним!

У бирданига чўчиб тушди ва овоз келган томонга бурилмасданоқ бу лорд Уимэн эканини билди. Карина унинг ўгринча ёқимсиз овозини Бонд-стритда чўчитиб юборганидан бери эслаб қолган эди.

— Бизни бир-биримизга... таништиришмаган-ку, жаноб? — совуққина жавоб қилди Карина.

— Сизни бу ташвишга соляптими, хоним, — сўради у. — У ҳолда бу расмиятчиликни амалга оширадиган кимсани бирпасда топамиз. Уйнинг эгаси бўлсинми, ёки уй бекасими? Улардан бирини кўндириш мен учун қийин иш эмас.

У шу қадар дадил гапирар эдики, ундан бу бефойда расмиятчиликни талаб қилиш ноўринлигини Карина тушунди.

— Сиз менинг исминми, мен эса сизнинг исмингизни биламан, — гапида давом этди лорд Уимэн. — Сизни ишонтириб айтаман, жонгинам, шунинг ўзи кифоя! Юринг, мен билан рақсга тушинг, мен катта иштиёқ билан сизни айлантириб, қўлларим билан нозик белларингизни ушлаб, ўзимга тортишни истайман.

— Мен эримни топишим керак, — тўнғиллади Карина.

— Граф жаноблари айни дақиқада жуда бандлар, — деди лорд Уимэн, гапининг заҳарханда оҳангидан графни Сибли хоним билан бирга кўргани билиниб турарди.

— Кечирасиз, мен... бошқа рақсга... таклиф қилинганман.

— Мендан қочиб қолмоқчимисиз? — гина қилди лорд Уимэн. — ишонтириб айтаманки бу қўлингиздан келмайди.

— Яна қайтараман... жаноб... мени рақс тушувчи шеригим кутиб турибди, — деб Карина тескари бурилиб жўнади.

Рақс зали томон зинадан кўтарилаётганида сэр Уимэн унинг ортидан етиб олди.

— Сиз жуда гўзалсиз! — суйкалиб гапира бошлади у. — Ниҳоятда гўзалсиз! Сиз билан боғда гаплашиб ўтиролмаганимдан афсусдаман, сизга айтадиган анча гапларим бор эди.

— Йўқ...йўқ! Мен... рақс тушадиган шеригимни топиб олишим керак.

Эшиклари кенг очилган айвондан эндигина рақс залига қараб йўналган эди, шу тобда боққа чиқаётган Гай Меррикка дуч келиб қолди ва енгил тортди. Оғир нафас олганича ҳарсиллаб унга ёлворгандек гапира бошлади: — Мени кечиринг... сизни куттириб қўйдим...

Қисқа жимликдан сўнг Гай уни тушуниб: — Сизни энди ахтараётган эдим, хоним, — деди.

Карина лорд Уимэнга ўгирилиб: — Ана кўрдингизми, милорд, шеригим бор деб айтгандим-ку! — деди.

— Унда мен кейинги рақсга шерикман, — дея лорд Уимэн Каринанинг қўлини қаттиқ сиқиб лабига босди.

— Мен... таклиф этилганман дедим-ку!

— Демак, бўшагингизни кутаман.

Карина бор кучи билан қўлини тортиб олди-да, Гайга қараб:

— Юринг рақсга, — деди.

— Юринг, албатта, — кулиб қўйди Гай.

Карина унинг олдига тушиб олиб рақс зали томон борарди. Орқасига қарамаса-да, лорд Уимэннинг дарғазаб бўлаётганини ҳис қилиб, уни кўрқув босарди.

Оркестр вальс чалар, зал эса тўла эди.

Карина Гайга қараб: — Қочиб кетишнинг иложи йўқмикин? — деди.

— Келинг шундай қиламиз, ўзим ҳам сиз билан гаплашмоқчи эдим, — жавоб қилди Гай.

Улар кириш зинасидан пастга қараб тушиб кетишди ва бошқа эшикдан боққа киришди. Бўш шийпонча топиб ўтиришди, Карина енгил нафас ола бошлади.

— Лорд Уимэн билан нима қилаётган эдингиз, нега бунчалик қўрқувдасиз? — сўради Гай.

— Мен бир ўзим эдим... графни қидираётган эдим, лорд Уимэн келиб мени гапга сола бошлади. Негалигини билмайман-у... лекин, балки аҳмоқликдир... уни кўрсам қўрқув босади, кўриниши жуда бесўнақай.

— Тўғри топдингиз, у жуда ёқимсиз. Унга умуман яқинлашманг, — тасдиқлади Гай.

— Наҳотки мени у билан муносабатда бўлмоқчи деб ўйлапсиз, — ажабланди Карина. — Биринчи марта у мен билан Бонд-стритда бир ўзим сайр қилиб юрганимда гаплашган эди... кейин яна бир марта... бугун кечкурун.

— Бонд-стритда бир ўзингизмидингиз? — деб сўради Гай.

Карина бармоқлари билан лабини беркитиб аста деди:

— Сизга айтишим шарт эмасди! У ерда капитан Фаррингтон менга кузатувчисиз юрмаслик керак деб тушунтирган эди. Балки лорд Уимэн менга ёпишиб олганига ўзим сабабчидирман, лекин шуни биламанки, ундан қутулиш жуда қийин бўляпти!

— Мен билан ҳеч нарсадан қўрқманг, хоним, — уқтирди Гай.

Карина бир кун олдинги бўлган воқеани эслаб, бирданига сергак тортди.

— Мени кечирдингизми? — сўради Гай ва Карина ўтирган ўриндикнинг суянчигига қўлини қўйиб, унга яқинроқ сурилиб олди.

Карина нигоҳини боғ томонга қаратиб: — Йўқ! — деб жавоб қилди.

— Мен билан гаплашишдан бош тортишингизга амин эдим. Кечаси билан сиздан кечирим сўраш учун қандай қилиб яккама-якка холи қолишнинг йўлини тополмай турган эдим, — деди Гай.

— Мен ростдан ҳам сиз билан гаплашишни истамаган эдим, — тан олди Карина. — Аммо лорд Уимэн мени шунчалик қўрқитиб юборган эдики, сизни кўрган заҳотим хаёлимда қисқа муддатга... менга дўст бўлиб кўриндингиз.

Гай уни биринчи бор исми билан чақириб:

— Мени кечиринг Карина, сизни асло хафа қилмоқчи эмасдим, — деди.

— Сиз графдан қасд олмоқчи бўлгансиз, шундайми? — қизиқиб сўради Карина.

— Демак, сиз буни тушунибсиз-да?! — деди Гай. — Ҳа, мен Альтондан қасд олмоқчи бўлувдим. Бунинг ўрнига эса сизнинг айбсиз кўк кўзларингизни маънос қилиб қўйиб, кечаси билан мижжа қоқмай чиқдим. Бу кўзлар ўшандан бери мени таъқиб қиляпти!

Карина жим эди... у яна гап ташлади:

— Граф сиздан жуда дарғазаб бўлгандир-а?

— Асло! У қайтанга меҳрлироқ бўлди, мисли кўрилмаган даражада меҳрли бўлди. Қарзни тўлаб беришини айтди! У юборган чекни олгандирсиз, сэр Гай?

— Олдиму йиртиб ташладим.

Карина ҳайрон бўлди ва биринчи бор унинг кўзига қаради.

— Чакки қилибсиз, бу менинг қарз олдидаги виждоним эди.



— Бу ерда виждон ҳақида гапириш ноўрин, — деди у. — Бу уятсиз одамнинг иши, сиз бундай одам билан алоқа қилмаслигингиз керак, жонгинам. Қолаверса, қисқа муддат ичида бундай катта миқдорда пул ютқазиб қўйиш мумкин эмаслигини тушунсангиз керак?

— Айтмоқчисизки... менинг ютқазимни... сиз атайин уюштиргансиз...?

— Ҳа, шундай! — тан олди Гай. — Альтон ҳам буни дарров тушунган! Мен худди шуни хоҳлагандим!

Карина шикоятмуз пичирлади: — Ҳеч нарсани тушунмаяпман.

— Агар бирор танишингиз катта миқдорда бойлик — хазина топиб олса-да, уни авайлаб сақламаса, қандай фикрга борган бўлардингиз?

— Сизнингча, бу қилмишингиздан мақсадингиз нима эканини граф тушунганми? — сўради Карина.

— Тушунганига аминман, — жавоб қилди Гай. — Биз Альтон билан ёшликдан бирга ўсганмиз, йигирма йил давомида ака-укадек бўлганмиз ва бир-биримизнинг нима ўйлаётганимизни жуда яхши биламиз!

— Унда нима учун бир-бирингизни кўролмайсизлар?

Бир оз сукут сақлаб, Гай қарши савол берди:

— Сизга мен билан гаплашишни тақиқлаб қўйишгандир, ҳойна-ҳой?

— Йўқ, мен ўзим сиз билан бошқа ўйнамасликни ваъда бердим.

— Альтон жуда олижаноблик қилибди-ку! — уқтирди Гай, кейин лабларини чўччайтириб қўшиб қўйди: — Қизиқ, у мени унчалик хавфсиз эмас деб ўйлаётимикан ёки унга барибирмикан?

Карина ҳеч нарса демай турган эди, бирданига Гай жўш уриб гапира бошлади:

— Жин урсин! Биз у билан ўзаро муносабатимизда сиздан шахмат пиёдаси сифатида фойдаланмаслигимиз керак! Биз Альтон билан душманмиз, лекин бунинг сизга алоқаси бўлмаслиги керак, чунки орамиздаги муносабат бузилганига анча йил бўлди, сиз унда ҳали ёш бола эдингиз! Мени кечиринг, Карина! Мен сизга нисбатан жуда маразлик қилдим. Аммо, сажда қилиб сиздан илтижо қиламан, мендек гуноҳкор бандани кечиринг. Сизга биринчи бор назар ташлаган дақиқадан бери сира хаёлимдан кетмаяпсиз.

— Менимча, — ажабланиб гапирди Карина, — мен билан бундай гаплашишингиз... ноўрин деб ўйлайман.

— Кечаги оқшом биз бемалол гаплашган эдик, — эслатди Гай.

— Ҳа... ҳа, унда мен сизга ишонувдим, — деди Карина.

— О, бу гапингиз билан кўксимга ханжар ургандек бўлдингиз. Мени шунчалик уялтиряпсизки, олдингизда ўзимни гуноҳкор ҳис қиляпман, хафа бўлиб гапирди Гай.

— Кеча кечаси... мен ҳам сира ухлолмаганман, шунинг учун ҳозир жуда чарчаганман... уйимга кетишим керак, — шивирлаб гапирди Карина.

— Тушунаман! — деди-да, унинг чап қўлидан ушлаб оҳиста қўлқопини торта бошлади. Кейин эса то Карина нима бўлаётганини англагунича унинг бармоқларини бирин-кетин ўпа кетди ва ниҳоят юмшоққина кафтига лабларини босди. — Сиз шунчалик ёш, айнамаган ва бокирасиз! — хириллаган овоз билан пичирлади Гай.

— Мен... кетишим керак... — пичирлади Карина.

У, қўлини ўптиришга йўл қўймаслик кераклигини яхши биларди-ю, аммо бир вақтнинг ўзида унинг қўлини ушлаб турган

кучли бармоқлар ва ўпичлардан баданида ёқимли титроқни ҳис қиларди. Йигитнинг чуқур таъсирлангани овозидан билиниб турарди.

— Бечорагинам, сиз жуда толиққанга ўхшайсиз! — майингина гапирди Гай. Унинг бу юмшоқ оҳангидан Карина йиглаб юборишга тайёр эди. — Рухсатингиз билан эрингизни қидириб қўраман, мабодо у кетишни хоҳламаса, ўзим сизни беҳавотир эсон-омон Дроксфорд-Хаусга элтиб қўяман.

Шунда Карина эрининг қаердалигини даҳшат билан эслаб қолди.

— Ростданам, граф қолишни хоҳлаши мумкин...у... вақтини чоғ ўтказаятган бўлса керак.

Гай синчковлик билан унга қаради-да, деди:

— Мен сиз учун уни топаман. Юринг, яхшиси ўзим сизни уйингизга олиб бориб қўяқолай, бу ерда ёлғиз қолдиргим келмаяпти. Хуснингиз эркакларни шунчалик ўзига ром қиладики, бамисоли шам атрофидаги парвонадек гирдикапалак бўлишяпти.

Бу гапларни айтиб, у Каринанинг юзидан кўз узмай сўзлари таъсирини пойлаб турди. Карина жим турарди, у яна илтижо қила бошлади:

— Ўтинаман, сизга қилган номардлгимни унутинг. Келинг, биринчи бор учрашган дақиқаларимизга қайтайлик, ўшанда мен сизга ҳаётимда учратган энг гўзал фаришта эканлигингизни айтган эдим. Гапларим рост, Карина, қолаверса, мен бутун умр излаган инсонсиз, минг афсус кеч топдим!

У қизнинг таъсирланганини сеза бошлади.

— Нимани... назарда тутяпсиз? — сўради Карина.

— Мен сизни севиб қолганимни назарда тутяпман, — тушунтирди Гай ва унинг бармоқларини қаттиқ сиқиб, гапида давом этди:

— Мен сизни севаман, Карина, аммо биламан, сизга бўлган муҳаббатим учун мени тепкилашлари аниқ. Шунинг учун узоқларга кетишим ва сизни бошқа кўрмаслигим керак! Лекин мен ундай қилмайман, шу ерда қолиб ўзимни азобламоқчиман. Чунки сиз мен учун дунёда энг ёқмайдиган одамнинг хотинисиз, у эса қўлларингизни нафақат ўпишга, ҳатто ушлашга ҳам лойиқ эмас.

У лабларини янаям кучлироқ ҳиссиёт билан қизнинг кафтига босди-да, кейин бирданига қўйиб юбориб, унга буйруқ берди:

— Қўлқопингизни кийинг, сизни эрингиз олдига олиб бораман!

Ҳайрон бўлган, бир оз қўрқув босиб, айна дамда ёқимли ҳаяжонланаётган Карина қўлқопини кийиб, итоаткорона Гай кетидан шийпончадан чиқиб, айвонга ва ундан уй ичкарисига борарди.

Йўлда кетатуриб, Гай сўради:

— Альтоннинг қаерда бўлиши мумкинлиги ҳақида биронта фикрингиз борми?

— Граф қимор ўйнайдиган хонада бўламан деб мени огоҳлантирган эди, лекин мен уни меҳмонхонада... дўсти билан... кўрдим, — жавоб қилди Карина.

— Ундай бўлса, сиз шу ерда кутиб туринг, — илтимос қилди Гай. — Лекин, лорд Уимэн туфайли бир ўзингизни қолдиролмайман. — Атроф-теваракка қараб, зина олдида турган иккита йигит олдига келиб, уларнинг бирига мурожаат қилди: — Лавлэйс, агар мумкин бўлса, сиздан Дроксфорд хонимни зериктирмай туришингизни илтимос қиламан, мен эса унинг эрини топиб келаман.

— Хўп бўлади, сэр, — рози бўлди жаноб Лавлэйс. У ёши каттароқ бир ёқимсиз хоним бўлса керак деб ўйлаган, шекилли, Каринани

кўриши биланоқ кўзлари яшнаб кетди ва ўтириш учун бир амаллаб стул топиб келди-да, ўзича зериктирмайдиган гапларни гапиришга ҳаракат қилди.

Гай графни қимор ўйнайдиган хонадан тополмай меҳмонхонага кирувди, у ерда унинг Сибли хоним билан жанжали авж олаётгани устидан чиқиб қолди. Сибли хонимнинг кўзларида тўфон бўлаётгандек, граф эса пешонасини тириштириб, унга нималарнидир тушунтираётган эди.

Гай уларнинг олдига келиб:

— Хоним, кечирасиз, лекин, бугунги кечада кўринишингиз жуда ажойиб, — деди.

— Ташаккур сизга, — жавоб қилди Сибли хоним. — Менинг олдимга ташриф буюрмаганингизга ҳам анча бўлди. Умид қиламанки, мен Лондонда эканимда сиз бу камчилигингизни тез орада тўғрилайсиз?

— Сиз жаноби олияларини ишонтириб айтаманки, имконият бўлди дегунча, сизга бўлган чуқур эҳтиромимни исботлаб бераман, — дея кулгига олди Гай.

Сибли хоним унга эркаланиб қаради. У анчадан бери Гайни ўзига мафтун этмоқчи бўлиб юрарди-ю, аммо Гай доим ўзини ундан олиб қочарди. Аёлнинг ўйлашича, ўзига маъқул келган оз сонли эркаклар тоифасига мансуб бўлган бу одамда қандайдир жозиба бўлиб, Сибли хоним унга турли йўсинда ошқора ноз-карашма қилишига қарамай, Гай унга бепарво қолган эди.

Гай графга қараб деди:

— Альтон, хотининг жуда чарчабди, рухсатинг билан мен уни уйига қузатиб қўймоқчиман?

Граф дик этиб ўрнидан турди.

— Хотиним чарчаган бўлса, уни ўзим уйга олиб бораман, — зарда билан гапирди граф. — Сенга эса, Гай, хотинимни тинч қўйсанг, миннатдорчилик билдирган бўлардим.

Улар иккови дивандан узоқлашишди.

— Ҳамма гап шунда-да, — секингина деди Гай, — у бир ўзи зерик-япти, Альтон, Уимэнга ўхшаган чўчқалар эса уни кўрқитишга уринмоқда.

— Уимэн? Ўша хотинбоз-а? — жаҳди чиқди графнинг.

— Худди шундай, — тасдиқлади Гай. — Ҳозиргина мен хотинингни унинг исканжасидан қутқардим. Бунга нима дейсан?

— Жин урсин! Менинг шахсий ҳаётимга аралашмагин, хўпми, — қатъий талаб қилди граф.

— Сенинг шахсий ҳаётинг мени ҳеч қачон қизиқтирмаган, — деди Гай. — Аммо хотинингга менинг ҳам алоқам бор.

— Менга шунча етказган зиёнларинг камлик қиялпими? — сўради граф. — Юборган чекимни олгандирсан?

— Тезлаштирганинг учун миннатдорман! — деди Гай. — Худди сен кутгандек, мен уни йиртиб ташладим.

— Қилиқларинг билан жонимга тегяпсан, ўлай агар! — ёқимсиз кулди граф. — Эҳтиётроқ бўлмасанг, мен сени майдонга чақираман, Гай.

— Бундай қилолмайсан, — устидан кулди Гай, — чунки мен сени ўлдириб қўйишим мумкин, Альтон. Буни анчадан бери хоҳлайман, айниқса, ҳозир.

— Нима учун айнан ҳозир? — сўради граф, қизиқишини яширолмай.

— Саволингга жавоб — бу сенинг охириги топилманг! — деди Гай. — Сен доим қидирган нарсангга эришиб бўлганингдан кейин уни мен-

симай четга суриб қўясан. Лекин шуни билиб қўйгинки, хотин — бу пойгачи от эмас отхонада ушлайдиган, сурат ҳам эмас деворга осиб қўядиган. У билан қизиқишинг бўлмаса, ўрнингга буни бошқалар бажаришади!

— Шунчалик сурбетлик қиласанми, аҳмоқ! — жони чиқди графнинг. — Индамаган сари ҳаддиндан ошиб кетяпсан! Агар бировнинг уйида меҳмонда бўлмаганимизда, бир уриб абжафингни чиқариб ташлардим.

Гай кулиб юборди:

— Бизнинг кучимиз тенг, Альтон, агар эсингда бўлса...

— Яна бир сўз айтсанг, сени уришишга чақираман, — деди граф, — муштлашишга эмас, тўппончадан отишишга!

— Биз сен билан бўғишаверайлик, хотининг эса, мени уйимга ким олиб бораркин деб, пойлаб ўтираверсин. Шунақами? — оҳисталик билан деди Гай.

— Уни ўзим олиб кетаман, сен эса бу ердан қорангни ўчир, ўзим сени йўқотмасимдан! — ўшқирди граф.

— Ундай бўлса, ёнингдаги кўркам хонимни менга ташлаб кетақол, — деди Гай ва диванга Сибли хонимнинг ёнига ўтирди. — Сен бориб, оилавий бурчингни бажаравер. Хотинингни даҳлиздан топасан.

Граф, қовоғидан қор ёғилиб, Сибли хонимга бош эгди-да, Карина кутиб турган томонга кетди.

Карина дарҳол унинг авзойи бузуқлигини пайқади.

— Тушунишимча, уйга кетишни хоҳлаяпсан?

— Йўқ, хожам... агар безовта қилаётган бўлсам... — эндигина тутилиб гап бошлаганди Карина, граф унинг гапини бўлиб эшик томонга қаради:

— Ҳозир фойтун буюраман.

Жаноб Лавлэйсга миннатдорчилик билдирар экан, Каринани бир савол қийнар эди: графга Гай нима деганикин? Нима учун у бундай баджаҳл? Энди у, била туриб икки рақибни бир-бири билан юзлаштириб қўйганига афсусланар эди. Лекин, бошқа илож ҳам йўқ эди, чунки ўзи бориб, Сибли хоним билан юзма-юз учрашолмасди.

Граф фойтуннинг бир бурчагига биқиниб олиб жим кетарди. Бир неча дақиқадан сўнг, Пикадиллидан ўтиб боришар экан, Карина эҳтиёткорлик билан гап бошлади:

— Мени кечиринг... Сизни эртароқ кетишга... мажбур қилиб қўйдим...

— Меррикнинг айтишига қараганда, Уимэн сени хафа қилганмиш. Нима бўлди?

— Лорд Уимэн менга гап отиб... у билан рақсга тушишимни хоҳлади. У, рақсни баҳона қилиб, менинг баданимга қўл теккизмоқчи эди... Ўзи шундай деди! Балки аҳмоқлик қилгандурман, аммо... мен кўрқиб кетдим!

— Сенда, жирканч одамларни ўзига тортадиган бир хислат борми ўзи дейман, — деди граф.

Унинг бу сўзлари Каринага қаттиқ ботди ва унда итоатгўйликдан асар ҳам қолмай, қарама-қаршилиқ руҳияти пайдо бўлди. Нима учун у бутун кеча давомида ўз рафиқасини ташлаб, Сибли хоним билан бўлиб, яна бунақа оҳангда гаплашиши керак экан?

— Балки, милорд, ўзингиз мени келишган, ёқимли одамлар билан таништириб қўярсиз? — савол берди у. — Ахир Лондонда мен танийдиган одамлар бармоқ билан санарли-ку?!

Бу ҳаққоний гапга граф жавоб беролмай, гапини юмшоқлик билан давом эттирди:

– Сени албатта яқин дўстларим билан таништираман, Карина. Уларни меҳмонга чақирамиз! Робертга айтиб қўяман, таклифнома-лар тарқатиб чиқади.

– Жуда яхши бўларди, менга бу гапингиз ёқди.

– Афсуски, яқин кунлар ичида сира кечиктириб бўлмайдиган уч-рашувларим кўп, – гапини давом эттирди граф, – лекин сен учун шу ҳафта ичида икки марта вақт ажратишга ҳаракат қиламан. Иста-санг, операга ҳам борамиз.

– Сизга... юк бўлишни... хоҳламайман, хошам, – мойиллик бил-дирди Карина.

– Бу бошқа гап! – деди граф. – Энди, уйланганимдан кейин секин-аста тушуняпман, хотиним Уимэн ва Меррик сингари қаланғи-қасан-ғилар билан эмас, ўзимизга мос одамлар билан мулоқотда бўлиши керак.

Улар яна бир муддат жим кетишди, кейин граф сўради:

– Меррик сенга нималар деди?

– Унга жўнатган чекингизни йиртиб ташлаганини айтди. Бу пул-ларни... сизнинг гашингизга тегиш учун талаб қилган экан.

– Буни жуда яхши тушунгандим!

– Ушанда менга тушунтириб қўйсангиз бўларди! – эридан гина қилди Карина. – Ёки мени камситиб, айбдор бўлмаган ишларим учун сиздан узр сўрашларимдан ҳузурланасизми?

– Мен бунисини ўйламабман? – деди граф.

– Худди Гайга ўхшабми? Орангиздан қандай ола-мушук ўтганини билмайман-ку, лекин икковингиз ҳам ўзаро курашингизда мендан қурол сифатида фойдаланаётганингиз аниқ. – Чуқур нафас олди Карина. – Кечаси билан мижжа қоқмай тонг оттирганимни биласизми? Ютқазиб қўйганим учун энди шунча пулни қаердан топаман, сизга нима деб айтаман, бунчалар ношудман, деб ўзимни айбдор ҳисоблаб юрибман. Энди билсам, ҳаммаси менинг айбимсиз, атайин уюштирилган экан!

– Ҳаммасига Гай айбдор, мен эмас, – тўнғиллади граф.

– Унақа бўлса, эргалаб менинг кўнглимни кўтариб қўйсангиз бўлар эди-ку, ё ногўгрими? – сўради Карина. – Тўгри, мени кўп койима-дингиз, раҳмат сизга. Лекин, айбдор қилиб, мени жинни-аҳмоқ, қиш-лоқи қизга чиқариб қўйдингиз. Йиғламоқдан бери бўлиб қолдим!

– Сен ҳақсан, Карина, – тан олди граф. – Гай билан мен сендан қурол сифатида фойдаландик. Мен сендан кечирим сўрайман, у ҳам сўрашига умид қиламан.

– Гай кечирим сўраб бўлди ва мен уни... кечирдим!

– Сен шундай оҳангда гапиряпсанки, гўё у билан дўстлигингни яна давом эттирмақчисан. Менга бу ёқмаяпти! – танбех берди хоти-нига граф.

– Илгари ҳам айтувдим, сизда дўстлар борми, демак, мен ҳам дўст орттиришга ҳақлиман! Гай сизга ёқмаслиги мумкин, лекин Лон-донга келганимиздан бери менга яхшилик қилаётган ягона инсон шу бўлади.

Шу пайт фойтун боғдаги Дроксфорд-Хаусга етиб келди, хизмат-кор эшикни очди ва қизил гиламлардан поёндоз тўшалди.

Карина катта ёруғ холга кирди ва бирданига ўзида ўнғайсизлик сездди. Йўлда граф билан яккама-якка ўтган шунча онларни жанжал-лашишга сарфлаганидан афсусланди. Ундан кўра эрига яхши муно-сабатда бўлгани фойдалироқ бўларди.

Карина графга қараб туриб, унинг нақадар келишган салобатли эркаклигига ҳаваси келди. Қора атласдан тикилган фрак, қизил бўйин-боғ ва унга тўғналган катта гавҳар тош эрига жуда ярашиб турарди.

У эндигина эри томон қадам қўйган эди, граф Ньюменга буйруқ берди:

– Фойтун кетишга тайёр турсин!

Демак, граф Сибли хоним олдига қайтиб кетмоқчи, ўйлади Карина ва энгил таъзим қилди.

– Хайрли тун, милорд, – деди у паст овоз билан ва зинапоядан юқорига чиқиб кетди. У ўзини ёлғиз, ташландикдек ҳис қилди ва негадир жуда йиғлагиси келди.

### ОЛТИНЧИ БОБ

Граф “Уайтс” клубига кирди-да, ҳеч ким гапга тутиб, безовта қилмасин деган мақсадда ошхонанинг бурчагидаги столга бориб ўтирди.

Овқат пайтида ўқиб ўтириш учун ислоҳотлар қонунига тегишли ҳужжатларни стол устига ёйди.

Эрталаб граф борган сари зерикарли бўлиб туюлаётган навбатдаги пэрлар<sup>1</sup> мажлисида иштирок этди.

Ислоҳотлар ҳақидаги қонуннинг моҳияти шундан иборатки, мамлакатда сиёсий бошқарув юқори табақадан ўрта табақа қўлига ўтказилади, монархиянинг кучи қирқилади. Бу эса ҳукуматда норозиликларни келтириб чиқаради.

Сайлов тизимидаги ислоҳотлар бироз кеч бошлангани билан, Георг IV даврига келиб оддий халқ шуни тушуна бошладики, янги бошқарув услуги ишчи ва камбағалларнинг турмуш тарзини яхшилашга олиб боради.

Эрталабдан эски пэрлардан бири графга шундай деган эди:

– Жин урсин, агар ислоҳотларни эҳтиёткорлик билан олиб бормасак, норозиликлар бошланиб кетиши мумкин.

Ҳамма катта шаҳарларда тартибсизликлар бошланган; қишлоқларда сомон бойламларини ёқа бошлашган; фермаларда батраклар хўжайинларига қарши норозилик юришлари уюштиришган; Лондонда эса сэр Роберт Пил томонидан ташкил этилган янги полиция гуруҳлари Букингем саройи ва парламент биноси олдидagi оломонни куч билан ушлаб туришарди.

Ислоҳотларнинг тарафдорлари ва душманлари туну кун граф Дроксфорд каби бетараф пэрларни ўз томонига оғдириб олишга ҳаракат қилишарди.

Бош вазир граф Грей ислоҳотларни қўлласа, ҳурмати баланд бўлган герцог Веллингтон оппозициячилар томонида эди.

Йиғилиш тугаб, тарқалишгаётган пайтда пэрлардан бири граф Дроксфорддан сўради:

– Сиз қайси қарорга овоз бермоқчисиз?

– Ҳали ўзим ҳеч бир тўхтамга келганим йўқ, – жавоб қилди у. – Лекин шунга аминманки, парламентдаги ўринларни қайта кўриб чиқиш лозим. Ўйлашимча, лорд Жон Рассел ўзининг янги конституция гоясини илгари суриб нотўғри иш қилипти.

Графнинг фикри кўпчилик пэрларнинг фикрлари билан мос келарди. Лекин, у лордлар палатаси йиғилишларида ва бир қатор учрашувларда иштирок этиб шундай хулосага келдики, ислоҳотларни амалга ошириш муаммоси борган сари кескинлашмоқда ва тезроқ бирор битимга келиш шарт.

<sup>1</sup> П э р – оқсуяклар унвони, лордлар палатаси (Англияда ҳозир ҳам бор).

Граф ҳукумат ишлари билан бўлиб, бошқа фаолият ҳақида ўйлашга сира вақт тополмасди.

Деярли ҳар кун ислоҳот тарафдорлари ёки душманлари томонидан уюштирилаётган йиғилишлар, музокаралар, суҳбатлар ва бошқа учрашувларда иштирок этишга тўғри келарди.

Граф кун бўйи нималар билан банд эканлиги ҳақида Каринага гапиришни ўйламасди ҳам, шу туфайли унинг фаолиятдан беҳабар бўлган хотини уни турли баҳоналар билан чиқиб кетиб, Сибли ёки Коруин хонимлар билан айш-ишрат қилиб юрибди деган фикрга борарди.

Клубда овқатланиб ўтирган граф, стол ёнига кимдир яқинлашаётганини пайқаб, бошини кўтариб қаради. Қаршисида отасининг яқин дўсти бўлмиш, клубнинг эски аъзоларидан бири лорд Барнаби турарди.

— Хайрли кун, милорд, — дея саломлашиб, ўрндан турмоқчи бўлди граф.

— Ўтиравер, ўелим, — деди лорд Барнаби, — Мен сени ҳоким бўлганинг билан табрикламоқчи эдим. Бу ҳақда ўтган ҳафта газетада ўқидим.

— Раҳмат сизга, милорд. Келинг ўтиринг, — деди граф.

— Йўқ, йўқ! Бемалол овқатланавер! — жавоб қилди Барнаби. — Кетишим керак. Сен билан ҳасратлашишга вақтим йўқроқ. Дарвоқе, ўзинг ҳам отчопардаги пойгага шошаётгандирсан?

Оғзи овқатга тўла графдан жавоб ҳам кутмай, Барнаби сўзида давом этди:

— Ҳарҳолда, ставкалар жаноб олийларининг фойдасига бўлса керак-а? Аслида эса ким ютиб чиқиши номаълум, чунки отларнинг қандай югуришини ҳеч ким билмайди-ку. Альтон, сенга маслаҳатим: қиморга қизиқишинг ҳақида қирол саройидагилар эшитишмасин. Хабаринг бўлса, олдинги қироллик даврида шароит бошқача эди! — дея хохолаб кулди Барнаби семиз қорнини лиқиллатиб. — Юпитер билан онт ичаман, Принни гапларимни ҳазил деб тушунган бўларди. Ҳаттоки, шахсан ўзи ҳам жон деб отчопарга борган бўлармиди? Лекин, бунақанги нарсалар ҳозирги Денгизчи қиролимизга ёт ҳисобланади. Олий даражадаги хушфёъл қироличани гапирмаса ҳам бўлади. Сенга маслаҳатим, Альтон, ҳеч қачон сирингни бой бермагин!

Граф қўлидаги пичоқ ва санчқини столга қўйди.

— Кечирасиз, милорд, нима ҳақида гапираётганингизни сира тушунолмаяман. Қандай отчопар ҳақида гапиряпсиз? Қандай пойга?

Лорд Барнабининг думбага ўхшаш пўрсиллаган юзлари ичидан кичкина кўзлари балиқникига ўхшаб катталашиб чиқди.

— Ие дўстим, ростдан ҳам тушунмаяпсанми? Ё худо! Тагин мени лақилдатаётган бўлмагин?

— Йўқ, асло, милорд. — Графнинг юзи жиддийлашди.

— Демак, жажжи хотинчанг яширинча иш қилибди-да? — деди Барнаби. — Мен уни айбламоқчи эмасман. Агар мақсадини очикчасига айтганида, сен пойгага рухсат бермаслигинг мумкин эди. Аслида, тўғри қилган бўлардинг!

Граф аста ўрндан турди.

— Нима бўляпти ўзи, тушунтириб гапиринг, милорд? — сўради у жиддийлик билан. Унинг вазоҳатини кўриб, Барнабининг юзидаги кулги йўқолди.

— Менга буларнинг сира алоқаси йўқ, азизим. Сенинг шахсий ҳаётингга ҳам аралашмоқчи эмасман. Лекин, айтиб қўяй, “Уайст” клубининг деярли ярим аъзолари ўзаро гаров боғлашган, натижасини кутиб ўтиришибди. Демак, ҳамма хабардор!

– Қандай гаров?  
– Отчопар гарови. Унда леди Дроксфорд маркиза Даунширскаяга қарши курашади.  
– Қаерда бўлади бу?  
– Рижент-Паркда.  
– Қачон?  
– Менимча, соат иккиларда! Узр, Дроксфорд, кетишим керак. Сенга ёқимсиз хабар келтирганим учун кечирим сўрайман, лекин сен бунинг бўлиб ўтишига асло йўл қўймагин. Гап кўпаймагани маъқул, ўғлим!

Лорд Барнаби кетишга шайлангунича граф унинг ёнидан ўтиб, югурганича ошхонадан чиқиб кетди.

– Хафа қилиб қўйдим-а! – пичирлади Барнаби ўзига-ўзи. – Гапир-масам бўларкан; аҳмоқлик қилиб қўйдим, шекилли – хотинининг қилиқларидан беҳабар эканини қаердан билиб ўтирибман?

Лорд Барнаби ўзига-ўзи гапирганича Сент-Жеймс-стрит томонга чиқаётганида узоқдан граф Дроксфорднинг жаҳл билан фойтунга ўтириб, жиловни ўзи қўлига олганига кўзи тушди. Отларни қайира туриб, граф Сент-Жеймс саройи тепасидаги соатга назар ташлаб қўйди. Соат икки бўлишига атиги тўрт дақиқа қолган эди.

Граф Беркли-сквер бўйлаб отларни шунақанги чоптириб борар эдики, ёнида ўтирган ҳайдовчи қўрққанидан ичида дуо ўқиб борарди. Лекин тўрт дақиқада Сент-Жеймс-стритдан Рижент-Парккача энг зотли айғирларнинг ҳам етиб бориши амри маҳол эди.

Рижент-Паркка етиб келганида, пойга бошланиб кетган эди.

Графга ёқмайдиган оқсуяк хонимлар ва цилиндр кийган ашаддий ўйинчилар қунт билан отчопарнинг нариги томонидаги пойга йўлкасига қараб туришларидан, ҳали биринчи давра тугамаганлиги билиниб турарди. Бир неча сония ўтиб, у узоқдан қора отни усталик билан бошқариб келаётган маркиза Даунширскаяни таниди.

Бу хоним чавандозликда машхур эди. Айниқса, бир пайтлари унинг эркакча сўкинишларни бемалол ишлатиши Роттен-роуда оддий ҳол сифатида қабул қилинарди. Йиллар ўтиши билан маркизанинг нафақат ташқи қиёфаси қўполлашганди, балки у жамоат орасида обрў-эътиборни ҳам йўқотган эди, уни ҳеч қаерга таклиф қилмай қўйишганди. Лекин, тан олиш керак, у ҳали ҳам моҳир чавандоз эди.

Карина унга нисбатан ҳали ёш боладек кўринарди. У икки отли пойга аравасини бошқариш учун жуда кичкина ва нозик кўринарди. Эгнидаги чавандоз аёлларнинг зангори жакети хипча белига ёпишиб турарди. Тилларанг сочларини силлиқ қилиб орқасига турмаклаб олган, пешонаси очиқ. Карина нафақат чиройли, балки оқсуяк аёллардан эди. Маркиза ҳақида эса, унинг хина билан бўялган ёйилиб ётган сочларини кўриб, бунақа таърифлаш қийин эди.

Граф Каринанинг эпчиллик билан отларни бошқараётганини кўриб ҳанг-манг бўлиб қолди. У бошқараётган икки гилдиракли фойтунни графга келтириб беришганига эндигина икки ҳафта бўлган эди. Бу замонавий, сўнгги талабларга жавоб берадиган фойтунга граф минг гинейдан ортиқ пул тўлаган.

Граф бу янги, ҳали синалмаган отларни Лондон пойгаларига қўйишга вақт бор деб ўйлаганди, отлар унинг ёнидан елдай учиб ўтганини кўриб ҳаваси келиб кетди ва ўз фойтунида қимирламасдан лол бўлиб ўтириб қолди.

– Қойилман, зоти олиялари графнинг ўзидан ҳам қолишмас экан! – ёнидаги ҳайдовчисининг гапи чалиниб қолди унинг қулоғига.



Бу мақтовни эшитиб, граф янаям лол бўлиб қолди.

Ҳар дақиқа ўтган сари у иккита хоҳишидан қай бирини танлашни билмасди: хотини пойгада бесўроқ қатнашгани учун ютқазиб шарманда бўлгани яхшими ёки янги чопқир отларда мақтанчоқ алвасти маркиза Даунширскаяни ютиб, унинг аёллар ичида ёлғиз чавандоз эмаслигини исботлаганими?

— Ҳў ана, келишяпти! — деди кимдир ва узоқдан отлар кўринди.

Тўртала от шунақанги тенгма-тенг югуриб борардики, хонимларнинг қай бири голиб бўлиши ноаниқ эди. Кейин, марра чизигига тахминан юз ярд қолганда Карина олдинга чиқиб олди.

Маркиза бақариб, хивчин билан отларни савалаб борарди. Карина эса жиловни бармоқлари ҳаракати билан бошқариб, гўё ҳузурланиб боғда сайр қилаётгандек эди. Гарчи, графнинг Каринадан жаҳли чиқаётган бўлса-да, унинг фойтунни моҳирлик билан бошқариши ва марра чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтгани мақтовларга сазовор эди.

Ишқибозлар инглизчасига қичқаришиб, голибга тасаннолар айтишарди. Ҳатто, маркиза Даунширскаяга пул тикканлар ҳам Каринани олқишлардилар.

Карина отларни секинлаштирар экан, ишқибозларнинг олқишлари қулоғига чалинарди.

— Мен ютдим! Мен ютдим! Буни эплашимни билардим! — дерди Карина.

Пойга тугагач, у ўзини ғалати ҳис қила бошлади. Маркизани ютишни истаган эди, ниятига эришди. Аммо негадир шу дамда отларни орқага буриб, голиблик мукофотини олгани бориш унга эриш туюларди.

Пойга тугаганидан кейингина “граф эшитиб қолса нима бўлади?” деган фикр унинг миясига урди. Терлаб кетган отлар аста тўхташи билан ёнгинасида бир фойтун пайдо бўлди. Ялт этиб қаради-ю, графга кўзи тушиб, юрагини муздек қўл сиқиб олгандек бўлди ва тили айланмай қолди. Утирган жойида қотганича кўрқувдан кўзини катта очиб қараб тураверди.

— Юр мен билан, Карина! — чақирди уни граф. Гапининг оҳангидан газабланаётгани билиниб турарди. — Хонимнинг фойтуини уйга олиб бор, Жеймс, — ҳайдовчисига буюрди у.

Жеймс сақраб ерга тушди, Карина унга жиловни берди ва ўзи графнинг фойтунига чиқди. Граф ҳатто кўнгил учун ҳам қўлини узатиб, унга ёрдамлашмади.

— Мен кечирим сўрамоқчиман... агар зоти олийлари... — эндигина гап бошлаган эди Карина.

— Ҳамма гапни уйда гаплашамиз, — совуқлик билан гапни бўлди граф. У ўзини зўрға тутиб турарди.

Шу чоққача ҳеч бир эркакни бундай важоҳатда кўрмаган Каринанинг кўз ўнги қоронғилашиб борарди.

У, гарчи пойгага чиқишни астойдил хоҳлаган бўлса-да, лекин ўша пайтда маркизанинг таклифига зинҳор кўнмаслик кераклигини яхши тушунарди.

Кейинги кунларда Карина деярли ҳар куни Гай билан сайрга чиқарди. Қизиқ, нима учун Гай доим граф йўқлигида унинг олдида келаркин?

Аввалига, Карина бу иккала эркакнинг тўқнашиб қолишидан чўчирди. Кейинчалик билса, Гай ҳар гал унинг ёлғиз қолишини зимдан пойлар экан.

У ҳар сафар келганида уйга кирмас эди. Ҳатто, Карина банд эканини айтса, сайрдан воз кечиб, қайтиб ҳам кетарди. Лекин, ҳаёти зерикарли ўтаётгани сабабли бўлса керак, Каринага унинг фойтунида сайрга чиқиш ёқар эди. Гай отларни бошқаришда графдан сира қолишмасди.

Гай ақлини ишлатиб, гап-сўзлардан нари бўлиш учун одамлар гавжум жойларда сайр қилмасди. Улар чет кўчалардан юриб, шаҳарнинг дангиллама уйлари жойлашган ҳудудлардан узоқлашиб, Баттерси-Паркка, Челси ва Блумзбери-Скверга, ҳаттоки Лондондан ташқарига ҳам чиқиб кетишарди. У Каринанинг дидини билиб, уни асосан пойтахт четида ўтказиладиган отлар ярмаркасига олиб борарди.

Бир куни Карина қўймасдан уни Найтсбриждаги “Таттерсоллз” аукционига боришга кўндирди. Бу ерда бадавлат одамлар отлар олди-сотдиси билан шуғулланишарди.

Гавжум жойларда гап-сўз чиқишини улар яхши билардилар. Шундай бўлса-да, Каринанинг отларга ашаддий қизиқиши уларнинг эҳтиёткорлигидан устун чиқди.

– “Таттерсоллз” ҳақида кўп эшитганман, – деди Карина.

– Ўтган ҳафта мен у ердан бир жуфт айғир сотиб олганман. Вақт ажратолсангиз, кўрсатаман, – деди Гай.

– Тезроқ кўргим келяпти, – шодланиб кетди Карина.

– Сиз, бошқа аёлларга ўхшамайдиган жуда ажойиб одамсиз! – ҳайратланиб нозик овоз билан гапирди Гай. – Ишончим комилки, олдингизга яхши от билан гавҳар тақинчоқ қўйиб қўйса, сиз, албатта отни танлайсиз.

– Сиз менга унисиниям, бунисиниям келтиролмайсиз. Лекин, менинг истагимни тўғри топдингиз! Вақти келиб, граф менга хусусий отхона қуриб берармикан, нима деб ўйлайсиз?

– Унинг ўзидан сўраб кўринг-чи? – таклиф қилди Гай.

Карина бошини чайқаб қўйди. Унинг фикрича, ҳозир графга бундай эркалик қилишнинг мавруди эмас. Аммо, у “Таттерсоллз”даги отларнинг беш-олтитасига жон деб қимматбаҳо қўйлақларининг ҳаммасини алмаштирган бўларди.

– Мана бу тойни кўринг! Жуда зўр экан! Наҳотки уни сотиб фойда кўришса? – ҳаяжон билан гапирди Карина.

Айни дамда, ёнгинасида аёл кишининг жарангдор ва гулдурос овози эшитилди.

– Жин урсин, қаерларда юрибсан ўзи, зумраша? – деб мурожаат қилди Гайга қандайдир хоним. – Ньюмаркетдаги ипподромда сени роса кутдим, қорангни ҳам кўрсатмадинг, аблаҳ. Пойга вақтида қаерга гумдон бўлдинг!

– Мени кечиринг, хоним афанди, – жавоб қилди Гай. – Рухсатингиз билан таништираман, бу аёл – графиня Дроксфорд, бу аёл эса маркиза Даунширская бўладилар.

– Графнинг ўша ёш хотини сизмидингиз? Сиз ҳақингизда жуда кўп эшитгандим! – ғалати оҳангда гапирди маркиза. Карина ҳайрон бўлди, бу – ҳушомадми ёки гайирликми?

Маркиза ўрта ёшли семиз беўхшов аёл эди, боз устига ҳаммаёғи очиқ-сочиқ қўйлак кийиб олган. Ёнида эса учта жентльмен – кўринишидан ашаддий пойга ишқибозлари.

– Мен янги фойтунига иккита от сотиб олдим, – маълум қилди у. – Гаров ўйнашим мумкин ҳар қандай зўр тулпорни ҳам йўлда қолдириб кетади.

— Яхшиси Меррик билан куч синашинг! — баланд овоз билан таклиф киритди жентльменлардан бири. — У ўтган ҳафта жуда зўр айғирлар сотиб олган. Мен уларга пул тикишим мумкин.

— Мени ҳақорат қилманг! — бақирди маркиза. — Мен яхши биланман, менинг қора тойчоқларим нафақат Меррикнинг қирчангиларини, балки бошқа олий табақадаги исталган одамнинг отларини ҳам ярим йўлда қолдириб кетади!

— Хоним, эҳтиёт бўлиб гапиринг, тагин уялиб қолманг! — деди бошқа жентльмен.

— Худо ҳаққи, гапим рост! — яна бақирди маркиза. — Ҳар бирингиз билан гаров ўйнашим мумкин! Ўтганга беш юз минг гиней мукофот. Таклифимни қабул қиласизми, Тревор?

— Йўқ, асло! — жавоб қилди жентльменлардан бири. — Мен бу ишга аралашмайман!

— Сиз-чи, сэр Гай? — сўради маркиза.

У бошини чайқаб:

— Мен анчадан бери отларимдан хабар олмаганман.

— Унда ҳаммангиз кўрқоқ экансизлар! — бақирди маркиза. — Четга қочяпсизларми? Эркакмисизлар ўзи? Мен аёл бошим билан, барчангизни ютаман. Буни ҳатто, бир қўлим билан ҳам бажара оламан. Қани, зўрингиз борми?

— Мен! — деган жавобни эшитиб, Карина бу сўзни ўзи айтиб юборганини ҳам билмай қолди. — Лекин хоним, мен атиги юз фунт тикаман. У буни маркизанинг ҳадеб мақтанаверганига гаши келиб, беихтиёр гапириб юборди.

Карина пойгада ютиб чиқишга шай эди, лекин, эрига берган ваъдасини бузгиси келмагани учун юз фунтдан ортиғига таваккал қилишга ботинолмади.

— Юз фунт?! — ажабланди маркиза. — На илож, мен арзимаса ҳам таклифингизни қабул қиламан. Балки, хоним, чавандозлик санъатингизга ўзингизда ҳам ишонч йўқдир, ажабланмаса ҳам бўлади! — дея рақибасига бошдан оёқ қараб чиқди.

Карина ҳали нима иш қилиб қўйганига ақли етмай турувди, маркиза, у билан маслаҳатлашиб ўтирмай, бирданига пойга ўтказишни эртанги кунга эълон қилиб юборди. Энди, у графдан қандай қилиб янги тулпорларини сўраб олиш йўлини излай бошлади.

Аслида, Карина пойга ҳақидаги бўлиб ўтган ҳамма гапни графга ўзи тушунтирмақчи бўлганди, аммо ўша кунни Дроксфорд-Хаусга қайтгач, ҳар галгидек Ньюмендан унинг кеч келиши ҳақида хабар олганди. Сабаби — Холланд-Хаусдаги ислохотлар юзасидан бўладиган йиғилишда ушланиб қолармиш. Бу гапга ишонмай, яна Сибли хонимга хаёли кетди.

Хуллас, Карина, граф уйда йўқми, демак, унга пойга ҳақида гапиришининг ҳам ҳожати йўқ деб, эртароқ ухлашга ётди.

Эртасига эрталаб, Карина пастга тушгунича, граф бош вазир қабулга кетиб қолди ва шу тариқа, графнинг пойга ҳақида хабари бўлмаса керак деб, ўзини тинчлантирди.

Мабодо, эшитган бўлса ҳам, ундан рухсат ололмаганининг сабабини тушунтириб берарди.

Ҳозир эса, граф билан Бейкер-стритда кетатуриб, Карина унинг қаттиқ асабийлашаётганини ва ўзининг ҳимоясизлигини яққол кўриб турарди.

Хизматкор унга аравадан тушишга қарашиб юборди ва у Дроксфорд-Хаусга кириб борар экан, ортидан келаётган графни яққол ҳис қиларди.

— Кутубхонага юр, — деди граф дўқ билан.

У асабийлашган ҳолда эгнидаги кийимларини ечиб, хизматкорга узатди. Кейин сочларини тараб, кутубхонага кирди. Хона ўрасида туриб, графнинг ўтиришга таклиф қилишини кутиб турди. Графнинг юзидаги норозилик аломатини кўриб, бундай ҳолатда унинг гамхўрлик қилмаслигига ақли етди, шекилли, муздек қўлларини ушлаб, уни ҳовуридан туширишга уриниб кўрди:

— Сизнинг... жаҳлингизни... чиқариб қўйганим учун... жуда афсусдаман!

— Ҳа, жаҳлим чиқяпти! — портлади граф. — Мендан бошқа нарса кутганмидинг? Қандай қилиб сенинг шунақанги йўл билан кенг оммага кўрингинг келди ўзи? Қандай қилиб сен бунақа номаъқул ишга қўл урдинг? Менинг насабимни кўтариб юрган хотиним устидан жамоа боғида исталган шаҳар аҳолисининг таги паст қаланғи-қасанғилари кулиб, ҳазил қилиб юриши менга ёқади деб ўйладингми? Наҳотки, юқори табақа вакили бўла туриб, сен бемаъни латифаларнинг қаҳрамони бўлишни, маст-аласт бойваччалар сенга пул тикишини, бузуқликда ном чиқарган аёл билан мусобақалашини ўзингга эп билдинг? — Граф бир оз жим бўлиб, чуқур нафас олдида, кейин сўради:

— Менинг отларимни минишга ким рухсат берди?

— Мен ўйлагандимки... сиз... қарши бўлмасангиз керак... дегандим, — пичирлади Карина.

— Қарши бўлмасангиз? — яна портлади граф. — Мен қаршиман! Ўзимга зўрға ўргатаётган отларимни олиб кетишингга қаршиман.

— Улар... пойгада ютишди! — эслатди кўзлари яшнаб Карина.

— Бунақанги пойгада исталган отлар ютиши мумкин эди, — гап талашди граф.

— Маркиза чавандоз сифатида номи чиққан аёл экан, — эътироз билдирди Карина.

— У бошқа ишлари билан ҳам ном чиқарган! — жавоб қилди граф. — Эй худо, энди мен сенга юқори табақа вакиллари ўзини қандай тутиши кераклигини ўргатишим етишмай турувди! Сенга уйланганимда таваккал қилаётганимни билувдим, аммо насли тоза авлоддан бўлганинг учун, юқори табақа аёллари ўзини қандай тутиши ҳақида озгина бўлса ҳам тушунчанг бор деб ўйлагандим! Янглишган эканман!

— Бу инсофдан эмас! — аста гапирди Карина.

— Инсофдан эмас?! — бақирди граф. — Сенингча, пойга ҳақида менга клубда айтишгани инсофданми. Агар сенинг бу бемаъни қилигинг ҳақида саройдагилар хабар топса, мени аямасдан ҳукумат ишларидан четлаштиришади!

— Йўқ, асло! — кўрқиб кетди Карина.

— Ҳа, рост айтяпман, — кескин жавоб қилди граф. — Олдинги қирол даврида бунақа ишларга эътибор берилмасди, ҳозир эса кечиринмайди. Никоҳдан ўтаётганимизда ройиш рафиқа бўламан деб ваъда берганинг эсингдан чиқдими, хотин сифатида мени уятга қолдирдинг! Янги графиня Дроксфорд ўзининг беадаблиги билан мени шарманда қиляпти!

Карина мардларча унинг кўзига тик қараб жим турарди.

— Жин урсин сени! — бақирди граф. — Гапларимни тушунмаётганга ўхшайсан-ку?!

Шундай дея туриб у норозилигини ифодалаш учун ўнг қўлини олдинга чўзувди, Карина урмоқчи деб ўйлаб қўллари билан юзини беркитиб олди.

Бу ҳаракатни у беихтиёр қилганди ва граф буни кўриб жим бўлиб қолди. Шу онда Карина унга ушоққина, ҳимоясиз бўлиб кўринди. Яна, бу воқеа графга Каринанинг отаси билан яшаган ҳаётини эсла-тиб юборди.

— Ё худо! Наҳотки мени урмоқчи деб ўйладинг? — сўради у.

Карина жим турарди. Граф дераза олдига бориб, бирпас ташқари-даги фавворага тикилиб қолди ва ҳовуридан тушганини сизди. Хотини ҳали ёш қизча эканига ақли етди. Албатта, у отларни бошқариши-ни атрофдагиларга кўрсатгиси келган; Карина голиб бўлди — чирой-ли галаба қозонди, ўзининг чаққонлигини ва чавандозлик қобили-ятини ажойиб даражада намойиш қилди.

Каринанинг овози эшитилиб қолди:

— Мен билан... бундай... гаплашиб ўтиргандан кўра... урганингиз маъқул эди...

Бироздан сўнг граф ичидаги нафратини босиб олгач, ўтирилиб, деди:

— Мен истамаган эдим, Карина... — лекин, хонада ҳеч ким йўқ эди.

Икки соатлардан кейин Карина ётоғининг эшиги тақиллади.

— Ким у? — сўради Карина.

— Кечирасиз хоним, сэр Гай Меррик келган эди, сизни сайр қилишга таклиф қиляпти.

— Унга айтинг, мен беш дақиқада тушаман, — жавоб қилди Карина.

То тайёргарчилик қилиб, зинапоядан пастга тушгунича икки ба-равар кўп вақт ўтиб кетди.

Гай отлар жиловидан ушлаб туриб, кулимсираб, Каринанинг фой-тунга чиқиб, ўрнашиб олишига ёрдам бериб юборди. Улар боғнинг шимол томонига, одам камроқ жойига йўл олишди.

— Йиғладингизми, — сўради у бир муддат жим кетаётиб.

Карина сакраб тушди, чунки бодринг шарбати ва упа билан кўз ёшлари изини йўқотганига ишонган эди.

— Нега сиз... менга... бу аҳмоқона таклифни... қабул қилишимга қаршилик кўрсатмадингиз? — илтижо кўринишида сўради Карина.

— Демак, Альтон газабланибди-да?! — деди Гай. — Мен шунисидан кўрққан эдим.

— Сиз мени... огоҳлантирмадингиз.

— Азизам, мен нима ҳам қила олардим? — сўради сэр Гай. — Айтиб юборганингиздан кейин, сўзингизни қайтариб олиш ўзингизга қийин бўларди. Мен ҳам, худди сиз каби, Альтон беҳабар қолишидан умид-вор эдим.

— Ҳа, айнан шунга мен... умид қилгандим, — таъкидлади Карина. — Лекин, у отчопарга борди... клубда кимдир унга... нима гаплигини айтган. — Карина чуқур хўрсинди-да, гапида давом этди: — Нега мен бундай аҳмоқлик қилдим? Бунинг қанчалик нотўғри эканини энди тушунапман, ўшанда эса маркизанинг мақтанишлари гашимга тек-кан эди...

Гай жавоб қилмади, то Серпентиннинг шимолий қирғоғига етиб боришгунича индамай фойтунни бошқариб кетаверди. Фурсат ўтиб, бир дарахт тагида тўхтатиб, ёнида ўтирган ғамгин нозанинга қаради.

— Карина, мен билан кетасизми?

Қиз унинг гапига ҳайрон бўлиб қараб қолди.

— Сиз...нимани... назарда тутяпсиз?

— Нимани айтаётган бўлсам, шуни-да! Агар бу менинг ўзимга боғлиқ десангиз, отларимда Джон О'Гроутсдан дунёнинг нириги

чеккасигача миниб боришингиз мумкин. Авлиё Павел черковининг томига чиқиб рақсга тушсангиз ҳам майли. Агар бирга бўлсак, Карина, нимаики истасангиз бажону дил, мен учун бу бахт ва саодат ҳисобланади.

— Қандай қилиб... мендан... бунақанги нарсаларни сўрашга... журъат этиясиз?

— Нега бунчалик ҳайрон бўляпсиз? — жавоб қилди у. — Сизни севишимни айтганман! Мен сизни чўчитиб юбормаслик учун эҳтиёткорлик билан иш тутяпман. Лекин, сизнинг бахтсизлигингизга индамай қараб туролмайман.

Карина ҳеч нарса демади, аммо юзидан ҳаяжонланаётгани кўришиб турарди ва Гай секингина қўшиб қўйди:

— Рўхсат этинг, мен сизни олиб кетаман ва севги нималигини ўргатаман. Сиз шунақанги ёш, нозик ва ҳимоясизсизки! Бундан ташқари, сиз менга кераксиз! Худо ҳаққи, кераксиз!

— Агар мен... сиз билан... кетадиган бўлсам... икковимиз ҳам гуноҳга ботамиз! — Каринанинг овози паст ва титроқли эди.

— Шу нарса сизни безовта қиляптими, жонгинам?

— Ҳа... безовта қиляпти, — жавоб қилди у. — Бу ишни қилсам... онаминг руҳи безовта бўлиб бутун умр мени таъқиб қилади...

— Онангиз сизни бахтсиз бўлишингизни истамаган бўларди, менимча. Мен сизни севаман! Шунчалик девоналарча севаманки, сизни бахтли қилиш учун жонимни беришга ҳам тайёрман!

— Керакмас... менга бунақа гапларни айтманг, — пичирлади Карина, — бу... нотўғри! Менинг... эрим борлигини жуда яхши биласиз, қочиб кетган тақдиримизда ҳам... граф ажрашиш можароси билан боғлиқ бўлган жанжалга йўл қўймайди.

— Бунинг нима аҳамияти бор? — сўради Гай. — Мен билан юринг, ачинишинг ҳожати йўқ. Чет элга кетамиз, сиз истаган жойга бориб яшаймиз. Менга изн берсангиз бўлди! Альтон сизга арзимайди.

Карина Серпентиннинг кумуш сувларига тикилганича жим турарди, кейин ғамгин гап бошлади:

— Агар мен... бунақанги беҳаёликка йўл қўйсам... ҳеч қанақанги бахт... бўлмайди ... на менга ва на сизга, сэр Гай. Мен умр йўлдошим билан битимга келишганман... у битимни бузмаяпти, мен эса... буздим!...

— Нимани назарда тутяпсиз?

— Мен унга итоатгүй, ройиш рафиқа бўлишни ваъда берганман. Энди тушуниб турирман, граф мендан жаҳли чиқиб, тўғри иш қилган экан. Риджент-Паркда одамлар олдида ҳаммага кўз-кўз бўлиб пойгада қатнашганим ақлсизлик экан...

— Жин урсин, бунинг нима алоқаси бор ўзи?! — деди жаҳл билан Гай.

— Зоти олийлари учун алоқаси бор, — тушунтирди Карина, — Дроксфорд-Паркка келган куним... мен бунақа даргоҳга... лойиқ эмаслигимни... тушунишим керак эди.

— Жуда олийҳиммат гаплар! — унинг гапини бўлди Гай. — Альтоннинг ўзи сизга лойиқ эмас, чунки сиз ҳақингизда қайгурмайди. Эрингиз сизни яхши кўрганида, сиз хатоларга йўл қўймаган бўлардингиз. Ҳақтоки, мен билан ҳам!

Ўртага бир оз сукунат тушиб, кейин Карина гап бошлади:

— Менга... қочишни таклиф этганингиз учун миннатдорман, Гай, лекин мен граф билан қолишим керак, ваъдамни бажаришим шарт! Мен... унга... ройиш рафиқа бўлишга ҳаракат қиламан. Балки, бир кун келиб бунинг уддасидан чиқарман.

– Мен нима ҳам дердим? – афсусланиб гапирди Гай. – Карина, мен сизга шунчалар талпиняпманки... Сизда менга нисбатан бирор ҳис-туйғу борми, ўзи?

Карина иккиланди:

– Балки... бу нотўғридир... менга сизнинг дўстлигингиз керак. Мана шу охириг қарай ичида сиз билан бўлган дамларимдан жуда катта қониқиш олдим. Бу ишим нотўғри эканини тушунаман, лекин графнинг ўзи менга нисбатан туйғуси йўқлиги туфайли қилган ишимдан хафа бўлмаса керак.

Гай лабларини буриб илжайди.

– Сиз унинг шахсий мулки бўлганингиз учун у норозилик билдиради! У сизни бошқаради! Сиз унга тегишлисиз! Альтон учун сиз шахс эмассиз, Карина, фақатгина Дроксфордлар мулкининг бир бўлагисиз! – кескин ва шартаки гап қилди у.

– Нега сиз бир-бирингизни бунчалик ёмон кўрасиз? – сўради Карина. – Менга гапириб беринг, илтимос! Мен буни билишим керак!

– Яхши! – кўнди у. – Сиз ҳақиқатни билишингиз шарт! – Отлар думи билан пашша ҳайдаб жойида жим туришган бўлса-да, Гай жилонни бир тортиб қўйиб гапини бошлади: – Оналаримиз дугона бўлгани учун биз Альтон билан бирга ўсганмиз. Менинг отам унчалик бой эмасди, шунинг учун мен кўп вақтимни Дроксфорд-Паркда ўтказардим.

Кейин биз бирга Итонга ўқишга кетдик, Оксфордда бир хонада яшадик. Туғилган кунларни бирга нишонлардик, ташвишларимиз ва хурсандчиликларимизни бирга баҳам кўрардик. Сирасини айтганда, биз ажралмас дўст эдик. Икковимиз ҳам ўз оиламизда ягона фарзанд бўлганимиз учун биз қондош ака-укалардан ҳам аъло, ҳатто эгизаклардек яқин эдик! – Гай сувга тикилиб гапиришидан Карина унинг орқага қайтиб, ўтмишни эслаётганини тушунарди. – Биз бирга от минардик, овга чиқардик, қиличбозлик ва бокс билан шугулланардик. Биз спорт соҳасида шу даражада тенг эдикки, қай биримиз кучлироқ эканимизни билмасдик. Бир куни, Оксфорддаги ўқишимизнинг охириги йили, мен Дроксфорд-Паркда Альтоннинг қариндоши Клеон Уорд исмли қиз билан танишдим.

Гай жим бўлиб қолди, Каринага унинг овози ўзгариб қолгандек туюлди.

– У жуда ёш эди, атиги ўн еттида, худди сиз каби ёқимтой – чиройли ва сарвқомат эди. Сизга ўхшаш томонлари кўп эди, фақатгина кўзларининг мовийлигини айтмаса.

Каринада ачиниш ҳисси уйғониб, унинг кафтига кафтини қўйди.

– Лозим топмасангиз... гапирмай кўяқолинг... – пичирлади у.

– Сизга гапиришни хоҳлаяпман, – деб давом этди: – Клеон шаддод, тентак, жиловланмаган қиз эди. Мендан кўра ёши каттароқ одам бўлса, уни жинни деб ўйлаши ҳам мумкин эди.

– У сизни... севармиди? – савол берди Карина.

– У севаман, дерди, лекин мен ишонмасдим. Агар Клеон менга осилиб, талпиниб, биз бир-биримизга керакмиз демаганида, мен унга юрагимни очмаган бўлардим. – Гай Каринанинг бармоқларини маҳкам сиқди. – Клеон Дроксфорд-Паркда бир ҳафта ҳам яшамади, мен эса ақдан озадиган даражада унга ошиқ бўлиб қолдим.

Карина чуқур хўрсиниб қўйди. Ўша аёлга нисбатан енгил рашк ҳисси пайдо бўлганди. Гайнинг кўнгли ҳали ҳам ўшанда бўлса керак деб ўйлади.

— Клеоннинг отаси лорд Уордга мурожаат этиш бефойда эканини билардим, — давом этди Гай. — У ўзига ишонган аслзода, гердайган одам эди ва албатта қизининг келажаги учун ўзидан паст табақадагиларнинг яқинига ҳам йўлатмаган бўларди.

Орадан уч ҳафта ўтиб, биз бир-биримизни севишимизни тушундик, Клеоннинг айтишича, отаси унинг герцог Уайский билан никоҳига рухсат берибди.

— Айтмоқчисизки, унга эрга тегиши керакмиди? — сўради Карина леди Мэри ҳақида эслаб.

— Лорд Уорд, герцогни ёқтирасанми, йўқми деб Клеондан сўраб ҳам ўтирмади, унга фақат никоҳга тайёргарчилик кўришни буюришди. У менинг олдимга йиғлаб келди. Клеон ўша кишига нисбатан нафрат туйғусида эди! Ҳайрон бўладиган жойи йўқ! У Клеондан йигирма ёш катта, хотинбоз аблаҳ, биринчи хотинини эзавериб, охири гўрга тиққан ифлос одам эди.

— Сиз нима қилдингиз? — нафаси ичига тушиб сўради Карина.

— Мен Клеонга бирга қочишни таклиф этдим. У кўнди. Биз Гретна-Грин<sup>1</sup>га кетиб, ўша ерда турмуш қурмоқчи бўлдик. Никоҳдан ўтиб олсак ҳеч ким ҳеч нарса қилолмасди!

— Жуда қизиқарли! — гапириб қўйди Карина.

— Лекин бундай қилишга менда йўлқирага тўлаш учун ҳам, никоҳга тўлаш учун ҳам пулим йўқ эди.

— Кейин нима бўлди?

— Режа тузиб, охириги дақиқагача кутдим, кейин Альтондан қарз олдим.

— У бердими?

— Берди. Альтон ҳеч қачон мендан пул қизганмаган, нимага эканини ҳам сўрамасди. Лекин, биз ака-укалардек яқин бўлганимиз учун пуллар менга нимага кераклигини ўзим унга айтдим.

Қисқа муддатли жимлик ҳукм сурди.

— Альтоннинг отаси томонидан огоҳлантирилган лорд Уорд биз Балдокага етганимизда ортимиздан қувиб етди! Клеонни менинг қучоғимдан додлатиб тортиб олиб кетишди, мени эса ҳушимдан кетгунимча калтаклашди.

— Лаънатилар! — бақриб юборди Карина.

— Оёққа тургунимча бир ҳафта ўтди. — хомуш овоз билан давом этди Гай. — Чалажон бўлиб бир амаллаб судралиб уйга қайтганимда “Газетт”да уларнинг никоҳи ҳақида эълонни кўрдим.

— У герцогга эрга тегдими?

— Тўйдан бир кун олдин у от миниб бўйнини синдирди, — жавоб қилди Гай ачинарли оҳанг билан. — Клеон шу даражада хушчақчақ ва ҳаётни севадиган қиз эдики, унинг ўлганига ҳеч ишониб бўлмасди!

— Бу бахтсиз тасодиф эдими?

— Оммавий ахборотда шундай эълон қилишди, лекин менинг ота-онамга яширинча хабар беришларича, Клеон ҳомиладор бўлган экан.

— Вой бечора! — даҳшат билан бақриб юборди Карина.

— Бу ҳақда мен умуман билмаган эдим, агар билганимда эди, бир батальон солдатлар йўлимни тўсганда ҳам унга эришган бўлардим. Унга ёзган хатларим очилмасдан қайтиб келарди. У билан кўришадиган бўлсам, отаси мени хивчин билан савалаши ҳақида ҳам огоҳлантиришган. Худо ҳаққи, агар билганимда ҳеч нарсадан тап тортмасдим, мени ҳеч нарса ушлаб қололмасди!

<sup>1</sup> Г р е т н а - Г р и н — инглиз қонунларига бўйсунмасдан никоҳдан ўтиш мумкин бўлган Шотландия чегарасидаги қишлоқ.



– Унинг ўлимидан кейин нима қилдингиз? – қизиқсиниб сўради Карина.

– Аламимдан жинни бўлаёздим. – дарди билан бўлашди Гай. – Яшагим ҳам келмасди. Лондонга кўчиб кетдим; қимор ўйнадим, ичдим, йигитларга мумкин бўлган барча номаъқулчиликларни қилдим. Албатта, қарзларга ҳам ботдим. Натижада онам бор бойликларини сотдилар, отам – ерларидан айрилди. Улар бўлган воқеани шармандалик деб қабул қилиб, менинг тақдиримга жуда куйиб-пишардилар. Мени флотга жўнатиб юбормоқчи ҳам бўлишди. Қарз қамоқхонаси – жуда ёқимсиз нарса экан, лекин яхши сабоқ берар экан. Аммо-лекин омад деган нарса бор экан ва уни қачон келишини олдиндан айтиб бўлмас экан. Менга ҳам омад боқиб, анча йиллардан бери эсимдан чиқиб кетган Ямайкада яшайдиган амаким ўлимидан олдин менга бир миллион фунт пулни васият қилган экан.

– Жуда кеч! – фикр билдирди Карина.

– Клеон учун жуда кеч! Жуда ачинарли бўлганди. Агар шу пуллар биз бир-биримизни севган пайтимизда бўлганидами?!... Бойлигим ўша герцогникидан қолишмаган бўлиб, отаси таклифимни рад қилолмаган бўларди.

– Ачинарли воқеа бўлган экан, – пичирлади Карина.

– Энди тушунгандирсиз, – сўради Гай, – нима учун мен Альтонни кўра олмайман ва Альтон мени кўра олмайди? Балки оилани дўстликдан устун қўйиш тўғридир, лекин у менинг ишончимни сотди!

Карина чуқур хўрсинди.

– Мана, тақдир тақозоси билан Клеонни йўқотганимдан бери уйланишга қарор қилган яккаю-ягона аёлим Альтоннинг хотини бўлиб чиқди.

– Ростданми? – ишонмади Карина. – Менимча сиз кўп аёлларни севгансиз.

– Ҳа, кўп. Улар ҳам мени севганлар. Ахир, мен сизга айтгандимку, гўзалим, ҳар қандай эркакнинг кўнглидаги идеали бўлади, сиз мен учун шундайсиз. Буни мен сизни кўрган заҳоти тушунганман. Ўшанда, бамисоли миямда чақмоқ чаққандек бўлиб, юрагимгача ёниб тушгандек бўлган. Сизни диванда ўтирганингизга кўзим тушиб: “Мен излаган аёл шу” деган фикр хаёлимдан ўтган.

– Клеон ҳаёт бўлганда бундай ўйламаган бўлардингиз...

– Ким билсин? – кулди Гай. – Ҳозир гоҳида ўйлаб қўяман: “У билан унчалик бахтли бўлолмасдим” деб. Клеон ўзбилармон ва эркатой эди, кўнглига ёққан ишни қилгиси келарди. Ёшлигига қарамай, худди Альтон сингари, ҳукмини ўтказишни яхши кўрарди.

– Ўзингиз ҳам кўп томондан унга ўхшайсиз, – ўйланиб гапирди Карина.

– Албатта, – тан олди у. – Фарқимиз шундаки, Альтон юқори лавозим эгаси, мен эса лойга қорилиб ўтирибман.

– Йўқ, бу гапингизга қўшилмайман, – қарши чиқди Карина. – Сиз, ўзингизни кўрсатмоқчи бўлган даражада ёмон одам эмассиз.

– Азизам, сиз ҳаёт ва эркаклар ҳақида жуда кам нарса биласиз, – жуда юмшоқлик билан гапирди Гай. – Янглишманг – мен ёмон одамман! Ўзимнинг бузуқлигимдан ҳузурланаман! Ана шу сабабдан қайси йўл билан бўлса-да, сизни эрингиздан олиб кетмоқчиман!

Бу гаплардан Каринани қўрқув босди. Унинг юзига синчиклаб қаради ва лабларининг чеккасида ўзига юқори баҳо берувчи одамга хос чизиқни кўрди, кўзларида эса – мақсадига эришишга қатъият бор эди.

– Йўқ...йўқ... Гай! – деди у.

– Сиз билан мен ҳақимда гап борганда “йўқ” сўзи бўлиши мумкин эмас, – инкор этди Гай.

Карина, ўзини гўё оёғи тагидан ер сурилиб, бепоён жарлик ёқасида титраб тургандек ҳис қилди.

– Йўқ... илтимос ... мен... уйга... кетишим керак! – бу қоронғиликдан қўрққан ёш боланинг овозига ўхшарди.

Гай унинг кўлини лабларига босди-да, шунақанги бир қўрқинчли қараш қилдики, буни сўз билан таърифлаш қийин эди.

– Мен сени ютиб оламан, – деди юмшоқлик билан. – Ўз оёқларинг билан олдимга келишингни пойлайман! Эсингда бўлсин, мен сени кутаман!

### ЕТТИНЧИ БОБ

Қиролнинг Аскот ипподромида кўм-кўк майсалар узра қадам босиб борар экан, граф бирданига ўйланиб қолди: Карина шу ерда бўлса керак!

Охирги пайтларда граф шунчалар банд эдики, уч ой илгари бўйдоқлигида лорд Ставерлиникида тунаб қолгани эндигина эсига тушиб қолди.

Шунга қарамай, то гулларга, ипак кўйлақларга, қуёшдан сақловчи соябонларга кўзи тушмагунча, Аскот зодагонларнинг маркази эканини унутган эди. Карина Аскот пойгаларини кўриш истагида эканлигини у эса сақлаши лозим эди. Умуман олганда, Чарльз Ставерлининг таклифидан фойдаланиб бу ерга бир ўзи эмас, доим хотини билан келса ҳам бўларди. Аммо, маркиза Дауршинскаяга қарши пойгада қатнашгани учун эридан танбеҳ эшитганидан бери Карина ундан ўзини олиб қочарди, у эса кечирим сўрашга вақт тополмасди.

Тўғри, Роберт Уэйд ташкил этадиган тушликларда у хотинини доим катта столнинг нариги томонида ўтирганини кўрарди. Шундай дамларда унинг чиройини ва келишган қоматини кўриб бир неча бор тан берган, ҳақиқатан, хотини Дроксфордлар хазинасига қўшимча бир файз олиб кирганди.

Карина унинг дўсту биродарларини ром айларди. Улар унинг уйланганини чин юракдан табриклардилар. Эркаклар ҳаваслари келиб, графнинг омади бор эканлигини тан олишарди.

Ўтган ҳафта воқеаларини эслаб, граф шуни тушундики, Карина ҳамма йиғинларда атайин у билан яккама-якка қолишдан ўзини олиб қочарди.

Ҳозирда эса, графнинг асаби бузилиб, кечалари ухлай олмаслигига бошқа сабаб ҳам бор эди. Куни кеча у лорд Ставерлиникига кечикиб келганди. Катта залга кирганида уй эгасида уни меҳмонлар билан таништиришга вақт ҳам бўлмади. Меҳмонлар орасида графнинг эски танишларидан ташқари янги одамлар ҳам бор эди. Улардан бири иккинчисига қараб гап қотди:

– Айтгандек, отлар ҳақида. Сен Меррикнинг янги тулпорларини кўрдингми? Қасам ичиб айтаманки, бу мен билган жуфтликлар ичида энг сараси.

– Гапинг тўғри, – жавоб қилди иккинчиси. Ўтган ҳафта мен уларни Кембрж-роудда кўргандим. Шлагбаум олдида ёнма-ён туриб қолган эдик, синчиклаб қарадим, улар ҳақиқатан беқиёс эди! – Бирпас жим турди-да, қўшиб қўйди: – Шунчалик беқиёски, бамисоли Меррикнинг гўзал дугонаси каби.

– Қайси дугонаси? – сўради ҳамсуҳбати.

– Илгари кўрмаганман, исмини ҳам билмайман, – жавоб қилди иккинчиси. – Аммо жуда чиройли, айниқса, унинг ноёб яшил кўзлари. Меррикнинг диди чакки эмас-а!

Бирданига ҳамма жим бўлиб қолди. Бу гапни эшитган бир неча меҳмон бир зум графга тикилиб қолишди-да, кейин кўзларини олиб қочишди. Улар Гай Меррикнинг яшил кўз дугонаси кимлигини жуда яхши билишарди ва кузатишарди: наҳотки унинг ўз хотини ва рақиб-би ҳақидаги миш-мишлардан хабари бўлмаса?

Граф ўта тарбияли ва ўзини тутта биладиган инсон эди, шунинг учун бу гапларни эшитмагандек тутди ўзини. У залдан ўтиб ором-курсига ўтирди ва яқинроқдаги меҳмонга гапирди:

– Ёмғир ёғиб юборса, қирол отчопарга бормаса керак?

– Бу баҳонага қирол хурсанд ҳам бўларди, – деди меҳмон. – Ҳазрати олийлари қимматга тушса-да, қирол от заводини сақлаб туришга мажбур, чунки қиролича отларни яхши кўради!

Граф бу гапни эшитиб кулиб қўйди-ю, лекин Карина ҳақида эшитганлари миясидан кетмасди. У беихтиёр равишда майсазорда юрган эркалар орасидан Меррикни излар эди.

Жокейлар клубининг бошқарувчиси герцог Ричмонд графни ва яна бир неча юқори табақа вакиллари қирол ва қироличани кутиб олишга таклиф қилди.

Узоқдан атрофидаги яқинлари билан қирол оиласи кўринди: ҳар бири тўрттадан отли саккизта арава, иккита фойтун, кичкина кабриолетлар ва бир неча отлар пойга йўлаги бўйлаб яқинлашиб келар эди.

Георг IV давридагидан фарқли ўлароқ, минбардагилар қирол оиласини совуққина, хурсандчиликсиз ва бепарволик билан қарши олишгаётгани граф эътиборидан четда қолмади. Улар етиб келгач, граф қирол оиласи билан кўришишга тайёр бўлиш учун минбар ортига ўтиб кетди.

Қиролнинг руҳи тетик, кўриниши хушчақчақ эди. Юзи қип-қизил, бошида кулранг сувсар терисидан тикилган қалпоқ, эгнида зангори фрак ва оқ рангли шим, хушчақчақ денгизчининг ўзгинаси эди. Қиролича эса, одатдагидек қимматбаҳо кийим-кечакда, дуру гавҳарлар билан безанган эди.

Улар кутиб олувчи вакиллар билан қўл бериб кўришиб, қирол ложасига бориб ўтиришди.

Шинамгина қирол ложасида ичкаридан туриб граф қироличани гапга тутди, кейин бироз нафасини ростлаб олгач, қирол Вильгельм билан гаплашиш учун ўтирилди. У қўпол ва очиққўнгил чолларга ўхшар эди. Қирол Аскот отчопарига янги лавозимда биринчи бор келиши ва шу сабабли бундан кўра дурустроқ, тантана билан кутиб олишлари лозимлигини уқтирди. Бу билан унинг ўзига оро бераётгани билиниб турарди. Айни дамда у янги ҳаётидан жуда мамнун эди.

Граф улар билан мулоқот давомида, қиролнинг Дроксфорд-Паркни кўриш иштиёқида эканини ва у ердаги хазиналар билан танишмоқчилигини англади. То биринчи пойгачилар гупирлашиб қирол ложасига яқин жойлашган марра чизигидан кесиб ўтмагунга қадар у пойгага эътибор ҳам бермаётган эди.

– Ким ютди? Ким ютди? – сўради қирол, худди қизиқадигандек.

– Герцог Девонширский, жаноб олийлари, – хабар берди граф.

– Хурсандман! – жавоб қилди қирол. – Зўр экан! Яқиндагина қиролича уни жуда келишган ва савлатли деб мақтаган эди. Ҳақиқатан шундай экан. Мен ҳақимда бундай гапларни гапирмайди, тўғрими? – қирол қаттиқ кулиб юборди ва кетидан чуқур йўтала бошлади. Кейин

пойга дастурини олиб қаради. — Пойгада менинг отларим ҳам борми? — Қизиқсиниб сўради у.

— Агар янглишмасам, кейинги гуруҳда сизнинг отларингиздан бири қатнашади, — жавоб қилди граф.

У қўлидаги дастурини очаётганида қирол гапириб қолди:

— Кўряпман граф, рафиқангиз сизга қарши от қўйибди! — деди у. — Қойилман! Икковингиздан қайси бирингиз ютсангиз ҳам мукофотни ўртада бўлар экансиз-да?

Қирол яна кулиб юборди, граф эса дастурдан бошини кўтаролмай кўзларига ишонмасди. У ерда ёзилишича: “Мерлин лақабли от графиня Дроксфорд томонидан қўйилган, мураббий Нат Тайлер, чавандоз Жим Тайлер”.

— Бу қандайдир англашмовчилик... — эндигина гапира бошлаган эди граф, сўзлари томоғида тиқилиб қолди.

Жентльменлардан бири қирол олдига келди:

— Ҳазрати олийлари, отхонага боргингиз келяптими, кейинги гуруҳга қўйилган отингизни кўрсатамиз?

— Ҳа, ҳа, албатта! — жавоб қилди қирол. — Юринг, Дроксфорд, отимни кўриб келамиз. Уни ютишга қайси бирингизда имконият кўпроқ: сиздами ёки рафиқангиздами!

Яшил майсазор узра боришар экан, қиролнинг гапи ҳеч тугамасди, йўлда учраган хонимлар эгилиб, жентльменлар эса бошидан қалпоғини ечиб қиролга таъзим қилишарди. Шу тариқа отхонага етиб боришди.

Ана шу ерда граф Каринани кўриб қолди! Бир дақиқа кўзларига ишонмай турди. Бу унинг рафиқаси — бамисоли чиройли атиргуллардан тузилган гулдастанинг ўзгинаси.

Худди сезгандек, у ҳам граф томонга ўгирилиб, унга кўзи тушди. Қандайдир дақиқада у қочишни ҳам хаёлига келтирди, кейин эса ҳаяжонли қараш билан унга яқинлашди.

Карина эрининг қирол билан бирга эканини билмасди ва графга яқин келганида қирол атрофидагилар билан саломлаша туриб унга кўзи тушиб қолди.

— Сизнинг рафиқангизми, Дроксфорд? — сўради у.

— Ҳа, ҳазрати олийлари. Ижозатингиз билан таништирай?

— Албатта, албатта! — жавоб қилди қирол ва танишишнинг қонунқоидаларига риоя қилиб ўтирмай қўлини узатди, Карина довдираб қолди.

— Сиз билан танишганимдан хурсандман, Дроксфорд хоним, — деди қирол. — Эрингизни анчадан бери танийман! Турмуш қурганингизни эшитдим! Қиролича ҳам сиз билан танишишни истайди. Ҳозир эса менга отингизни кўрсатинг ва нима учун спортда эрингиз билан беллашмоқчи эканингизни тушунтириб беринг. Менинг билишимча, у бу соҳанинг ўта билимдони.

Карина кўрқув билан эрига назар солиб қўйди ва унинг сокинлигини кўриб, қирол ёнида саволларга жавоб бериб бораверди:

— Ҳазрати олийлари, мен отимни пойгага қўйганимда, эрим ҳам шу пойгада қатнашишини билмаган эдим.

— Ҳа, майли, ишонаманки, менинг тулпорим икковингизникидан ҳам зўр чиқади! — Қирол баралла кулиб юборди. — Нима деб ўйлайсиз, хоним?

Карина бироз каловланиб, кейин очиқчасига жавоб қилди:

— Мен бундай деб ўйламайман, ҳазрати олийлари.

– Ҳм... сиз бундай ўйламайсизми? – сўради қирол. – Нима учун?

– Мен балки янглишаётгандирман, ҳазрати олийлари, лекин фикримча, Қирол Тожининг ҳозирги ҳолати юқори даражада эмас.

– Юқори даражада эмас?! – ажабланиб гапирди қирол. – Нима сабабдан бундай фикрдасиз?

Карина графнинг хўмрайганига кўзи тушиб, ноўрин гапириб қўйганини билди.

– Бу фақатгина менинг аҳмоқона фикрим, ҳазрати олийлари, – тушунтирди у. – Илтимос, гапимга эътибор берманг, мен янглишган бўлсам керак.

– Майли, қани отимга бир назар ташлайлик-чи, – таклиф қилди қирол.

Улар отлар айланаётган майдончага боришди. Граф дастурга қараб Каринанинг оти олтинчи рақамда эканини кўрди ва отлар орасидан уни топиб, кулиб юборишига сал қолди.

Суяқдор, бўйни узун, кўриниши беўхшов бу жонивор атрофидаги бошқа зотдор тулпорлар тўдасига сира ярашмасди. У хотинининг ўзбошимчалигидан ҳалигина жаҳли чиқаётган эди, энди эса унга раҳми кела бошлади.

Граф Каринанинг отларни жуда яхши кўришини биларди, – буни у тўй арафасида Дроксфорд-Паркдаги отхонани кўришни илтимос қилганида исботлаганди. Лекин у бу даражада беўхшов, зоти номаълум от сотиб олиши мумкинлигини ўйламаган эди.

Қирол Карина билан суҳбатини давом эттирарди, у эса қирол олдида ҳаяжондан ҳамон каловланиб хаёлини бир жойга тўплай олмасди.

Граф жаҳдан тушди ва хотинига кутилмаган совға қилишга қарор берди! Унинг истагини бажариб, шахсий отхона яратиб беришни ўйлаб қўйди.

У шахсий мураббийсига бир жуфт зотли отлардан танлаб қўйишни буюрди, мана бунақанги бесўнақай, пойганинг ярмига бормай чўзилиб қоладиганидан эмас. Ҳойнаҳой, буни Карина чўнтагидаги бор пулига олган бўлса керак.

Граф Каринага эътиборсизлик қилиб, уни Аскотга ўзи олиб келмаганидан афсус чекди. Энди у айбини ювиб, хотинига нисбатан олижаноблик қилишни мақсад қилиб қўйди, токи у Англиянинг энг катта пойгасига шунақанги беўхшов жониворни қўйганини тушуниб, бошқа аҳмоқлик қилмасин.

– Менинг отим қаерда? – сўради қирол.

– Мана, Қирол Тожи, ҳазрати олийлари, – кўрсатди Карина тинч турмаётган отни кўрсатиб.

Граф отни синчиклаб кўриб чиқди. Отнинг сифати ҳамма талабларга жавоб бераётгандек эди-ю, лекин нимасидир унга ёқмай, жавоб беришга ҳам шошилмади.

Балки Карина ҳақдир, жониворнинг ҳолати унча яхшимасдир, лекин Каринадан ўзга қайси содда инсон мамлакат ҳукмдорига бундай дея олади?

Чавандозлар эгарларни эгаллай бошлашди. Граф мураббийси томонга қараб йўл олди ва Каринанинг катта бесўнақай жонивори олдида кетаётганига кўзи тушди. От устида кичкина, кўримсиз чавандоз ўтирарди.

– Биз рақиб сифатида ҳазрати олийларини кўрамиз деб ўйлагандик, – деди мураббий.

– Бу ҳақда ўйлама, – деди граф.

Мураббий кулиб қўйди:

– Тўғри айтасиз, милорд. Лекин, бу Ирландия отларидан ҳар нар- сани кутиш мумкин.

– Ирландия отлари? – қайта сўради граф, қошларини чимириб.

– Ҳа, хўжайин, ирландияники ва Нат Тайлер...

Қирол графни чақириб қолиб, у Каринанинг мураббийси ҳақида- ги гапни охиригача эшитолмай қолди ва ҳукмдор олдига югуриб борди.

– Мен ютуққа пул тикмоқчиман, – деди қирол. – Юринг ложага қайтамиз, Дроксфорд хоним, сиз ҳам биз билан юринг.

– Ташаккур, ҳазрати олийлари, бу мен учун катта илтифот, та- бассум билан жавоб қилди Карина. Унинг бу табассумига ҳатто аёл- лар билан унча иши бўлмайдиган қирол ҳам асир бўлганди!

– Энди, сиз менга қайси жониворга пул тикишни айтиб беринг, – илтимос қилди қирол Каринадан. – Биласизми, мен пул ютқазини ёмон кўраман! Қирол Тожининг ютиб чиқишига ишонсам бўладими?

– У албатта пешқадам, тезчопар, етакчи, ҳазрати олийлари, – жавоб қилди Карина, – шунинг учун кўп ишқибозлар Аскот отчопа- рига биринчи қўйган пойқадамнингиз қутлуғ бўлишини хоҳлаб, унга пул тикишса керак.

– Наҳотки? Жуда илтифот қилишган бўларди! – суюниб кетди қирол. – Бошқалар менинг отимга тикишса, демак, мен ҳам шундай қиламан.

– Ҳар эҳтимолга қарши, зоти олийлари, – ҳеч қандай иккиланиш- сиз маслаҳат берди Карина, – менинг отимга тикишни истамайсиз- ми? Менимча, ютуқ ҳам катта чиқса керак, чунки фарқи ўнга бир.

– Ўнга бир! – ҳайратланди қирол. – Маблағ тўплашнинг яхши йўли экан-а, нима дедингиз Дроксфорд?

Граф жавоб қилмади. Унинг калласида биргина хаёл: Каринани бу аҳмоқликдан қандай тўхтатиб қолса бўларкин? Ахир, кимсан, қиролга охириги ўринни эгаллайдиган отга пул тикишни тавсия қилмоқлик ақлга сиғмайдиган нарса-ку!

Қиролича гофмейстери лорд Хоу қирол довини тикди.

Каринани қироличага таништиришди. Қиролича мамнун бўлиб, уни Виндзор саройида меҳмон бўлиб турган синглиси герцогиня Саксен-Веймар билан таништирди.

– Умид қиламанки, Дроксфорд хоним, бугун эрингиз билан биз- никида тушлик қиласиз, – деди мулойим овоз билан қиролича.

– Бу бизга билдирилган катта илтифот, ҳазрати олиялари, – жа- воб қилди Карина ва графга қараб қўйди. Граф дарҳол ёрдамчисини Дрокс-форд-Хаусга Каринанинг қимматбаҳо кийимлари ва тақин- чоқларини олиб келиш учун юборди.

Граф хотинининг кўзларидаги саволни тушунганини билдириб, аста бошини қимирлатиб қўйди, Карина эса унга табассум билан жавоб берди. Эр-хотин ўртасидаги бу ҳолат қироличанинг эътибори- дан четда қолмади ва у Каринанинг қўлига кафтини қўйиб, деди:

– Бахтли эканингиз кўриниб турибди. Табригимни қабул қилинг, хоним, эшитишимга қараганда турмуш қурганингизга унча кўп бўлмади.

– Пойга бошланди! – бақирди кимдир ва ҳамманинг эътибори кураш майдонига қаратилди.

Карина, ўзини тутиб туролмай олдинги қаторга ўтиб олди, бар- моқларини занжир қилиб олиб кўзларида ҳаяжон билан пойгани томо-

ша қила бошлади. Граф эса унинг хатти-ҳаракатларини зимдан кузатарди.

Пойга натижаси Каринани хафа қилиб қўйиши аниқ эди. Шунинг учун унга далда бўлиш учун ёнига келиб, деди:

– Сенга омад тилайман, Карина.

– Раҳмат, – жавоб қилди у кўзини майдондан узмай.

– Мерлин ютқазиб қўйса, жудаям хафа бўлмагин, – маслаҳат берди граф. – Кейинги сафар ўзим сенга ёрдам бераман. Сенинг хабаринг бўлмаса керак, мени отларнинг тилини тушунадиган мутахассис деб билишади. Наҳотки, ўзингни мендан ҳам зўр билади деб ўйла-япсан?

– Менинг режам амалга ошишини биламан, – гапни бўлди Карина. Граф кулди-да, дурбиндан пойгани кузата бошлади.

Иккита от олдинга ўтиб олди-да, кейин уларнинг бири ҳолдан тойиб, пойгадан четга чиқди.

– Жин урсин! – ажабланди граф. – Бу, ахир Қирол Тожи-ку. Нима бўлганикин ўзи?!

– Мен айтувдим-ку, унинг аҳволи яхши эмас деб, – эслатди Карина.

– Унда, нега уни пойгага қўйишди? – секингина сўради граф.

Карина уни эшитмасди. Унинг кўзи аста-секинлик билан яқинлашаётган ўзининг бесўнақай отида эди.

Мерлин лорд Дерби ва герцог Ричмонд отларидан олдинга ўтиб олди. Энди у Ниначи лақабли от билан тенгма-тенг югуриб борарди. Ниҳоят, ундан ҳам ўзиб кетди ва биринчи ўринга чиқиб олди! Шубҳага ўрин йўқ – беўхшов жонивор устидаги бамисоли маймун каби ҳеч ким танимайдиган кичкинагина Жим Тайлер билан олдинда борар эди. Манзилга атиги йигирма ярд<sup>1</sup> масофа қолган эди.

Кейин, томошабинларнинг ҳайратдан бараварига қичқириб юборган овозлари остида Мерлин манзил чизигини биринчи бўлиб босиб ўтди!

– Ё худо! У ютди! – ўзи билмаган ҳолатда бақириб юборди граф.

– Мен айтувдим-ку, ютади деб! – жарангдор овоз билан тўлқинланиб гапирди Карина. – Юринг, юринг тезроқ! – деди-да, пастга югуриб кетди.

Граф уни ёлғиз қолдирмаслик учун ортидан кетди.

Карина майдонда оломон орасида гўё учиб бораётгандек эди. Граф унинг кетидан югуриб, етиб ололмасди.

– Биз ютдик, Нат! Ютдик! – бақирарди Карина мураббийга қараб.

– Ҳа, хоним, ютдик! – жавоб берарди мураббий.

– Уни қай гўрдан топдинг ўзи? – сўради граф.

– Барнетдаги отлар ярмаркасидан, – жавоб қилди у. – Мен уни кўрган заҳоти яхши отлигига ишонгандим, тўғрими Нат?

– Ҳа, хоним, – тасдиқлади мураббий.

– Табригимни қабул қилинг, – қўлини чўзди граф кичкина чавандозга.

– Раҳмат, милорд. Ниначини ютганимиз учун биздан хафа эмас-мисиз?

– Йўқ, сира хафа эмасман, – кулди граф. – У учинчи ўринни эгаллади. Аслида, мен уни ҳам ютади деб ўйламаган эдим.

Ҳаяжондан тўлқинланиб кетган Карина шу даражада ёқимли эдики, ҳамма унга ва номаълум фолибга қизиқар эди. Фолиблар атрофида

<sup>1</sup> Я р д – Англияда қабул қилинган узунлик ўлчов бирлиги (1 ярд 0,91 метрга тенг).

тўпланиб кетган оломон ортидан Каринадан кўзларини узолмай лорд Уимэн қараб турар эди.

Озгина вақт ўтиб, лорд Уимэн орқасига ўтирилиб қаради ва бир хонимга кўзи тушди.

– Сиз билан қаердадир кўришганмиз, хоним? – ишонқирамай сўради у, кейин бирданига: – эсладим, Фелицита Коруин хоним! Сизни граф Дроксфордникида кўрганман!

Коруин хоним боши айланиб ўтириб қолди.

Лорд Уимэн унинг қўлқоп кийган қўлини ўпиб, секингина деди:

– Менимча, Коруин хоним, биз сиз билан биронта тинчроқ жой топиб, суҳбатлашиб олишимиз керак.

Карина граф билан биргаликда қирол томонга йўл олишди.

– Ҳойнаҳой, Аскотга бир ўзинг келмагандирсан? – қизиқсиниб сўради граф, хотинига зинапоядан чиқишга ёрдам бераркан.

– Йўқ, албатта, – жавоб қилди Карина. – Мен Гарриет Кортни ва унинг эри билан бирга келдим.

– Хайрият, ўзингни жамиятда қандай тутиш кераклигига риоя қилиб иш тутибсан! – ҳазиллашиб деди граф.

Карина унинг ҳазиллашаётганини билса-да, тан олди:

– Пойгани ўтказиб юбормаслик учун, зарурият бўлса бир ўзим ҳам келаварардим. – Кейин, бироз жим туриб, деди: – Мен яна иккита от сотиб оламан. Бунга энди ҳаққим бор, ўнта олишга ҳам ҳаққим бор!

– Қанча пул ютдинг ўзи? – қизиқсиниб сўради граф юзида табас-сум билан.

Карина бирдан кафти билан лабларини беркитди.

– Вой, эсим кўрсин! – бақириб юборди у. – Худо ҳаққи, эсимдан чиқиб кетибди! Мени кечиринг, хаёлимга сира келмабди! Кечиринг... бу хатони бошқа такрорламайман!

– Нима деяпсан? Қанақа хато? Нима эсингдан чиқибди ўзи? – ҳеч нарсага тушунмай сўради граф.

– Мен ахир сизга ҳеч қачон юз фунтдан ортиқ пул тикмайман деб ваъда бергандим-ку! – тушунтирди Карина. – Лекин, Мерлин голиб бўлишига астойдил ишониб, кўп отлар сотиб олиш ниятида катта пул ишлаб олишга қатъий қарор қилган эдим.

– Қанча пул қўйгансан, айт? – сўради граф.

Карина кўзларини олиб қочиб, киприкларини титратиб: – Минг фунт, – деди.

– Минг фунт?! – қайта сўради у. – Бу билан сен ўн минг фунт ютдим демоқчимисан? Бунча пулни кимга ишониб тикдинг?

Бу Карина энг кўрқадиган савол эди, лекин иккиланса-да, тўғриси-ни айтди:

– Сэр... Гай... У... бу ишни таклиф этди, унинг бойлигини билганим учун мен рози бўлдим.

– Ютқазиб қўйганингда у билан қандай қилиб ҳисоб қилган бўлар эдинг? – қизиқсиниб сўради граф овоз пардасини ўзгартириб.

– У чексиз муддат кутишга рози бўлганди, унгача эса бирор чорасини топган бўлардим. Лекин, Мерлин ютиб чиқишига қатъий ишонганман!

– Ҳеч ким бундай ишонч билан гапириши мумкин эмас... – сўз бошлаган эди граф, унинг гапини бўлиб юборишди.

Бу Фредди Фаррингтон эди, у Каринани табриклагани келганди.

– Сиз ака-ука Гриммлар эртагидан ташриф буюрган маликанинг ўзгинасисиз, – мулозамат қилди Фаррингтон. – Бу ҳақиқий сеҳргарлик!



Граф Каринага эслатиб қўйди:

— Биз Кортни хонимни топиб, икковимиз бирга кетишимизни айтиб қўйишимиз керак.

— Сиз ҳар доимгидек, Ставерлиникига жойлашдингизми? — сўради Фредди Фаррингтон.

— Ҳа, лекин қирол билан тушлик қилиб, кейин Лондонга қайтамиз, — деди граф.

— Мен кийимларимни қаерда алмаштираман? — сўради Карина.

— Лорд Ставерлининг уйдан фойдалансанг, у бениҳоя шод бўлади, — жавоб қилди граф.

— Бугунги кун мен учун ниҳоятда ҳаяжонли бўляпти, — деди Карина Фредди Фаррингтонга. — Аввал пойгада ютдим, энди эса қирол билан тушликка бораман! Бунақасини ҳатто тушда ҳам кўрмаганман.

— Мени айтди дейсиз, сиз у ерда ўлгудек зерикиб қоласиз! — огоҳлантирди Фаррингтон.

— Ҳафсаламни олдиндан пир қилишга уринманг, — деди Карина.

Граф ва графиня Дроксфордлар соат етиларга яқин Виндзор саройига келишди. Каринанинг эғнида челларига нозик ҳошиялар тикилган, ёқаси кўтарилиб турадиган, майда олмос тошлар билан безалган оқ атлас кўйлак. Сочларига катта олмос тўғнағич қадалган, жажжи қулоқларида бриллиант зирақлар тақилган, билакларида оғиргина билакузуклар.

Тилларанг идишлар билан безалган катта стол атрофида чамаси қирққа яқин меҳмон жойлашган.

Каринанинг ёнида граф Грей ўтирарди ва бундан фойдаланиб у графиняга ислоҳотлар, ҳужжатлар ҳақидаги саволларга ёғдириб ташлар ва ҳамма саволларига батафсил жавоблар оларди. Бироздан кейин Карина, бу гаплар эрига етказиш учун гапирилаётганини англай бошлади. Афсуски, бош вазир Каринанинг эрига таъсир ўтказолмаслигидан беҳабар эди.

Озгина фурсатдан сўнг қирол таклиф киритди:

— Юринглар, юринглар, — деб меҳмонларни чақирди. — Аёлларга Авлиё Георгий ҳамда рақс залларини кўрсатмоқчиман. — У ўнг қўлини маркиза Тавистокскаяга ва чап қўлини Каринага узатиб, табассум билан уларни хонадан олиб чиқиб кетди.

Кўпсонли меҳмонлар уларнинг ортидан чиқишди ва қирол ташриф буюрганларга Ахиллеснинг олтин қалқонини, биллур идишларни, соф олтиндан ишланиб, гавҳар ва лаъл билан безатилган катта йўлбарс калласини кўрсатди.

Карина учун булар жуда қизиқарли эди. Улар мезбонлар билан илиқ хайрлашиб, қирол қароргоҳидан чиқиб, Лондонга йўл олишганидан сўнг, ниҳоят Карина граф билан яккама-якка қолганини ҳис қилди.

У эрига чўчиброқ назар ташлаб, унинг чиройли эркак эканини ўйларди ва кайфияти яхши эканига умид қиларди.

— Вақтни яхши ўтказдингми? — сўради граф.

— Шунақанг яхшики, сўз билан айтиб бўлмайди, — жавоб қилди у. — Сарой, ундаги хазиналар... жуда таъсирландим!

— Сен қиролда яхши таассурот қолдирдинг, — деди граф. — У дилбар аёлларни яхши кўради!

— Мени дилбар аёл деяпсизми? — оҳиста сўради Карина.

У жавоб қилмади, қоронғида юзининг кўринишини ҳам билиб бўлмасди.

— Мерлин учун жаҳл қилмаганингизга раҳмат. Мендан жаҳлингиз чиқиб кетади деб кўрққан эдим.

– Нега менга айтмадинг?  
– Менга пойгада қатнашишни тақиқлаб қўясиз деб ўйлагандим.  
– Мерлинг келсак, сен ҳақ бўлиб чиқдинг, мен эса хато қилган эканман, – тўсаттан тан олди граф. – То унинг югуришини кўрмагунча сен нотўғри танлагансан деб ўйладим. Узоқни кўра билиш қобилиятинг олдида сенга тан бераман, Карина.

– Энди, устимдан кулишни бошляяпсизми, – деди Карина. – Менинг омадим келди, холос. Агар ўз пулларимга отлар сотиб олиб, уларни кўпайтирсам, қарши эмасмисиз?

Граф бироз жим туриб, кейин гапирди:

– Сен бундан баҳра оладиган бўлсанг, мен сенга хусусий отхона қуриб бераман. Лекин, Карина, сен менга ваъда беришинг ва уни бажаришинг керак.

– Қандай ваъда? – хавотирлана бошлади у.

– Сен Меррик билан учрашишни бас қиласан.

Карина индамади.

– Шу пайтгача индамадим, – давом этди граф. – Лекин, одамлар орасида гап тарқала бошлаган, мен бунга чидаб туролмайман.

– Агар мен ҳам дўстлар орттиришга ҳаққим бор десам-чи? – бошлади Карина.

– Бу гапни илгари ҳам эшитгандим, – гапни бўлди граф. – Менга ваъда беришингни истайман, Карина.

– Ваъда бермасам-чи?...

Қисқа жимликдан сўнг:

– У ҳолда менинг талабларимни бажаришга сени мажбур қиламан, – шартта гапирди граф қатъий оҳангда.

Карина яна қизиқиб сўради:

– Нима қиласиз...айтинг?

– Мен ҳали бу ҳақда ўйламадим, – жавоб қилди у. – Аммо, биринчидан сенга аёл дўст топиб беришим мумкин, у сени кузатиб юриши учун, иккинчидан, сени Дроксфорд-Паркка қайтариб юборишим мумкин. У ерда бир ўзинг албатта зерикасан, ёнингда ҳеч ким бўлмаганидан кейин. Айниқса, боланг бўлмаганидан кейин!

У бехосдан ваҳимага тушди ва паст овоз билан:

– Менга...қандай қилиб... бунақа гапларни... гапиряпсиз?

– Меррик сени ўзига ром қилиб олдимми? – сўради граф.

– Нимани... назарда... тутяпсиз? – тутилиб сўради Карина.

– Нимани назарда тутишимни яхши биласан, ўзингни гўлликка солма! Мен унинг қилиқларини яхши биламан! У сени ўпдимми?

– Йўқ! Нима деяпсиз ўзи? – ажабланиб гапирди Карина. Чунки у ҳақлигини яхши биларди.

Бироз жимликдан кейин граф ўзини бошқача тута бошлади:

– Карина, сен билан кўпол гаплашиш истагим йўқ. Айнан шу масалада сен менга бўйсунинг лозим, ваъда бериб айтаманки, бошқа исталган масала юзасидан сенга нисбатан софдил ва олижаноб бўламан. Сенинг Меррик билан дўст бўлишинг менга салбий таъсир қиладиган нарса. Менга у билан бошқа кўришмаслик ҳақида сўз бер, шунда бизнинг муносабатимиз жуда яхши бўлади.

Карина жим ўтирарди. Графнинг гапларидан илиқликни сезди, шеклли, ундан хафа ҳам бўлмасди, кўрқмасди ҳам. Унинг бу ҳолати олдинги совуқ муносабатларидан кескин фарқ қиларди, шунинг учун унинг илтимосини рад этиш ноинсофлик бўларди.

– Менга Гай билан орани очиқ қилиш учун бир марта учрашишга рухсат берсангиз, шундан кейин ваъда бераман, – деди паст овоз билан Карина.

– Майли, – олижаноблик билан рухсат берди граф. – Фақатгина одамлар орасида эмас, ҳеч ким кўрмайдиган жойда учрашинглар. Шундоқ ҳам гап-сўз кўпайиб кетган.

– Раҳмат... сизга.

У Каринага қўлини узатиб, деди:

– Кел, бунақанги аҳмоқона тушунмовчиликларга чек қўййлик. Юрагингга кўрқув солувчи золим бўлишни хоҳламайман, Карина. Келажакда ўзимни бундан ҳам яхшироқ тутишга ҳаракат қиламан!

Карина тортинчоқлик билан унинг кафтига қўлини қўйди.

– Биргаликда ҳаракат қиламизми? – эркалаб сўради граф.

Карина ичида титроқни ҳис қилган ҳолда жавоб қилди:

– Ҳа... майли...

– Энди, ўтган ҳафтадан бери мени қийнаётган савол ҳақида гапириб бергин, – сўради граф. – Фойтунни бунақанги эпчил бошқаришни қаердан ўргангансан?

– Балки сизга жавобим ёқмасдир-ку, лекин, отам мени бир тийинсиз қолдирганида, мен... отхонада ишлаб пул топганман, – ёқинқирамай гапирди Карина.

– Отхонада?! – ҳайрон бўлди граф.

– Фақатгина, хаёлингиз бошқа томонга кетмасин, масалан, мижозларни айлантириб юрган экан деб ўйламанг, – тушунтирди у. – Мен ёввойи, минилмаган отларни ўргатиш билан шуғулланардим.

– Ёввойи отларни?! – ҳайрон қолди граф. – Наҳотки, кутилмаган ҳунарларингнинг чеки бўмаса, Карина? Бир қараса, дарахтдан сакраб тушасан, бир қараса кутмаган ҳолда пойгада ютиб чиқасан, энди эса ёввойи отларни минганинг ҳақида гапиряпсан! – бирданига хахолаб кулиб юборди. – Ёввойи отлар-а! Оҳ, Карина, сен беқиёссан, сени ўзгартириб бўлмайди!

### САККИЗИНЧИ БОБ

Карина Роберт Уэйд ишлайдиган хонага кирди.

Роберт Уэйд уни кўриши биланоқ дик этиб ўрнидан турди-да:

– Хайрли тонг, Карина, – деб саломлашди.

– Хайрли тонг, Роберт.

– Аскот пойгасидаги галабангиз билан табриклайман, – деди Роберт. – Пойга жуда ҳаяжонли ўтган бўлса керак-а!

– Жудаям, – кулди Карина. – Эвазига хошам менга янги отхона қуриб бермоқчилар. Кейинги ойда учта от билан шуғулланаман, йил охиригача эса отлар сони ўнтага етади!

Роберт Уэйд унинг ҳаяжон билан гапиришини кулиб кузатарди.

– Қўрасиз, бу жуда қимматга тушадиган эрмак!

– Йўқ, агар доим ютадиган бўлсам бундай бўлмайди! – жавоб қилди Карина ва бирпас тин олиб, деди: – Мен граф билан кўришаманми деб ўйлагандим, нонуштага тушсам, кетиб қолибди.

– У менга кечқурун уйда овқатланаман деганди.

Каринанинг кўзлари чақнаб кетди.

– Айнан шуни билмоқчи бўлгандим. Менда Гарриет Кортнининг хати бор, унда ёзишча, у икковимизни тушликка таклиф қиляпти, лекин мен уйда граф билан якка ўзимиз овқатланишни хоҳлаётган эдим. – У қўлидаги хатга қараб, тушунтирди: – Гарриет хоним тор доирадаги тушлик деб ёзибди, агар графнинг бошқа режалари бўлса, менга унинг акаси капитан Фаррингтон ҳамроҳлик қилармиш. Бу –

улар томонидан жуда олижаноблик, лекин мен уйда қолишни хоҳлардим.

— Ундай бўлса, Кортни хонимга боролмаслигингиз ҳақида жавоб ёзиб юборинг, мен хатингизни отбоқар орқали етказдираман, — таклиф қилди Роберт. Кейин Каринага курси олиб келди ва олдига қоғоз кўйиб, қўлига қалам узатди.

Карина бир неча қатор хат ёзди-да, конвертга солиб, муҳрлаб қўйди.

— Раҳмат сизга, — деб ўрнидан турди. — Кечки пайт графни хурсанд қилиш учун янги кўйлагимни кияман, тақинчоқларнинг ҳам унга ёқадиганини тақиб оламан.

— Мен сизнинг янги либосларингиз билан Иветни табриклаб кўйишим керак, — деди Роберт.

— У жуда кўли гул тикувчи, — тасдиқлади Карина. — Менга уни тавсия қилганингиз учун сизга қандай миннатдорчилик билдирсам экан.

— Унинг ўзига бу катта омад келтирди, хоним, — деди Роберт. — Эшитишимча, сиз туфайли унинг дўконига юқори табақа аёллари жуда серқатнов бўлиб қолишганмиш! Ҳамма сиз каби кийинишни истамоқда!

— У ҳолда, уларнинг кўпчилиги озишига тўғри келади: ҳаммаёқда менинг нухаларим кўпайишининг кераги йўқ.

— Хавотирга ўрин йўқ деб ўйлайман, — деди Роберт. — Ўзингиз менинг мулозаматимсиз ҳам яхши билсангиз керак, Карина, дунёда ҳеч ким сизга тенг кела олмайди.

— Менга хушомад қиляпсиз-а, — кулди Карина, — бунақаси кетмайди! Сиз нега уйланмагансиз?

Роберт довдираб қолди.

— Тўғриси айтсам, мен қолган умримнинг охиригача ўзимни боғлай оладиган даражада ҳеч кимни севмаганман, — тан олди у.

Карина катта оромкурсининг суянчигига ўтириб олди.

— Биласизми, Роберт, менимча сиздан жуда ажойиб эр чиққан бўларди. Сиз жуда сахий, ҳозиржавоб ва ақллисиз. Ҳар ҳолда, менга шундай туюлади!

— Энди мени қизартиряпсизми, Карина? — яна ҳайрон бўлди Роберт. — Гапингизга жавобим шу: сиз билан гаплашган ҳар қандай одам сахий бўлиб қолса керак.

— Менга айтинг-чи, қанақа аёллар сизга ёқади? — сўради Карина.

— Менга сиз каби аёллар ёқади, аммо сизга уйланмаган бўлардим, — кутилмаган жавоб қилди у. — Мен учун сиз ҳаддан ташқари ақлли ва таърифга сифмассиз. Менга эса осойиштароқ аёллар тўғри келади. Қайсики, кечалари камин олдида китоб ўқиб ўтиришдан ўзини бахтли ҳис қиладиган аёллар. Қайсики, балларга боришга қизиқмайдиганлар. Қисқа қилиб айтганда, менга уятчан қизлар кўпроқ ёқади! Афсуски, ҳозирги замонда бундайларни топиш қийин!

— Роберт! — хурсанд бўлиб кетди Карина. — Сизга тўғри келадиган бир танишим бор! У жуда уятчан ва ёқимтой аёл. Ҳазилни ҳам кўтарадиган. Менимча, севган одами билан уйда китоб ўқиб ўтиришдан жуда бахтиёр бўлса керак.

— Шунақа аёллар ростдан ҳам борми? — ўйга ботиб сўради Роберт.

— Мана кўрасиз! — жавоб қилди Карина. — Уни баҳона топиб меҳмонга чақираман. Сиз Элизабет билан танишиб олсангиз, худди кўнглингиздаги аёл эканига ишонч ҳосил қиласиз!

— Ҳеч бир замонда совчи вазифасини бажаришни хоҳлайдиган эрга теккан аёллар бўлганми ўзи?! — ҳайратланиб сўради Роберт.

— Нега бўлмасин? — деб, бирданига гапни буриб юборди: — Вақтин-гизни кўп олиб кўйдим, етади! Рухсатингиз билан кечки ўтиришга тай-ёргарчилик қилиш билан шугулланаман. Ивет тикиб берган кўйлақлар-нинг энг яхшисини — кумуш билан безалган яшил кўйлақни кияқолай.

— У ҳолда зумрад тақинчоқлар тақиншингиз керак, — деди Роберт.

— Улар борми? — сўради Карина.

— Жуда сероб, — жавоб қилди у. Кейин тортмадан қалитни олиб, пўлат сандиқни очди. У ерда духобадан ишланган бир қанча қутилар, қутиларнинг ичида эса Дроксфордларнинг энг сара бойликлари жойлашган эди.

Роберт бир неча қутичаларни столга кўйиб, уларни очди, Карина бриллиант кўзли катта тўғнағични ва зумрад кўзли яна бир қанча тақинчоқларни танлаб олди. Булар ҳаммаси бебаҳо даражадаги ноёб буюмлар эди.

— Булар қаердан келган? — сўради Карина паст овоз билан.

— Бешинчи граф буларни Шарқдан олиб келган, — тушунтирди Роберт. — Бишимча, буларнинг бир қисмини ёрдам кўрсатгани учун султон ҳадя қилган, қолганларини эса ўзи арзон нархларда сотиб олган. Ҳозирда эса булар Дроксфордларнинг катта бойликлари ҳисобланади.

— Улар жуда чиройли экан! — ҳайрат билан гапирди Карина.

— Граф уларни тўй совғаси сифатида ўз қаллиғига ҳадя этган, — давом этди Роберт. — Уни жуда қаттиқ севгани туфайли шунақанги иш қилганки, энг тажрибали загарлар ҳам бу ишдан лол бўлиб қолишган.

— Қандай иш ўзи? — қизиқсинди Карина.

Энг катта зумрад кўзнинг ўртасига ўзининг ва қаллиғининг исмларини ёздирган. Албатта, бу буюмнинг нархини тушириб юборган, аммо, соф севги рамзи бўлиб қолган! Мана, кўряпсизми, ўртасига қаранг?

— Жуда ажойиб тарих! — қойил қолди Карина. — Кечқурун шу тақинчоқни тақсам майлими?

— Албатта тақасиз, — жавоб қилди Роберт. — Қолганлари ҳақида нима дейсиз?

— Менимча, кичкина марварид билан узукни тақсам етарли бўлади, — деди Карина. — Ахир, чиройли кўринишни хоҳлаётган бўлсам-да, тушликни ўз уйимизда ўтказамиз-ку.

Роберт унга баҳо бергандек қараб кўйди-да, танлаб олган тақинчоқларни қолдириб, қолганларини пўлат сандиққа солиб қулфлаб кўймоқчи бўлди.

— Бу нима? — тўсатдан сўради Карина ва уни чўчитиб юборди.

У Карина бармоқлари билан кўрсатаётган олтин ва кумушдан ишланиб, сафсар кўзлар билан жило берилган чиройли қутичани пўлат сандиқдан олди.

— Жуда чиройли экан! — деди Карина.

— Бу русларники, — тушунтирди Роберт. — Рус подшоҳининг совғаси, ичини очиб кўринг.

Ичида нафис қутичага мосланиб, олтин ва кумушдан ишланган ва сафсардан жило берилган тўппонча жойлашган эди.

— Жуда ажойиб қурол экан! — ҳайратомуз гапирди Карина. — Наҳотки шу қуролдан ўқ узиш мумкин бўлса?

— Бешинчи граф бу тўппонча билан бўрини ўлдирган дейишади, — деди Роберт. — Альтон ҳам бир пайтлари Дроксфорд-Паркда бир неча марта ўқ узиб кўриб, уни жуда аниқ нишонга оладиган қурол экан деб мақтаган эди.

— Ундай бўлса мен ҳам ишлатиб кўрай, — деди-да, тўппончани кичкина кумуш ўқ билан ўқлади. — Жуда осон ўқланар эканми?

— Сиз отишни биласизми? — сўради Роберт.

— Мени хафа қиялсиз! — жавоб қилди Карина ҳазиллашиб. — Мен уста мерганман! Ёшлигимда отам ўргатган. Отишни яхши кўраман!

Роберт тўппончани жойига солиб қўйиш мақсадида унга қутичани узатган эди, Карина беришни хоҳламади:

— Ҳозирча у менда туратурсин. У ҳақда бугун кечқурун Альтон билан гаплашаман. У ҳали менинг мерганлигимни билмайди. Уни бир қойил қолдирмоқчиман!

— Мен ҳам шундай қилган бўлардим, — унинг гапини қўллади Роберт. — Сизнинг Аскотадаги ва Дауншир хоним устидан қозонган галабаларингиздан сўнг, буни ҳам кўрган граф лол бўлиб қолса керак!

Карина бош чайқади:

— Ҳа, бундан хурсанд бўлади деб ўйлайман! Мен энди одобли рафиқа бўлиб, хожамнинг бошқа жаҳлини чиқармасликка қарор қилганман.

— Мен бундан хурсандман, — кулиб қўйди Роберт.

Карина хизматкорини чақириб, тақинчоқлар билан тўппончани ўз хонасига тайинли жойга яшириб қўйишни буюрди.

Кейин қўйлагига мос бўлган италянча похол шляпасини кийиб пастга тушди, уни соат ўн бир яримга чақиртирилган фойтун кутиб турарди.

У эрталаб, ўриндан турган заҳоти Гайга хат ёзиб, конверт ичига минг фунтга ёзилган чекни жойлаб, хизматкор орқали Керзон-стритга жўнатган эди.

Ярим соатдан кейин эса, атиги тўрт дона сўз ёзилган жавобни ҳам олганди:

*“Айтилган жойга келаман. Гай”.*

Шу куни, жиддий тусдаги талабалар ва бир неча саёҳатчиларни ҳисобга олмаганда, Британия музейида одам кам эди.

— Миср залига қандай ўтилади? — сўради Гай.

Музей хизматчиси унга йўлни кўрсатиб юборди ва бир оз ўтиб у эҳромлар, синган ҳайкаллар ва иероглифлар ўйилган тошлар орасида пайдо бўлди.

Зал ўртасида, гўё бошқа асирга тушиб қолган одамдек Карина турарди.

— Карина! — Унинг овози индамас фиръавнлар орасидан акс садо билан жаранглаб чиқди. Хонимнинг қўлини ўпиб: — Хайрли тонг, жонгинам, учрашув учун нега бунақа гаройиб жойни танладинг? Мен сизларни Аскотада бўлсанглар керак деб ўйлагандим, — деди Гай.

— Мен бормадим, чунки сиз билан кўришишим зарур эди, — жавоб қилди Карина.

Гай унинг кўзларига қараб, сўради:

— Нимадир содир бўлдими? Нима гап?

Бу сафар унинг бу топқирлиги Каринани асло ҳайрон қолдирмади, чунки энди уни жуда яхши билиб олган эди.

Унга айтиладиган гаплардан олдин Карина бир оз ҳаяжонданми, унинг қўлларини ушлаб олган эди.

— Юринг ўтирамиз, — таклиф қилди Гай, — ва сиз нимадан хавотирда эканингизни гапириб берасиз! — Улар мрамор ўриндиққа ўтиришди: — Гап Альтон ҳақидами?

Карина бош чайқади.

– У нима деди? Сизга нима ёмонлик қилди? – хавотирлана бошлади у.

– Унга ваъда бердим, – маъюсгина гапирди Карина. – Сиз билан... ҳеч қачон учрашмаслик ҳақида!

Гай чуқур нафас олди.

– Демак, мен кутган нарса бўлибди! Лекин, нима учун шу пайтгача сизга мен билан учрашишни тақиқламагани мени ҳайрон қолдирыпти.

– Одамлар... биз ҳақимизда... миш-мишлар тарқатиб бўлишди.

– Сиз бошқа нарса кутганмидингиз? – қулимсиради Гай. – Қаерда ва ким билан бўлишингиздан қатъи назар, сиз жуда кўзга яқинсиз, азизам. Менинг эса одамлар орасида обрўйим паст.

– Жуда афсусдаман... – ёқинқирамай гапирди Карина.

– Сизнингча, мен қай ҳолатдаман? – савол берди Гай. – Нима деб ўйлайсиз, мен итоатгўйлик билан сизни шундоқ қўйиб юбораверманми?

– Нима ҳам қилардик? Граф бир сўзли инсон, аммо, менга нисбатан жуда раҳмдил. Шунақа раҳмдилки, ҳатто ундан яшириб от сотиб олганимга индамади.

– Мерлин лақабли ўша отингиз голиб бўлганини эшитдим.

Бир дақиқага Каринанинг юзлари яшнаб кетди:

– Ҳозир ҳам ишонгим келмаяпти, айниқса, унинг биринчи бўлиб марра чизигини кесиб ўтиши ҳаётимдаги энг бахтли лаҳзалардан бири бўлди. Мен унинг ютиб чиқишини билардим, аммо, пойга бошлангунча бирор кор-ҳол бўлишидан чўчиган эдим.

– Альтоннинг жаҳли чиқмадими?

– Умуман чиқмади. У менга ҳатто хусусий отхона қуриб беришни ваъда қилди.

– Жуда олижаноблик қилибди! – надомат билан гапирди Гай. – Сиз эса бунинг эвазига мени жонга теккан бир ўйинчоқдек ташлаб юборишни ваъда бердингиз?

– Йўқ, бундай эмас, – эътироз билдирди Карина. – Граф сиз билан учрашмасликни қатъиян талаб қилди. Эртами-кечми, бир куни шундай бўлишини икковимиз ҳам билардик-ку?! Келинг, Гай, ҳақиқатга тик қарайлик. Мен сиз билан фақат дўст бўлишни истаганман, ундан ортиқ эмас. Сиз эса мен билан ўзингизни ошиқлардек тутиб нотўғри иш қилдингиз. Графнинг ижозатисиз бирга бўлишимизнинг ўзи нотўғри.

Гай Каринанинг қўлини қўйиб юбориб, тескари ўгирилиб олди. Гўё эҳромларни кўздан кечираётгандек эди-ю, лекин ич-ичидан азобланаётгани сезилиб турарди. Карина гапида давом этди:

– Эҳ, Гай! Гай! Сизни сира қийнагим келмаяпти, аммо хожанинг айтганини бажаришим шарт. Унинг дўқ-пўписаларидан қўрққанимдан эмас, у қўйган талаблари билан ҳақ бўлгани учун мен унга итоат этаман!

Гай бирданига унга қараб ўгирилди:

– У сизга дўқ-пўписа қилдимми?

– Бошида, мен ўзим ўжарлик қилган эдим, бу қилигим нотўғри бўлган. У – менинг эрим, унга текканимдан бери ҳурмат-иззатдаман. Олдин айтувдим сизга, биринчи бўлиб келишувни мен бузганман.

– Бунга чидаб бўлмайди! – газаблана бошлади Гай. – Наҳотки тушунмаяпсиз, Карина, мен ахир сиздан воз кечолмайман! Мен сизга зорман, сизни севаман, сиз ҳаётимнинг мазмунисиз. Альтон, балки

сизнинг эрингиздир, аммо у сизни менчалик севмайди! Худо ҳаққи, Карина, мен билан кетинг! — У аёлни елкасидан тортиб ўрnidан туришга мажбур қилди, кейин юзига синчиклаб қаради ва кўзларидаги ҳаяжонни сизди, лабларини маҳкам сиқиб олган эди. Аёллар масаласида катта тажрибага эга бўлган Гай тушунарди: қизнинг ҳис қилаётган нарсаси севги эмасди! — Сиз ҳали ёш ва бегуноҳсиз, — паст овоз билан пичирлади у. — Ўзимни қандай тутай? Ҳиссиётларимни сизга қандай етказсам бўлади?

— Мени кечиринг, Гай.

Карина ўзини нажотсиз ҳис қиларди. Вазиятни яхшилаш учун нимадир қилишни истарди, аммо шуни билардики: Гай қанчалик азоб чекмасин, унга қуруқ гапдан бошқа ҳеч нима билан ёрдам беролмасди.

— Мени севишингизга қандай қилиб ишонтирсам бўлади сизни, Карина? — сўради Гай ва бирданига унинг кўзларида худди олдингидек важоҳат пайдо бўлди.

— Мен... кетишим керак, — асабийлашиб деди Карина.

— Сизни қўйиб юбормасам-чи? Муносабатимиз жуда чуқурлашиб кетган, шунинг учун шартта ўгирилиб кетишга ҳаққингиз йўқ, десам-чи?

— Сизни тушунмаяпман...

— Фараз қилайлик, мен Альтонга бориб, сиз меники эканлигингизни айтсам-чи? Каринага эришишга ҳаққим бор десам-чи? Карина ҳар томонлама аллақачон менга хотин бўлган, десам-чи?

Карина орқага тисланди:

— Бундай дейишга ҳаққингиз йўқ, чунки ҳаммаси ёлғон. Эҳ, Гай, қандай яхши дўст эдик-а, ҳаммаси учун сизга миннатдорчилик билдираман. Илтимос, сизга бўлган ҳурматимни оёқости қилманг, токи сизга нисбатан бўлган меҳр-оқибатни ўлдирманг.

— Қандай меҳр-оқибатни? — сўради Гай тушкунлик билан. — Менга сиздан нима кераклигини жуда яхши биласиз-ку!

У олдинга қадам ташлаб, то Карина нима бўлаётганини англаб етгунича, уни қимирлай олмайдиган даражада маҳкам кучоқлаб олди, қаршилиқ кўрсатаётган эди, лабларини унинг лабларига босиб ўпа бошлади. Каринанинг унга таслим бўлишдан бошқа иложи қолмаган эди.

Гай уни шунақанги ютоқиб кўзларидан, юзларидан, лабларидан ўпар эдики, гўё Карина кучли бўрондан қочишга жой тополмасди. Қочиб кетиш у ёқда турсин, ҳатто қимирлай ҳам олмасди, унинг олов каби ёпирилаётган ҳирсига бўйсунушга мажбур эди...

Каринадан жавоб ҳаракатлар бўлмаётгани туфайли Гай бирданига ўзига келиб қолди, важоҳатдан тушиб, унинг кўркув тўла кўзларига боқди.

— Энди тушундингми? — кўполлик билан сўради у. — Мени севишга мажбур қиламан! Мен сенга қандай талпинаётган бўлсам, сен ҳам менга шундай талпинадиган бўласан! — Унинг овози ҳали ҳам эҳтиросли эди, лекин ичидаги олов сўна бошлаётгани билинарди.

Карина ҳеч нарса демай, қимирламасдан турарди. Гай уни секин қўйиб юборди. Каринанинг кўзларидаги кўркув аста йўқолиб, ачиниш ҳисси пайдо бўла бошлади.

— Мени кечир, Гай, — секин гапирди Карина ва унинг бир ўзини қадимий Миср тобутларидаги мўмиёланган марҳумлар орасида қолдириб, кўздан ғойиб бўлди.

Британия музейидан узоқлашгач, извошда кетатуриб, у ҳушини йўқотиш даражасига келиб қолганини сизди. Гайни ташлаб кетишга



қаердан куч олганини ўзи ҳам билмасди. Фақат шуни яхши билардики, Гай кутган севгини ҳеч қачон унга беролмасди.

Карина ҳанузгача лабларида унинг дағал лабларини ҳис қиларди. Шу пайтгача уни ҳеч ким ўпмаган эди. Шунинг учун бўлса керак, агар ўпич шунақа бўладиган бўлса, яна қайтарилишининг ҳечам кераги йўқ, деган хулосага келди. Кейин эса, графнинг Сибли хоним билан ўпишганларини томоша қилгани ва уларга ҳавас билан зимдан қараганлари эсига тушиб, Гайнинг қўполлик билан қилган ҳаракатларига таққослади. Уларнинг орасида катта фарқ бор эди. Шунинг учун, граф унга Гай билан учрашишни тақиқлаб қўйгани ажабланарли ҳол эмасди.

Албатта, Карина Гайни севмасди, лекин кунлар ўтган сари уни соғиниши ва зерикшини тушунарди. У шунчалик тўғри сўз аёл эдики, энди Гайнинг хушомадлари ва биргаликда сайр қилишлари етишмаслигини тан оларди.

— Мен у ҳақда ўйлашим керак эмас, — деган фикрни ўзига-ўзи сингдирарди Карина. — Ўзимга бошқа машғулот топишим керак.

Ниҳоят қош қорайди. Карина тайёрлаб қўйган кийим-кечакларни кийиш ва безакларни тақиш учун югуриб юқорига чиқиб кетди. Тўлиқ ясаниб бўлгач эса пастга меҳмонхонага тушиб лордлар палатасининг ҳисоботи “Хансарда”ни варақлаб, графни кутиб ўтирди. Граф пайдо бўлиши биланоқ қўлидаги қоғозларни бир чеккага қўйиб ўрнидан турди.

— Сизнинг маърузангизни ўқиётган эдим, милорд, — деди табасум билан Карина. — Аттанг, душанба кун маъруза қилишингизни бир оғиз айтиб қўйганингизда, мен ҳам сизни эшитгани лордлар палатасига борардим.

— Бундан баҳра олган бўлармидинг? — сўради граф. — Ҳа-я, сенинг сиёсатга қизиқишинг хаёлимдан кўтарилиб кетибди. Наилож, кейинги ҳафтада лордлар палатасига сени ўзим билан олиб кетаман, ислоҳотлар дастури муҳокама қилинади.

— Мен дастурни ўқиганман. — Карина диванда ётган Оқ китоб<sup>1</sup> га ишора қилди. — Сизга жуда кўп саволларим бор. Лекин, аввал Аскотга қандай бориб келганингизни гапириб беринг?

— Кун жуда зерикарли ўтди, — гапира бошлади граф. — Пойгада фақат фаворитлар голиб бўлди, кечаги сеникига ўхшаш сюрпризлар бўлмади!

— Ундай бўлса, бормаганимга хурсандман. — кулди Карина. — Эртага соат нечада кетмоқчисиз?

— Тахминан соат ўн бирларда, — соатига қараб гапирди граф. — Фредди сени олиб кетгани соат нечада келади?

— Мени олиб кетгани? — ҳайрон бўлиб сўради Карина. — Мен ахир уйда сиз билан тушлик қиламан-ку!

— Фредди Аскотда менга сени синглизиникига тушликка олиб кетаман, деганди.

— Роберт эса менга сиз уйда овқатланишингизни айтган эди, шунинг учун мен уларнинг таклифини рад этгандим!

— Шундай бўлганмиди?! Мен эртароқ эшитмаганим чакки бўлибди, — деди граф. — Фредди менга сени синглизиникига таклиф қилинганини айтгани учун мен бошқалар билан келишиб қўювдим.

— Нима? Уйда тушлик қилмайсизми? — қичқириб гапиргандек бўлди Карина.

<sup>1</sup> О қ к и т о б — расмий ҳукумат ҳужжати. Унда халқаро шартномалар ва келишувлар, Буюк Британия қироллиги Ҳайъатининг, вазирликлар ва қўмиталарнинг маърузалари чоп этилади.

Граф бироз каловланиб қолди:

— Аҳмоқона чалкаш иш бўлибди. Мен режаларимни ўзгартиришдан олдин сизлар билан келишиб олишим керак экан.

— Режангизни бошқаттан ўзгартира олмайсизми? — ғамгин бўлиб қизикди Карина.

Граф қайта соатига қаради-да, хўмрайиб таклиф киритди:

— Уйлашимча, мен бугунги кечани келишувимга биноан ўтказишим керак, Карина. Эртага сен билан тушлик қилақолайлик, нима дединг? — сўради граф ва хотинининг кайфияти салгина кўтарилганини сизди.

— Майли-ю, лекин эртага лорд ва леди Элтроплар Аскот балига таклиф қилишган.

— Жин урсин ўша бални! — кескин гапирди граф. — Биргаликда тушлик қиламиз, Карина. Сен билан муҳокама қиладиган жуда кўп ишлар бор.

— Мен буни сабрсизлик билан кутаман, милорд.

— Бугун кечкурун нима билан шуғулланмоқчисан?

— Уйлайманки, “Хансарда”ни ўқиб ётаман, — жавоб қилди Карина. — Овқатланиш хонасида бир ўзим зерикиб ўтираманми?

— Мени кечир, Карина. — Граф унинг қўлини ўпиб қўяркан, бармоқлари титраётганини сизди. Кейин қайтадан унинг кўзларига қараб қўйди-да, орқасига ўгирилди. — Хайрли тун, Карина.

— Хайрли тун, хошам.

У кетганидан сўнг, Карина диванга ўтирди, унинг шашти паст эди. Карина бугунги кечани алоҳида аҳамиятга эга деб ўйларди. Балки, Гай билан видолашганиданми? Ёки граф билан янгича ўзаро муносабатга келишиб олишганиданми? Энг асосийси, у доимо граф билан бирга бўлишни қатъий ҳал қилган эди. Энди, у кетганидан сўнг Карина ўзига савол берди: граф янги либосимга эътибор қилганмикан. Кейин, истамаган ҳолда ўзига савол берди: тушликни Сибли хоним биланми ёки Фелицита Коруин хоним биланми, қайси бири билан ўтказаетганикин? Граф уларнинг бири билан эканига сира шубҳа йўқ, чунки биронта сиёсий намоёнда билан бўлганида ёки биронта дўсти билан бўлганида, уларнинг исмини айтган бўларди.

Унинг Сибли хоним билан ўпишаётгани ва Коруин хонимнинг кучоғида кўргани эсига тушиб қолиб, Карина жунбишга тушди. Уни олиб қолишга кучи етмаганидан газабланди.

— Ўша аёлларни кўришга тоқатим йўқ! — дея хитоб қилди-да, беихтиёр муштларини қаттиқ сиқди.

Кутилмаганда эшик очилиб, Ньюмен эълон қилди:

— Мэйхью хоним ташриф буюрдилар, хоним.

Карина ажабланиб эшикка қаради. Хонага чамаси ўттиз ёшлардаги енглари кенг малина рангли кўйлак кийган аёл кириб келди.

Карина уни илгари кўрмаган эди.

— Азизим, Дроксфорд хоним, уйингизга бостириб келганим учун узр сўрайман, — таъсирчан овоз билан гапирди меҳмон, — мен ҳозиргина граф билан кўришгандим. У сизни уйда зерикиб ўтирганингизни айтди. Хўп десангиз, сизни дугонамниқига тушликка олиб бораман, у сиздек графиня билан танишганидан беҳад хурсанд бўлади.

— Ҳозиргина граф билан кўришдим дедингизми? — ҳайрон бўлиб сўради Карина.

— Ҳа, худди шундай, у билан гаплашиш жуда мароқли. Мен фойтунимдан туриб, унинг араваси эндигина кўзғалаётганда гаплашдим. Биз — эски қадрдонлармиз, мен унга икковингизни тушликка таклиф қилмоқчи эканимни айтгандим, у менга сизнинг бир ўзингизни таклиф қилишимни сўради.

– Жуда миннатдорман, – жавоб қилди Карина. – Лекин, наҳотки ёнида ҳамроҳсиз хонимни таклиф қилсангиз?

– Биз борадиган уй эгаси Коннот хонимнинг хушторлари сон-саноқсиз, – тушунтирди Мэйхью хоним. – Шунинг учун ҳамроҳ тўғрисида ўйламасангиз ҳам бўлади.

– Ташаккур, хоним, – ёқинқирамай жавоб қилди Карина.

У сабабини билмасди-ку, лекин негадир бу янги таниш уни ўзига сира тортмасди, ҳатто дўстона муносабат намойиш қилаётган бўлса ҳам.

Бироқ, Каринанинг қиладиган иши йўқ эди. Боз устига, унга тўғриси айтиб, гирт бегона одамлар билан тушлик қилиш ёқмаслигини, ундан кўра ётиб ухлаш маъқуллигини билдириш ҳам ноқулай эди.

– Энди хоним, “Ҳа” деб айтинг! – қўярда-қўймай талаб қилди Мэйхью хоним. – Фойтуним эшик олдида кутиб турибди, тезроқ ҳаракат қилмасак тушликка кеч қоламиз, дугонам Хампстедда яшайди.

– Таклифингиздан миннатдорман, хоним, – розилик билдирди Карина. – Мен устимга бирор нарса ташлаб олай.

– Мен плаш олган бўлардим, – маслаҳат берди Мэйхью хоним, – бугун кун салқинроқ.

– Майли, плаш бўлса ҳам! – табассум қилди Карина.

У хонадан чиқа туриб, Ньюменга Мэйхью хонимга шароб қуйиб беришни буюрди ва зинапоядан ётоғига қараб кўтарилди.

Ётоқни хизматкор Марта йиғиштираётган эди.

– Плашимни келтир, Марта. – мурожаат қилди Карина. – Мен барибир тушликка кетяпман.

– Бунда исиб кетсангиз керак, хоним. Оққуш патли пелерина<sup>1</sup> кийиб олсангиз яхшироқ бўларди.

– Мени таклиф қилган хоним кўчани салқин деяпти, Хампстедга кетаётганимиз учун плаш яхшироқ бўлса керак, – жавоб қилди Карина.

– Хампстед? – бирданига ҳаяжон билан гапирди Марта. – Илтимос, у ерга қимматбаҳо тақинчоқлар билан борманг. Ҳозиргина мистер Ньюмен у ерда қароқчилар тўдаси фойтунларни тўхтатиб йўловчиларни кўрқитиб, бойликларини шилиб олишаётгани ҳақида гапириб берганди. Ўтган ҳафта канцлернинг хотинини тунамоқчи бўлишганида, яхшиямки ҳайдовчининг ёнида милтиғи бўлган экан!

– Шунчалик хавфли эканига ишонмайман, – қўлди Карина. – Қолаверса, Мэйхью хонимнинг фойтунида иккита кузатувчи одами ҳам бўлса керак.

– Негадир эгнингиздаги дуру гавҳарлардан хавотирдаман, – маъюсгина хитоб қилди Марта.

Шу пайт, эрталаб Роберт Уэйддан олган тўппонча Каринанинг эсига тушиб қолди. Балки, Марта ваҳима қилаётгандир, ҳеч қандай қароқчилар йўқдир, лекин Дроксфордларнинг оилавий меросларини йўқотиб келса катта жанжал бўлиши турган гап. Шунинг учун, то Марта плашни олиб келгунча, Карина тўппончани олиб, қўйлагининг чўнтагига жойлаштирди. Устига плашни ташлади-да, зинапоядан пастга тушиб кетди.

Қулайгина фойтунда кетишар экан, бутун йўл давомида Мэйхью хоним тинмай гапирарди. Ниҳоят, улар ёқимли бир уй олдида тўхташди. У ерда ўнга яқин меҳмонлар катта, қимматбаҳо безаклар билан бачкана қилиб жиҳозланган зал олдида пойлаб туришарди.

<sup>1</sup> П е л е р и н а – елкага ташлайдиган кийим, накидка.

Уй эгаси Коннот хонимга ҳам худди шундай баҳо берса бўларди: ўрта ёшли, таранг кўйлак кийган семизгина аёл, ҳаммаёғига бўлар-бўлмас тақинчоқлар осиб олган.

— Менга катта илтифот қилдингиз, хоним, — деди у Каринага. — Ҳаммамизга ёқадиган, кўрганимизда юракларимизни дукиллатадиган, келишган қоматли граф билан никоҳдан ўтган кунингиздан бери сиз билан танишишни жуда орзу қилиб юрардим.

Карина кулиб юборишдан ўзини зўрға тийиб турди, бу гапларни граф ўз қулоғи билан эшитганида борми?

Коннот хоним уни ташриф буюрган меҳмонлар билан таништирди. Хонимларнинг кўпи ёш ва яхшигина бўлса-да, юқори табақага мансуб эмаслиги яққол кўриниб турарди. Карина, граф унга шунақа ўртоқларни лозим топганига жуда ажабланарди.

Жентльменлар хонимларга нисбатан тарбия кўрганроқ эди, лекин бирортасининг исми шарифлари унга таниш эмасди. Уларнинг гапларидан тушунарли бўлдики, кўпчилиги Лондонда жойлашган пиёдалар полкида хизмат қилишар экан.

Бир оздан сўнг овқат тортилди. У жуда мазали эди, шароблар дарё каби оқарди. Биринчи овқатдан кейин меҳмонларнинг кулгилари баланд эшитила бошлади. Карина билан расмий равишда танишиб, ўзини тортиб турган жентльменлар, энди унга шунақанги хушомадлар қила бошлашдики, у ўзини ноқулай сеза бошлади. Ширинликлар тарқатиладиган вақтгача хонимларнинг юзлари қип-қизил, жентльменларнинг гаплари эса англаб бўлмайдиган даражага етди.

Коннот хонимнинг ўрнидан турганини кўриб, Карина анча енгил тортди. Хонимлар овқатланиш хонасини тарк этаётган дамда, жентльменларнинг иккитаси кайфи ошиб, ўрнидан туrolмай қолишган эди.

Меҳмонхона томонга кетатуриб, Мэйхью хоним Каринага шипшитди:

— Хоним, чамамда сиз тезроқ кетишни хоҳдаётганга ўхшайсиз. Ўтириш ўзимнинг ҳам кўнглимга ўтирмади, мен хоҳлаган одамлар эмас!

— Мен ростдан ҳам кетишга тайёрман, — тан олди Карина. — Мен-симади деб ўйлашмаса бўлгани, қолаверса, кечанинг қолган қисми жуда бемаъни давом этадиганга ўхшаяпти.

Улар уй бекаси билан хайрлашдилар-да, тезда йўлга тушишди.

— Сизни дидингизга мос келмайдиган йиғинга олиб келганим учун узр сўрайман, — деди Мэйхью хоним, фойтунда бораркан.

— Умид қиламанки, Коннот хоним мендан хафа бўлмагандир, — деди Карина. — Танимаган одамани тушликка чақириш унинг томонидан кўрсатилган илтифотдир.

— Мен учун у ҳамма нарсага тайёр, — деди Мэйхью хоним. — Эсимга бир нарса тушиб қолди, Дроксфорд хоним. Қарши бўлмасангиз, уйингизга элтиб кўйишдан олдин Парк-стритга бир нарсани ташлаб ўтмоқчи эдим. Бу жуда яқин, бирпасда бориб келамиз.

— Албатта, менинг қаршилигим йўқ, — розилик билдирди Карина.

— Бу артрит билан оғриётган менинг эски дугонамга арзимаган совға. У жуда бой аёл, лекин бир ўзи яшайди. Баъзи кунларда биронта-бир тирик инсон билан мулоқотда ҳам бўлолмайди.

— Жуда ачинарли! — нотаниш аёлга ҳамдардлик билдирди Карина.

Бир неча дақиқадан сўнг улар Парк-стритдаги бир ҳашаматли бино олдида тўхташди ва Мэйхью хоним Каринага дугонасининг олдида бирга киришни таклиф қилди.

Карина йўқ демоқчи бўлди-ю, лекин ўзини ноқулай сезди. Эртаси кун у графдан нима учун бунақанги ғалати одамлар билан таниш-тирмоқчи бўлганини сўрашни кўнглига тугиб қўйди.

Карина итоаткорона фойтундан тушиб, Мэйхью хоним ортидан дугонасиникига кирди. Хизматкорларнинг кийинишидан ва бежалган жиҳозлардан уй бекаси ҳақиқатан бой эканлиги билиниб турарди.

– Марҳамат қилинг, хонимлар, – хизматкор йўл кўрсатиб ичкари хонага бошлади.

Карина ҳеч нарсага тушунолмаётган қолди, хизматкор хона эшигини очиши билан Мэйхью хоним биринчи бўлиб кириш ўрнига ўзини четга олди-да, уни олдинга ўтказиб юборди ва Карина катта хона ўртасидаги егуликлар билан тўла стол олдида пайдо бўлиб қолди. Катта кумуш қандилда ёниб турган саккизта шам унинг кўзларини қамаштирарди. Эшик ёпилганини эшитиб, Карина орқасига ўгирилди, Мэйхью хоним кўринмасди. Не кўзлар билан кўрсинки, унга лорд Уимэннинг маккор кўзлари қараб турарди.

### ТУҶҚИЗИНЧИ БОБ

Аввалига Карина турган жойида қотиб унга қараб қолди. Кейин эса ўткир овоз билан бақирди:

– Сиз бу ерда нима қиляпсиз? Мен ўзи қаердаман?

Лорд Уимэн эшикни қулфлаб калитни чўнтагига солиб қўйди.

– Сиз менинг уйимдасиз, жонгинам.

Карина қимирлашга ҳам улгурмаган эди, лорд Уимэн уни маҳкам қучоқлаб ўзига тортди ва ўпишга ҳаракат қилди.

Уни қўли билан уриб юборишга плаш халақит берарди. Бунинг ўрнига у юзини бир у ёққа, бир бу ёққа олиб қочарди. Бир амаллаб унинг қучоғидан чиқиб олди-да, орқага тисланди, плаши эса унинг қўлида қолди. Нафаси тикилиб, юраги дукиллар эди. Сочлари ёйилиб кетган Карина столнинг нариги бошига югуриб ўтиб олди ва кўрқув босган кўзлари билан унинг ҳаракатларини кузатиб турди.

Лорд Уимэн хахолаб кулди ва қўлидаги плашни ёнидаги стулга ташлаб, гапирди:

– Мендан қочиб қутулолмайсиз, гўзал леди, шунинг учун келинг, яккама-якка қолганимизда, фурсатдан фойдаланиб, бир-биримизни қондириб олайлик.

– Менинг эрим... мени кутиб турибди, – тугилиб гапирди Карина.

– Эрингиз, жонгинам, ҳозирги дамда Фелицита Коруин хонимнинг қучоғида ётибди! У менга эрингизни жон деб тонг отгунча ушлаб туришни ваъда берган, – деди лорд Уимэн.

Ҳатто, шундай кўрқув босган дамда ҳам, Каринага рашк игналари ботар эди. У графни маъшуқаларидан воз кечишга кўндирилмаганди.

– Сиз айёрлик билан мени бу ерга олиб келдингиз! – деди норозилик билан Карина. – Агар сизда озгина одамгарчилик қолган бўлса, уйга кетишимга имкон берасиз.

– Қойил қолдингизми? – ҳеч нарса бўлмагандек сўради лорд Уимэн. – Мэги Мэйхью – жуда ажойиб актриса!

– Актриса?! – ҳайрон бўлди Карина. – Яъни, айтмоқчисизки, бу найранг мени бу ерга алдаб олиб келиш мақсадида атайин уюштирилганми?

– Ҳа-да, гўзал париваш, – жавоб қилди лорд Уимэн.

– Эрим бу қилган ҳақоратингизни шундайлигича қолдиради деб ўйлайсизми? – мағрурлик билан гапирди Карина.

У оёқлари бўйсунмаётганини билдирмасдан сир бой бермай қўллар билан аранг стул суянчиғини ушлаб мағрур туришга ҳаракат қиларди.

– Балки ўтириб гаплашармиз? – таклиф қилди лорд Уимэн.

– Йўқ! – шартта жавоб қилди Карина. – Менга яқинлаша кўрманг, бўлмаса хизматкорларингизни ёрдамга чақираман!

– Афсуски, маълумотингиз учун бу хона овоз ўтказмайдиган хона. Бақирсангиз бақираверинг, гўзал Дроксфорд хоним – сизни барибир ҳеч ким эшитмайди! Сизни ишонтириб айтаманки, кўрсатаётган қаршиликларингиз менга жуда ёқяпти ва мени тўлқинлантиряпти!

Бир дақиқа Карина гап тополмай қолди.

– Гапингизга қараганда, эрингиз ўзини ҳақоратланган деб ўйлайдими, – давом этди лорд Уимэн. – Мен бундай деб ўйламайман. Сизни ишонтириб айтаманки, бугун кечаси бу ерда нима воқеа содир бўлса ҳам, эрингиз бундан беҳабар қолади!

– Сиз ақлдан озибсиз, бу пасткашлигингизни унга мен ўзим айтаман! – деди Карина.

Лорд Уимэн аста йўталиб қўйди-да:

– Уйлайманки, бундай бўлмайди, азизам! Агар хотинлар, қай ҳолатда бўлса ҳам, эрларига хиёнат қилсалар, эркаларда хотинларига нисбатан чуқур нафрат пайдо бўлади. Қолаверса, ҳозирда, сарой уламолари дуэлни маъқулламайдилар. Агар граф мени дуэлга чақирса, ўзининг келажигига зарар етади ва хотинининг шаънини ҳимоя қилишга кеч ҳаракат қилганини исботлайди!

– Сизнинг биронта ҳам сўзингизга ишонмайман, – қатъий гапирди Карина. – Энди эса, лорд Уимэн, йиғиштиринг бу қилиқни! Мени бу ерга ўз ҳиссиётларингизни қондириш мақсадида алдаб олиб келган бўлсангиз, шуни билиб қўйингки, сиз мен учун ёқимсиз, пасткаш бир тўнка одамсиз!

– Сиз жуда мард аёл экансиз! – олқишлади у Каринани. – Афсуски, бахтга қарши, сизга ёқаманми, йўқми, ҳиссиётларингиздан қатъи назар, мен шу тун ниҳоясига етгунга қадар сизни эгаллашим керак! Шунга мақсад қилганман!

– Сизни ўзимга яқинлаштиргунча, ўзимни-ўзим ўлдирганим яхши! – куйиниб гапирди Карина.

– Бунақа нарсадан ўз ҳаётига зомин бўлган аёллар йўқ бўлса керак, – қуруққина қилиб гапирди лорд Уимэн. – Қайтанга, улар узоқ яшаб, ўз талабларини қондириб, мазза қилиб юришади!

Шундай дея у стол атрофи бўйлаб Каринага яқинлашган эди, у қарама-қарши томонга ўтиб олди.

– Менга яқинлашманг, – огоҳлантирди у, – бўлмаса... мен...

– Бўлмаса, нима қиласиз? – илжайди лорд Уимэн. – Фақатгина бақириб, озгина қаршилик кўрсатишингиз мумкин, холос. Сиз кичкина ва заифсиз, мен эса, айтиб қўяй, жуда кучлиман!

Карина бор кучи билан ўзини тетик ушлашга ҳаракат қиларди.

– Мен... сиздан... ўтиниб сўрайман, – тутилиб гапирарди у. – Сиз ахир... ростдан ҳам мени... – У ёғини гапиришга тили бормасди ва ялина бошлади: – Мени қўйиб юборинг... илтимос, қўйиб юборинг!

– Йўқ! – деб бақирди Уимэн ва у томонга қараб кела бошлади.

Ундан қоча туриб, Карина фаҳмларди: қаршилик кўрсатгани саийн унинг ҳайвоний ҳиссиёти кучайиб бораверарди. Унинг юзи, кўзларининг ёниши, лабларининг қуриб, уни тили билан ялаб қўйишлари буни айтиб турарди.

Бирданига қўйлагининг яшил боғичли чўнтагида оғир нарса стулга урилиб, тарақлаган овоз чиқди ва унинг ичида нима борлиги Каринанинг эсига тушиб қолди.

Кейин, аранг ўзини тутиб олди-да, текис оҳанг билан гапирди бошлади:

— Милорд, яхши иш қилмаяпсиз! Келинг, ўтириб, яхшилаб ўйлаб олиб, кейин ҳал қилсак бўлмайдами, сизни қизиқтираётган нарса-ни? Яна, иложи бўлса, менга бирор нарса қуйиб беринг!

Лорд Уимэннинг юзида жилмайиш пайдо бўлди ва Карина тушундики, у ўзини аёл устидан галаба қозонгандек ҳис қила бошлади.

— Хўп бўлади, — деди у. — Хонанинг димлиги ва ичингиздаги қўрқувдан чанқаб кетдингизми, жонгинам. — У сервантга қаради. — Шампан виноси ичасизми, жонгинам?

— Жон деб ичардим, — жавоб қилди Карина.

Лорд Уимэн буфет олдига бориб, тамга билан безалган қумуш челақчадан сочиққа ўралган шампан виносини олди ва қадаҳга қуя бошлади.

Каринанинг қўллари титрарди, у бир амаллаб чўнтак тугмасини ечиб, ичига қўлини тикди ва кичкина бежирим тўппончани топиб, уни аста чиқариб олди.

Лорд Уимэн иккинчи қадаҳга ўзига шампан қуйиш билан овора эди.

“Атиги бир дона ўқи бор, — эслади Карина. — Агар мўлжалга ололмасам, қутулишга умид йўқ”.

Роберт Уайднинг гапига қараганда, граф тўппончани аниқ мўлжалга олади деб мақтаганди. У лорд Уимэннинг юрагини нишонга олмоқчи бўлди. Уни ўлдирарди, чунки у шунга лойиқ!

— Мана, энди жонгинам, бизни кутиб турган бахт... учун ичамиз, — деди у.

Каринанинг қўлидаги тўппончани кўриб қолиб, унинг кўзлари бирданига катталашди. Кейин эса, то у қимирлаб бир оғиз гап айтишга улгурмасидан, Карина унга қарата ўқ узди. Ўқ овози хона ичида айланишда давом этгани учунми, у бир дақиқа теккизолмадим деб, кўрқиб кетди.

Лорд Уимэн, иккита қўлида қадаҳларни ушлаганича унга қараб қотиб турарди. Кейин секинлик билан полга ўтириб қолди-да, гурс этиб йиқилди. Қўлидаги шампанлар тўкилиб, биллур қадаҳлар полга урилиб чил-чил бўлди!

Карина қўлида тўппончани ушлаганича унга кўзларини катта очиб қараб турарди. Лорд Уимэн кўзларини бақрайтириб қимирламай ётарди, оппоқ кўйлагигаги қизил доғ секин аста катталашиб борарди. Карина уни ўлдирганидан хурсанд эди.

У аста-секин тўппончани жойига солди, эгнига плашини кийди ва эшик қулфлангани эсига тушиб қолди. Уни очиш учун мурданинг чўнтагидан калитни олиш керак эди. Карина унга яқинлашишга қўрқарди.

Бироз вақт ўтиб, Карина дераза олдига борди-да, уни очиб, сакраб боққа тушди.

Фақатгина, Дроксфорд-Хаусга етиб борганидан сўнггина енгил нафас ола бошлади.

— Ҳеч ким ҳеч қачон билмайди! — ўзига-ўзи уқтирарди Карина. — Ҳаммаси орқада қолди! Уни топишса-да, мен ўлдирганимни исботлай олишмайди! Қандайдир меҳмон аёл ўлдирганини билишса-да, хизматкорлар менинг исмиمنى билишмайди! Мен совуққон бўлиб, ақл билан иш тутсам, ҳеч ким ҳеч қачон билмайди!

У қўйлагининг ёқасини пайпаслаб, бирданига тўғнағичи тушиб қолганини сезиб қолди! Бу нарса асло йўқолиши мумкин эмас! Наҳотки, Дроксфордлар коллекциясининг энг таниқли жиҳози лорд Уимэнникида тушиб қолган бўлса?! Бундай бўлиши мумкин эмас!

Бир дақиқа Карина қайтиб боришни ўйлади. Лекин, бундай қилиш асло мумкин эмасди. У эшикни тақиллатди.

Хизматкор эшикни очиши биланоқ у сўради: — Ньюмен қаерда? Карина гапини тугатмасданоқ, ичкаридан Ньюмен чиқиб келди. — Кечирасиз, хоним, негадир фойтуннинг овозини эшитмай қолибмиз. Бўлмаса шу ерда сизни ўзим кутиб олган бўлардим. — Сизга гапим бор, Ньюмен. Юринг мен билан, — деди Карина ва кутубхонага йўл олди.

Ньюмен унинг ортидан кутубхонага кириб, эшикни беркитди. — Тезроқ графни уйга олиб келинг! — буйруқ берли Карина. — Унинг қаерда эканини сиз яхши биласиз. Тезроқ боринг, бу жуда муҳим! Суриштирманг-да, уни тезроқ ўзингиз билан бу ерга бошлаб келинг. — Аммо, хоним... — гап бошлаганди Ньюмен.

— Мен иложи борича тезроқ у билан кўришишим зарур. Вақтни йўқотманг — уни ўзингиз билан келишга албатта кўндирилинг!

Бир ўзи қолгач, Карина плашини ечиб, титраётган қўллари билан сочларини тўғрилай бошлади. Кўйлагининг зумрад тўғнагич тақилган жойидаги йиртиққа кўзи тушиб ҳўнграб йиғлаб юборди.

Парк-Лейн бўйлаб бир отли фойтунда борар экан, граф кечкуринги режани ўзгартиришни илтимос қилган Каринанинг маъюс юзини кўз олдига келтирарди. Агар, у Фелицита Коруин хоним билан батамом орани очиқ қилишни мўлжалламаганида, унинг илтимосига қўнган бўларди, албатта.

Сибли хоним эса графнинг гапларига ишониб, унинг уйланиши ўзаро муносабатларга таъсир қилмайди деб ўйларди. Қайтанга, тез-тез кўришиб туришга имконият кўпроқ бўлади деб ишонарди. Энди эса, ичида рашк ўти борган сари кучаяётгандек эди.

Лекин, граф Коруин хоним ҳам худди Сибли хоним каби шундай рашкчи эканини билмасди. Фелицита Коруин вақтичоғлиқ учунгина яхши ҳамроҳ деб ўйларди ва у билан чуқур муносабатлар ўрнатишга ҳеч интилмаганиди.

Ўша даврга келиб жентльменлар орасида маъшуқа орттириш одадий ҳол бўлиб қолганди. Шунинг учун бўлса керак, граф Оксфорддан ўқишни битириб келиши биланоқ унга осилиб оладиган хонимлар сон-саноқсиз эди. Уларнинг баъзилари билан муносабат уч ойларга, баъзилари билан эса ундан ҳам кўпроққа чўзиларди.

Коруин хоним у билан муносабатни бир йил ушлаб турди, холос. Графнинг иш бошқарувчиси Итон-Терассда уларга учрашиб туриш учун ҳамма шароитлари етарли бўлган мўжазгина уй топиб берганди.

Коруин хоним унинг Сибли хоним билан қизиқишига лоқайдлик билан қарарди, аммо унинг уйланиши ҳақидаги хабар, негадир унга ханжар санчгандек ботганди.

Граф унга уйланиш сабабларини тушунтириб берганида, у ишонарли даражада кўз ёши тўкканди, кейин эса граф уни Бонд-стритга олиб бориб, қимматбаҳо тақинчоқлар олиб бериб овутган эди.

Каринанинг қимматбаҳо кийимлар олганини ва Аскот пойгасида голиб бўлганини эшитгандан сўнг унинг кўзига бу қимматбаҳо тақинчоқлар бир пул бўлиб кўрина бошлади. Бундан ташқари, граф хотинига катта маблағ сарфлаб отхона қуриб бермоқчилигидан ҳам хабар топганди. Буларнинг бари унда графга нисбатан қасос ҳиссини пайдо қилганди. Шунинг учун, у лорд Уимэннинг таклифига сўзсиз рози бўлди ва унинг режаси асосида графни қўярда-қўймай учрашувга таклиф қилиб хат ёзиб юборганди.



Унинг бемаъни хатини олгач, граф у билан узил-кесил орани очик қилмоқчи бўлганди.

Графнинг ўрнида бошқа одам бўлганида, маъшуқасини нафақага чиқариб юборишни ёзма равишда амалга ошириб, хатни ёрдамчилари орқали бериб юборган бўларди. Аммо, у инсофли одам бўлгани учун охирги марта Коруин хонимнинг олдига бориб, ҳамма гапни тушунтириб, яқин келажакда қийналмаслиги учун моддий ёрдам бериб, хайрлашиб келмоқчи бўлди. Унинг тез орада бошқа хуштор топиб олишига сира шубҳаси йўқ эди.

Граф кириб келганида, диванда ясланиб ётган Фелицита Коруин ўрнидан сакраб туриб, юзида сунъий табассум билан оҳиста унинг олдига қадам ташлади.

Фелицита эркакларни жуда ўзига ром қилувчи аёл эди. Аммо, бу сафар граф унинг қўлини ушлаганида, у биринчи бор кўзига кўпол ва ўзидан итаридиган аёлдек туюлди. Балки, бу нозиккина Карина билан солиштирганидандир; ёки унинг нигоҳлари ўз таъсир кучини йўқотгандир.

— Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди, милорд! Нега бунчалик бағритошлик қиляпсан? — норозилик билдирди Коруин хоним.

— Мен жуда банд эдим, Фелицита, — жавоб қилди граф, каминнинг нариги томонидаги оромкурсига ўтираётди.

— Ҳа, албатта! — заҳархандалик билан деди у. — Ёш хотинчангиз ҳақида кўп гаплар эшитдим, энди биз каби эски маъшуқаларингиз четга чиқибди-да!

— Кўп вақтим парламентда ислоҳотлар қонунини тайёрлашга сарф бўляпти, — деди граф, унинг барибир ишонмаслигини билатуриб.

— Ниҳоят менинг олдимга ҳам келдинг! Оҳ, Альтон, мен бугунги кечани қанчалик соғинганимни кўз олдингга келтиролмайсан!

Ана шу гаплар билан у графга яқинлаша бошлаган эди ҳамки, шу онда хизматкор кириб, тушлик тайёр бўлганини эълон қилди, граф бундан анча енгил тортди.

Гарчи, столга қўйилган барча егуликлар доимгидек, унинг ёқтирган таомлари бўлса-да, негадир бу сафар бемаза туюларди.

Руҳиятини кўтариш мақсадида у кетма-кет шароб ичиб кўрди, Фелицита эса бор маҳоратини кўрсатиб унга хушомад қилар, тинмай гапирар, куларди. Бари бефойда эди.

У доимо ўзига нисбатан ҳақпарвар бўлгани учун тушуна бошлади: гап Фелицитада эмас, унинг ўзида эди.

Чўзилиб кетган тушлик, ахийри ниҳоясига етди ва столга унинг яхши кўрган портвейн шаробини келтириб қўйишди.

У қадаҳга шароб қуйди-да, ўзига-ўзи савол берди: Фелицитага бугунги учрашув охиргиси эканини айтсаммикин ё йўқми? Яхшиси меҳмонхонага чиққанимизда айтарман?

Коруин хонимнинг ҳамон чакаги тинмасди, янги латифалар айттарди, уни кулдиришга ва зериктирмасликка ҳаракат қиларди.

Унга қараб ўтириб, графнинг раҳми кела бошлади ва хайрлашиш олдидан сахийлиги тутиб унга одатдагидан кўра кўпроқ пулга чек ёзиб беришни мўлжаллади.

Меҳмонхонага киришганида соат ўн бирдан ўн беш дақиқа ўтган эди.

— Жонгинам Альтон, ниҳоят биз биргамиз! — титроқ билан гапирди Фелицита.

— Сенга айтадиган гапларим бор... — деб бошлаганди граф, давом эттиришга улгурмади.

– Менинг ҳам сенга гапларим бор, – гапни бўлди Коруин хоним. – Эсингдами, тўйдан кейин бу ерга келганигда, никоҳимиз ҳеч нарсани ўзгартирмайди деган эдинг. Аслида эса ҳамма нарса ўзгариб кетди...

– Фелицита, сен аввал мени эшит... – уни тўхтатишга ҳаракат қиларди граф, лекин гапи яна бўлинарди.

– Тўйингиздан кейин бирор марта мен билан бўлмадинг! Мен сени ҳар кеча, ҳар кундуз кутдим, сен келмадинг! Хат ҳам ёзмадинг! Мени эсингдан чиқариб юбординг!

– Мен ахир айтдим-ку, доим банд эдим деб.

– Нима билан банд эдинг? – қизиқсиниб сўради Коруин хоним. – Мана шу қизча биланми, кўк кўзли хотинчанг биланми? У қаердан пайдо бўлди ўзи? Қойил, бир кечанинг ўзида юқори табақали одамни ўзига ром қилиб олди-я! Лекин... – У ҳаяжонидан бир дақиқага жим бўлиб қолди-да, яна давом этди: – Наҳотки, жаноб олийлари орқаваротдан қандай гаплар бўлаётганини тушунмаяпти? Наҳотки, сизни аҳмоқ қилиб, хиёнат қилаётганини фаҳламаяпсиз?

– Жим бўл! – Граф дивандан сакраб турди. – Қандай журъат этиясан?! – деди у совуқ оҳангда. – Менинг хотиним ҳақида бунақа гаплар айтишга нима ҳаққинг бор? Бугун сенинг олдинга келишимдан мақсад, Фелицита, шу пайтгача менга етказган ширин онларинг учун миннатдорчилик билдириш ва муносабатимиз бошқа давом этмаслиги ҳақида огоҳлантириш эди.

– Сен мендан қутулмоқчимисан? – бақириб юборди Коруин хоним. – Йўқ, Альтон! Бундай бўлмайди! Мени ташлаб кетолмайсан! – фарёд ура бошлади у ва йиғи аралаш ўзини унга ташлади. – Сен кетмайсан! Мени ташлаб кетолмайсан! – бақирди Коруин хоним. – Айна шу бугун ҳеч қаерга кетмайсан! – Қўллари билан графнинг бўйинини чулғаб олди ва юзини юзига яқинлаштирди.

Айни дақиқада, меҳмонхона эшиги очилиб, хизматкор аёл деди:

– Кечирасиз, хоним. Биламан, ҳеч ким безовта қилмаслигини буюрган эдингиз, лекин ташқарида бир киши граф билан гаплашишим зарур деб қўймаяпти, унинг хизматкори эмиш.

– Ньюмен бўлса керак! – ҳайрон бўлди граф. – Мен пастга тушиб чиқаман.

– Йўқ, йўқ, Альтон! Ҳеч гап бўлмаса керак! – деди унинг ортидан Коруин хоним.

Граф пастга тушганида Ньюмен хаёл суриб турарди.

– Нима бўлди? – сўради граф.

– Графиня хоним, милорд... Жуда аянчли ҳолатда қайтиб келдилар!

– Қайтиб келдилар? – ҳайрон бўлди граф. – Хоним уйда қолганди-ку?!

– Йўқ, милор. Мэйхью хоним уларни Хампстедга тушликка олиб кетган эди. Хоним у ердан пиёда қайтдилар ва сизни дарҳол уйга келишингизни илтимос қилдилар. Уларнинг кечиктириб бўлмайдиган зарур гаплари бор экан.

– Нима бўлди ўзи, Ньюмен? – қайта сўради ундан граф, чунки шу пайтгача уйда у беҳабар қоладиган биронта воқеа бўлмаганди.

– Мен ҳеч нарса билмайман, милорд, тўғриси айтяпман. Шуни биламанки, жаноб олийлари, уйга тез қайтмасангиз бўлмайди.

– Кетдик! – деди граф.

Бироқ, яхши тарбия кўргани боис, индамай кетолмади ва у тезда меҳмонхонага кўтарилди.

— Дроксфорд-Хаусда нимадир содир бўлибди, — деди граф Коруин хонимга. — Узр Фелицита, мен қайтишим керак.

— Сиз кетишингиз мумкин эмас! — эътироз билдирди у. — Соат ўн бирдан ошди. Сиз шу ерда қолишингиз керак!

— Минг афсус... — дея сўз бошлаган эди граф.

— Ўтиниб сўрайман! — гапни бўлди Коруин хоним ва унинг қўлига чирмашиб олди, у эса буни ёқтирмасди. — Сизни қўйиб юборолмаслигимнинг сабаби бор!

— Ўзингизни қўлга олинг, Фелицита, — ҳурматсизлик билан талаб қилди граф. — Мен ҳозир уйимда бўлишим шарт! Бошқа гапим йўқ сизга! — Унинг қўлларини силтаб ташлади-да, чиқиб кетди.

Дроксфорд-Хаусга йўлда кетаётиб граф ҳайрон бўларди, Фелицита нима учун бугун ўзини бунақанги ножоиз тутди? У доим ишини яхши биладиган, жуда тажрибали, одоб чегарасидан чиқмайдиган аёл эди-ку? Айни дамда уйдан хавотирланарди: Каринага нима бўлиши мумкин? Қаерга борган ўзи? Мэйхью хоним деганлари ким бўлдикин, жин урсин? У бунақа исмни олдин эшитмаган эди. Қарта ўйинлари, пойгалар — бу сафар Карина қандай нағма ўйлаб топганикин?

Граф Дроксфорд-Хаусга етиб келди.

— Графиня кутубхонадалар, — деди унга Ньюмен.

Карина хона ўртасида турарди. Унинг қўрқувдан оқариб кетган юзини кўриши биланоқ граф хулоса чиқарди: Ньюмен уни олиб келишга бориб, жуда тўғри иш қилибди.

— Нима бўлди? — сўради у ва Карина гапира олмайдиган аҳволда эканини дарҳол сизди.

Унинг лаблари қимирлар эди-ю, лекин овози чиқмасди. Кўзлари қўрқувдан қорайиб кетган эди.

— Нима гап ўзи, Карина? Нимадан асабинг бузилди?

— Мен сизни... катта жанжалга рўпара қилиб қўйдим! — жавоб қилди у. — Мен... атайин қилганим йўқ. Нима бўлганига... ўзимнинг ҳам ақлим етмаяпти! Келгунингизгача... ўйлаб турувдим... уни... отмаслигим керак эди. Оёғини мўлжалга олган эдим!... Мен уни... ўлдириб қўйдим, милорд. Энди... ҳамма буни мен қилганимни билиб қолади... У ерда тўғнағични тушириб қолдирибман... Сизнинг... ёзувли зумрад кўзли қимматбаҳо... У мени... ўпмоқчи бўлганида... тушиб қолибди.

Каринанинг овози паст бўлиб узилиб-узилиб чиқарди, граф уни зўрга эшитарди. Граф уни қўлидан ушлаб, диван олдига олиб борди.

— Ўтир, — деди у, — ва менга ҳамма гапни бир чеккадан гапириб бер. Балки ақлим қисқалик қилаётгандир, лекин гапларинг менга етиб бориши қийин бўляпти: кимни отиб қўйдинг, нимага отдинг?

— Лорд Уимэнни, — жавоб қилди у. — Мени алдаб, унинг уйига олиб боришди, кейин у мени зўрлаб... номусимга тегмоқчи бўлди ва бўлган воқеани сизга барибир айтолмаслигимни уқтирди. Чунки, айтсам, сиз уни дуэлга чақирисиз ва саройдагилар олдида обрўйингизга путур етади, ўзим эса беномус аёлга айланармишман.

— Гапларинг ростми? — ишонқирамай сўради граф.

— Рост, — ҳўнграб йиғлай бошлади Карина. — Энди... уни отиб қўйдим! Уни жуда ўлдиргим келувди! Мен унинг... юрагини мўлжаллаб отдим, у... ўлди! Жуда катта аҳмоқлик қилиб қўйдим. Энди... мени осишадими?

Граф унинг кафтларини янаям қаттиқроқ сиқди.

— Ҳеч ким сени осмайди, — тинчлантирди у. — Лекин, мен бўлган воқеани энг бошидан тўлиқ билишим керак. Лорд Уимэннинг уйи-

дан чиқаётганингни биров кўрдими? У ерга нега борган эдинг? Бундан кимлар хабардор?

— Фақатгина Мейхью хоним, — деди Карина. — У актриса экан... Лорд Уимэн, мени алдаб олиб келиш учун унга пул тўлаган экан!

— Кел, мен кетган дақиқадан бошлайлик, — сўради граф.

Карина аста-секинлик билан, тугилмасдан унга гапира бошлади: кетиши билан, унинг кетидан галати бир аёл келганини; аёл уни Хампстедга тушликка олиб кетганини; қароқчилардан қўрқиб тўппонча олиб олганини; уни қандай қилиб алдаб, артрит билан касалланган хонимникига борамиз деб, лорд Уимэннинг уйига олиб боришганини бир чеккадан айтиб берди.

Кейин эса Карина: лорд Уимэн билан келишувга биноан, Коруин хоним графни эрталабгача ўзи билан олиб қолиши; унинг ялинишларига қарамай, лорд Уимэн уни зўрлашга ҳаракат қилгани; то кўркувдан уни отиб қўймагунича, стол атрофида ортидан қувлаб юргани ҳақида гапириб берди.

Ундан кейин, деразадан қочиб кетгани ва, то зумрад тўғнағич йўқолганини билмагунга қадар, бўлган воқеани билишмайди деб ўйлаганини айтиб берди.

У гапини тугатгач, граф ўрнидан турди.

— Мен изларни йўқота олсам, ҳеч қандай жанжал чиқмайди! — қатъият билан деди граф. — Менга айт-чи, Карина, ўша дераза уйнинг қайси томонида эканини эслай оласанми?

— Нима қилмоқчисиз? — сўради Карина.

— Тўғнағичингни олиб келмоқчиман, — жавоб қилди граф кулимсираб, кейин унинг қўлларини ўпиб, хонадан чиқиб кетди.

Граф аравага ўтириб Парк-стритга борди ва ҳайдовчига шу ерда кутиб туришни буюрди. Ўзи эса Уимэнлар уйининг орқа ҳовлисига ўтиб, Карина айтган деразани қидириб топди. У очиклигича турарди, граф деразадан ичкарига тушди ва полда ётган лорд Уимэнга кўзи тушди.

Кейин Каринанинг тахмини бўйича қарама-қарши томонга бориб, у ердан тўғнағични топди. Карина ҳақ экан! Тўғнағич эшик орқасида ётган эди. Граф уни олиб чўнтагига солди.

Кейин, ҳар эҳтимолга қарши, жасаднинг томир уришини текшириб кўрган эди, лорд Уимэн ҳали тирик экан! Томир уриши жуда суст эди.

Граф чўнтагидан тўппончасини олдида, лорд Уимэн бармоқлари орасидан қадаҳ синиқларини олиб ташлаб, ўрнига тўппончани қўйди.

Ярадорнинг чўнтагидан калитни қидириб топди-да, эшикни очиб қўйди ва ўзи яна дераза орқали ташқарига чиқиб кетди.

Фойтунга ўтириб уйнинг асосий кириш эшиги олдида тўхтатишни буюрди ва ташқарига чиқди.

Хизматкорлар эшикни очиши билан:

— Хўжайин уйда йўқлар! — деб айтишди.

— Лорд Уимэн мени кутяпти, — деди у. — Биз бирга овқатланмоқчи эдик.

— Лекин, жаноб олийлари уйда йўқлар, — қайта гапирди хизматкор.

— Мен граф Дроксфордман. Ташрифим ҳақида унга хабар беринг.

Хизматкор довдираб қолди:

— Жаноб олийлари мени меҳмон келиши ҳақида огоҳлантирмаган эдилар.

— Бу сиз томондан катта камчилик! — ўдағайлади граф. — Лекин, аминманки, лорд Уимэн мени кўриб ажабланмайди. — Ва у Карина

тушунтириб берганидек, тўғри уйнинг ичкари томонидаги, ўша “машъум фожиа” ўйналган хонага қараб йўналди.

Хизматкор унинг ортидан бориб, овоз ўтказмайдиган хонанинг эшигини тақиллатди.

Жавоб бўлмади, хизматкор қайта тақиллатди.

– Балки жаноб олийлари ухлаб қолгандур? – деди граф.

Хизматкор эҳтиёткорлик билан эшикни очди. Кейин, бақриб юборди-да, полда ётган хўжайинининг олдига югуриб борди.

– Худо асрасин! – деди граф ҳайратга тушгандек. – Бу бахтсиз ҳодисага ўхшайди! – Энгашиб, яна унинг томир уришини текширди.

Хизматкор унинг қўлидаги тўппончага қараб қолди, кўйлаги қонга беланганини кўрди-да, тутилиб гапирди:

– Хўжайин ярадорга ўхшайдими? Нима қиламиз энди?

– Тезда биронга одамни врачга юборинг, – маслаҳат берди граф.

– Жаноб олийлари ҳали тирикми? – сўради хизматкор.

– Ҳа, тирикка ўхшайди, – жавоб қилди граф. – Томири уряпти. Бу бахтсиз ҳодиса. Тушуняпсизми?

Хизматкор жарроҳ чақиртириш учун югуриб хонадан чиқиб кетди.

Граф атрофни текшириб чиқди-да, Карина бошқа ҳеч нарсани қолдирмаганига ишонч ҳосил қилиб, аста чиқиб фойтунга ўтириб кетди.

Карина оловга қараб ўтирарди. У графни бунчалик тез қайтади деб ўйламаган эди. Уни кўриб, жон ҳолатда ўрнидан турди.

Граф кулиб туриб, унинг қўлига зумрад тўғнағични тутқазди.

– Менинг тўғнағичим! – ялт этиб қаради Карина. – Сиз... уни топиб келдингиз! Жудаям... яхшисиз!

– Мен уни худди сен айтган жойдан топдим, – деди граф. – Лорд Уимэн эса тирик қолибди!

– Тирик қолибдими?! – ҳайрон қолди у.

– Ҳа, аммо сен уни қаттиқ жазолабсан, – деди граф лабида табасум билан.

Карина ҳеч нарсани тушунмай унга қараб турди-да, бирданига ҳушидан кетиб қолди.

Граф уни йиқилай деганида тутиб қолди ва кўтариб ётоғига олиб кетди.

Зинапоядан кўтарилаётганида Карина ҳушига келиб қолди ва уни ким кўтариб кетаётганини билди. Шу дамда у тушундики, илгари ҳеч қачон ўзини бундай ҳимояланган, ёқимли ва енгил ҳис қилмаган! У графнинг кенг елкасига бошини қўйиб борарди.

Ньюмен уларнинг ортидан югуриб бориб, ётоқхона эшигини очиб берди ва граф Каринани ичкарига олиб кирди.

– Каринанинг ёрдамчисини чақиринглар, – буюрди граф ортга қараб ва эҳтиёткорлик билан уни каравотга ётқизди, секингина лабидан ўпиб қўйди-да, деди: – Сен ҳеч кимни ўлдирмадинг! Агар ўлдирганингда ҳам у бунга арзир эди! Сира хавотир олма, Карина, ҳаммаси яхши бўлади.

## ЎНИНЧИ БОБ

Карина қоронғида қимир этмай, хаёлида қандайдир гайритабиий воқеа содир бўлганини ўйлаб ётарди. У лорд Уимэннинг сурбетларча қилган номардлигию ва кечаси бўлиб ўтган қўрқинчли воқеаларни сира эсламасди.

Карина, графнинг бағрида зинапоядан кўтарилаётгандаги бахтли онларни ва лаблари унинг лабларига теккан дақиқаларнигина ўйларди. Бу лаблар охири ишончсизликларни ювиб ташлади ва кўз олдида айна ҳақиқат гавдаланди — у графни севарди.

У ётган жойида ёстиққа қараб: — Мен уни севаман! Уни севаман! — деб шивирлар эди.

Аммо бу хурсанд кайфият тез тугади ва Карина унга севиши ҳақида ҳеч қачон айтолмаслигини ўйлади. Графда унга нисбатан севги ҳисси йўқ, фақат ёш болага кўрсатиладиган меҳр бор, холос.

«Унинг севгисига етишишга сира умид йўқ, — дерди Карина ўзига. — Унинг ҳаётида иккита келишган ва тажрибали аёллари бор». У шу ўйлар билан охири шундай хулосага келди: бу ердан кетиш керак, бошқа чораси йўқ!

Гайд-паркдаги дарахтлар ортидан қуёш кўрина бошлади. Карина дераза пардаларини очганди, хона ёруғлашиб кетди. Ўтириб, графга хат ёзди. Кейин қайтадан ўрнига ётди. Соат саккиз бўлганда кўнги-роқни чалиб, Мартани чақирди.

Марта келганидан сўнг унга “Оқ айиқ” почта ҳовлисига бориб, икки отли фойтунга буюртма беришни ва бу ҳақда ҳеч кимга чурқ этмасликни илтимос қилди.

— Сиз учун ҳамма нарсага тайёрман, хоним, — деди Марта ва унинг илтимосини бажаришга шошилди.

Карина ёстиққа бошини қўйиб, уни олдинда нималар қутаётганини ўйлай бошлади. Бир неча дақиқадан кейин иккинчи ёрдамчи нонушта билан “Тайм” газетасини келтирди. Карина пойгаларни кўриш учун газетани очганди, “Лорд Сибли бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлди” мақоласига кўзи тушиб қичқариб юборди. Унда ёзилишича, лорд Сибли икки гилдиракли фойтунда қирол почта хизматининг араваси билан тўқнашиб кетган. Фойтун ағдарилиб жарликка қулаган. Врачлар етиб келгунча унинг жони узилган.

Карина газетани четга суриб қўйди. Демак, Сибли хоним боши очиқ аёл бўлибди! Бу дегани, энди у ўзи яхши кўрган ва уни яхши кўрадиган одамга эрга тегишга имконияти бор. Агар граф сал олдинроқ уйланган бўлмаганида, ҳозир у графиня Дроксфорд бўлиши мумкин эди!

Карина, кўзларига дунё тор кўриниб, ётган ўрнидан турди ва графга тайёрлаб қўйган конвертни очиб, ёзган хатига илова қўшиб, қайтадан муҳрлаб қўйди. Қўлидаги хатга бир дақиқа қараб туриб, кейин лабларига яқинлаштирди.

— Оҳ менинг азизим... севгилим, — пичирлади Карина. — Алвидо!

“Бу кунимдан ўлганим яхши, — ўйларди у. — Қолган умримни бундай оғриқ билан қандай ўтказаман?”

Граф фойтунни ўзи бошқариб, Аскотга кетар экан, ўзини жуда ёмон ҳис қиларди. Гўё ич-этини нимадир кемираётгандек туюларди. Фалати бир ҳиссиёт уни чулғаб олган эди. Хаёлини бошқа томонга олиб қочишга ҳаракат қиларди-ю, аммо, нуқул кечаги воқеалар ми-ясида пайдо бўлаверарди.

Кечаси у деярли ухлолмади, кўз олдидан Каринанинг қўрқув босган чехраси кетмасди, аммо, елкасига бошини қўйгани ҳам яхши эсида қолганди. Энг эсдан чиқмайдигани унинг лаблари. Уни тинчлантириш учун болани ўпгандек бўлувди, бироқ, лабларига текканида бундай эмаслигини тушунди.

Граф Карина ҳақида ўйламасдан, Коруин хоним ҳақида ўйлашга ҳаракат қиларди-ю, лекин бундан пешонаси тиришиб кетарди.

Айниқса, Лорд Уимэн билан Коруин хонимнинг кеча кечаси биргалашиб қилган душманликлари унинг қонини қайнатиб юборди. У биринчи навбатда эски маъшуқасини бир тийин бермай ҳайдаб солишни дилига тугиб қўйди. Унинг Карина тўғрисида гапирган ҳақоратли гаплари, асосан кўп шароб ичиб юборганининг натижаси бўлса керак.

Одатда, тарбияси яхши бўлмаган аёллар ичкилик таъсирида баттар айнаб, бошқариб бўлмайдиган бўлиб кетишади. Унинг графга нисбатан севги-муҳаббат ҳақидаги гаплари рост бўлса, уни қилган иши учун кечирса бўлади.

Аммо, унинг лорд Уимэнга қўшилиб, Каринани қийин аҳволга солишганини ҳеч қачон кечириб бўлмайди. Худонинг раҳми келиб, Карина бундан зўрга қутулиб қолди.

Нонуштадан сўнг граф иш столига ўтириб, Коруин хоним учун мўлжалидан тўрт баравар кам миқдорда чек ёзди. Чекни почта орқали жўнатиш учун Роберт Уэйдга берди, бундан ташқари, Итон-Террасдаги уйни сотиш ҳақида котибига хат қолдирди.

Маъшуқасидан шу тарзда қутулиб, газетани қўлига олганди, лорд Сибли ҳақидаги бахтсиз ҳодисага кўзи тушди, бироқ Каринанинг хаёлига келган ўйлар унинг хаёлига келмади.

Бу хабардан у бироз енгил тортди. Чунки, бир йил давомида Сибли хоним азадор бўлади ва балларга, йиғилишларга боравериб, мени эсдан чиқаряпсан деб ҳиқиллайвермайди. У билан учрашувлар графнинг ўлгидек жонига теккан эди.

Ўзи, Ричмондларнинг меҳмондорчилигида улар муносабатларига дарз кетган эди. Ўша можародан кейин Сибли хонимдан графнинг кўнгли совуб бўлганди, унинг қалбини яраламасдан ўйнашлик ва-зифасидан қутулиб, хайрлашиш йўлини қидириб юарди.

Юқори табақа аёллари орасида ишқий муносабатлар бузилишини кенг оммага маълум қилиш ҳоллари камдан-кам учрайди, одатда, улар азоб чекса-да, дардларини ичларига ютиб юрадилар.

Аммо, Сибли хоним замондош аёлларига нисбатан бошқача эди. У яширин ишқий муносабатлар ўрнатиш бўйича кўп йиллик тажрибаси давомида биринчи марта айнан графга чуқур кўнгили қўйганди. Шунинг учун, уни сирпаниб чиқиб кетмасидан олдинроқ, қандай йўл билан бўлса ҳам, ушлаб қолишга ҳаракат қилиши аниқ эди.

Лекин граф анча ақлли ва удабурон чиқиб қолди. То Сибли хоним қайтадан саҳнада пайдо бўлгунча, улар бир-бирини унутиб юбордилар деб умид қилди.

Энди у турли ёлғонлардан, бировнинг ётоғига яширинча йўллар билан кириб-чиқишдан, ярим кечалари иссиқ ўрнини ташлаб совуққа чиқиб, кейин яна ечиниб-кийиниб совуқда уйга қайтишлардан қутулди.

Эркинлик! Хаёллари уни яна Карина томонга бошлади. Уни юқорига кўтариб чиқаётганида ундан хушбўй ифор анқиб турарди! Тилла ранг сочлари қўл қирғоғида шамолдан ҳилпираб турган сариқ наргисларга ўхшарди!

Шу пайт у бирданига қалбини нима безовта қилаётганини эслаб қолди!

Аскотга жўнашдан олдин у Каринанинг ётоғига кўтарилиб, эшикни тақиллатди. Ичкаридан Марта эшикни секин очиб чиқди ва яна ёпиб қўйди.

— Хоним ухляптаилар, милорд. Кечаси билан мижжа қоқмадилар, безовта қилгим келмаяпти.

— Майли, майли, ухлайверсин! — деди граф. — Уйғонганидан кейин унга менинг саломимни етказинг ва айтиб қўйинг: кечқурун бирга но-нушта қиламиз, шунинг учун унинг тезда тузалишига умид қиламан.

— Сўзларингизни албатта етказаман, милорд, — ваъда берди Марта ва унга таъзим қилди.

Граф орқага ўтирилди ва йўлакда кетаётган иккита хизматкорга кўзи тушди. Унинг назарида улар Каринанинг кийинадиган хонаси-дан чиққандек бўлишди. Шу онда граф уларга эътибор бермасдан отларни кутдириб қўймаслик учун шошиб пастга тушиб кетган эди. Энди эса, улар юмалоқ сандиқни кўтариб кетишаётганини эслади!

Нимага улар сандиқни Каринанинг хонасидан олиб чиқиб орқа эшик томонга олиб кетишди? Сандиқда нима бўлиши мумкин? Карина ҳеч қаерга бормоқчи эмасди-ку?

У яна бир нарсани эслади. Марта чиққанида эшик оралиғидан қуёшнинг ёруғ шуъласи кўринган эди. Агар Карина ухлаётган бўлганида дераза пардалари ёпилган бўларди?

— Бу ерда бир гап бор! — хулоса қилди граф.

У қандайдир хавфни ҳис қилди-ю, бирданига отларни тўхтатди.

— Нимадир бўлдими, милорд? — ҳайрон бўлиб сўради ҳайдовчи ва отларнинг жиловларини текшириб кўрди.

— Орқага қайтамиз, — деди граф. — Бир нарса эсимдан чиқибди!

Улар фойтунни орқага буриб, Лондонга қараб йўл олишди.

Гилдирак овозларини эшитиши билан хизматкорлар югуриб чиқишди, граф жиловни ҳайдовчига берди-да, югуриб уйга кирди. Ньюмен ўз жойида тик турарди.

— Мен графиня билан гаплашмоқчиман, — деди ҳеч нарса бўлмагандек граф. — Уйқудан турган бўлса керак.

Ньюменинг ранги ўзгарди.

— Графиня кетдилар, милорд! Хонимнинг режаларидан хабарингиз бўлса керак деб ўйладим.

— Яна қандай режалар? — жаҳл билан сўради граф. — Қаерга кетди?

— Мен билмайман, милорд, — жавоб қилди Ньюмен. — Хоним почта фойтунини чақиртирган эканлар, у сиз кетишингиз билан келганди.

— Почта фойтуни?! — газаб билан деди граф.

— Хоним сизга хат ташлаб кетган, столингиз устида турибди.

Хизматкорлар гапни эшитиб тургани учун граф кутубхонага кириб кетди, Ньюмен унинг кетидан борди.

Граф жаҳл билан сўради:

— Жин урсин! Отхонада ўзимнинг отларим бор бўлатуриб нега уни почта фойтунида жўнатдинглар?

— Биламан, милорд. Бу мен учун қутилмаган ҳолат, — деди Ньюмен, — яна шуни айтишим лозим, сиз кетганингиздан кейин чорак соат ўтиб, сэр Гай Меррик келганди!

— Сэр Гай? — қайта сўради граф.

— Ҳа, милорд. У ҳам хонимнинг қаерга кетганлигини сўради. — Графнинг диққат билан эшитаётганини кўриб гапини давом эттирди: — Менинг хизматкорларнинг биридан гумоним бор, у анчадан бери менга ёқмасди. Менимча, у сэр Гайдан чойчақа олиб, уни хонимнинг қилаётган ишларидан доим хабардор қилиб турган. Ишончим комил, сэр Гай ўша хизматкор орқали хонимнинг кетиши ҳақида хабар топган.

— Лекин, қаерга кетганини билмайди? — ўзига-ўзи гапирди граф.

— Йўқ, билмайди, милорд. Чунки, у мендан фойтунни хоним қаердан чақиртирганини сўради. Жеймс эса, мендан берухсат “Оқ айиқ”дан деди.



– “Оқ айиқ”дан?! – ҳайрон бўлди граф ва Каринанинг хатини очди.

Ньюмен кутубхонадан чиқиб кетди, граф эса қўлидаги хатга тикилиб турарди ва нималар ёзилганини англамасди.

Хат, шошилинич ёзилган иловани ҳисобга олмаганда, жуда чиройли дастхат билан битилганди:

*“Милорд!*

*Сиздек зоти олийларига етказган ҳамма номаъқулчиликларимдан шундай хулосага келдимки, мен Лондондан кетиб, қишлоқда яшасам мақсадга мувофиқ бўлади. Мендан хавотир олманг ва мени қидириб топишга ҳам овора бўлманг. Дам олиб, ўзимга келиб қолсам, балки қайтиб келарман.*

*Мен ўзимдаги камчиликлар учун чин юракдан узр сўрайман ва кечиритишгини худодан илтижо қиламан.*

*Сизни ҳурмат қилувчи ройиш рафиқангиз бўлиб қоламан.*

*Карина.*

*Р.С. Ҳозиргина газетада лорд Сиблининг ўлими ҳақида ўқидим. Жуда яхши тушунаман, энди сизга эркинлик керак бўлади, чунки яхши кўрган аёлингизга уйланишингиз керак. Сизга бахт тилайман, милорд. Уч ой давомида қайтмасам, бахтингизга эришиш осонроқ бўлади. Уч ойдан кейин мени ўлди деб эълон берасиз. Бунинг ёлғон эканини ҳеч ким билмайди ва мени бошқа ҳеч қачон кўрмайсиз”.*

Граф хатни бошидан охиригача икки қайта ўқиди, гўё унинг мияси ёзилган сўзларни сира қабул қилмаётгандек эди. Ниҳоят, у кутубхонадан чиқиб хизматкордан шляпа ва қўлқопларни олди-да, Ньюменга ҳам индамай кўчага чиқди-ю, фойтунга ўтириб кетди.

У “Оқ айиқ”га борди, бош отбоқарни чақириб Дроксфорд хоним буюртирган фойтун қайси йўналишга кетганини сўради.

– Қизиқ! – деди бош отбоқар. – Сиздан олдин ҳам бир жентльмен худди шуни сўраган эди! Хоним Северна деган қишлоққа кетдилар.

Граф унга ярим гиней берди-да, югуриб чиқиб отларни Пикадиллидан чоптириб кетди. Бош отбоқар унинг ортидан ҳайрон бўлиб қараб қолди.

Лондондан чиқиб олгач, граф отларни ўз ҳолига қўйиб қўйди, улар ўзлари йўлни билиб боришарди. Унинг тахминича, Гай ҳам ўз отларида кетган ва ундан ўзиб кетишга яккаю ягона умид шу эдики, граф Севернага борадиган йўлни яхшироқ биларди. Северна қишлоғи Дроксфорд-Паркдан унчалик узоқ эмасди.

Икки соатлардан кейин у қишлоқ четига етиб келди, лекин йўлда Гайнинг фойтунига кўзи тушмади. Биринчи уйларга яқинлашганида, рўпарадан келаётган почта экипажини кўрди ва ўз отларини йўлга қўндаланг қилиб қўйди. Почта фойтуни секинлашиб, ўн ярд нарида тўхтади.

– Жин урсин, бу нима қилганингиз? – жаҳл билан сўради фойтун ҳайдовчиси.

Граф фойтунини унга яқинроқ олиб бориб, сўради:

– Мен йўловчингизни қаерга элтиб қўйганингизни билмоқчиман, – тушунтирди у. – Мен буни сизсиз ҳам билишим мумкин, лекин сиздан эшитсам вақтдан ютаман.

Граф чўнтагидан олтин танга чиқарганди, унинг кўзлари яшнаб кетди:

– Пушти рангли уй, сэр. Қишлоқнинг энг охирида, ўнг томонда. Граф уйни осонгина топди, унга яқинлашиб, ҳовлисида Гайнинг фойтунини кўрди. Отларнинг ҳўллигидан улар ҳам эндигина келиб тургани билинарди. Лекин, фойтунда ҳайдовчининг бир ўзи ўтирарди. Гай йўқ эди!

Граф жиловни ташлаб, сакраб ерга тушди ва йўлка бўйлаб томи сомон билан ёпилган кичкина уйнинг эшиги томон юрди.

Эшикни таққилатди, бироздан кейин бир кампир эшикни очди. Унинг оқарган сочлари орқасига турмакланган эди, ораста кулранг кўйлаги устидан оқ фартук тақилган – анъанавий даниялик энага, эътиборга олиб кўйди граф.

– Мен хоним билан гаплашмоқчиман, – осойишталик билан деди граф.

– Мисс Карина, яъни хоним, ўрмонга кетди, – жавоб қилди кампир. – Уни бир жентльмен ҳам сўраб келувди.

Унинг ажин босган юзидан кўрқув босаётгани сезилди ва граф деди:

– Мен граф Дроксфордман, хоним ўрмонда бўлса, уни ўзим топарман.

– Боғ тугаши билан сўқмоқ йўл келади, милорд, – тушунтирди унга Каринанинг энагаси. Кейин, граф ўгирилиб, энди кетмоқчи бўлганида, эҳтиёткорлик билан сўради: – Милорд, илтимос, унга қаттиқ гапирманг? Қизим бу ерга келган заҳоти, унинг бахтсиз эканини пайқадим. У мен билан бир оғиз дардлашмади, лекин сўзсиз ҳам унинг ишлари яхши эмаслигини тушундим!

– Ҳаммаси яхши бўлади, сира хавотир олманг, – ваъда берди граф.

У ўрмонни кесиб ўтиб, майдончага чиқиши билан шундоққина рўпарасида Карина билан Гайни кўрди!

Карина оқ кўйлақда, дарахт тўнкаси устида ўтирарди, Гай эса графга тескари ҳолатда тик турарди. Граф катта арча дарахти орқасига беркинди. Уларнинг ҳамма гаплари унга аниқ эшитилиб турарди.

– Қандай қилиб бир ўзингиз кетасиз? – кескин оҳангда савол берди Гай.

– Мен бир ўзим бўлмайман, қари энагамни ҳам олиб кетаман, – жавоб қилди Карина.

– Ирландиялик қариндошларингиз билан ҳечам кўришмаган бўлсангиз? Улар сизни қабул қилишармикин?

– Қабул қилишмаса, қишлоқнинг бир чеккасидан ўзимга кичкина уйча сотиб оламиз. Мен энагам билан арзиманган маблағга ҳам кун кўра оламиз, бизни ҳеч ким тополмаса бўлгани.

– Мен бунга йўл қўяман деб ўйлаяпсизми? – қизиқсиниб сўради Гай – Карина, бунақа тентаклик қилманг! Агар яширинишни истаётган бўлсангиз биргаликда яширинайлик. Мен билан юринг, дунёнинг сиз истаган жойига кетамиз!

– Сиз илгари ҳам менга буни таклиф этгансиз, – деди Карина.

– Сиз эса кўнмагансиз! Ўшанда мен сизни Альтон билан бахтли бўлинг деб кўйиб юборганман. Энди эса, ундан қочиб кетиб, менинг йўлимдаги сўнгги тўсиқни олиб ташладингиз – яъни, мени севмаслигингизни ва фақат дўст бўлиб қолишимизни, назарда тутяпман!

– Менинг ҳиссиётларим ўзгаргани йўқ, – жавоб қилди Карина. – Ўшанда ҳам айтган эдим, сизга ҳурматим баланд. Ва доим шундай бўлади. Лекин, мен сизни севмайман ва сиз билан яшамайман.

– Демак, мени шундоқ кўйиб кўяди, бемалол қари энагам билан Ирландияга кетавераман, деб хаёл қилияпсизми?

– Ҳа, мен шундай қилмоқчиман, – қатъий деди Карина.

– Мен эса бунга йўл қўймайман, – қаршилиқ билдирди Гай. – Сиз мен билан кетасиз, гапни кўп чўзманг, ҳозироқ кетамиз, Карина. Ўз хоҳишингиз билан кўнмасангиз, зўрлаб олиб кетаман. Кўл-оёғингизни боғлайман-да, ҳушингиздан кетказиб Дуврда турган яхтамга ортиб кетаман. Ла-Маншни сузиб ўтиб, қитъага ўтиб олсак, кейин келажак режасини тузаверамиз. Мен сизни севаман, сиз яхши биласиз! Оёғингиз остига юрагимни қўяман!

– Йўқ, Гай, сизга жуда ачинапман... Лекин, сизни бахтсиз қилишга мажбурман. Сиз билан кетолмайман.

– Ундай бўлса, рухсатингизни кутиб ўтирмайман, – деди-да, кўполлик билан Каринани ўтирган жойидан кўтариб тик турғазиб қўйди.

Унинг кўтариб олиб кетмоқчилигини сезиб, Карина бор кучи билан бақирди.

Граф беркинган жойидан чиқди.

– Гай! Уйлайманки, бу масалани ҳал қилишда мен ҳал қилувчи овозга эгаман!

– Альгон! – ҳайрон қолди Гай.

Карина паст овозда “ох”, деди-ю, юрагини чангаллаб қолди.

Граф Гайнинг рўпарасига келди ва бир муддат икки эркак бир-бирига тикилиб қолишди. Улар нимаси биландир бир-бирига ўхшар эдилар, бўйлари ҳам барабар эди.

– Сенинг қилиқларингга узоқ чидадим, Гай, – пўписа қилиб деди граф. – Ҳозир эса сен билан уришишга тайёрман. Ўзи сени аллақачон ақлингни киргазиб қўйишим керак эди.

– Демак, голиб чиққан одам соврин сифатида Каринани олиб кетади, шундайми! – унинг устидан кулди Гай.

– Сенга ҳеч нима таклиф қилмаяпман, – деди граф. – Карина менинг рафиқам!

– Рафиқам? У билан сира ишинг бўлмаётган эди-ку? – деди Гай. – Сени шунчалик яхши кўрганидан, рафиқанг сендан қочиб, ахтариб тополмаслигинг учун Ирландиянинг гадой топмас жойларига кўчиб кетмоқчи бўлган экан-да!

– Сен билан таллашиб ўтирмайман, – гапни бўлди граф, – Карина, уйга бориб мени кутиб ўтир! – У шляпаси билан қўлқопини қулаган дарахт устига ташлаб, плашини ечди.

Карина ўзига келиб қолди ва графнинг кафтига қўлини қўйиб илтимос қилди:

– Илтимос... у билан муштлашманг.

– Нима деганимни эшитдингми, – юзига қарамай туриб жеркиб ташлади граф, – Карина, бор уйга дедим.

Карина эрига хавотирланиб қаради-да, деди:

– У сенга... зиён етказишини истамайман.

– У менга зиён етказмайди?! Кет тезроқ, Карина! – буюрди граф.

Карина бошқа айтадиган гапи йўқлигини англаб, чорасиз ўгирилиб, бир неча ярд юрди ва кейин югуриб кетди.

Уйига етиб бориб эшикни очди-да, энаганинг кучоғига ўзини отди.

– Энагажон!... – йиғларди у. – Улар уришишяпти... Нима қилсам экан?

– Ўзингни бунақа қийнама, қизгинам, – маслаҳат берди энага. – Яхшиси, ўзинг севган одам голиб бўлишини худодан илтижо қилгин.

## УН БИРИНЧИ БОБ

– Эй Худо, уни голиб қилгин! Гай унга зиён етказмасин! Мен уни севаман... жуда қаттиқ севаман!

Карина чўқинишга ҳаракат қиларди, лекин миясидаги чалкашликлар уни сўзларни тўғри ифодалашига йўл қўймасди. Бироқ у шунга амин эдики – танаси, юраги ва бутун вужуди билан графга талпинарди. Карина уни дарахт ортидан чиқиб келганини кўрган заҳоти кучоғига отилишни истаганди.

Сўнгги дамгача унинг фикр-хаёли графдан узоқроққа қочиш эди. Энди эса, ана шу қишлоққача уни қидириб келганидан сўнг, Карина – ҳижрон азоби қанчалик кучли бўлмасин, олдинги шартлар асосида у билан бирга бўлиш азоби ундан ҳам кучли эканини англаганди!

Карина ўй-хаёллари билан банд бўлиб қанча вақт ўтганини ҳам билмасди. Ташқаридан эшитилган оёқ товушлари уни ўзига келтирганди. Карина сакраб турди ва нима гап эканини билолмай қийналаётгани устига эшик очилиб, хонага унинг эри кириб келди!

Унинг юзлари кўкарган ва қўллари моматалоқ бўлиб кетганини кўришдан қўрқаётган эди, лекин ҳеч қаерига гард юқмаганини кўриб хотиржам бўлди. Фақатгина бўйинбоғи бироз қийшайиб қолган эди.

У Каринага негадир совуқ кўринди ва деди:

– Кетдик, Карина.

У бир зум унга бўйсунмаслик ҳақида ўйлади-ю, лекин ўзи билмаган ҳолда энага узатган кийимларини кийди.

– Граф ҳақиқий жентльмен экан! – пичирлади унга энага. – Унинг истагини бажаргин, қизим, ўзинга яхши бўлади!

Карина фойтунга ўтириб, граф билан кетди. Уй олдида эса Гай Меррикнинг отлари эгасиз турарди.

Улар узоқ вақт давомида нотаниш йўллардан кетишарди. Ниҳоят, Карина Лондонга эмас Дроксфорд-Паркка кетишаётганини тушуниб қолди.

Етиб келишгач, унга фойтундан тушишга ёрдам бераётиб, граф биринчи бор гап очди:

– Жуда чарчагандирсан, Карина. Ётоғинга кириб бирпас дам олақолгин. Кейинроқ тушлик олдидан гаплашармиз, – деди. Бу сўзларни у расмий кўринишда таъзим билан айтди.

Кечаси билан уйқудан қолган ва шунча ҳаяжонли дамларни бошдан кечириб чарчаган Карина каравотга базўр етиб борди-ю, уйқуга кетди.

Карина бир неча соатдан кейин уйғониб, граф билан суҳбатлашиш кераклиги эсига тушди ва ўзи билан энг оддий кийимларини олганига бироз ачинди. Чунки, Дроксфорд-Паркдек ажойиб саройда граф ҳузурда қимматбаҳо кийимларда кўринишни истаганди. Ноилож, бориға қаноат қилишга тўғри келади.

Карина кийиниб пастга тушди, сарой хизматкори уни деразалари боғ томонга қараган ниҳоятда бежирим хонага бошлади.

Баланд деразалар орқали тушаётган қуёш шуъласидан хонадаги қимматбаҳо буюмлар жилваланиб, кўзни қамаштирарди.

Карина хонага кириши билан эшик орқасига туриб олди. Оқ кўйлақда, ҳаяжондан катта очилган кўзлари ва тилла ранг сочлари билан у жуда ёш ва ҳимоясиз қизалоқдек кўринарди.

Қутилмаганда, иш столидан туриб унга қараб келаётган графни кўрди-да, юраги гупиллаб уриб кетди.

Эгнидаги духоба фракда у жуда салобатли кўринарди.

– Кел, бу ёққа, Карина, – чақирди граф.

Карина у томонга борди ва стол устида ўзининг Лондонда ёзиб қолдирган хатига кўзи тушди.

– Менга баъзи нарсаларни тушунтириб беришингни истайман. Хат иловасида шундай деб ёзибсан: “Мен сизга бахт тилайман, милорд”. Буни нима учун хоҳлаяпсан?

Карина қаловланиб, паст овоз билан гапирди: – Шунақа бўлгани яхши... деб ўйладим.

– Ким учун яхши, сенгами ёки менгами? – қизиқсиниб сўради граф. – Ва, қай маънода яхши?

Орага жимлик чўкди. Карина юзини кўрсатмаслик учун бошини эгди. Бир дақиқа ўтиб граф давом этди:

– Мен ҳақиқатни билмоқчиман. Бир пайтлари, доим бир-биримиз билан очиқ гаплашамиз, ёлғон аралашмайди, деб менга ваъда берган эдинг. Бу келишувимизнинг асосий шартларидан бири эди, тўғрими? Энди сенга оддий савол бераман: нима учун қочиб кетдинг?

Карина, бармоқлари титроғини беркитиш мақсадида уларни занжир қилиб бирлаштириб, бошини янаям пастроқ эгди.

– Менга қара, Карина! – буюрди граф. – Ва жавоб бер!

У на бир ҳаракат қилолмасди ва на бошини кўтаролмасди.

– Айтганимни қил! – талаб қилди граф.

Шу онда граф унинг қаршилигини синдирди, шекилли, Карина ўзига бўйсунмаган ҳолда гапиришни бошлади:

– Агар, зоти олийлари ҳақиқатни билмоқчи эканлар, ростини айтаман! Сиз менга уйланганингизда... ўзаро келишиб олган эдик... мен итоатгўй ва ройиш хотин бўлишга ваъда бергандим! Аммо, ўзингиз биласиз, хошам... итоатгўй бўлолмадим! Бир неча марта турли воқеаларга аралашиб қолдим! Турли гап-сўзлар кўпайишига сабабчи бўлдим! Мен ҳечам бундай қилишни хоҳламаган эдим... лекин шундай бўлиб қолди! Келишувнинг иккинчи қисмига ўтсак, мен уни ҳам бажармадим... Ройиш рафиқа бўлолмадим! – Бир неча дақиқа жимлик ҳукм сурди, кейин, Карина ўз устидан назоратни йўқотиб қўйди-да, бақира бошлади: – Ҳақиқатни талаб қилган эдингиз, мана у! Энди... мен кетишим керак... наҳотки мени... тушунмаяпсиз?

Кейин у ўгирилиб, энди хонадан чиқиб кетишни мўлжаллаган эди, граф унинг қўлидан ушлаб қолди.

– Нима учун энди менга итоатгўй бўлишни хоҳламаяпсан?

Қиз бу саволни у ҳайрон бўлиб қабул қилди. Кейин бошини кўтариб, ёш тўла кўзлари билан унга қаради:

– Сиз ростдан ҳам шу саволга жавоб беришимни хоҳлаяпсизми? – титроқли овоз билан сўради Карина. Граф атайин уни азоблаётгандек туюларди. – Чунки... мен сизни... севаман... жуда қаттиқ севаман... Энди... мени қўйиб юборинг!

Граф унинг қўлини қўйиб юбориши билан, чиқиб кетишга ҳаракат қилганди, лекин у иккала қўллари билан Каринанинг белидан маҳкам ушлаб олди ва ўзига тортди.

– Сен мени савасанми?! – бақириб юборди граф. – Жонгинам, нега бу ҳақда менга сира айтмагандинг?

Граф лаблари билан унинг лабларини топиб олди ва Каринанинг боши айланиб кетди. У ҳаётида биринчи бор бундай хузур-ҳаловатни ҳис қиларди. Бамисоли осмонларга учиб кетаётгандек эди гўё.

– Сен мени савасан! – Каринанинг қулоғи остида бу сўзлар янада жарангдор янгради. – Сен мени савасан, менинг қулоқсиз, ўзбошимча

хотингинам! — деди граф ва яна шошилмасдан уни ўпишни давом эттирди. Бу дақиқаларни Карина анчадан бери орзу қиларди.

Кейин, у эришган бахтини ичига сигдиролмай турганида, граф бошини кўтариб унинг қизариб кетган юзларига ва яшнаб кетган яшил кўзларига қараб, деди:

— Сен жуда гўзалсан! Жудаям гўзалсан! Шундай гўзални қўйиб юбораман деб ўйладингми?

— Мен ўйлагандимки, сен севадиган одам... — тутилиб гапирганди Карина.

— Мен севадиган одам сенсан! Фақатгина сенсан, бошқа ҳеч ким эмас! — гапани бўлди граф. — Менинг юрагимда бошқа аёлга жой йўқ. Наҳотки, ҳалигача тушунмадинг? Карина, мен сени ўша уйланган кунимдан бошлаб севганман! Ўша сенинг ётоғингга кирган кунимдан севганман! Мен аҳмоқ, сенга эр сифатида ўз ҳукмимни ўтказмоқчи бўлибман-а! Аслида эса, мен сени жуда хоҳлагандим, чунки севишимни билардим! Буни ҳатто ўзимдан ҳам яшириб юрибман-а! — Унинг гаплари Каринага ёқар эди. — Ўшанда мени ҳайдаб солганингда, мендан нафратланяпсан деб ўйлаган эдим. Энди тушундимки, сенинг юрагингга йўл топмасдан олдин, аҳмоқлик қилиб уйланиб олибман.

— Наҳотки сен... ростдан ҳам ... буларни менга айтяпсанми? Бу гаплар... ростми? — пичирлади Карина.

— Ҳаммаси рост, жонгинам. Агар билсанг эди, сен билан алоҳида яшаган ҳафталар мен учун қанчалик оғир ўтганини. Мен сени хоҳлардим, лекин гурурим йўл қўймасди, чунки сен Меррикни ёқтирасан деб ўйлардим! Мен уни ёмон кўрганим учун рашк қилсам-да, сенга жабр бўлмасин деб, у билан талашмасдим! Сени ундан тортиб олишга ҳаракат қилмаган бўлардим! — Чуқур нафас олди граф. — Айнан бугун хатингни кўлимга олганимдан кейин тушундимки, агар мени ташлаб кетадиган бўлсанг, ҳаётимнинг мазмуни қолмасди. Сени севаман, Карина! Шунчалик қаттиқ севаманки, ҳеч қайси аёлни бунақа севмаганман!

— Ростдан ҳам... шундай ўйлаяпсанми? — пичирлади Карина. — Мен... сендан шу сўзларни эшитишни орзу қилардим, лекин... ҳеч қачон эшитмасам керак деб ўйлардим...

Улар узоқ ўпишдилар ва анчадан кейин граф сўради:

— Наҳотки, турмуш қурганимиздан бошлаб шу кунгача бўлган ҳамма номаъқул воқеа ва ҳодисаларни унутолмаймиз? Кел, жоним, тўй кунимизга қайтамиз-да, ҳаммасини янгидан бошлаймиз! Тўй маросими эндигина тугаб, биз учун асал ойи бошланди — сен ва мен биргамиз, бир-биримизни яқиндан ўрганиб, севгимизнинг энг чуқур жойларига шўнғиймиз.

Карина унинг бахтли чеҳрасига қаради, граф эса унинг кўлларини лабига яқинлаштирди ва самимий кулиб гапирди:

— Қаллиғимга саломлар бўлсин! Хуш келибсиз янги уйингизга, хоним. Умид қиламанки, Дроксфорд-Парк сизга ёқади!

— Ташаккуримни қабул қилинг, зоти олийлари... Фақатгина бир нарса ачинарли, мен энг яхши кўрган қўйлақларимни киймаганман! — деди Карина.

Граф унинг устидан мулойим кулди:

— Мана, аёлларнинг доимий норозилиги! Қўйлагингга нима бўпти? Сен шу қўйлақда ҳам жуда гўзалсан!

— Жуда оддий-да, — уятчанлик билан кулди Карина. — Сенинг қаллиғинг сифатида мени чиройли кийимларда кўришингни хоҳлагандим.

— Мен сени бу кийимда чиройли эмассан деяпманми? — сўради граф ва яна ўпа бошлади.

Карина унинг ўпичларидан титраётганини ҳис қилди.

— Сен учун бир совғам бор, жонгинам, — деди бир неча дақиқадан сўнг граф. — Балки шу совғам қимматбаҳо кийимларинг ўрнига ўтар!

— Совға? — қайта сўради Карина.

Граф иш столи яқинига келиб, бир неча духоба қутичаларни олди. Уларнинг ичида турли қимматбаҳо тақинчоқлар бор эди.

— Улар ажойиб! — ҳайратланиб деди Карина.

— Улар онамники, — тушунтирди граф. — Ўлими олдидан онам уларни менга бериб, васият қилган: “Буларни ҳаётингдаги энг бахтли кунингда хотинингга совға қилгин!” — деганлар. Мана, ўша кун келди!

Граф Каринанинг тилла ранг сочларига тиллақош тақди, бўйнига дурлар осди, нозиккина билакларига билакузуклар кийдирди ва қулоқларига балдоқ тақиб қўйди.

У ойна олдига бориб, ўзига маҳлиё бўлиб қараб туриб, деди:

— Мана энди жуда чиройли бўлиб кетдим — сенга... “узукка кўз қўйгандек” ярашадиган бўлдим.

Граф уни янаям маҳкамроқ бағрига босди, шу онда эса эшик очилиб, хизматкор эълон қилди:

— Тушликка марҳамат қилинлар!

Граф Каринага қўлини узатди. Эришган бахтидан маст бўлган ва қимматбаҳо тақинчоқлардан кўзлари қамшиб кетган Карина итоаткорона у билан хонадан чиқди.

Лекин, негадир улар овқатланадиган хонага эмас, зинапоядан юқорига қараб кўтарилишди. Улар Каринанинг ётоғи ёнидаги хонага киришди, хона полидан шипигача оқ гуллар билан безалган эди. Бунини кўрган Карина ҳанг-манг бўлиб қолди:

— Буларнинг ҳаммасини мен учун қилдингми? — графга ўгирилиб сўради у.

— Қаллигим учун қилдим! — жавоб қилди граф.

Стул устида атрофи орхидея билан ўралган олтин қандилларда шамчиروқлар ёниб турарди. Улар суянчиқлари баланд духоба стулларга ёнма-ён ўтиришди.

Граф қадаҳни кўтарди-да, атрофдаги хизматкорларга эшитилмайдиган қилиб паст товуш билан қадаҳ сўзи айтди:

— Биз учун ва бизнинг севгимиз учун, жонгинам!

Улар еяётган таомлар ва ичаётган шароблар ниҳоят даражада тотли ва мазали эди. Лекин, Каринанинг хаёлида фақат ёнида ўтирган инсондан ўзгаси йўқ эди.

— Бир неча кундан кейин сени Парижга олиб кетаман, — деди граф. — Сенга жуда кўп нарсаларни кўрсатгим келяпти!

— Жуда ажойиб иш бўларди! — шодланиб гапирди Карина.

— Ва биз танҳоликда қоламиз, — оҳиста деди граф ва унинг кўз қарашлари Каринани қизаришга мажбур қилди.

Ниҳоят тушлик тамом бўлди ва хизматкорлар чиқиб кетишди.

Граф ўз стулини Каринага қаратиб ўгирди-да, қўлида бренди билан унинг қаршисида оёқларини чалиштириб ўтирди. Каринанинг хаёлида рўпарасида ўтирган инсон каби келишган ва салобатли ҳақиқий эркак дунёда бошқа йўқ эди.

Хизматкор зал эшигини ёпганида, шамолдан бошқа эшик, яъни никоҳ ётоғига олиб борадиган эшик секин очилиб кетган эди. Карина у томонга тикилиб ўз эри билан яккама-якка қолганини ҳис этди.

- Бахтлимисан, менинг гўзалим? – оҳиста сўради граф.
- Ҳа, албатта, ўзинг яхши биласан буни, – жавоб қилди Карина. – Аммо, сендан бир нарсани билмоқчи эдим...
- Гай ҳақидами?
- Нима... бўлган ўзи?
- Мен биламан. Орамиздаги бўлиб ўтган ишларни Гай сенга ўз тилидан қилиб гапириб берган, – деди граф. – Энди шу воқеаларни менинг тилимдан эшит. Мен доим Гайни яхши кўрганман, Карина ва уни ҳеч қачон сотмасдим ҳам!
- Сен унга хоинлик қилмаганмисан?
- У бошини чайқаб қўйди.
- Гай менинг энг яқин дўстим эди, биз ака-укалардек яқин эдик. Шунинг учун у менинг қариндошим билан қочиб кетишини айтганида, мен ундан хавотирландим. Айнан ундан, Клеондан эмас! Тушуняпсанми, мен Клеон қанақалигини жуда яхши билардим. У эрка-тангиқ ва бузуқ қиз эди!
- Сен нимани назарда тутаяпсан? – тушунмай сўради Карина.
- Гай унинг ҳаётида биринчи эркақ эмас эди, у жуда кўп эркақларнинг бошини айлантириб юрган. У, ўн беш ёшида укасининг мураббийи билан ўйнашиб, гап-сўз бўлган. Ундан кейин орадан бир йил ўтиб, лорд Уорднинг иш бошқарувчисини – учта болали уйланган одамни йўлдан урган. – Граф бир оз тин олди-да, яна гапида давом этди: – Тўғри, ана шу содир бўлган жанжалларнинг ҳаммасида эркақларни айбдор қилишган эди. Аммо шахсан мен ҳаммасига Клеон айбдорлигини яхши билардим. Шунинг учун, у Гайни ўз тузоғига илинтирганини билганимдан сўнг, мен дўстимдан хавотирланган эдим! – Граф оғир хўрсинди. – Менинг у билан баҳслашувларим фойда бермаганидан сўнг, балки отам Гайга ўз таъсирини ўтказар деган мақсадда унга мурожаат қилдим.
- Демак, лорд Уордга сенинг отанг айтган экан-да?
- Граф бош чайқади:
- Йўқ, мен отам билан чора излаётганимизда Гай ва Клеон уйдан кетиб бўлишганди. Бахтга қарши, айнан ўша дақиқада лорд Уорд қизини уйга олиб кетгани келиб қолди. Герцог тўғри вақтлороқ ўтказмоқчи бўлган экан.
- Сен Клеоннинг кетиб қоганини айтишга мажбур бўлдингми? – сўради Карина.
- Айнан шундай бўлганди, – жавоб қилди граф. – Биз алдай олмасдик, бунинг иложи йўқ эди! Кейин, газабланиб кетган лорд Уорд жунбушга келиб, қандай чора қўллаганини Гай сенга айтиб берган бўлса керак. У қочоқларни тутиб олиб, Гайни ҳушидан кетгунча калтаклаш ва Клеонни герцогга турмушга бераётганини айтган.
- Бу хабардан Клеон жуда хафа бўлгандир? – сўради Карина ва ўша қизнинг ўрнига ўзини қўйиб кўрди.
- Бечора Гай буни тан олмаса-да, лекин Клеон ўша куни уйига келиши биланоқ Гайни эсдан чиқариб юборган эди, – деди граф. – Аксинча, у герцогиня бўлишга жуда қизиқаётган эди. Балки, ўша ниҳоятда айёр ва хотинбоз герцог унинг ақлини киргазиб қўйган бўлармиди?
- Лекин, у жонига қасд қилган-ку? – сўради Карина.
- Ҳечам, жонига қасд қилмаган, – деди граф. – Бу гапни кейин тарқатишган. Қачонки, Клеон қайсарлик қилиб, энг зўр эркақ-



чавандозлар ҳам бўйсундиrolмаган отни миниб, бўйнини синдирганидан кейин.

– Гай, Клеон қорнида... унинг фарзандини кўтариб юргани ҳақида гапирган эди?

– Бўлиши мумкин, бола балки Гайникидир, балки бошқа бировникидир, – деди граф. – Аммо, шуни яхши биламанки, бу эсини еган бузуқ Клеонни деб, мен энг яқин дўстимдан айрилдим.

– Улар айрилиб кетгандан кейин, нега дўстингга ёрдам бермадинг?

– Мен роса ҳаракат қилдим, – деди граф, – лекин, Гай мени кўришни ҳам, эшитишни ҳам истамасди! У менга сотқин сифатида қарарди. Шунинг учун у билан муносабатларни йиғиштиришга мажбур бўлдим, – чуқур нафас олди граф. – Ёшлар жуда ақлсиз бўладилар! Икковимизни ажратиб турадиган жарликни бир-икки оғиз сўз билан йўқотса бўларди, биз эса бунинг ўрнига бир-биримизга душманлик қилиб, бегона одамлар орасида бир-биримизни ёмонлаб юрдик. Улар эса муносабатимизнинг ёнига қўшиб-чатиб, бўрттириб гап-сўзларни кўпайтириб юборишди!

– Шундай қилиб, сизлар ўзингиз орангизда баланд девор ҳосил қилдингиз, шундайми? – сўради Карина.

– Шу бугунгача ўша деворни бузиб бўлмайти деб ўйлаб келгандим, – деди граф.

– Кеча нима бўлганини айтиб беринг?

У бирпас жим турди-да, кейин гапира бошлади:

– Сен кетганингдан кейин, Гай менга деди: “Каринани севасанми? Унда менга нисбатан севги туйғулари умуман йўқлигини яхши биламан. У фақат сени севади! Сен у ҳақда қайғуриб, ғамхўрлик қилишни ваъда берсанг, мен дарҳол четга чиқаман. У шунга лойиқ инсон”.

– Ва сен... нима жавоб қилдинг?

– Мен унга сени севишимни айтдим. Ва бу гапдан кейин, хатто, у хоҳлаганида ҳам у билан уришолмаслигимни тушундим.

– У ўзини қандай тутди?

– Гай Ямайкага кўчиб кетишга қарор қилди. У ерда амакисидан мерос қолган катта ерлари бор экан. Қайтиб келганидан кейин, бизнинг фарзандимизга чўқинтирган отаси бўлишни ваъда берди. – Шу гапларни айта туриб, граф қўлидаги қадаҳни қўйди-да, ўрнидан туриб, Каринани ҳам турғизди. – Гай ҳақ эканми, жоним? – савол берди у, Каринани маҳкам кучоқлаб. – Сен мени ростдан ҳам севасанми?

– Биласан-ку, севаман!

– Демак, бизнинг фарзандларимиз чиройли ва ақлли бўлишади. Ўзинг бир пайтлари шундай деган эдинг.

– Ҳа... – пичирлади Карина. Граф унинг гапини аранг эшитди.

Граф уни камин олдидаги катта диванга олиб борди, кучоғига маҳкам босиб ўпди.

Кейин, бошидаги тиллақошни ечди, қисқичларни олиб ташлади. Тилла ранг сочлар елкаси узра ёйилиб кетди. Граф унинг лабидан ўпаркан, деди:

– Сени шу кўринишда орзу қилган эдим, азизам. Тўйимиз куни ётоғингга кирганимда, бунақанги гўзал, ҳурилиқо париваш дунёда ягона эканини билардим. Бунақа сочларни ҳали кўрмаганман... – граф уни янаям маҳкамроқ кучоқлади. – Сендан бир нарсани сўрамоқчи эдим. Сен доим яланғоч ётасанми?

Каринанинг юзлари қизариб, кўзини олиб қочди.

– Йўқ... йўқ... – пичирлади у. – Ўшанда менинг тунги кўйлагим эскириб кетганди... шунинг учун ечгандим... Сени эса... кутмаган эдим!

– Кутмаганингни биламан, – деди граф. – Лекин, тан олишим керак, жонгинам, ўшанда, чиройли баданингга бир сония кўзим тушганидан бери сира хаёлимдан кетмайди. Уни қайта кўришни жуда орзу қилипман.

Карина уялганидан юзи билан севгилисининг елкасига биқиниб олди.

– Сени жуда яхши кўраман! – пичирлади граф.

– Ишончинг... комилми? – сўради Карина.

– Жудаям... Менга яна бир бор айтгин, мени ростдан севасанми? Сени йўқотгим келмаяпти!

– Мен сени... севаман, – пичирлади Карина, энди унинг овози эҳтиросли бўлиб чиқаётган эди, нима бўлаётганига ақли етмасди. Фақатгина, эрининг лаблари ва қўлларига асир эканидан тўлқинланиб бораётганини ҳис қиларди.

– Мен сени хоҳлайман! Сен меникисан! Бутун умрга меникисан! – граф Каринани кўтариб олиб юрагига маҳкам босди ва шу кўтарганича ярим қоронғу никоҳ ётоғига олиб кириб кетди...

*Русчадан  
Гулнора МУҲАММАДЁРОВА  
таржимаси*



Владимир СОЛОВЬЁВ

## Достоевский хотираси

**Д**остоевский ҳақидаги маърузада унинг на шахсий ҳаёти, на бадиий асарларининг адабий танқиди билан шугулланаман. Мен фақат битта масала: Достоевский қандай гоё-мақсадларга хизмат қилгани, бутун фаолиятини қандай гоё илҳомлантирганини ёритишга ҳаракат қиламан.

Бу масалага тўхталишим табиий. Чунки на ёзувчи шахсий ҳаётининг тафсилотлари, на асарларининг бадиий фазилатлари ёки камчиликлари ўз ҳолича ҳаётининг сўнгги йилларида кўрсатган жуда катта таъсирни ва унинг вафоти ҳаммамизга кўрсатган фавқулудда таассуротни изоҳлай олмайди. Бошқа жиҳатдан Достоевский хотирасининг кейинги пайтда шафқатсиз ҳақоратланиши ҳам адиб асарларининг эстетик хусусиятларига қаратилган эмас, бинобарин унинг баъзида доҳиёна хусусиятдан холи бўлмаган ижодкорлик салоҳияти беназирлигини барча баравар эътироф этади, ҳолбуки, унинг ижодий салоҳиятида йирик камчиликлар ҳам бор. Бироқ мазкур салоҳият соҳиби хизмат қилган гоёлар айримлар учун ҳаққоний ва олижаноб бўлгани ҳолда бошқалар учун сохта ва зарарли туюлади.

Достоевскийнинг бутун фаолиятига бериладиган якуний баҳо уни илҳомлантирган гоёга, нималарга ишонганию меҳр-муҳаббат қўйганига қандай муносабатда бўлишимизга боғлиқ. “Достоевский аввало барчада ва барча жойда қайноқ инсон қалбини севган ва барча Аллоҳга мансуб эканига ишонч билан яшади, ҳар қандай ташқи зўравонлик ва ҳар қандай ботиний таназзул устидан зафар қозона оладиган инсоният қалбининг беадад куч-қудратига имони комил эди. Турмушнинг жамики иллатларию ёвузликларини, ҳаётнинг жамики юки ва зулматларини кўнглига сингдирган ҳолда буларнинг барчасини муҳаббатнинг қодир кучи билан енгиш асносида Достоевский барча асарларида мазкур ғалабасини кўйлади. Бандаларга хос жамики ожизликлар орасидан сизиб чиқиб, кўнгилда гулдай очиладиган мазкур илоҳий куч-қувватни кашф этиш асносида Достоевский Парвардигори оламни ва ундан андоза олиб яратилган инсонни англаб етди. Тангри ва Исо йи Масиҳнинг барҳақлиги унга ботиний меҳр-муҳаббат ҳамда ялпи афви умумия воситасида аён бўлди. Ва барчани кечириндек олижаноб кучни ўзи ташна бўлган ва бутун ҳаёти давомида жон-жаҳди билан интилган адолат заминда ошқора тантана қилишининг асоси сифатида мадҳ этди”.<sup>1</sup>

Назаримда, Достоевский оддий романнавис, салоҳиятли ва тафаккури теран адибгина эмас. Унинг бу таърифлар доирасига сиғмайдиган алоҳида фазилати бор эди ва айни фазилати билан бошқалардан алоҳида ажралиб турарди, айни шу фазилат бошқаларга кўрсатган таъсири негизини ташкил қилади. Буни исботлайдиган далиллар бисёр. Алоҳида эътиборга молик битта мисол келтираман. Граф Л.Н.Толстой Н.Н.Страховга мактубида шундай ёзади: “Достоевский тўғрисидаги мулоҳазаларимнинг ҳаммасини тўлиб-тошиб гапиргим келади. Бу борада сиз билан ҳамфикр эканимдан хурсандман. Мен бу инсонни ҳеч кўрмаганман ва бевосита мулоқотда бўлмаганман; ва қутилмаганда вафот этганида менга жуда яқин, азизу муҳтарам, зарур сиймо бўлганини дафъатан ҳис этдим. У билан мусобақаланиш ҳеч қачон ҳаёлимга келмаган, ҳеч қачон. Унинг барча амаллари (эътиборга молик ишларининг ҳаммаси) шундайки,

<sup>1</sup> Ушбу мақола файласуф, шоир ва публицист Владимир Соловьёв (1853–1900)нинг Достоевский қабри устида 1881 йил 1 февралда ирод қилинган маърузасидан олинди. (Тарж.).

қанча кўп қилган бўлса, камина улардан шунча зиёда наф кўрганман. Санъатга ҳавас билан қарайман, ақл-идроққа ҳам, лекин қалб заҳматлари — фақат шодлантиради. Мен уни дўстим деб билардим ва бошқача хаёл қилмаганман. Унинг вафоти ҳақидаги хабарни эшитдим-у, суянган тоғимдан айрилгандай бўлдим. Узимни йўқотиб қўйдим, кейин эса у мен учун қанчалар қадрли бўлганини англадим ва кўзимга ёш келди, ҳозир ҳам йиғлаяпман. Унинг вафоти арафасида “Ҳақоратланганлар ва хўрланганлар” асарини ўқидим ва кўнглим юмшаб, енгил торддим. Бошқа, олдинроқ ёзилган мактубда эса шундай эътироф бор: “Кун кеча “Улик уйдан мактублар”ни ўқидим. Кўп жиҳатлари хотирамдан кўтарилган экан, қайта ўқидим ва бутун янги адабиётимизда, Пушкинни кўшиб ҳисоблаганда ҳам, ундан яхши китоб йўқ. Асарнинг услуби эмас, балки адибнинг самимий, табиий ва насронийларга хос нуқтаи назари ҳайратлантиради. Жуда яхши, насиҳатомуш асар. Кеча кун бўйи шу асар бахш этган сурурдан маст бўлиб юрдим, анчадан буён бундай завқланмаган эдим. Башарти Достоевскийни учратсангиз, унга ихлосим баланд эканини айтинг”.

Граф Толстой эътироф этган самимий фазилатлар ва нуқтаи назар Достоевскийнинг бутун ҳаёти мобайнида ҳукмронлик қилган гоё билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳаётининг сўнгги йилларида бутун қалбини унга бахшида этди.

Инсониятнинг ибтидоий даврида шоирлар некбин набийлар ва коҳин бўлган, диний гоё шеърят ўзагини ташкил қилган, санъат Тангрилар хизматида бўлган. Кейин, ҳаёт мураккаблашиб, цивилизация-тамаддуд юзага келган, бу меҳнат, санъат ўзаро ажралишига олиб келган, инсоний фаолиятнинг бошқа турлари ҳам ёлғизланиб, диндан ажралган. Агар илгари санъаткорлар Тангрилар хизматчи-хизматкори бўлган бўлса, айни пайтга келиб, санъатнинг ўзи тангримонанд тусга кириб, маъбудага айланган. Соф санъат фидойилари майдонга келган, ҳар қандай диний мазмун-моҳиятдан холи юксак бадиий шакл улар учун алоҳида муҳим вазифага айланган. Мазкур эркин санъатнинг кетма-кет икки тўлқини (классик-антик дунёда ва янги Европада) жуда оҳанжамали бўлгани баробарида барқарор тусга эга эмас эди. Янги Европа бадииятининг гуллаб-яшнаши кўз ўнгимизда заволга юз тутди. Гуллар тўкиляпти, шоналар мева тугаётир. Шонадан пишган мева талаб қилиш адолатдан эмас: фақат келгуси натижаларни тахмин қилса бўлади. Санъат ва адабиётнинг ҳозирги ҳолатига айни нуқтаи назардан ёндошиш зарур.

Замонамиз қаламкашлари соф гўзалликка хизмат қила олмайдилар ва буни хоҳламайдилар, баркамол шакллар билан қизиқмайдилар: улар мазмун-моҳият талабгори. Лекин аввалги, диний санъат моҳиятига бегона бўлганлари ҳолда улар кундалик турмуш ташвишларига бошлари билан шўнғиб, воқеликка нисбатан икки қарра муте ҳолатга тушиб қоляптилар: улар, биринчидан, мазкур воқелик ҳодисаларини қўлларга хос итоаткорлик билан ёзишга, юзаки баён қилишга интиладилар, иккинчидан эса, айни шундай қўлларча итоаткорлик билан кундалик турмуш талабларига хизмат қилишга, айни кун ижтимоий кайфиятини қондиришга, мавжуд ахлоқий ақидаларни васф этишга интиляптилар, шу аснода санъатдан наф кўришни мўлжаллаяптилар. Бу мақсадларнинг на унис ва на бунисини қўлга киритиб бўлмайди. Хаёлий сохта воқеликлар<sup>1</sup> тафсилотлари ортидан самарасиз-беҳуда елиб-югуриш оқибатида чинакам реал-ҳаётий яхлитлик фақат бой берилади, ташқи-юзаки билимдонлик ва фойдалиликни унинг ботиний гўзаллигида путур етказган ҳолда санъат билан бирлаштиришга зўр бериш эса санъатни ўта яроқсиз ва фойдасиз алланарсага айлантиради, зотан маълумки, ёмон бадиий асар жуда яхши тамойиллар асосида яратилганидан қатъи назар ҳеч нарса ўргатмайди ва ҳеч қандай наф ҳам келтирмайди.

Замонавий санъат ҳолатини ва унинг ҳукмрон йўналишини, шубҳасиз, қоралаш жуда осон. Иждокорликнинг ялпи таназзули ва гўзаллик гоёсига айрим ружу қўйишлар ҳаддан ташқари яққол кўзга ташланаётир, бироқ буларнинг

<sup>1</sup> Алоҳида олинган ҳар қандай тафсилот ўз ҳолича реал-ҳаётий тусга эга эмас, чунки фақат барчаси жамулжамликдагина реал-ҳаётий ҳусусият касб этади, боз устига реалист санъаткор реалик-воқеаларга ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб муносабат билдиради, ўз хоҳишига кўра талқин қилади, бинобарин, бу объектив-хोलисона реалик-воқелик бўла олмайди. (Муаллиф изоҳи).

барчасини сўзсиз қоралаш ҳам адолатдан эмас. Мазкур кўпол-дағал ва қотиб қолган замонавий санъаткорлик – бадий ижодда, мазкур икки қатламли қўллар негизда, қобиғи остида илоҳий улугворлик кафолати яширинган. Замонавий реал ҳаёт ва санъатдан тўғридан-тўғри наф кўришга оид талаблар, айна кундаги кўпол ва жоҳилона тусда бўлгани учун бемаъни, бироқ шу даражада юксак ва теран чинакам санъат гоёсига шаъма қиладики, унга на соф санъат намояндалари, на уни талқин қилувчилар кўтарила олган. Замонавий ижодкорлар шаклий гўзаллик билан кифояланмай санъат бутун инсоният ҳаётига зиё бахш этувчи ва қайтадан яратувчи реал-ҳаётӣ-куч бўлишини у ёки бу даражада онгли идрок қиладилар. Аввали санъат дунёда ҳукмрон жаҳолат ва шафқатсизликдан инсонни чалғитарди, одамларни осуда юксакликларига олиб чиқар ва ёрқин сиймолари билан кўнглини яйратарди; бугунги санъат, аксинча, турмушдаги жаҳолат ва шафқатсизликка инсон эътиборини жалб қилади, лекин мазкур жаҳолат зулматни ёритиш ва шафқатсизликни жиловлаш масаласида баъзан қатъиятлилик кўрсатмайди. Санъат ёғду сочадиган ва қайтадан яратадиган куч-қудратни қаердан олади? Санъат жаҳолатга ботган турмуш тарзида инсонни чалғитиш билан чегараланмасдан, мазкур қайғули ҳолатни яхшилаши зарур бўлса, у ҳолда мазкур буюк мақсадга воқеликни шунчаки қайд этиш билан эришиб бўлмайди. Тасвирлаш дегани қайтадан ўзгартириш дегани эмас, фош этган билан жамики камчиликлар барҳам топмайди. Соф санъат инсонни заминдан юксалтирди, Олимпия чўққиларига олиб чиқди; янги санъат заминга муҳаббат ва ҳамдардлик билан қайтаётди, лекин заминий турмуш жаҳолатига ва шафқатсизлигига чўмиш учун эмас, зотан бунинг учун санъатнинг ҳеч бир ҳожати йўқ, аксинча, мазкур хасталанган турмуш тарзини даволаш ва янгилаш мақсадида қайтаётди. Бунинг учун заминга яқинлашиш, дахлдор бўлиш, унга меҳр-муҳаббат ва ҳамдардлик билан муносабатда бўлиш керак, лекин бундан ҳам зиёда нимадир талаб қилинади. Заминни ҳақ-ҳақиқат йўлига солиш ва қайтадан яратиш билан боғлиқ жуда катта куч-ғайрат талаб қиладиган иш учун нозаминий кучларни ерга жалб қилиш ва сафарбар этиш лозим. Санъат диндан ажралиб, мустақил бўлиши асносида айна ибосита дин билан янги эркин битишув тузиши керак. Санъаткорлар ва шоирлар яна коҳинлару пайгамбармонанд сиймоларга, лекин эндиликда бошқача, бирмунча юксак ва муҳим маънода зоти кабирларга айланишлари керак: диний гоё уларнинг ихтиёридаги воситага айланиши баробарида ўзлари ҳам бу гоёлардан оқилона фойдаланишлари ва заминда қарор топиши йўлида онгли фаолият юритишлари лозим. Келажак санъати, узоқ давом этган синовлардан кейин онгли равишда динга қайтиб, дин билан чамбарчас боғлиқ ибтидоий санъатга нисбатан бошқача санъатга айланади.

Замонавий санъатнинг динга қарши (зоҳиран) хусусиятидан қатъи назар синциклаб назар ташласак, унда келажакдаги диний санъатнинг билинар-билимас нишонларини илғаймиз. Реалистик бадий ижод ўз вазифаси – миссиясининг диний хусусиятини англамасдан дунёга ахлоқий таъсир кўрсата олишининг ягона мустаҳкам пойдевори ва қудратли омилидан воз кечаётди.

Лекин замонавий адабиётнинг дағал реализми ёлғиз беўхшов ниқоб бўлиб, унинг остида ўз фурсатини кутган ҳолда келажакнинг олмос қанот шеърятти ётибди. Бу шахсий ўй-ният эмас, балки ижобий далиллар айнан шундан далолат беради. Ҳозирнинг ўзида шундай ижодкорлар пайдо бўлаётирки, улар ҳукмрон реализм тамойилларидан келиб чиқиб, муайян маънода унинг тубан негизига таяниб, айна пайтда диний ҳақиқатлар сарҳадига етиб бораётди, у билан ўз асарларининг вазифасини боғлаётди, ундан ижтимоий идеали учун куч-қувват олаётди, жамиятга хизмат қилиш билан боғлиқ ўй-ниятларини унинг зиёси билан ёритаётди. Бундай диний санъатнинг вакиллари ҳозирча йўқ, лекин элчилари бор. Ана шундай элчилардан бири – Достоевский.

Фаолият турига кўра романнавис ижодкорлар сирасига киргани ҳолда ва айрим у ёки бу масалада улардан орқада қолгани ҳолда Достоевский уларнинг барчасига нисбатан шундай устунликка эгаки, наинки ён-атрофида кечаётган воқеа-ҳодисаларга, балки келажакка пайгамбарона неқбинлик билан назар ташлайди.

Достоевскийнинг бадий олами тамомила қарама-қарши хусусиятга эга. Унинг асарларида ҳамма нарса қайнаб-тошади, ҳаммаси мавҳум, элас-элас

ойдинлашяпти, холос. Жамиятнинг маиший турмуши эмас, балки ижтимоий ҳаракат Достоевский романларининг мавзуи ҳисобланади. Барча беназир рус романнависларидан фақат Достоевский ижтимоий ҳаракатни ўз ижодининг бош мавзуига айлантирган. Бу борада Тургеневни у билан қиёслаш одат тусини олган, лекин бунинг учун етарли асос йўқ. Адибнинг умумий аҳамиятига таъриф бериш учун муваффақиятсиз асарларига эмас, балки энг сараларига мурожаат қилиш зарур. Тургеневнинг сара асарлари эса асосан “Овчининг мактублари” ва “Дворянлар уяси” бўлиб, бу асарларда ижтимоий ҳаракатнинг бетакрор манзаралари эмас, балки айни ўша кўҳна дворянлар оламининг ижтимоий ҳолати акс этган. Гончаров ва Л.Толстой асарларида ҳам шундай манзарага дуч келамиз. Тургенев кейинчалик жамиятимиздаги ижтимоий ҳаракатни мунтазам қузатди ва унинг таъсирига қисман берилди, лекин бу ҳаракатнинг мазмун-моҳиятини англай олмади, шу мавзуга махсус бағишланган романи (“Новь”) эса тамомила бемаъни асар бўлди.

Ён-атрофида ҳукмронлик қилаётган интилишларга Достоевский бўйсунмади, ижтимоий ҳаракатнинг тўлқинлари ортидан итоаткорлик билан эргашмади — у мазкур ҳаракат бурилишларини олдиндан кўра билди ва уларни худди шундай олдиндан қоралади. У қоралаш ҳуқуқига ҳақиқатдан ҳам эга эди, чунки ўз эътиқоди доирасида мулоҳаза юритиш мезонига эга бўлиб, айни шу боис ҳукмрон оқимлардан юксалди ва мазкур оқимлардан анча нарироққа ҳам назар ташлаб, улар билан андармон бўлиб қолмади. Достоевский ўз эътиқоди шарофати билан бутун ҳаракатнинг олий, олис мақсадини олдиндан пайқади, унинг ана шу мақсад йўлидаги оғишларини рўй-рост кўрди, шу боис уларга нисбатан ҳаққўй мулоҳаза юритиб, адолатли қоралади. Бу адолатли қоралов ҳукми зарур ва орзу қилинган ижтимоий ҳаракатнинг бевосита ўзини эмас, балки фақат нотўғри йўллари ва бемаъни усулларига тегишли эди; бу қоралов ижтимоий идеални рўёбга чиқариш йўлидаги интилишларни эмас, балки ижтимоий адолатнинг тубанларча англанишига, сохта ижтимоий идеалга қаратилган эди. Ижтимоий идеални рўёбга чиқариш Достоевский учун ҳам бирламчи аҳамиятга молик бўлди: у нафақат ўтмишдаги, шунингдек, келажакдаги Парвардигори олам-Тангри Салтанати ва ишонди ва уни қарор топтириш учун меҳнат ва жасорат зарурлигини тушунди. Ҳаракатнинг ҳақиқий муроду мақсадини кимки билса, у мазкур мақсад йўлидаги оғишларни қоралай олади ва шундай қилиши зарур. Достоевский эса бундай ҳуқуққа шунинг учун ҳам эга эдики, унинг ўзи аввал-бошда шундай оғишларни бошдан кечирган, нотўғри йўлдан борган эди. Достоевскийни ижтимоий тафаккурнинг ҳукмрон оқимлари узра юксалтирган ижобий диний идеал унга осонлик билан насиб этмаган, аксинча машаққатли ва узоқ давом этган кураш натижасида қўлга киритилган. У ўзи билган аъмолларни қоралади ва шу боис бу адолатли қоралов бўлди. Олий ҳақиқат унга ойдинлашгани сайин у шунга мос равишда ижтимоий ҳаракатнинг сохта йўлларини яна ҳам қатъият билан қоралашни зарур эди.

Достоевский бутун фаолиятининг умумий мазмун-моҳияти ёхуд Достоевскийнинг жамоат арбоби сифатидаги аҳамияти мазкур иккиёқлама: жамиятнинг олий идеали тўғрисидаги ва унга эришишнинг ҳозирги йўли тўғрисидаги масалани ҳал қилиши билан боғлиқ.

Ижтимоий ҳаракатнинг қонуний сабаби шахснинг ахлоқий талаблари билан мавжуд ижтимоий тузум ўртасидаги зиддиятга бориб тақалади. Достоевский тасвирловчи, изоҳловчи-таҳлил қилувчи ва шу билан бирга янги ижтимоий ҳаракатнинг фаол иштирокчиси сифатидаги фаолиятини айни шу нуқтага назардан бошлаган. Ижтимоий адолатсизликни ҳам теран ҳис қилиш ҳатто жуда беозор шаклда бўлса-да, унинг дастлабки “Ғариб бандалар” қиссасида акс этган. Мазкур қиссанинг (шу жумлага кейинчалик ёзилган “Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар” романи ҳам кирди) ижтимоий мазмуни азалий ва ҳаммиша янги — долзарб фикрдан иборат бўлиб, мавжуд ижтимоий тузумда яхши (ахлоқан) одамлар жамият томонидан ёмон кимсалар сифатида қораланади, шу боис ғариб бандалар ҳақоратланиш ва хўрланишга маҳқум.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Виктор Гюгонинг “Les Miserables” асарида ҳам айни мавзу қаламга олинган; инсоннинг ботиний, ахлоқий кадр-қиммати ва унинг ижтимоий ҳолати ўртасидаги қарама-қаршилик. Достоевский бу романи жуда қадрлаган ва гарчи юзаки бўлса ҳам, Гюгодан таъсирланган (антитезаларга мойиллик). Пушкин ва Гоголдан ташқари унинг ижодига Диккенс ва Жорж Санд кучли таъсир кўрсатган. (Муаллиф изоҳи).

Башарти ижтимоий адолатсизлик Достоевский учун қисса ёки роман мавзуи бўлиши билан чекланганда, унинг ўзи ҳам фақат адабиётчи бўлиб қолар ва рус жамияти ҳаётидаги алоҳида мақомига юксала олмаган бўларди. Бироқ Достоевский учун қиссанинг мавзуи айни пайтда ҳаётий вазифа ҳам бўлди. У масалага ахлоқий ва амалий негиздан назар ташлади. Дунёда содир бўлаётган ҳодисотларни гувоҳи бўлиши ва қоралаши асносида нима қилиш керак, деган саволни ўз олдига қўндаланг қилиб қўйди.

Дастлаб оддий ва аниқ ечим кўзга ташланади: ўзгалар ва ўз ҳаётлари мисолида ижтимоий адолатсизликни кўрган ва ҳис қилган эзгу ниятли кишилар бирлашишлари, унга қарши чиқишлари ва жамиятни ўз хоҳишларига кўра қайта изга солишлари зарур.

Дастлабки ўта соддаларча уриниш Достоевскийни дор остига келтиргач, кейинчалик эса бадарғага гирифтор қилгач, сафдошлари каби у ҳам дастлаб ният-ўйларининг мана шундай ачинарли ҳолатга дучор бўлганини фақат ўзларининг мағлубияти ва зулм оқибати сифатида талқин қилдилар. Унга нисбатан бешафқат ҳукм чиқарилди. Бироқ ранжу алам Достоевскийга ижтимоий тўнтариш қилишга оид мулоҳазалари нотўғри эканини, бу фақат у билан сафдошларига зарур бўлганини тушунишга монелик қилмади.

Ўлик уй даҳшатлари орасида Достоевский биринчи марта онгли равишда ҳаққоний халқ кечинмалари билан юзма-юз бўлди ва унинг ёғдусида инқилобий интилишлари нотўғри эканини яққол кўрди. Достоевскийнинг сургундаги дўстлари аксарият оддий халқ вакиллари бўлиб, айрим беназир шахсларни ҳисобга олмаганда, уларнинг барчаси халқнинг яроқсиз тоифаларига мансуб эди. Бироқ оддий халқнинг яроқсиз тоифалари ҳам ҳатто энг яхши зиёлилар бой берадиган хислатни: Аллоҳга ишониш ва гуноҳкор эканини онгли идрок этиш фазилатини сақлаб қоладилар. Оддий жиноятчилар бемаъни қилмишлари билан оммадан ажралиб қолганига қарамай ҳис-туйғулари ва қарашларига, диний дунёқарашига кўра халқдан фарқ қилмайди. Ўлик уйда Достоевский росмана “ғариб” (халқона айтганда, бахтсиз, толесиз) бандаларни топди. У ортида, озодликда қолдириб келган зоти шарифлар ижтимоий адолатсизликлардан ор қилган ҳолда нажот топар, шахсий устунлик ҳиссиёти уларга таскин-тасалли берарди. Сургундаги маҳбуслар бундай таскин-тасаллига эга эмас эдилар, лекин ундан ҳам ортиқ алланарса уларни ҳаёт билан боғлар эди. Намунали зиёлилар ниманики тортиб олган бўлса, ўлик уйнинг бетайин бандалари Достоевскийга барчасини қайтариб берди. Агар маърифат намояндалари орасида диний туйғу қолдиги уни пешқадам ижодкорнинг шаккоклигидан қизаришга мажбур қилган бўлса, ўлик уйда мазкур туйғу тақдирга тан берган сургундагиларнинг художўйлиги-тақводорлиги таъсири остида қайта қад ростлади ва янгиланди. Черков унутган, давлат эса жабр-зулм ила эзган бу ғариб бандалар ҳамон черковга ишонар ва давлатни ҳам инкор этмасдилар. Сургундагиларнинг бебошликлари ва ваҳшийликлари ичра кечган ўта оғир лаҳзаларда Достоевскийнинг хотирасида кўрқиб кетган бойваччага меҳрибонлик билан далда берган деҳқон Марейнинг улугвор ва хокисор сиймоси қад ростлайди. Ва у мана шу Парвардигори оламга мансуб илоҳий ҳақиқат қаршисида ҳар қандай ясама “ҳақиқат” сохталигини, мазкур сохталликни бошқаларга сингдиришга уриниш эса жиноят эканини теран англади.

Омадсиз инқилобчининг аччиқ пушаймони ўрнига Достоевский ахлоқан қайта дунёга келган инсоннинг ёрқин кечинмалари билан сургундан қайтди. “Кўпроқ ишониш керак, сафларимиз яна ҳам жипсроқ бўлиши зарур, бунга меҳр-муҳаббатни ҳам эш қилсак, барча ўй-ниятларимизга етамиз”, — деб ёзганди у. Халқнинг ўй-ниятлари, кечинмалари билан ҳамроҳлик, ҳамдардлик натижасида янгиланган мазкур ахлоқий-маънавий куч-қувват Достоевскийни долзарб давр вазифаларининг хизматкори эмас, балки ижтимоий тафаккурнинг чинакам ҳаракатлантирувчи кучи сифатида ижтимоий ҳаракатимиз олдинги сафида юришдек юксак мартабага мушарраф этди.

Сибирдан қайтиб келганида ижобий ижтимоий идеал Достоевскийга тўлалигича аён эмас эди. Бироқ мазкур иш билан боғлиқ уч ҳақиқат унга кундай равшан эди: у аввало, айрим кишилар, ҳатто жамиятнинг энг пешқадам шахслари ҳам шахсий устунликлари эвазига жамиятга зўравонлик қилиш ҳуқуқига эга эмаслигини тушунди; у, шунингдек, ижтимоий адолат — ҳақиқат

айрим тафаккур соҳиблари томонидан яратилмаслигини, балки умумхалқ фикр-мулоҳазасига таянишини англади ва ниҳоят, мазкур адолат диний аҳамиятга — тусга эга эканини ва Исойи Масихга эътиқод билан, Исойи Масих идеали билан боғланган бўлиши зарурлигини теран идрок қилди.

Мазкур ҳақиқатларни англаш борасида Достоевский ўз даврида ҳукмрон ижтимоий тафаккур йўналишидан анча илгарилаб кетди ва шу туфайли мазкур йўналиш қай томонга бошлашини олдиндан кўрди ва кўрсатиб берди. Маълумки, “Жиноят ва жазо” романи бевосита Данилов<sup>1</sup> ва Каракозовларнинг суди арафасида ёзилган, “Жинлар” романи эса нечаевлар суд жараёни олдидан яратилган. Дастлабки роман мазмуни тафсилотлар гоят теран бўлгани ҳолда, гарчи уни кўпчилик тушунмаган бўлса ҳам, жуда содда ва равшан. Асарнинг бош қаҳрамони — шундай нуқтаи назар вакилики, унга кўра исталган кучли шахс ўзига ўзи хўжайин ва кўнглига келган ишни қилиши мумкин. Шахсий устунлиги боис, куч-қудрат соҳиби бўлгани туфайли ўзини қотиллик қилишга ҳақли деб ҳисоблайди ва қилади ҳам. Бироқ у ташқи бемаъни-нотўғри қонунларнинг шунчаки бузилиши ва ижтимоий ақидаларга нисбатан мардона қарши чиқиш деб ҳисоблаган иш қутилмаганда ўз виждони учун аллақандай ваҳимали тус олади, гуноҳга айланади, ботиний, ахлоқий ҳақиқатнинг кўпол бузилишига олиб келади. Ташқи қонун-қоидаларнинг бузилиши қонуний равишда зоҳиран сургун кўринишида қасосга дучор бўлади, лекин кучли шахсни инсониятдан ажратиб қўйган ва қотиллик қилишга мажбур этган ботиний такаббурилик гуноҳини, мазкур ботиний манманлик гуноҳини фақат бемаъни ўй-хаёллардан ботиний воз кечиш воситасида ювиш мумкин. Чексиз ўзбошимчалик инсонга нисбатан улугвор сиймо қаршисида барҳам топиши, гуноҳни ўзбошимчалик билан оқлаш эса илоҳий Тангри адолати қаршисида жиловланиши зарур. Чунки кучли шахс жирканч ҳашоратлар сифатида назарга илмаган содда ва заиф кимсалар сиймосида ҳам Парвардигори олам мужассам.

“Жинлар” романида айни мавзу чуқурлаштирилмаган бўлса-да, анча кенгайтирилган ва мураккаблаштирилган. Дунёни ўзлари хоҳлаганча ўзгартириш мақсадида ўравонлик билан давлат тўнтариши қилиш муддаосига берилган кишилар тўдаси ваҳшиёна жиноятлар содир этадилар ва шармандаларча нобуд бўладилар, эътиқод туфайли нажот топган Россия эса ўз Халоскори қаршисида таъзим қилади.

Бу романлар жуда катта ижтимоий аҳамиятга эга; уларда муҳим ижтимоий ҳодисалар башорат қилинган, бу воқеалар тез орада содир бўлди; айни пайтда мазкур ҳодисотлар олий диний ҳақиқат-адолат нуқтаи назаридан қораланган ва айни ҳақиқатга амал қилиш борасида ижтимоий ҳаракат учун мақбул йўналиш кўрсатилган.

Фақат жиноятчиликни урчиладиган ўзбошимча сохта-чалғиган ҳақиқат-адолатни тиқиштиришни қоралаш асносида Достоевский Исойи Масих эътиқодига асосланган халқона диний идеални унга қарши қўяди. Мазкур эътиқодга қайтиш Раскольников учун ҳам ва жамики жинлар йўлдан оздирган жамият учун ҳам муштарак йўналиш хусусиятига эга. Халқ орасида барқарор Исойи Масих эътиқоди шундай ижобий ижтимоий идеални ўзида жам этганки, унга кўра алоҳида шахс жамики омма билан бир тану жон ҳисобланади. Мазкур яқдилликни бой берган шахсдан эса аввало такаббуруна ёлғизликдан воз кечиб, ахлоқан покиза йўлга кирган ҳолда бутун халқ билан руҳий-маънавий жиҳатдан бир жону бир тан бўлиш талаб қилинади. Бундан қандай мақсад кўзланган? Фақат халқ бўлганию битта кимса ёки минг кишига нисбатан олтмиш миллион талай даражада кўп бўлгани учунми? Айнан шундай мулоҳаза юритадиган кимсалар бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бироқ Достоевский бу қадар содда тушунмаган. Яққаланган шахсдан халқ бағрига қайтишни талаб қилар экан, у аввало, халқ қалбида мудом барҳаёт чинакам эътиқодга қайтишни назарда тутган. Достоевский ишонган ижтимоий биродарлик идеали ёки ялпи бирдамликда миллий эмас, балки диний-ахлоқий аҳамият асосий жиҳат ҳисобланган. “Жинлар” романидаёқ фақат халқ бўлгани учун халқ қаршисида

<sup>1</sup> Данилов — Москва университети талабаси, аллақандай муҳим ниятлар билан судхўрни ўлдирган ва талаган. (Тарж.).



таъзим қиладиган ва рус миллатига хос бўлгани учунгина православ динини қадрлайдиган кимсалар масхара қилинади.

Достоевский назарда тутган ижтимоий идеалга битта сўз билан таъриф берадиган бўлсак, бу сўз халқ эмас, балки Черков бўлади.

Черковга Исойи Масихнинг гайритабиий, илоҳий танаси сифатида эътиқод қўйганмиз; биз, шунингдек, черков деганда у ёки бу динга эътиқод қилувчи тақводорлар йиғиладиган жой (Тангрининг байти – байтуллоҳ – *Таржимон*) кўз олдимизга келади. Лекин черков ижтимоий идеал сифатида қандай аҳамиятга эга? Ф. Достоевский бу борада бирон-бир илоҳий даъвони илгари сурмаган, шу боис унинг асарларидан черковга оид бирон-бир мантиқий таъриф қидириш ҳуқуқига эга эмасмиз. Бироқ, адиб черковни ижтимоий идеал сифатида тараннум этиш асносида тўлақонли аниқ ва равшан талабни ифодалаган, бу шу даражада аниқ ва равшанки (гарчи тамомила қарама-қарши бўлса-да), Европа социализми ҳам айни талабни илгари суради. (Достоевский шу боис сўнгги кундалигида халқнинг черковга ишонч-эътиқодини “рус халқига хос социализм” деб таърифлаган). Европалик социалистлар зўравонлик билан бойларни ҳам, камбағалларни ҳам моддий жиҳатдан бараварлаштиришни талаб қиляпти, давлатни ағдариб ташлашни ва жамият оддий иқтисодий уюшма негизида фаолият юритишини талаб қиляпти. Достоевский назарда тутган “русларга хос социализм” эса барчани руҳоний-маънавий биродарлик сифатида ахлоқий черков даражасига юксалтиради, гарчи ижтимоий тоифаларнинг ташқи тенгсизлиги сақланиб қолса ҳам, бутун давлат ва ижтимоий қурилишда Исойи Масих адолати ва ҳақиқати рўёбга чиқиши асносида руҳлантирилишини тақозо этади.

Черков ижобий ижтимоий идеал сифатида янги романнинг ёки қатор янги романларнинг марказий идеяси бўлиши керак. Ана шундай романларнинг ҳозирча фақат биттаси – “Ака-ука Карамазовлар” яратилди.

Агар Достоевский илгари сурган мазкур ижтимоий идеал шакли “Жинлар” романида тасвирланган замонавий намоёндаларнинг идеалига тамомила қарама-қарши бўлса, у ҳолда мақсадга эришиш йўллари ҳам бир-бирини инкор этади. “Жинлар” асарига зўравонлик, қотиллик йўли танланган бўлса, кейинги романда ахлоқий жасорат тараннум этилади ва ҳатто икки қарра содир этилган ахлоқий покланиш гоёси мадҳ қилинган. Шахсдан биринчи галда кўр-кўрона фикр-мулоҳазаларидан, ясама-сохта ҳақиқатдан ялпи, умумхалқ эътиқоди ва адолати йўлида воз кечиш талаб қилинади. Халқ эътиқоди қаршисида шахс таъзим бажо келтириши керак, лекин халқона эътиқод бўлгани учун эмас, балки адолатли, ҳаққоний эътиқод бўлгани боис таъзим қилиши лозим. Башарти шундай экан, у ҳолда халқ оммаси ҳам ўзи ишонадиган айни эътиқод йўлида феъл-атворидаги диний эътиқодга зид иллатли хусусиятлардан воз кечиши зарур.

Эътиқодли бўлиш халқнинг афзаллигини таъминламайди, худди шундай эътиқодли шахс ҳам бошқалардан устун бўлиши мумкин эмас. Ҳақиқат-адолат фақат самовий бўлади ва халқдан мазкур самовий-илоҳий адолат-ҳақиқатга, лоақал ва ҳатто шубҳасиз миллий манманлигини қурбон қилиш эвазига ҳам хизмат қилиш жасорати талаб қилинади.

Шундай қилиб, черков ижобий ижтимоий идеал сифатида, жамики фикр-мулоҳазаларимиз ва аъмолларимизнинг негизи ва мақсади сифатида мазкур идеални рўёбга чиқаришнинг бевосита йўли тариқасида халқ жасорати ҳисобланади – Достоевский англаб етган ҳақиқат шундан иборат эди ва айни ҳақиқат унинг бутун ижодий фаолиятини пайгамбарона ёғду билан ёритган.

*Русчадан  
Абдуҳамид ПАРДАЕВ  
таржимаси*

## “Минг бир қиёфа” талқини

**У**шбу мақолада ёзувчи Омон Мухторнинг “Тўрт томон қибла” трилогиясига кирувчи “Минг бир қиёфа” романини жаҳон бадиий аъёнлари мезонлари асосида таҳлил қилишни мақсад қилиб қўйдик. Мазкур иш бошқа хорижий адабиётларга хос бадиият олами баҳолашга уриниш ва атрофдан ўзимизни кузатиб, кимлигимизни билиб олишга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Роман қурилишининг ўзига хос ҳикоявий услуби асар композицияси мураккаблигидан далолатдир. “Минг бир қиёфа” романи “Тўрт сурат”, “Олисдаги одам”, “Афандининг болалиги” деб номланган учта масал-ҳикоятдан ташкил топган. Масал-ҳикоятнинг ҳар бири мустақил мазмун ва мавзуга эга бўлиб, шоир Абдулла Ҳакимнинг шахсияти ҳамда шеърлари уларни бирлаштиради. Бундан ташқари бу масал-ҳикоятлар ёзувчининг ахлоқий-фалсафий қарашларини ифодаловчи асосий воқеага айланади. “Минг бир қиёфа” романида Омон Мухтор эпик ҳикоянавис ва масалчи сифатида майдонга чиқиб, истеъдодли шоир Абдулла Ҳакимнинг маънавий олами ҳақида тасаввур уйғотади ҳамда афсонавий “Тарих ва маданият” ташкилотининг йўқ бўлиб кетиш сабабларини кўрсатиб беради. Бундан ташқари, “Минг бир қиёфа” асарига Абдулла Ҳакимнинг машҳур Насриддин Афанди ҳамда Раҳимшоҳ ва унинг ўғли Раҳим Иккинчи тўғрисидаги шеърлари ва ривоятлари ҳам киритилади. Таъкидлаш лозимки, Омон Мухтор мавжуд афсона ва ривоятларга шунчаки ишлов бериб қолмасдан, балки ривоятларни яратувчи ижодкор, муаллиф сифатида иш кўради.

Муаллиф романининг биринчи саҳифалариданок ўз қаҳрамонлари ҳаётидаги мураккаб қийинчиликларни изчил ҳикоя қилиш йўли билан ўқувчини ўйга толдиради, фикрлашга чорлайди. Сиртдан оддий кўринса-да, аслида мураккаб, мушоҳадага ундайдиган бундай усул ёзувчини ўзига хос изланишлар йўлидан кетаётган санъаткор эканлигини намён этади.

Таниқли испан файласуфи, кўзга кўринган эссенавис Хосе Ортега-и-Гассет замонавий эстетик нуқтаи назарларга асосланиб роман жанри табиати хусусида ёзади: “Шундай мавзуда ёзилган айрим асарларда иштирок этувчиларнинг саргузаштлари ёки

қизиқарли тақдирлари эмас, балки ана шу шахсларнинг бевосита иштирок этишлари муҳим рол ўйнайди. Уларга қараш, ички оламига кириш, бир ҳаводан нафас олиш, улар муҳитига сингиб кетиш учун хаёл денгизига сузиш биз учун жуда ҳам ёқимли...” Кўрамизки, Ортега вақт ўтиши билан модернизм дея ном олган энг янги санъатга хос айрим йўналишларни аниқ белгилаб беради. Унинг сўзларини Омон Мухтор романига тўла тадбиқ этиш мумкин.

Асардаги биринчи масал-ҳикоя “Тўрт манзара” деб номланади. Дастлабки кўриниш ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган шоир Абдулла Ҳакимнинг ҳалокатли ўлими билан бошланади. Навбатдаги (“Парвоз”) да Абдулла ўлгандан кейин руҳининг фоний дунёдаги саргузаштлари ҳикоя қилинади. Учинчиси (“Гўр азоби”)да Абдулла руҳининг қабрга қайтиши ва шу ердан туриб бемаъни ташқи дунёни кузатиши қаламга олинади ва тўртинчиси (“Сўнги кун”) да эса руҳнинг дўзахга тушиши ва унинг бу ердаги кейинги саёҳати акс эттирилади.

Асар воқеаларининг ривожланишидан шу нарса ойдинлашадики, Абдулланинг тарихи аслида ўлимидан кейин бошланади. Унинг руҳи танадан ажралар экан, ўзининг мустақил ҳаётига қадам қўяди, аввал борлик дунёда саёҳат қилади, сўнгра ёзувчи уни ҳақиқатда йўқ дунё – қабрга, кейин эса, дўзахга кўчиради. Ана шу ҳолатни тасвирлаш учун ёзувчи нафақат Шарқ фольклорида, балки жаҳондаги барча халқлар афсоналарида кенг учрайдиган ҳамда ўз моҳиятига кўра ғаройиб манбаларга эга бўлган эврика усулидан фойдаланади. Муҳими шундаки, адиб тирик Абдуллага хос ўй-фикрларни унинг руҳида ҳам сақлаб қолишга муваффақ бўлади.

Ёзувчи Абдуллани танийдиган, билладиган кишиларнинг муносабатларини тасвирлашга ҳам катта эътибор беради. Абдулла ўлгандан кейин танишларидан ҳеч бири майитнинг юзига диққат билан қарашни ҳаёлига келтирмайди ҳам. Улар тобутда бошқа одам ётганлигини пайқашмайди. Марҳумнинг киссасидан топилган тақлифнома ва Бурҳон номига ёзилган гувоҳноманинг борлиги Абдуллани Бурҳон деб қабул қилиш учун кифоя эди. Унинг руҳи танадан чиқиб кетиши ҳамона у

кутилмаганда одамларнинг лоқайдлиги ва тошбағирлигига гувоҳ бўлади. Ёзувчи таҳқирланган рухнинг ўйларини қаламга олар экан, шундай дейди: “Гап шундаки, яхшими, ёмонми – ҳар кимнинг ўз гўри-кафани бор. Ахир қандай бўлмасин, тупроққа топширгунларича одамлар Абдулла Ҳаким деган киши ҳам дунёда яшаб ўтганини билишлари керак-ку! Дунёда ўз исми билан кетишдек оддий бир насибага, нахотки, у ҳақли эмас!”.

Кўриб турганимиздек, Абдулла учун энг оғир ва изтиробли хорланиш очинтўқин қолиб кетиш, уй-жойсиз, оиласиз яшаш ва ҳатто жиноятчиларнинг уриб-таҳқирлашлари эмас, балки бошқанинг номидан ўлимга маҳкум этилишидир.

Омон Мухтор Абдулла учун шундай вазият яратар экан, инсон қандай ҳолатга тушишдан қатъи назар, у ўзининг “мен”идан мосуво бўлмаслиги керак, деган чуқур фалсафий тўхтамга келади. Асарда Абдулла Ҳаким образи орқали инсоннинг ўзи ўздан бегоналашиб кетиши, ўзлигини сақлаш муаммоси, “мен”ини асраб қолиши каби ҳозирги замонга хос қилдий масалалардан бирини таҳлил қилади. Ушбу гоё асарнинг асосий мағзини ташкил этади. Исминини йўқотган ва натижада ўзи ўздан бегоналашган Абдулла Ҳаким ҳақидаги ҳикоятлар интеллектуал таъсирчанлиги ва ҳис-туйғуларга бойлиги билан ўқувчини ром қилади. Дастлабки хатого қаҳрамоннинг ўзи йўл қўяди: яъни у бегона исмдан фойдаланар экан, ҳатто бундан фахрланади ҳам. Инсон ҳеч қанақа ёмонлик қилмаслиги, ҳеч кимга зарар етказмаслиги мумкин, бироқ, ўзини ҳақир деб ҳис қилиши унинг учун кечирилмас ҳолдир. Аслида у ўз-ўзига хоинлик қилади ва шу билан ўзига жазо орттириб олади. Бу – одам ўзлигидан ва “мен”идан жудо этилса, фалокатга гирифтор бўлади, дейиш билан баробардир. Роман матнига киритилган шеърлар ҳам ўқувчига ҳар сафар Абдулланинг катта истеъдоди борлигини эслатиб туради ҳамда муаллифнинг фалсафий фикрларини тасдиқлайди.

Абдулланинг руҳи жиноят содир этилган жойда, танаси парчаланиб ташланган ўликхонада, унинг жонига тегиб кетган ёз яхшими ёки қиш сингари гап-сўзлар айтиладиган ишхонада, қоғозларга сероб муассасада, қачондир Абдулла ҳаёт деб атаган ҳовлиқишларга тўла жойда бўлади. Кейинчалик у Абдулла туғилиб ўсган, лекин ҳеч ким унинг ўлими хабарини эшитмаган кадрдон қишлоғига боради. Бурхоннинг уйига киради. Абдуллани Бурхон ўрнида қабул қилганликлари, уни ҳеч ким танимаганлигига қарамасдан, бу ҳолат тантанали кўмиш маросимини ўтказишга халақит бермайди.

Шунга қарамасдан, “Тўрт томон қибла” трилогиясига кирувчи “Минг бир қиёфа” романи тагсарлавҳага кўра “Шарқ дафтари” деб номланади ва бу

асар руҳи шарқ анъаналари билан уй-ғунлашиб кетади. Асарда жаҳон, жумладан, Фарб адабиётига хос анъаналар нафаси сезилиб туради. Масалан, Абдулла руҳининг қабр тирқишидан борлиқнинг кузатиш ҳолати Ф.Кафканинг “Эврилиш” ҳикоясига жуда ўхшаб кетади. Унда асар қаҳрамони Грегор Замза кутилмаганда ҳашаротга айланиб қолади ва каравот тақидан ўз оила аъзоларининг хатти-ҳаракати ҳамда бемаънилиқлар ўраб турган оламни кузатади. Аммо у зоҳиран қирқ-оёқли бўлиб қуринса-да, ботинан ўзлигича, яъни итоатли ўғил, суюкли ака, шунингдек, тиришқоқ хизматчи сифатида қолаверади. Замза ташқи олам ва оила аъзолари билан алоқаси узилган, умидсиз аҳволдалигини тушунмайди, шунга қарамасдан, у ишга кечга қолишдан қўрқиб, шошади, беҳуда уринади. Абдулланинг руҳи ҳам худди шундай ўзини тутиб, майит ётган хонада шеърлар ўқийди...

Омон Мухтор “Минг бир қиёфа” романида ўз қаҳрамонини айнан “қулдек бўйсинувчанлиги ва итоаткорлиги” учун жазолайди.

Муаллифнинг фикрича, Абдулланинг энг катта хатоси шундаки, у Худо ато қилган умрни арзимасдан нарсаларга сарфлаб, мақсадсиз яшади, уни ўзларини ҳаётнинг “хўжайнлари” деб билган кишиларга бош эгиш билан маъносиз ўтказди.

Омон Мухторнинг романида реал воқелик билан фантастика, жаҳон, Фарб ва Шарқ адабиёти анъаналари руҳи билан суғорилгани алоҳида аҳамият касб этади.

Аммо Омон Мухтор асарларидаги афсона – ҳақиқатда бўлмаган таркибий қисмлар бир томондан персонажларнинг ҳаёти бемаъни, тутуриқсиз эканлигини таъкидлашга чақиради.

Бошқа томондан афсоналардан фойдаланиш Абдулланинг ўз исминини, “мен”ини, ҳаётда мавжудлигини ва ниҳоят, ўз эркини йўқотишини дама ёрқинроқ бўёқларда тасвирлашга хизмат қилади. Одамнинг ўз “мен”ини йўқотиш мавзуи Гоголнинг “Бурун” қиссасида ҳам учрайди.

Романга киритилган иккинчи ҳикоят – “Олисдаги одам” яқиндагина шўро даврида бўлиб ўтган воқеаларни ёритишга бағишланади.

Мазкур ҳикоятда ёзувчи кичиккина Мулқобод шаҳарчасида рўй берган ғалати воқеа ҳақида ёзади. Шаҳарча шунчалик кичик эдики, унда фақат 4–5 та митти ва биргина катта кўча жойлашган эди. Бу ернинг энг диққатга сазовор жойларидан бири – катта, тўққиз қаватли мрамардан тикланган иморат ичида жойлашган “Тарих ва маданият” деб номланувчи нуфузли ташкилотнинг борлиги эди. Энг ҳайратланарли томони шундаки, бўрон пайтида кучли шамол гарчанд атрофдаги биронта дарахт ёки эски иморатларга тегмаса ҳам фақат шу тўққиз

каватли мрамарли бинони бутунлай номаълум тарафга учириб кетади. Хайрон қолдирадиган жиҳат шуки, шаҳарда яшовчиларнинг биронтаси бу ҳодисага ҳатто эътибор ҳам бермайди.

Ушбу ҳолатда О.Мухтор ўқувчини ўзига хос ўйинга жалб этиб, уларга кунлардан бир кун кучли шамол “Тарих ва маданият” нуфузли ташкилоти биносини саҳрога улоқтириб ташласа-чи, деган саволни беради.

Омон Мухтордаги ўзига ҳослик шунда кўринадики, у бинонинг ғойиб бўлганига боғлиқ ўзгаришигина кузатиб қолмай, балки ўзига хос ўйинни давом эттириб, ўқувчини бинода жойлашган ташкилот ичига олиб кириб, борлиқдан ажралиб қолган, янаям тўғри маънода айтганда саҳрода пайдо бўлиб қолган бино ичкарисидан нималар бўлаётганини ўз кўзлари билан кўришга даъват қилади. Ёзувчи мажозий тасвир воситасида ҳақиқий тутуриқсиз ҳолатни юзага келтиришга муваффақ бўлади: шамол номаълум томонга учириб кетган бинода фаол ишчанлик давом этади. Ҳар бир ходим иш жойида “виждонан” ўз вазифасини бажаради. Улар ҳатто фавқулодда ҳодиса рўй берганини пайқамайдилар ва сезмайдилар ҳам. Аста-секин, асар воқеалари ривожланиб боргани сайин ёзувчининг истеҳзоси оқори босқичга кўтарилди. Узоқ давом этган қидирув ва жон койитишлардан кейин, ниҳоят Садиржон севган қизи Гулҳуморни топади ва табиийки, унга бу ишдан кетиш ҳамда уйга қайтишни таклиф этади. Садиржон ушбу бинони қидириб топгунича, мазкур ташкилотда иш ўз навбати билан кечаверади. Ташкилотнинг бош директори Кабировнинг тўсатдан вафот этиши сабабли, Гулҳумор котибалик вазифасидан бошқа лавозимга ўтказилади. Садиржон Гулҳуморга бу ташкилот катта ердан, одамлардан ажралиб, яққаланиб қолганини тушунтиришга ҳаракат қилар экан, илтижо билан уни уйга қайтишини сўрайди. Бироқ, нафақат ташкилот, балки Гулҳуморнинг ўзи ҳам аслида йўқ оламда яшаётгани куйидаги жавобдан маълум бўлади: “Мен бу ташкилотни ҳеч кимга ишонмайман... Ҳали охирига етказилмаган ишлар жуда кўп, масалан, ҳали қудуқ ва ҳовузлар масаласини бир ёқлик қилганимиз, баъзи эски мачитларни бузиб ташлоганимиз йўқ...”

Ёзувчининг тасвирлашича, Гулҳумор ҳатто қум устида турса-да, ҳаётдан узилиб қолганини сезмайди ва ўзининг “хайрли” ишларини тиришқоқлик билан давом эттираверади.

Агар биринчи ҳикоят – “Тўрт сурат”-да ёзувчини одамларнинг инсонга ва

унинг шахсига нисбатан бефарқлиги ва тошбағирлиги безовта қилган бўлса, юқоридаги ривоятда ижодкорни ўз даврида шафқатсизларча йўқ қилинган бутун миллий маданиятнинг ҳолати ташвишлантираётгани кўриниб турибди. Омон Мухтор ижоди ўзига ҳослигини тан олиш керак. Дарҳақиқат, у ўзбек адабиётшунослигининг биронта қонун-қоидалари билан ўлчаб бўлмайдиган услубда ёзади. Унинг ижоди, насрий асарлари кўп тармоқли ва кинояларга бойдир. Омон Мухтор яратган образлар ҳозирги кунда ҳам кўпчилик ўқувчилар учун жумбоқдек туюлади. У ривоят ва афсона, мақол ва маталлардан ҳикмат йиғади, сўнгра уларнинг ҳар бири такрорланмас овозга эга бўлган қаҳрамонлар – кичик ва бемаъни кўринган одамларни тасвирлаётганда фойдаланади. Омон Мухтор бу ижодий вазифаларни ҳал қилишда халқ оғзаки ижоди ва ривоятларига суяниб иш қўради. Улар ҳар доим сохта расм-русумлардан холи. Бунга романнинг учинчи қисми – “Афандининг болалиги” ёрқин мисол бўла олади. Унда ҳам адиб ҳақиқий ижод муаммолари устида бош қотириб, илм, истеъдод ва сохта фан, санъат ва қалбаки санъат ҳақида фикр юритади. Мухими шуки, бу ўринда ҳам унинг услуби хилма-хиллик касб этади. У шеърлар, кичик ҳикоялар, ривоят, масаллардан унумли фойдаланиш билан бирга, таклид, истеҳзо, кулги, афсона каби воситаларга ҳам мурожаат этади. Пировардида буларнинг ҳаммаси асарнинг кўп тармоқли ва услубий хилма-хиллигини таъминлайди. Бир вақтнинг ўзиде образларни икки маконга сиғдириш – О.Мухтор романининг ҳам реаллиги ва ҳаёлийлиги, ҳам оригиналлигини таъминлайди. Афсона билан фоживий ҳолатларнинг қўшиб олиб борилиши эса жаҳон бадийи адабиёти анъаналарига мос ҳолда талқин қилинади. Романнинг ҳар бир қаҳрамони образи ҳар хил ва кўп қиёфали, уларнинг қиёфалари бирданига эмас, аста-секин мазмуннинг ривожланиб боришига қараб ўзгаради. Шу боисдан ҳам роман “Минг бир қиёфа” деб номланади.

Омон Мухтор романининг бадийи ўзига ҳослигини таъмин этган муҳим омилларидан бири – у ҳозирги жаҳон бадийи адабиёти билан кўп асрли маданиятимиз, бебаҳо кадритларимизга хос анъаналарни қўшиб олиб бориш натижасидир. Биз Шарқ ва Ғарб бадийи адабиёти намуналари умумлашган, синтезлашган даврларда ажойиб гўзал асарлар яратилганига гувоҳ бўлган эдик.

Омон Мухтор ҳам ўз романларида ана шу анъанани давом эттириш йўлидан бормоқда.

*Муҳаббат ШАРАФИДДИНОВА,  
филология фанлари номзоди*

## Маърифат қалдирғочларидан бири

**М**амлакатимизнинг XIX аср охири ва XX аср бошларидаги мураккаб тарихини ўрганиш Туркистондаги барча йирик шаҳарларда ва Бухорода аҳолининг миллий онгини уйғотиш ҳамда миллий мафкура гоёсини тарқатиш учун катта хизматлар қилган жадидлар фаолиятини тўғри ёритиш масалалари билан бевосита боғлиқ. Шу мақсадда мазкур мақолада XX аср бошида Ўзбекистонда халқ таълимини ривожлантириш тарихига доир айрим муаммоларга тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, Октябрь тўнтаришидан кейин ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллаб олган большевиклар ички ва ташқи омиллар таъсирида эски миллий зиёлиларни ҳамда вояга етиб келаётган янги авлод вакиллариини сиёсий-ижтимоий-иқтисодий фаолиятга жалб этишга мажбур бўлдилар. Сабаби, асрлар оша шаклланиб келган миллий-маънавий, диний қадриятларга таянмасдан туриб, туб аҳоли орасида обрў-эътибор қозониш ҳам, асл мақсадларини амалга ошириш ҳам мумкин эмас эди. Ана шу мақсадда совет ҳокимияти биринчи навбатда маориф ва мактаб таълимини қўлга олишга катта эътибор берди. Бу борада Туркистонда совет ҳукуматининг дастлабки йилларида бир қанча жиддий тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, халқ таълимининг анъанавий усулларини қисқартириш ва Ислом аҳкомларига таянган эски таълим тизимини йўқотиш учун куйидагаи вазифаларни бажариш қаттиқ талаб қилинди:

- Содда, ҳаммага тушунарли бўлган араб графикаси асосидаги ўзбек алифбосини ислоҳ қилиш, араб графикасидаги баъзи бир ҳарфларни қишлоқ ва шаҳар шеваларига мослаб соддалаштириш. Бу янги таълим тизимига хос услубиётнинг асосини ташкил этар эди.

- Ўқувчиларга билим бериш учун янги талабларга мос келадиган дарслик ва қўлланмалар яратиш, катталар учун ҳам алифбо қўлланмаси тузиш.

- Мактаб ёшидагилар ва катталар учун янги услубий қўлланмалар ва кўргазмали воситалар ишлаб чиқиш.

- Қисқа муддатда малакали муаллимлар тайёрлаш.

- Янги типдаги мактаблар қуриш.

Жуда кўп қабил зиёлилар қатори таниқли маърифатпарвар Шокиржон Раҳимий ҳам мазкур ишларга жалб қилинди. Бу масъулиятли вазифани бажариш учун Шокиржон Раҳимий араб алифбосини ҳозирги замонга мослаб соддалаштириш, шунга мувофиқ ҳарфларнинг ёзилишини ҳам осонлаштириш, ўзбек адабий тилини қишлоқ ва шаҳар шеваларига мослаштириш лозим деган талабни илгари сурди.

“Савод чиқаришнинг калити алифбодадир” деб ҳисоблаган Ш.Раҳимий ана шундай дарслик яратишга киришди ва тез орада “Совға” деб аталган алифбо қўлёзмасини яратди. Янги усулдаги бу алифбо ҳалигача мутахассис олимлар эътиборидан тушмай келади. (Бу борада Сотимхон Холбоевнинг ишлари диққатга сазовор). Шу муносабат билан куйидагиларни таъкидлаш зарур:

“Совға” алифбоси араб графикаси асосидаги биринчи алифбо ҳам ёки унинг илк варианты ҳам эмас. Бу борада татар олимлари ва жадид маърифатпарварларининг, жумладан Мунаввар Қорининг (1906) дарсликлари мавжуд эди. “Совға” алифбосини тузишда 1907 йилда очилган “Раҳимия” мактаби ҳамда Ш. Раҳимийнинг шахсий педагогик тажрибаси асосий таянч воситаси бўлиб хизмат қилди.

Болалар учун биринчи китобни тузишда у Мунаввар Қори, Маҳмудхўжа Бехбудий, Ашуралӣ Зоҳирӣ, Элбек, Ғози Олим, Қаюм Рамазон, Авлоний, Гаспиралӣ ва бошқа машҳур жадидлар ҳамда Европа маърифатпарварларининг илмий-услубий асарларидан фойдаланди.

Мазкур дарслик 1924 йилда ўз даврининг таниқли олим ва педагоглари томонидан муҳокама қилиниб, маъқулланди. Бухорода ўтказилган маслаҳат кенгаши қарори асосида у ниҳоятда зарур дарслик деб эътироф этилди. Ўша даврнинг машҳур зиёлиларидан бири Сулаймон Азим шундай деб ёзган эди:

“Совет тузумининг биринчи кунларидан бошлаб, то 30-йилларнинг охиригача ёшۇ қари Шокиржон Раҳимийнинг дарслиги тўфайли саводхон бўлди. Бу дарслик бир неча марта қайта нашр этилди. “Совға”да болалар руҳиятига мос кичик мақолалар ва ҳаётий лавҳалар берилган”.

1919–1936 йилларда ҳам Шокиржон Раҳимий кўплаб дарсликлар яратди, бошланғич мактабларнинг барча синфлари учун тил-имлога қўлланмалар тузди. Бундай китобларнинг сони ўнтадан ортиқ эди.

Шокиржон Раҳимий боланинг миллий онгини уйғотиш ва уни миллий анъаналар руҳида тарбиялашни биринчи синфдан бошлаб амалга ошириш зарур деб ҳисобларди.

“Совға”лар такомил қиладир” мақоласида (“Аланга” журнали, 1927 йил, 6-сон)у шундай ёзади: “Болаларнинг онгига миллий руҳ алифбо орқали сингдирилиши керак”.

Ўша давр болаларининг тайёргарлиги ва тасаввурларини ҳисобга олган ҳолда у кишлоқ ва шаҳар болаларига алоҳида-алоҳида алифбо дарсликлари яратди. Шунингдек, катталарнинг саводхонлигини оширишга қаратилган махсус қўлланмалар тузди. Бу китоблар “Ўзбекистон Миллий Шўроси китоблар комиссияси”нинг 1930 йил 23 июндааги қарорига асосан нашр этилган эди.

Моҳир педагог 1926 йилда “Ўзбек ишчи-деҳқонларининг календари” тақвимини ҳам тузди. У янги таълимий асарлар яратиш жараёнида маърифатпарварлик ғояларини илгари суришга, миллий тилни юксалтиришга, миллий маданият ва дунёқарашни, қадимий анъаналарни сақлашга ҳар доим катта аҳамият берган эди.

20-йилларнинг ўрталарига келиб, мактабларнинг 1- ва 2-босқичлари учун бир қатор бошқа дарсликлар ҳам эълон қилинди. Уларнинг кўпчилиги русча дарсликлардан сўзма-сўз қилинган таржималар эди. Авлоний, Фитрат, Элбек, Ш.Раҳимий ва бошқа етук миллий зиёлилар бу ҳаракатнинг салбий жиҳатларини тез тушундилар ва янгидан ёзиладиган дарсликлар миллий руҳда бўлиши ҳамда халқнинг миллий онгини, маданиятини юксалтиришга, миллий тилни ривожлантиришга хизмат қилиши керак деган фикрни илгари сурдилар.

Ш. Раҳимий мактабдаги таълим жараёни моҳияти ҳақида шундай ёзади: “Мактаб болаларни фақатгина ўқитиб қолмай, уларнинг маънавий дунёсини ва жисмоний қувватини ривожлантириши, дунёқарашини миллий қадриятлар, тарихий анъаналар руҳида шакллантириши, ўз Ватанини юракдан севган фаол фуқароларни тарбиялаб етиштириши зарур”.

Ўқувчилар онгида миллий дунёқарашни шакллантириш унинг асосий ғояси эди. Олимнинг ҳаётий ва илмий фаолияти мазмунини “Туркистон шўролар жумҳуриятидаги маорифпарвар ёшларга хитоб” дастурида очиқ кўриш мумкин.

1923 йилда Мунаввар Қори раҳбарлигида “Нашри маориф” жамияти ташкил этилди. Ш.Раҳимий бу жамиятнинг Тошкент вилояти Эски шаҳар бўлимини бошқарди ва Боку ҳамда Германияга иқтидорли ёшларни ўқишга жўнатиш ташаббускорларидан бири бўлди. Эски мактабларни ва “Исҳоқия” кутубхонасини таъмирлашда унинг хизмати катта.

Ш.Раҳимий қатор илмий жамиятлар ва кўмиталарнинг фаол аъзоси сифатида ҳам танилган эди. У Туркистон табиий ёдгорликлари, санъат, тарих, шунингдек, музей ишлари комиссиясининг аъзоларидан бири эди.

Ш.Раҳимий 1918–1924 йилларда эски шаҳар маориф бўлимини бошқарди, сўнг Тошкент вилояти маориф бўлимига раҳбарлик қилди. У 1920 йилда мусулмонлар университетининг ташкил топишида ҳам фаол иштирок этди ва Мунаввар Қоридан кейин бу илм масканига раҳбарлик қилди.

Тошкентдаги биринчи Аёллар Педагогика билим юрти бевосита унинг ташаббуси билан очилган эди. 1922 йилда Халқ таълими Республика кўмитасининг йўлланмасига мувофиқ у Тошкентдаги ишчилар факультетида

директор лавозимида ҳам ишлаган. Бу ўқув даргоҳи жуда кўп ёшларнинг олий ва малакали таълим олишига ёрдам бергани маълум.

Шокиржон Раҳимий 1928 йилда Маориф институтини ҳам бошқарди, “Ўзбекистон” нашриётида бўлим бошлиғи ва муҳаррир лавозимида ишлади, 1930 йилда эса Москвага хизматга жўнатилади. Халқ таълими комиссариатининг йўлланмаси билан маориф ва театр гуруҳининг раҳбари этиб тайинланди. Бу гуруҳда таниқли ўзбек артистлари ва маданият арбоблари Аббор Ҳидоят, Маннон Уйғур, Сора Эшонтўраева ва бошқа санъат намояндалари таълим олганлар.

Олим Москвадалиги вақтида Мунаввар Қори бошчилигидаги бир гуруҳ жадидлар қамоққа олинади. Ш.Раҳимий Тошкентга қайтгандан кейин унинг устидан ҳам тергов бошланади. Таниқли маорифчи 1938 йил август ойида Давлат хавфсизлиги кўмитаси томонидан қўлга олинади ва 1938 йил 5 октябрда СССР Олий Судининг 58 (давлат тўнтариши), 64 (террористик акт), 67 (контрреволюцион ташкилотда қатнашгани учун) моддаларига асосан, жиноий жавобгарликка тортилади ва отишга ҳукм этилади.

Таниқли иқтисодчи Ҳикмат Собиров шундай хотирлайди: “Янглишмасам, 14 ёшимда 1937 йил 18 июлда амакимни Тахтапулдаги уйимиздан олиб кетишди. Яна уйимиздаги китоблар ва қоғозларни ҳам мусодара қилишди. Дадамнинг сафдошлари, ҳамфикрлари Абдулла Қодирий, Элбек, Фитрат, Чўлпон, Ғози Юнусларнинг ҳаммаси бир кунда ҳибсга олинган. Ш.Раҳимий ва унинг маслакдошларига нисбатан фақат тўхматдан иборат сохта айблар кўйилган.

Ўзбек миллий мактабшунослигининг асосчиларидан бири, жуда кўп дарсик, қўлланмалар муаллифи, фидойи маорифчи Шокиржон Раҳимий ноҳақ тузум қурбони бўлди”.

Ш.Раҳимий сингари фидойи шахслар истиқлол ва мустақиллик ғоялари йўлида курашган эдилар. Афсуски, улар эзгу мақсадларини амалга ошира олмадилар.

Хужжатларнинг гувоҳлик беришига кўра, 1937–1939 йилларда Ўзбекистонда 6920 та шахс айбсиз қатл этилган. Шулардан 1571 киши адабиёт, маориф ва маданият соҳасининг таниқли вакиллари эдилар.

Зулмат қанчалар қоронғи бўлмасин, ёруғлик барибир тантана қилади. Ниҳоят, юртимиз мустақилликка эришди, адолатсизликлар барҳам топди. Халқимиз ўз қадр-қимматини, маънавий қадриятларини англашга ва ардоқлашга ўрганди.

Миллий руҳ билан сугорилган дарелик ва қўлланмалар яратиб, ёш авлоднинг маънавий дунёсини шакллантиришга, ўзлигини англантишга, маданиятимизни юксалтиришга катта ҳисса қўшган Шокиржон Раҳимий сингари фидойи инсонларнинг порлоқ хотираси миннатдор авлодлар қалбида барҳаёт яшайди.

*Наргиза СОБИРОВА,  
Ўзбекистон Миллий университети  
аспиранти*

## **АЗИЗ ЎҚУВЧИЛАР!**

Журналимизнинг 2009 йилги сонларида  
қуйидаги асарлар билан танишасиз:

Сидни ШЕЛДОН (АҚШ) **Тақдир тегирмони.** *Роман.*  
Баграт ШИНКУБА (Абхазия). **Кетганларнинг сўнггиси.** *Роман.*  
Торнтон УАЙЛДЕР (АҚШ). **Авлиё қирол Людовик кўприги.** *Қисса.*  
Фарҳод ЖИЛОН (Хитой). **Маҳмуд Кошғарий.** *Роман.*  
Луис БОРХЕС (Аргентина). **Ҳикоялар.**  
Самуил АЛЁШИН (Россия). **Йўқ, ўлмайман мен буткул.** *Драма.*  
Болеслав ПРУС (Польша). **Фиръавн.** *Роман.*  
ПРЕМЧАНД (Ҳиндистон). **Севги инъоми.** *Роман.*  
Пол АНДЕРСОН (Франция). **Коинотга салиб юриши.** *Роман.*  
Холида ИСРОИЛ (Хитой). **Кўп қор ёққан қиш.** *Қисса.*  
АНОР (Озарбайжон). **Ҳикоялар.**  
Рашод Нури ГУНТЕКИН. (Туркия). **Ҳикоялар.**  
Юрий РИТХЭУ (Чукотка). **Мангу музликнинг охири.** *Роман.*  
Фредрик ДАР (Франция). **Қабиҳнинг қаҳри.** *Қисса.*  
Жан-Мари ЛЕКЛЕЗИО. (Франция). **Диего Вафрида.** *Роман.*

Булардан ташқари, Ғарб ва Шарқ шеъриятидан намуналар,  
фалсафий ва тарихий мақолалар, адабий-публицистик  
тадқиқотлар билан ҳам танишиб борасиз.

**«ЖАҲОН АДАБИЁТИ»** журнаliga 2009 йил учун обуна давом  
этмоқда.

**Индекс:**

**Якка тартибда – 828.**

**Ташкилотлар учун – 829.**